



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

7

1989

58-йил чиқиши

Бош муҳаррир


Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Сайд АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУҲТОРОВ
(наср бўлими мудири)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ
Гулчехра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Асқад Мухтор

ТАҚДИР КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Ҳикоя

Қулаҳмаднинг ҳушёрхонадан чиқадиган куни эди. Зулукдайгина мўйлов қўйган ёш лейтенант уни хонасига чақирди-ю, бундай пайтда қиладиган «ўғит-насиҳат»ини бошлаёлмай, тимискиланиб қолди. Столидаги қоғозларни йиғиштирди, кечасиги навбатчилар булғаб кетган кулдонни қаёққа тўкишни билмай, ноилож қайтиб жойига қўйди. У ҳамон ғашига тегарди шекилли, тағин олиб стол тагидаги сим саватга, ғижим қоғозлар устига тўкди. Чекмайдиган одам, тамаки кулининг ҳидидан бурнини жийирди. Бош кўтармай, Қулаҳмадга гап қотди:

— Яра битмабди-ку ҳали ҳам...

— Бу... ўтган сафарги, — деди Қулаҳмад ҳам бош кўтармай, иягида соқол аралаш қўтирлаб қотган эски ярани силади. Кейин кир кўйлагининг ёқасини қайриб елкасини кўрсатди. — Кечагиси мана, билинмай кетди...

Ёш лейтенант яна анча эзмаланди-да, ахийри унинг юзига тикка ачиниб боқди:

— Менга қаранг, Қулаҳмад ака... Ёшингиз элликдан ошибди. Мен, сизга ўғил тенги одам, ҳар гал ўғит-насиҳат қилиб ўтирсам... — у гапидан тўхтаб қолди. Қулаҳмаднинг турқи ҳақиқатан ҳам жуда аянчли эди. Ҳушёрхонада душ бор, совун бор мажбур қилиб чўмилтиришади, соч-соқолларини қириб қўйишади. Бу бўлса ўшанда ҳам бир умр совун кўрмагандай... Йўқ, у ўзи шунақа, турган-битгани шу, қандайдир ювиқсизнинг нуқси бор афти-башарасида... Қовоқлари салқи, ёрғоқ бошига қасмоқ дўппини бостириб кийган, билакларида ювса кетмайдиган доғлар, қорамой юқи, қўллари чақа, кулранг юзида эски-янги яра излари, бўйнилари тирналган...

— ...барибир насиҳат қилишга тўғри келади, — деб сўзида давом этди лейтенант. — Ҳеч ким сиз билан мендай мулоим гаплашмайди, билиб қўйинг. Иш жойингизга ҳам бу гал, майли, қоғоз ёзмайман. Бунинг қадрига етиш керак. Агар яна бир марта муштлашадиган бўлсангиз... — қараса Қулаҳмаднинг хаёли узоқда, қулоғига гап кираётгани йўқ. Лейтенант ўрнидан туриб эшикни маҳкамроқ жипслаб ёпиб келди.

— Менга қаранг, гражданин Қулаҳмад ака, агар ичмасликнинг иложини топмасангиз, ичинг...

— Мен пиёниста эмасман.

— Ичинг, майли, — деди лейтенант эшик-деразага яна аланглаб қўйиб, — лекин жанжал-сурон кўтарманг, худо ҳаққи, муштлашманг! Ҳеч бўлмаса шуни эплай оласизми?

— Мен ҳеч кимни урмайман... Мени...

— Нега мени ҳеч ким урмайди-ю, сизни уради? Бекор гап! Жим ётган итни ҳам ҳеч ким тепиб ўтмайди... — Лейтенант, сўзи оғзида қолиб, камгап Қулаҳмадга ер остидан қараб, — кечирасиз... — деб қўйди-ю, ўзи ҳам ўнғайсизланиб, жим бўлиб қолди.

— Ўтган гал ҳам шундай дегансиз, — деди овозини пасайтиб. — Ким урди, десак, худди безабон, индамайсиз. Безориларни, жиноятчини яширганлик учун қонунда алоҳида модда бор, биласизми?

Лейтенант амин эди: Қулаҳмад ашаддий ичкиликбоз. Ичса шундай маст бўладики, ким билан ади-бади айтишиб, кимлар билан муштлашганини ҳам эслолмайди.

— Менга қаранг, Қулаҳмад ака, одамнинг тақдири ўз қўлида, ҳа, ҳар ким...

Илгари кўп эшитган одатдаги бу ўғитлардан зерикиб ўтирган Қулаҳмад шу ўринда бир ҳушёр тортгандай, сесканиб қўйди, қизарган мижжаларини пир-пиратиб лейтенантга тикилди.

— Қўлингизда ҳунарингиз бор, отам, шу ёшга кириб ўзингизни эплла-маганингизга... Аҳволингизга қаранг... Менинг сизга гап уқтириб ўтиришим уят. Боринг.

Қулаҳмад худди шундай бўлишини кутгандай, енгил туриб эшикка қараб юрди, лекин остонада орқасига қайрилиб, худди ёш бола сингари:

— Иккинчи қилмайман, лейтенант, — деди-да, эшикни товушсиз ёпиб чиқиб кетди.

ЖЭКка қайтиб келганида соат тўққиздан ошган, хоналарда ҳеч ким йўқ эди. Телефон жиринглади, Қулаҳмад трубкани олиб, «Ҳеч ким йўқ, ҳамма объектда» деди-да, ўзининг диванига чўзилди. Унинг ётадиган жойи шу, ўртоқлари ўрнига кечалари навбатчилик ҳам қилади, шунинг учун ҳамма ходимлар ундан хурсанд. Кечаю кундуз тинмай жиринглаб турадиган телефонга бериладиган жавоб ҳам ёд бўлиб кетган, худди автоматдай: «Ҳеч ким йўқ, ҳамма объектда».

Ҳозир ётдию ёш лейтенантни ўйлаб кетди: яхши бола. Милиционерга сира ҳам ўхшамайди. Тақдир одамнинг ўз қўлида эмиш... Жўн гапини қара. Ҳай, тўхта, борди-ю, чиндан ҳам шунақа бўлса-чи? Эҳ-ҳе... Айтишга осон. Содда-да, нимани ҳам кўрибди. Нима бўлса ҳам болани қийнамаслиги керак. Йўқ! Энди бошқача яшайди, гап битта!

У ишчанлик билан ўрнидан туриб, буюртмалар ёзиладиган дафтарни варақлади. Титилиб кетган варақларга сантехника кечаси билан тўртта буюртма тушган экан. Шерикчилик тумбочасидан кечаги сомса билан иккита олмани олиб, тикка турганча чайнади, устидан шишани бошига кўтариб кефир ичди-да, асбоб қутисини олиб, яқинроқ адресга қараб жўнади. Қаерларидир зирқирар, боши ғувиллаб, қоқилиб-сурилиб борарди.

Қулаҳмаднинг қўли гул. Ҳунарига эҳтиёж ҳам кўп. Занг босиб ишдан чиққан винтиллар, резинаси ейилиб оқиб ётган кранлар, латта тиқилиб қолган оқова қувурлари, тирсиллаб деворга урган қайноқ сув... Бу оғир, гоҳи нопок, қора ишларнинг охири-кети йўқ. Бу билан бир умр кун кўрадиганлар кўп. Қулаҳмад ҳам юраверса бўларди, ҳеч ким халақит бермайди. Лекин тирикчилик экан, баъзан бир нимага дуч келиб қоқилади-да, кейин... Айб албатта ўзида. Ёки тақдир ўз қўлингизда дегани шумикин? Тақдир... тақдир дегани бу — умр-ку, ахир? Бутун бир умрга битта лейтенант билан дучлашув нима деган гап, бир ҳафта вақтнинг ўтиши-чи? Мана бир ҳафта ҳам ўтди, воқеасиз, машмашасиз... Ҳаммаси жойида, ҳамма буюртмалар беками-кўст бажарилиб турибди. Қулаҳмаднинг яралари ҳам битиб кетди, милицияга ҳам дуч келгани йўқ. Зулуқ-мўйлов лейтенантни ҳам энди елкасининг чуқури кўрсин!

Лекин оиласиз одамнинг иши қийин, баъзан ёлғизлик ич-ичини ейди, юраги эзилиб кетганда дил тортиб кимларгадир яқинлашади, улфатга қўшилади. Мана, ҳафта тинчгина ўтди деганда, тўққиз қаватлининг биқинида бир тўда ремонтчилар учраб қолди. Кранини тузатган квартиранинг иссиқ сувини очиб, подвалдан чиқиб келаркан, бу суронли, хушчақчақ болалар кекса

сантехникни касбдош дея ўзларига яқин олишиб, илиқ саломлашишди. Шокир деган бир чўлоғи бор экан, оғзи қулоғида, чўнтагидан яримтани олиб кўз-кўз қилди.

— Қаёқдан олақолдинг дарров, Ланг?

— Текин! Осмондан тушди! — деди Шокир чўлоқ, — олтинчи қаватдан батареяни кўтариб тушаётсам, бир кампир тушмагур этагимга осилиб олса бўладими! Кирсам, сув оқиб ваннаси жездай сарғайиб ётибди. Савоб бўлар деб, шундоқ олиб қайта бураб қўювдим, таққа тўхтади жонивор. Энди чиқай десам, кампир манувни қўйинимга тиқяпти. Йўқ, буви, дедим, бизга ойлик тўлашади, бўмайди, дедим. Қани энди кўнса, ҳансираганча, ҳадеб тиқиштираётибди-да, кампир тушмагур. Атай очирт туриб сенга деб олиб қўйганман, бир ҳафта кутдим сени, дейди. Мени сантехник деб ўйлаган экан. Так что, бобой, сизнинг ҳам ҳақингиз бор бунда, юраверинг, — дея Шокир Қулаҳмад-ни енгидан ушлади.

— Йўқ, болалар, менга тўғри келмайди!

— Бе, беш кишига нима бўларди яримта, юринг! — дейишди шериклари ҳам.

— Ростини айтсам, болалар, кеч қоламан...

Қулаҳмаднинг бўшгина қаршилигини ноз деб тушунган улфатлар қўярда-қўймай уни тўққиз қаватлининг подвалига олиб тушиб кетишди.

Бу подвални Қулаҳмад яхши биларди: озодагина иссиқхонаси бор. Ремонтчилар ахлатхонага ташлаб юборилган эски стол билан шалоқ диванни ҳам олиб кириб, у ёқ-бу ёғини тузатиб олишган. Гоҳо совуқ кунлари шу ерда яшиқларга ўтириб нонушта қилишади.

Бу гал у ердан анчагача аҳил гангур-гунгур гап, баъзан эса баралла кулги, гоҳида ўқтин-ўқтин гурунг бир маромда эшитилиб турди. Салкам бир соатлардан кейин подвалда нимадир тарақлади, ғовур-сурон кўтарилди, яна кейинроқ эса бақриқ-чақриқ, сўкиниш, хунук товушлар янгради. «Иссиқхона»нинг тунука қопланган пачоқ эшиги тарақлаб, қулоғигача қизариб кетган Шокир отилиб чиқди. Кетидан ремонтчи болалар ертўла эшигидан бир-бир чиқиб, ҳар томонга тарқалдилар, кайфдан асар йўқ, ҳаммаси беҳафсала, қовоғи солиқ, гап-сўзсиз, бири тиш орасидан чирт этиб туфлаб, бири жаҳл билан ниманидир тепиб, жўнаб қолишди.

Қулаҳмаддан дарак йўқ эди.

Ёмғир севалай бошлади. Чанг босган япроқлар ёқимли шитирлаб, тупроқ ҳиди анқиди. Тарновдан подвалнинг зинасига шариллаб сув оқар эди. Шу маҳал пиллапоялари кўчиб кетган ўша ифлос цемент зинада Қулаҳмаднинг қасмоқ дўпписи, кейин ўзи кўринди. У икки қўли билан деворларни ушлаб, гоҳо эса «тўрт оёқлаб», зўрага чиқиб келар эди. Эндигина ҳушига келганга ўхшайди, ёруғ жаҳон борлигига ишонмаётгандай, кўкариб кетган кўзларини чимириб осмонга боқди, ҳансираб кесакига суянди, кейин ўпкасини тўлдириб нафас олди-да, дуч келган жойга, деворга суйкалиб ўтириб қолди. Ёмғир куяр, рўпарасидаги дарахт баргларида елкаларига лойқа сув томар, у эса, сулайиб ўтирганча, сесканмас ҳам эди. Худди шу жойга кулми, карбит қолдиғими тўкилган экан, ости ивиб қўланса ҳид таралди. Лекин Қулаҳмад уни ҳам сезмади, ҳушига келиши билан ҳалиги улфатларини кўз олдига келтиришга урина бошлади.

У бундай «кампания»ларни кўп кўрган. Ичувчиларниг ажаб турфа хиллари бўлади. Биров сал кайф қилса ширингина жинни бўлади-қолади, отангдан ҳам меҳрибон, умрида кўрмаган одаминг сўлагини суркаб ўпишгани-ўпишган. Биров бўлса енгилтак, шилқим бўлиб олади, умрида қилган ҳамма ифлосликларини ҳаёсизлик билан тўкиб солади. Яна бири бекордан-бекор йиғлаб, жигарингни эзиб, кўксингни ҳўл қиливоради; бошқа бири бўлса ҳайвон бўлиб кетади, бутун дунё унинг оёғига тиз чўкиши керакдай пичоғига қўл югуртиради. Биров беозор кўпириб мақтанса, биров дунёни душман босгандай, эсига келган одамни ёки ўз хотинини ёмонлаб кетади, уни бўғиб ўлдиришга ваъда беради. Яна бировнинг бир умр ичини таталаб, бағрини заҳардай тилиб ётган бирон дарди қўзғаб, аччиқ алами пасоддай ёрилади-да...

Қулаҳмаднинг хаёли бўлинди: ёмғир ювиб ўтган йўлкадан билагига қизил боғич таққан учта дружиначи гурунглашиб борарди. Қулаҳмад ўтирган жойидан

ёнидаги бута тагига аста ағанади. Чунки кўз-қовоғи кўкариб, бу аҳволда ўтирган одамни кўришса, дружиначилар индамай ўтишмайди. Қулаҳмад юмалаб ётган жойи билчиллаган лой бўлса ҳам, биқинига совуқ ўтса ҳам чидади, бордию пайқаб қолишадиган бўлса уларга нима дейишини ўйлай кетди: «Танимайман уларни... Мен бошлаганим йўқ. Нега бўлмаса одамнинг юзига туфлайди?.. Мен нима қилибман уларга...» Кўкарган кўзини ушлаб қўйди Қулаҳмад. Дружиначилар ўтиб кетишди.

Уҳ... ҳали ҳам ор-номуси бор-да. Унинг ўрнида бошқа биров бўлса, бу милицияю ҳушёрхоналарни аллақачон писанд қилмай қўйган бўларди. Ҳа, у номусини сақлаб қолган, нақадар азоб бўлса ҳам у билан яшаш...

Аммо-лекин жўнаш керак бу ердан. Маҳаллага отнинг қашқасидай бўлиб қолди. Умуман бу райондан, иложи бўлса бу шаҳардан бутунлай гумдон бўлиш керак. Юрадимми энди битта зулукмўйлов болага чап бериб... Нега иложи бўлмас экан? Бедананинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ.

Эртасига аризасини ташлаб, асбоб қутисини олди-да, автобусга чиқди.

— Битта. Оҳангаронга.

— Автобус Чирчиққа боради.

— Майли, Чирчиққа, — деди Қулаҳмад. Кондуктор унинг афтига бир қараб қўйиб, патта йиртиб берди.

Қулаҳмаднинг йўлдаёқ омади юриша бошлади. Бир ўриндиқда тўрхалталарини тиззасининг орасига олиб ўтирган қўшниси, бақалоққина пўрим йигит, жуда очиқ, сергап экан, бирпасда ўзини ҳам батамом танитиб, Қулаҳмад-ни ҳам миридан-сиригача билиб олди.

— Бизни хоним мана шунақа — тўрттани туғиб қўйиб... Ана энди бу қопу тугунлардан аканг қарағайни елкаси яғир... Хўш, энди мундай қиламиз, Қулаҳмад ака. Автобусдан тушиб тикка капаратипга борамиз. Темирни қизиғида бос, деган машойхлар. Бизда ишлайдиганлар албатта камида икки-уч ҳунарни эгаллаган бўлиши керак, амолайким бошлиғимиз ўғилбола йигит, сизнинг аҳволингизни ҳисобга олади. Кейин, сантехник дегани бизда йўқ ҳисоб.

— Менга қаранг, Ҳожимат ука... Бошлиқ деяпсиз, мен унинг олдига бу қиёфада кирсам...

Ҳожимат қўшнисига разм солиб, бошидан оёғигача яна бир кўз ташлади.

— Ҳечқиси йўқ, ундан аввал сартарошхонага бирров кириб, пардоз қилиб чиқамиз, ака.

Қулаҳмад хурсанд бўлди.

— Сиз ўзингиз қайси ҳунарларни...

— Менми? Мен, — деб илиб кетди Ҳожимат, — ҳозирча сувоқдаман, амолайким зарур бўлганда обой елимлашни ҳам эплаб турибман. Э, йигитга ҳунар касот эканми, ўрганиб кетасиз, Қулаҳмад ака, бизда нима кўп икир-чикир юмуш кўп. Инженер, дизайнер, агроном, ҳатто педагоглар ҳам бор, амолайким. Ушаларнинг орасида сиз билан биз ҳам юрсак нима қипти, ака. Даромад бўлса чакки эмас.

— Буниси менга барибир...

— Менга ҳам! Амолайким мана бу зумрашалар бор-да, — деб Ҳожимат негадир яна тўрхалталарини кўрсатди. Бу бақалоқ Қулаҳмадга борган сари ёқарди, кўпдан бери биринчи марта ичи илиб, жилмайиб қўйди.

Улар тўрхалталарни кўтаришиб автобусдан тушишгач, сартарошга кириб чиқдилар-да, шаҳар боғининг орқасидаги бир қаватли бино ёнида тўхтадилар. Ҳафсала билан текис оқланган бино пештоқига «Файз» — кооператив — «Уют» деган лавҳа қоқилган эди. Ҳожимат «Дадил бўлинг, ака, бошлиғимиз ўғилбола йигит, ҳа!» деб Қулаҳмадни шу ерда қолдириб «зумрашалари» ёнига шошди.

Бошлиқ чиндан ҳам ўғилбола йигит экан, сиёсат қилиб ўтирмади:

— Бизда ҳозир биринчи галдаги масала — «Файз»нинг обрўсини ошириш. Коллективимиз зиёли коллектив.

— Тушунарлик. Мен ичмайман. Агар қоидаларингизга хилоф бир иш ўтса, иккинчи куниёқ бўшатиб юборинг, розиман.

— Иш бўшатишгача борса — кеч бўлади. Мен сиздан ҳеч нарсани яширмайман.

— Мен ҳам яширмайман, сизга халақит бериши мумкин бўлган иккита

камчилигим бор: биричидан, ҳунарим биттагина, иккинчидан, тураржойим йўқ.

Бошлиқ бир оз ўйлаб туриб, кулди:

— Бу иккита камчиликдан иккита фазилат ясамасак кооператор бўлиб қаёққа бордик!

Қулаҳмад тушунмади-ю, юзи ёришиброқ унга тикилиб қолди.

— Бизга «тунги директор» ҳам керак, ҳунарингиз иккита бўлади. Шу ерда, — у қўлларини ёзиб, яхши жиҳозланган кенг кабинетини кўрсатди, — ҳозирча шу ерда ётиб ҳам юраверасиз. Шу билан иккинчи камчилигингиз ҳам...

Кейин у «тунги директор»нинг вазифаларини узоқ тушунтирди.

Шундай қилиб, ажойиб одамлар орасига тушиб қолди Қулаҳмад. Бунақанги омад тушига ҳам кирган эмасди. Уй-хўжалик ишларининг ўнлаб хилларини бажариб турган «Файз» кооперативини бутун шаҳар биларди. «Файз»данман, чакирганмидингиз?» деса қўли гул болаларга ҳамма эшиклар ланг очик. Қулаҳмад икки ой деганда умрида киймаган костюм олди, ҳушёрхоналарда қирилавериб унутилиб кетган сочлари ҳам қорайиб чиқди, чаккаларигина жиндай кумушранг эди. Юзидаги, бўйнидаги яралар чандиқсиз битиб кетди.

Аммо бу юзаки ўзгаришлар, юзадаги яралар экан.

Уларнинг битмайдиганлари борлигини оддий бир телефон қўнғироғи эслатиб қўйди.

Қулаҳмад тунги буюртмаларни диспетчерга топширгандан кейин, кабинетни шамоллатиб, энди нонуштага чиқмоқчи бўлиб турган эди, бошлиқнинг хонасидаги телефон жиринглаб қолди.

— Алло, ҳа, «Файз», — деди Қулаҳмад трубкани олиб.

— Ижрокўмдан гапиряпмиз, алло, мен Миртожиевман.... эшитяпсизми?

Қулаҳмад бўшашиб, оқаринқираб кетди.

— Ким? Ким гапиряпти?

— Комил Миртожиевичман...

Ижроия комитетининг ходими кейин кооператив билан тузилган шартнома-ю, унинг аллақайси моддалари, қандайдир инструкция ҳақида эзмаланиб гапирди. Бу танбеҳу эслатишлар Қулаҳмаднинг қулоғига киргани йўқ, у тарашадек қотиб қолган эди. Трубканинг жойини зўрға топиб, қўйди-ю, ҳозир Комил Миртожиев эшикданми, деразаданми кириб келадигандай, атрофга аланглади. Кейин эсини сал йиғиб олиб, диванга ўтириб қолди, кўзига столдаги телефон аппаратидан бошқа ҳеч нарса кўринмас, ҳалиги овоз ҳавода муаллақ осилиб турар эди: «Комил Миртожиевман...»

Аввал у, мени атай қидириб топиб, тусмоллаб телефон қияпти, деган фикрга келди. Ундай бўлса, танидимми-йўқми? Тўхта-чи... овози ўхшайди шекилли? Э, шунча йиллардан кейин овозни таниб бўлар эканми. Кўчада рўпара бўлишса ҳам бир-бирини танимас... Дарвоқе, бу бошқа одам бўлса-чи? Исми-фамилияси ўхша одамлар камми!

Бу ўйлардан Қулаҳмаднинг жонига ором етмади. Бу ўша Комилми, бошқами, энди бунинг аҳамияти йўқ, гўё бутун умрининг астар-пахтаси ағдарилиб, ўй-хотиралари ҳам, кўнгил мулки ҳам алғов-далғов бўлган эди.

Эртасига Қулаҳмад ғойиб бўлди. Тошкент вокзалида тасодифан ўша Ҳожимат пўримни кўриб, «Файз»га энди қайтиб бормаслигини айтди. У худди туман ичида адашгандай, боши оққан томонга қараб юрарди, қаёққа бўлса ҳам, фақат олисроққа кетса бўлгани...

Кечаси бир маромда тақа-туқ, тақа-туқ қилиб, шалдираб кетаётган бўш вагон ичида ҳушига келди. Мудраб қолган қариянинг тиккайтириб қўйган қопига суяниб ўтирганча мизғиётган экан, кўзларини йириб, деразага қаради. Ўшанда ҳам, бу вагонда қаёқларга кетаётганини эмас, ўша Комилни ўйларди. Бу узук-юлуқ хотиралар тушларини ўнгига улаб қанча давом этди — ўзи ҳам билмайди.

...Ўқиш муҳимми, ғоявий софлик муҳимми? Ғоявий софлик муҳим. Бу исбот қилинган. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиома эди. Шунинг учун дарс эмас, мажлис биринчи ўринда турарди. Комсомол мажлиси уч кун сурункасига давом этганда ҳам педагоглар ҳеч нарса деёлмай, муаллимлар хонасида интизом сақлаб, кун-узун шумшайиб, бекор ўтиришарди.

Институтнинг катта залида бу шовқин икки кундан бери тинмайди. Учинчи

куни Миркомил (у вақтда Комилнинг оти шундай тўла айтилар эди) мажлисни қарийб бутунлай ўз қўлига олди. Унинг овози ҳамма суронларни босиб тушар, кескин, дадил эди. Аввал залнинг ўртарида курсининг устида тикка туриб, қўлларини пахса қилганча, бақириб гапирди. Кейин минбарга чиқиб олди. Минбар сахнада, баланд жойда бўлиб, унга чиқиб қўлларини ёйган одам залдаги халқнинг устида учиб кетаётган бургутдай кўринарди. Миркомил дастлаб минбарга бир неча газеталарни ёйиб ташлади-да, баланд овоз билан ундаги йирик сарлавҳаларни ўқиди:

— «Газандалар халқнинг қаҳри ғазабидан қочиб қутулолмайди!», «Хук-мимиз беаёв: халқ душманларига ўлим!», «Итга ит ўлими — азми қароримиз қатъий!» — залдаги мудҳиш жимликка бир зум қулоқ солгандан кейин Миркомил давом этди: — Мана шу адолатли ҳукму қарорларда институтимиз коллективининг ҳам муносиб ҳиссаси, виждон овози бор! Совет кишилари халқаро империализмнинг қонхўр жосусларини темир супурги билан супуриб ташлаётган бир пайтда биз ўз сафларимизнинг ғоявий софлигига лоқайд қарай олаемизми?! Фош этилган халқ душманларининг арзандалари орамизда бемалол юрса, биз бунга чидаб туришимиз мумкинми? Хўш! Мана ҳали ҳам комсомол сафида юрган иккинчи курс талабаси Қулаҳмад Назировнинг отаси қаерда ҳозир, биласизлар! У ўз арзандасининг қулоқларига, унинг юрагига қандай қораниятларни, ўзининг қандай чиркин умидларини шипшиди экан, хўш, буни ким айта олади? Мен сафларимизни бундай шубҳали унсурлардан тозалашни қатъи талаб қиламан!

Уч кундан бери шундай суронлар ичида гангиб ўтирган студентлар зални бошларига кўтаришди. Шунда ҳам Миркомилнинг бақириқ-чақириқлари ҳаммадан баланд эшитилар эди.

— ...комсомол сафида ўрин йўқ!

— Учирилсин!

— Ҳайдалсин!

— Отасининг ёнига борсин!

Қулаҳмад, бу сурон оёқдан йиқитадигандай, қулоқларини икки қўллаб бекитиб, бақириқ-ҳақоратлар остида қоқила-сурила залдан чиқиб кетди. Уни овозга қўйиш, қўл кўтариш йўли билан эмас, қувиб, ҳайдаб солдилар. Уни комсомол сафидан эмас, ҳаётдан ҳайдаб чиқардилар. «Отасининг олдига борсин!» Қаёққа боради, отаси қамалганига икки йил бўлди, отилдими, сургун қилиндими — дарак йўқ. Қаёққа боради!

Тентираб яна ўша институт ётоқхонасига бориб қолди. Бегона кўздан яшириниб, кўрқа-писа ётоғига кириб, ечинмаёқ кўрпага ўраниб ётди. Кўзидан тирқираб чиққан ёшларидан ори келиб, гўё ўт ичида тўлғаниб, кунни кеч қилди. «Дадажон, ўзингиз душман бўлсангиз ҳам, менга ёмон иш ўргатмагансиз-ку! Қулоғимга ҳеч нарсани шипшимагансиз! Нега бундай қилишади? Энди қаёққа бораман, энди қаёққа сиғаман? Миркомилку, майли, у мендан Муршида учун ўч оляпти, кўргани кўзи йўқ. Бошқалар-чи?» Ҳазабда тўс-тўполон кўтарган зал кўз ўнгига келди, бақириқ-чақириқ, ноҳақ ҳақоратлар қулоғида янграб, бошини кўрпага буркаб олди.

Эртасига Муршидани ҳеч қаердан тополмади. Дардини айтиб кўнглини бўшатадиган бирдан-бир яқини шу эди, нима бўлди, наҳотки у ҳам... Институтда дарслар йўқ ҳисоб. Мажлислар давом этапти. Қулаҳмаднинг эса энди борадиган мажлиси йўқ. Гаплашадиган одами ҳам йўқ. Моховдай яккаланиб, ҳеч қаерга сиғмай қолди. Фақат ётоқхонадаги фаррош кампир «дардингни олай, бой бўлгур» деб будқасига чақиради-да, чой узатиб гурунглашиб ўтиради. У бир куни хунук гап айтиб қолди: Муршида қишлоғига кетиб қолганмиш.

Кейин Қулаҳмад бу гапнинг тағига етди. Миркомил унинг ётоғига бостириб кириб шилқимлик қилибди. Аввал ялтоқилик билан: «Жазманингни кавушини тўғриладик, энди отасининг олдига кетади, умидингни уз» — депти. Шу гапига Муршидадан тарсаки егандан кейин, «манжалақи, газанданинг қўйқаси!» деб ҳақорат қилиб чиқиб кетибди. Тарсакининг алами жуда ўтиб кетган экан, бунга ҳам қаноатланмай, талабалар орасида Муршида ҳақида фисқи-фасод тарқатибди. Энди мажлисга олиб чиқмоқчи бўлиб юрганмиш: «Фош этилишини билиб, институтдан қочиб кетди, шунинг ўзи исбот қилиб тубдидики...»

Қулаҳмад бунисига дош беролмади. Ҳақ ҳар нарсага, ҳар қандай турткини тепкилашларга кўниши мумкин, аммо Муршидани таҳқирлатиб қўйишга унинг йигитлик номуси чидамади. «Тўхтаб тур, Миркомил!» — деди жағ пайлари тортишиб.

Қулаҳмад ҳали нима қилмоқчи, билмасди. Бундай пайтда одам ўз тарбиясига, ўз муҳитига, ўз замонасига яраша иш тутади. Даврлар бўлганки, бундай вазиятда ёшлар бир-бирларини дуэлга чақиришган. Лекин Қулаҳмад ўз даврининг боласи, унинг миясига дуэль эмас, бошқа тадбир келиши табиий эди.

«Тўхтаб тур, Миркомил! — деди у яна, — тўхтаб тур, тавбангга таянтирмасам! Узингни шу кунга солмасам!» — бу таҳдиднинг давоми борга ўшардию нима эканлиги дарров эсга келақолмасди.

Эсга аввал бошқа бир нарса келди, бундан бир йилча аввал бўлган бир дарс. Химиядан, тажриба дарси.

Химия лабораторияси камдан-кам очилар, қаровсиз эди. Фаррош хотиннинг пақуру-супургилари, ёнғинга қарши асбоблар ҳам шу ерда сақланар, фото тўғарагининг машғулотлари ҳам шу ерда бўлар, кейинги вақтда эса бу қоронғи хона нақ омборга айлантирилган эди. Тажриба дарси бошланганда муаллим бу тартибсизликни кўриб, ўзича нимадир деб дўнғиллади-ю, дарсни давом эттирди. Оёқ остида қандайдир портретлар тескари қилиб деворга суялган, шиор ёзилган қизил алвонлар ғижимланиб чанг босиб ётар, эски курсилар бир-бирига мингаштириб тахланган, ҳатто бири пачоқ, бири бутун қандайдир ҳайкаллар, бюстлар ҳам бурчак-бурчакка юмалатиб қўйилган эди. Сирка, олтингугурт ҳиди анқиб, девордаги крандан чак-чак сув томар; муаллим спиртовкаю пробиркалар қалашиб ётган ўз столи ёнида у ёқ-бу ёққа юриб туриб гапирарди-ю, кўриниб турардики, оёқ остида тартибсиз ётган лаш-луш жиғига тегарди. Айниқса, ганчдан ясалган битта оқ бюст бемалол юриб гапиршига ҳалақит берарди. Кимнинг бюсти экани маълум эмас, лекин ғира-ширада худди тирик одам оёқ остида юмалаб ётгандай, муаллимнинг ғашига тегаверди. У ёққа ўтди — оёғи тегиб кетиб бир қаради, буёққа ўтди — оёғи тегмаса ҳам эгилиб яна бир қаради. Ахийри ўша юмалаб ётган лаби кемтик оқ бюстни эгилиб қўлига олди-да, дўқ этиб дераза рафига ўтқизди, кейин башарасига бир қараб, дераза пардасининг орқароғига суриб қўйди. Дарс давом этди.

Ўша вақтда қоронғи омборхоналарга ташлаб, кўздан яшириб қўйилган синиқ-пачоқ бюсту ҳайкаллар кўп бўлар, бу ўшалардан бири, Акмал Икромовнинг бюсти эди.

Ҳўш, аллақачон ўтиб кетган, одатдаги, жўнгина бу дарс нима учун ҳозир аламзада Қулаҳмаднинг хаёлига келди, дерсиз. Гап шундаки, ўша химия муаллими, мулойимгина зиёли одам, Миркомилнинг дадаси эди.

Қасос жазавасида қолган Қулаҳмад «ҳап сеними!» деб тишини-тишига босди-да, ётоғига бекиниб, қўлига қоғоз-қалам олди.

Халқ душманининг ҳайкалини рўпарага қўйиб совет ёшларига «дарс» берадиган газанда озодликда юрармиди! Тез орада Қулаҳмаднинг қора кўни Миркомилнинг бошига тушди. Мажлислар эса давом этарди.

Ўқишлар-чи? Ўқишлар муҳим эмас, ғоявий софлик муҳим. Бу — Миркомилнинг ўз ибораси.

Йиллар ўтиб, Қулаҳмаднинг дадаси юпун, ориқ, қариб қолган бўлса ҳам, эсон-омон қайтиб келди. Ўқишдан қолиб кетган бўлса-да, ақли-ҳуши бутун ўғлига қараб тўймасди: «Мен ўзимдан эмас, сендан хавотирда эдим, ўғлим, хайрият! — деб Қулаҳмадни қайта-қайта кучарди. — Давр ахир одамларни не кўйларга солмади, отасидан кечиб кетган болалар бор. Ёмон йўлга кирганлар қанча...»

Қулаҳмад ҳали ёмон йўлга кирмаган эди. Яна бир йилдан кейин химия муаллимининг отилиб кетганлиги маълум бўлди-ю, Қулаҳмад, ичига ловуллаган чўғ ташлангандай, ўзини қаёққа қўйишни билмай, узлат истаб бориб «бетонка»даги холи ресторанда биринчи марта «тўйгунча» арақ ичиб, йиқилиб қолди. Мастликда кимга нима деди, эслолмайди, лекин номаълум одамлардан калтак еб, сулайиб қайтди. Унинг кимгадир нимадир дейиши керак эди. Лекин ҳушёр вақтида айтолмайди. Ичиши керак. Бу қилиғи билан уч йил деганда отасининг ўлиб кетишига ҳам зомин бўлди, аммо бу кулфат ҳам ичидаги чўғни

ўчирилмади. Назарида унинг яллиғини фақат арақ сал паслатарди. Негадир уни кўп калтаклар эдилар, у эса ўчакишиб, яна ичаверди. Гоҳо тийилди ҳам, бунга иродаси етарди, лекин ҳаёт экан, гоҳида бир қоқилиб...

...Вагон тарақ этиб, тормозлар хунук ғирчиллади. Қулаҳмад узоқ уйқудан уйғонгандай, бир сесканди-да, қоп эгаси қарияга узр айтиб вагондан тушди. У худди шу шаҳарга келаётган йўловчидай чаққон тушди, лекин қаерга келганини ҳали билмасди. Бунинг аҳамияти ҳам йўқ эди.

Бундай пайтларда Қулаҳмад Убайдулла тоғани эслайди. У теги молдавиялик лўлилардан бўлиб, асли оти Бадулай. Бурни доим қип-қизил, сочлари жингалак-патак, билмаган ҳунари йўқ, қўли гул одам эди. Қулаҳмад иккинчи курсдан ҳайдалиб, беҳужжат, бекасиб, саргаштаю саргардон бўлиб юрганида шу одам уни қаноти остига олди. «Сенга бир ҳунар ўргатаманки, ҳужжатнинг ҳам ҳожати бўлмайди» деди. Чиндан ҳам, Қулаҳмад сантехник бўлганидан бери ҳали беиш қолгани йўқ. Бадулай тоғанинг бир ҳикматли гапи ҳозир яна ёдига тушди: «Шаҳар йўқки, унда ЖЭК бўлмаса, ЖЭК борки, унда сантехника албатта эҳтиёж бўлади!»

Шунинг учун қаерга келиб тушганининг аҳамияти йўқ эди. Дарвоқе, тез орада маълум бўлдики, бу ер Беговот экан.

Қулаҳмаднинг олдида эшиклар яна очилди. У ишдан кўрқмайди, дуч келган жойда тунаб кетаверишга ҳам ўрганган. Фақат яна ўша эски дард— ёлғизлик. Айниқса чарчаб келганида у жисмоний оғриққа айланади. Гоҳи шундай туюладики, ёнида бир суҳбатдоши бўлса, балки боши ҳам чатнаб оғримас, бели ҳам зирқирамас эди. У одамларга интиладию улфатдан ҳадиксирайди. «Одамови экан» дейдиганлар унинг дардини билмайди албатта, тасо-дифан учрашиб, икки оғизгина гап қилиб ўтиб кетадиган одамлар, ўткинчи мулоқатлар унинг учун бирдан-бир нажот.

Беговотликлар одамшаванда, хушмуомала, содда-софдил бўларкан. «Уста» деганни Қулаҳмад шу ерда эшитди: «Бўлдимми, уста?», «Барака топинг, уста!» Шамолини айтмасангиз, шаҳарнинг ўзи ҳам дуркунгина экан. Шамол нима, Қулаҳмаднинг иши юзада эмас, шаҳарнинг тагида. Бинолар янги бўлганиданми, «ер ости хўжалиги» ҳали анча ботартиб, занглаш, ёрилиш, авариялар кам. Кўпинча майда-чуйда иш: кран, винтил, дегандай. Эшик қўнғироғи жиринг этади. «Техник қақирганмидингиз?», «Ҳа, келинг, уста!» Унга ҳамма пешвоз, ҳамма хурсанд.

Кунлардан бир кун заводга қарашли тўрт қаватли уйдан буюртма тушди. Бу ҳам ўшанақа, арзимаган юмуш: ошхонада идиш-товоқ ювадиган кран ҳуштак чаладиган бўлибди. Уйнаб-кулиб бориб, уйнаб-кулиб тўғрилаб келади.

Учинчи қаватда ёқимтойгина аёл эшик очди, тисарилиб йўл берди. Уйда ёлғиз экан шекилли, Қулаҳмад унга разм солиб боққани ҳам йўқ, саломлашгач, оёғини артиб ошхонага ўтди-да, қутисидан асбобларини олди. Кран чиндан ҳам анча хунук чинқариб, ғашга тегадиган бўлиб қолган экан. Буради, ейилиб кетган резинакаларини олиб ташлаб, зангларини тозалади. Қутисидан янги резинка топди. Арзимаган шу ишга терлаб кетганини сезиб, хижолат тортди. Манглайини қўлқопининг сирти билан артиб, нима иш қилаётганини унитгандай, бирпас тўхтаб қолди. Негадир хаёли жойида эмас. Орқасида... ҳалиги аёл тикилиб тургандай бўлаверди. Ошхонага-ку ёлғиз ўзи кирди, унда бошқа ҳеч ким йўқ, буни билади, лекин кимдир... Кимдир эмас, уй бекаси, ҳалиги аёл, назарида, ҳамон елкасига тикилиб турарди. Қулаҳмаднинг қўли қалтираб, қалитиб зўрға буради, энди текшириб кўриш керак, кран ҳуштак чаладими-йўқми... Чаладими-йўқми... Қараса, қўллари худди шол, ҳеч нарса қилолмамай шамдай қотиб турибди. Орқасига қайрилиб қарашга юраги дов бермайди.

— Муршида... — деди беихтиёр шивирлаб. Қаёқдан келди кўнглига бу исм... Бадани ёнар эди. Орқасига қараса — ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким йўқ.

Отилиб ташқарига, ҳавога чиққиси келди, нима бўляпти ўзи, ёлғизлик дарди унга турли кўринишларда келиб ёпишяпти. Бу аҳволда жинни бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ҳали эшик очганида бамайлихотир ёнидан ўтган бепарво аёл нега ҳозир бирдан миясини ловуллатиб қолди?

Қўлини чайишни ҳам унутиб, ошхонадан чиқди. Ичкариси хонанинг эшиги очик, ундан босиқ йиғи товуши эшитилди. Бурчакдаги юмшоқ курсига мукка тушиб, юзини яшириб олган уй бекасининг елкалари титрар эди.

— ...Ҳамма... си... бўлди...— деди Қулаҳмад одатига кўра, лекин беҳис, беихтиёр.

—...Раҳмат... уста... — деди уй бекаси бошини кўтариб. Қизарган ёноқлари нам, кўзи ҳеч нарсани кўрмаётгандай мўлтираб турар эди.

Қулаҳмад кетолмади. Бу йиғлаган хотинни юпатмоқчи эмас, ўзининг йиғлагиси келарди. Маъносиз термулишиб турдилар. Ниҳоят, Қулаҳмад бунинг туш эмаслигига ишониб:

— Муршида... — деди секин, нимадандир қўрқиб, иккиланиброқ.

Аёл ўрнидан туриб, юз-кўзини арта-арта, бурчакдан ёруғроқча чиқди.

— Шубҳаланманг, Қулаҳмад ака, менман, мен... — тўлишган юзида кулгичи ёйилди. Қулаҳмаднинг тизза бўғинлари бўшашиб кетди, бу ўша кулгич эди, ўзи тўлишиб анча ўзгарган бўлса ҳам, болаларга хос кулгичи ўша-ўша. Йўқ, кулгичи ҳам ўзгарган албатта, илгаригидек нурланиб турадиган сеҳрли чуқурча эмас, жилмайганида кўз тагидаги ажинларга туташиб кетадиган ғамгин хотирага ўхшарди. Муршида ҳам йўқ, умр ҳам йўқ, бу тасодифий учрашув ҳам йўқ, ҳаммаси хотира! Ғамгин хотира!

— Хушнуд эмасга ўхшайсиз... ўтиринг ахир. Учрашармиз деб мен ҳам ҳеч ўйламаган эдим, — деди уй бекаси. Қулаҳмад дуч келган курсига чўкди, кўз олдида ғужғон ўйнаган қора нуқталар тарқай бошлади.

— Муршида...— деди яна, энди унга астойдил тикилиб. Унинг илк муҳаббати! У нималарни, кимларни кўрди, ҳаёт уни ҳам аёвсиз мижғладими, ундан нималар қолди? Шубҳасиз, нимадир қолган, ёшликнинг ўша сеҳридан нимадир қолмаса, улар ҳозир бир-бирларини танимаган бўлар эдилар.

Улар бу сафар кам гаплашдилар, тикилишиб ўтириб, бир пиёладан чой ичдилар-да, Муршиданинг ёлғизлигини билгандан кейин, Қулаҳмад негадир кетишга шошилди.

Нега шошиб чиқиб кетганига ўзи ҳам ҳайрон, ёлғизликдан қийналиб юрган одам ёлғизлик истаб қолгани ғалати эди. Унинг хаёлига бошқа ҳеч нарса сиғмай қолди, бир вақтлар беш қўлдай билган Муршидаси энди унга номаълум бир оламдек, тобора уни кўпроқ билгиси келаверди.

Бир баҳона билан, асбоб қутисини кўтариб яна борди. Бу сафар улар ўтган йиллар ҳақида узоқ, очиқ гаплашдилар, ўзлари ҳақида бир-бирларига ҳикоя қилиб, гўё бошқатдан танишдилар. Муршиданинг эри таксист экан, машина ҳалокатида nobуд бўлибди. Ўзи ҳозир завод болалар боғчасида мураббия. Бир қизи бор, эри билан туради.

— Мен шу ерда қолдим, иш жойимга яқинроқ.

— Уйинг файзли экан. Ана у тикка қувурларни алмаштириш керак, холос. Қурувчилар калибрини нотўғри танлашибди.

— Камчилиги кўп... — деди Муршида қандайдир айтилмаган ўйдан уялгандек, бош эгиб.

Қулаҳмаднинг кейинги келишига Муршиданинг ўз «буюртма»си баҳона бўлди. Умуман кейинги вақтда унинг «буюртма»лари тезлашиб, кўпайиб қолди гоҳ, сув босади, гоҳ душ ишламайди. Дуч келган жойда қуруқ-совуқ тамадди қилиб юрган, бошпанасиз Қулаҳмадга бундай кунлар — байрам. Муршида бинойидек пазанда чиқди, буни ёлғизликда ўзи ҳам билмаган экан, очилиб кетди, плита ёнида юзи лов-лов, қўли-қўлига тегмайди.

Бир куни қизи келиб қолди. Жуда очиқ-сочиқ, сергап, серкулги қиз экан.

— Вой, чучваранинг устидан чиқиппан! — деди кирасолиб, ширин таом ҳидларига чиройли бурнини жийираркан. Қулаҳмад унга қараб ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Муршида!? — деди кўзларини пирпиратиб.

— Муршида эмас, Мавлуда, — деди онаси кулиб.

У қизига Қулаҳмад ҳақида ўтган сафар гапириб берган, қизи эса унинг ҳазин оҳангларида бир нималарни пайқаган эди.

— Йўқ, сен эмас, мана бу — Муршида! — деб туриб олди Қулаҳмад. У ўзининг завкли ҳазилига берилиб, Муршидани хафа қилаётганини пайқамас эди. Аёл четроқда тескари қараб, бош эгиб қолди. — Ахир мана-ку ўша Муршида! Қаёқларда юрган эдинг? — деди яна Қулаҳмад гўё ҳазилдан хаёлотга ўтиб, хотиралар домига тушиб қолгандай. Бу маҳал қиз онаси ёнига

бориб, елкасидан қучди. Қулаҳмад бирдан ўзига келгандай хомуш тортиб, курсига ўтирди.

— Жуда ҳам ўхшар экансан-да, қизим...— деди узр сўрагандай. Нега узр сўраш керак— ҳеч бири тушунтириб беролмас эди. Оний нохушлик орадан тез кўтарилди. Бунга кўпроқ Мавлуданинг «бир қоп ёнғоқ»лиги сабаб бўлди, дастурхон устидаги шўх кулгиси, бетўхтов гаплари билан оғир хотиралардан ўша чалғитди.

— Қулаҳмад амаки, оймларни ёлғизлатиб қўйманг-а!— дегани яна бир шадодлик бўлди. Бу очиқликдан кўнгли кўтарилган Қулаҳмад ҳам уни:

— Ёлғизланиб қолмасликлари учун у кишига неварача керак, пучуқ!— деб кузатиб қўйди.

Ўша куни Қулаҳмад кетишга шошилмади. Қизининг шаддод гапларидан уялинқираган Муршида аллақандай ҳаяжонда эди, «уни овутмай ташлаб кетиш ноқулай» дея ўзича баҳона қидирарди Қулаҳмад ҳам. Ўзининг қаровсиз ҳаётидан, Қўриқда, БАМда ишлаган бошвоқсиз йилларидан гапирди. Диванда қўл ушлашиб, пешана тирашиб ўтириб, тунни ярим қилдилар.

— Муршида... ўша ёниб-қуйиб юрган йилларимиз ҳам сени ўзимга бу қадар яқин олмаганман...

— Ёниб қуйибсизу қуйилмабсиз...— деб кулди Муршида унинг қўлини четлатиб...

Хуллас, янаги учрашувда улар, тўй-пўй эмас-у, беш-ўнта ёру биродарни чорлаб, кичкина бир ўтириш ташкил қилиш ҳақида осонгина келишиб олдилар.

Муюлишдаги кафенинг кичик зали жуда қулай, худди шундай камтарин маросимларга мослаб жиҳозланган, бегона кўздан холи, ҳатто гулзор томонга чиқадиган алоҳида эшиги ҳам бор эди. Дам олиш куни кечга яқин шу ерга ўнтача одам тўпланди. Қулаҳмаднинг ЖЭКда орттирган бир мўйсафид таниши, боғчадан иккита дуркун жувон, битта кампир, қўшнилardan икки жуфт эрхотин, кўпи қариялар. Ёшлардан фақат сершовқин Мавлудаю унинг ашаддий кашанда эри, улар ҳам дастурхонга ўтирмай, хизматда бўлишди— бири магнитофонга касета танлашдан бўшамади, бири кабобпаз ёнида.

ЖЭКдан келган — ветеран экан, қўшнилardan бири — бахмал дўппи кийган арвоққина муаллим, иккаласи «келин-куёв» ҳақида ортиқча гапириб уларни уялтириб ўтирмай, ҳар хил замонавий, ҳазиломуз «турмушавий» ҳангомалар билан ўтиришни қизитиб юборишди. Дастурхон яшнаган, пепси-мепсидан ташқари, бурчак-кунжакда, муаллимнинг иборасича, андак «ақиқайи-таъқиқайи»лардан ҳам бор эди.

— Бу, дейман, «Ёвузлик салтанати» деган фикридан қайтибди-а, Рейган ҳам, — деди ветеран «оқ»идан биттасини очиб.

— Қайтмай иложи қанча, мана ўзи келиб сий-ҳурматни кўриб турибди-ку, — деди муаллим. Халқаро аҳволдан гап бошланган эди. Лекин битта-яримтадан кейин хотин-халаж ўз хонаки мавзуига ўтиб кетди. Дастурхон устидаги бу эркин, бемалол ғовур Қулаҳмадга яхши тушдай туюлди. У ўша Чирчиқда олган янги костюмни кийиб тўрда ўтирар, Муршидага зимдан боқиб ўзича ширин жилмаяр эди. Шунча ҳақир саргардонлик йилларидан кейин севгилисига дуч келиб, шундай тўй қилишни, яхши одамлар даврасида, дастурхон тўрида ўтиришни хаёлига келтирибдими. Умрни ҳам, умидни ҳам, ўзлигини ҳам — ҳамма нарсани бой бердим, деб юрган пайтида...

У ҳали куёвларга хос камтаринлик билан ҳўплаб қўйиб қўйган биринчи қадаҳини... олиб ичиб юборди. Ҳа, бугун ичса арзийди! Бугунгиси савоб.

Даврада ғовур музика билан аралашиб кетган эди. Кабоб келганда муаллим билан ветераннинг овозига завқ қўшилди.

— Улар биласизми ҳозир бизни нима учун мақтаб қолишди? Билмайсиз, тақсир... — деди ветеран. У муаллимга гапирардию ёнидаги жувонга хушомад қилишни ҳам унутмай, унга иссиқ кабоб тутарди. — Уларга биз эмас, қайта қуришимиз ёқиб қолди.

— Қайта қуришни капитализмга қайтиш деб тушунишяпти улар. Умиди шундан, тақсир, ҳа.

Уларнинг баҳси дам ғовур-ғувурга кўмилиб кетар, дам кутилмаган жойдан яна юзага қалқиб чиқарди.

— Аммо шахсга сиғинишнинг ҳам мисини чиқаришяпти барака топкурлар! Кеча «Оқшом»ни ўқидингизми, тақсир?

— Боплашяпти, газетада ҳам, телевизорда ҳам.

— Ҳазимизам, эй, қўйдайдур юраверган эканмиз, тақсир, неча ўн минглаб бегуноҳ одам бекордан-бекор нобуд бўлиб кетса-я!

— Ҳеч гап эмас эди-да одамни йўқ қилиш.

— Жуда тўғри айтдингиз, қўшни, — деб Қулаҳмад ҳам гап қотди. У анчадан бери гапга аралашгиси келиб ўтирарди-ю, нимадир етишмасди чоғи, дастурхон эгаси эканини эслаб, қистаб қолди. — Қани, олиб ўтиринглар, ҳадеб гап билан бўлмай...

Яна бир қадахдан ичдилар. Гап эса узилмай давом этди.

— Биттаси «душман» бўлиб кетса, кетидан ўнтаси «дум» бўлиб кетарди-да, қаранг.

— Нимасини айтасиз, тақсир, бошимиздан ўтган, ҳа. Биронта оила йўқки...

— Жуда жўн эди-да бу иш, мен сизга айтсам, қўшни, — деди Қулаҳмад ҳангомага астойдил киришиб. У овқатни кам ер, олдида таом тўла ликопчалар қалашиб кетган, ўзи эса қўлида сомсами, мантими, ниманидир билчиллатиб эзғилаганча гапирар эди. Артилмаган мойли бармоқлари билан қадахни ушлаб, қолган ароқни яна ичиб қўйди. Гоҳи адашиб қўшнисидан қолганни ҳам кўтариб юборарди. — Бир парча қоғозга ёзилган жўнгина хат любой одамнинг бошига етарди, мен сизга айтсам!

— Бўлган, бўлган, Қулаҳмад оғайни, нимасини айтасиз.

— Бўлганда қандай! — Қулаҳмад энди бировнинг гапини эшитмайдиган бўлиб қолган эди, — душманингиз бўлса шартта ёзасиз, тамом-вассалом, бир кечада аспаласопинга кетади! Кўрганмиз-да, мана Муршида гувоҳ. Дейлик, мана сизнинг ўнта душманингиз бор-а? Қани, олдин биттадан ичайлик... олинг. Ҳа, дейлик, мана, ўнта, ҳай ўн бешта душманингиз бор. Кечаси ётоққа кириб қаламни аста қўлга оласиз-у, битта-битта... нишонга олиб, «чиқ!», «чиқ!» А, лаббай! Ҳа, бамисоли қалам эмас, мен сизга айтсам, овозсиз ўқдай гап бу. Фақат тепкисини бошқа жойда, бошқалар босади. Мен ўзим ҳам биттасини... Мана Муршида гувоҳ, гумдон бўлиб кетган.

— Қулаҳмад ака... — бу ҳанг-манг бўлиб қолган Муршиданинг заиф ёлворган овози эди. Ғовурга кўмилиб кетди.

— Лекин битта-битта қилиб ўтирмай, автомат билан тариллатса ҳам бўларди. А, лаббай? Бунинг учун ўн бештасини бир хатга рўйхат қилиб тиркайсиз. Дом-дараксиз кетади, мени айтди денг!

Бу пайт кимлардир дастурхонни ташлаб чиқиб кетганди. Овқатлар совуган, гап-сўз тугаган, фақат Қулаҳмаднинг «маърузаси» эшитиларди.

— Жининг севмаган одамларни пашшадай териб ташлаш мумкин эди-да, а, лаббай, қўшни. Бир калима гап топсангиз бўлгани... Оғзингизнинг ели. Гўё халқ подаю сен ҳукмронсан!

— Қулаҳмад! — Муршиданинг йиғламсираган ожиз товуши яна эшитилди.

— Ёмон одам бўлиши шарт эмас, менга қаранг. Уша отилиб кетган химия муаллимимиз ёмон одам эмас эди. Лекин ўғли Миркомил-чи?! Мана Муршида айтсин... Баъзан одамни аясан, битта чертиш билан кетади, шўринг қурғур. Лекин навбат унга келганида у сени аяйдими, қани айтинг...

У мурожаат қилган одамнинг ўрни бўш эди. Умуман давра тарқаган, ветеран билан муаллим ҳам етаклашиб чиқиб кетиб борар эдилар. Қулаҳмад гапирарди. Бир вақт барзангидан гавдали ветеран эшикдан қайтиб кириб, ҳамкасбининг ёнига келди-да, юзига шартта туфлаб аста чиқиб кетди.

— Мана, кўрдингми, Муршида, нега туфлайди, айт, қани! Ҳар гал шунақа... уришади, тепкилашади. — Қулаҳмад панжасида эзғилаб ўтирган гўштни ташлаб, таом юқи қўли билан юзини артдию яна давом этди. Шу вақт кимдир уни қўлтиғидан олиб, «туринг» деди. Бу Муршидамиди, бошқами — билолмади. Лекин энди у фақат Муршидага гапирарди.

— Турмайман. Менга қара, Муршида, мен туролмайман, ичимда... тош бор. Ушанда шум хабарни эшитгандан кейин, пешонамга бир шапати уриб, — у пешонасига тарс этиб уриб ҳам қўйди, — пешонамга шундай бир уриб, «Мен қо-тил-ман!» дедим-у, йиқилдим. Ушандан кейин туролганим йўқ. Ичим-

да тош эмас, дард бор, Муршида, ўша юзага чиқади. Қандай алфозда чиққанини мен билмайман, эслолмайман...

Муршида, эс-эсингдами... Инсон мағрур янграйди, а? Шундай деб ўқиганмиз мактабда, эсингдами? Лекин уни янчиш, латтага айлантириш мумкин. Қаёққа кетишди? Мен уларга шунини айтмоқчи эдим. Латта... мана кўрдингми? Мудҳиш гуноҳ бор, Муршида. Кимда? Билмайсан. Бу муаммо ечиладими — йўқми, қачон ечилади, Муршида?

Биласанми, битта армоним бор: менинг ҳам кимнингдир юзига туфлагим келади. Лекин кимнинг юзига, Муршида? Билмайман. Бир туфласам, маст бўлганда ёриладиган ичимдаги ўша пасод балки туфугим билан бирга чиқиб кетарди...

Қулаҳмад олдидаги идиш-товоқни нари суриб, атрофига қаради. Ёнида Муршида ҳам йўқ, аллақачон чиқиб кетган эди чамаси. Шундай бўлса ҳам, яна Муршидага гапирди:

— Мендан кўнглинг қолгани дуруст. Самодержа-вие... Эсингдами, тарихда ўқиганмиз. Мен... янги самодержавие даврида яшаб, эндиликда у билан бирга тарихдан тушиб қолган одамман. Юрагим совуқ...

«Кўёв»ни чиқариб юборолмай узоқ бурчакда нима қиларини билмай турган официант чаккасига кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб буради-да, шеригига шипшиди:

— Қандайдир самодержавиядан гапиряпти...



Усмон Қўчқор

ШУЪЛАЛАР ТЎКИЛИБ ЁТАДИ ОЙДАН

Ўтаётган кун

Чўққига юксалган одам мисоли
Чошгоҳдан пешинга етиб келади.
Биздан ҳол сўрашга келмай мажоли,
Дамини ичига ютиб келади.

Ийманган бир фақир, тортинчоқ банда,
Биз билан қўшилиб қилмас тамадди.
Бизлар қаддимизни кериб юрганда,
Ўтаётган куннинг эгилар қадди.

Ўтаётган куннинг қовоғи осик,
На ўз удуми, на анъанаси бор.
Оталар сингари вазмину босиқ,
На бир гинаси бор, на таънаси бор.

Фурсатнинг қулидир, вақтнинг асири,
Ҳеч нарса кутмайди ўтаётган кун.
Ўтиб боришидан қайғурмас сира,
Қайғурса, қайғурар фақат биз учун.

Туннинг тобут каби оғир залвори
Елкага тушганда, тўзиб қоламиз.
Секин чўзиламиз тўшакка ҳориб,
Куннинг ўтганини сезиб қоламиз.

Тун бўйи юлдузлар йиғлаб чиқади,
Шуълалар тўкилиб ётади ойдан.
Бу қора ҳасратнинг боиси надир,
Қалбдаги бу қайғу, бу қадар қайдан?!

Қандоқ ўтказасан энди бу тунни,
Бу тунда кўзингдан уйқулар йитар...
Шунчаки чўзилиб ётмайсан, сени
Ўтаётган куннинг ғами йиқитар.

Кечикди

Мен сенга эртароқ етмоқ истадим,
Қайгадир бош олиб кетмоқ истадим,
Номингга қўшиқлар битмоқ истадим,
Имконим бўлмади, имкон кечикди.

Бу қийин йўл эди, оғир йўл эди,
Йўлимда ғовларим мўлу кўл эди,
Садоқда ўқларим гарчи мўл эди
Ва лекин қўлимда камон кечикди.

Билгисиз томонга интилган эдим,
Покиза имонга интилган эдим,
Оҳ, буюк замонга интилган эдим,
Ё мен кечикдим, ё замон кечикди.

Билмам, табиатга ким раҳна солди,
Ўсаётган тоғлар ўсишдан толди,
Портловчи вулқонлар портламай қолди,
Ё тоғлар, ёинки вулқон кечикди.

Хойнаҳой, ҳар гал бой берилди фурсат,
Лоақал сўнгги бор менга йўл кўрсат,
Сенинг кўзларингда кечикди журъат,
Менинг кўзларимда исён кечикди.

Заминни қоплаган қора гард эди,
Бу дард барча дарддан оғир дард эди,
Осмоннинг қулаши, ахир, шарт эди,
Лекин қуламади, осмон кечикди.

Эрк талаб қилганда қул ҳақ эди, қул,
Хўжаси ҳақ эмас, ул ҳақ эди, ул,
Азалдан шул эркам илҳақ эди ул,
Айблама Усмонни, Усмон кечикди...

Мовароуннаҳр

Танглайи қуриган буюк маъвоман,
Ҳалқумим қуриди,
қуриди ҳалқум...
«Сув... сув...» дея ўлаётган нидоман,
Оғзимга бир томчи томизгил, халқим.

Мен сўниб борардим,
дунё кўр эди,
Тузларга кўмилиб борарди бағрим.
Бир денгиз, иккита дарё қуриди,
Энди отинг недир, Мовароуннаҳрим?

Мен ҳам кетарманми тўшакдан туриб,
Ҳалқумим қуриди,
қуриди ҳалқум,
Бир сиқим пахтани сувга ботириб,
Менинг танглайимга томизгил, халқим.

Қўлингда пахтаг бор, косангда сув йўк,
Менинг кўзларимнинг чиқиб пахтаси:

«Ўлгим келмас менинг, йўк, йўк, йўк, йўк, йўк,
йўк...» — деб қичқираман, чиқмас нафасим.

Совуқ пешонамни босар совуқ тер,
Манглайим силасам — қўлимда тузлар.
Бағрим ёнаётир, бир томчи сув бер,
Оёқдан то бошим бормоқда музлаб.

Мен ҳам кетарманми тўшакдан туриб,
Ҳалқумим қуриди,
қуриди ҳалқум...
Бир сиқим пахтани сувга ботириб,
Менинг танглайимга томизгил, халқим...

Қуюн-қуюн тузга бахтимни ўраб,
Қарғаниб бахтимнинг қоралиғидан,
Ўтиб кетмоқдаман томчи сув сўраб,
Мен икки дарёнинг оралиғида...

Чўлпоннинг видо қўшиғи

I

Ким бошида жўмард бўлди,
Охир хоин, номард бўлди,
Билмадим, бу не дард бўлди,
Айта олмадим ҳеч кимга.

Неларнидир кўзлаб, кутиб,
Қолавердим дамим ютиб.
Туролмадим кўксим тутиб
Тоғдан келган бир кўчкинга.

Дунё гўё алдоқчидай,
Алдаб жоним олмоқчидай,
Бу риёга қандоқ чидай —
Учлар қўшилур ўчимга.

Дунё тараҳҳум қилмади,
Дўст ким, душман ким — билмади,
Кўзларимга ёш келмади,
Кўзёшим оқди ичимга...

II

Дунё яйраб кулган маҳал,
Қуёши тик келган маҳал,
Гуллари очилган маҳал,
Гулим сўлиб кетар бўлдим.

Гоҳ сўл, гоҳ ўнгли дунёнинг,
Бу қадим мунгли дунёнинг,
Тўлмади кўнгли дунёнинг,
Кўнглим тўлиб кетар бўлдим.

Ошкор сўлиб кетмайин деб,
Абгор бўлиб кетмайин деб,
Бекор ўлиб кетмайин деб,
Бекор ўлиб кетар бўлдим.

Ҳам кеча, ҳам кундуз бўлиб,
Совуқ олган илдиз бўлиб,
Энг охирги юлдуз бўлиб —
Чўлпон бўлиб кетар бўлдим...

Лазизжон марсияси

I

Ҳеч кимса ажалдан муҳлат сўрмагай,
Ажал ҳам ҳеч кимнинг сўрмас раъйини.
Мусибат хонадон танлаб юрмагай,
Чақмоқдай куйдирар тушган жойини.

Ҳар қандай жароҳат секин битаркан,
Бор экан ҳар қандай ғамнинг адоғи.
Жигарни ўпқондай ўйиб кетаркан:
Фарзанднинг ўлими, фарзанднинг доғи.

Бош эгиб келади дўсту биродар,
Тилда на калому, на салом-алик.
Фақат битта сўзга етгай ирода:
— Бандалик... Бандалик... Бандалик...

Жавоб бер, худойим, жавоб бергил, ғайб,
Бир қарғанг уч юз йил яшаб юрганда,
Саккиз ёш гўдакда нима эди айб?!
— Бандалик... Бандалик... Бандалик... Бунда...

Тушимга киради бир тўп қаландар,
Кашкуллик, асолик, кулоҳ, жандалик.
Бул бир тўп қаландар тасалло айтар:
— Бандалик... Бандалик... Бандалик...

Гарчи бу дунёда мен ҳам фонийман,
Лекин гўдак умри берилса божга,
Бандалик бандангни тўйдирди, дейман,
Бир нафас айланиб Мансур Халложга.

Гўдаклар ўлими кексалардан кўп,
Бу бедод фалакнинг бу нечук маҳви?
Гулдайин гўдаклар кетмоқда тўп-тўп,
Ҳақимлар саҳвими, ҳоқимлар саҳви?

Шаккок дея, майли, уринг менга дўк,
Умрим йўқлик сари елмоқда, ўғлим.
Бугун бандаликка банди эмас, йўқ,
Худо бўлгим келмоқда, ўғлим.

II

Мен сенга тиз чўкдим аввало,
Кўз ёш билан дардимни ёздим.
Тупроқ, сенга қилдим тавалло,
Тупроқ, сенга юзимни босдим.


Ота тупроқ деб айтган эдим,
Она тупроқ деган эдим, ҳай.
Ватан тупроқ деб айтган эдим,
Болам тупроқ деб қандай айтай?

Бор азобни чекканча чекдинг,
Мен ҳам ночор, енгилдим, ўғлим.
Лекин, айтгил, ҳар бир ўзбекнинг
Дарди мендан енгилми, ўғлим?

Мен ҳақ йўлни йитирдим, ўғлим,
Қоришганда ёлғон билан рост —
Боболардан мерос бу ўлим
Бўлар экан фарзанддан мерос.

Дардим зардоб ёшга айланар,
Ёниб ётар ичимда оҳим.
Сен фалакка кўз тикиб, магар
Ўйлайсан: не эди гуноҳим?..

Бир кун бориб ҳолинг сўрарман,
Ғофил отанг ғофил қолди, бас...
Мен босриқиб тушлар кўрарман,
Ҳеч ким мени уйғота олмас!..



Эшқобил Шукуров

СУРГУН

ёхуд Қирмиз момо ҳамда Қурбон момо билан мулоқотлар

Туркум

Улар 30-йилларда сургун қилинганлар
ва бу даврнинг бор азоб-уқубатларини
бошдан кечирганлар.

Ҳайдов

— Юзлаб одамларни отнинг дамига солиб ҳайдаб кета бошладилар. Қаёққа? —
Йўлни қамчилар билади. Нимага? — Ҳа, бир бойга яқинлигинг бор-да? Илож
қанча, эл бўлгандан сўнг элнинг бойига ҳам, камбағалига ҳам бир томиринг
туташади-да. Қулоқ қилинганларнинг орасида кексалар ҳам, болали аёллар
ҳам, буй етмаган улу қизлар ҳам, нони-реза болалар ҳам бор эдилар. Биз кета-
вердик, орқада эл изиллаб қолаверди.

— Қамчи ва ёлкамнинг оралиғида
Мудҳиш бўшлиқ Ватан каби ҳувиллар.
Ярим ой товоним ғарч ботган тигда,
Ер тишлаб ётибди ўлик овуллар.

Машриқда яримсан, Мағрибда ярим,
Раҳмати таланган ягона худой.
Қайғули оятдай оқар кўзларим,
Иккига бўлиниб бораётир ой.

Оёғим осмонда, қўлим занжирда,
Мени ютаверар улкан Ёрилтош.
Минорлар қулади Мовароуннаҳрда,
Ҳиротда иккига бўлинди қуёш,

Ўзимнинг додимни ўз кўнглим тинглар,
Лабимдан жон каби сачрайди «Қуръон».
Бир юрак излайди тул қолган мунглар,
Бир халқ излагандай бева Туркистон.

Иккига бўлиниб борар эдим мен,
Синган кема каби ўз қонимга ғарқ.

Икки ҳоқонликка эмас-да, икки
Қулликка бўлиниб борар эди халқ.

Битлар

— Биз К... га борганимизда, у ерга биздан олдинроқ олиб борилган ўзбекларни учратдик. Уларнинг ҳаммаси касал эдилар. Шунда ҳам кечани кундузга, кундузни тунга уриб, машаққатли меҳнат қилардилар. Грузинлар бизга, «Элдошларингга яқинлашманглар, улар энг оғир зонада ишлаб, битлаб кетдилар», деб айтишди.

— У битлар баҳайбат битлар эдилар,
Оғзи Осиёда топилмас ўпқон.
Бошданми, оёқдан ейверардилар,
Кўзи Оврүпода ишланган қопқон.

Кўёш — кечки овқат ёвуз даҳога.
Шафақларни ютди қоп-қора туман.
Йигирма асрда кўҳна дунёга,
Янги шажарада қайтди Аҳраман.

У битлар баҳайбат битлар эдилар,
Оғзи Осиёни ютгучи ўпқон.
Минорларни юлиб кўза қилдилар
Ва минглаб кўзага тўлдирдилар қон.

Ютилиб борарди халқлар, элатлар,
Бир ўпқон оламни чўчитар эди.
Ўзидан кўпаймай кўйганда битлар,
«Даҳо» ўз пуштидан урчитар эди.

У битлар баҳайбат битлар эдилар,
Қопқонига тўлди халқлар, ватанлар.
«Даҳо» — Битлар халқлаб кетди — дедилар,
— Қутқаринг битларни, кетди ватанлаб.

Ҳомийлар елдилар сермаб қиличин,
Ўлик танлардан-да изладилар жон.
Сўнг ҳаром битларга таҳорат учун,
Келтириб бердилар икки дарё қон.

У битлар баҳайбат битлар эдилар.

Палахмон

— У ерда фақат қизлар ва аёллар ишлар эдик. Бир бўлак нон учун жонимизни берардик. Бригадир эса қизларни ҳам, аёлларни ҳам аямай калтакларди. Оёқ ости қилиб ҳақоратлар эди.

— Отдинг-ку бу юртнинг ўғилларини,
Тошларини отдинг ўзига томон.
Менинг юзлаб сулув сингилларимни
Ахир, қаерларга отдинг, палахмон?!

Бахмал чимилдиқлар қолди анграйиб,
Йиртилган тўшаклар йиғлади ёмон.
Ёстиғида ойлар кетди қорайиб,
Ҳуркак сингилларим, қани, палахмон?!

Ҳар бири бир элга эна бўлгудай...
Эллар энасиздир, етимдир ҳамон.
Юзлаб мамлакатни обод қилгудай
Юзлаб сингилларим, қани, палахмон?!

Тандирлар ўйилди. Учоқлар ўчди.
Йиғлайди, бешикка беланган армон.
Сен ерда қай қонли қўлларга тушдинг,
Худонинг қўлидан тушган палахмон?!

Очлик

— Не кунлар ўтмади бу бошдан?! Нон деб ўйлаб ковушларни тишлаб ўлиб қолган болаларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Очлик — қирғинни кексалар ва болалардан бошлаган эди.

— Бир жуфт кўз косаси... Лимиллар, нола,
Осмон — куйиндилар куйдирган ҳовуч.
Тутилган ой эмас еганинг, болам,
Еганинг — эгаси йўқолган ковуш.

Мағзи кул бир буғдой қобиғи — олам,
Замин — тўкилмаган бир коса сабр.
Тандир кесагимас еганинг, болам,
Еганинг кимнингдир суяги — кўмир.

Бир жуфт кўз косаси... Тўкилар нола.
Учар ёнаётган бошоқдай қуёш.
Тутилган кун эмас еганинг, болам,
Еганинг, бошимни ёрган қора тош.

Менгим момонинг йўқлови

— Менгим момо оғирлашиб қолди. У энди ўларини аниқ билди. «Бу ғарибликда ўлсам, йўқлайдиган элим йўқ, боврига оладиган тупроғим йўқ», деб ўлимидан олдин ўзига-ўзи йўқлов айтди. Тошлар эриди, Менгим момо ўз-ўзига аза очганда.

— Тоғдан тошлар қулайди,
Кўздан ёшлар қулайди,
Қисматнинг қора қўли,
Пешонангни силайди.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Кўзингда Боймоқлининг
Суратлари қотади.
Кафанда жонсиз тана —
Тирик армон ётади.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Сойларнинг бўйларида
Йиғлаб учар овозанг.
Гўристонга қўриқчи —
Ўқилмаган жанозанг.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Форларда ухлар шамол,
Қирларда йиғлар шамол,

Шамолнинг этагида
Бўзлайди етим хаёл.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Хотирангдай олисда
Мунгли шам чарсиллайди.
Ота юрт соғинчидан
Суягинг қарсиллайди.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Қаро кунга қаро соч
Ёяр бўлса сингиллар,
Кўзларнинг қирғоғидан
Тўкилади кўнгиллар.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Тоғдан тошлар қулайди,
Кўздан ёшлар қулайди,
Қалбингдан бир чуқурга
Ой-қуёшлар қулайди.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Ғарибликда бойвучча,
Ўз-ўзингни йўқлайсан,
Худога биринчи бор
Отилгувчи ўқдайсан.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Хувв тоғлардан нарида,
Қирларда лола-шамлар,
Майсаларнинг баргида
Дурдай ёнар шабнамлар.
Бойсунтоғнинг бошида
Қорлари ялтирайди,
Қояларнинг минг йиллик
Сувлари сирқирайди.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим,
Соғиндинг-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Гўрим — ўз юрагимда,
Юракда бордир Ватан.
Қишлоқдан кийиб келган
Кўйлагим бўлсин кафан.
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим,
Увв!.. Увв!!!
Во-ой Менгим-а, шўр Менгим,
Увв!.. Увв!!!

Нақшигулнинг тушлари

— Нақшигул, Рўзигул, Мақсадгул, Норсулув деган хоразмлик дугоналаримиз бор эди. Нақшигули бир сулув, бир қайғули эди. У ҳар кеча тушида Хоразмни кўрарди. Биз қайтдик. Улар қолдилар. Билмайман, ҳоллари не кечди?..

— Ер гули, Нақшигул, бормисан омон,
Тушовли кийигим, маъюс хушрўйим?!
Макка чопиб келар Хоразм томон,
Очилган қабрдай хувиллар уйинг.

Сенинг тушларингни кўрдим, Нақшигул:
Тишлаб турар эдинг юракни маҳкам.
Тегирмон қуёшни янчарди нуқул,
Янчарди Хоразм ойларини ҳам.

Хар кеча худодая юртни сўрардинг,
Замон чўқиларди нолаларингни.
Урғочи йўлбарсдай тишлаб турардинг
Ҳали туғилмаган болаларингни.

Тишлаб турар эдинг Ватанни маҳкам
Чарновуқ лабингни йирарди нуқул.
Кириб боряпман тушингга мен ҳам,
Мен сени севаман, қайтгин, Нақшигул.

Тишлаб турар эдинг маҳкам миллатни,
Занглаган занжирни тишлар эдинг сен.
Қонталаш елкангда кўриб давлатни,
Кўзимнинг ичида йиғлар эдим мен.

Хоразмни маҳкам тишлаб турардинг,
Кулгучинг — йиғичи, иякларинг қон.
Уларга қизлик қирқ жонингни бердинг,
Қолди Ватан каби тишланган имон.

Тунлар битиктоши тушингни топдим,
Ўзинг қайлардасан, айтгин, Нақшигул?!
Бекафан танларни кўз билан ёпдим,
Мен сени севаман, қайтгин, Нақшигул.

Қайтгин, бу дунёда диёрлар ўлди,
Зора у дунёда бормисан омон.
Ер — осмон ораси фитнага тўлди,
Қайтгин, Хоразмнинг аҳволи ёмон.

Чорлов

— Сургундагиларнинг кўпчилиги ўлимни бўйнига олган эди. Лекин уларнинг бир армони бор эди. Омонатни ўз тупроғи, ўз элида топшириш армони. Ўлим-даям ўлим бор-да. Кўпларнинг бу армони ушалмади. Улаётганларнинг ҳам-масининг жони сачраб кетди. Соғиниб етолмай ўлиш, ўлим эмас, балки хорлик-дир.

— Бу ерлардан кетайлик, юргин,
Қўлингни бер, юрагингни бер.
Кўзларингни кўзимга бергин.
Ва этимга суягингни бер.


Қаро ер остида ётганим,
Яшамай ҳам ўлмай кетганим,
Қон балчиққа гуллар отганим,
Бу ерлардан кетайлик, юргин.

Ер остига ўсган сочларинг,
Кўкарар тош — тирноқларингни,
Қолдирмагин, қолдирма бунда
Мовий арвоҳ — байроқларингни.

Кун кўрмай, ер босмай ўтганим,
Боши қонга ойдаё ботганим,
Гўр ичра ўлолмай ётганим,
Бу ерлардан кетайлик, юргин.

Ўлик тирик ғарибим, юргин,
Байроққа айт, тахласин кўчин.
Қабрдан чик, кўнглингни бергин,
Ватан бор-ку ўлмоқлик учун.

Кўк-қизили куйиб ётганим,
Ёт тупроқдан тўйиб ётганим,
Юртни суйиб... суйиб ётганим,
Бу ерлардан кетайлик, юргин.



Асад Дилмурод

Мулк

Қисса

Саноксиз шамлар маҳобатли ганчкорий хонани чароғон айлаган эди; гулдор эроний гиламлар, адрас кўрпачалар тўшалган хонада ўн чоғли одам йиғилган, лекин нечундир гурунг қовушмай турар, ҳар бири ўз ўйи билан машғул, тиқ этса эшикка термилар эди. Соҳиби хонадон Ҳикмат Раҳмон кўпроқ безовта, дилгир, лекин сир бой бермас, азиз меҳмонларни чалғитиш, кўнгилларини овлаш баҳонасида, баҳо берингиз, ўз бисотимдан, дея иштиёқ билан ғазал қироат айлар, унча эпламаса ҳам ҳазил-мутойибага зўр берар эди.

Акобирлар пешқадами бўлмиш уста Жамшиддин ҳеч маҳал биродарларини бу қадар маҳтал қилиб қўймаган эди. Ул зот ҳамиша илдам эди, қўноқда доим ҳаммадан аввал ҳозир у нозир бўлар, кечикканларни изза қилар, араз-ўрази давомини ичак узди латифа ёки мутойибага беозорлик билан улаб юборар эди. Бугун тескариси юз берди, улфатбошининг ўзи беодоблик илкини тутди. Амри маъруф мусоҳабаларига интиқ жон дўстлари билан бирга қозонда аллақачон дам еган паловни маҳтал қилди. Сабр ипи узилар даражага етган чоғда уста ўғли Шамсиддин билан кириб қуюқ салом берди. Шундан кейин ҳамма енгил тортди, чеҳралар чигили ёзилди.

— Нечукким хуфтонгача тутилсангиз, биродари азиз? — деди сал қуйроқда кўр тўккан саллали басафлат киши, томоқ қириб.

— Илож қанча, уста Қурбон, — ер сузди уста Жамшиддин. — Сабил бир чигалроқ нақшга урнаб эдим. Шунга...

— Тузук, тузук, фақат... негадир шу юмушингиздан андак алағдаман, — хомушланди уста Қурбон. — Биласиз, бу кунда эскиси, кўз ўргангани қолиб... лотинини таомилга киргазиш пайидалар. Муборак инқилобимиз ўнга тўлибди. Шу муносабат билан ислоҳ қилишмоқчи шекилли!

— Шу... амр эканми ёки... улус ихтиёри!? — тутилди уста Жамшиддин. — Нима бўлганда ҳам биз ўз дарди-дунёмиздан адашмағаймиз.

— Офарин, офарин! — ҳазил оҳангида хитоб қилиб суҳбатга аралашди уста Ризо. — Бу оқил банда у ёқда куфийга боғланиб қолибдилар, биз нодонлар эса бу ёқда Ҳикматбой дамлаган паловдан бенасиб қолмайлик, деб ҳовлиқиб кеппиз!

Енгил кулги кўтарилди.

Асли ошналар, намозшом чоғлари, залварли обидаларнинг бўёқлари хира торта-торта ахийри кечки қоронғилик билан сингиша бошлаганда бирин-бирин Регистонда йиғилишади. Одатда баъзи калондимоғларга эриш туюладиган бу учрашувлар вақти-соати ҳар доим ҳам белгиланмайди, униси ёки бунисига бирор хабар ҳам юборилмайди. Шунга қарамай аллақандай ғойибона куч ундови билан улар Регистонга, уста Жамшиддин ҳузурига шошилишади.

Алалхусус, уста Регистон ташрифини деярли қанда қилмайдиган зукко бандалар — Афросиёбдаги энг йирик хумдонни кўпдан баҳоли-қудрат тебратётган Қурбон кошинпаз, наққошлар пири Салоҳхўжа Ургутийни бирор кун кўрмасе оромидан айрилади; Арабистон ва Фарангда таълим олиб умрини муҳандисликка бағишлаган Муҳаммад Малик, кулоллар хўжаси уста Ризо, чолғусоз — оғочни жонона нағмалар таратадиган асбоби офатижон қиёфасига солмоққа қодир мулла Аҳмад, дарвешсифат аллома мулла Ражаб мудом камоли эҳтиром билан келиб даврага қўшилганда бағри тўлади, руҳи-шуури равшан тортади. Лекин бугун давра гули бўлмиш Салоҳхўжа Ургутий орада кўринмайди (бемор эди, тузалмабди-да!), аксига олиб ўзи ҳам кечикиб келди. Ахир ёр-дўстни интиқ қилиб қўйишдан ёмони борми?

— Кўп яшанг-э, биродар, — яна гапни олиб кетди уста Ризо. — Яхши ҳамки Ҳикматбой хабар жўнатган экан, йўқса бугун дийдорингизни кўролмас эканмиз.

— Нима, газетчи укам сизни зериктириб қўйдими? — деди кулумсираб уста Жамшиддин. — Дунё ғалвалардан холи эмас... Бул хусусдаги муждалар шу банда ихтиёрига келади.

— Укангиз газетдан аразлапти, — уста Ризо бафуржа чой ҳўплади, қўйироқда ким биландир тортишаётган Ҳикматуллага бир қараб олиб уста қулоғига пичирлади: — Тўғрироғи думини тугишибди.

— Ташвиш чекманг, оғайнижон, — кулоллар хўжаси овозини пасайтирганидан ўнғайсизланди уста Жамшиддин. — Эгамнинг айтганидан бўлаги бекор!

— Иншоолоҳ шундай, — кимгадир кўз қисди уста Ризо. — Ҳар нимарса эгам иродасига бўйинсинади. Айтмоқчи, уста, Маккаи Мадина сафарини ихтиёр қилган эмишсиз. Ростми?

— Жавраманг-э, уста, шуям ҳазилми?

— Азизлар, — орага суқилди Ҳикматулла — бунақа ланж гуруннга яраша камина ҳам ошни дастурхонга ланж қилиб тортаман чоғи?!

— Уволи уста Жамшиддинга тегади, — деди жўрттага қовоқ солиб уста Ризо. — Бунақа тошбағирлик, ош ланж бўлганини-ку қўя туринг, барчамизни телба қилворар!

— Ҳай, ҳай, устаи оқил, — бошини сараклади Ҳикматулла, — хўжамизга бундай айб тақаш ножоиз. Негаки, камина йўллаган мужда у кишига етмабди. Бизни Регистонда кутибдилар. Ҳалироқ ўғлимни чоптирдим.

Мутуйибани уста Ризо ҳали-бери тўхтатиш ниятида эмасди, бир баҳонада ошнасини чимчилаб-чимчилаб ҳузур қилмоқчи эди. Кутилмаганда Ҳикмат Раҳмон кўндаланг қилган важ шаштини синдирди, э, шунақами, деган маънода калта мошгуруч соқолини тутамлади...

Алалхусус, Регистонда кўр олган мунозара ора-сира устанинг ўз уйида, кўпинча эса қози Раҳмон мусофирхонаси ёхуд туғишган акаси мулла Ражаб хонадонида ажаб шуқуҳ билан давом этарди, зеро уни гоҳо олқишга, гоҳо дакки-дашномага кўмадиган мунозара кечқурунлари авжга минадиган амри маъруф давралари учун бир дебоча сингари хизмат қиларди.

Уста Жамшиддин бир маромда лиқиллаб турган тирикчилиги, жамоа назаридаги ҳунари аллақаери биландир раҳматли қози Раҳмон йўриғига чатишиб кетажagini, бу кунда ҳам имонига суяниб яшаётган иниси мулла Ражаб хоҳиш-иродасига ҳамроз эканлигини теран ҳис этади.

Эллик олти ёшида бод касалига чалинган қози Раҳмон ақл-идроки ва ақчаси кучи билан узоқ муддат илқида сақлаб келган лавозимидан ихтиёрий воз кечган, тузукли самара бермаган муолижадан сўнг хонанишинликни ихтиёр этган ва мулла Ражаб билан бақамти (улар Бухородаги Мир Араб мадрасасида бирга таҳсил кўришган) сўфийликдан баҳс юргизувчи рисола битишга киришган эди.

Амалдан кўра илмиётга кўпроқ ҳавас қўйган қози Раҳмон азалдан савоб-гир одам эди, савоб десалар ҳатто ўзини томдан ташларди, бедаво дард танига елимдек ёпишиб олгандан кейин саховатпешаликни буткул одатга айлантирди; аввал данғиллама мусофирхона, сўнг унга туташтириб ҳашаматли қироатхона солдирди. Ана шу қўш иморатни барпо қилишда уста Жамшиддин падари бузруквори уста Фазлиддин Латифий билан баравар тер тўқди; иморат ташқари-ичкари ганчкорий ва ёғочкорий безаклар билан зийнатланди. Хусусан, айвонларга чекилган нозик нақшлар турфа жилоланиб кишини ҳайратга қўяр эди. Чор тарафга довуғи кетган ушбу жой-жалолни қози Раҳмон тамомила улус ихтиёрига беради, мусофирхонага қадам ранжида қилувчи мўминлардан топган-тутганини аямайди, оби-ёвғон, чой-нонни, тоза палос, кўрпа-кўрпачани бемалол қилиб қўяди, лекин бировидан бир танга ҳам олмайди. Кечқурунлари қироатхонасида кечадиган амри маъруф мажлисини, бетоблигига қарамай, кўпинча ўзи бошқаради...

— Хўш, йигит, паловни сузинг, — деди уста Жамшиддин Ҳикматуллага зимдан нигоҳ юбориб. — Бу... камина увол кўтармоққа ҳавасманд эмасман.

— Сизу биз бошқа нарсага ҳавасмандмиз, — кулди Ҳикматулла ва енгил одимлаб ташқарига йўналди.

Дастурхонга палов тортилгунга қадар ошналар бу кунда шахристон анчагина нотинчлиги, ҳунар аҳли кори-калонидан барака қочаётганлиги, аксига олиб бозорда хусусан егулик нарх-навоси осмон қадар баландга сапчиганлиги, шунинг касрига одамлар орасида меҳру оқибат ночорона ҳолга тушганлиги устида гурунг қуришди.

Барака топкур Ҳикмат Раҳмон зира-мурч ва думба ёғига бўктириб қиёмига етказган паловни одатдагидек мақтай-мақтай туширганларидан сўнг дастурхон ҳақиқа қуюққина фотиҳа ўқишди ва кейин шундоқ жануб ёқдаги айвони устунлари жимжимадор, боғдоди эшиклари мунаққаш баланд иморат бўса-ғасига оёқ қўйишди.

Эшикдан ичкари кирган заҳоти қиёфалари маъюслик аралаш бир шоду-монликдан беихтиёр ёришди, ногаҳоний бир кучга асир тушган каби ҳар жойда индамай туриб қолишди.

Бир нечта шинам хона ичма-ичу зертанг-забартанг эди. Бари баҳаво, сокин, озода — ёғ томса ялагудек, шахри азим ифтихори саналган чевар аёллар нозик гуллар солиб тўқиган ранго-ранг гиламлар оёқ остида чўғдек ёнади. Шифт беҳад юксак — вассажуфт, болорлари чоркунжак чопилган, ўймакорий ислими нақшлар билан безатилган, борингки, бу фаройиб салтанатда қачонлардир ўткир диди ва фозиллиги билан танилган уста Фазлиддинга хос услубий жозиба жило бериб турарди. Алҳол, эрта-кеч келгувчилар эътиборини ичкарида намоён тенгсиз меъморий малоҳатдан кўра ганч билан ойнадек ялтиратиб сувалган токча-жавонларда сафланган, катта-кичиклиги ёки ранги эмас, қайси йили ва ким томонидан яратилганлигига қараб сараланган, муқовалари ипак-бахмал ва сийму зарга буркалган сон-саноксиз китоб кўпроқ тортар эди.

Ҳар гал уста Жамшиддин дунё борди-келдисини унча-мунча фаҳмлайдиган ўғли билан ганжинани бебаҳога рўпара бўлган чоғ кўнгли ўсади, нечундир энтикиб ҳам қўяди, улусни ўйлаб бу хазинани жамғарган дониш отага ҳам, уни жонидай асраб, камитмай келаётган уқувли фарзандга ҳам ҳавасланади.

У ота сифатида ўғли бунда неки бўлса барини миридан-сиригача билишини, ҳар бир рисолани худди Ҳикматулла сингари қадрлашини жуда-жуда истар эди. Ҳарнечук ҳар нарсага тийрак нигоҳ билан қизиқадиган Шамсиддин фақатгина жозибали муқоваларга шайдо эмасди; у бир қарашда диққатни тортадиган ана шу муқовалар ичра оламни ва одамни тавсифу тасниф этгувчи Улуғ сўз абадул-абад яшайягини аллақачон англаб етган эди.

Тахминан бир йилча муқаддам, мана шундай кечки пайт оби-ош танаввудилан сўнг, қироатхонада тўпланишганда, уста Жамшиддин хона ўртасида жавдираб турган ўғли томон борди, ўғли хаёлини чувалатганини яққол ҳис этди, жиддий ҳолда елкасига қўлини қўйди ва дедики, бу мулкка меҳр боғламоқ аъло фазилатдир, иншооллоҳ, сенда шундай меҳр уйғонибдир, шундай экан, яна бир ҳикматни билгин; қадим замонда парвардигор аввал Қаламни яратди ва муборак қоғоз бетига биринчи бўлиб қайси сўзни ёзиш ҳуқуқини

унинг ўзига берди. Ана шунда Қалам етмиш минг йил сукут сақлади. Сабри битган эгам Қаламни замлади, ниҳоят, Қалам титраб ёзди: «Инсон!» Сардори аъзам ранжида, негаки, у оқ қоғозда аввал ўз номи иншо этилишига ишонган эди. Сўнг Қалам хатосини тузатишга киришди, сира шошмасдан тангрининг нечтаки исми бўлса барини битикка солди. Хўш, ўғлим, бирор маъно уқдингми?

Ушанда Шамсиддин хуррамлик билан бош ирғаган эди.

Мир Араб мадрасасида узоқ йиллар сабоқ олиб арабий ва форсийни худди она тилидек сув қилиб ичган уста Жамшиддин салоҳиятда кўп салафларидан ўзган Амир Хусрав Деҳлавийнинг маъзи тўқ ғазалларига беҳад ўч эди.

Ҳозир у хона айланаркан, ногоҳ шу зотни хотирлади.

— Уғлим, билгаймисан, Амир Хусрав темурий, томири Шаҳрисабзда, — деди у мулоҳазага берилиб. — Иложимиз қанча, фалаки буқаламун бу беҳзодни гўдаклигида ҳинд тупроғига элтиб ташлабди.

— Амир Хусравдан бир аломат ғазал ёд олдим, — деди Шамсиддин кўзларини чақнатиб.

— Баракалло! — мамнун бўлди уста. — Зеҳнингни тобласанг эрта кам бўлмайсан. Одамнинг одамлиги калимаи неъматга муносабатда билинади. Қулоғингга қуйиб ол, бу даргоҳга нопок қадам боссанг уволга ботасан, агар мутолаа чоғи тоза маъни уқсанг-да, кейин бу маънини ҳатто хаёлингга кир мақсадга бўйсундиришни чўтласанг икки дунёнинг баравар куйиб кетади. Тушундингми?

— Тушундим, дада.

— Улуғ сўз ширинзабон шоирларга ҳамиша ёр бўлган, — ўйчан давом этди уста. — Туркийда бу шарафга аввал Яссавий эришган, кейин Ҳазрат Навоий... Насиб қилса бугун Яссавий «Девони ҳикмат»ини варақлармиз.

Хона малоҳати ва мулки муборағига жунунсифат ошифта бўлган ошналар оҳори тўкилмаган дастурхонга тортилган писта-бодом, ёнғоқ-майиз ва лабзи ҳолва, кунжутли ҳолва каби турфа ширинликларни кўз-кўз қилаётган хонтахта ёнидан гангур-гунгир суҳбатлашиб жой олишди. Тўрда ҳамишагидек уста Жамшиддин кўр тўкди; у осудалик чўкишини сабр билан кутди, сўнг ҳаммага бирдек жон тасаддуқ қилаётган Ҳикмат Раҳмондан инсоф билан диёнатни худди илм каби ўрганиш ва равнақ топтириш йўриғини тарғиб қилиб ўтган Қулхўжа Аҳмад Яссавий қўллийетини даврага тақдим этишни сўради.

Чиройи очилган Ҳикматулла «маъқул» ишорасини қилиб қўлини кўксига қўйди ва секин бориб ўртадаги токчадан, муаззам сафдан муқоваси тилла суви билан ҳошияланган рисолаи авайлаб олди, авайлаб тавоф қилгач, уста Жамшиддинга узатди.

— Биродари азиз, — деди кейин вазминлик билан, — биласизми, бу нарса даргоҳимизга келиб қолиш тарихи кўп қизиқ!

— Шундайми? — уста Жамшиддин ёнида ўтирган мулла Аҳмадга маънодор қараш қилди, қўллийетни худди Ҳикматулла сингари ўпиб, қош-қобоғига суртди. — Қани, эшитайлик-чи!

— Раҳматли падарим Бухородан қайтиб хонадонида, қуръони шариф ёнида «Ҳикмат» бўлишини армон қилади. Излаттиради. Лекин на бу юртдан, на бегона юртдан топилади. Ўзи Эронга ўтади, омади чопмай қайтади. Ироқ тупроғида карвонга тарғил туя минган бир чол қўшилади. У туя устида тебраниб китоб кўриб бораётган экан. Отам салом-алиқдан кейин билибдики, чол қўлидаги қидираётгани. Дарҳол муддаога кўчибди, ҳозироқ минг танга санаб беражагини айтибди. Шунда чол нима деганини биласизми?

— Хўш? — дея бир йўла ҳамманинг қизиқишини баён қилди уста Жамшиддин.

— Уғлим, камина ёруғ дунёга келиб бор-йўғи шу бойликка етишдим, уни сенга сотсам ўзимда нима қолади, дебди чол. Топиб сўзлабдимми?

— Топганда-чи!

— Менимча у худписанд экан, — орага суқилди уста Ризо.

— Бердисини ҳам эшитинг-да, уста, — Ҳикматулла оғринди, аммо сездирмасликка тиришди. — Отам изза бўпти, индамай жўнапти. Орадан бир ҳафта ўтгач, карвон кичик бир дарё соҳилига кўнипти. Хафа бўлиб ўтирган отамни иттифоқо кашкул осган дароз бир дарвеш сўроқлаб келипти ва бир қария чорлаётганини айтипти. Борсаки, ўша чол, бағрида «Ҳикмат», ўзи пинакка

кетган. Чоли тушгур минг тиллани ўйлаб эрибди чоғи, менам бир ҳовлиқмада, катта кетворибман, деб иккиланибди отам. Баҳони туширишни кўзлабди. Чол эса тилга кирибди: «Ўғлим, «Ҳикмат»ни олтмиш йил ҳамроҳ қилдим. Дунёдан ўтар бўлсам шуни ёнимга қўйишларини ўтинмоқчи эдим. Ўйлаб қарасам бундай тадбир норово экан: бирламчи, ўликка хилватхонадан бўлаги беҳуда, иккиламчи, гавҳар тирикликка ярашади. Сен, йигит, минг тилладан кечиб турган экансан, ниятинг покка ўхшайди. Майли, олақол, сенга насиб қилсин. Меники энди бўлди. Фақат каломуллони ўртага қўйиб қасам ич ва ваъда бер: тоабат гард қўндирмайсан, ҳар каломи, ҳар маъносини ардоқлайсан, муаллифи номини абадул-абад ҳурмат билан ёд этасан, ҳайит кунлари ул зот арвоҳига хатми-қуръон бағишлатасан!»

— Кўпни кўрган банда экан, — деб қўйди уста Жамшиддин.

— Отам берилиб тинглабди, лекин хаёлидан минг тилла қулоғини ушлаб кетаётгани ҳақидаги фикр аримабди. Шунга қарамай, лафзини бузмасдан, ўшанча танга санаб солинган хуржунни чолга тутқазибди. Чол кинояли кулибди, оббо, энди жасадим ёнига чақаларни қўшиб кўмишларини сўрарканман-да, деб оғир уф тортибди. Отам аҳдини эслатибди. Чол яна кулибди, эй бандаи жувонбахт, шуни билки, ақлни уйғотадиган сўз бебаҳодир, «Ҳикмат» шундай калимаи саралардан бино қилинган, дебди-да, туясини миниб йўлига равона бўлибди.

— Барибир у худписанд экан, — деди яна ўжарлик билан уста Ризо. — Менимча у «Ҳикмат»ни шунчаки эрмакка олиб юрган. Керилиб қўйишга! Мавриди келганда ўзини кўрсатган. Йўқса, ўзини ҳалигидай тарозига солмасди, тарозига солдимми, кейин мунақа...

— Тиллани олмабди-ку, — деди мулла Аҳмад.

— Э-э, мулла, — панд оҳангида сўзлади уста Ризо, — ер юзида қанча банда борки, ҳали ундан ҳеч бири юз бурган эмас. Мабодо бурган бўлса, имоним комилки, ёлғондакам қилган. Ёлғондан кўра ўша сабилга ростакан юкунган афзал!

— Мақсадингиз бетайин, — деди уста Жамшиддин ачитиб.

— Ўша чол худписанд экан, шуни айтмоқчиман холос.

— Хўш, ўша фурсатда ўзингиз нима қилардингиз?

— Одамни унақа чилпиманг, уста, — овозини бир парда кўтарди уста Ризо. — Қаёқдан билай қандай тутар эдим, лекин шуниси аёнки, ҳеч қачон бир рисолани деб бир хуржун тиллани ортмоқлаб Эрону Ироқда сарсонун саргардон изғимасдим.

— Шундай демайсизми, валломат банда! — яна ачитди уста.

— Қўйинглар, тортишманглар, — орага тушди мулла Аҳмад. — Менимча, нима десанглар денглар, ўша мўйсафид Ҳазрати Хизр бўлган.

— Эҳтимол, — деди уста Қурбон астагина.

— Бу ёғини... ўзи билади, — дудмалланди Ҳикматулла.

Ноўнғай жимлик чўкди; зар хошияли «Ҳикмат»ни кўрган ортиқ кетган ошналар энди тинчиб-тийрилиб ўтиришарди. Эпласа-эпламаса ўзини доим ўртага ураверадиган уста Ризо дағаллиги орага солган совуқлик давра завқини музлатиб юборгани шаксиз эди.

Ҳар ҳолда кулоллар хўжасидан уста Жамшиддин кўпроқ ранжиди; кўп насага ақли етадиган, тўртаворада тузуккина обрўси бўлган одам ўзини бундай телбасифат тутиши, ҳуда-беҳуда қилдан қийтиқ ахтариши унга оғир ботди. Илгари у кўпам бунақа эмасди, ҳарнечук ҳала-ҳулада ёр-биродар бетини юлавермасди. Истиҳолани ўрнига қўярди. Энди намунча жиззаки бўлиб қолди? Эл бузиладиган бўлса аввало усталари тамизидан маза-матра қочади, деган экан бурунгилар. Наҳотки? Э, ақлу идрок сарвари, ўзинг асрагайсан паноҳингда!

Уста Ризонинг тажанг қадди-қиёфасидан нигоҳ узиб уста Жамшиддин яна куллийтни тавоф қилди, сўнг ҳалимдек юмшаб уни ўғлига тутди: «Сен ҳам Улуғ сўзга юкун, ғафлатдан уйғотгай!» Шубҳасиз, у бу таклифни кутмагани, каловланган ҳолда бир кулимсираётган отасига, бир шам ёруғида сокин товланаётган хошияга тикилди. Сўнг, ҳушини ўнглаб, унга лаб босди, вужуди жимирлаб жимгина тураркан, хаёлида тарғил туясини йўрттириб бораётган Мўйсафид гавдаланди...

Тасавурида ўша манзара нақшланиб қолди.

Мўйсафид тарғил туясини йўрттириб борарди, оч-наҳорлигига қарамай содиқ нор жони борича йўрғаларди, гўё умрини дунё кезиб ўтказган соҳибини яна қайсидир манзилга етказишга ошиқарди. Алланечук маъюс Мўйсафид фақат ўзига бўйсуниб яшаган муте жонивор ихтиёрини кўпдан бери ўзига ташлаб қўйганди, ихтиёри ўзида бўлса ҳам у бутун вужудини таранг тортиб еларди.

Янтоқ ва юлғундан бўлак нарса доримаган беҳудуд чўли-биёбонда Мўйсафид забонсиз махлуқ билан қолди. Илгари урса ҳам, сўкса ҳам индамай чидайдиган бу махлуқдан бўлак қодир куч — оқил ва жумард Улуғ сўз ҳамроҳи эди. Арш назари теккан Улуғ сўз уни бало-қазолардан асарди: чорасизликда чора топиб берарди, хафагарчиликда овутарди, севинч ёки ғурурдан тошганда босиб қўярди, адашганда йўл кўрсатарди, ҳатто чанқаганда суви, очиққанда нони эди. Ҳамма жойда, ҳар қандай кунда у Улуғ сўз билан кучли бўлиб, олса олардики, олдирмасди. Э, дариг, энди бу забонсиз махлуқ ёнида у ким? Мабодо бошига кулфат тушса ёлғиз ўзи қутулиш чорасини тополадими?

Югура-югура чарчаб, ҳолдан тойиб, охири зўрға лўкиллаётган туя устида кўзларини чирт юмганча Мўйсафид оғир-оғир мулоҳазага ботади. Бор-йўқ давлатидан кечворгани учун эса ўзини койимайди. Дилида умид учқуни чақнайди. Тани-жонини иситаётган бу учқун ҳеч қачон сўнмаслигига кафил эди.

Э, парвардигор, нидо бер, қудратли бўлса ҳам ҳамиша ҳимояга муҳтож Улуғ сўзни на зоти-зуриёди, на кимлиги маълум йўловчига топшириб тўғри қилдими?!

Гуноҳга ботдимиз ёки савобга, эгамга аён, ҳукми ўзи қилади. Фақат умидворки, бир чимдимгина савоб насиб этса! Нима бўлганда ҳам унда журъат келасига интиқланиш орқасида туғилди. Қартайгани эрта ғамини ейишга мажбурлади. Энди масжид кунжагини эгаллаш, меҳроб пойида тиз чўкиш, беш ракаат намоз ўқиб тинчгина аршга юкуниб ётишдан бўлак машғулотни эпловмайди. Улуғ сўзни асрагани, Улуғ сўз билан мулоқотга киришгани қурб итмай қолибдимиз, демак, энди уни ақли чароғон, нияти пок, билаги кучга тўла инсонга топширмоғи шарт эди.

Ана шундай некбин бандани ўзи йўллади, жами қўр-қутини хасдек сочиб ташлаган навқирон сайёҳ дилидаги ақобир эканлигини сизди, қачонки, киндик қони томган шаҳри муаззам — Самарқандда Боғдодникдан қолишмайдиган мулки чароғ тузмоқлик пайида жаҳонгашталиқ ихтиёр этганини билгандан кейин унга ихлоси яна ортди. Омад тилади, рисола ни топшираётиб сазо бердиким, эй ўғлон, энди гўримда тинчгина ором олиб ётгайман!..

Дафъатан юракда ғашлик аралаш умид туғдирадиган олачипор манзара қози Раҳмон мулки чароғи ичра ўзини эмин-эркин тутадиган Шамсиддин тасавурида бот-бот айланади. Йигитча бундан аллатовур таъсирланади, ҳатто ўзини йўқотиб ҳам қўяди, кейин хаёли алғов-далғов бўлиб кетади-да, ўзини шўра-янтоқ босган беадоғ даштда кўради, нафаси тикилганча, иланг-биланг сўқмоқ бўйлаб, талғир туя изидан ҳаллослаб бораётгандек туюлади.

Шамсиддин ҳайрон: сахотватпеша чол нияти ва умидини не куч сеҳри билан бу қадар тугал тасаввур қила олади? Қанча ўйламасин бу саволга жавоб тополмайди, ёлғиз қолганда хитланади, отасига Улуғ сўзни бирдек ардоқлайдиган икки бандани учраштираган чўли-бедиён ҳақида кўпириб сўзлайди, отаси уни аста бурайди, эй ўғлим, дейди, Мўйсафид ҳожилик унвони ила қайтаётган пайтда қози Раҳмонга йўлиққанини назардан чегирмагин, гоҳо ул зот маним ҳам кўзим ўнгидан пайдо бўладир, шунда мен ундан ўзимни қарздордек сезаман!..

Не мўъжизаки, узоқ бир замонда Қалам жон бағишлаган, ўткир нафас берган, ер юзини кеза-кеза ахийри Мўйсафид ихтиёрига ўтган, роппа-роса олтмиш йилдан сўнг эса мурувватли қози Раҳмон мулкига айланган Улуғ сўз заррин ҳошияли «Ҳикмат» қиёфасида айни лаҳзада иштиёқманд дўсти-ёронлар хуши-фикрини ўғирлаб шуъла сочаётган эди.

Зар ҳошияга лабини тегизганда Шамсиддин ажаб бир синовдан ўтаётгандек ҳаяжонланди, қони кўпирди, эти живирлади, фикрлари жунбушга келиб

ненидир шивирлади, чамаси, отасидан мутолаа учун ўзига ҳам изн сўради. Ийиб кетган уста бажонидил розилик билдирди.

— Биродари азиз, — ниҳоят уста Жамшиддинга мурожаат қилди мулла Аҳмад, — сиз мусулмонлик сулуқларига тамал солган бул шоиру аллома қабрини зиёрат қилганмисиз?

— Э-э, мулла Аҳмад, қизиқ экансиз-ку, — оғринди уста Жамшиддин. — Ул қабр тупроғини, эгам раҳмат нуридан бенасиб этмасин, кўзига тўтиё қилмаган ўзбекни ким тўртаворага қўшаркан? Сизнингча бобокалонимиз Амир Темур уни олиймақом мақбара билан сарафроз этгани бекоргами?

— Тушунарли, — бош чайқади мулла Аҳмад. — Унда ҳали... камина ёр эканман.

— Унчаликка борманг, — сал оширганлиги мулла Аҳмадга оғир ботганини фаҳмлаган уста Жамшиддин бу ёғини юмшатди. — Ҳали сизники олдинда, улгурасиз. Иншооллоҳ, шоир руҳи билан ошнолашиб турсангиз, энг катта савоб шу эрур, — илиқ табассум қилди у, қисқа сукутдан кейин давом этди: — Хўш, қани, биродар, яхшилаб қулоқ беринг-чи!

Кўзим намлик, дилим ғашлик, ман аламлик,
Нечук илож айларимни билмам, дўстлар.
Бу ҳасратда, надоматда ёшим оқиб,
Қаю тараф кеторимни билмам, дўстлар.

Уста Жамшиддин аҳли шуаро сафида мадраса ҳужраларида назмий синоатини нозик эгаллаган, хусусан, ақлу идрокини назмий ва насрий битиклар оҳанглари баробарида пешлаган эмасми, бир тўқисдаги қироати жарангдор ҳам майин товланадиган ўктам пардада эди, ширали овози мисраларда жо мусиқавий таранглик билан уйғунлашганча бориб юракка илиқ-илиқ босилар эди.

— Хўш, қалай? — деди у саҳифадан нигоҳ узиб.

— Офарин айтмоқдан ўзга иложим йўқ! — деди муғанний мамнун.

— Тупроғини бақо ёғдуси чароғон этсин, — деб суҳбатга аралашди мулла Ражаб. — Кўп содда айтган, аммо хўп айтган.

— Бу одам номи дунё тургунча тургай, — деди уста Қурбон ўйлиниб. — Қаранг-а, чорасизлик не бало экан!

— Ҳа, балли! — деб қўйди мулла Ражаб.

— Уста Жамшиддин ҳали соз гап қилди, — тиззалаб олди Муҳаммад Малик. — Нафсиламбри, Амир Темурдек жаҳонгир уни ислом пешволаридан дебгина қадрламаган, оташнафас шоир ҳам деб билган...

— Тўғри, — соқолини тутамлади уста Жамшиддин. — Етти ўлчаб бир кесадиған жаҳонгир Яссавий имони билан бирга назмийтига ҳам ихлос қўйганидан бир мусулмон тонмайди. Хўш, сиз нечун сукут сақлаётирсиз, уста Ризо? Нима, сўзларимиз маъқул эмасми ёки сизни хафа қилиб қўйдикми?

— Нимадан хафа бўларканман? — деди уста бир оз хомуш қиёфада. — Фақат камина... бир мулоҳаза мағзини чақолмаётирман.

— Хўш, не мулоҳаза экан? — деди уста Жамшиддин.

— Камина ул зотни аҳли мўмин хўжаларидан деб эшитгандим, яъни адашган гумроҳларни тўғри йўлга соладиган авлиё! — уста Ризо овози шикастароқ эшитилди. — Аммо у гуноҳларни фақат оҳ-фиғон билан ювмоқчи бўлганми? Хўжаки ҳалигидай кўзёши тўкиб турса, бу дунё ўзи тугаган экан-да, биродарлар!

— Калта ўйлайсиз, уста, — деди босиқлик билан уста Жамшиддин. — Кўзёши тўкса яхшиликка тўкибди. Одамни қадамда учрайдиган ғамдан оғоҳ қилмоқчи бўлибди. Бунинг нимаси ёмон?

— Камина ёмон демадим.

— Қўйинг-э, уста, ҳақдан юз ўгириш — ношукрчилик.

— Эҳтимол, ақли қосирлик қилаётгандирман. Унда узр!..

— Илож қанча, узрингизни қабул қиламиз-да! — уста Жамшиддин зўр-базўр илжайди. — Ана-мана элликни ураман, лекин ҳалигача улуснинг на зукколигини, на лақмалигини англадим. Бир бандалар ўзларини панага тортадилар, сизга ўхшаб маъни тагига етмоқдан тийилиб турадилар.

— Гуноҳим Яссавийга тишим ўтмаганими?

— Кошки фақат шу бўлса! — деди узиб уста Жамшиддин. — Баъзан ўйлаб қоламан: аросатда эмасмизми?

— Ундай кўргиликдан худонинг ўзи асрасин.

— Мен сизга айтсам, уста, бурун эгам оқиллар билан жоҳилларни айрим-айрим белги билан яратган эди. Кейинча жоҳиллар оқилликни даъво қилдилар, оқилона тадбирлар билан мурувватли эгам кўнглини овладилар. Эгам ахийри уларни аралаштириб юборишга мажбур бўлди. Шундан бери ажратиш мушкул: ким ундоғу ким бундоғ!

— Бир жойда депсиняпмиз, — сабрсизлик билан зорланди Ҳикматулла. — Баҳсни ортга суриб, аввал қироатхонликни қиздирсак, маъқул эмасми!?

Энди ақлу идрокни ғофилликни балосидан фориф этадиган калимаи саралардан тузилган рисолаи муаззамни ҳалидан бери тортишув тугашини бетоқат кутаётган Шамсиддин кўлга олди. Мулки муборакни акобир бандага топширганига қатъий ишонч билан туясини сўқмоқ бўйлаб елдириб кетган Мўйсафидни бирор лаҳза ҳам тасаввуридан қуволмаган йигитча қироат оҳангини отасидек келиштиролмади албатта, лекин қизил ҳошияга олинган сатрлар сеҳрига бутун вужуди билан берилди, оқ майдонда тизилган сўз лашкарлари билан ҳарбу зарбга киришди.

Илгари Шамсиддин мутолаада анча пишиган эди. Шаксиз отаси рағбати далда эди, эрта-кеч ё қози Раҳмон, ёки амакиси мулла Ражаб қироатхонасини тарк этмасди. Ҳазратиётда беназир Шайх Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Ҳазрат Навоий билан ошна тутинаркан, улар сабоғига боши билан шўнғиркан, олам ва одам ҳақидаги хулосалари тиниқиб бораётгандек бўларди.

Гирди гулдор саҳифада нигоҳи шошилмай сирғалади.

Ҳар замонда отасига алланечук хавотир билан қараб қўяди, отаси қироатидан қониқаётганини чамалагач, яна бутун ҳуши-фикрини одамни баланд иштиёқ, баланд назар билан яшашга ундовчи хилқатга қаратади. Тўлиб бораётган Шамсиддин оддийлик бу қадар ўктам бўлишини, бу қадар тиниқ жаранглашини илк дафъа туйиб турар эди.

Бу не синоатки, ҳар саҳифа бир олам: ўз рағбати, ўз зарби, ўз маслаги билан рўпарада шоён эди. Ҳар бири ҳадсиз: қанча интилма фикр қирғоғига етишинг маҳол, ҳукмрон куч — ҳадсизлик! Ахийри у реза-реза терга ботди, сўз лашкарлари билан ҳарбу зарбда кўпга чидолмаслигини тан олди, оқибат туртина бошлади, оқ майдонни совути тешилиб, қиличи синиб ташлаб чиқишга ҳозирланаркан, ногоҳ қаршисида ўнқир-чўнқирлари аниқ кўриниб турган чўл гавдаланди. Жазирамада чарсиллаб ётган кенглик бўйлаб жилови буш қўйилган тарғил туя, устида Мўйсафид, йўртиб келар эди.

Эриб ўтирган ошналар аввал ҳеч нарсани пайқашмади, ҳатто қироат давомидан умидвор бўлиб, ҳали юракларидаги чанқоқлик батамом босилмаганини туйганда, сукут сақлашди. Сазо эшитилмади, илқис ҳушёр тортиб қарашса, қироатхон йигит киприкларини чирмаштириб олган, қиёфасида жонсараклик, синиқ табассум қўнган лаблари унсиз пичирлар эди.

— Чарчадингми, ўғлим? — деди уста сал ташвишланиб.

— Йўқ, — деди Шамсиддин жавдираб; у оғир гуноҳ қилиб қўйгандек бир алфозда эди. Хиёл титраётган кўлида рисолаи авайлаб тутиб турар, оч бир назар билан йўқотган сатрини қидирар, лекин эпполмас, варақлар аллақачон қўшилиб кетган эди.

— Бугунча етар, — деди уста ўғли аҳволига ажабланиб.

— Йўғ-э, — гиналади Ҳикматулла, — ундай эмас-да...

— Кўп ўқиб уқмагандан кам ўқиб уққан маъқул.

— Тўғри, уста, лекин... ҳали сизларни жўнатмайман.

— Биз ҳам жўнамоқчи эмасмиз, — кулди уста Жамшиддин. — Фақат қироатхонликни оёқлатсак демоқчиман холос. Худо хоҳласа энди мулла Аҳмаддан эшитурмиз. Кўрмайсизми, бурчакда турган қонун бизга қараб зарда тўқади. Ахир уни интизор қилиб қўйдик-да. Буям увол.

— Уволдан тийилурмиз, — деди ҳушчақчақлик билан Муҳаммад Малик. — Сизу биз, шукрким, савобталаб бандалармиз.

— Мулла Аҳмад, иншооллох, бу саодатдан бенасиб этмас.

Афтундан айна нуқтасида луқма ташлаган уста Жамшиддин ҳар замонда Қонуни муборакка бекитиқча, соғинч билан қараб-қараб қўяётган мулла Аҳмад

муддаосини топган эди. Ипакдек эшилиб кетган камсуқум муғанний шундай маъсумона табассум ихтиёр қилдики, борлиғида мудраб ётган беадад завқ биргина шу табассум билан юзага қалқиб чиққандек бўлди.

Ажаб орзумдликни ифодалаган нигоҳлар эса аллақачон энлигина қизил бахмал ғилофидан озод этиб қўйилган, сокингина мунғайишида, бу жонона гурунгда ўрним бўлармикин, деган маъно акслангандек тўюлаётган чолғуга михланди.

— Навбатни олишга ҳозир у нозирман, — деди мулла Аҳмад хушқаломлик билан. — Фақат камина, бунга жазм этсам, маликул-калом унвонли отдошим руҳи озор емасмикин, деган гумонадан истиҳоладаман.

— Асло ундоғ истиҳола қилманг, — огоҳлантирди уста Жамшиддин. — Навбатни олсангиз, аксинча, отдошингиз арвоҳи шодланур!

— Шундоғ, шундоғ! — дейишди бошқалар чувиллаб.

— Унда камина хизматимни аямасман.

Хушчақчақ даврани сарафроз айлаган «Девони ҳикмат»ни хонадон соҳиби аввалгидек эҳтиром билан тавоф қилиб ўртадаги токчага жойлаштиради, сўн шовилмай бурилиб муғаннийга юзланди.

Нечундир ҳануз истиҳоласини босолмаётган мулла Аҳмад садаф тошлар билан безатилган, пардалари ўзаро мутаносиб, сарҳадларини тап-таранг сим торлар забт этган, шамлар ёруғида бир қирмизий, бир кумушранг товланаётган чолғу сари умтилди, қўли беихтиёр теккан маҳалда чолғу мастонавор бир ингранди, юракларни қиймалаб юборган ўткир оҳанг тинишини кутган каби у хиёл тўхташ қилди, имиллаган кўйи жойига қайтди.

Бу дунё кудурати, айшу сафоси, ақчаи макруҳига аллақачон этак силкиган мулла Аҳмад уйда ҳам, кўча-кўйда ҳам созларидан бирини қўлдан қўймас эди; у бесоз ва бенаво яшашини тасаввурига сиғдиролмасди. Хусусан, эрта-кеч қонун билан овунар эди. Элу элат ҳам суйган бу чолғу янраган дамда тангри замин у замонга меҳру саховат кўргазини, ҳатто бандалари кўнглини овлаш учун ерга яқинлашувига ишонарди; шу боис муғанний-машшоқ қатнашмаган гап-гаштак, сайил, маърака-мавлудни умуман ҳисобга қўшмас эди. Эҳтимол шу сабабга кўра у шаҳардаги йирик оқартув ўчоғида «Шашмақом» уюшмасини тузгандир, азалдан эл-улус орасида ўзларича хониш қилиб юрган хонанда-ҳофизлар бошини қовуштиргандир...

Давра аҳли дақиқаларни аллатовур бир интиқликда кечири бошлаганда мулла Аҳмад нигоҳида игна учидеккина учқун йилтиради ва нохун¹ кийдирилган кўрсаткич бармоғи қатор симлардан бирига аста тегди, тегаркан, бир оҳанг тап-таранг жимликни тилимлаб юборди.

Дафъатан юракларда ғалаён кўтарилди, ажабки, беқарор ғалаён гоҳ ғамга ботирувчи, гоҳ умид туғдирувчи титраш, ингранди билан муттасил алмашиниб борарди. Оҳанг жилолари сездирмай ўзгарарди; гўё бир тутам нур зимзиё бўшлик бўйлаб сирғала-сирғала юксакликка ўрлаётгандек эди. Уста Жамшиддин шамдек эриган, шу нурни йўқотиб қўймаслик пайида, алҳол, у бошқа барча нарсани унутган эди. Ахийри қаршисида фақат кўҳна замин билан чолғу тил-мочлигида очилиб сўйлашаётган соқолдор кимса қолди. Чолғу бийрон эди, ростгўй эди, сўйлардики, эй одамзод, кечмиш узоқ ва даҳшатли, лекин кечмиш билан юзлашмоқдан чўчима, шундагина юпанасан, дунё боқийлигини, тирикчилик ўткинчилигини эътироф этиш учун ўзингда куч топасан, ҳа, дунё абадий ва аёвсиз — мутеларни кечирмайди, шаккоқларни бадном қилади, ўзлигини таниганларни бошига кўтарди, у олтин жомларида сенга эрта-кеч бол ва оғу тутуди, қай бирини олмоқ ихтиёрингда, аммо унғача обдон ўйлагил, фаҳму-фаросатингни ишлата билгил, токи мақбулини рад этиб, номақбулига ҳавас қўймагилки, тобад умринг ранжу маломатда кечгай!..

Сим-сим эшилаётган куй симиллабгина тинди, давра билан мусоҳабага киришганидан мамнун қонун бўғзидан зарб билан отилиб чиққан сўнги нола ҳолсизлана-ҳолсизлана хонага сингиди. Зилдек жимлик чўккандан кейин кимдир оҳ урди, кимдир энтикди, кимдир унсиз бош сараклади.

— Мингга киринг, мулла, — деди ниҳоят уста Жамшиддин. — Сиздан бир маротаба машқ эшитиш жаннати бўлиш билан тенг.

¹ Қонун сингари торли чолғуларни чалишда қўлланиладиган металл асбоб.

— Рост, — инисини қувватлади мулла Ражаб. — Бундай нафис ижро фақат жаннатда насиб этгай!

— Ҳушим оғиб қопти, — илжайди уста Қурбон.

— Қўли дард кўрмасин, — деди Ҳикматулла.

— Биродарлар, андак шошилманглар, — аҳли йиғинни тинч турмакликка даъват этди Муҳаммад Малик. — Бу куй каминага раҳматли падарим сўзлаган бир ривоятни эслатди.

— Эштайлик, ошна, — деди уста Жамшиддин.

— Қадимда мамлакат подшоси оғир дардга чалинибди: кечаси мижжа қоқолмай нуқул ваҳимага тушаркан, кундузи хонанишинликка берилиб, хафачилик ютаркан...

Алланарсадан қоникмай паришон ўтирган мулла Аҳмад нохун билан атайлаб чертдими ёки билинар-билинемас титраётган панжалари тап-таранг симлардан бировига беҳос тегдими, ҳарнечук, соҳиби тиззасида бемалол ястанган қонун ингичка инграниб қўйди.

— Табиблар уриниши зое бўпти, — муҳандис бир муғаннийга, бир чолғуга термилди. — Подшо уларни қатл этмоққа қасдланибди. Шунда ўлимини бўйнига олган кекса бир табиб таъзим бажо келтирибди. «Валинеъматим, бир қошиқ қонимдан кечинг, — дебди қўрқувни енгиб. — Ҳар кишидаким руҳи муборак бўлгай, руҳ чарчаси ихтиёрини инсу жинсга топширгай ва сизники каби иллатга чалингай. Фаҳми ожизимча, руҳингиз халос бўлсагина тузаласиз». «Нимани кутяпсиз? Халос қилинг!» — амр этибди ҳукмдор. «Кўрдингиз, шоҳим, — яна икки букилибди кекса табиб, — биз бу тадбирга ожизимиз. Фалон маҳаллада бир созанда яшайди, шуни ҳузури муборагингизга чорланг, фақат шу жонингизга ора киради». Табиб зотига аллақачон ишонмай қўйган бўлса ҳам ҳукмдор созандага элчи жўнатибди. Созанда дарҳол ҳозир нозир бўлибди. Ранг-рўйи сомондек сарғайган подшо қараса, у қўлтиғига чоркунжак асбоб қистириб олганмиш. «Эй шаҳаншоҳ, ажабланманг, бу асбобнинг номи қонун, оллоҳдан ваҳий келди-ю, уни бино айламоқ насиб этди», дебди созанда ва амр бўлишини кутмай қисқагина куй чалибди. Саройни шундай бир майин ва ёқимли тарона қамрабдики, подшоҳ элиб, тахтда ухлаб қолибди.

— Қаранг-а, — деб қўйди уста Жамшиддин.

— Эҳтимол, — деди уста Ризо, — йигит сеҳргар бўлгандир.

— Ҳар нарсага қодир ўзи, — луқма ташлади мулла Ражаб, — агар ўзи раъй қилмаса ҳатто тавонга санчилган тиканни суғуриб олиш мушкул!

— Созанда саройда яшай бошлабди, — тортишувга эътибор бермай давом этди муҳандис. — Ҳар кеч ҳукмдор ётиши олдидан у қонунни сайратаркан, ҳукмдор енгиллашиб, ваҳмдан фориф бўлиб, тинчгина уйқуга кетаркан. Роппароса қирқ кеча-кундуздан кейин у тамом соғайибди ва йигитни шоҳона сарпо, беҳисоб жавоҳирот билан сийлабди.

— Ибратли ривоят, — деди Ҳикматулла хўрсиниб.

— Чиндан ҳам мусиқа фазилатини санаб битириш қийин, — мулла Аҳмадга қарата сўзлади уста Қурбон. — Нақл қилишларича, қадим замонда Одам Ато ҳам Момо Ҳаво кўнглини соз билан овлаган эди экан.

— Демак, — деди уста Жамшиддин оҳангдор қилиб, — соз чархи беимкон ичра имкон!

— Шундоғ, биродар, шундоғ! — деди уста Қурбон.

— Бугун мавриди экан, тағин бир нақлга қулоқ осинглар, — жойлашиброқ ўтирди уста Жамшиддин. — Қалам бино бўлганидан сўнг оқ қоғоз бетига дастлаб Одам билан Худо номларини битганини биласиз. Уша қутлуғ айёмда оллоҳдан тағин ваҳий келибди: «Қалам шу икки сўз тарихини ёзсин!» Яна қалам етмиш минг йил сукутга кетибди, кейин ҳарчанд уринмасин ҳеч нарса иншо этолмабди. Олло жаҳл билан зарб қилибди: «Қалам нечун жим?» Малоикалардан бири мужда етказибди: «Қалам ночор эрур, бу аҳволида тарих битмакликни ҳеч қачон эплолмас». Энди тангрининг ўзи етмиш минг йиллик сукутга кетибди. Ахийри кўзини очиб ҳануз қаршисида турган малоикага дебди: «Фалон мамлакатда бир созанда яшайди, шунга етказим, бир чолғу ясасин, ул чолғу Қаламга ақл ва суянч бўлсин!» Сиз қандай фикрда, биродар, сиз таърифлаган созанда тангри назарига тушган жувонбахт банда эмасмикин?

— Бу дунё беадад, уста, шундай бўлса бордир, — деди Муҳаммад Малик

хайрихоҳлик билан. — Турли тоифа эл-элат чатишиб кетганидек ривоятлар ҳам чатишиб кетган. Сизу биз булар чигилини ечсак савоб!

— Ҳа, балли!

— Хулосангиз қани, уста Жамшиддин? — илмоқли савол ташлади уста Ризо. — Охирини чўлта қилдингиз-ку!

— Мунча ҳовлиқасиз, уста, онангизни ичида қандай чидагансиз? — деди ҳам кулиб, ҳам инжилиб уста Жамшиддин. — Хўш, индалло, ўша жувонбахт созанда ваҳийни бажо келтирибди. Бир чолғу ясабди, ўзи унга маҳлиё бўлиб тикилибди-да, айтибдики, ушбу қонундир. Подшоҳи аъзамни тузатгандан сўнг қонун Қалам билан учрашибди ва ҳатто ўликка ҳам жон киргизадиган тароналарни бино қилибди. Шундан сўнг сукут нималигини билмай Қалам равон ёза кетибди.

— Эшитдингизми, мулла Аҳмад? — завқланди муҳандис. — Бу қисса сизга маъқулми, йўқми? Асли биз ҳам бир тоифа беморлармиз. Муолижа калити эса сиздек саховатпеша зот ихтиёрида.

— Агар сиз мурувват кўргазмасангиз тоабод беморлик азобини тортамыз, мулла! — деди муҳандисни маъқуллаб уста Қурбон.

Ошналар жўшиб чечанлик қилишди, мақтов равишини келиштиришди, айни дамда бу бўлиб таҳсину ҳайратларини ошкор этишди. Таъриф қирғоғидан ошгани сари мулла Аҳмад вазмин тортаверди, чурқ этмади, чолғу биқинига битта-битта чертиб ўтирди.

Қироатхонлик мусиқанавозликка, баҳс эса қиссанависликка уланиб кетганидан Шамсиддин тўлиқди, яйради; ҳали хаёлини Мўйсафид орзу қилган келгуси сари елиб бораётган тарғил туя тарк этмаган эди, ҳали етмиш минг йил сукутга толиб, атиги иккитагина сўз бита олган Қалам шундоққина жон жойига санчилиб турарди. Энди булар ёнига чолғусоз созанда ва тарих битмак учун яна етмиш минг йил жимгина ночорона тўлганган Қаламга ақл ва суянч бўлиш учун дунёга келган чолғу қўшилди. Ажабо, у бино бўлгандан бери неча замонлар ўтдийкин, бу кўҳна дунё кимларни кутиб олиб, кимларни кузатдийкин?

Бехосдан Шамсиддин тахминлади: гўё ҳозир падари ҳам, хонадон соҳиби ҳам, муғаннийнинг ўзи ҳам, бошқа улфатлар ҳам нуқул шу хусусда мулоҳаза юргизаётган эди. Хусусан яқиндагина «Чашма кўзи» китобини чоп эттирган Ҳикмат Раҳмон ривоятлардан ва муғанний туйқус паришон қиёфага кириб қолганидан ўзгача хулосалар чиқараётгандек эди. Ажабо, ҳали уста Ризо нимага шама қилди, шоир газетдан аразлапти, дедими?

— Англамадим, — деди ниҳоят мулла Аҳмад, — не муддаодасиз?

— Ие, мулла, — кулди уста Жамшиддин, — хаёлингиз қаёқда?

— Хаёлим жойида.

— Унда нечун муддаойимизни англамадингиз?

— Каминага қасдингиз йўқлигига имоним комил.

— Иншооллоҳ шундай, мулла, — деди уста Жамшиддин ажабланиб. — Сиз ниманидир чалкаш ўйлаётирсиз шекилли?

— Уста, қасдингизки йўқ экан, унда нечун гарданимга бу қадар оғир юк ортасиз? — товушини кўтарди муғанний. — Камина бундан майиб бўлишим тайин. Сиздек аҳли идрокка ҳайронман.

Таъна кутмаган ошналар саросималанишди.

— Нега ранжиётирсиз, мулла? — қисқа жимликдан кейин ётиғи билан сўради уста Жамшиддин. — Биз беандишалардан не густоҳлик ўтди?

— Камина сиз ўйлаганчалик қиёмига етказиб чалолмайман, — хижолат ичида бошини эгди мулла Аҳмад. — Ҳали унингдек камолга етмоғим учун беадад азият чекмоғим керак.

— Имонимни тикаман, мулла, сиз падарингиздан ўздиргансиз.

— Йўқ, уста, камина нари борса бир ҳаваскорман.

— Зинҳор-базинҳор ўзингизни бундай ерга урманг, — ранжиганнамо панд қилди у. — Сиздан умидимиз катта.

— Қуллуқ, лекин...

— Керак бўлса сизни кафтимизда кўтарамиз, — мулойимлашди уста. — Фақат, илтимос, айтинг-чи, сиз қонун руҳни халос этмоққа қодирлигидан тонасизми?

— Тонмайман.

— Баракалло! — севиниб кетди уста. — Бунданки тонмас экансиз, ўзингиздан ҳам тонолмайсиз. Камина сизни қонундан айри ҳолда кўргандан кўра... ёруғ дунёга қўл силтайман.

— Биз-чи? — ғўлдиради муҳандис.

— Энди бас, — гап нишабини бурди уста Жамшиддин. — Қани, биродар, яхшиси яна бирон нима чалинг, қонимиз қизисин.

Баравар шовқин солишди: «Чалинг, чалинг!..»

Мулла Аҳмад эса қонунни авайлаб хонтахтага қўйди.

— Бемаҳал бўлди, — деди кейин, — суҳбатни боқий қиламиз.

— Сизни жин урдими? — оғринганини яширолмади муҳандис. — Кўзингизни яширманг. Ҳали ҳеч бўлмаса бир жуфтидан умидвормиз.

— Таънангиз тўғри, уста Муҳаммад, чиндан каминага бир нарса тегишди. Узр!.. — чайналди мулла Аҳмад. — Иштиёқим суст... Энди ниятим... Шанба куни кечқурун кулбаи вайронамга ташриф буюринг, иншооллох, ўшанда қусурини чиқараман.

Ошналар илк дафъа хуморлари босилмай тарқалишди.

III

Йўқолган нарсани қайтиб топиш маҳол: бўлгани бўлиб, бўёғи синди. Қайғурган билан ҳеч нарса ўзгармайди. Фақат, ажабо, нима учун мулла Аҳмад қўққисдан тўнини тескари кийди? Ахир у давра аҳлини хушнуд этиш иштиёқида эди-ку! Агар чиндан ҳам бемаҳал бўлиб қолувди дейилса, бу важга ишониш ҳам, уни орага тиқиштириш ҳам маънисиз, негаки, билишларича, мулла Аҳмад ҳеч қачон вақт билан ҳисоблашган одам эмас, хусусан, ҳузурида шинаванда ўтирганда, эртами ёки кеч, таъби равшанми ёки хира, фарқлаб ўтирмай созини созлаб, вақтини хушлаб, муқомини қилавераркан...

Адоғи жиндай совуқчиликка бориб тақалган кеча хусусидаги аччиқ-чучук ўйловларини ўзларича муҳокама қилган кўйи бир ўринда тез, бир ўринда сокин оқадиган анҳор ёқалаб боришди. Сал қуйироқда қачон қурилганини ҳеч ким билмайдиган кўҳна тегирмон кеча тинчлигини бузиб гулдирар эди. Тегирмон деразаси ёруғ эди, демак, қартайиб қолган бўлса ҳам дунёга тўймаган Умар чол ҳали уйғоқ, ним қоронғи ҳужрасида ё тангрига юкуниш, ё қироат билан машғул; бир вақтлар падари мадрасага мударрислик қилгани орқасида бўлса керак, у китобатга астойдил ишқ қўйган, мудом устадан ҳар хил мазмундаги мажмуаларни сўраб олар, ҳижжалаб ўқиб чиққандан сўнг, уларни бир ерига гард тегирмай қайтарарди. Хушфаҳм чолдаги бу фазилатни уста зимдан қадрларди, ишдан қайтишда, эртами ёки кеч, кўпинча тегирмонга қадам ранжида қилар, ярим тунгача ун иси ўтириб қолган кулбада чойхўрлик қилиб, баҳсу жиддияга берилар эди. Ҳозир ҳам бир кўнгли тегирмон сари бурилмоқчи бўлди, лекин, негадир тезда айниди. Жони-танида ғалати бир ланжлик ҳокимлик қилаётган эди.

Алҳол, ота-бола ҳар хил паст-баланд буталар қоплаган қирғоқдан юз қадамча нарида жойлашган ҳовлиларига етгунча чурқ этишмади. Ланг очик дарвозадан у отасидан кейин кирди. Алпанг-талпанг қилиб дарвозани ёпди. Зулфинини шиқирлатиб илди. Шу маҳал отаси:

— Ҳар нарса мавридида тузук экан, — деб пўнғиллади. — Лекин ғам ема, шанбада қусурини чиқараман деди-ку!

Мулла Аҳмаднинг ваъдаси унинг ҳам ёдида эди, шаксиз, бу ваъда унга сал-пал таскин бераётган эди. Ана шу таскин билан у шанбани зориқиб кутди, узун кечаларни бедорлик билан ўткарди. Аммо шанбада яна ҳаммаси тескари айланди. Э дариф, насибни айтишмаган экан-да!

Ҳикмат Раҳмон хонадонидан қайтган оқшомлари Шамсиддин кўз ўнгидан мулла Аҳмаднинг паришон қиёфаси бир лаҳза кетмади. Қачонки, онаизори — Ойдинбиби солиб қўйган юмшоққина тўшакка кириб киприклари илингандан кейингина машшоқ сиймоси шарпадек қаёққадир йўқолди, йўқ, поёнсиз даштликни ўраб ётган оқиш ҳовурга сингиди. Дашт чексиз эди, бир дўнгликда талғир туя минган Мўйсафид пайдо бўлди. Нигоҳи мунгга тўла Мўйсафид, бир қўлида бахмал жилдли рисола, бир қўлида садафбанд қонун, бутун борлиқни зилзилага солиб қаҳқаҳа урар эди...

Эрталаб, яқин-орада биринчи марта, одатдагидан анча кеч ланж бўлиб турди. Агар яна сал кечикса, тамом, аллақачон уйғонган, нонушта қилиб улгурган отаси Регистонга ҳайё-ҳуйт деб жўнаб қоларкан...

Шаҳристон аллақачон тонгни қаршилаган, кўчалар безовтаҳол жонланган, Регистонда сокин турган уч забардаст иморат миноралари ва гумбазлар нилий тусда товланарди.

Қараса, отаси типпа-тик қотган, у дунё-бу дунёни буткул унутган, гўё саросар — жонсиз-лисонсиз, хайриятки, қадди-бастида шижоат зоҳир, қараш шиддатли, қорачиқлари тубида маъюслик аралаш бир истак ёлқинланаётган эди.

— Уғлим, гапимни яхшилаб тингла, — деди уста жимликни бузиб. — Эрта-индин ўн бешни тўлдирасан. Оқу қорани таниб қолдинг. Хўш! Мана бу иморатлар аҳволига ичинг ачимайдими? Неча йилдан бери биз Шердорда оворамиз. Бундаги юмушларни қачон тугатамиз-у, қачон бошқасига ўтамиз?

Шамсиддин кесатиқлар тагига етди: озурда ёдгорлик хоки-пойида ғам-андухга кўмилиб, еру кўкка сиғмай қоладиган падари ўз жидду жаҳдидан ҳам, сафдошлари аҳди-амалидан ҳам қониқмаётганини баён этаётган эди.

— Анови яралар кўксимда битгандек, — Улуғбек ва Тиллакори мадрасаларига ишора қилди уста. — Агар умрим ва қувватим имкон берса навбати билан буларда ўзимни синар эдим.

— Дада, — деди Шамсиддин, — булар ҳеч таъмирланмаганми?

— Таъмирланган, бир замонларда.

— Бизники ҳам шундай тўкиладими?

— Имондан айирмаган бўлса унча-мунчада тўкилмас, — деди уста чайнализброқ. — Бу ҳаёт, ўғлим, ҳар доим бўлади бетамизлар. Ёдингда тут, негадир, камина кўпроқ Тиллакorigа ҳавасмандлик қиламан. У бошқа оғаларига қараганда кўпроқ азият чеккан.

— Нимага, дада?

— Утган аср охирида бир талов бўлган, — деди уста бепарволик билан. — Шунда зар нақшларни қиртишлаб олишган!..

Шамсиддин бўзарди: гўё ичини нимадир тилиб юборди.

Кейин берган саволи жавобсиз қолди. Негадир уста уни ҳам, ўзини ҳам чалғитди, қайроқ тош тўшалган саҳнда бафуржа кезинаркан, ўткинчи дунёда яхшилик билан от қолдириш фазилати, эзгулик билан ёвузлик ораси бир қадамлиги, оқу қорани ажрим қилиш ва диду фаросатни тарозига кўйишда бобомерос обидалар асқотиши хусусида башоратлар қилди.

Хаёли чуваланган Шамсидин уч кун бурун муҳандис Муҳаммад Малик тузган тарҳни не сабабга кўра бекор қилгани боисини сўрамоқни чўтлади, лекин улгурмади, майдонни бирин-сирин кела бошлаган ёрдамчи усталар ва шогирдлар шовқини тўлдирди.

Ҳаммадан кейинда Иброҳим кўринди: тор пешонали, қоши қалин ва туташ, йирик-йирик кўзлари маънодор боқадиган чуваккина бу йигитча Шамсиддин билан ҳамёш — уникага ўхшаш кўк бахмал дўппи, зира беқасамдан ихчам тўн, ипак билан ҳошияланган қизғимтир саҳтиёни этик кийиб олган, шошилиб одимлаётгани боис этаклари елпинар эди.

Иброҳим қуюқ саломлашди, катталар каби қоидасини келиштириб сўрашди, жим турган Шамсиддинни қучоқлаб, кула-кула, кечикиб келгани боисини орага қистирди.

Нечундир уста шогирдига ғашланиб тикилди ва беихтиёр Ҳикмат Раҳмон хонадонидан зада кайфиятда қайтишаётганда муюлишда ногоҳ бу кунда муаллимлик даъвосида юрган Шариф урфонни кўриб қолганини эслади.

— Шарифбой сени бу кечаям қийнадими? — кулди уста.

Жўрасини қучоғидан бўшатиб Иброҳим бош ирғади, афтини шундай бўжмайтирдикки, бу кеча у айниқса азобга ботганини уста аниқ ҳис этгандек бўлди.

Илгари Шариф урфон ғийбатдан бўшамасди. Йўлини қилиб тузуккина ваколатга эришиб олди. Энди у, кўлтигида доим китоб-дафтар, маржон-маржон тер оқизиб маҳалла-кўйни кезади, икир-чикирга ўралашиб қолган ёш-қарини таомилга кираётган битикка жўровоз қилиш учун тиним билмай югургилайди.

Шариф урфон бир нарсадан хижолат: ўғли Иброҳим уста Жамшиддин па-
ноҳида, ҳунар ўрганиш билан овора, баъзилар аямай-нетмай шунга шама
қилишди. Қобил муаллим ўсал бўлди. Ҳатто ичини қиринди сидирди. Қўрқиб
кетганидан ўғли зеҳнини илғор ва қулай алифбога мослаб пешлай бошлади.
Лекин бу уриниши муаммони тугал ҳал қилиши маҳол, нима бўлганда ҳам
ўғлини тезроқ борди-келдисини тамом бошқача заминда қураётган илм дар-
гоҳига жалб этиши керак. Лекин бир вақтлар ўзи юкуниб борган уста Жам-
шиддиндек обрўли банда юзига қандоғ оёқ боссин!?

— Ҳўш, Иброҳимбой, яна қандай мужда келтирдинг?

— Мужда кўп, — деди Иброҳим устози саволига жавобан бурролик би-
лан. — Отам ислоҳ ҳақида гапирдилар. Зарил келгани учун... Зарил экан!

— Отангдан бир нарсани сўрамадингми?

— Нимани, устоз?

— Ислоҳдан кейин... узилишни!

— У қандай нарса, устоз?

— Ҳали ғўрсанлар, — бир Иброҳимга, бир Шамсиддинга таассуф билан
қаради уста. — Нимани ҳам тушунардинглар. Ҳозир сенларни қайси томонга
букса ўша томонга эгилаверасанлар.

— Эгилмасак-чи! — илжайди Шамсиддин.

— Унда синдиришади, — деди уста босинқи товушда. — Очикроғи, қулоқ
солмасак, ҳаммамизни синдиришади. Охири бахайр бўлсин, арабига жа ёпишиб
олишди. Ислоҳи тинч ўтса майли эди.

— Шу... эскирипти. Дадам айтди.

— Даданг... билмадим... унчалик ҳам бўлмаслик керак, — тутилди уста,
гўё ҳар бир каломи ўзига ҳам тошдек ботаётган эди. — Асли дадангдан нима
гина! Жон, рўзгор кўзга кўриниб турганда ҳар биримиз қалтираймиз!

— Айтадиларки, арабийда Ҳазрат Навоий кўп озор еган эканлар, —
деди алланечук истиҳола билан Иброҳим. — Бу қулай экан...

— Ҳимм, шундайми? — мийиғида кулди уста. — Яхши баҳона ўйлаб то-
пишпти. Беш кетдим!

— Дада, — деди Шамсиддин, — бобом арабийни бир ҳафтада ўрганиб
олган эканлар-ку!

— Тўғри, — ўғлини қувватлади уста. — Бари айбни нимага ағдаришга
боғлиқ экан-да! Нима, қадимда ажодларимиз сўқирмиди, бесаводмиди?
Э-э, шунақа деганлар номаъқул бузоқнинг гўштини епти! Суғд хати уларча
нимаёкан? Урхунча битик-чи? Фақат булар вақтида бадавийга ёқмаган холос.
Ёзуви кўзимизга суқилиб турса енголмаймиз деб қўрққан! Кейин... ислоҳ!
Топгину олгин! Энди буниси!..

— Ҳозир эл хоҳиш қипти.

— Билмаганингни алжима, Иброҳимбой, — шогирдини силтаб ташлади
уста. — Тавба, бу ёғиниям боплаб андавалашипти-я! Қуръон уволи тутгурлар!
Менга қолса шу нарсани ўйлаб топган топағонни Шердор минорасидан ирғи-
тардим! Нариги дунёга бориб қилсин ислоҳини! Лотинига бало борми? Уфф,
ҳозир ёриламани, қаёқдан ҳам шунақа гапларни ёдга солдинг, Иброҳим? Кеча
амри маъруфда бир чеккага суриб қўйган эдиг-а! Бўлди, бас, юринглари тахбин
томонга, ундан кўра кошин йўнайлик, сизларга ҳам ўргатаман.

Мадраса ичкари саҳнида, бурчакда сал кам тизза бўйи кўтарилган теп-
текис ганчсувоқли тахбин — супа кенгина, чоркунжак, тевараги эса ивирсиган:
катта-кичик, рангли-рангсиз кошинлар тўдаланган, унда-бунда ёғоч курси,
теша, газчўп, ражжа-шовул кўзга чалинади.

Асли амал учун зарур кошинни кўзи очилиб, уқуви сал пешланган шо-
гирд, кўпинча эса пири комил қанотида узоқ йиллар ўзини сал кўрсатган ёр-
дамчи уста тарашлайди. Азалдан таомилга кирган, қонга сингиб кетган бу
қоидани уста чўчимаёй бузди: бир ой бурун у Иброҳимга, бугун эса Шамсиддин-
га йўл берди.

— Бир ҳафтада эплайман, — деди Шамсиддин кошинга узалиб.

— Мақтанчоқ, — лабини бурди Иброҳим.

Илкис бошини кўтарган Шамсиддин тузуккина шапалоқ еган одам ҳолида
эди, ғурури оғриган кўйи беҳуда керилиб қўйганини ич-ичида тан олди, дўсти-
дан эмас, ўзидан ранжиди. Кейин нечундир кеча оқшом давра қизиган палла

бирдан мулла Аҳмад ўжарлигини пеш қилиб, ҳеч бир банда ўтинчини инобатга олишни истамаганини эслаб, таъби баттар хиралашди. Ҳар ким ҳар хил талқин қилган бу ўжарлик тагида ётган асл маънони у мурғак фаҳми билан сал-пал уққан эди. Ўзини баландга қўйишни истамайдиган, лекин ўзи сезмаган ҳолда кўпинча жамоадан баландда бўлиб қоладиган чолғусоз кутилмаган муросаи мадора билан улфатларини ерлади, яъни қалови келишмаган мақтовни бошлабгина қайириб ташлади, у эса ҳали кошиндан кошинни тузукроқ фарқламай ўзини бозорга солиб ўтирибди. Суф-э, сенга, гўдак!

Шамсиддин дўстига қайтиб гап қўшгани ботинмай тумшайиб ўтирди, ҳалиги гувранишига сира мос тушмайдиган ҳафсала билан бир-икки кошинни чала-чулла йўнди. Тешани иштиёқ билан измига сололган Иброҳимга ҳаваси келиб алланечук бўлди. Тахбин ёнида ногаҳон туғилган ранж уни ўша кунни бир лаҳза ҳам қўвормади, чатоғи — бу ҳис эртаси ҳам, индини ҳам, ундан кейин ҳам бағридан аримади. Ҳар лаҳза катта кетворгани, Иброҳим бир оғиз сўз билан бошлаб адабини бергани, кейин... шамлар ёруғига кўмилган қироатхонада кечган қизғин давра, юракларни ситиб бўзлаган қонун ахийри соҳиби билан баравар сукутга толгани ёдига тушаверди. Кечага файз бағишлаган ривоятлар ҳам унга ором бермас, хаёлидан жилмас эди...

Тасодиф ҳар нарсага қодир, у зарурат билан ҳамиша ёнма-ён, ҳатто тасодифсиз зарурат ўз қадди-кўлами, куч-қудратини тўла намоён этолмайди. Чамаси, ўша кунни ҳам шундай бўлди, бу икки омил чатишиб-бирикиб кетди, оқибат, мазмунан бири-бирини тўлдирган қўшалоқ ривоят давра руҳи-равини безади.

Хартугул Шамсиддин бундан ўзича хулоса чиқариб улгурди. Мана энди у Муҳаммад Малик билан отаси чечанлик билан кўз ўнгида бино қилган ғаройиб дунёни қадам-бақадам кузатади, ҳар яхши-ёмони, ҳар паст-баланди, ҳар зоризўрига жон риштаси билан боғланади. Кўнгли алланечук ийиб, шуури ёришган кезларда у кўпинча «Девони Ҳикмат» тақдири билан боғлиқ воқеаларга шарпа мисол аралашади. Ҳатто у баъзан ўзини қози Раҳмон ўрнида кўради. Ана, уққур бедов, у тиллақошли ва филдандонли мардона эгарда юлдузни кўзлаганча оҳиста тебраниб боради, попуклари қирмизий хуржунида бутун бошли хазина — қуръони шарифга ини бўлган «Ҳикмат»ни харид қилмоқ қасдида...

Ниятини пок қилиб Шамсиддин хом кўндан майдалаб ўрилган қамчисини ҳавода ўйнатади. Кўкси ҳавас ва ишонч билан тўлади. Беҳудуд бўшлиқда илкис қанот ёзган чарс тулпор билан ўзини учиб бораётгандек ҳис этаркан нечундир бу уриниш, бу парвоз, бу таҳлика таъбига ўтиришмай қолади, сурурга ташна юраги бошқача — илоҳий шиддат, ўжарлик, қаҳр ва одиллик билан қоришиқ бир ҳолатни кўмсайди ва ногаҳ алланечук қониқиш туя бошлаган тасаввурни қози Раҳмон амалига тегишли саргузаштни таваллуди номаълум ривоятлар қаърига суриб юборади...

Алҳол, сукут онлари ота-бола бир мўъжиза илоҳа шарофати билан қарийб баравар ўйлардики, қадимдан ҳам қадимроқ бир замонда ахийри Қалам ночорликка бўй берди, яъники, Инсон ва Худо исму шарифларини муборак қоғозга иншо айлаш чоғида жама имконини сарфлаб қўйди. Тамом ожизлик ила кун кечираётган фурсатда кўкдан олиймақом ваҳий етдиким, ўшал икки сўз тарихини битмак савоби фарз ҳам қарзидир. На илож, Қалам ваҳий ижросига киришди, куч йиғиб олиш учун етмиш минг йил сукут сақлади, аммо натижа бўлмади. Оллога арз қилмоқни мўлжаллаб турганда ногаҳон бир майин наво эшитилди. Қалам ҳузурига Қонуни муборак ташриф буюрган эди.

«Эй, комил жон, узлат комида қолганинг боиси менга аён, — деди у камоли эҳтиром билан. — Лекин энди сукут сақламоққа ҳожат қолмади. Энди мен ихтиёрингдаман. Вазифам ягона: вужудингда тиниб, ҳориб, мудраб ётган руҳни уйғотиш! Шаксиз, эрта-индин руҳинг уйғонади, у билан бирга ўзинг ҳам уйғонасан, кучга тўласан. Зиммангдаги вазифани уддалаш эса осон кечмайди. Чархи буқаламун шунақаки, Инсон ва Худо шани-шавкати таърифига киришган онингдаёқ изингда тўда-тўда ғаламисларни қўяди. Улар сени маломатга кўмишади, ҳатто адолатдан тониш, разолатга юз буришга мажбур қилишади. Кейин эса тойиб кетганингни, еру замин қолиб, аршгача ёйишади.

Бу кўргилик қошида сен нима ҳам қила олардинг? Ҳеч бунга ақлим етмай қолди, эй қудратли Қалам!»

«Овозинг бунчалар нажотбахш экан, эй оқил Қонуни муборак?! — тани кучга тўла бошлаганини туйган Қалам таъзим бажо келтиради. — Қайси мулки хилқатдан қадам ранжида қилганингни билолмадим, аммо нолаи афғонинг ва навои саодатинг ўзимни ўзим англашим учун рағбат бўлди. Кеч топишдик, лекин бу ҳеч бўлмагандан кўра яхшироқ! Ваҳий келдиким, икки сўз тарихини битмак савоби фарз ва қарзидир! Аммо ҳозирча бу борада етмиш минг йил узлат фироғини тортишдан ўзга юмуш адо этмадим. Ҳар ҳолда ушбу муддат давомида неларни ўйладим? Умуман мени ташвишга солаётган дарду ғам шу қадар узоқ муҳокама юргизишга арзийдимми? Ахир имиллаётганим учун бир кунмас бир кун тангри олдида жавоб беришим тайин-ку! Ҳеч қачон мен ўзимни оқламайман, билсанг, ўша икки сўзни ёзиш олдида ҳам етмиш минг йил жим нафас ютган эдим. Номуҳимдан муҳимни ажратмоқ бирламчи тилагим бўлгани учун шу ҳол юз берди. Энди эса галдаги сукутим боисини англаб-гандирсан. Дунёдаги энг оғир гуноҳ — ножоиз маънини, адолатни четлаб ўтадиган, оқни қора, қорани оқ деб таъриф этадиган каломни битмоқ! Инсон ва Худо ҳақида нафақат рост сўзлаш, рост ёзиш ҳам керак. Бунини уддалолмасам нима бўлади, деб чўчидим. Ёлғон менга ҳаром! Ҳеч қачон мен ёлғон билан келишолмайман, бундай субутсизлик орқасида бетим қаро бўлишини асло хоҳламайман. Нимага етишсам тўғрилиқдан етишайин. Энди сенинг кўмагингни ҳис этиш мудраган руҳимни эмас, мудраган журъатимни ҳам уйғотади. Энди сукут сақламоққа ҳожат қолмабдимми, демак, зиммамдаги бурчни адо этмоққа киришаман. Худди шу фурсатдан ер ва фалакнинг энг безовта, энг маъсуд онлари бошланади. Бурилиш нуқтасига тоабат ўчмайдиган белги кўяётганимдан ҳам фахр, ҳам қайғуга маҳкумман! Эътироф этиб кўя қолай: бугундан бошлаб ҳар тоифа бандалар менга баббаравар юкунишади, худди ана шу ҳол кўкдан олиймақом ваҳий келган дақиқадаёқ менга аён бўлган инқироз хавфининг ўзгинасидир. Бу синоатдан сен ҳам воқиф экансан, лекин сен фақат зўравонларни эслатдинг, мен эса улар кўлига тушишдан қўрқмайман, улар мен ардоқлайдиган, опичлаб улғайтирадиган Улуғ сўзни ўз ҳукмлари остига олишлари, ўз хоҳишларига бўйсиндиришлари, ўз маслакларига мослаб бўяб-бежашларидан хавотириланаман. Ҳаётда кўп нарса бебаҳо, лекин сўз мулки мангудир, нафақат мангу, дахлсиздир. Қани, яқинроқ кел, менга мадад бер, эй Қонуни муборак! Мен фақат сенга ишонгайман, сенга!..»

Қонун нидо берди, бир навозиш билан тўлғанди, ер-кўкни сабуҳий мусиқа қамради, даъваткор наво Қаламнинг уйғонган руҳи ва журъати билан қовушди. Қалам қувватга энди, илҳомга етишди, сўнг уни тўхтатиб бўлмай қолди: ёзди, ўчирди, ўчирди, ёзди. Қоғоз узра кечган етмиш минг йиллик ҳарбу зарб ниҳоясида Улуғ сўз камол топди. Улуғ сўз беҳисоб имкон, беҳисоб тимсолга эга эди: бири «Ҳикмат» бўлди. Тезда у Қалам ҳукми билан эл орасига учди ва чордевонлар, чордарвешлар, хамсалар, муҳаббатномалар, зарбулмасаллар, шоҳномалар, фахриялар, соқийномалар, алпомишномадалар, муҳаммаслар, илму урфон мажмуалари... қаторида етти иқлимни кезди. Ҳамма жойда у дунёни мушфиқ, озорлардан холи кўришни орзу қилган дониш инсон ёнида бўлди, одамзод ҳамроҳига айланди. Ахийри, юрт кеза-кеза, бир кун тарғил туя минган Мўйсафид билан ошнолашди. Имон илм билан бутунлигига амин бўлган Мўйсафид уни роппа-роса олтмиш йил авайлаб асради, бағрида бебаҳо жавоҳирдек олиб юрди. Куч-қувватдан қолган чоғида тангри Мўйсафидни қози Раҳмонга йўлиқтирди. Учқур бедов минган йигит Улуғ сўзни пок ният билан излаб юрганини билгандан кейин ийди, йигит тиллага тўла хуржунини пеша қилганда ранжида, ақлни уйғотадиган калом бебаҳолигига писанда берди, уни то қиёматга қадар гард юқтирмасдан асраш одамзод учун бирламчи ва-зифа эканлигини такрор-такрор айтди.

Орзуидаги мулкка етишган қози Раҳмон олдида кўндаланг бўлган бурчдан тонмади, ҳатто Мўйсафид юклаган вазифадан рағбатланиб, «Ҳикмат» ёнига ер юзидаги жами дурдоналарни битталаб йиғди, ҳалиги хуржунда қолган тиллани аямади, таниш-билишларидан ёрдам ҳам сўради, боринги, мол-дунёсининг каттагина бўлагини сарфлаб, шаҳристонда ҳали ҳеч кимга насиб этмаган бениҳоя йирик китобиёт хазинасини тузди. Энди у шаҳристон

кўрки: улус эрта-кеч ундан баҳра олади. Кеча шундай эди, бугун ҳам шундай, ё насибки, эрта ҳам шундай бўлиб қолади...

Мана шу ишонч дилида мустаҳкам ўрнашгани учун ҳам Шамсиддин бўш вақт топган заҳоти қироатхона сари шошилади, қироатхона тарафга бораверса қаршисида — олисларда чанг-тўзонга кўмилган боши-кети йўқ дашт гавдаланади, наздида дашт ичкарисидан туя минган Мўйсафид қози Раҳмон ва унинг ворислари қутлуғ пандини қандай адо этаётганидан хабар олиш учун шу томонга елиб келаверади, бир қўлида рисолаи муаззам, бир қўлида Қонуни муборак...

Бетин хаёллар билан Шамсиддин ҳуш-беҳуш эди.

Ўтган уч-тўрт кун ичида у нима қилганини тузукли эслолмайди; эрталаб отасига эргашиб Регистонга келади, кечқурун ҳориб-чарчаб келган йўлидан изига қайтади. Адашмаса чоршанба кун ичида туш маҳали у гурун орасида шанбада мулла Аҳмадникида мусиқа тинглаш учун тўпланмоқчи бўлишганини Иброҳимга айтиб қўйди. Тўғриси, бу хабардан Иброҳим шошиб қолди, амри маъруф даврасини кўриш истаги юрагини ёқа бошлаганини дўстидан яширолмади. Ахийри жўралар маслаҳатни пишитишди. Мавридин топганда Шамсиддин Иброҳим хоҳишини отасига сездириб қўядиган бўлди. Ҳали шанбагача икки кундан зиёдроқ вақт бор — шунгача амаллайди. Ҳарнечук отаси оёқ тирамаса керак: Иброҳим ҳам суукли шогирди, ёнида бўлса қайта кўнгли ўсади. Тахмин и тўғри чиқди, отаси осонгина кўнди, лекин вақтни нима қилсин, қуриб кетгур вақт оғир кечди, соатлар йилга татиди: шанба тезроқ келса, шаҳристоннинг энг обрўли, энг салоҳиятли машшоғи билан тезроқ дийдор кўришишса, у қонун ёки удда қойиллатиб ижро этадиган нағмаи жононаларни мириқиб тинглашса!..

Зориқиб қутилган шанба тонги отганда аллақачон турволиб ҳовлида айланиб юрган Шамсиддиннинг кўкси қалқиб-қалқиб кетаётган эди. Нима сабабга кўра бу қадар орзиқаётганини сезиб-билиб турса ҳам негадир буни тан олгиси келмас — хотиржам бўлишга уриниши эса беҳуда кетар эди. Шу нарса яхши ёдидаки, у қайтиб уйга кирмади, нонуштадан бўйин товлади, мана шу қилиғинг чакки-да, ўғлим, емаган ярамайди, деб ёзғирган отаси ёнида Регистон сари ошиқди. Нима бўлса ҳам Иброҳимни тезроқ кўрмоқ, у билан қувончини шериклашмоқ, бу кун ҳаётидаги энг қизик, энг фахрли кунлардан бўлиб қолажани унга қайтадан англатмоқ ниятида куйиб-пишаётган эди. У секингина тахбин ёнидаги жойини эгалларкан, кейинги вақтларда узлуксиз тарзда оромини ўғирлаган манзара — шундоқ қаршисида шўра-янтоқ қоплаган қақроқ дашт пайдо бўлди. Дашт ҳудудсиз, ҳув чеккаларида ола-чалпоқ сароб живирлайди. Сароб қўйнидан тарғил туя лўкиллаб келади. Туя устида — Мўйсафид, у бир қўлида рисолаи муаззам, бир қўлида — Қонуни муборак, қаҳқаҳа уриб чўли бедийни ларзага солади. Мўйсафид бир рисолаи, бир чолғуни ўпади, тавоф қилади. Хусусан саробда чолғу ўзгача товланиб кўринади. Гардиши садафбанд қилинган, садафлари оппоқ, ярқироқ... Бу рисола, бу чолғу билан Мўйсафид бугун мулла Аҳмадникида бўладиган амри маъруф кечасига шошилаётганини Шамсиддин дилидан кечиради. Мамнун кулади, ўйлайдики, китобиёт билан мусиқа мангу қовушган, агар қадимда — тириклик эндигина гуллаётганда тангри қонунни бино қилмаганда Улуғ сўз тарихи ҳам юзага келмас эди. Одам умри, шани, яхши-ёмони, қувончи-ғами бугунги кунда ҳам Улуғ сўз билан қанчалар боғланган бўлса, мусиқа билан ҳам шунчалар боғланган. Ушбу ҳикматни насиб айласа бу кеч мулла Аҳмад тағин бир бора исботлагай!..

Бугун алоҳида хосиятли кун эди. Шу сабабли у бугун отасига ўзини кўрсатиши керак эди; у мулла Аҳмадни, мусиқага ишқибоз ошноларни, олисларни — жимжит дашт қўйнидан рисола ва қонун билан кечки мажлисга ошиқиб келатган Мўйсафидни ўйлаганча йўнувга берилди.

Ҳар замонда Шамсиддин бошини кўтариб кириш йўлаги сари ажабсиниб қарар эди. Чошгоҳ бўлди: Иброҳим келмади. Энди у чиндан хавотирланди, қўли ишга бормай қолди, шогирдингизга нима бўлдийкин, деб отасидан сўради. Барини сезиб-билиб турган бўлса ҳам уста тайинли жавоб қилмади, елка учирди, балки шамоллаб-памоллаб қолгандир, деб тахминлади.

— Дада, — деди Шамсиддин ўкиниб, — жуда қизиқаётувди.

— Иложимиз қанча, — афсус билдирди уста. — Лекин сен кўпам типирчи-

лайверма, ҳали-замон кеб қолар, келмаса, насиб қилган куни оқартув уйига бо-риб эшитади. Худо дегинки, тинчлик бўлсин, қолгани бекор!

Вақт имиллаши, зерикиш ва интиқлик устига Иброҳимни, ана келар-мана келар, деган илинж билан кутиш мажбурияти қўшилгани, отасини билмади, уни анча мунча хун қилди; у энг сўнгги дақиқагача илинжини сўндирмади, негаки, бир неча кундан бери мулла Аҳмадникига суюмли отажони, дилкаш усталар билангина эмас, сирдоши — жондай азиз жүраси билан бирга-бирга гурунгла-шиб бориш, мўътабар хонадонда у билан бақамти ўтириб сеҳрваш нағма-наво-ни маза қилиб тинглаш учун ўзини ҳозирлаган эди. Бунинг ўзгача гашти борли-гини ич-ичида эътироф ҳам этиб қўйган эди. Нияти амалга ошмади. Минг афсус! Бироқ қайғурганидан, отаси айтганидек, на фойда?

Кеч тушиб, Регистон сокинлашиб, ниҳоят, совуқ сувда апир-шапир юви-нишаётганда ҳам, пештоқ тагида уймалашаётган усталар бир-бирларига ҳазил-мутойиба отишаётганда ҳам, отаси тўшини яланг қилиб йўл тортганда ҳам Шам-сиддин Иброҳим нима учун келмай қолгани сабаби устида беҳуда бош қотирар эди.

Ҳашамдор баланд дарвоза бўсағасида ним табассум билан қўл қовуштир-ган бўйчан кишига нигоҳи тушгандан кейин хаёлдан сал чалғиди. Лекин отаси изидан ичкари кираркан, сердарахт ҳовлининг чор тарафидан қувноқ-қувноқ оҳанглар оқиб келаётгандек туюларкан, туя минган Мўйсафид рисолаи муаз-зам ва Қонуни муборакни амри маъруф кечасига етказиб келишидан умид-ланаркан яна бу гўшага дўсти қадами етмагани, дўсти шаҳристондаги энг ўктам машшоқ уюштирган мусиқанавозликдан бенасиб қолаётганига ўкинди. Бу ғус-садан қутулиб улгурмай ўзини тўрида сўпа кўтарилган, узун-энли, шифти ба-ланд, кўп тоқчали хонада кўрди.

Ислими нақшлар ўйилган равоқли тоқчаларда гул-битик чекилган нафис чолғулар тизилган эди; ажаб улғворлик ва ажаб малоҳат намоён айлаган саф-ма-саф чолғулар хили ўндан зиёд — дутор, ғижжак, қонун, уд, руд, баргоҳ, ча-ғона, дилрабо, хуллас, ишқибоз улусни азал ва абад ром этган асл созлар бунда жамул-жам эдики, ҳафсала билан жой-жойига қўйилган ҳар бир намуна соҳиби хонадон истеъдоди ҳам беназир, ҳам кўп қиррали эканидан далолат берарди.

— Илоҳи омин, — супадаги қўшқават кўрпачаларда жойлашганларидан сўнг уста Жамшиддин фотиҳага қўл очди, — эгам назари теккан бу даргоҳни мусиқаи олий тоабод обод айлагай!

— Овмин! — устага жўрлашди бошқалар.

— Кулбаи вайронамизга хуш келибсиз! — мулла Аҳмад чаққон қўзғалиб таъзим қилди. — Камина, ўтган қисқа фурсат ичида, сиздек пешволарни кўп соғиндим-да!

— Соғинтирдикми-а, мулла? — муҳандисга кўз қисди уста.

— Э, сўраманг, уста, соғинтирганда-чи!

— Қадр шундан кейин билинади-да.

— Рост, уста, — тасдиқ ишорасини қилди мулла Аҳмад. — Хўш, қани, дас-турхонга марҳамат. Шамсибой, оббо сиз-ей, зап келибсиз. Уялмай олиб ўти-ринг.

— Шамсибой келмаганда кўярмиди, — ҳозиргина тандирдан узилган жиз-зали қатпатирни «бисмиллоҳ» деб синдирди уста Жамшиддин. — Адашмасам, мулла, бу кунда энг содиқ мухлисингиз шу йигит, биз — ғариблар, унга шаҳри-мизни бердик.

— Офарин! — мулла Аҳмад унинг елкасига қоқди.

Шамсиддин отасига ўнғайсизланиб тикилди: «Оширяпсиз-ов!»

— Хўш, мулла, бу йигитга шаҳар берганимиз билан сизга ихлосимиз зўрайса зўрайдики, сусайгани йўқ, — қисқа жимликдан сўнг давом этди уста Жамшиддин. — Шундайки экан, бизни кўп интиқ қилманг-да, амалга кўчинг. Сиз фақат бизни соғинган бўлсангиз, биз ҳам дийдорингизни, ҳам созингизни соғинганмиз.

— Худди шундай! — қўлини кўтариб тасдиқ берди муҳандис.

— Мулла ўз хонадонларида интизор қилмаслар, — орага гап қистирди уста Қурбон. — Меҳмон отангдан улуғ, демиш машойихлар. Аммо, мулла, «Шашмақом» жамоасини ҳам астойдил йўлга қўяётган эмишсиз. Ростми? Ҳа-лигача биз жамоангиз ҳолидан хабар ололмадик.

— Сизни хоҳлаган пайтингизда қарши олурмиз, иззатингизни жойига қўюрмиз, — қўлини кўксига босди мулла Аҳмад. — Ҳозирча фақат шуни айтиб қўяйки, халқимиз орасида истеъдодлар беҳад кўпдир. Қисқа кун ичида жамоага шу қадар кўп ҳофиз ва машшоқ келиб арзиҳол қилдики, уларни жойлаштиролмай гарангман.

— Кўз тегмасин, — деб қўйди уста Қурбон.

— Илойим шундай бўлсин. Рағбат этишса... Имоним комилки, жамоа тезда суҳрат топгай! — чеҳраси очилиб давом этди мулла Аҳмад. — Камина рағбатим чаккимас, айниқса бу оқшом ҳеч нарсадан чўчиманг. Сиздек улуғларни чорласам-да, не шаккокликки, интиқ қилиб қўйсам! Боз устига охирги даврада сўз берганман-а, мавриди келди, беодблигим қусурини чиқараман.

— Яшанг, мулла! — деб уни олқишлади уста Қурбон.

— Мулла, — уста Қурбон сўзини илиб кетди Салоҳхўжа Ургутий, — ўтган шанбада сиз қози Раҳмон қироатхонасида аломат машқлар чалиб биродарларимни хушнуд этибсиз. Камина қарилик туфайли бетобланиб, Ургутдан келолмадим ва бир дунё завқдан айрилдим. Шу важга кўра, — кулимсиради Салоҳхўжа, — бугун каминага алоҳида бир жуфт нағма бағишлагайсиз.

— Сиздек зот сазоси сингунча ярамас шайтоннинг бўйни синсин, муҳтарам Ургутий! — ҳар қандай хизматга ҳозир у нозирлигини изҳор этди мулла Аҳмад. — Бугун, иншооллоҳ, чарчагунча нағманавозлик қилурмиз ва ҳатто баҳоли-қудрат хонишлар ҳам қилгаймиз.

— Биламиз, — деди уста Жамшиддин, — сиз ҳофизликниям дўндирарсиз.

— Унчамас. Лекин майл бор савил. Майли бор экан, киши айтмаса танижони таранглашиб, ғамга ботади, — хўрсинди мулла Аҳмад, кейин токчаларда терилган асбобларга термилди. — Энди сизлардан суюнчи ундирай: камина қонунда ижро этиладиган янги куй адо этдим. Фақат, ўтинчим шуки, уни ҳамма жам бўлгач, яъни мулла Ражаб, уста Ризо ва Ҳикматулла етиб келгандан кейин чалсам. Буям бир ирими-да!

— Умри-жонингизга барака! — кўзлари чақнаб хитоб қилди уста Жамшиддин. — Аломат иш бўлибди. Зап хурсанд қиларкансиз-да, а?

— Иншооллоҳ! — ғурурини яширолмади мулла Аҳмад. — Кўпдан кўнглимга тугиб юрардим. Ўтган шанбада қози Раҳмон қироатхонасида ўтирганча олқиш тингларканман, неча ойдан бери бир куйни ниҳоясига етказолмаганимни ўйлаб тугаёздим. Кўп азиятлардан сўнг бу ҳафта ичида ниятим ушалди, уни оҳорларидан ва «Қасидаи падар» деб атадим.

— Э, балли! — деб юборди уста Жамшиддин беихтиёр. — Ниятни хўп қилибсиз. Аммо, шошманг, нечун бундай атамоқни лозим кўрдингиз?

— Жоним уста, — ўйчан қиёфада сўзлашга киришди мулла Аҳмад, — сиз раҳматли падаримни озми-кўпми танирдингиз. У киши билганини элдан аямади, каминага эса ёруғ дунё билан ноёб ҳунарни тортиқ қилди. Шундай экан, уста, қани айтинг-чи, камина валинеъматим хотирасига бир ёки ўн эмас, юз ёки минг куйни атамоғим қарзу фарз эмасми?

— Шундоғ, мулла.


— Ҳали куйингизни эшитмасдан орзиқа бошладик, — қисқа жимликдан фойдаланган Салоҳхўжа Ургутий суҳбатга қўшилди. — Бинобарин, фаҳми ожизимча, сиз баён этаётган ҳар бир фикр бандалари гарданидаги мажбурият бисёрлигини эслатмоқда.

— Тирик жон мажбуриятдан тонолмас, — Салоҳхўжага нигоҳини тикди мулла Аҳмад. — Сиз камина муддаосини осон тушундингиз, зеро биродар, «Қасида» вазмин пардалар орқали тириклик паст-баландидан баҳс қилади, яъни фарзанди оқилнинг ота олдидаги вазифаси нималардан иборатлигини англатмоқчи бўлади.

— Демак, мулла, чолғу, дейлик, қонун руҳни халос этиш билан кифояланмас, — уста Жамшиддин илгари кечган суҳбатга қайтиш қилди. — Бир пайтда у англитишдек оғир юмушни ҳам уддалайди.

— Шундай, уста, — деди мулла Аҳмад, — бу жиҳатиға тараф йўқ!

Давра аҳли сукутга толди: ҳамма «Қасидаи падар» пардаларидаги нозик савту наво, мусиқавий камолот хусусида мулоҳаза юритаётгани тайин эди. Ажабки, у ҳали муғанний шуури-дилида яшаётир, иссиқ нур-ҳовур бўлиб қонижонида кезаётир — агар соҳиби истеъдод хонанишинликни ихтиёр этиб парда-



Г.Б.

Рисом Б. ТУХТАБОВ

ларини оҳорлаётганда ёруғ жаҳонга парча-парча кўчганини демаса, ҳали сер-ғалва, сершовқин заминга тугал алфозда кўчмаган, ингичка, майин-вазмин, тиниқ-серғулув оҳанглари ҳали бирор юракни забт этмаган. Мана бу мижозлар «Қасида»га бошқача умид билан қарашмоқда, улар ашаддий, ўжар — соҳиби истеъдодни қисталанг қилиш пайида, ирим ўз йўлига, биродар, кечикиш билан одобсизлик кўчасига кириб қолганлар келгудек бўлсалар қайта бошлайсиз, тўхтаган жойидан улаб кетасиз, демоқда ўткир нигоҳлари...

Лекин падар меҳри-соғинчини, падарнинг дилларни қийноғу мушкулотдан қутқарувчи кароматини оҳангга солувчи чолғу — Қонуни муборак ҳануз энг тўрдаги токчада маъюс турар, садафу симлари шам ёруғида сокин йилтирар, гўё саховатпеша соҳибини ўзи сари имлар эди.

— Ошналаримиз қизиқ қилдими, мунақа кечикадиган одатлари йўқ эдику, — деркан мулла Аҳмад секин бориб қонунни олди, эҳтиёткорлик билан қайтиб жойига ўтирди. — Қозонда палов ланж бўлгани устига сизларни зериктириб қўймайин, эскироғини бошлаб турай, ҳадемай улар ҳам келиб қолар.

Энди давра хиёл жонланди. Интиқ бўлиб кетган Шамсиддин бир қимирлаб қўйди, кўксини нимадир илитди. Кечикувчилардан кўнгил узолмаётган мулла Аҳмад чолғуни қўлга олгандаёқ чеҳраси нурунийлашгани, ажинлари ечилиб кетгани, борлиғига эса ажаб бир иштиёқ энганини илғади. Бу нима сир, деган мулоҳазага борди.

— Раҳматли падарим қонун учун қирқ куй яратганлар, — мулла Аҳмад ташқарига диққат билан қулоқ тутганча парда созлади. — Шулардан бири — «Гули раъно жилваси». Розилик берсангиз ўшани адо этайин.

— Рози бўлганда-чи, — деди уста Жамшиддин.

Теран сукунат чўкди. Алланечук вазмин тортган машшоқ ҳадик аралаш қониқш билан аллақайси пардани босди. Хонани қувноқ бир оҳанг тутди, тугаркан, ташқарида бўғиқ шовқин сезилди, ит безовта ҳурди, кимдир дарвозани кетма-кет қоқди.

— Хайрият-э, келишди. Мен ҳозир...

Чиройи тетиклашган мезбон чолғуни шоша-пиша супа четига омонат қўйди, кўзлари кулгига тўлди, ёноқларига қирмизи ранг энди, оббо тушмагурлар-эй, нега бунча куттиришдийкин-а, деганча ташқарига интилди.

IV

Чарх ҳукми шундай экан: мулла Ражаб билан Ҳикмат Раҳмон ташрифини кута-кута, қонун тилга кириши ва «Қасидаи падар»ни сарафроз айлашини кута-кута ахийри ниятларига етолмаган ошналар мулла Аҳмад хонадонини қалампир янглиғ аччиқ ранж билан тарк этишди. Шукр, парвардигордан ранжишгани йўқ, хонадон соҳибидан ҳам, лекин яширмак ножоиз ва беиложким, улар кўнгли сира кутилмаганда, биродарларини интиқ кутаётган ва шовур эшитиб ташқарига шошилиб чиққан муғанний буткул бошқа бандаларни эргаштириб келганда ва улар турқи-тароватини кўрганда вайрон бўлди.

Кўпдан орзиқиб кутилган мусиқанавозлик аввали нақадар хайрли кечди. Меҳмонларни мулла Аҳмад ипакдек эшилиб қаршилади, гурунгни қиздириш ниятида пешма-пеш лутфу карам айлади, давра кичиги Шамси атрофида айланиб-ўргилди. Ановилар кечикканига худди ўзи айбдордек, эшикка термила-термила, давра аҳлидан неча маротаба узр сўради. Тикан устида ўтиргандек бўлди, қайта-қайта дарвозахонага қатнади, ниҳоят, келгувчилардан дарак бўлавермагач, қонунни қўлга олди.

Илгари Шамсиддин «Гули раъно жилваси»ни кўп маротаба маза қилиб тинглаган, яъни тўкис оҳанглар товланиши — кўклам ташрифи муносабати билан замин узра янграйдиган гул қаҳқаҳасини ифода этувчи парда авжига неча дафъа мафтун бўлган. Шаксиз, вақтни беҳуда ўткармаслик, давра аҳли руҳини чароғон айламак ниятида у «Гули раъно жилваси»ни танлади. Лекин ҳатто уни бошлашга ҳам улгурмади. Дарвоза тақиллаб қолди. Муғанний отилиб ташқари чиқаркан, итнинг ипини узгудек бўлиб ириллашига аллақандай таҳдидли гангир-гунгир овозлар қўшилди, кейин жимлик чўкди, бир дақиқа ўтар-ўтмас айвон бўйлаб ола-тасир қадам товушлари яқинлашиб келди. Аввал паст-баланд икки нотаниш кимса бафуржа кирди, на салом, на алик, остонада оёқларини кериб

туришди. Орқада бахмал дўппи ва калта макентош плашч кийган олазарак яна бир киши кўринди, ниҳоят, унинг изида бояги хуш-хандонлигидан асар ҳам қолмаган мулла Аҳмад пайдо бўлди.

Худди бошқалар қатори ҳангу манг бўлган уста Жамшиддин билан Шамсиддин қўлтиғига китоб-дафтар қистириғли учинчи одамни танишди. Ановилар орқасидан бепарво-беёқим мўралаётган, лекин қараши, қадди-бастиди бирор жиддий маъно аксланмаган бу банда ҳар эшик, ҳар тирқишга тумшуқ суқиб ҳарф танитаётган Шариф урфон эди...

Сокин шовуллаётган анҳор ёқалаб боришаркан уста Жамшиддин мусиқа-навозликни бекор қилган, ширин суҳбат белига тепган имони норасолар шаксиз олло қарғишига учрашини жимгина башорат қилар, нечундир хаёлида Шариф урфоннинг силлиқ юзини жонлантиришга уринар эди.

Жимжит хона бўйлаб ўша лаҳза бир ярамас йўловчи пашша визиллаб учиб қолди, шундоқ ҳам асаби таранг тортила бошлаган уста Жамшиддин бесабр жонзодни бир ҳамла билан тутгиси, қанотчаларини битталаб юлиб ташлагиси келди. Йўлпашша инсоф қилиб тинганда келганлардан бўйчанроғи туриш-турмишини тузукроқ намойиш қилмоқчи бўлган каби илгари босди.

Бу одамнинг эътиборни жуда тез тортадиган қадди-бастиди ва қиёфаси бор эди: юзи келишимли — сал чўзиқ, ёқимтой дейиш мумкин, фақат қошлари бир оз нотекис — сарғимтир, боқиши хайрхоҳ, тугуни майда галстук таққан, эгнидаги қора чарм курткиси ва текис дазмолланган қора шими савлатига савлат кўшган эди.

Зимдан қарашидан ичимдан топлиги ва етти ўлчаб бир кесадиғанлар хилданлиги шундоққина сезилиб турган иккинчи меҳмон ҳам анча бўйчан, бироқ инсоф билан айтса, у бу бобда шеригига тенглашолмасди. Шериги олдида уни пакана деса ҳам бўлаверарди. Сираси у семизгина, қорни осилган, курткиси торлик қилиб қолганидан тугмалари қадалмаган эди. Нафас олаётганда у гоҳо пишқириб кўяр, худди қийналиб кетгандек бўлар, елкалари оғир-оғир кўтарилиб тушар эди. Салдан сўнг одатига кўра пишқириб у ҳам илгарилади, шамдек қотган ошналарни зимдан кузатгандан кейин беихтиёр нигоҳини тоқчаларга олди ва: «Ў-ў, Федик, қара-я!» — деб илжайди.

Билишдики, Федик — дарознинг лақаби. Оти нимакин? Хайрхоҳ нигоҳлар бу ҳақда нимани ҳам айтарди. Ҳатто пакана ҳам унинг ҳаёти икир-чикирларини билмасди. Асли исми-шарифи Фаттоҳ Обидий бўлган бу банда Бухоро ер-заминида таваллуд топган, лекин Самарқандга Тошканду Московда кўп аччиқ-чучукни тотиниб, бу кун дарди-армонини кўксига жойлагандан кейин келган эди.

— Ушбу фурсатда камина ошналаримга бир куй чалиб бериш орзусида эдим, — деди тавозе билан мулла Аҳмад, кўнглига бир хавотир оралаганини сездирмасликка тиришиб. — Агар шу куйни сизга ҳам маъқул қилолсам бошим кўкка етарди.

— Куйни қўя турунг, — деди узиб Фаттоҳ Обидий, кейин тоқчаларда сафсафи билан турган асбобларга ишора қилди. — Сиз менга мана бу ашёлар ҳақида сўзланг. Уларни қаёқдан олгансиз?

— Булар отамерос, — деди мулла Аҳмад ғурурланиб.

— Аҳ-ҳа! — у тоқчаларни ёнлаб тўрга одимлади ва супа четида омонат турган қонунга кўзи тушди. — Адашмасам отангиз даққи одам бўлган, сиз эса ундан қолган меросга сиғинасиз. Шундайми?

— На илож, биродар, қисмат.

— Қисматми? — нечундир кўзлари қисилиб кетган Фаттоҳ Обидий чаққон энгашиб қонунни олди, алланечук бир инжилиш билан у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди. — Мана бу қандоғ чолғу?

— Биродар, бу — қонун.

— Биларкансиз... Хўш, шу нарса илгари саройнинг тўкин ҳаётини безаганини, юртни эзишу кайф-сафо билан вақт ўтказишдан бўлак дарди-ғами бўлмаган хон кўнглини овлашга хизмат қилганини ҳам биласизми?

— Лекин, фаҳми ожизимча, қонун камбағалдаям бўлган.

— Камбағал бунақа нарса борлигини билмаган.

— Камина падари фақир кишийди.

— Ёлғон.

— Саройга келсак... сиз айтганча бордир. Фақат, камина англамаётирманки, бунинг учун энди айбни қонунга тақаш... нимага керак?

— Ҳали биз айб тақабмизми? — ғулдиради Обидий; сўнг у, қўлида садафбанд қонун, шеригини ёнига имлади, аста энгашиб, қулоғига нималарнидир пичирлади.

Қути учиб ўтирган Шамсиддин элас-элас илғади: пакана қайсидир тоқчага яқинлашди, во дарифки, чап қўлига дутор, ўнг қўлига уд илашди, ҳар иккалови-ни ҳаволатиб ерга чунон тоблаб урдик, бўғиқ бир фарёд хона тугул бутун заминни титратиб юборди.

Кейин пакана бир дилрабо ва бир чағонани зеру забар айлади: ҳимоясиз чолғулар чархи буқаламундан норозиланган кўйи бир-бир тўкилди, ситилди, титилди, азалдан чоку чок бағрларини лим-лим тўлдирган наволар бир толғин, бир аламли нидо айлаб, абадийликка сўнишди.

Ошналар без тераётгандек эди, Шамсиддин ҳам тамом ҳушидан айрилди, ногоҳ бўғзига урилган олов зумда борлиғини қамради. Қани энди эгам куч ато қилса, шахт билан турса-да, бир бандани менсимамай керилаётган манови одамни бўғиб ташласа ёки бир мушт билан чирпирак қилиб юборса! Қайда, Шамсиддин ночор, ҳатто ёлғиз, ожизона жавдирайди ва шуурида беихтиёр... беадоғ дашт элас-элас жонланади.

Ошиғи олчи пакана бўшашмади, баттар дўлайди, яна мўлжал олди, қачонлардир шаҳристонда нозик диди билан танилган мусиқа пири томонидан сайқал берилган оқбадан баргоҳга узалди; шунда Шамси бутун вужуди билан истаётган воқеа рўй берди. Зўр-базўр чидаб турган отаси уни ғиппа бўғди, даст кўтариб шериги ёнига элтиб қўйди...

Ота-бола тегирмонга яқинлашиб қолган эди.

Анҳор шовуллашини дўл гулдурраги босган...

Кўнглини алағдалик тўлдирган уста паканани ғиппа бўғиб кўтариб олганда у чурқ этолмай типирчилагани, ошналари эса енгил тортгани, Федик нафратда қотиб қолганини эслаб кулимсиради.

— Ҳали пушаймон ейсиз!

Ниятини амалга ошириб бепарво турган устага қарата Фаттоҳ Обидий шундай деб қичқирди. Кейин у хонага сиғмай қолди, нари-бери қисқа одимлаб, неларнидир чамалади, ахийри қандайдир қарорга келиб йилтираётган нигоҳини бир мулла Аҳмадга, бир уста Жамшиддинга тикан қилиб санчди, негадир уста Жамшиддинга қайта разм солиб депсинди, сўнг садафбанд қонунни қўлтиғига қистирганча зинғиллаб жўнади.

Ранги оқарган пакана ҳам хонадагиларни бир сидра назардан кечирди, нигоҳи уста Жамшиддинда тўхтагач, у ҳам тишини гиз қилиб ер тепди: бир эмас, уч бора гурсиллатиб тепди.

Фақат Шариф урфон ими-жим жўнади.

Қанча ўтгани қоронғи, ўнғайсиз жимлик ҳукм сураётган бир пайтда ногоҳ бағирларни ўртаб-қиймалаб залвар бир хўрсиниқ эшитилди; бу хўрсиниқ бўлак-бўлак чолғулар устида шамдек милдираб эриётган, мунг ва аламга, хўрликка ва изтиробга чулғанган мулла Аҳмад бўғзидан алангаи оташ бўлиб отилиб чиққан эди.

Анов дароз суюмли чолғусини кўтариб жўнаганда йўлини тўсиш нари турсин, ақалли миқ этолмагани учун ўзини гўрдан олиб гўрга тикқан мулла Аҳмад ниҳоят аввал уд, кейин рубоб ва дуторда падали хотирасига аталган куйни машқ қилиб кўрди. Оҳанглар тилаганидек тўкис чиқмаганидан эзилди. Сўнг соқовга ўхшаб бўзариб ўтирди. Аксига олиб бошқа машқлари ҳам қовушмади.

— Камина сизлардан тоабат қарздорман, — деди у дарвоза олдида надомат билан хайрлашаркан. — Эртадан, иншооллох, янги қонун яшашга киришаман. Битган куни «Қасида»ни чалиб бераман.

Беулчак андуҳ чангалида эзилаётган машшоқ қатъияти шаксиз ота-болани орзиқтирди. Ўймакор дарвоза бўсағасидан ҳар бири тез кунларда янги қонун яратилажаги, интиқ келиб интиқ кетаётган давра аҳли эрта-индин «Қасидаи падар»ни мириқиб тинглаяжаги ҳақидаги умидни кўксига жойлаб узоқлашди.

Мана энди кўҳна тегирмонни ёнлаб бераётган ота-бола беҳафсала, машқлари суст, чатнаётган шуурларининг аллақайси бурчларида зеру забар бўлган уд ёки дутор, дилрабо ёки чағона фиғони оғир-оғир акс-садо бериб тинади.

Истамайгина одимлаётган уста Жамшиддин гўё бехос келиб тушган зарбадан гаранг, кутилмаган зарбани берганларга тиши қайралган, ҳайҳотки — улардан боплаб аламини ололмаганидан доғда! Ҳатто зимдан кузатилганда у қоронғилик бўйлаб ўз устидан қаттол ҳукм чиқариб қўйилган номаълум олам сари судралиб бораётган маҳкум кимса ҳолатида эканлиги англашилар эди.

Чарх бундайин терс айланганидан тамом каловланган эди. Назарида, атиги бир неча сония ичида, кўп нарса ўзгарди, кўп нарса бошқача қиёфа олди, худди ер-замин ағдар-тўнтар бўлганини ўз кўзи билан кўргандек ва ўзи ҳам бу мислсиз тало-тўпга хас каби аралашиб кетгандек эди.

Шаксиз, у англаган қабоҳат заҳри-зарбати ўғли дилини ҳам оғир яралаган эди, ўғли ўзидан кам изтироб чекмаётган эди, лекин эртаси куни нонушта маҳали нечундир уни, мулла Аҳмадникида кечган ҳодисани кавлаштирганда ва Федик билан пакана таг-тугини суриштирганда, қаттиқ жеркиб ташлади.

Нонушта устага татимади.

— Сен Иброҳимдан хабар ол, билиб кел-чи, тинчликмикин, — деди у анчадан кейин чиройини очиб. — Мен кошинпазликка ўтаман, уста Салоҳ билан уста Қурбонни кўришим керак. Маслаҳатли гаплар бор...

Отаси таклифидан сўнг Шамсиддин кўнглида жўрасини кўриш, у билан ҳасратлашиш, қолаверса, кеча амри маъруф даврасига келмай қолгани боиси тагига етиш истаги кучайди.

Рости, шогирди бобида уста анча алағда, кечадан бери ичида бир хавотир ўрнашиб олиб тинчлик бермайди, шу боис ўғлини унинг олдига жўнатишни маъқул топди. Лекин, билмасдики, Иброҳим тинч-омон, кеча хуфтонда ақлга сиймайдиган бошқа воқеа рўй берган, яъни, акасини, уста Ризони, Ҳикмат Раҳмонни аллакимлар олдига солиб ҳайдаб кетишган...

Барини уста Қурбондан эшитди.

— Акангиздан хабар олмабсиз-да, — деди у гиналаб.

— Э, уста, билсам хабар олмасмидим, — деди у жизиллаб. — Тавба, қанақа кунга қолдик, а? Иложини топса, чап кўзинг ўнг кўзингни ўйиб ейди!

— Нима бўлса ўзидан, шак келтирсак гуноҳга ботамиз, — хўрсинди уста Қурбон. — Куйганимиз билан... нима ўзгаради? Кеча уйга борсам ўғлим Самад йиғламоқдан бери... Мактабда ҳаммасини бошқатдан бошлашармиш!

— Астоғфурилло!

— Ҳаддингиз сизга бориб бирон нарса деб кўринг-чи!

— Иложи бўлса... дейиш керак, — қизишди уста Жамшиддин. — Нима, тўнкамизми? Ёки оғзимиздан гап келмайдими? Инимизда бировга гал бермаймиз-ку!

— Тўғри, лекин...

— Э, уста, ўзбекнинг мана шунақа елка тириштириши чатоқ-да, — давом этди зардаси қайнаб уста Жамшиддин. — Хоҳласа, мушти билан тоғни талқон қилиши мумкин, аммо жони оғришидан чўчийди чоғи!

— Сиз саннайверасиз-да, — деди бўшашиб уста Қурбон. — Ушани ёқловчилар орамизда эмиш-ку! Четдагилар кўпам зўр бермас, негаки, ҳар кимнинг рўзғори ўз измида!

Фалаки буқаламун билан бандасининг келишуви кун-бакун мушкуллашиб бораётганини ўйлаб баттар ранжиган уста Жамшиддин залвар бир ўкинч билан сўзлаётган ошнаси бетига термилди. Ошнаси гўдак эмас, кўпни кўрган, оқу қорани туппа-тузук танийди, хусусан, ҳозир у ҳақни бор бўйи билан кўз ўнгида тиккалади. Алам ўтади, лекин на чора, хоҳлайсанми ёки йўқми, ёғочнинг бўшини қурт ейди-да!

— Биродари азиз, майли, ҳаддимиз етмайдиган юмушни чеккага сурайлик, — деди ўзини босиб уста Жамшиддин. — Тирикчилик важини кўрайлик. Куфийга уринаётганимни биласиз. Сиз берган кошинлар тарҳга анчагина зидлиги аён бўлди. Кўнгилга олманг, уста, шунга маслаҳат берай деб келган эдим.

— Айбдан тониш — номардлик, биродар, — деди уста Қурбон дангалига. — Лекин, аттанги, энди бари фойдасиз шекилли!..

— Мақсадингизни тушунмадим, уста.

— Ҳали тушуниб оласиз, — энди уста Қурбон овозида ранж оҳанги сезилди. — Кошинпазликни ёпмоқ пайдалар. Эрталаб уста Муҳаммад шунга шама қилди.

— Кошинпазликни ёпиш кимга зарил кепти?

— Бунисини ўша бандадан сўрайсиз, — ошкора ёзғирди уста Қурбон, сўнг жовдираб деди: — Чамаси, бугун ановилар бу ерга келишади. Шунақа тахминми, хабарми бор эмиш. Муҳаммад Маликни кўрсангиз мурда дейсиз.

Нечундир ичи гумириб кетган уста Жамшиддин тавба айтди. Лоҳасланиб қолди. Кеча ўшалар афти-ангорини қайтиб кўрсатмасликни худодан минг тавалло билан ўтинган эди. Беҳуда кетибди. Ёки, нима, олло ўзи ваколат берганми, улар оёқлари остида бунчалар ўралашиб қолди?

— Аттанг, ҳали...

Бу кунда гардун ҳам қаттоллиги, ҳам бандалари қатори ночорлигидан нолимоқчи эди, аттангни айтиб улгурди холос, қолгани бўғзида сўнди. Ивирсиқ хонага Муҳаммад Малик етовиди кирган Фаттоҳ Обидий билан паканани кўриб миясига қон урилди.

Хонада темир, мис ва қўрғошин кукунини аралаштириб тайёрланган бўёқ ҳиди анқир, омонат тахта токчаларда гул-нақш чекилиб пиширилган, саҳнда ҳали хумдонга солинмаган хом кошинлар тартиби билан териб қўйилган, ойналари ёрти-юрим деразалардан дарахтзор кенг ҳовли, сал берироқда тузи ювилиб ивитилган қизғимтир тупроқ кўзга чалинар эди.

Ажобо, шу маҳалгача ҳатто иту бит эътиборини тортмаган бу ғарибона гўша замзамаси тоғу тошни титратадиган, фалакни устун янглиғ тутганига тамом инонган бул бандаларни нечун бунчалар қизиқтириб қолди!?

Адамаса, Фаттоҳ Обидий ҳам, пакана ҳам худди кечагидек таранг кайфиятда эди; аммо чеҳраларидан бирор маъно уқиш маҳол, не бўлса ичларида, яъники, зилдек сукунат чўккан хона ашқол-дашқоли, ранги-равишини зимдан кузатишаркан, анчагача нафас ютишди.

— Тағин бемаврид келибмиз чоғи, — шеригини туртди Фаттоҳ Обидий, кейин уста Қурбонга мурожаат қилди: — Маслаҳат пишитаётибсизми?

Қовоғи солинган кошинпаз сазо бермади.

— Аммо чаккимас, — Фаттоҳ Обидий куйи битилган кошинбурушни аста кўтарди, айлангириб кўрди, кеча мулла Аҳмадникида қонунни худди шундай томоша қилган эди. — Янглишмасам буни сиз, уста Қурбон, ясагансиз.

— Эплайдиганимиз фақат шу, биродар, — деди хоксорлик билан уста Қурбон. — Қадриям унча йўқ, шунга қарамай... урнаб ётамиз.

— Биз эътибор қилибмизми, демак, қадри бор экан-да, — билаги толди шекилли, кошинбурушни жойига қайтариб қўйди Фаттоҳ Обидий. — Фақат бу ёғига эҳтиёт бўласиз.

— Ҳа, ҳа, — каловланди уста Қурбон.

— Шошманг, нимадан эҳтиёт бўламиз? — аввал ўзини йўқотган ошнасига, сўнг Фаттоҳ Обидийга нигоҳини қадади уста Жамшиддин; бир нафас ўзича маъни пишитди, кўрдик, Обидий мийиғида кулаётир, бетига хайрхоҳлик балқиган, фақат ботиний синчковлиги ёнига нозиккина бир истеҳзо қўшилган ва, эҳтимол, шу сабаб қарашидан истеҳзо аралаш енгил таҳдид ёғилаётган эди.

— Сиз яна жиззакилик қилмоқчимисиз? — ҳолатини ўзгартирмай сўради Фаттоҳ Обидий.

— Мен мақсадингизни билмоқчиман.

— Биз сизникини...

— Худо хайрингизни берсин, бизни мақсадимиз... на гул, на тиканга озор еткармак! — яна сал тин олган уста Жамшиддин ўкинч аралаш давом этди: — Кеча оқшом мулла Аҳмаддан машқ эшитиб чигилимизни ёзмоқчи эдик. Ҳаромга чиқардингиз. Бугун бу ерга мунақа... бостириб келдингиз.

— Бундан кейин доим шунақа, уста, — деди у чўзинчоқ иягини силаб. — Бизга хуш келмаган ҳар қандай орзуингиз чиппакка чиқади.

— Аммо, биродар, биз чувалчанг эмасмиз.

— Сиздан чувалчанг яшаш қийинмас.

— Тавба қилдим-а!..

— Гап шу, алмисоқдан қолган нарсаларга ёпишаверманг, — Обидий ҳалиги кошинбурушдаги битикни нуқилади. — Бунинг замони ўтганини бола-чақангиз ҳам билсин, мактаблар аллақачон.. хабарингиз бордир.

— Фаҳмим олмади.

— Нимасини? Гарангмисиз? — бехосдан товушини кўтарди Фаттоҳ Обидий.

дий. — Хўш, сизнингча, анови уста Ризо бозорга элтадиган лагану товоқларига тайинсиз битиклар битиб, одамларни лақиллатаверса, биз бўзариб тураверайликми?!

Туси оқарган усталар астагина ёқа ушлашди.

— У банда бировни алдамас.

— Наққош Салоҳхўжа Ургутий-чи?

— Бу муҳтарам зот пешонасига қандай тамға босасиз?

— Унинг иши — бузғунчилик.

— Ёпирай-э!

— Кошинга зарблаган битикларига шунча чидаганимиз етар!

— У камина буюртмасини адо этаётир-ку!

— Хомтама бўлманг, унақасини бошқа ололмайсиз.

Бехос чакаги очилган Фаттоҳ Обидий ўзини минбарда, жамоа олдида ваъз ўқиётгандек тутди, бу кун тараддисига бефарқ бандаларни гўрдан суғуриб гўрга тикди, гал мулла Ражаб билан Ҳикмат Раҳмонга етганда ҳар иккаласини куракда турмайдиган кесатиқларга кўмди, сўнг яқин-орада таъмир устахонаси ва кошинпазликка алоҳида кўрсатма юборилажагини, ундаги ҳар йўриқча инсоф билан риоя қилмаган ҳунар аҳли билан муросаи мадора қилиб ўтириш имкони йўқлигини майдалаб уқтирди. Мириқиб вайсагач, ниҳоят, ичидаги гидирини сиртига бермаган шеригини эргаштириб жўнади. Тоқати тугаётган ошналар бир-бир уф тортишди.

— Эй, парвардигор, — дераза орқали кўкка тикилиб хитоб қилди уста Жамшиддин, — шу гумроҳларни ҳам ўзинг яратгансан, во дариғки, юриш-туришларини кўриб аҳволинг нечук экан!?

Кейин аста-аста ўртанган уста бошини эгди, калта соқолини беҳолгина тутамлади, ғамдийда ошналарига гап қўшмоқ тугул ҳатто қарашдан ҳам чўчиб, шундайин забуну афтода алфозда узоқ турди...

Кошинпазликдан қайтишда, ошнаси гинасини хотирлаб, йўл-йўлакай аксиникига кирди. Тавба, бу мўмин банда не айб қилган экан, дея ўй суларкан, нимадир етмиш икки томирини қақшатди. Тағин бир жиҳатдан ҳозир Малоҳат ая билан жиянларига кўриниш бериш беҳудуд азоб эди. Ахир уларни қандай юпатади? Имиллаб бораркан, пешайвонга етар-етмас таққа тўхтади, кўзларига ишонмади: акаси чорпоя олдида паришон турар эди.

— Тинчликми? — деди эсанкираб.

Шўрлик ака нақ сурат: серажин юзи ифодасиз, нигоҳида мунг қотган, соқоли патак — таралмаган, салласи ҳафсаласизлик билан пала-партиш ўралган, гавдаси эса кичрайиб қолгандек эдики, уста унинг тўсатдан йўқолиб тўсатдан пайдо бўлиб қолганидан ҳам кўра бунингдек ночор қиёфага кирганига кўпроқ ажабланди.

— Нима бўлди, ака? — деди у яна, яқинроқ келиб.

Туйқус ҳушини ўнглаган каби мулла Ражаб аллакимларни кўтара қилиб ёғлади, сўкиниб юборди, ҳа, умр бўйи ўзиники ёки бегона ҳузурида ҳатто кўполлик тугул мундай ёзғиришни ҳам билмаган зукко ва хушфеъл банда айни дамда беодобликни ҳаддидан оширди. Кейин у тағин сукутга толди, тахминан ўн дақиқаларни ўтказиб пойма-пой ғулдиради, уста Жамшиддин англадики, акаси билан уста Ризони қўйворишган, нима учундир ўжарлик отидан тушмаган Ҳикмат Раҳмонни олиб қолишган...

— Нега, ака, нега? — деди уста ялинч оҳангда.

— Ҳиқиллама! — жеркиб берди мулла Ражаб. — Негалигини мен қаёқдан билай? Мен ҳам сенга ёки ўшанга ўхшаган хом сут эмган банда!

Шаксиз, уста оғринди, чуйкалган бетиде бир кўланка зуҳурланди, қайтиб сўз қотгани ботинмади, аниқроғи, хоҳиш қилмади. Секин юриб дарвозадан чиқаркан, акаси дағалликка изн берганини елкасидан ошириб ташламоқчи бўлар, айни дамда бу дағаллиги соғ-омон қутулганига шукронадек янграганини туйиб алланечук ўнғайсизланар эди.

V

Жўрасини излаб бориб уйдан тополмаган Шамсиддин қадрдон ўйинчогини йўқотиб қўйган болакай сингари хомуш қайтди. У жўраси ҳар кун эрта-

лаб ёп-ёруғ деразалари бўлган мактабга қатнаётганини, шу кунда ёш илғорлар деб тан олинган, шаҳар кўчаларидан алвон туғ кўтариб, қўшиқ айтиб ўтадиган ўсмирлар сафига ёзилганини дафъатан айтолмади, айтганда, уста пинак бузмади.

Афтидан уста Жамшиддин ён-теварагида кечаётган мужмал борди-келдини аччиқ усти ўзича муҳокама қилаётгани учун ўғли арзига эътибор бермади. Ҳар ҳолда шу кез Шамсиддин жиндаккина бўлса ҳам чўқди, лекин сир ёрмади. Уста эса бепарво бўлди, ҳатто кейинча ҳам ўғлини билиб-билмай хафа қилганини ўйламади, ўйлагани имкон тополмади. Анчагина вақтини Умар чол тегирмонида кечиришга одатланди. Тегирмондаги ун иси сингиган ҳужрага бир кириб кетса ҳала-ҳулада чиқмас, уйга келиб ҳам дам олмас, мук тушганча китоб титкиларди.

Уста нозик ҳунаридан совигандек эди, бу ҳолига куюниш билан баробар амри маъруф давраси аввалги шашти ва иштиёқини йўқота бошлаганини сезди. Мулла Аҳмаддан бошқа ошналари камдан-кам кўринадиган бўлгандан сўнг тегирмончи чолга нолиш қилди, э, дариг, оқибат шунчалик арзон экан-да, деб таассуф билдирди. Бир кун туш маҳали дастурхонга эндигина овқат тортилганда кириб келган мулла Аҳмадга ҳам шу маънода пишанг берди.

— Дийдор ғаниматлигини унутдикми, мулла? — деди уста фотиҳадан сўнг. — Ҳар томонга тирқираб кетдик. Чумчуқ эканмиз-да бир пўписага ўта-каси ёриладиган!..

— Уста, ростини айтсам, девор оша кўчага мўралаганиям чўчиб қолдим, — кўнглидагини яшириб ўтирмади мулла Аҳмад. — Билмадим мен ким эканман, соямгаям қоровул қўйишган-ов! Ишонасизми, ҳозир пакана муюлишгача изимдан келди. Мен ҳам ўзимни кўрмаганликка солдим. Аммо яхши бўлмади.

— Унда каминанинг ҳовлисиам... тавба.

— Бу... Шариф урфонни худо бир яратган экан.

— Муҳтарам муаллим не муддаода?

— Ўғлимга кўз тиккан.

Нечундир уста сергакланди, суҳбатга жимгина қулоқ солаётган Шамсиддинга зимдан нигоҳ юборганча, чой ҳўплади, шунинг баробарида мулла Аҳмадни кига ановилар билан судраклашиб келган муаллим қадди-бастини хаёлида жонлантирди. Рост, у — елим, бир ёпишса икки дунёда ҳам ажралмайди. Индалло, улусни оғдириш, йўриғига ишонтиришда суяги йўқ экан!..

— Уста, маслаҳатингизни аяманг, нима қилай?! — истиҳола ичра жимликни бузди мулла Аҳмад. — Ўғлимни шу банда ихтиёрига топширайми?

— Маслаҳатга ожизман, — маъюсланди уста. — Ким билади, эрта бошқасини ўрган деб турса... бу ёғиям бор-да!

Усал бўлган муғанний ер сузди.

— Дада, рози бўлсангиз менам қатнардим, — деди кутилмаганда Шамсиддин. — Ҳамма боряпти, бу киши ҳам ўғлини берса...

Ҳануз Шариф урфон елиб-югуришидан ўзича маъни қидираётган уста Жамшиддин қулоқларига ишонмади. Жиндай ҳайратланди, лекин ўғли орзусига нисбатан ўзида бирон ғайирлик туймади. Ахир ер юзидаги жами тугалликни ваъда қилаётган имкон сари ўз ихтиёри билан талпиниб турган ниҳолни қандоғ йўлдан уради?

— Шошилма, ўғлим, — деди хаёлдан бўшаб уста.

— Замон зайли қизиқ экан, — Шамсиддинга ён босгандай сўзлади муғанний. — Индамасам менинг ҳам ўғлим от қўяди!..

— Буларга қизиқ-да!..

Энди уста товушига озми-кўпми пичинг қўшди, бундан ўзи хижолат чекди. Замон зайли не эканлигини шууридан кечирган кўйи ўғлига тикилди. Вужудидан ажаб ғайрат ва иштиёқ ёғилаётган ўғлида теран бир орзумандлик борлигини ҳис этди. Ахийри кўнглидан қолган-қутган кудрни қувди. Замон зайли шу экан, майли, юлқиниб борсин, ёмонлардан қочиб, оқилларга ёндошсин, кун сайин жунбишга келаётган оқу қора ичида таваккал қилиб омадини синасин. Одамзодни бениҳоя гангитган кўпдан кўп асрлар давомида яралган махтутотлар ва сулукларга асос бўлган арабийни гўдаклигидаёқ

сув қилиб ичганийди, энди бунисига ҳам қайишсин, меҳрини берсин, бу — савоб!..

— Уста, кўп ўйлаб кўрдим, бўлмас экан, — охири муғанний бир тўхтама-га келганини сездирди. — Муаллим мени тоза еди, бола-чақамга касофатим уриши мумкин эмиш!..

— Муаллим тагдан олади.

— Билмадим.

— Шуники тузук, — уста ўйга толди, анчадан кейин хотиржамлик билан деди: — Майли, мулла, кўп хитланмай ўғлингизни бир йўлга солинг. Камина ҳам ўйлаб кўраман. Гуноҳга ботмайин.

Пича таскин топган ва кўнглидаги ҳар хил шубҳалардан қутулган мулла Аҳмад тушлик овқатни баҳам кўриб жўнаб кетгандан кейин уста буткул лотини ташвишига фарқ бўлди.

Машойихлар демиш: бегона тилу битикни ўрганиш ҳар бир мусулмон бандаси учун ҳам қарз, ҳам фарзидир! Фақат уста хавотири бошқа тарафда: арабий истеъмолдан чиқариб ташланса, эл буниси билан шуғуллана бошласа ва ақли-зеҳнини шу билан пешлашга киришса ўлка туфроғида сочилиб ётган қадимги китобат ҳоли не кечади!?

Айтадиларки, бир ойча бурун шаҳри азим Самарқандда олий нуфузли кишилар йиғини бўлибди, унда халқ топинадиган шоирлардан бири сўз олиб арабийни калтаклабди. Арабийга у таққан айб не экан денг? Гўё Ҳазрат Навоий билан Фузулий сингари назм султонлари савод чиқаришда қийналган ва бу битикдан наҳ уриб байтлар тузган эканлар. Худо ҳақи, шоҳ сатрлари билан етти иқлимни эгаллаган бул зеҳни қилич сиймолар арабий олдида ожиз қолишганига заррача ишонгинг келмайди. Қолаверса, улар эсга олинган ўша байтларида ҳеч қачон битик мушкулотидан нолишмаган, зеҳни пастлик билан биргина белгининг тушиб қолиши маъно бузилишига олиб келажигидан огоҳ этишган холос. Бундай огоҳдан илму ҳикматни бекаму кўст эгалла, токи келгусида чала мулла бўлиб ўзингни кулгига, ўзгани иззага қўймагин, деган хулоса келиб чиқмайдими? Мабодо ҳалигидай маънога ишора бўлганда ҳам бу қонга ва жонга сингиб кетган риштани таг-туғи билан қўприб ташлаш хавфини туғдираётган ислоҳ учун асос ёки баҳонага арзийдими?

Андиша жонга битган бало эканлигини сал-пал бўлсин англаган уста Жамшиддин бу ҳақда кўп ўйлади, мук тушганча хаёлан минг бир кўчани кезди. Хусусан битик ўзгаргани боис газетни тарк этган Ҳикмат Раҳмонов ҳовли-жойидан ҳам айри тушганини хотирлаганда бағри куйди. Ҳайҳот, ўша машъум шанбада, эшикка интиқ термилиб ўтиришганда шоир у ёқда, Фаттоҳ Обидий ҳузурда қақшаб, бўғилиб, тили калимага келмай ўтирган экан. Эшитишча, Обидий қаёқдандир «Чашма кўзи» китобини топибди, нуқул ўшани рўқач қилибди, оғзингга келганини алжирабсан, ҳар битта қаторингни ўзинг тушунтириб берасан, деб бечорани роса ола ўйинга солибди...

Алҳол, уста тажанг, оромидан айрилган, тунларни безор ўтқаради, гўё кўксига бир яра пайдо бўлган, у кун-бакун маддалаб, газаклаб борар, лекин бирор даво топишга ожиз эди. Ҳар қанақа йиғину мунозаралар ошқора ман қилингандан кейин айниқса у кимга ёрилишини билмай юрди... Устига устак ўғли ҳалигидай ният қилганда шошиб қолди; лекин гап фақат жигаргўшаси устида эмасди. Беҳисоб одам жар лабида илиниб турганда ўзини оловга отмоқчи бўлган якка банда кўзга деярли кўринмайди. Кўпчилик амоли-бади ёмонроқ ўртайди. Асли ўғли ҳам ўшаларнинг биттаси: нима кутаётганини ўзи билиши керак. Ахир, нега тушунишмайди, агар янгиси ёнида арабий ўрганилсайди, унда қадим китобат жонларга яқинлигича қоларди. Ахийри уста чидамади, вужудини ўртаган мулоҳазаларни битта қўймай қоғозга туширди, яъни уч кеча мишжа қоқмай юқорига хат тайёрлади. Сира иккиланмай, қатъият билан хатни жўнатгандан кейин, энди ҳаммаси юришиб кетадигандек, енгил тортиди.

Бир кун уста бу ишидан мулла Аҳмадни воқиф қилди. У ўйга толди, юраги тоғ одамсиз, деб устани мақтади, кейин мактубни кўрсатмай ими-жим жўнатганидан гиналади. Мен ҳам бажони дил имзомни тиркар эдим, деб ўкиниб сўзлади. Ўқингани боиси — ҳалиги садафбанд қонун биқинида чекил-

ган ёзув Фаттоҳ Обидийни шубҳага солаётган эмиш, ўша нарса учун ҳали жавоб беришига тўғри келармиш! Во дариғ-а, деб куюнди муғанний, раҳматли падарим ақлидан кўчган битикларга тухмат қилишяпти! Маъноси нима дейсизми? Маъноси буки, ўғлим, дунё кўзингга тору қоронғи кўринганда қўлингга бул чолғуни олгин, ўғлим, дунё кўзингга кенгу чароғон кўриниб кетганда ҳам бул соз ила мулоқот қилгин!..

Алҳол, уста хатни алоқа кутисига ташлади; адашмаса ҳадемай жавоби келади. Энди у ҳовлидан чиқмай ёки Регистонда кезиниб ўша жавобни кутиш билан вақт ўтказга бошлади. Битик эса ном-нишонсиз кетди. Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, тилагини олиб учган нарса аллақачон борадиган жойига борган, шу кеча-кундузда унда тавсиф этилган мулоҳазаларни синчиклаб ўрганишаётир, ўртага қўйган армонини шаксиз холисона инobatга олишади, арабий жойида қолади. Шу ўй билан айвонда тумушиб ўтирганда дарча қоқилди. Товуш бериб улгурмади, китоб-дафтар кўлтиқлаган Шариф урфон отилиб кирди.

Шўрлик уста анг-танг бўлди, ўзига ўзи ишонмай, киприкларини пир-пиратди. Бугун Шариф урфон тамомила бошқача кийинибди: оёғида одмироқ қўпол пойафзал, эғнида барра ёқали пальто, бошида барра телпак, ҳатто шарф ўраб олгандики, унга тикилиб қолган уста ҳаво шаштини туширганини бирдан англаган каби совуқсираб кетди.

Икки йилча муқаддам ўғли Иброҳимни шогирдликка берганда бу одам таъзимни қуюқ қилиб этагини ўпишга тайёр эди, шу гўдакни одам қаторига қўшиб берасиз, сиздек ошнамиз борлигига шукр, деб кўп нозик навозишлар қилган, одамийликни баландга кўтарадиган муруввату эҳтиромни то тирик экан унутмасликка ишоралар айлаган эди. Ҳозир дарчани ўзи очиб мўраларкан, биров бор-йўқлиги билан иши бўлмай гурсиллаб ҳовлига кираркан, унинг ҳаракатларида ҳам, боқишида ҳам аввалги хокисорлик ва хуш-тавозеликдан асар йўқ эди.

Асли табиатан мулойим, сермулоҳаза, серандиша одам бўлган Шариф урфон элликни қоралаган; тузуккина эт қўйгани, рангсиз бетини ажин қоплагани боис ёшига қараганда анча қаримсиқ кўринади. Илгари у Бухородаги қайсидир мадрасанинг куюнчак муллаваччаларидан эди, зеҳни ҳам чакки эмасди; хусусан ҳуснихатда пешқадамлиги, фалсафа, адабиёт ва илоҳиёт унсурларини сув қилиб ичганлиги туфайли уни мадраса эшигида хизматга олиб қолмоқчи бўлишди. Ҳаёт аччиқ-чучугини тотиниб эндигина очилиб келаётган йигит мадраса мулла-мударрислари айтганлари билан чиқишолса ҳам уларнинг улус ичидаги хатти-ҳаракатлари билан сира келишолмади. Мадрасани астойдил зарда-иддао билан тарк этди, илоҳиётдан кечди, таркидунёчилик йўриғини тутганлар устидан қаҳ-қаҳ отиб кулди, бора-бора кўҳна замон олий бошқарув нуқтаси бўлмиш аршга тобе эканлигига тамомила ишонмай қўйди.

Ақлини таниган йигит кейинча Самарқанд жадидия жамоаси манфаати учун жавлон урди, янги усул мактаблари тузиш, ўсиб келаётган ниҳоллар кўнглига илм уруғини сочиш билан шуғулланди. Бутун юртни, бутун элни маориф паноҳига тортиш учун куюниб юрганда ер-заминни кутилмаган қасирға қоплади, бу қасирғани у эғнидан ридони, оғзидан калимаи шаҳодатни туширмайдиган, мадраса ёки масжид орқасига ўтиши билан тама ва фаҳшга берилиб кетадиган салладорларга қайишадиган тангри пешонасига отилган ўқ деб билди. Ўзи ҳам милтиқ кўтариб тўполонга қўшилди. Ана шу тинмасак банда ҳар ҳолда устага озми-кўпми меҳр берган эди, ўғли тақдири билан боғли гаплар чиққандан кейин айниқса унга гирдиқапалак бўлиб қолди. Бўсағасидан деярли қадам узмасди. Ҳар гал уста билан дунё борди-келдиси, яхшилигу ёмонлик хусусида узун-қисқа гурунг қуриб қайтар, бундан уста бир қадар таъсирланар эди. Аммо бугунги кутилмаган ташрифи бошқачароққа ўхшайди. Кўзлари олазарақ, ҳадикли йилтирарди. Ишқилиб бахайрмикин?

Уста ҳовли-ҳарами нозик дид билан барпо қилинганини Шариф урфон яхши билади, бу ҳақда ҳасад ёки ҳавас биланми кўп гапирарди, шунга қарамай, хонтахта ёнида хотиржам жойлашгач, теваракни анча муддат синчиклаб кузатди, охири бу ҳашамга илк бор дуч келаётган каби оғзидан бол

томиб мақтади. Нечундир уста индамади, ҳатто хиёл терс ўғирилди. Ўнғай-сиз жимлик чўкди. Ёмони — жимлик чўзилаверди. Бу ҳол одоб доирасидан ташқари эканлигини чамаси меҳмон бирдан эслади, салқи қовоқларини ишқалаб, томоқ қириб, бемалолроқ жойлашиб ўтирди, сўнг силлиқ иягини силаганча, қироатини келиштириб чечанлик қилди, шафқат ҳиссига мойил бу чечанлик маъно-маъзи шуки, устоди комил, ҳунари нақш ва ҳунари зарб жабҳа-сида Ёброҳимбой уқуви аъло, эрта-индин ё насиб тошда чечак ундирғай, ҳарчанд шундоғлигига қарамай ҳозирча уни меҳрибон илкинғиздан йироқ тутишга мажбурман, сиз бундай йўриғим боисини зукко ақлингиз билан фаҳм-лагайсиз, энди зайли замон ўзгарди, урфу одатимиздан ташқари амолибадимиз, тирикчилигимиз, юрадиган кўчамиз, ҳануз тетапояликдан чиқолмаган маърифатимиз улуғ ниятлилар тақдири билан чирмашди. Бахтимиз чопди, устоди комил! Каминага инонинг, бу бахт беҳад улқандир, ул бор оғирлиги билан фақат ҳозирини кўриб яшайдирган ялқов улусимиз белини майиштириб қўйишидан хавотирдаман. Одамзод бошига кўнган ҳумо қушидан ҳеч қачон тонмаган, биз ҳам тонмағаймиз, мабодо орамиздан фаҳми чўлтлар топилса уларни адолатнинг ўзи жазога гирифтор этгай (бурунгидек айбига иқрору ноиқрорлар тошбўрон қилинмайди, девор тагига бостирилмайди, бошлари кундада чопилмайди, қопга солиниб дарёга чўктирилмайди!), фақат, одоб сақламоқ ва жимгина итоат этмоқ билан олий насиба саналган неъматдан то абад жудо бўлмаймиз. Итоаткорлик ҳам фазилатдир. Ажабланманг, уста, бу фазилат, сиз хоҳлайдиган ҳар қандай эшик-тирқишни бемалол очиб беради. Марҳамат, кираберинг, омадинғизни берсин. Шу кунда, уста, биз — бедаволарга шунчалар азиз нарсаларни лойиқ кўраётирларки, бундай муруватни ҳеч бир замонда ҳеч бир банда кўрмаган. Сиз чор-ночор ўрнаб ётган мажҳул дунё нима бўпти!? Азоб-уқубат билан гул чекишлар эвазига бир бурда нон топиб емоқ энди мушкулдир, бу борада астойдил ўйланг, Ёброҳимбойга дўсти содиқ йигит қафасингизда бўғилиб ётмасин, уни ўз ҳолига қўйингки, бориб барқ ураётган янгиликлар билан тўйинсин!..

Ойдинбиби шол дастурхонга келтириб қўйган чойнак-пиёла, суви қочган патир, қанд-қурсга кўз қири билан бир қараб олган Шариф урфон оқилона нутқини бошлаб юборгандаёқ тамом бўшашган уста Жамшиддин охиригача сабр қилди, ниҳоят, меҳмон бир тўхташ қилганда бошини оғир кўтарди.

— Сиз илм кишиси, қадамни ўлчаб босасиз, — деди кейин истеҳзо билан. — Камина эса... Балки омилиқ орқасида эндиги кўтарилишларни ҳазм қилмоққа ожизман. Бир каломингиздан сал инжилдим. Ҳайронман, қандоғ қафасни таърифлайсиз? Шамсиддин ожиза эмас, ўғил бола, хоҳлаганини қилсин.

— Устаи бенаво, омилиқ ёмон дард, — барра телпагини бир кўтариб тағин жойига кўндирди Шариф урфон. — Аммо буни бетингизга солмоқчи эмасман. Ҳафсала қилсангиз ЧСБ ихтиёрингизда. Бир ҳафтада саводинғизни пешлайди.

— Ҳафсала-ку топилар, вақт чатоқ, — деди уста диққати ошиб. — Иккиламчи, камина илгаритдан туртиниб-суртиниб китоб кўриш ёким ундай-бундай битиклар битишга қурбим етади. Шундай экан...

— Ҳай, ҳай, уста, бу хусусда билъакс сўзламанг-а, — деди шоша-пиша, кўзлари олайиб Шариф урфон. — Илгариникидан тонинг. Шундай бўлсин. Сиз омий бандасиз, тамом-вассалом!

— Э-э, иним Шарифбой, эгамдан яширмаганимни бандасидан қандай яшираман?

— Зўр келганда яширасиз, уста, яширасиз.

— Астоғфурилло!

— Ажабланмак бефойда, зеро пешонамиз ёришаётганидан андак бўлсин истиғфор келтирмак айбдир, — ниҳоят у мезбон синдирган нонга узалди, бир бурдасини оғзига солиб узоқ чайнади. — Вақтингиз бемалол бўлса кеча кўрганим бир воқеотни баён қилсам. Бибихоним мачитига кириш дарвозаси ёнига пастак курси қўйиб, китоб ўқиб ўтирадиган, тақдири азалдан ва шифоия синоатидан фол очадиган Миср чолни танийсиз. Ҳар не илм бўлса шу одамда бор эди. «Ал-қонун»нинг хоҳлаган саҳифасидан ёд айтарди. Буни қарангки...

— Пири муршид, ўткирнафас валий Миср дарвеш бошига қандай кулфат

тушибди? — Шариф урфон товушидаги чучмал оҳангдан шубҳаланган уста Жамшиддин сабрсизлик билан савол ташлади. — Дардмандларга ва бева-бечораларга қайишадиган ул кишидек беозор зот бу вилоятдан топилмас!

— Беозорлик фазилат саналмас энди, уста, — овозига янаям бошқача тус берди Шариф урфон. — Фаҳми ожизимча, энди одамларга эмас, замонага қайишмоқ фазилатдир. Хуллас, уста, кечки сабоқни бериш ниятида мактаб сари бораётсам ўша зотни туртиб-нуқиб ҳайдаб келадилар, узун дасторини бўйнига ҳалқалаб солганлар...

— Ҳазилдан ташқари сўзлаётирсизми?

— Гўдак эмасман-ку, уста, — жиддийлашди Шариф урфон. — Бу воқеотни баён айламоқдан муродим нималигини англагандирсиз. Одамга энг кераги — жон. Қолгани топилади. Шанба куни сизни мулла Аҳмадникида кўриб капалагим учди. Сизга ким қўйибди ғалвани? Мулла Аҳмад энди... от қашқаси. У билан ҳамёшман, яхшигина ош-қатиқмиз, унга бошқалардан кўра менинг ичим кўпроқ ачийди. Ҳар кўрганда насиҳат қиламан, ўзингни панага торт, жувонмарг бўлиб кетма, дейман. Ўзини карликка уради. Билмайман бу банда ким билан ўчакишади. Курраи арз тебраниб турганда қадмни билиб босса-да! Ана, Ҳикмат Раҳмон, ҳоли не кечди?

— Сиз билиб босяпсиз-ку, Шарифбой, етмайдими!?

Чўзинчоқ бетида бир соя ўйноқлаган меҳмон бирдан шунақа қарсиллатиб акса урдики, ҳайбатли иморат том-поми билан кўчиб тушгудек бир мақомда зириллаб кетди.

— Мени йўригим бўлак-да, уста, — деди у пишиллаб, лаб-лунжини дастрўмоли билан артганча. — Эрта машшоғи тушмагур мени гўримга кириб ётмайди-ку!

— Ҳарқалай афсусни бошқа нарсага қилиш керак.

— Қўйинг, уста, қўйинг, — энди Шариф урфон ўз уйидагидек бемалол ўтирар, кўзғалишни хаёлига ҳам келтирмас, қатпатирни иссиққина чойга бўктириб тушираётган эди. — Мен барини биламан, барини. Сизни бошингизни айлантираётган нокаслар тилаги нелигидан ҳам хабардорман. Бола-чақангиз ҳурмати, қайтиб улар яқинига йўламанг.

— Ёр-ошнадан кечиш... осонми?

— Уста, ўжарликдан наф йўқ, кўҳна тахта-ўқлоғини қўйинг, ўрнига нима тутқазилса шуқр қилинг.

— Тиканми ёки гул — фарқсиз экан-да?

— Шундай замонда ким сизга тиканни раво кўради?

— Инсофларини берсин.

— Энди камина турсам, — яна шу кунги аҳволотдан унча-мунча ваъз ўқигандан сўнг ниҳоят инсофга энди меҳмон. — Фақат кетар олди айтадиган икки оғиз гапимни қулоғингизга яхшироқ илиб олинг. Иложи бўлса бугундан қози Раҳмон қироатхонасига борманг. Уйингизда бир донаям рисола қолдирмай гум қилинг. Акангиз мулла Ражабга ҳам айтинг, эси борида этагини йиғсин. У киши бино қилган кутубхона довуғи ҳар ёққа кетган. Ҳа, айтганча, Шамсиддинни тезроқ йўлга соласиз, ўзингиз ЧСБга қатнайсиз. Ҳозир у сиздақа одам учун бирдан-бир чора! Уқдингизми?

Уста атай жавоб қилмади; бир вақтлар Мир Араб мадрасасида инон-ихтиёрни осонгина ўғирлаб кўядиган шу тоифа шакаргуфтор аллома-шайхлар билан ҳар кун мулоқотда бўлавериб жонидан тўйганини эслади. Яхши ҳамки у такбиру таъбирга учинавермасди, хушомадни ёмон кўрарди, таъмагирларга иккиланмай қаҳрини кўндаланг қиларди. Йўқса уни бир жиҳатдан серғалва дунёдан узилиб қолган мадраса иссиқ-совуғини бирдек қабул қиладиган кўғирчоқ каби ўйнатишлари тайин эди. Ё фалаксанки, ҳозиргина кулбасини тарк этган банданинг ўша авлиёлардан қаери кам? Фақат бу билан очиқроқ дардлашолмади, мадрасадагилар билан эса бемалол жиққа-мушт бўлиб тортиша берар эди.

Ҳартугул уста, бу банд таъкидлаганидек, ўғли тақдири хусусида дўпписини ерга олиб қўйиб ўйлаб кўриши зарурга ўхшайди. Қадимда зўрниқи тегирмонтош юргизаркан! Энди зўрлар йўқми? Энди ўша эски таомил ўзгариб қолдими?

Орадан уч кун ўтиб уста Сўзангарон кўчасидан баралла овозда қўшиқ

айтиб, текис саф тортиб, шахдам одимлаб бораётган йигитчалар орасида Иброҳимни кўрганда жимжит йўлакда хомуш туриб қолди.

Собиқ шогирдини таниш қийин эди: сочини ўстириб бир ёнга тараган, келишимли юзи илиқ табассумга фарқ, чалвор ва зира беқасам тўн ўрнига қора костюм-шим, иссиқ пальто кийган, оёғида қўнжли қизил этикча ўрнида қора туфли ярқирар эди. Лекин, булар бари бир тараф, кўкрагидаги бежирим алвон нишон бир тараф эди; нишон унга салобат берган эди.

Кечқурун уста жўрттага ўғлини тергади, ўғли нечундир индамади, сукут аломати ризо, деб ўйлади уста ва уни барабан садоларига ҳамроз одимлаб, дўлвор овоз билан қўшиқ айтиб бораётган ўсмирлар қаторида ҳис қилиб кулимсиради.

Узоқ хомчўт қилгандан кейин уста аввал Шамсиддинни Шариф урфонни-кига олиб бормоқчи бўлди. Лекин бу чўти кўнглига унча ўтиришмади, негаки, худди муҳтожлик орқасида унга ёлбориб бораётгандек туюлди. Хуллас, ғурур йўлини тўсди, бошқа иложини топ, деб амр этди. Ахийри уста таниш-билиш орқали Иброҳим ўқийдиган мактаб қайдалигини аниқлади. Тушга яқин ота-бола дунёнинг сиёсий ҳабтаси осилган торгина хонада сочи турмакланган, заҳил юзли, чувак опа қабулида бўлишди.

— Сўраганинг айби йўқ,— деди уста Жамшиддин опага қарата, хушмуомалалик билан.— Янгиси ёнида унисини ҳам ўрганаверишса бўлмасми?

— Қандай.... тушунмадим,— деди опа мўлтираб.

— Лотини ёнида деяпман... аввалгисиниям!..

Ҳар бири ўзини миллат фахри санайдиган муаллим зоти борки, касби нозиклиги ва инжиқлиги, аксига юриб болалар бебошлиги ва зеҳни сустлигидан нолийди. Амали бедодликни қачонлардир қўшқўллаб топширишга аҳдланган, лекин юқоридаги қандайдир ташбағр кимсалар бу тилагини бажо келтирмаётганидан хуноб опамиз ҳам ростакамига тўлиқиб ўтирган эди; кўзига мулойимгина ва беозор кўринган манов бандага, ўғлини қабул қилиб олган заҳоти, арз-ҳолини супра қилиб ёймоқчи эди. Куракда турмайдиган саволни эшитаркан, юраги орқасига тортиб кетди, бир қизарди, бир бўзарди, жойидан беҳолгина кўзғаларкан:

— Сиз, сиз... жонимда қасдингиз борми?— дея пичирлади.

— Шунда омади иш бўларди,— деди уста Жамшиддин хотиржам.

— Қуриб кетсин-э омади иш!— қичқирди опа; у жиққа терга ботиб, пешонасини стол қирғоғига тираганча, кўксини чангаллаб ўтирди.— Вай тавба, вай тавба! Эсини еган бу одамлар!

— Эсини ким еган, ким емаган, ёлғиз худога аён,— деб пўнғиллади уста ва, юр, кетдик, деган маънода ўғлига ишора қилди.

— Шошманг, бола тақдирини ҳал қилишимиз керак,— ўша таҳдидли овозда ҳукм қилди опа.— Бу ишга биз бошимиз билан жавоб берамиз. Тағин сиз ўз ихтиёрингиз билан келсангиз, лекин энди қайтиб бу ерга қадам босманг. Ўғлингиз эса... қатнашга мажбур!

Уста бошини қўйи солди.

Эрталаб Шамсиддин онаизори тикиб берган жилдни елкасига осиб йўлга отланганда нечундир ҳаприқиб кетаётган уста қувонишини ҳам, хафаланишини ҳам билмасди. Ҳар ҳолда у ўғлини меҳр билан қучиб ўпди, пешонасини силади, энг яхши тилақларини айтди, замонага боқмоқлик инсофу диёнатнинг бошла-ниши, деб оқ фотиҳа берди.

Сираси Шамсиддин ҳам ўзида эмасди: вақти хуш, тили бийрон, қадами чаққон, боринги, қанот чиқаришга шай йигитча атрофида барқ ураётган турфа воқеалар қўйнига шошиляётган эди.

VI

Хотиржамлик ҳар хил экан: у ўғлини олдда шамдай милтираган умидли дунёга кузатиб сал таскин топгани билан ич-ичида нимадир бетиним ғивирлаб безовталар эди. Шаксиз, ўғлига йўл бергани, кўзингни каттароқ оч, теварагингга ҳушёрроқ қара, деб панд қилгани тузук бўлди. Эрта бу дунёдан, теварагидагилардан бегонасираб турмаса, оқни оққа, қорани қорага ажрата олса, яхши-ёмонга озми-кўпми хизмати сингса ўзининг ҳам обрўси-да! Сенга боқмаётган

замонга боқишга қурбинг ва журъатинг етгани — имонинг бутунлиги! Лекин устани безовталаган фикр бошқа, яъни эски дарди, дардқи, бутун таг-томири билан баъзилар ҳатто бўлган-бўлмаганига заррача қизиқмайдиган кечаги кунига бориб тақалади. Эҳтимол, ўша баъзилар ўйларқи, кечаги кун аллақачон юмалоқ-ёстиқ қилинганча ўз харобазорлари тубига тоабд қазиб олинмайдиган қилиб кўмилди-ку, энди унга қайғу чекиш — телбалик! Бу ўйловдаги бандаларга уста бир фикрни доим айтган, яна айтади: кечмишингни хўрласанг, ўзинг ҳам хор бўласан! Зийрак уста бир ҳид сездики, чидаш маҳол, Фаттоҳ Обидий билан Шариф урфон куюнчаклиги ниманингдир даромадига ўхшайди, индаллоси, бутун эл-улус умид билан кўз тиккан кўприк орадан оппа-осонгина кўтариб ташланса! Уста азал-абад нени хоҳлайди: ўғли авлод-аждоди зеҳни-заковати билан мустаҳкам қилиб қурилган шул обидани муаззам орқали хоҳлаганда ўтмиш ила келаси оралиғида кезинса, бу поёнсизликдан таъбига мос дурлар терса! Аммо анови ранги заҳил опа, ақл ўргатишга қолганда шишиниб кетадиган Шариф урфон чизган чизиқдан кетиб қолса, оқибат, ўғли нимага етишади. Ҳозир у жумлаи мўмин қаторида эътиборини жалб қилган дунёга жон-жаҳди билан отилмоқда, арабийни сувдек ичдим, энди лотинига ҳам меҳримни боғлаб кўрай, дея мақсад-муддаосини очиқ изҳор этмоқда. Худо ҳақи, холис муроди эгамга ҳам маъқул, яъни қанча кўп тилу битик билсанг аршу аълога шу қадар яқин борасан, фақат, ахир, э ёронлар, бир жадиди такомилга етишмоқ беҳад синовларни кечирган эскисини қурбон бермоқ эвазига бўлмаслиги керак-да! Шундай қилиб, Шамсиддинбой ҳам, замон зайли шу, бошқаси бекор, деса-да, аввалдан сув ичиб келган қудуғига тупурса, унда... оиласи бир умр асраган, бир умр эъзозлаган ҳидоят тамали жойидан кўчмайдими, кўчиб, замин у замонигина эмас, ақлу заковатни ҳам зилзилага солмайдими!?

Бош-охири йўқ ўйлардан уста толиқди, у ўғлидаги битмас-туганмас иштиёқни кўргандагина яна бир қадар енгил тортарди, ўғли битта нарса ўрганса иккита қилиб сўзларкан, у бунни сезиб оғринар, кўнгли чўкмасин деб унга индамас, мийиғида кулар, хомушлик билан панд қилар, аввал борини бой берма, бой берсанг бошқасини эпламоғинг маҳол, деб ғудранарди. Бундай вақтда шубҳасиз Шамсиддин ўнғайсизланади, ҳатто қисинади, ерга қапишиб қолгандек бўлади, энтика-энтика кўрган-кечирганларини сўзлайди, аввалгиси эсланмаётганини, эсланганда эса разолат ва жаҳолат сари элтувчи унсур, кўзларни сўқир айлаган нили қаттол, ақлу идрокка тушган кишани завод сифатида таъриф қилинаётганини айта бошлаганда йигитча айниқса мунғайиб қолади, нигоҳини яширишга уринади. Алланечук таъсирланган уста сукутга толади, эй художон, дейди ичида, аҳли улусдан меҳрингни дариг тутмагин, камина чўкиртагини ҳам аросатда қолдирма, ахир у гўдаклигидан жамолингга етишмоқ учун ёнади, ахир у сенга етишмоқ йўли Улуғ сўзга топинмоқдан иборатлигини билади. Одамлар борқи, жонлари қақшаганда ёки тақдирлари қаролиғ тортганда чорночор сени йўқлайдилар, лекин шукр, камина ундай бедодликка изн бермагани каби, ўғлим ҳам худписандликдан йироқ, муборак номингни ҳар лаҳза кўнглига жо қилиб яшайди. Чунки сен марҳаматлисан, энг оғир дамда — етмиш минг йил давом этган сукутдан кейин ҳам ўзига келолмаган Қаламни ёлғизлатиб кўймадинг, ўз ёғига ўзи қоврилаётган Қаламга Қонуни муборакни кўмакка юбординг, ҳимматинг нури билан жилоланган ажаб оҳанглар унга куч берди, у абадул-абад тирик оҳангларни ўзига қанот қилиб олди ва маҳтал қоғозни сен билан одамзод тарихи ила сарафроз айлади. Қалам билан Қонуни муборак қовушган паллада Улуғ сўз туғилган эди, шу заҳотиёқ у олам дарди ва қувончини ўзиники деб ҳисоблаган эди, одамга жилмайиб қараб, тоабд унга ҳамроҳлик қилажагини билдирган эди. Не-не замонлар давомида башар қони ва жонига сингиб кетган каломуллои шариф ўғлим дастури, ўғлим унга сиғинади, бу кунда эса замон зайлига қарагани тузук (ўзга иложиям йўқ!), итнинг орқа оёғи бўлиб қолишни истамаётганидан хурсандман, фақат қўрқаманки, ғўрлигига бориб...

Уста недан қўрқшини ҳар жойда очавермасди, лекин ичини кемирган дарддан эрта-кеч Шамсиддинни огоҳ этарди, бир кун ноилож Шариф урфонга ҳам ёрилди. Ташвиши-тахлиқаси бошидан ошиб-тошиб ётган муаллим устани жимгина тинглади, жавобга шошилмади, афтидан бунни истамади. Кейин эса кутилмаганда Шамсиддинни мақтай кетди, зеҳни ўткирлигини кўкларга кўтар-

ди, ўзи шундай шогирдни етаклаб эрта сари бораётганидан бениҳоя ғурурланишини яширмади, уста негадир қовоқ уйганини кўргач, ғўлдираб қолди.

— Шубҳангиз бекор,— деди ниҳоят талмов билан.

Шўрлик уста шу мажмул таъкиддан сўнг чиройини бир оз тетик тутишга мажбурият туйди. Ахир нуқул гумон комида тўлғанмоқдан ёмони йўқ-да! Халқ ғамини еб юрган, ёш-қари бирдек савод таниши учун елиб-югуриб, ҳар хил чора-тадбир қўллаб, омилкорлигини пеша қилаётган анов банда эҳтимол тўла ҳақдир, эҳтимол чиндан ҳам кўпга маъқул йўриқ тағ-заминидан кир қидирмоқ беҳудадир, эрта бари у хоҳлагандек аломат изга тушар...

Дарвозаси темир мактабда Шамсиддин жонни семурғга айлантириб учиргудек даражада сеҳрли туюладиган ваъда-войишларни ҳар куни минг марталаб эшитарди, ҳалиги одатича эшитганларига ўзи билган-билмаган нарсаларни қўйиб-чатиб ҳикоя қиларди. Бу дунёда бахт чексиз экан, дадажон, дерди у хонтахта ёнида аста тиззалаб, лекин шу кунгача биз мазлумларга урвоғиям насиб этмабди, энди эса ҳамма-ҳаммаси бизга тегаркан! Шу кунгача адолат ҳам етим экан, энди... тугал адолат қарор топгани учун дунё тамом яшараркан! Балки, мана шу тенгсиз хушбахтлик эвазига кечмишнинг эрта учун яраши маҳол устунларидан кечиб юбормоқ жоиздир! Эвоҳки, ўғли ҳикояларини безаган ҳаду ҳудуддан уста ҳали беҳабар эди, ҳар кун ичини кемираётган дардга ўхшаш дардни мулла Аҳмаддан, кейин уста Қурбон билан мулла Ражабдан эшитганда ҳарқалай тахти-равони хомталаш бу очунда ёлғиз эмаслигига амин бўлди. Нима қилсин, Шариф урфон айтганидай, оёқ ости тебраниб турарди. Эс борида этакни йиғиш керак. Фақат у мулла Аҳмадникида ва кошинпазликда ёввойи бодом данагидай аччиқ пичинглар қилиб кетган Фаттоқ Обидий бедараклигига, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам эсламай, безовта қилмай қўйганига ҳайрон эди. Ҳар замонда ё мулла Аҳмад, ё Шамсиддин, ё шогирдларидан бирови уни ҳалиги пакана ҳамроҳи билан Регистоннинг қайсидир бурчида, баъзан Сиёб бозори ичида, гоҳо Шоҳизинда бўсағасида кўриб қолишгани, бутун туриш-турмиши ва ҳатти-ҳаракати у тоғни олиб келиб бу тоққа ура оладиган сур одам аҳволотини эслатишини ғайирона тарзда сўйларди. Энди афтидан Фаттоқ Обидий шаҳристонда анчагина ном таратган эди, негаки у ҳақдаги ғашга тегадиган олди-қочди ғийбатнинг нақ қирқ қулоқли қозонида вақирлаб қайнай бошлади. Уста, Шариф урфон яширган эрса-да, Миср дарवेशни ўша банда шериги билан олдига солиб ҳайдаб кетганини ғира-шира тасаввур қилди.

Илму ҳикматга Шамсиддин ҳаваси шаксиз баланд эди, ана шу ҳавасмандлиги бошқа жабҳаларга ҳурматини асло сусайтирмади, аксинча кучайтирди. Хусусан, у қози Раҳмон қироатхонасидан, нафис шеърлар битадиган Ҳикмат Раҳмон суҳбатидан сира-сира кўнгил узолмас эди. Ҳали мулла Аҳмад хонадонда юз берган синоат бағрида муҳрланиб қолди, жаббки, бу муҳр бир чигил сингари кун сайин гоҳ ечилиб, гоҳ қайта тугилиб — томир отиб, бутун борлиғига ёйилиб борар эди. Алҳол, тобора ловуллаётган, жами тириклик ғами-ҳасрати, умиди-армонини жо қилишга шай дили ер билан битта бўлиб сочилганидан неча чандон нозик, неча чандон жозибали оҳанг таратадиган Қонуни муборакка илҳақ эди.

Нетонг, ўғлидаги бу иштиёқ аллақачон устага ҳам юққан, у ҳам Шамсиддин сингари ўй сурардики, мусиқа ва илмни суйган донишманд мамлакатда олло-таоло юборган ваҳийга кўра буюк муғанний тарафилан яратилган, сеҳр билан бемор подшоҳни оёққа турғазган, сўнг Қаламни Улуғ сўзни ёзишга рағбатлантирган Қонуни муборак бугун чорасиз, сукутда — пардаси дарз еган, овози бўғилган. Бу маломат қачонгача бошни ўровда сақлайди? Жами умид энди вориси валломат мулла Аҳмаддан, уни эгам паноҳида асрасин ва унга англатсинки, бу дунёда қонун овози янграб турмаса, Қалам ўзини етим атагай, Улуғ сўз эса забунлик сари юзлангай...

Аммо мулла Аҳмад ҳафсалаларини пир қилди.

Қуёш макони томон ошиқаётган пайт, уста ҳужрасида шогирдлари билан машғул, таъмир сиру синоатидан хотиржам сабоқ берар, бир оз паришонроқ эди. Боғдоди эшик чийиллаб очиларкан у беихтиёр сесканиб тушди.

Илгари мулла Аҳмад нақ девдай эди, шундай одам чўпи-устихонга айланбди, бурнидан тортса йиқилгудек бўлибди. Бандаси ғамга шунчалар бебардош экан-да! Ҳарнечук дарди ота-болага аён, лекин уларга аён бўлмагани ҳам

бор, яъни куни кеча у, ҳовлисида паналаб олганидан тамом димиқиб, пича овуниш учун оқартув уйига борди. Лекин келганига минг пушаймон еди: бу ерда аввалги файздан асар ҳам йўқ эди.

Остонада ўзи билан бирга «Шашмақом» уюшмасига жон киргизган, қадимий куй-кўшиқларни эл орасидан йиғиб-топиб, оҳорлаб, асл эгаларига тугал мазмун билан қайтараётган Юсуф Улфат, домла Ҳалим, Наврўз Самарқандий каби созанда-ҳофизлар дарди-дунёлари қоронғи ҳолда туришар эди...

— Қадамларига ҳасанот,— деди уста чехраси очилиб.

Мулла Аҳмад индамай қуллуқ қилди.

Ранги заҳиллашиб, кўзлари киртайган муғаннийга Шамсиддин ачиниш ҳисси билан қаради, яқинда аллакимлардир тагин уйига ёпирилиб бориб унинг кўча-кўй, маҳалла-мавлудга чиқишини бутунлай тақиқлаб қўйишганини эслаб таъби баттар бузилди, сездики, азалдан нинадай дардниям кўтаролмайдиган бу одам ҳозир қонунни ўйлайдиган ҳолда эмас, эс-ҳуши тамом бошқа ёқда!..

— Нечун индамайсиз, мулла, бахайр?

— Уюшмани тарқатишди,— деди муғанний қоврилиб.

— Нечун?

— Билмадим,— у яна сукут қилди, анчадан кейин ғудранди:— Уюшмадаги биттаю битта қонунни олиб кетишибди. Бунга чидолмаган Юсуф Улфат ўз жонига қасд қилмоқ-чи!

— Буниси чакки, тентаклик!— муғаннийни юпатди уста.— Кўп эзилманг, бу кунлар ҳам ўтади. Уят бетларида қолади.

— Ҳа, уста, тўғри айтасиз, бу кунлар фаромуш бўлғай,— тасдиқ ишорасини берди муғанний.— Лекин унғача... эгам асрамаса майиб бўлурмиз. Тавба, «Шашмақом» энди халққа бегона эмиш, «Шашмақом» одамни бугунни нафасидан чалғитармиш, вужуд билан руҳни майиб қилармиш! Хўш, айтинг-чи, бу сафсатадан ўртанмайинми?

— Барини тангри ихтиёрига ағдаринг,— ичи сидирилаётган бўлса ҳам уста панд қилишда давом этди.— Шунда енгил тортасиз. Сафсатабозлар номаъқул бузоқ гўштини епти. «Шашмақом» қонимизга сингиб кетган десам, кифоя эмас, у қонимиздан бино бўлган!

— Шубҳасиз.

— Хўш, энди сиз айтинг, одам ўз қонидан яралган нарсадан осонликча воз кечоладими?— уста нигоҳини мулла Аҳмадга тикандак санчди.— Ҳеч қачон кечмайди, кечолмайди. Бошларини тошга уриб ёришмайдими!

— Улус таҳликасини айтинг, уста.

— Улус аҳволидан оз-моз воқифман,— деди уста жиддий, бир қадар тараддуланиб.— Бир қарасанг оқил, бир қарасанг жоҳил! Ҳақ йўлида бутун фикр юритмоққа ўрганмаган ҳали! Манови жардан ташлаш зарур бўпти дейилса борми, тамом, мия ишлатгани чоғи йўқ!

— Камина ҳам шуни армон биламан.

— Қайғунгизга шерик топсангиз тузук, топмасангиз...

— Камина доим сизни қора тортиб келаман,— тиззаси оғриди шекилли муғанний чордона қурди.— Сиз тоабат дардимга шериксиз, сиздек бандага ҳамроҳ қилгани учун яратганга шукр!

— Мен-чи?— деркан уста Жамшиддин хаёлидан уста Қурбон, уста Ризо, Муҳаммад Малик, Ҳикмат Раҳмон, акаси мулла Ражаб сиймолари бир-бир ўтди, кейинги вақтларда булар қадамларини Регистондан тортишганини сўзлагани чоғланди, лекин чалғиди.— Мулла, гапирмаса бўлмас, бу... муддаолари нимакин?

— Билмадим. Лекин алағдаман,— деди муғанний ўйчан алфозда.— Кеча Шариф урфон сал учини чиқарди, ҳали гал сўзга етармиш!

«Сўз! Улуғ сўз! Неларни валдирамоқда муғанний?»

Тавонини туйқус қиздирилган темирга тегизган каби Шамсиддин сапчилаб кетди, ранг-рўйи қум оқарганча, аста бориб эшик кесакисига суянди, ҳамиша етти ўлчаб бир кесадиған муғанний бу навбат ўтриклагани, шунчаки саннаб қўйганига ўзини зўр бериб ишонтирмоққа уринди. Лекин бу даргоҳга чуқур ихлос билан қадам ранжида қилган муғанний ҳазилдан ташқари муҳокама юргизаётган эди, жиддий қиёфада эрта юз беражаги мумкин бўлган воқеалардан огоҳ этаётган эди.

— Жоме мачити кўпдан ёпиқлигини биласиз,— қисқа сукутдан кейин мулла Аҳмад соқолини тутамлаганча давом этди:— Шунга қарамай имони басаломат бандалар муҳтарам домла Фазлуллоҳ билан, бекитиқча, оллоҳ назари теккан даргоҳга бориб туришади. Кеча, жумаи муборақда қарзимни шу зот билан бирга узиш умидида жомега бордим. Пешин олдида у киши айвондаги лавҳга қуръони шарифни жойлаб қироатга берилдилар. Овозлари айни шитобига кўтарилган маҳалда билакларига қизил латта боғлаган бир тўда ўсмир пайдо бўлди ва бири бора-сола лавҳдаги китобни чунон тепдики, китоб анча жойга учиб бориб тушди.

— Ёпирай-э!

— Пири муршид пинак бузмадилар, ўтирган жойларида зил сукутга ботдилар,— муғанний афт-ангорини бир хил совуқ ифодалар ўради.— Қуръони шариф тупроққа қоришгани ўсмирларга анчагача кулги ва ҳазил-мутойиба учун баҳона бўлди. Тағин ҳалиги бола... қаҳ-қаҳалар остида қуръонни ҳовлини айлантириб тепкилаб келди. Биз бечоралар қон ютиб ўтиришдан нари ўтолмадик. Улар эса ҳужраларга кирдилар, кўлларига илинган ҳар не мажмуани ўзлари билан ола кетдилар. Шогирдингиз Иброҳим шуни маълум қилди.

— Иброҳим?

— Шундай, уста. У ҳам ҳалиги болага қўшилиб қуръонни тепкилаганини ўз кўзим билан кўрдим,— уста нафас ютганини сезиб мулла Аҳмад ўнғайсизланди, анча муддат тумушиб ўтиргач, гап жиловини бошқа ёққа бурди.— Биласиз, Ҳикматулла анчадан бери... тил тегизиб бўлмайдиган хилватда. У қироатхонани ўйлаб ич-этини еб ётгандир. Худо кўрсатмасин, бу кетишда... Бир иложини қилайлик.

— Каминанинг ҳам бир ташвиши шу, мулла.

— Лекин сиз ўзингиздан бохабар бўлинг.

— Тақдирдан ким қочиб қутулибди?

— Тўғри, лекин... Жонни беҳуда қурбон қилмоқ ҳам уволдир,— деб муғанний кафтини чаккасига босди.— Бу худонинг ўзига ҳам ёқмайди. Худо урган ўша шанбада акангиз мулла Ражаб билан Ҳикматуллани олиб кетишганини эшитиб ичимдан қиринди ўтди. Акангизни қўйворишганига шукр, лекин Ҳикматулла... Айтганча, уста Ризони ҳам сўроққа чақиришган, у бир амаллаб қутулибди.

— Ҳозир уста Ризо мени кўрса тўрт тош нарига қочади.

— Мени кўрсаям,— деди муғанний уф тортиб.— Бола-бақрасига тайинлаб қўйганми, қачон борсам, уйда йўқлар, деган жавобни оламан. Бир кун тасодифан Сиёбда учратиб қолдим. Йиғламоқдан бери. Тез жўна, соямгаям қоровул қўйилган, деб аланг-жаланг қилади. Панароққа ўтдик. Айтишича, Ҳикматулла бир даъвони тан олмай, ўжарлик қилаётган эмиш, агар тан олса қўйворишармиш...

— Уста Ризонинг ўзи-чи?

— Энди у сополга битик зарбламасмиш,— бир ўкинч билан бош тебратди муғанний.— Мени кечиринг-у, аммо шу бандадан ажрабмиз, тириклайин ажрабмиз. Шу куни саволларимга зўрға-зўрға жавоб қияпти-ю, ўзи жойида питирчилайди, худди дажжол келиб, ёқасидан бўғиб, ҳозироқ ажалхонага олиб кетадигандек! Э-э, шу битта жон-да, омонат нарса, бугун бўлмаса эрта топширасан. Мунча қалтираб нима! Омон бўлинг, уста, энди мен борай, таъбингизниям тоза тирриқ қилдим. Ҳа, айтганча, бугун ёки эрта кечқурун маслаҳатга бораман, қози Раҳмон қироатхонасини... ҳалигидай, бир ёқли қилгани...

Нақшинкор эшик аста очилиб-ёпилди.

— Ўзинг асра бандаларингни,— муғанний изидан тикилиб минғирлади уста; анчагача у нима қиларини билмай хомуш ўтирди, ўзича неларнидир чамалади, неча кундан бери хилватда нималиги қоронғи савдоларни бошидан кечираётган Ҳикматулла тақдирига қизиқмагани, аниқроғи, қизиқишга вақт тополмагани учун ўкранди.

Ярим соатлардан сўнг ёруғ дунёни бирдек қадрлайдиган ошналар суҳбатини тинглаб анчагина ташвишланган шогирдларга озодлик тегди. Енгил тортиган, суюнган шогирдлар намчил ва совуқ ҳужрани тапир-тупир қилиб тарк этишди. Ҳаял ичида сокинлик чўкди. Ҳануз гарангсираётган уста ўғлига ўғирилди, токчадан боя қўйган китобни олиб чўккалади.

Мутолаага қизғин берилиб оқшом тушганини пайқашмади. Хужрада қоронғилик қуюқлашди, ўжар ҳарфлар сакрай-сакрай бир-бири устига мингаша бошлагандан кейин уста толғинликка бўйсинди, ноилож рисолаани ёпди ва шу билан бугунги машғулот ниҳоясига етди.

Аллақачон зулматга чулғанган ҳовлига чиқишаркан, юзларига муздаккина тоза ҳаво урилди. Осмон эниб келиб заминга туташгандек: агар ҳар жой-ҳар жойда жимити юлдузлар живирламаса ҳудуд билмаган бу икки унсурни ажратмоқ мушкул эди. Ер-кўк, хуллас, бутун борлиқ ором оғушига кирадиган ушбу паллани Шамсиддин жони-дили билан хушлар эди. Қимир-қимирдан безгани ёки ўзини бирдан эркин сезгани учунми, уйда онажони тайёрлаган мазали хўрак ёки юмшоққина тўшак кутаётганини туйгани боисми, ҳартугул, оқшом чукаётганда қушдек энгил тартади. Хушчақчақ йигитчага айланади, ҳатто узлуксиз имлаётган юлдузлар ёнига учмоққа, самоғирлар билан юксаклик шанишавқи ҳақида тортишмоққа чоғланади. Лекин ҳозир отаси ёнида судралиб бораркан, кечки жозибани деярли сезмас, хаёли шамолдек келиб шамолдек кетган мулла Аҳмадда, ётари-турари ва еяри-ичари номаълум қолаётган Ҳикматуллада, тақдири қил устида турган қироатхонада эди.

- Дада,— деди бир пайт,— у киши энди қонун ясамайдими?
- Ясайди.
- Қўйишмас экан-ку.
- Унчаликка боришмас.
- «Қасида»ни ҳеч қачон эшитмаймиз чоғи.
- Мавриди келса, иншооллоҳ, эшитамиз.

Отаси овозидаги қатъият ич-ичида мудраб ётган армонни яна бир бор астагина қалқитди: дунё маромини бузгани йўқ, умуман, ҳалиги шанба бўлмаган, мулла Аҳмадниқига боришгани ёлғон, боқиши хайрхоҳ Фаттоҳ Обидий, ҳукмга маҳтал пакана, дафтару газетни ихлос билан қўлтиқлаган Шариф урфон изларидан келгани ҳам ўтриқ, зеро, ҳали бари олдинда, қози Раҳмон қироатхонасидаги амри маъруфда ортиқча мақтовдан хафаланган муғанний уларни хонадонига энди чорлайди, нозик нақшлар билан безатилган шинам хонага етаклаб кириб, минг йиллар тариқати ва маърифатидан сўйлагувчи чолғуларни биттама-битта кўрсатади, сўнг садафбанд Қонуни муборакни тиззасига жойлаб, «Қасидаи падар»ни эшилиб чалади. Жами тириклик, бутун ер юзи бунингдек ноёб ва ўртовчи мусиқани илк дафъа эшитади.

Ҳали шундай кун қачон келажагини сўрашга ботинмаганини ўйлаб Шамсиддин тоқатсизланди; гурсиллатиб одим ташлаётган отасига қаддини яқин олиб тағин оғиз жуфтлади. Дафъатан отаси ўзи сўз очди, кечаси ғалати туш кўрганини дўриллаган товушда ҳикоя қилди: тиканак босган даштда ҳангу манг турганда шундоқ қаршисида Қалам билан Қонуни муборак бўй ростлабди, сўнг олисдан беадад ёғду ёпирилиб келибди, ёғду қуюқлаша-қуюқлаша Улуғ сўз сувратига кирибди, у қадди-бастидидаги жароҳат изларини беркитиб нидо берибдиким, азизларим, сиз қовушган масъуд онда туғилдим, мени ора йўлда қолдирманг, тоҳануз меҳрга муҳтожман, бахтимга Мўйсафид қариган, қувватдан кетган...

Қоронғилик ота-болани исканжасига тортди, сокин майдондан узоқлашиб боришгани сайин дилларига бир залвар хавотир юқаверди: ҳали ҳеч нарсани сезишмасди, одатдагидек ўз хаёллари билан бепарво илгарилашарди, четида қари балхи тут қаққайган зимзиё кўчага бурилишгач, ён-атрофни ажабтовур таҳлика қучгандек туюлди.

Худди шу маҳал нималарнидир елкалаб, кўкракларига маҳкам босиб, қўлтиқлаб олган бир тўда давангир кишилар шундоқ ёнларидан гурс-гурс чопиб ўтишди, қайсидир муюлишда яна шундай бесаранжом тўдага йўлиқишди, улар ҳам тасарруфларидаги ғалати юкни биров кўриб-билиб қолишидан чўчиган каби нафаслари тикилгудек алфозда югургилаб қоронғилик қаърига уриб кетишди.

Бутун ҳуш-фикрларини тамом тушунуксиз чопа-чопга беришгани сабабли ота-бола жимиб қолган қоронғи кўчанинг нариги тарафидан ўзига ўзи ғулдираб оғир-оғир босиб келаётган кимсани ҳадеганда пайқашмади, пайқашгач, яқинига бориб шошиб қолишди.

Қаршиларида бир замонлар қози Раҳмондек бадавлат ва фозил амалдор

билан илму фунун ва китобдорлик бобида тап тортмай бел олишган, оқибат, енгса енгганки, лекин ён бермаган зот бир халта юк тагида дол турар эди.

Уста Жамшиддин яхшилик билан от чиқарган бу бандани фақат ини эмас, маслакдош, дарддош устод ҳам санарди. Сабабки, хонадон тўнғичи бўлган мулла Ражаб ҳар жиҳатдан ҳамиятли эди, у бутун инон-ихтиёрини Мир Араб мадрасасига топширганига қарамай оиласидан узоқлашмади, қари ота-онасини тақдир ҳукмига ташлаб қўймади. Қисқа вақт ичида зеҳни ва уқувини намоиш этолган укаси Жамшиддиндан айниқса меҳрини дариг тутмади, у меъмор ота изидан оғишмай бориши учун нимаики зарур бўлса, барини муҳайё қилди. Иккиламчи, мулла Ражаб китобатни шунчаки дабдаба ёки ҳавасга эмас, теран бир эҳтиёж орқасида зуҳур бўлган иштиёқ ва ихлос билан суярди. Зукко акадаги бунингдек саодатмандлиғ завқидан озми-кўпми юқтирмай қолиш асло мумкин эмасди, шу боис тиниб-тинчимаган ака ҳовлисида қироатхона солдириш ниятини қилганда у жон-жон деб бош қўшган эди.

Хандаса, алжабр мантиқий қурилишига жуда эрта қизиққан мулла Ражаб мадрасада Муҳаммад ал-Хоразмий, Муҳаммад Мусо ал-Фаробий ва Абу Райҳон Беруний қолдирган меросни имконига яраша ўрганди, даврида аршу қодир ила юзлашган бу алломалар ақл нури билан йўғирган айрим рисоаларга баҳоли-қудрат шарҳлар битди. Муаззам Самарқандга қайтиб, Бибиҳоним масжиди имомлигига тайинлангач, илоҳиёт билан баробар бошқа фанлардан ҳам ажралмади, қачонлардир мирзо Улуғбек мадрасасида мударрислик қилган хожа Комил Мавлонийдан фотиҳа олиб ҳисоб тўрт амалига дахлдор кўп савобгир рисола яратди. Муруватли қози Раҳмон, тупроғига нур ёғилгай, мулки муборагидан қолишмайдиган қироатхонаси, унча-мунча мукамал мажмуалар билан мантиқий теранликда бемалол беллаша оладиган рисоласи довруғи чор тарафга ёйилган мана шу зот қоронғи кечада халта орқалаб, ўғрисифат бўлиб, талваса ичра қаён бораётир? Халтага тап-таранг қилиб тикилган нарса нима?

— Ака, бу сизми? Кўзларимга ишонмаяпман!— ниҳоят гап тагига етган уста Жамшиддин ўтинчли оҳангда мурожаат қилди.— Сизга нима бўлди, ака? Уволни билмайсизми?

Силласи қуриёзган мулла Ражаб халтани деворга тиради.

— Ҳаҳ, укагинам-а, шу ёшга етиб уволни билмайманми?— деди кейин ҳансираб.— Аммо бўғзимга тиғ тегириб турган бўлсалар кўзимга увол кўринадими? Бугун эшигимга Шариф урфон келди, таниш-билишчилик ҳақиға эҳтиётингизни қилинг, деб айтди. Яхшилик шунча бўлар-да! Эсим борида этагимни ёпайин!

— Сизга оғирлиги тушган бўлса бизникига киргизинг.

— Йўқ,— деди мулла Ражаб кесиб,— ўз бошимни қутқарайин-у, сенинг бошингни бало оғзига тикайинми?! Айт, сен айтгандай қилсам, мардликка ётадимми?

— Бало оғзидан камина қўрқмайман.

— Гап фақат қўрқувда эмас, иним.

— Ҳўш, тағин нимада?— таассуф билан сўради уста Жамшиддин.— Улус мулки қабоҳатга ем бўлсин, эвазига омонат жон омон қолсин. Шундайми? Сизки олим киши бўла туриб, шундай тутумни қилсангиз, омий бандалардан нима умид?

— Мени таънага кўмганинг бефойда.

— Халтада ўзингиз битган рисола ҳам борми?

— Бор, иним, бор,— мулла Ражабнинг узун соқоли аста кўксига тиралди.—

Лекин шайх-ур раис унвонига етишган улуғларники жон сақлаёлмаётган бу кунда мендек комил кўчасига киришга қурбати етмаган ожиз банда рисоласи омонлик даъвосини қилса ярашадими? Беадад гуноҳи азимларимиз эвазига тангри йўллаган бало болни бол, оғуни оғу демай ямламай ютаётганда бизники итоат ва шукрона! Билдингми, иним, билган бўлсанг, қўй, одамни ўртама!

— Уртасам-ўртасам, ака, йўлдан қайтинг, ҳарқалай сиз бунчаликка борманг,— астойдил ёлвора бошлади уста.— Худо уради. Бу ёмон, бундан кейин бир умр... насли-насабимиз мондимайди. Биласиз, бундан менда ҳам анча-мунча бор, ёр-ошно кўмагида бир амаллаб яширамиз.

— Майли, сен яширавер, сеники меники олдида урвоқ ҳам эмас,— деди

хўрсиниқ аралаш мулла Ражаб.— Қироатхонада қолгани ўн-ўн беш туя юки. Шунча нарсани саришталаш осонми, овсар!?

Қилча ёлғони йўқ: мулла Ражаб қироатхонасида саралаб қўйилган мах-тутотларни унча-мунча карвон зўрға эплайди. Ахир бир вақтлар китобат ишқи оқил акани бор буд-шудини шу йўриққа сарфлашга, узоқ-яқиндаги арзону қиммат дурдоналарни битталаб йиғишга мажбурлаган эди-да; у қарз-қаволадан қўрқмай ҳовлиси тўрида даҳлиз-йўлаги, узун-узун ва кенг бир неча хонаси бўлган мўхташам иморат солдирди, бир дунё ғишт ва беҳисоб ёғоч кетган шу иморатда уста Жамшиддин икки йилга яқин чўпқорилик ва ганчқорилик қилди, яъни хоналарда гир айлантриб нақшинкор жавон ясади, уни ноёб рисоалар билан тўлдириш учун эса соҳиби хонадон Ироқ, Эрон, Афғон, Ҳинд, Қошғар мамлакатларини оту туяда беармон кезди.

— Юз туяга юк бўлсаям амаллаймиз, ака,— деди уста кескин.— Тавба, йиғишда ҳеч нарсангизни аямовдингиз, энди жон ширин кўриниб қопти! Йўқ, ака, энди ям бор-йўғингизни тикинг. Негаки, сарфу харажати ни гарданингизга олганингиз билан, асли бу мулк жамоаники!..

— Бандаи гумроҳ, очикроқ айт, мендан нима истайсан?

— Жамоа мулкни увол қилманг.

— Қизиқ-ку, сен, а?— кесатди мулла Ражаб.— Бор, ука, жамоа-жалли-финг билан йўлингдан қолма. Замонида ўзим йиғувдим, замони кепти, ўзим йўқотаман. Хўш, қани сен айтаётган ўша жамоа? Эрта менга зўр тушганда бирови ёнимда турармикин? Қўй, қонимни қайнатма, уйим бу дардисарга тўла-лигини етқизган шу лаънати жамоа-ку!

Илкис қаттиқ зарб еган каби уста ҳиққа тинди, бўғилди, чийралди, зил-замбил бир неча диқақа ўтди ҳамки у ҳалиги қаттол хитобга бирор-бир маънили каломни кўндаланг кўёлмади. Торгина йўлакда кечган тап-таранг суҳбатни юрак ҳовучлаб тинглаган Шамсиддин кўрдик, ғишт қолипдан ёмон кўчган, донолиги билан бутун шаҳристонни оғзига қарата оладиган бандага фикрини уқтиролмаган отаси қалт-қалт учаётир, икки кўзи икки чўғ, оёқлари керилган, қўллари заранг мушт, қўйинги, на юлдуз, на ой ўроғи нури етиб келаётган йўлакка гавдасини ғов қилган...

Қайсидир девор ортида бедор ит зорланиб улий бошлаганда сира кутилмагани юз берди: тушмагур мулла Ражаб ёшига номуносиб чаққон ҳаракат билан халтани орқалади, олдида хўрпайиб турган устани шартта чеккага суриб, индамай ўтди-кетди.

— Ака!— нидо қилди уста; лекин жавоб бўлмади.

Кечалари ёстиғи тагида мирзо Бедил ёки Алишер Навоий девонини қўйиб ётмаса ухлолмайдиган, жонидан кечса кечган-у, бироқ нақшинкор жавонидан бирор рисола ни ҳатто вақтинчаликка олиб кетишларига асло розилик бермайдиган амакиси айни чоқда, бори-йўғини буткул унутиб, яқин-орадан салқини уфураётган анҳор сари инқиллай-синқиллай судралиб бораётганини ўйлаб Шамсиддин эзилди.

— Э-э, аттанг!— деди уста таассуф билан.

Бадани лағча чўғдек ёнаётган Шамсиддин отаси таассуфини янаям оғир олди; гўё танида бир яра бор-у, тўсатдан шунга зирапча санчилган эди. Зимзиё тор кўчани ортда қолдирганча Умар чол тегирмони тараф юришди, жимгина боришаркан, адоғи дарахтзор ялангликда барваста-барваста икки шарпа пайдо бўлди. «Танидингми?»— деди отаси қуруққина. Баданида у яна ҳалиги беаёв зирапча азобини туйди. Ахир, кўзлари сўқир эмас-ку, амакиси ўғиллари Абду-самад билан Абдурахмонни нечун танимасин!? Афтидан уста гап нимадалигини ўғлидан илгарироқ англади, ҳай-ҳайлаб йўлни тўсиш учун югургилади, аттанг, улгурмади, ваҳимали шалоплаш теракларни қўналға қилган қарғалар оромини бузди. Еру кўкни қушлар фарёди тутди.

Тегирмон бўсағасида фонус милтиради.

— Одамларга бир бало бўлдими, уста?— Умар чол уста Жамшиддинни таниб савол берди.— Охир замон яқин чоғи, йўқса бундай бедодлик... Дажжол келиб буларни ғажимайдими тезроқ!

— Бундайларга дажжолнинг ҳам тиши ўтмайди, биродари азиз,— деди уста куюниб, ҳозир у одатича умрини тегирмонда ўтказган шу беозор чол

билан ҳасратлашгиси келаётган эди.— Сабаб сўрасангиз айтай: дажжол келганда булар терисини қирқ қават қилиб олишади.

— Раҳматли падарим, териси қалиндан худо асрасин, дердилар.

— Ҳа, балли сизга!

— Бир пиёла чойимиз мунтазир, уста.

Дарахтзор томонга безовтаҳол қараб-қараб қўяётган уста миннатдорчилик билдирди, Умар чол билан ҳасратлашишга ҳавасмандлиги бўлса ҳам тегирмонга киргани унамади. Одатига хилоф тарзда алланечук иддао билан хайр-хўш қилди.

— Акам соясидан чўчийдиган одам,— дарвозалари олдида уста ғудранди.— Лекин девдай-девдай ўғиллариям... Эсиз шундай сохту сумбат-а!

— Дада,— деди Шамсиддин секин,— нега уларни уришмадингиз?

— Э, ўғлим, сезмадингми, уларга калом ҳайф!



Отаси ҳақ, отаси ҳуда-беҳуда чирангандан, нодону нотавонга ҳадеб ноўрин ақл бўлмоқ учун уринавергандан ўринли сукут сақламоқни минг бора афзал санайди. Шаксиз, бу тарафига қилча эътирози йўқ, аммо индаллоси шуки, ҳозир падари ўрнида ўзи бўлганда ёшлари фалон жойга етса ҳам ақл тишлари чиқмаган ярамагур қариндошларини толга боғлаб роса бўкиртириб саваларди.

Одатдагидан анча кеч қайтишгани учун онаизори — Ойдинбиби койина койина дастурхон ёзди. Қуртова эзган экан, бетига қалингина сариёғ солиб, икки коса сузиб келди. Энди билди, чинаки очиқибди, чурқ этмай дастурхонга ташланди, нон тўғраб, ҳаял ичида, мазали қуртовани тушириб олди. Сал қовзанган қорнини ҳузур билан силаб мундай қараса, эвоҳ, отаси кўрпачада қандай чўккан бўлса, ўша алфозда — жим, туси девор, қорачиқларида беўлчак мунг, бетиним ютинар эди.

— Дада, ича қолинг,— деди ялинч оҳангида.

Отаси индамай лўла-болишга ёнбошлади.

Охири келгуси сонда



Азиз Саид

САДОҚАТ РАМЗИДИР ШУ ИККИ КЎЗИМ

* * *

Хаёлнинг равоғида бир даста райҳон,
Сўлдириб сувларини дилга томиздинг.
Кечанинг ойнасида пўпакли кашта,
Гул чизиб гулларини сойга оқиздинг.

Отимни беринглар, йўлга чиқай ман-эй,
йўлга чиқай ман.

Дарчанинг орқасида қоп-қора қумғон,
Бир ҳовуч юлдуз сепиб тонгни шопирдинг.
Умиднинг супрасида элак-элак ун,
Мушт уриб, мушлар уриб кулча пиширдиг.

Отимни беринглар, йўлга чиқай ман-эй,
йўлга чиқай ман.

Шамолнинг косасида чайқалади жон,
Риштасин ғамга қўшиб сочингни ўрдинг.
Бир ён даволи боғ, бир ён яроли боғ,
Шоҳида қумри кўриб жуфтини сўрдинг.

Отимни беринглар, йўлга чиқай ман-эй,
йўлга чиқай ман.

* * *

Бу хато йўлни секин бармоғига ўрайди,
Макрул ўсмани сиқар пиёлага, тўлмайди,
Ишқу гуноҳ қозонда, ўт-оловсиз қайнайди,
ишқу гуноҳ қозонда...

Руҳ қанотин савайди, савачўпин жуфт қилиб,
Урчуғига ўрайди туну кунни ип қилиб,
Қиличини қайрайди қасд лашқарин саф қилиб,
қиличини қайрайди...

Ойна қилдим фалакни, дил чоҳига қарай деб,
Тароқ йўндим дутордан, хаёлини тарай деб,
Игна олдим, алдасам, кўзларимга суқай деб,
игна олдим, алдасам...

Қафтимда гулхан ёқдим, йиғлаб-йиғлаб ўчирди,
Бўйнимга занжир тақдим, ишқ юртидан кўчирди,
Жонни сепиб қуш боқдим, дард кўлига учирди,
жонни сепиб қуш боқдим...

Никколо Паганини¹

Ҳурмат билан Абдулла Ориповга

Ҳали ухлар эди малоиклар жим,
Ғафлат елларидан чодирлар тикиб.
Ҳали ухлар эди*ёсуман ғаддор,
Нафрат кўйлагининг ярмини бичиб.
Ҳали ухлар эди шайтон ва раҳмон,
Етти қат осмонда маъсум бегуноҳ.
Ухларди ҳаттоки ерни яратиб,
Унга ном беришни унутган илоҳ.

Нимадир қайнади,
Нимадир тинди.
Нимадир ялт этди,
Нимадир сўнди.

Сўнгни бор кулдию боладай,
созининг торини тоблади.
Кўзини юлдию дунёдан
тўйдинг, деб пойига ташлади.

Ким деди; қаранглар,
кулгиси заҳар.
Ким деди: қаранглар,
нур ёғар — саҳар.

Машшоқ бешикдай қўйдию елкага созни:
Энг нозик пардада дунёга келган,
Энг нозик оҳангни ўраб сеҳрга
Узатди,
Узатди... қўллари муаллақ қолди.
Куй эмас эди бу — хаёл қушларин
Дилафшон гулларнинг косаларидан
Нам ичган чоғдаги
Сайроғи эди.
Куй эмас эди бу — тонг йиртиғидан
Гўдаклар кулгусин ўғирлаб чиққан
Мангу булоқларнинг
Қўшиғи эди.
Куй эмас эди бу — муждакаш елнинг
Яралмоқ сирини билмоқлик учун
Заминдан осмонга
Сўроғи эди.

Миллион йил излаб, топа олмаган
Юраклар эшитиб ўз овозини
Кўзлардан париллаб учиб чиқдилар.
Томирда ухлаган соҳир ҳисларни
Денгиздай кўпиринг, дея уйғотди
Оҳангдан тўкилган қўнғироқчалар.
Нигоҳлар ўрлади дил пештоқига,
Пайпаслаб топдилар руҳнинг инини —
Чирқиллаб куйларди сўқир қушчалар.

Нимадир тўкилди,
Нимадир ёзилди.
Нимадир чўзилди,
Нимадир узилди.

Омон қолган уч торга
тақдирини боғлади.

¹ Никколо Паганини — машҳур итальян скрипкачиси. У скрипкасининг торлари бирин-кетин узилганда ҳам, сўнгни тури билан чалиб тингловчиларни ҳайратга солган.

Тилини ҳам тилдию
қарғаларга ташлади.

Ким деди: қаранглар,
бармоғи илон.
Ким деди: қаранглар,
оқаётир қон.

Машшоқ чалар эди ўзини-ўзи,
Гулхандан сачраган чўғдай ушалиб.
Машшоқ чорлар эди ўзини-ўзи,
Умрининг йўлига гулдай тўшалиб.

Бир куни эрк салтанатидан
Илоҳалар келтирди яроқ:
«Юрагингнинг деворига чиз,
Бир қиз сенга ташлайди нигоҳ!»

Ким дунёнинг қотил неъмат —
Ишқ кўзига бардош беролган.
Ҳақни севган бандадай севдим
Бунёдиму ҳам барбод билан.

Бир лаҳза ўт бўлдим, кулимни
Кифтларига олиб сочдилар.
Мен самога дўндим бир лаҳза,
Юлдузларим ташлаб қочдилар.

Севавердим қайта ва қайта,
Алдамадим аммо ҳеч кимни.
Сўрадилар, тутдим неки бор,
Лек бермадим ёлғиз эркимни.

Машшоқ чалар эди — томошагоҳ гунг,
Ишонган эдилар Одам Атога
Жонни ҳақ куй билан киритганига.
Машшоқ чалар эди — оломон телба,
Ишонган эдилар Паганинининг
Иблисга қалбини сотганлигига.
Машшоқ чалар эди бахтни, сурурни,
Издиҳом тебраниб бири-бирига
Жонларин бахшида айлар эдилар.
Машшоқ чалар эди ғамни, қайғуни,
Руҳлари жисмини тарк этиб чиқиб
Еттинчи фалакда йиғлар эдилар.

Нимадир торайди,
Нимадир қорайди.
Нимадир юмилди,
Нимадир кўмилди.

Унинг оҳанг ўйган кулгичларига
истеҳзо чандиқдай қолди осилиб.
Созининг бир жуфти таранг торига
бармоғи пичоқдай ботди санчилиб.

Ким деди: қаранглар,
ортида шайтон.
Ким деди: қаранглар,
ахир, у имон.

Машшоқ қўлларини кўтариб кўкка,
Ғазабнок пардага урди зарб билан.
Ногоҳ уммонга дўндию саҳна,
Гувиллаб атрофда турди шум тўфон...

Бу вақт, судраб келар эди
разолатнинг совуқ шарпасин

уфқлар ортида зериккан оқшом...
Бу вақт, сознинг қилларидан
юракка номаълум қўрқув ва даҳшат
уфуриб келарди — фарёдга менгзар бир садо.

Сўнг мудҳиш рақсини бошлади оҳанг:
Шайтонлар уйғониб қарс уриб кулди.
Яланғоч ва кўзсиз аёллар рақсга тушаркан
Алвасти биз, дея сочларин юлди.

Авжиган чинқириқ ҳамда уввосдан
На умид, на нажот қолмади, тинди.
Гўёки Исрофил сурич чалдию
Заминнинг бошида қиёмат синди.

Машшоқнинг лаблари титраб асабий
Бетиним ўқирди тилсимли дуо —
Сулаймон кўзага солиб ташлаган
Жинлару девларни чорлади гўё...

Нимадир суринди,
Нимадир кўринди.
Нимадир тўлди,
Нимадир бўлди.

Хаёл ойнасига нур тушиб ногоҳ,
жилмайган армони кўринди.
Қақшаган суякка нафратин жойлаб
ягона торига сиғинди.

Ким деди: қаранглар,
ўлди у.
Ким деди: қаранглар,
кулди у.

Машшоқ тобутдай қўйдию елкага созни:
Гулханлар гувлаган оловларига,
Дарёлар қуриган ўзанларига,
Дарахтлар тўкилган хазонларига
Айта олмаган марсиясини
Бошлади,
Бошлади... оҳанглар созининг бўғзида қолди.
Ва дарднинг энг узун риштасин тоблаб,
Эшилган ягона торда югурган
Бармоқда мусиқа йиғлади.
Ва қалбнинг энг чуқур қаърига йиллар
Яширган муножот ўрлаб фалакка
Сўз бўлиб, сўз бўлиб қулади.

Эй менга олқишу санолар айтиб,
Пойимга бош урган ожиз бандалар!
Эй менга санъатда худосан деган
Беҳишт қувғиндиси — гуноҳкор пуштлар!

Айтингиз қаердан қуёш ва зулмат,
Қаердан муҳаббат, қаердан нафрат?
Кўзингиз яширманг, айтинг, бошланар
Қаердан дўзаху қаердан жаннат?

Сизларни севдим мен худди боламдай,
Рухингиз бешигин тебратдим бир зум.
Сизларни севдим мен худди онамдай,
Садоқат рамзидир шу икки кўзим.

Биламан,
Тун дафтарин очган маҳалда,
Ғийбату тухматдан дoston битасиз.

Ўзингиз олқишлаб, ўзингиз мақтаб,
Ўзингиз ҳасаддан қонлар ютасиз.

Ва сезаман ёлғиз ҳамда бегоналигим,
Қора шубҳа ўрмалайди дилни қақшатиб.
Нима қилай, ўлгим келмас, лек қўрқув солар
Машшоқлигим ва сизлар-ла яшаш даҳшати...

Эй ўзини худонинг авлоди билган ровийлар,
Нега йўл бошланса тугар албатта,
Нега гул ёнида тикан албатта,
Нега тоғ бағрида ўпқон албатта,
Нега эрк йўлида қопқон албатта,
Нега... сўзингизни осмонми ютган,
Нега... кўзингизда қонми, ким тўккан,
Нега... бўйнингизда домми, ким таққан,
Нега сўровимга жавоб бермас ҳеч кимса, ахир?
Ахир,
Тириклик бу — беш кунлик макр.
Дилга ёлғон қанот бериб кўкка учирган
Шон-шуҳрат — макр.
Дунёни сочига гул қилиб таққан
Муҳаббат — макр.
Кечанинг қалбида ғулувлар ёққан
Оловлар — макр.
Бағрида илоҳий рўёлар оққан
Ўзанлар — макр.
Ҳилпираб баҳорнинг кўксини соққан
Хазонлар — макр...

Нимадир қайнади,
Нимадир тинди.
Нимадир ялт этди,
Нимадир сўнди.



Самандар Воҳидов

ЮЛДУЗЛАР ЖИМИРЛАБ ЧАЛАДИ ЧАПАК

Тонг олдида

Сукунат домига илинди борлик,
Зиёга қоқилиб зулмат сўйлайди.
Тоғ сари отилган увоқ кесакдай —
Ожиз сас чиқариб,
Итлар увлайди.

Тун —
Умр адоғин ҳис этган бемор,
Тишлари ортида жон узар сабри.
Юлдузлар жавдирар
Она тўшаги —
Ёнида бенажот болалар каби.

Сиқилган сукунат кетади портлаб,
Чирқиллаб уйғонар қушлар дафъатан.
Етар поёнига тун чеккан азоб...
Тонг унга оқ нурдан бичмоқда кафан...

Уруш ветерани

У экранда кўрди ўзини
(Ўзимиди, бошқа бировми?) —
Фарқ этмасдан олам тусини
Югурарди кийиб оловни.

Одам гўштин куюк ҳидидан
Димоқлари ёриларди тарс.
Бир елкада тириклар ғами,
Бир елкада — ўликлардан қарз.

Ана... ана... қулар жарликка,
Эргаштириб тошу тупроқни.
Ана... ана... отилар тикка,
Чил-чил қилиб ажал — тузоқни.

Сочи куйган, куйган соқоли,
Тушган каби қурум ўрага.
Ҳалқумида тош қотган тили
Тайёрланар ғолиб «ура»га...

Ўзин кўрди шу кеч экранда
(Ўзимиди, бошқа бировми?) —
Шунча жасурмиди ўшанда,
Тирқиратди бир дунё ёвни?!.

Ўзимиди ўша, рости гап,
Ҳа... ўзига ўхшайди... бироқ...
Мен дейишга очолмади лаб,
Мақтанмади... уялди кўпроқ.

Наҳот қурол тутган ўша қўл
Ўрганди сўнг ёлғон қарсақка?!
Ёлғонларга кўникдими тил,
Орланмади мақтов айтмақка...

Гулдуросли чапак, давралар
Оғдиришди наҳот эсини?

Қоғозларда ёлғон марралар,
Тондиришди наҳот ўзини?..

Боқар экан, оҳи — аланга,
Таниёлмай ўзин экранда:
«Бу — мен, — деди невараларга —
Ўлган эдим... лекин... ўшанда!..»

Бир аёл

Бир аёл қийналар қалбим тубида,
Қийналар қафасга қамалган қушдай.
Не излар, билмайман, бу қоронғида,
Сеҳрлаб қўйганми бу совуқ гўша?

Кулсам — жилмаяди,
Йиғласам — инграр,
Ухласам, кўргазар ғаройиб тушлар.
Бошқага жойини бўшатмас қайсар,
Чиқ, десам, қалбимга санчади ханжар.

Тунлар танҳо қолсак,
Қилгум тавалло:
«Бас энди... чиқиб кет...
Сокин яшайин...

Сенга бўллоймайди бу қалб бошпаноҳ,
Оғирлик қилипсан йил ўтган сайин.

Не роҳат бор бунда?
Насибанг — қийнок,
Эринг, болаларинг излаб юргандир.
Менинг хиёнатга зарра тобим йўк,
Токай яшагайсан мисли мусофир?..»

У маҳзун кўзларин юмиб, бош силкар:
«Чиқмоққа қудратни қаердан олай?
Бу — менинг ўз мулким,
Қилма дарбадар,
Шунда яралганман...
Қўй, шунда ўлай...»

Олчазор устида армонда ҳилол


Тун қўйнида
Гулга чўмган олчазор —
Оппоқ туғён уриб кўпирган денгиз.
Кўкда ҳилол —
Бу оқ мавждан масту лол
Чўмилмоқ қасдида қирғоқ кезган қиз.
Оппоқ баданида бир майин титроқ,
Эгилар,
Денгизга сакрамоққа шай.
Юлдузлар жимирлаб, чалишар чапак:
«Ҳозир юз беради ажиб томоша...»
Юлдузлардан ой юз буриб беписанд,
Қотар ширин хаёл аро муаллақ.
Борлиқ ҳайрат ичра термулар:
«Ажаб...
Бу шаддоднинг сакраш аҳди муҳаққақ...»
«Покланиб чиқардим бир бор шўнғисам...» —
Ой тонггача кезар гулзор бошида.
Юраги дов бермас:
«Эриб кетсам-а,
Бу ёниқ денгизнинг оқ оташида...»

* * *

Журъатсиз чертасан эшигимни сен,
Юрагинг бетламай кирасан, Қувонч.
Қадам олишингдан ташвишда кўнглим,
Титроққа тушади таянчим — Ишонч.
Қўрқмай тақиллатар Қайғу — ғоратгар,
Кирар бетакаллуф ёвдай бостириб.
Қочасан мушукни кўрган сичқондай,
Мени қайғу билан якка қолдириб.
Қувончим,
Ташрифинг қалбимга мадад,
Пастқамда биқиниб, қолдирма доғда.
Сайднинг нигоҳида ёнса қатъият,
Сайёднинг толеи қародир тоғда...



Рисом Х. ЗИЕХОЛОВ.



Асад Асиров

ТОҒЛИКЛАР

Ҷисса

Ватан надир — туққан ерим, турғон ерим,
Усиб-униб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим...

Сидқий Хондайлиқий

Мажлисдан кейин раис ўзини кўтаролмай қолди. Ҳамма чиқиб кетган, у эса ўтирган ўрнидан қўзғалолмас эди. «Мана шунақанги ғалвалар ўлдиради-да, одамни! Соппа-соғ юриб, бирпасда думалаб кетаётганларга қараб яна ажабланишади,— алам билан ўйларди раис.— Бу аҳволда мен ҳам кўпга бормасам керак...»

Эшик оҳиста очилган эди, бош кўтариб Бозорбойни кўрди-ю, Қоратоев унга ғазаб билан тикилди. Тикилиб туриб, бирдан хўрсинди.

— Улиб-нетиб қолган бўлса уйига элтиб ташлай деб, «яхши ният»да қайтиб келдингми, ўғлим?..

Раиснинг овози тиқилиб-тиқилиб, титраб чиқарди. Мижжаларида жимирлай бошлаган ёшини куёви кўриб қолишидан ор қилиб, бошини орқага ташлаганича кўзларини юмди.

Мажлисида айтилган гаплар раиснинг уёқ-буёғидан ўтиб кетганини Бозорбой яхши биларди. Лекин айтмасликнинг ҳам иложи йўқ эди: эртага кеч бўлади! «Энди, нима қилиб бўлса ҳам, юпатиш керак,— ўйлади у.— Қон босими баланд, устига-устак қанд касали...»

— Ҳаммасини ўзингизга олаверманг-да,— деди босиқлик билан бош агроном.

— Қилғиликни қилиб, тагин кўнгил беришади булар!— истеҳзоли кулди Қоратоев.— Агар ишонсанг, мана шу ўринни ҳозирок сенга ҳеч миннатсиз бўшатиб берардим! Ке, барака топкур, ҳаммасини ўзинг тартибга сол. Жири-жирдони қуриб битган ерларниям бир-икки йилда семиртирвор, алмашлаб экишларниям ўрни-ўрнига қўй, қисқаси, билган ишингни қил!..

— Қўйинг, шунақа гапларни!— сал қизишган Бозорбой юмшади қайтиб.— Жаҳлингизни кўзғатадиган бирон нима дедимми, дада?

— Ие, ҳали муғамбирликниям ўргандингми?!— баттар кўтарилиб кетди раис.— Ҳамманинг ўртасида обрўйимни бир пул қилдинг-ку! Бояги айтган «доно насиҳат»ларинг дарров эсингдан чиқибди-да! Қидирганинг нуқул «янгилик». Сендан бошқалар калла ўрнида ошқовоқ кўтариб юришибдими?! Бошингдаги дўппимидики, ҳаммасини зумда чир айлантириб қўя қолсанг?! Жа индаманган сари... Иззатингда тургин-да, энди!..

Қоратоев буёғига ўзини босиб ўтиролмади, ўрнидан туриб, деразанинг иккала табақасини ланг очиб юборди. Қоп-қоронғи кўчага тикилган кўйи рў-молча билан бўйин, юз-кўзларини артди. Орага совуқ сукунат чўкди. «Елғиз кетмасин, уйигача кузатиб қўяй,— деган ниятда қайтиб кирган Бозорбой ноқулай аҳволда қолди. «Кўпчилик орасида индамаган эди, бутун заҳрини «тили тагида» сақлаб... Майли, юрагини бўшатиб олсин, феъли маълум-ку, пов этиб тошади, бирпасдан кейин тушади. Ётиғи билан гаплашганим маъқул. Минг қилгандаям қайнотам...»

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, дада,— орадаги жимликни яна бузди Бозорбой.— Аслида, сиз ҳақсиз — чиндан ҳам сабзавотнинг даромади мўл. Энди, халқнинг хоҳишигаям қулоқ солмасак бўлмас. Бутун қишлоқ шу ариқдан таъминланади. Одамларнинг оғзидаги сувни терс оқизиб, довонда пиёз экиш... Бу экин, ўзингиз яхши биласиз, кўпчиликнинг қўлига боғлиқ. Ўтоғи, йиғим-терими...

Қоратоев кескин ўгирилди. Унинг қоп-қора кўзлари электр нуриданми, ғазабданми... чақнарди.

— Ўйлаб айтвотсанми шу гапларни?!— деди раис бош агрономнинг бунчалик «нодон»лигидан ажабланиб.— Токнинг машаққатлари пиёзникидан кам эканми?! Хўп, сувнин-ку, озроқ ичар. Ҳар йили кўмиб-очишлар, дорилаш, хомток қилиш, сўридан тушириб-кўтаришлар-чи? Буям майли-я,— Қоратоев Бозорбой томон энгашиб, овозини пасайтирди,— ҳукумат токни камайтир деб, анча йиллардан бери жаврайди, сен бўлсанг...

Бозорбой беихтиёр кулиб юборди. Бу кулги раисга тарсакидек тегди.

— Бас қил-э, масхарабозликни!— деди у чақчайиб.— Нима, маймун ўй-натвотманми, вақиллайсан?! Ноўрин кулги бошга кулфат солишини билмайсанми?!

— Ўзингиз қаёқдаги қизиқ гапларни айтиб одамни кулдирасиз-да,— очилиб-яйраб суҳбатни давом эттирди Бозорбой. У нима қилиб бўлса-да, раисни жаҳлидан туширмоқчи эди.— Авваламбор, ток камайтирилсин деб, ҳеч ким айтган эмас. Навларни яхшилаш, винобоп тоқларни мазали хўракиларга алмаштириш ҳақида гап бўлгани рост. Аслида шу масала кўтарилган йиллари бу ишни бошдан ошириб юбориш керак эди. Ҳамонки, чўзилиб келдими, яхшиси, шу вазифани менга топширинг. Ахир ҳамманинг кўзи олдида очиқ айтдим-ку, масъулиятини ҳам бўйнимга олдим-ку! Қаранг, иқлими ажойиб тоғ шароитида яшаймиз: аччиқ шамолларнинг йўли тўсиқ, қор қалин тушсаям бутун қиш илиқ кечади. Яна айтаман: бундай шароитда тоқларни сўридан тушириб, кўмиб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Турган жойида кесилади, бемалол ўсаверади. Янги экиладиган хўраки нав кўчатлариниям бошдан совуққа чидамли — аймоқи қилиб ўргатсак, меҳнати икки баравар қисқариши ҳисобида даромади шунча ортади...

— Э, қўйсанг-чи, қуруқ сафсатами.

Раис ҳовуридан сал тушган, аммо сира бўй бергиси келмасди.

— Нимаси сафсата? Ишонмасангиз, мана, ўзингиз ўқиб кўринг.

Бозорбой қандайдир газета қирқимини узатди. Қоратоев кўзойнагини бурнининг устига қўндирди-да, истар-истамас кўз югуртирди. Мақола ҳақиқатан анча қизиқ эди. «Ока дарёси соҳилига жойлашган Муром шаҳрининг Плёханов номли кўчасидаги ўттиз бешинчи уйда чолу кампир — Виктор Николаевич Неритов билан Елизавета Михайловна Неритова истиқомат қилишади. Уларнинг ўн икки сотих томорқаси бор. Бу антиқа боғда юз турдан ортиқ ўсимлик ўсади: лимондан тортиб ёнғоққача, помидордан нокқача. Айниқса, хонадон соҳиблари тоққа ихлос қўйишган. Улар бу ўсимликнинг йигирма тўрт хилини иқлимлаштиришган. Ўша навлар эллиқ даража совуққа ҳам чидайдди, кўмилмайди...»

Шу пайт эшик шашт билан очилиб, Бозорбойга қўшни йигитча шошилини кириб келди.

— Бозор ака, тез юринг, кеннойим!— деди у ҳовлиқиб. Хотинининг ойкуни яқинлиги ёдига тушган Бозорбой кўчага отилди. Қўшни йигитчанинг машинасида бирпасда бош агрономнинг уйига етиб келишди.

Аҳвол Бозорбой ўйлаганидан ҳам оғир эди. Тўлғоқ азобида қоврилиб ётган Қорасочнинг қон қочган юзидан ҳаёт асари йўқолиб борарди. Бунга кўриб

аъзои бадани бўшашиб кетган йигит хотинининг чўғдек қизиган пешонасига кафтини босди:

— Мен келдим, жоним!...

Қорасочнинг киприклари пирпираб, кўзлари базўр очилди. Сизиб чиққан ёш томчи-томчи бўлиб икки чаккасидан ёстиққа думалаб кета бошлади.

— Бормисиз, азизим! Ҳаммаси ора йўлда қоладиган бўлди... Ниятим — ўғил кўрсак. Ерқин қўйсак... дедим. Кечиринг, бир сирни Сиздан яширдим... Хат... Ҳаммаси ёзилган. Уқирсиз... Айбдорман!.. Рози бўлинг.. Оҳ, ўляпман!..

Зўрға шивирлаётган хотинининг кейинги гапларини Бозорбой эшита олмади. Қорасоч ниманидир айтмоқчи бўлар, лаблари қимирларди, холос. Бозорбойнинг оғзига юпатишдан ўзга сўз келмасди:

— Сен... бу гапларни қўй, ҳозироқ докторга олиб бораман, сабр қил, жоним, ҳамма азобдан қутуласан, сабр қил...

Шундай оғир дамда қўшни йигитча яна Бозорбойнинг корига яради. Улар туғруқхонага жуда тез етиб бордилар. Аммо Қорасоч бутунлай мадордан кетган эди. Ваҳмадан ўзини йўқотган Бозорбой ҳушсиз хотинини кўтариб олиб, тўғри туғруқхонанинг ичкарасига юрди.

— Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар!!!— бақирди у йўл-йўлакай.

Ичкаридан олдинма-кетин отилиб чиққан икки аёл, уйқули кўзларини пирпиратишиб, Бозорбойга тикилишди. Улардан бири шу заҳоти йигитнинг йўлини тўсди:

— Ҳов, ака, бу ер туғруқхонами, ё молхонами?! Оёғингиздаги савилнинг аптини қаранг!..

Бозорбойнинг кирза этиги балчиққа беланган, бутун уст-бошига лой сачраган эди. Қўлидаги беҳуш хотини зўрға-зўрға йинграниц кўярди. У тили «бурро» қизга шундайин... боқдики, орқароқда турган аёл йигитни дарҳол юпатишга тушди:

— Ташвишланманг, укажон, ҳаммаси яхши бўлади.— Шундай дея у ёнидаги қизга буюрди.— Қани, дарров аравагани келтириб, аёлни ичкарига олинг! Буниси врач эканини билиб, Бозорбойнинг кўнгли сал таскин топгандек бўлди. «Врачнинг қўлига етказдим-ку, бахтимга зора...»

Оқ халатлилар чап томондаги коридор бўйлаб Қорасочни олиб кетдилар. Даҳшатли қўрқув яна юрагини ғижимлай бошлаган Бозорбой ўзидан узоқлашиб бораётган хотини ортидан тикилиб турарди. Улар қайсидир хонага кириб кўздан ғойиб бўлишгач, бир-бир босиб кутиш залига чиқди. У ерда ҳеч ким йўқ, ўриндиқлар бўм-бўш эди.

«Хотинимнинг мендан яширган қанақа сири бўлиши мумкин?— ўйларди бир чеккада шумшайиб ўтирган йигит.— «Ҳаммаси хатда ёзилган, ўқирсиз», дедими? Қанақа хат? Қаерда у? Ишқилиб, омон-эсон қутулсин-да! Соғ-саломат қолса қанақа гуноҳи бўлсаям... Йўғ-э, менинг Қорасочимда гуноҳ нима қилсин. Туғилгандан бери бирга ўсдик. Майдон уйдаю кўрғон уйда қўшни эдик, доим кўзимиз кўзимиздан узилмасди. Ҳарбийга жўнаганимдан то қайтуғунимча хатни канда қилмади. Ёки институтда ўқиб юрган кезларимда... Нималар деяпман? Зиғирча шубҳаланиш, ёмон хаёл суришга ҳаққим борми?! Ўзим-чи, ўзим кимман, ахир?!»

Бозорбой виждон азобида лов-лов ёнаётган юзини кафтлари билан тўсиб ўтирарди. Унинг қалбида студентлик йилларидан қолган бедаво дард бор. Даф қилиб бўлмас бу бало вақт-бемаҳал бостириб келади-да, бутун жону жисмини исканжага олади. «Юронғич» деб ном олган суюёёқ курсдошига айбни ағдариб энгил тортмоқчи бўлади-ю, қайда. «У мени зўрлаб етакламаган-ку! Айтган гапи, таклифи аниқ-тиниқ ёдимда турибди. «Жилла қурмаса, умрингда бир марта маишат қилгин», деди холос. Ўзим, ўз ихтиёрим билан бордим. Ичувчию чекувчилар тўпланишган оғуҳонадаги ярим яланғоч аёлларга маҳлиё бўлиб қолганим ёлғонми?! Фоҳишалар жазавага тушган фильмлардан кўз узолмай ўтирганим-чи! Тўғри, шунақа жойга боришим, ўша курсдошим айтганидай, биринчи ва охиригиси бўлди. Аммо шу ифлослик умр бўйи эсимдан чиқармикин? Ҳеч бир дори кор қилмай, жонимдан умидимни узганимни унутармикинман?! Тоғлик табибнинг дараги қулоғимга чалинмаганда-ку, ит азоба ўлиб кетардим. Шу расво ишларимни Қорасоч сезмади, деб бўладими? У билиб билмаганга оларди, ўзини. Ахир, боши очиқ қиз эди-ку! Кимсан — раиснинг қизи! Агар

севмаса товуқ каталагига ўхшаган чолдивор уй, ёнида ҳемираси йўқ етимчанинг унга нима кераги бор эди! Шунчалар покиза қиз севгисига хиёнат қилиш... Қасосли дунё дейдилар, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлади. У ҳам аччиқ устида балки... Йўқ-йўқ, Қорасочимнинг фариштадай поклигига ишонаман. Омон-эсон қутулсин...»

Бозорбой шарпа сезиб бошини кўтарди. Қаршисида ҳалигина уни жеркиб солган ҳамшира турарди.

— Шу ердасиз? Ҳозир врач чиқади, сизга гапи бор экан,— деди у мулойимлик билан.

Ҳамшира гапини тугагар-тугатмас, оғзи-бурни дока билан ўралган врач кўринди. Бу аёл ҳам йигитга ботиниб қарай олмасди. У титроқ қўллари билан дока боғичини ечиб оғзи-бурнини очди-да:

— Бахтингизга ўғлингиз омон қолди...— деди. Бозорбой учун, сал бўлса-да, таскин изларди у.— Начора, сизга жудаям ачинаман, ука. Хотинингиз ёш кетди, увол кетди...

Врачнинг гапи узоқ-узоқдан эшитилаётгандек эди. «Бахтимга ўғлим омон қолибди... Менда бахт нима қилсин, энди?!» Бозорбойга хаёллар тутқич бермас, врачнинг юпатишлари ҳам қулоғига кирмас, кимни айблашни, кимдан ўч олишни билмасди. Юрагининг энг тўрида эса бир тош қадалиб ётибди: «Қорасоч менга нимани айтолмай кетди? «Кечиринг, бир сирни яширдим... Хатда ҳаммаси ёзилган, ўқирсиз...» деган эди. «Айбдорман!..» дегани-чи? Улим билан юзма-юз турганда ҳам айтишга йўл бермаган бу сир... Шу жумбоқ битилган хат қаерда, кимнинг қўлида? Қаердан излайман уни, қандоқ чидайман, қандай қилиб яшайман, ахир?!»

Бозорбой ўлиб ўлолмас, яшаб яшай олмасди...

* * *

Машаққатли тун ўрнини бўзарган тонг эгаллай бошлаган бир пайтда ҳовлидаги сўрида ётган эр-хотин қулоғига хунук йиғи товуши кирди. Иккаласининг хаёлига шу ондаёқ битта фикр келди: «Азонги йиғи сираям яхшилик келтирган эмас...» Югуриб кўчага чиқишди-ю, ўзлари томон ҳўнграб келаётган Бозорбойни кўриб, шум хабарни сезишди. Қорабой раиснинг мағизранг юзи баттар қорайиб, кучала тусига кирди. У чидаб туролмай, ўкириб юборди. Тожинор опа кийимларини пора-пора қилиб дод солар, «Вой болам! Онасига зор бўлган болам!»— деб фарёд урарди. Ўз бошига ўзи муштлаётган ота оғзидан нуқул бир гап чиқарди: «Ўзим тилаб олдим ажалингни, қизим! Ўзим сўраб олдим ажалингни, қизим!..»

Бу нолани эшитган Бозорбойнинг кўнглига беихтиёр шубҳа оралади. «Бу одам нега унақа деяпти? Ёки Қорасоч менга айтолмаган сирнинг отага даҳли бормикин? Хат-чи, кимнинг қўлида экан?»

Бозорбой қайнотасининг қўлтиғидан суяб уйга олиб кирмоқчи бўлди: — Дада, ичкарига юринг...

— Э, қўйвор!— силтаб ташлади уни Қорабой раис.— Бу ерда сўлжайиб тургандан кўра шофёрни чақириб, шўрлик қизимни обкелсанг-чи! Тиригида хор қилганинг етмаганмиди, ўлигини қайёқда қолдирдинг?!

— Бозоржон, болам,— шундай пайтда ҳам Тожинор опа куёвига қаттиқ гапирмасди.— Неварамни ҳеч кечиктирмай ўз қўлимга келтириб беринг. Қизим ўлгунча ман ўла қолсам бўлмасмиди! Нуридийдагинамдан қолган туёқ она меҳрига зор бўлмасин...

Бозорбой шофёрнинг уйига етиб боргунча ота-она фарёди қулоғига эшитилиб турди. Унинг олдидан яна бир азобли жумбоқ кўндаланг бўлди: «Қорасочни қайси уйдан чиқарамиз?! Ўзининг ғариб кулбаси, тўқсондан ошиб кетган бувиси... Аммо кўни-қўшни, қариндош-уруғ бор. Тоғликлар бошига кулфат тушганни ташлаб қўйишмайди: биров уни, биров буни кўтариб келади. Ўзлари елиб-югуриб, ўзлари пишириб-куйдириб айбингни ёпишади, дағал-дуғал гаплари, ярим яланғоч мақол-маталлари билан юпатишади...

Қорабой раис чидаб ўтиролмади, Бозорбойнинг ортидан енгил машинада етиб бориб, қизини ўз уйига олиб келди.

Улим содир бўлган ҳамма жойда ўзаро ўхшаш ҳолат ҳукм суради: бу ёруф

дунё вақтинчалик бекат эканини ҳамма бир қур ёдига олади. Тўғри, ҳозир қайғули маросимни ҳам салкам дабдабага айлантириш одат тусига кириб қолди. Бозорбойдақа фақир хонадонларда эса ҳамма йиғин тақир шолча устидаги эски-туски кўрпачалару, оддий патнислардаги қант-қурс, нон-чой билан ўтаверади.

Қорабой раиснинг данғиллама ҳовлисига одам сиғмай кетди. Бу ерда тўпланганларнинг аксарияти инсоний бурч юзасидан келишган. Соддадил тоғликлар орасида Қорабой раиснинг кўзига бир кўришиб қолиш илинжида туртиниб-суртиниб юрганлар ҳам йўқ эмас. Улар атайдан бориб, кўчадаги ўриндиқнинг катта тол кундасига туташ бурчагида қорайиб-куйиб ўтирган Қоратоев билан елка тақаб кўришига ўтишарди.

Бозорбой чеккароқда, дўслари даврасида бош эгиб сукутда турарди. Ким нима деяпти, нима қияпти, у фарқлагудек ҳолда эмасди. Жондан азиз кишисидан жудо бўлганлар учун ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Бундан нарёғига бирор кун, бирор соат, ҳатто бир нафас яшашнинг иложи йўқдек.

Шу бедаво кулфат Бозорбойни босиб тушди. Бошига бахт қуши қўниб, эндигина кўкрагини тўлдириб нафас олганида, баридан жудо бўлди. Жону жаҳонини ўз қўли билан ерга топширди. Нам тупроққа бағрини босиб узоқ ётди. Ундан аранг ажратиб олган эдилар, онасининг қабрига ўтди. Кичрайиб қолган дўнглик устидаги хас-чўпларга юз-кўзларини босиб шивирлади:

— Энди нима қиламан, кимгаям керакман, онажон?!

Қабр гунг эди. Юртга отадек бўлиб қолган Иса бува, ҳамқишлоқ ўртоғи Жасур икки қўлтиғидан олиб йўлга бошлашди, юпатган бўлишди. «Ўғлинг бор, сендан умидвор бувинг бор, мана, биз бор, ҳаммамизга кераксан» дейишди...

* * *

Таъзиянинг бешинчи куни эди. «Райижроком раиси келди» деган хабар ўриндиқларда секин-секин шивирлашиб ўтирганларни баравар қўзғатиб юборди.

Дарвозадан қуйироқда тўхтаган енгил машинадан ўртадан баландроқ бўйли, қорни пастга солинган, қорамтир рангдаги от юзли одам тушди. Кетмакет орқа эшик очилиб, ўғирмисол бир гавда калтабақай оёқларини ерга қўйди. Сал олдинда келаётган новчанинг туя одимларига етиб олиш учун орқароқдаги пакана шошган ўрдакдек зўр бериб лапанглар, бу ҳол цирк масхарабозларини ёдга туширар эди. Ичидан кулги зўри қистаб келганлар пастки лабларини тишлаб, бошларини қуйи эгишди. Таъзия бошидан буён ўтирган жойидан бирон марта қўзғалмаган Қоратоев шошилич туриб, келгучилар қаршисига юрди.

— Шўрим қуриб қолди, Омонтой ака!— новча билан кўришди у. Олдиндаги райижроком раиси Олтинбоев эканини шундагина одамлар пайқашди. У Қорабой раиснинг елкасига қоқиб юпатар экан, «Қолганларнинг умри бевақт узилмасин, шулар бахтига ўзинг омон бўл» деб қўйди.

— Келинг, Абдуқаҳҳоржон,— кейиндаги калтабақайга ҳам қучоқ очди Қорабой раис. Атрофда турганлар унинг кимлигини билмас эдилар. Бозорбойнинг ёнида турганлардан синчковроғи секин сўраб қолди:

— Анови пакана ким бўлдикин?

Бозорбой ҳали ўзини ўнглаб ололган эмас, бунақа сўроқ-истакларга унинг тоби йўқ эди. Шундай бўлса-да, одоб юзасидан чор-ночор жавоб берди:

— Район йўл бошқармаси бошлиғи Абдуқаюмов.

Бу пайтда райижроком раиси яқин келиб қолган эди. У қўл қовуштириб турган азадорларга хиёл бош қимирлатиб ўтар экан, назари Бозорбойнинг юзида бир зум қотиб қолди. Қуюқ қошлари сал чимирилиб, қорамтир юзи кўкиш тусга кирди. Шу заҳоти терс бурилди-да, илдам юриб ичкарига кириб кетди. Ундаги бу ўзгаришни Бозорбой тугул бошқалар ҳам сезишди.

— Сени кўриб шайтонлаб қолаёзди, тинчликми ўзи?— сўради Жасур.

— Баттар бўлмайдими!

Бозорбой ижирғаниб нари кетди. Ҳеч қандай гап-сўзга унинг тобу тоқати йўқ эди.

Алоҳида хонада ўтирган мўътабар меҳмонлар бир оздан сўнг Қоратоевни чақиртириб олдилар. Раис анча вақт йўқ бўлиб кетгач, меҳмонлар билан бирга

чиқди, машинагача кузатди, қайта туриб у ҳам Бозорбойга нафрат билан тикилиб ўтди. Салдан кейин ичкарига кириб кетди-да, қайта кўринмади. Кимдир районга қўнғироқ қилиб, «тез ёрдам» чақирди. «Раиснинг тоби қочибди», деган шивир-шивир гап тарқалди.

* * *

Бозорбой мушкул аҳволда қолган эди. Хотинининг ҳар бир маросими ўтказилаётганда, бўйнидан бойлагандек, қайнотасиникига боради, бир чеккада қовушмай туради-туради-да, кечқурун бувисининг кулбасига қайтади. Қорабой раис гунг, қовоғи солиқ, харажат учун пул берса олмайди, нима харид қилайин, деб сўраса, индамайди. Иса бувага аҳволни айтиб маслаҳатлашган эди, бошини эгиб анча вақт тек қолди.

— Энди буягига чидайсиз, ўртоқ,— деди ахири, Бозорбойнинг елкасига қоқиб юпатаркан.— Асли бошида адашгансиз. Келин шўрликни ўзи кўникиб яшаган кулбадан чиқариш керагиди. Кам-кўстни юрт кўтарариди, ҳаммамиззи сиримиз бир-биримизга маълум-ку. Майли, бўлар иш бўлди, қисинманг, ўртоқ...

Қисинмай бўладими, туғилиб ўсган қишлоғига сизмай қолди, одамларнинг юзига қараёлмайди. Бувиси бечора эса ўзини айбдор сезиб, неварасига бир гап айтолмайди, меровланиб ўтираверади.

Хотинининг маросимлари ҳам ўтиб бўлди. Лекин идорага бош суқишга Бозорбойнинг ҳеч оёғи тортмасди. Қайнотаси нимадандир қаттиқ хафа эди. Ишга чиққан заҳоти жиддий бир кўнгилсизлик юз беришини, икки орада тўқнашув бўлишини Бозорбой сезиб юрарди. Бу жанжалнинг бир учи райижроком раисига боғлиқлигини ҳам биларди. Олтинбоев келиб-кетгунча қайнотаси бунчаликка бормаган эди. Райижроком раиси қулоғига ниманидир қуйиб кетди. Шундан бери у Бозорбойни отгани ўқи йўқ.

«Ишга чиққанимдан кейин кўнгилсизликлар бир-бирига уланиб кетиши мумкин,— ўзича ўйлади Бозорбой.— Бир кун минг кун бўлмас, эртага Ёнариқбошига бориб кела қолай...»

Яхшиямки, уйқу деган мўъжиза бор. Эрталаб уйғонса, руҳи анча енгил тортибди. Бувиси бояқиш, ҳар доимгидек, азонлаб чой-нон тайёрлаб қўйибди. Ўзи кўринмайди, сигирни подага қўшаётган бўлса керак.

Енгил-елпи нонушта қилиб олган Бозорбой сув ёқалаб кетган сўқмоқдан Ёнариқбошига қараб жўнади. Айлана-айлана тоғ сари ўрлаб борувчи бу йўлнинг ҳар қаричи Бозорбойга қадрдон. Энди ҳеч қачон қайтиб келмайдиган болалик ва ўсмирлик йиллари шу сўқмоқда сочилиб ётибди! Биринчи қор тушиб, тоғ этаккинасидаги майдон кулбадан кўрғон уйига кўчгунларича мактабга мана шу йўлдан қатнамасмиди? Фариштадек қиз Қорасоч ҳам мудом ёнида бориб-келмасмиди! Муҳаббат аталган дардни, ширин висолни ҳадя этмаганмиди шу сирли сўқмоқ!..

Икки қалб қачон ҳамоҳанг бўлди-ю, қай маҳалда топишишди? Майдон қўшни бўлишганиданми, йўлга кирганларидан буён бирга ўсишгани туфайлими, ёки тақдири азал деганлари шумикин?..

Бувиси айтиб берарди: чопқиллашиб ўйнаб-ўйнаб, обдан чарчаганларидан кейин бир ўринда ухлаб қолишаркан. Беғубор бу «келин-куёв»га қараб катталар севинишар, бахт-саодат тилашаркан. Фақат қизнинг дадаси рози эмас экан. У қовоқлари уюлиб, булутдек қорайиб, хотинига зуғум қиларкан: «Қизингни сағир бола билан апоқ-чапоқ юришига йўл қўйма. Ўрганиш бўлиб қолса, бўй етганда ҳам ажратиб ололмайсан!» Чехраси доимо қуёшдек чарақлаган Тожи-нор опа эрининг дўқ-давраларига жилмайиб жавоб бераркан: «Қаранг, қандоқ ширин! Буларни ранжитгандан кўра, сизнинг юрагингизга ғулғула солаётган шайтоннинг бўйни узилса бўлмайдим!..»

Бозорбой ариқ ёқалаб кетган таниш сўқмоқдан салмоқли одимлаб борар экан, атрофга суқланиб қарарди. Дарахтларнинг барглари «сичқонқулоқ» бўлиб қолибди. Чулдираб оқаётган ёнариқ ёқаларида қорамтир ялпиз «лашкар»лари тизилиб туришибди. Қоқигул, кўзигуллар бутун атрофни қамраб олган. Манаман деб қад кетган тоғлар-чи! Улар ям-яшил тусга кириб, гўё ҳар қачонгидан каттариб кетгандек, уйқудан эндигина уйғонган баҳодир мисол чуқур-чуқур нафас олишаётгандек!

Тоғларни бирон кимса Бозорбойчалик қаттиқ севмаса, севолмаса керак. Булар ҳам Қорасочга боғлиқ ташналиклар эди. Унга муносиб бўлиш учун йигит эгиз тепаликларга тўхтовсиз югуриб чиқарди! Косачалари ичида қорамтир кўнғизчалар ғимирлашиб юрадиган қизил, тарғил тоғ лолаларини, равочу ажитларни шу қиз учун териб тушарди!

Ёнариқбоши эса чиндан ҳам ёруғ жаҳоннинг жаннати дейишга арзигулик жой эди. Эрта баҳорданоқ булбуллар хониш қилар, қарқуноқ, олатўғаноқлар уя талашиб, думларини елпигичдек таранг қилиб, у ёқдан-бу ёққа учгани-учган эди. Ҳар йили келадиған чумчуқлар бозори-чи! Тариқ, ясмиқ, қўноқ, зиғир экканлар: «Ҳай гала-гала-у», «ол гала-гала-и-ю-в-в» дейишиб, кун бўйи чумчуқ қўрирдилар. Сал бепарво бўлганнинг экинини эса чумчуқлар бирпасда «ин»-ларига ташиб кетишар, экин ўрни сочи чала олинган бола бошига ўхшаб қолаверарди. Қалин, бўйчан дарахтлар тунги шамол турган кезларда эгилиб-букилиб шовулларди, катта-катта харсангларга урилиб оққан сой бетиним шағилларди...

Бозорбой хаёллар билан банд бўлиб, Ёнариқбошига етганини билмай қолди. У яккам-дуккам дарахтлар, пўпанак босиб чириб ётган тўнгалар, бўмбўш сайхонлардан ўта-ўта «Омоннинг боғи»га етди. Қадимда гуркираб турадиған бўстонлар қани? Сув ёқасида тартибсиз ўсган, чангалзорга айланган ўнўн беш туп тут, юқори уватда шохлари аёвсиз синдириб ташланган бир туп ўрик мунғайиб турибди! Бу жойлар бор-йўғи кичикроқ сайхон экан! Кишлоқлар итларнинг вовуллаши, хўрозларнинг қичқирғи билан файзли бўлганидек, ерга ҳам дарахтлар салобат бераркан. Дарахти кесиб олинса, ҳар қандай каттакон боғ ўрни ҳувиллаган, мунғайган бир бурда ташландиқ ерга айланаркан-қоларкан-да!..

Хўш, олдинги жаннатмакон боғларни ким бу аҳволга туширди? Ким бўларди, қайнотаси, унинг югурдаклари... Бу одам ҳам олдинлари боғ шайдоси эди-ку! Бозорбойни ўқишга йўллади, падар мисоли ғамхўрлик қилиб, колхоздан иш берди. Ҳатто жондан азиз қизи билан турмуш қуришларига ҳам монелик қилмади. Бу одамни йўлдан урган районнинг анови каттакони эканини ҳамма билади-ку! Йўқ, уни қўрқоқлик йўлдан урди, деса тўғрироқ бўлади. У шу шайтоннинг измига тушиб қолди. Нима бўлсаям, жиловини бериб қўйди. Энди ўзини тиклаб олиши қийин. Бозорбой тўғри гапни айтиб ёнига кирай деса, унамайди. Ҳамма иш орқага кетаётгани аниқ кўриниб турибди. Қорасоч ҳаёт бўлганда-ку... Орани боғлаб турган кўприк вайрон бўлди, бундан буён раис билан фақат қасдма-қасд яшашлари тайин... Қишлоқ кишилари ҳам зап оми экан-да. Раиснинг: «Кимда ортиқча ер бўлса жарима солинади, эгаси судга берилади» деган қутқусидан қўрқиб... Бозорбой шу кезларда мўйлови сабза уриб, овози ўзгара бошлаган ўспирин эди. Кўклам оёқлаб, майдон уйга кўчиб бориш тарадуду кўрилаётган бир пайтда бувиси гап топиб келди:

— Кўчмасаканмиз, болам. Ҳамма майдонини колхозга бериши керак экан.
— Нега?!

Бозорбойнинг бутун вужуди бўшашиб кетди. Ёнариқбоши боғларининг энг тепасидаги ўзларига қарашли жаннатмакон, унга боғлиқ воқеалар кўз ўнгидан ўтди. Сув чиқмайдиган қир этаккинасига қатор қилиб экилган йигирма-ўттиз хил ўрик. Оқ, баланд ўрик, чиллаки, туршак ўрик, қизил, шапка ўрик... Бир-биридан мазали, бир-биридан кўркли. Кейинги қаторда нокзор, олмазор, анжиру шафтолизорлар...

— Жон болам, булар дадандан ёдгорлик,— қайта-қайта тайинларди бувиси.— Қарамасанг, бора-бора қурийдди, қарасанг, кўкаради. Қариган-қуриганларини кес, ўрнига кўчат эк, дадангни руҳиям шод бўлади. «Омонни боғи» дейишади одамлар. Шу ном ўчмасин, болам.

— Дадам ким эди, ҳозир қаерда, буви? — сўради эскириб қолган Бозорбой бир куни. Анча вақт кампирдан жавоб қайтмади. У қилаётган ишига ҳам қўли бормай, хомуш ўтирарди.

— Ёлғиз болам куйдириб кетган мани!— ниҳоят тилга кирди буви, кўзларидан сирқий бошлаган ёшни кенг енгига дам-бадам артар экан.— Омонжоним суратгаям тушмаганакан, битта нонни четиниям кемтик қилиб кетмаганакан. Отгинанг ўчгур уруш-а!..

Шундан бери Бозорбой бу ҳақда гап қовламайди. Бувиси йиғлайди, невараси билан юпанади. Кенг кўйлагига ўралволиб мева-чева тераётганидами,

хамир қораетганидами, ёнида уймаланиб юрган Бозоржонига кўзлари қувониб боқар экан, «Елғизимдан қолган ёдгоргинам!» деб кўяди. Бу гапни кўшиқмисол такрор-такрор айтавергани учун Бозорбойнинг қулоғига ўрнашиб қолган. Қандай қилиб шу азиз боғдан воз кечиш мумкин? Бир парчагина ҳовлиси бор бостирмада ёзин-қишин қамалиб ўтиришнинг ўзи бўладими?!

— Майдонимни ҳеч кимга бермайман!— деди ўспирин ўжарлик қилиб.

— Элдан олдин майдонқўшнимиз Қорабой раис кўнипти, болам,— неварасини юпатишга тиришди кампир. — Ҳукуматти занғи¹, бир нарса деб бўладими? Одамлар майдониминан овора бўлиб колхозга иш бермай қўйишганмиш.

«Демак, Қорасоч ҳам кўчмайди, энди у билан бирга Ёнариқ бўйидаги йўлдан мактабга қатнамаймиз. Тунлари катта шаршара бўйида бирга ўтирмаймиз...» Бозорбойнинг ҳафсаласи пир бўлди. «Ҳукумат»нинг «занғи»га кўнишидан ўзга чора йўқ экан.

Бўшаб қолган боғларга колхоз бошлиқлари дастлабки йил қоровул қўйди, мева-чеваларни ҳам чала-ярим тердириб юрди. Бу мевалар эса ташиб тўпланган жойида чириб кетди. Маош тўланмагач, қоровуллар ҳам йўламай кетишди. Ташландиқ боғларнинг аламзада эгалари эса дарахтларни ўтинга кесиб ола бошладилар. Бунни эшитган Ойсара кампир бир куни Бозорбойни қистаб қолди.

— Жилла қурмаса, ёввойи нокларни кесиб келгин, болам, қишда коримизга яраб...

Болта яғринлаб бораётган Бозорбойнинг кўз ўнгидан сира кетмайди шу йилги ваҳшийлик! Болалар, ўспиринлар ёлланган жиққа ҳўл ўтинларни қатор-қатор эшакларда ташир эдилар. Уларнинг дадалари, ойилари гуркураб турган боғларни қийратишарди. Эндигина ҳосилга кираётган олмаю ўрик, ноку ток кундаларига аямай болта уриларди. Навқирон, сершоҳ дарахтлар, айби нима эканини билолмай, аянчли инграниб ерга қуларди. Кўзи қонга тўлган боғ эгаси кейингисини хазон қилиш учун хезланиб жўнарди...

Бозорбой биронта дарахтга ҳам болта уролмади. «Ўғлим, нега ундай қилияпсан?!» деяётгандай бўлаверди унга, тушида ҳам, ўнгида ҳам кўрмаган дадаси. Қолаверса, бу дарахтларнинг анчасини ўзи экиб, улаб кўкартирган эди. Барибир «Омоннинг боғи» ҳам соғ қолмади. Кимлардир уни кесиб, қийратиб кетдилар...

Бозорбой бир пайтлар гуркураган «Омоннинг боғи» ўрнида қолган эски тўнғакда ўтирган кўйи шартта кесиб туширилган довон ва қишлоқдан терс тарафга чўзилиб кетган бетон ариқларга қараб ёжибар, лекин чорасиз эди. «Бўшлик қилдим, қайнотамнинг юзидан ўтолмадим. Уз вақтида бу масалани юқорига маълум қилганимда, сув ҳам эгаларига қоларди, колхознинг неча юз минг маблағи ҳам елга созурилмасди. Салдан кейин саратон кириб, йигирма-йигирма беш гектардаги экин ҳансираб ётганда ариқдаги сувнинг ҳаммасини бетон ариққа оқизиш шарт бўлиб қолади. Ёнариққа зор бўлиб ўтирган олти юз хонадон шунда нима қилади?! Ахир ота-боболаримиз яшаш учун бу жойни бекорга танламагандир, уч-тўрт чақиримга бекордан ариқ қазимагандир? Ҳамма ҳаракату заҳматлар мана шу сув илинжида бўлган-да, қишлоқнинг номини Ёнариқ деб аташлари шу важдан, албатта.

Қайнотам райижроком бошида турган очофатнинг йўриғи билан Ёнариқ-боши боғларини хазон қилган экан. Энди яна ўша баднафс қаллобнинг қутқусига учиб, «янги ер очамиз!» баҳонасида сувни терс оқизиб ўтирибди. Шундоқ қолаверадими, уларнинг дегани-деган, айтгани-айтган бўлаверадими? Йўқ, чучварани хом санашибди. Курашни бошладимми, қайтиш йўқ! Ёнариқбоши боғларини қайта тиклаймиз. Иса бувалар бор экан, бу жойлар қадимгидек гуркураб кетиши керак...»

Пешонаси, елкаларига йирик томчилар тарс-турс урилиб, ёмғир зумда оқ жалага айланди. Ёз ёмғири бир ёғса ҳам биракай ёғади. Бозорбой бўйнидан кириб товонидан чиқаётган сувга эътибор бермас, фикрини ҳам бир жойга жамлай олмасди. Атрофни ўраб турган баланд тоғлар дақиқа сайин қорайиб, ҳавонинг «қовоқ-тумшуғи» баттар осилди. Гўё, Қорабой раис авзойи қаттиқ бузилгану, Бозорбойга қарши ўдағайлаётгандек эди. Қайсар йигитни чўчитол-

¹ Занғи — қонуни.

маган осмон қаҳрланганидан «қарс-курс» ваҳшатланиб, олов тилларини чўзиб, уни куйдириб ташлаётганга ўхшарди. Бозорбой пинак бузмасди. Ноилож қолган қора булутлар, илон тилли чақмоқлар чақишиб, ниҳоят, баланд чўққилар ортига ўтиб кетишди. Кунботар томондан осмоннинг ости оқариб келмоқда эди.

* * *

Уст-боши жикқа ҳўл Бозорбой обдан толиққан эди, бир ёнбошда тонг оттирди. Ўрнидан турса қуёш анча кўтарилиб қолибди. Бувиси айвонда қурт думалоқлаб ўтирибди.

— Эртароқ уйғотмасиз-да, буви, — зарда билан деди Бозорбой шошиб кийинар экан. — Ишга неча кундан бери бормайман. Яна кечикдим. Энди қай юз билан кўринаман?..

— Кўзим қиймади, болам, чарчаб юрибсан. Бошингга тушган кулфатни билишади-ку, индашмас.

— Бошқалар индамасаям қудангиздан балога қоладиган бўлдим. Аслида кеча чиқишим керагиди...

Бозорбой шошилинич жўнаётган эди, кампир тўхтатди:

— Очдан-оч қаёққа кетвотсан, кўзим, қозонда сут пишириб қўйибман, бир косагина ичиб кетгин. Ичингга иссиқ кирсин...

Бозорбой идорага етиб келганида хизматчилар негадир у билан хушламайроқ сўрашишди. Бош агроном тўғри раис қабулхонасига йўналди.

— Ассалому алайкум, дада, кирсам майлими?

— Кириб бўлдинг-ку!..

Шу жавобнинг ўзиёқ Бозорбойнинг тарвузини қўлтиғидан туширди. У остонадан ҳатлаб ўтган, аммо на ичкари босишини, на қайтиб чиқиб кетишини билмай, серрайиб қолганди.

— Нега қоққан қоziқдек қаққайиб турибсан, ўтир.

Агроном бир чекадаги курсига чўкди.

Раис залворли одимлаб унинг қаршисига юрди. Бозорбой беихтиёр яна ўрнидан турди. Қайнота-куёв юзма-юз бўлдилар. Ўлжасига тикилган қора илондек, Қоратоевнинг кўзлари чақнар, бутун борлиғидан қаҳр ёғилар эди.

— Сендан дада деган сўзни бошқа эшитмай! Уқдингми, ё яна қайтарайми?!

Қоратоев нафрат ва ғазабини жойлаб отган «ўқ» аниқ нишонга тегди. Раис таг-туги йўқ сағирга ноиложликдан қиз берганлиги, ҳар замонда тил учигагина уни «ўғлим» деб қўйиши бугун аён бўлган эди!

Бу камситиш Бозорбойнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Унинг тил-оғзини боғлаб келган юз хотирчилик, андиша бирдан йўқолди, кўзи мошдек очилди.

— Муҳтожлик, хушомаддан эмас, хотинимга ҳурматим туфайлидан шундай муомала қилардим.

— Қандай ҳурматинг бўлиши мумкин?! Қизим шўрликни ўзинг ўлдирдинг-ку!..

— Буни аниқлаймиз ҳали! — Бозорбойнинг овози титраб кетди. — Хотиним ўлими олдидан бир сирни айтолмади менга, — деди у раиснинг ғазабли нигоҳидан тап тортмай тик боқар экан. — «Ҳаммаси хатда битилган, ўқирсиз», деди, холос. Шу тўғрида балки сиз бирон нарса биларсиз?!

— Нимани билишим керак экан? — ўтирган жойидан қайтиб сапчиди раис.

— Ўша куну нуқул: «Ўзим тилаб олдим ажалингни, қизим!» деган гаплингиз ҳеч қулоғимдан кетмайди...

— Вой, беандиша-ей! Сен куёв эмас, чиндан ҳам ашаддий ёв экансан-ку! — Бозорбойга яна юзма-юз келди Қоратоев. — Қайнотанг устидан бўлар-бўлмас далиллар тўплаб юравериб, ўз қилмишингни дарров унутибсан-да! Колхоз қурган уйлардан бирини берганимда бувингни сўзига кириб кўчмадинг-ку! Қизим туғруқхонада ўлмаган тақдирда ҳам, куркунак инига ўхшаш томинг бир кунмас-бир кун босиб қолиши аниқ эди, билдингми?! — Қорабой раис юрагидаги ғазабини бўшатиб олгач, жойига ўтиб ўтирди. — Сенда заррача меҳр-оқибат бўлганида, мени-ку қўявер, Омонтой Олтинбоевнинг бетига куфр гаплар айтармидинг? — деди у энди шикоят оҳангида. —

Ўзим қатнашим керак бўлган актив йиғилишига, кўзи пишсин, одам танисин, деб сени юбордим. Қани, нимани дўндириб келдинг?! Ички сирларимизни ҳаммага дўмбира қилибсан, холос. Гапдан тўхтатмоқчи бўлган район ижроия комитетининг раисини қайириб ташлабсан. Сени бу районга ишга келишинг, бирданига бош агрономлик лавозимини эгаллашинг кимнинг орқасидан эканини биласанми ўзи?! Ҳатто ўқишга киришингда ҳам йўлланма ёздириб берган шу «ёмон» эди-ку! Кўрнамаклик ҳам эви билан-да!..

Ана энди Бозорбойга ҳаммаси равшан. Кўринмас ип билан бойланишиб кетган одамлар... Юзхотирчилик, андиша, ўзаро «ака-ука»чиликларнинг оғир юки остида эзилиб қолган ҳаёт...

Район қишлоқ хўжалик активи йиғилишида «Ёнариқ» колхози бош агрономига ҳам сўз беришди. Бозорбой ўз колхози, қишлоғи ҳаётидан мисоллар келтиргани рост. Ёнариқбошидаги боғларни тортиб олиб нимага эришдик, бекорга ҳаммасини хазон қилдик, деди. Кошки боғларнинг ўрнига бирон экин экиб бўлса. Икки тоғ оралиғидаги бўлтак-сўлтак, қиялик, тошлоқдан иборат жойлар. У томонларга бирор техника боролмаса. Одамлар бўш пайтларида шу майдонларда овунишарди, етиштирган маҳсулотларини бозорга олиб чиқиб сотишарди. Олти-етти ой чорва молларини ҳам шу овлоқларда семиртиришарди. Гўшту ёғ, суту мева-чева сероб эди... «Мајдалашмай, бўладиган гапни айтинг, ёки бас қилинг!» — унинг сўзини кесди мажлисни олиб борувчи Омонтой Олтинбоев. Бозорбойнинг жаҳли чиқиб, «бўладиган гап»ни ҳам айтиб юборди.

— Бир бизнинг колхозда эмас, районнинг жами хўжаликларида ер ўлиб борапти, — деди баралла. — Агар ер одамларга шахсий мулк қилиб берилмас экан, бундан ҳам баттар бўлади...

— Бас қилинг, бемазагарчиликни! — уни жеркиб ташлади мажлис раиси. — Давлатнинг мулкни бу киши одамларга бўлиб бермоқчи! «Ташаббус»ни қаранг! Шу гапларингиз учун биласизми?..

— Биламиз, — деди Бозорбой минбарни тарк этаётиб. — Сиздақаларга қолса-ку, дарров зўравонлик йилларини тиклайсизлар...

«Бу бечорада ҳам айб йўқ-да, — қайнотасига яна ён босишга уринди Бозорбой ҳаёлан. — Мутелик, кўр-кўрона ижрочилик, очигини айтганда кўр-қоқлик эскиликдан ишлаб келганларнинг қон-қонига сингиб кетган. Бизнинг ҳам ўзларига ўхшаган бўлишимизни, эвазига келажакда «ўсиб-унишимиз»ни истайдиларгина эмас, талаб ҳам қилишади...» Шу ўй Бозорбойнинг ҳовурини босди.

— Мени тўғри тушунинг, — деди у ўзини тутиб. — Уйда йўқлигимда Қорасочнинг буюмларини ортиб кетишибди. Ҳаммаси ҳам майли-ю, мен хатни топишим, ундаги ёзувларни ўқишим керак. Бу — Қорасочнинг сўнгги васияти эди...

— Биласан, қизимнинг бирон буюмига зор эмасмиз, — деди раис ҳам «одамбашара» тусга кириб. — Кенжа қизим — Қалдирғоч тинчлигимга қўймади. «Эгачимнинг ўрнига келадиган, ўлгандан қолган нарсалар, деб ташлаб юборади ёки аллакимларга тарқатиб беради», деявергандан кейин. Қалдирғочга тайинлайман, қидириб кўрар.

— Мен нима қилай, ишга киришаверайми?

— Уйингда чўзилиб ётавер, маошингням элтиб беришади!.. — Қорабой раиснинг яна авзойи ўзгарган эди.

Бош агроном қабулхонадан хомуш чиққанини кўрганлар юз берган воқеани дарҳол фаҳмлашди. Шу куниёқ қишлоқда дув-дув гап тарқалди: «Бозорбойнинг иши ҳал, ёзга етсаям кузга бормајди...» Бундай ғавғолардан қутулишнинг бирдан-бир чораси: иш! Бозорбой ишни йўлга қўйиб юбориш учун жон-жаҳди билан тиришарди. Ҳар куни тонг бўзармасдан идорага, ундан далага югурар, Ойсара кампирни ҳам қийнаб қўйган эди. Тўқсондан ошиб, юзни қоралаб бораётган кампир кун ёришмасдан сигир соғар, сут пиширар, сал кечикса оч-наҳор жўнаб қолишни одат қилган неварасига уриниб-суриниб нонушта тайёрларди. Барибир кампир нолимас, ҳориб-толиб қайтган Бозорбой учун кечки овқат пишириб қўйишни ҳам унутмас, «чарчамадингми кўзим» дейишни қанда қилмас эди.

Уззукун елиб-югуриш, кет-кетидан келган ташвишлар Бозорбойни анча

букиб қўйди: озганидан бўйи новча тортиб, пешонасида қатор ажинлар пайдо бўлди. У ўзга нажот йўли йўқлигини, «қил кўприк»дан ўтаётганини билар, чидар эди. Шундай кезларда юрагидаги шубҳалар баъзан кучайиб ҳам кетарди. «Бошимга қора кун тушса, ўғилчам, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган бувим нима қилишаркин?!» — деб ўйларди. Бахти чошиб, довонлардан ошиб бораётган бир пайтида йўлиққан кулфат уни ерга қулатиб, бутун орзуларини ағдар-тўнтар қилиб ташлаганди. Лекин, нафсиламрини айтганда, кутилмаган бу кулфат, шу билан бирга, уни мусаффо бир оламга олиб ўтган эдики, у авваллари буни тасаввур ҳам қилолмасди. Унинг кўзлари мошдек очилган эди...

* * *

Бозорбой қанча тиришиб ишламасин, кундан-кунга назардан қолиб борарди. Аввалари у ҳам сўзини биров қайтармайдиган раҳбар эди. Оғзидан нима чиқса бажаришар, ақлли, келажаги бор, ўсадиган бола, деб қайта-қайта башорат қилишарди. Энди эса унга тўғри гапни ҳам раво кўрмай қўйишди. Гўё: «сен ҳам одаммасан, юрибсан-да бир қорнингни ўйлаб...» дегандек муомалага ўтишди. Атайдан, масхара қилаётгандек, раис аллакимлар орқали унга ҳар кунни ҳар хил иш топширарди. Ҳаммаси ҳам майли-я, бўлмағур гап-сўзлар тарқатишгани-чи: «Бозорбой хотинини ўлдирган экан, яқинда суди бўлармиш...» Шунақа миш-мишлар қулоғига етса ҳам у бунга қарши ҳеч нарса қилолмасди...

Дала кезиб юрган Бозорбой, бир гал хунук воқеанинг устидан чиқиб қолди.

Оила бошлиғи вафот этган ғарибгина хонадон бекаси саккиз-тўққиз жужуқлари билан звено ташкил қилиб, ҳар йили помидор экарди. Шундан тушган даромад ҳисобига улар амал-тақал кун кечириб келишарди. Бечоралар терган помидорлар вақтида ортилмай ирий бошлабди-ю, ёрдамлашадиган одам йўқ.

Аёл арз-додини Бозорбойга айтди, бошлаб бориб аҳволни кўрсатиб йиғлади. «Кеча келиши керак бўлган машина фалончи бўйни йўғонниқига кетиб қолганакан. Бугун анови прицепли тракторини юборишувди, юк ортадиган одам топ, деб давангирдай уч йигит сой бўйида салқинлаб ётишганини қаранг! — зорланади аёл. — Ҳой, барака топкурлар, қарашворинглар, ҳақларингни тўлайман, деб худони зорини қилдим, кўнишмади. Бола-чақаминан бутун йил бўйи қилган ҳаракатимиз хабба¹га чиқиб кетадиган бўлди...»

Оғир меҳнат эзиб-янчиб қўйган аёлнинг ноласи тошни эритарди. Беихтиёр мушти тугилган Бозорбой сой бўйига тушиб борди. Уч шофёр йигит ариққа ташлаб қўйилган қатор пиво шишаларини бир бошдан бўшатиб, қартабозлик, сафсатабозлик қилиб ўтиришарди.

— Прицепли трактор эгаси ким?

— Нимаиди? — Бозорбойга қаради ҳабашдай йигитча ширакайф кўзларини сузиб.

Бурни кўтарилган бу ўспирин бош инженернинг тўнғичи эканини, у билан ади-бади айтишиш яхшиликка олиб бормаслигини Бозорбой биларди. Шундоқ бўлса-да:

— Озгина қарашворсанг чуринг тушиб қолармиди?! — деб юборди ўзини тутолмай.

— Нега ҳақоратлайсан, э, бош агроном бўлсанг ўзингга! — ўрнидан туриб бетма-бет келди йигитча. Бозорбой унинг башарасига беихтиёр тарсаки тортиб юборди. У уч-тўрт одим тисарилиб бориб, ариққа ўтириб қолди. Қўлига илинган каттагина тошни Бозорбойга отди. Чап бериб, ғазаб билан бостириб келаятган Бозорбойдан кўрқиб, тирақайлаб қочди. Тепаликка чиқиб олгач, бўралатиб сўкканича тракторни тариллатиб, қаёққадир қораси ўчди.

Бозорбой сувда юз-қўлини ювиб сал ўзига келгач, ҳанг-манг бўлиб турган икки йигитга юзланди.

¹ Хаббага — бекорга

— Битангиз машинани олиб келинг. Агар эринмасангиз, яшикларни юклагашга қарашиб юборинг.

Йигитлар машиналарида колхозчиларни уйдан — далага, даладан — уйга ташир эдилар.

— Пастга тушмаймизми, деб... Оғзимиздан ҳиди келиб турибди-да.

— Сиз ёнимда ўтирасиз, мен ҳайдаман, — гапни қисқа қилди Бозорбой. У важоҳат билан майкачан бўлиб олиб, яшикларни узатиб турди. Икки йигит машина устига навбатма-навбат тахлашди. Ниҳоят шофёрни ёнига ўтиргизиб, машинани қабул пункти томон ҳайдади. Унинг бу даражада «қутуриб» кетганини ҳеч қачон кўрмаган нариги шофёр, «суюнчи олиш» учун колхозчилар гавжум жойга физиллади.

Бозорбой қуёш қизариб ботаётган бир паллада қайтиб келди. Далада ҳеч ким қолмаган эди. Бўшаган яшикларни шийпонга туширишди. Лекин ишлашга мажбур қилган бош агрономдан шофёр шу даражада хафа эдики... У сойда ювиниб, қайтиб чиққунича қочворибди.

Қуёш ботди. Подадан қолиб кетган сигирлар эринчоқлик билан уй-уйларига тарқалиб кетишмоқда. Йўлнинг икки томонида турли шаклда тизилган ҳовли-жойлардан кўкка тутун ўрляпти. Пиёда ўр тортиб бораётган Бозорбой пиёздоғи «жиз-биз»ининг исини туйиб, беихтиёр хўрсинди. Узундан-узоқ қия йўл тугаб, кичикроқ кўча чапга бурилди. Бу кўчанинг бир томонида қатор толлар ўсган. Уларнинг остидаги ариқда чулдираган сув авваллари кечаю-кундуз тинмас эди. Тоғдан келадиган анҳор терс буриб юборилгач, ариқлар «оғиз-бурун»гача чанг-тупроқ, ҳар хил ташландиқларга тўлиб кўмилиб кетди. Гуркураб турадиган толлар сувсизликдан бора-бора қурий бошлади...

Булар — Бозорбойнинг бобосидан ёдгорлик. Мирвали чол тириклигида толларни авайлаб-асраб шоҳларини бир текис ўстириб, тоқилик бўлгач, тептекис қилиб каллаклаб қўярди. Уйлари шифтидаги тоқиларнинг ҳаммаси шу толлардан чиққан. Бобоси тол каллаклаётганда кесилган шоҳларни Бозорбой нарироқ ташиб тахларди, шу кўчадан мактабга қатнаган Қорасочга сочпопуларни ўғринча узатиб юборарди. Неварасига салгина эпкинни раво кўрмайдиган чол ҳам, кечагина сочпопук тақиб юрган Қорасоч ҳам арзимаган вақт ичида тол остидан чулдираб оққан сув мисол оламдан ўтиб кетдиларми?!

Бозорбой оғир ўйлар оғушида жимжимадор эшик зулфинини ушлади. Лекин остонада анча туриб қолди. Ниҳоят, зилдай эшикни очиб, бувисининг тафти сингиган ҳовлига қадам қўйди. Бувиси икки букилганча, қовурдоқ пиширарди. Овқатни кавлаб ҳар бориб-келганида, қоқсуяк баданидаги ҳалвиллаган кенг кўйлак ер супурарди. Балхтут тагида икки газ кўтариб қурилган супадаги шолча устига кўрпачалар тўшалган. Хонтахтадаги ёпиқ дастурхон дўппайиб турибди.

Бозорбой яна бир чуқур хўрсинди-да, бувисига билинтирмай супага чиқди, ялангқават шолчага чўзилиб, икки кафтини бошига «ёстиқ» қилди. Шу кўйи осмонга тикилди. Кўкда чақнай бошлаган юлдузлар кўпайишиб қолган эди. Бозорбой ишдан қаттиқ чарчаб келган кезларида юлдузлар чаманига, мўлтираган ўтли нуқталарга тикилиб ётиб, ўй суришни яхши кўрарди. «Бу коинотнинг боши қаёқда-ю, охирига қаерга бориб тақаларкин? Қанча олам бор ўзи? Бир шеърда «ўн саккиз минг олам» деб ўқигандим. Оламнинг ўн саккиз минг эканлигини ким ҳисоблаб чиқдидейкин? Шунча оламда наҳотки биздан бўлак бирор зот яшамаса?!»

Энди Бозорбойнинг калласи бошқа хаёллар билан банд бўлди: «Йўқ, бундан буёғига колхозда қололмайман. Қийинчиликлардан-ку, қўрқмайман, хор бўлиб юришга тоқат йўқ. Қиргами, чўлгами бош олиб кетганим маъқул... Мен-ку, бир амалларман, колхоз қуриб берган бошқа уйга кўчишга унамангавим-чи?! Қорасоч айтган хат тақдири нима бўлади? Қайнотам кичик қизига айтдимикин? Қалдирғоч қидириб кўрдимикин? Сўрай десам, шаҳарда ўқиса, бир йилда бир кўрмасам. Институтга излаб тушсаммикин? Дадаси унинг яқинига йўлатмайди...»

Ойсара кампир инқиллай-синқиллай қовурдоқ кўтариб келиб, супанинг четига қўйди.

— Бозоржон, келганингиям пайқамабман, қўзим. Турақол, совумасдан овқатингни еб олгин...

«Бувижоним-эй, ёлғизгина соябоним! Сиз ҳам ўтиб кетсангиз, бу оламда мен қандоқ яшайман, шўппайиб?!» Бозорбой, аянчли аҳволини билдирмаслик учун, дарҳол кўрпачага чордана қурди-да, овқатдан чимқилади. Кампир қайтиб бориб чой дамлаб келди, эмаклаб юриб супага чиқди, кенг этагига ўралганча ёлғизига юзланди:

— Хомушсан, болам, тан-жонинг соғми, ишқилиб?

Аслида-ку, ҳаммасидан кампирнинг хабари бор. «Болам, ўзи эзилиб юрибди, гапирсам маникиям ошиб тушмасин», деб ўйларди. Қараса бўлмайдиган, тоғдек невараси кун сайин сўлиб-сарғайиб, чўкиб боряпти. Буви бугун Бозорбойнинг кўнглига қўл солиш, иложи бўлса неварасини юпатиш, ақли етса тўғри йўл кўрсатиш илинжида гап очган эди. Бозорбой ҳам нечоғлик билдирмайин дегани билан бу азобларни кўтариб юравериш учун бардоши қолмаётганини тобора кўпроқ ҳис этарди. Бир кунмас-бир кун бувисига очигини айтиши керак-ку!

Кампирнинг дардли сўрови неварани эзиб юборди.

— Бувижон, шу раис ишлаб юраверса, мени икки дунёдаям кўкартирмайди. Қишлоқни шуларга ташлаб, чўлгами-қиргами кетай дейман-у, сизни кўзим қиймайди-да!..

Ойсара кампир неварасига мўлтиллаб қаради. «Қошида ота-онаси, ака-укаси бўлганда-ку, болам шўрлик бунчалик эзилмасмиди-я! Мен қоқсуякни қоровул қилиб, ҳаммалари бош олиб кетишганакан-да. Кошқийди, қўзичоғимга қувват бўлосам, оёғига тирик кишанман!» — Кампир жимгина ўйлар экан, бехосдан укасини эслади...

Курашларда елкаси ер искамаган ёнариқлик бу йигит чап тиззага олиш, ётиб отиш ҳадисларига уста, унга рўбарў келган рақиб сира ўнглолмас эди. Шунинг учун уни Шер дейишарди. Фронтда ҳам Каримшер шерлигини қилди: душманни қуроли, мушти, баъзан белкураги билан «тинчитиб» юрди. Лекин ўқ деган газанда полвон-ночорни ажратиб ўтирмас экан. Бир снаряд зарби Каримшерни тупроққа кўмиб ташлаганда ҳам тирноқларини синдириб, жон талвасада ер бетига ўрмалаб чиқди-ю, ҳушидан кетди... Кўз очиб, қийиқ кўзлари ёниб турган бир қизни кўрди. Буни қаранги, ўша париваш Каримшер томондан — тоғлар орасидаги Шайдон деган қишлоқда униб-ўсган Ойнахон экан! Жанг майдонидан гоҳ қучиб, гоҳ опичиб бежавотир жойга олиб чиққан, даволаб оёққа турғизган, уруш тугагунча кўз-қулоқ бўлиб юрган қизни Каримшер умр йўлдошликка танлади. Улар Ёнариқ қишлоғида оз вақт яшагач, Шайдонга — Ойнахоннинг ота-онасидан қолган ҳовлига кўчиб кетдилар. Каримшер шу жойдаги санаторийда қассоб...

Ойсара кампир Каримшернинг кўчганидан қаттиқ ранжиган, «ҳеч қачон, ҳеч кимдан йиқилмаган укамнинг кураги энди ерга тегди!» деган эди алам билан. Ҳозир ўзимас, невараси туфайлидан бир суянчиққа зор. Ёлғизгинаси, данагининг мағизи, кўзларининг оқу қораси Бозорбойи учун у кўнгли тусамаган ошни ичишга мажбур эди.

— Болам, мен-ку бошқа ёққа кўчмаслигим тайин, — деди кампир, — тўқсондан ўтиб, юзни қоралаб қолганимда қаёққаям борардим? Сени йўригинг бўлак, ақлим етиб турибди. Чўлния, қирния, қўй, тўппа-тўғри Каримникига бор, тоғанг иш-пиш топиб берар. Ажавамас, бахтинг яна очилиб кетса...

— Йўқ, мен сизни ёлғиз қолдириб кетолмайман, бувижон!

— Мани бўри ермиди, қўзим. Беш йил ўқишинг битишини, бир йил армиянгни кутдим. Хавотир бўлма: ҳали-вери ўлмайман, сени тиниб-тинчиганингни, боланг чопқиллаб юриб кетганини кўрмагунча ўлмайман, Бозоржон! Илло, ойни ўн бешни қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Тунов кун қайнисинглинг келиб-кетди, ўғлини кўтариб. «Поччамга бир гапим бориди», девди-я, кўришмадийларми?..

Бозорбойнинг юраги қалқиб тушди.

— Мана шу гапимга кўн, бориб тоғанга учраш, — ўз режасидан гапирарди кампир. — Яна биттагина тилагим — юриб кетгандан кейин ўғлингни кўлимга обкеб берсанг, ўзим боқи-иб ўтирсам. Овунчоғим, суянчиғим бўларди. Тузу насибам тугамаса, ажавамас, чеварамниям ўзим катта қилсам, унгаям

уношилар пишириб берсам. Қўрқма, Ёрқинжонимни қорнини очиб қўймайман, мени бағримга келган бола нобуд бўлмайди...

Бозорбой ўпкаси тўлиб, бувисининг кенг-кавур этагига юзини босди...

* * *

Правление мажлиси қисқа бўлди. Ҳамма тарқалаётган пайтда раис Бозорбойни олиб қолди. Бозорбой яна бир кўнгилсизлик чиқишини истамай, Қоратоевга зимдан қаради. Кўзлари зўлдирдек ўйнаб, юзи қора чўнка бўлиб кетган раис, гап бошлаш учун ваз тополмай турган эди, шу заҳоти чакаги очилиб кетди.

— Ҳа, ер тагидан мўралайсан, қизим ўлиб, энди менинг ўлимимни кутиб юрибсанми, зўравон?! — деди овози борича бақриб. — Истамайман! Сени қаматиб, эл-юрт олдида шарманда чиқишини истамайман! Шунини тушунасанми ё йўқми?!

— Ўзи нима бўлди?

— Бир инсонни, келиб-келиб бош инженернинг ўғлини итдек дўппослаган бу киши яна бақрайиб туриб «ўзи нима бўлди» дейди-я! Мана акт, мана медицина хулосаси. Сен уни уриб миясини чайқатиб юборибсан!..

— Бор гап фақат шуми?

Бозорбой хотиржам эди. Буни кўриб, Қоратоевнинг жони чиқиб кетди.

— Сендақа етимнинг бошини силаган мендақа етимпарварни... — У қаттиқ сўкинди. Бу билан ҳам ҳовурдан тушмай, кўзлари косасидан чиққудек бир алпозда яна бақирди. — Жиноятчимасман, деб керилиб юрибсанми ҳали?! Яхши, жиноятингни очди қилганим бўлсин! — раис тез юриб борди-да, бутун гавдаси силкиниб, сейфни очди. Ундан конвертли бир хат олиб, Бозорбойнинг қошига қайтди. — Мана, туғруқхона врачининг тилхати! Мановиси экспертиза хулосаси! Сен қизимнинг ашаддий қотилисан! Қийин-қистоққа ола-ола аввал юрагини ишдан чиқаргансан! Фарзанд кўриш мумкин бўлмаган бир аҳволга туширгандан кейин ҳам тинч қўймагансан, зўравонлик қилгансан! Шарманда бўлмасин, деб ҳужжатларни сейфга солиб ўтирибман-а! Сен нонкўр, раҳмат ўрнига, йиғинларда вайсақилик қилиб, менинг обрўйимни тўкиб юрибсан! Муддаонг нима? Очиғини айтгин! Ё мана шу ўринми? Марҳамат, ке, ўтир! Утириб ҳам кўрарсан, чиндакасига ўтириб ҳам қўярсан!..

Бозорбойнинг энди ҳам ғазаби, ҳам хўрлиги келди.

— Мен хотинимнинг азиз номига ҳеч қачон доғ туширган эмасман, туширмайман ҳам! — деди у овози титраб. — Турмушнинг ички сирларига бирон-бир кишининг, ҳатто сизнинг ҳам аралашингизга йўл қўймайман. Амал масаласига келсак, курсингиз ўзингизга буюрсин. Агар шунга кўз тиксам, менга минг лаънатлар бўлсин!.. — Бозорбой ўзи сезмаган ҳолда раис сари бир-икки одим ташлаган эди, Қоратоев жонҳолатда қаршисида турган ҳисобчўтни чангаллади. Бозорбой талвасага тушган қайнотасига ачинганнамо қараб турди-да, паст, лекин кескин товушда деди:

— Қўрқманг! Сиз билан амал талашмаётганимни исбот этмоқчиман, холос. Илтимос, бир варақ қоғоз беринг!

— Вазифамни удалай олмаганим учун ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшатишингизни сўрайман, деб ёз, агар мард бўлсанг!

Алам билан раис шундай дея бир варақ қоғозни итқитди. Бозорбой тез-тез нималарнидир ёзди-да, раиснинг олдига ташлаб чиқиб кетди.

«Вазифамни удалай олмаганим учун, ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшатишингизни сўрайман», деган сатрлардан иборат аризани ўқиб кўрган Қоратоев раиснинг ғазаби ўз-ўзидан тарқай бошлади. Туриб-туриб яна жаҳли кўзиди.

— Вай, олтин балиқча-эй! Узингни ос, десам бўлар экан, бу бошоғриқдан батамом қутулардим-қўярдим...

Лекин Қоратоев икки ўт орасида қолган эди. Бир томондан, ҳар учраганда «анови ярамасни ҳайдамадингми?!» деб қистайдиган Омонтой Олтинбоевдан қулоғи тинчиши аниқ. Иккинчи томондан Бозорбойга — ўғлидек бўлиб қолган йигитга у адолатсизлик қилди. Унинг бир ёнбоши ўпирилиб кетгандек эди.

— Ҳаммасининг падарига лаънат, минг лаънат!!! — столни қаттиқ муштлади раис.

Боғистон район партия комитетининг биринчи секретари Мухтор Ҳакимович ҳар доимгидек, бугун ҳам азонлаб ишга келди. Унинг залворли қадам товушлари учинчи қават йўлагига гурсиллаши ҳамона, ташкилий ишлар бўлимининг эшиги очилди-да, заиф йўтал эшитилди. Бу эса: «Мен шу ерданман», деган ишора эди. Мухтор Ҳакимович ўгирилиб қаради: чувакюз, қийшиқбурун, калта олдирилган жингала сочли киши мўралаб турарди.

— Нозим Козимович, салом. Дарров киринг, зарур иш чиқиб қолди; — деди Мухтор Ҳакимович, кабинет сари одимлар экан. Нозим Козимович «э... э... э...» деганича, эшикдан чиқа солиб, биринчи секретарга эргашди. У олдин салом бера олмагани, «одобсизлиги»дан хижолатда эди.

Райком ташкилий ишлар бўлими мудир қирққа етмай елкалари тор, қорни эса шалха бўлиб қолган. Заъфарон юзи, гўштдор бурнининг учида туклари бор.

Нозим Козимовичнинг ичкарига икки одим босиб, қўлларини қорни устига қовуштириб туриши фильмлардаги салбий қаҳрамонларни эслатарди. «Бечора, ғирт ижрочи, хоксор одам...»

— Қани, ўтиринг, — қаршисидаги курсига таклиф қилди уни райком секретари.

— Раҳмат, турсам ҳам бўлаверади.

— Ўзингизни эркинроқ тутинг, ахир! — бориб Нозим Козимовичнинг қўлтиғидан олди Мухтор Ҳакимович. — Кимсан, район партия комитети ташкилий-партиявий бўлими бошлиғисиз, бюро аъзосисиз!..

Бўлим мудир бемалол жойлашиб олгач, биринчи секретарь қўққисдан сўраб қолди:

— Бу вазифага киришганингизга анча йил бўлдимиди?

Нозим Козимович яна ўзини йўқотди, беихтиёр ўрнидан туриб минғирлади:

— Яқинда ўн уч йил тўлади.

— Ўтириб гапираверинг, — деди Мухтор Ҳакимович мийиғида кулиб. — Меҳнат отпускангизда дам олиш, даволаниш учун оромгоҳларга бориб турсизми?

— Кўпинча... ишдан қўл тегмайди, — деди мудир ҳамон қисилиб-қимтишиб.

— Бир-иккита зарур юмушларни ҳал қилайлик, кейин йўлланма топиб берамиз, дам олиб, даволаниб келасиз, — деди Мухтор Ҳакимович ва суҳбатни энди асосий мавзуга бурди. — Ташкилий масалалар билан жойларга ҳам бориб турсиз?

— Ҳа, — деб юборди-ю, Нозим Козимовичнинг қулоқларигача қизариб кетди. Шу заҳоти илова қилди. — Асосан, активлардан фойдаланамиз...

Гап нимадалигини фаҳмлаб олган Ҳакимов телефон трубкасини кўтарди:

— «Ёнариқ» колхоз партия ташкилоти секретарини уланг... Жавоб бермаяпти. Унда колхоз раисини... Салом, Қорабой ака, Мухтор Ҳакимовичман. Бирор соатдан кейин идорангизда учрашамиз. Партком секретарини ҳам чақиртиринг. Кўришгунча...

— «Ёнариқ» колхоз партия ташкилотига оид маълумотлар, ҳужжатларни тайёрланг, бугун иккаламиз шу хўжаликка чиқиб келамиз! — энди бўлим мудирга юзланди райком секретари.

Ҳакимовнинг яна авзойи бузила бошлаган эди. Бунинг сабабини Нозим Козимович тушунди. У «Ёнариқ» колхозига оид ҳужжатларни титкилар экан, ёлғонга ўрганган тилини шу тобда кесиб ташлашга ҳам тайёр эди...

Шофёри бетоблиги туфайли, рулни Мухтор Ҳакимовичнинг ўзи бошқариб борарди. Чапдаст бу одамнинг дадил ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтирган Нозим Козимовичнинг ёдида ўзи болалик йилларида ўқиган, эшитган эртақлардаги қаҳрамонлар жонланди. «Бир Гўрўғли бўлса, шунчалик бўлгандир. Шиддатни, сиёсатни қаранг! Мен-чи?...» У ожиз-нотавон эканлигини билар, бундан қисиниб, дадилроқ бўлгиси келарди. Шу мақсадда ўтирган ўрнида уёқ-буёққа қимирлаб, томоқ қирди, бир-икки йўталиб қўйди...

Правление раиси, партком секретари, колхоз каттаконларидан яна уч-тўрт киши катта кўчада кутиб туришган экан. Қоратоев ғоят мамнун. Колхоз-совхоз-

ларга ҳар доим билдирмай бостириб борадиган Мухтор Ҳақимович бу гал телефон қилиб, «Ёнариқ»қа чиқишини лутфан айтди! Бу — яхшиликдан нишона эмасми?! Колхоз идораси атрофлари зудлик билан супуриб-сидирилди, хоналар ювиб-тозаланди, ҳатто хўжаликнинг ишлаб чиқариш маълумотлари қайд этилган кўрсаткич тахталару шиор-плакатларгача янгилаб қўйилди.

— Бош агроном кўринмайди? — сўради Мухтор Ҳақимович қабулхонага кириб ўтиришга.

— Шу ердаман, — деди қоратўри, жиккаккина, ёши ўтинқираб қолган киши ўрнидан туриб.

— Бош агроном Бозорбой Омонов эмасми?

Шу заҳоти барчанинг хаёлидан бир фикр ўтди: «Райком секретари Бозорбойни танир экан-да!» Орага чўккан ноқулай сукунатни колхоз раиси бузишга журъат этди:

— Бўшаб кетганига анча бўлди.

— Нега энди? Олий маълумотли мутахассис, ўз ишининг жонкуяри, бунинг устига шу қишлоқ фарзанди бўлса... Еки бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берди-ми? — ажабланганини яширмасди Мухтор Ҳақимович.

— Вазифасини эплай олмай, бўшаш учун ўзи ариза ёзиб берди, — раис бу кўнгилсиз суҳбатдан тезроқ қутулишни истар, мавзунини бошқа томонга бурмоқчи эди. — Партия ташкилоти секретарини сўраган эдингиз, мана, топтириб келдик.

— Дарвоқе, Омонов коммунист-ку, балки бўшаш сабабини сиз айтиб берарсиз? — партком секретарига юзланди Мухтор Ҳақимович.

— Кечирасиз-у, ўзингиз районимизга янги келган бўлсангиз, Бозорбойни қаёқдан танийсиз? — саволга жавобан савол билан мурожаат қилди колхоз партком секретари.

Мухтор Ҳақимович кулумсираганча бир оз индамай ўтирди. «Ноўрин савол»дан айниқса колхоз раиси хижолатда қолган эди.

— Ярим йилча аввал ўтказилган партия-хўжалик активида на колхоз раиси, на партком секретари бор эди, — изоҳ берди райком секретари. — Бош агроном ўзини қийнаб юрган масалаларни мажлис аҳлига ҳавола қилди. Унинг гаплари ҳатто бизнинг ҳам кўзимизни очиб қўйди. Ёшлиқ қилибди-да...

— Ёшлиқ қилганда қандоқ! — Мухтор Ҳақимовичнинг гапини ўз билгича тушуниб, юрагида йиғилиб ётган «дард»ларини бир бошдан гапира кетди Қорабой раис. — Нақ довдир бузоқнинг ўзгинаси! Бир қарасак — ток кўмишимизга қарши чиқади, бир қарасак — ер очишимизга тўғаноқ бўлади. Яна алланима-балоларни ковлаштиравериб, ҳамманинг бошини қотириб юборди. Битта нобоп бузоқ бутун подани булғатар, деб бежиз айтишмас экан. У бола расво қилган ишларни ҳозирги агрономимиз энди-энди изга соляпти. Буям мутахассис, аввал бир неча йил колхозимизда бош агроном бўлган, кейин мактабда биологиядан ўқитиб юрарди. Энди... тасдиқдан ўтказиб олсак...

— Сапсем ўпкаси йўқ болаякан. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, бизнинг ишларгаям тумшук суқиб ҳаммаёқни чалкаштирворди, — раиснинг гапини қувватлади шоп мўйлов инженер. — Устига-устига муштумзўрлигини айтмайсизми?!

— Жа унчаликмас-да, сал оғизга қараб гапирайлик! — Энди ўрнидан шахт турди колхоз партком секретари. — Тўғриси айтганда, ишдан бўшатиш ўрнига ундан ўрганишимиз, ўрناق олишимиз керагиди...

Ҳамма жим, кескин вазият юзага келган эди.

— Бозорбой Омонович ҳозир қаерда ишляпти?

Мухтор Ҳақимовичнинг бу саволи кимга қарата айтилгани маълум эмасди.

— Тоғ оралиғидаги бир қишлоқда, номи Найзонмиди, Шайдонмиди... Чамаси, тоғаси ўзи яшайдиган жойга олиб кетган, — деди партком секретари катта кафти билан йўғон бўйинини силаб.

— Нега аниқ билмайсиз, ахир партия учётини ҳам кўчиргандир? — унга тикилди Мухтор Ҳақимович.

— Бунақа машмашаларни мен қайдан билай?!

Партком секретари сочи қирдирилган тақир бошини бир-икки сийпалади-да, яна дўпписини жойига қўндириб қўйди. Чамаси уни бу суҳбат жудаям зериктириб, безор қилиб юборганди. Партком секретаридан «теша тегмаган» жавобларни эшитган Нозим Козимович турган жойида қунишиб, сўйри боши

пастга тушиб борарди. Мухтор Ҳакимович иш фаолияти давомида партия ишида кўп чалкашликларга дуч келган, аммо бунақасини ҳеч учратмаган эди.

— Қани, кабинетингизга бошланг, партия ишлари билан танишиб чиқайликчи, — деди у партком секретарига. — Лоақал мажлис қарорлари, партия ҳужжатлари бордир?..

Партком секретари тоқатсизлик ва хижолатдан кўзлари қизариб, райкомнинг биринчи секретарига тик қаради.

— Сизга очигини айтайми, бу азобга йўлиққанамга икки йил бўлди, — деди у. — Узим қачонлардир, бир амаллаб ўнинчини битирганман. Бутун ёшлигим колхоз техникаси ичида ўтди, механизатор эдим. Коммунист бўлганимдан кейин ғаллачилик бригадасига бошлиқ қилиб кўтаришди. Иш уйқаш экан, одамлар билан тил топишиб ишлашиб кетдик. Бригадани ўн беш йил бошқардим, план тўлмаган йил бўлган эмас. Орден-медаллар беришди, ҳаммаси учун раҳмат. Бироқ, мана Нозимни юзи-кўзи — ёлғон гапирсам туф бетингга десин, — ўзи ҳамқишлоғим, тенгқурим, дўст бўлиб туриб, душманни ишини қилди. Икки йил бурун, қўярда-қўймай, раис иккаласи бўйнимга шу бошоғриқни юклашди. Мен сизга ўғилбола гапни айтсам, ўртоқ секретарь, партия ички ишини ҳозиргача билмадим, бундан кейин ҳам ўрганолмасам керак. Икки йилдан бери, ол вазифангни, бригадага, бўлмасам, оддий механизаторликка қайтар дейман, сира кўнмайди-да! Мана, Нозимни бетига айтаман, ҳар йили райкомдан текширувчи юборади. Текширишга келган шўринг қурғур бу ердаги партия ҳужжатларини тартибга солиш учун қон бўлиб ишлаб ўтиради. Кейин билсам, шу пайтда областдан текширувчи комиссия келаётган бўлар экан. Тўғри, Нозим дўстим мени ўзича суяйди, ёрдам кўрсатади. Лекин қўлимдан келмайдиган иш учун қачонгача мени суяйди, қачонгача айбимни бекитади?! Ўртоқ секретарь, келганингиз жуда яхши бўлди-да, шу азобдан бугуноқ мени кўтқариб кетинг! Ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам қийнаб юришимнинг нима кераги бор?! Аслида бу ишлар Бозорбойдақа билимдон йигитларга лозим эди, бўз болани бекорга увол қилишди.

Мухтор Ҳакимович орага гап қўшмасдан, партком секретарининг обдан «тукилиб» олиши учун имкон бериб ўтирганди.

— Чин юракдан иқрорингиз учун раҳмат, сизга! — деди ниҳоят қайтиш учун ўрнидан турар экан. — Яхши одамлар йўқ ёки кам деганлар бекорларни айтишибди. Орамизда яхшилар кўп, фақат биз ҳушёр бўлишимиз, уларни йўқотиб қўймаслигимиз керак...

* * *

Бозорбой эс-эс билади, болалигида бувиси билан бир мартагина Шайдонга борган эди. Бувиси негадир қаттиқ ранжиб қайтган ва Шайдон номини қайта тилга олмай қўйганди. Уша пайтдаги йўл азоби Бозорбойнинг ёдида қолган. Устига лиқ тўла одам ортган эски юк машинаси ҳар бурилганда борти синиб кетар даражада ғижирлаб қийшайар, ҳамма беихтиёр додлаб юборарди. Айниқса «Қилкўприк» деган қалтис жой... Борган сари торайган йўл энсизгина кўприк сари тикка тушарди-да, яна тикка кўтариларди. Пастликда, чуқурликда вағиллаб дарё оқарди. Тепада эса қиятошларнинг катта-катта бўлаклари кўчиб, омонатгина илиниб турарди.

Машина «Қилкўприк» сари ғириллаб тушди-да, кўтарилиш чоғида тўхтаб қолиб, секин орқага кета бошлади. Бувиси Бозорбойни маҳкам бағрига босиб, тахтага қапишиб қолди. Йўқ, ҳайтовур, машина кўприкнинг қоқ ўртасида тўхтади. Бир оздан кейин шофер кузовга чиқди-да, «қани, атаганларингни чиқаринглар, бўлмаса машина тортмайдиганга ўхшайди», деди. Ҳамма шу заҳоти пул узата бошлади. Бир қафт пулни чўнтагига уриб олган шофёр машинани гуруллатганча қияликдан ҳайдаб чиқиб кетди. Ундан баттароқ кўрқинчли жойда яна машинанинг мотори «ўчди». Бу жойда йўл нақ қулоқчиндек осилиб турган қиятош остидан ўтарди. У ҳозир қарс синади-да, остидагиларни кукун қилиб юборади!.. Бу гал ҳам шофер башарасини тиржайтириб, «Қани, атаганларинг бўлса...» — деди. Унинг ниятини тушуниб қолган одамлар чувиллашди: «Дардинг пул экан, нарироқда тўхтаиб сўрасанг бўлмайдимиз, ноинсоф! Ахир бола-чақамиз, жонимиздан умидимиз бор!» «Бошқа жойда пулларинг жонларингдан ши-

ринроқ кўринади-да!» — дея без бўлиб туриб олди шофёр. Кўпчилик чор-чор яна пул узата бошлади. «Кампир, сиз-чи?» — шофёр Бозорбойнинг бувисига қаради. «Болам, мен бояги жойда ҳамма пулимми узатворганаканман», — деди. Ойсара кампир ялинчоқ овозда. Машинадаги уч-тўрт эркакнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Кампирнинг пулини ҳозироқ қайтар, номард! — дейишди улар. Кўпчиликнинг авзойи бузилганини кўрган шофёр пулни бериб, индамай жўнаб қолди. Ойсара кампир неварасини бағрига босиб, негадир Шайдонга етгунча йиғлади.

... Билет олиб, автобусга ўтирган Бозорбойнинг хаёлида ўша ўтмиш воқеалари жонланар, ундан сари кўнглини аллақандай нотаниш ҳислар кемирарди. «Қулоқчинқоя», «Қилкўприк» ҳалиям бормикин?... Шу пайт сариқпатак соқолли шофёр, овозини атайдан дағаллаштириб, унинг хаёлини бўлди:

— Гражданин пассажирлар, ременларни бойлаб, жой-жойларингизга ўтиринглар, Шайдон сари парвоз қиламиз...

Кўп йиллардан бери таниш бу шофёрнинг «эслатма»сидан жилмайишиб қўйган йўловчилар жой-жойларини эгаллашди. Бақувват «ЛАЗ», бир-икки гуруллаб куч тўплаб олди-да, чўққиларини асрий муз қоплаган тоғлар томон ўрмалаб кетди.

— Ременларни ечиб, ерга тушишингиз мумкин, Шайдонга қўндик!

Бозорбой хаёл суриб мудраб қолган экан, шоша-пиша ўрнидан турди. У даси, балки бобосидан қолган «туя чамадон»ни кўтарганича борар экан, худди жаннатга тушиб қолгандек сезди ўзини. Теварақда баланд, бақувват дарахтлар ўсиб ётарди. Улар иккала томондаги юксак тоғларнинг ярим белигача энлаб чиққан эди. Бу дарахтлардан кўпчилигининг номларини ҳам Бозорбой билмайдди. У билган дарахтлар эса Ёнариқдагидан анча тик, барглари қалин эди. Айниқса, ёнғоқлар тарвақайлаб кетган. Кичик ариқчалардан тўлиб оқаётган булоқлар шарқираган сойга бориб қўшиляпти. Шиддатли дарё катта-катта харсангларни ағдариб ташламоқчидай кучанар, атрофдаги қирқбўғин, маймунжонларга зилол зарралар сачарди. Кўприк чеккасига ўрнатилган ёзув ҳам шундан далолат берарди: Наволисой! Кўприқдан ўтган Бозорбой борар манзилени топиш учун атрофга синчков назар ташлади: ўнг томондаги қуюқ дарахтзор бағрида қўшқават ли, ҳашамдор бинолар. Йўлнинг чап томонида эса тартибсиз қурилган, бир-бирига мингашгандай, паст-баланд уйлар...

У йўлиққанлардан сўраб-суриштириб, тоғасининг уйини топди. Пастаккина эшикка етгач, кўнгли ғалати бўлиб бирпас туриб қолди. «Шунча йиллардан бери қаёқда эдинг?! Бошингга мушкул иш тушганда тоғанг керак бўлдимми?» Шу андиша эшикни очишга қўймаётгандек эди. Уй қияликда жойлашган эди. Ҳовли бўйлаб гир айлантирилган ёғоч панжара ортидан сим тўр ҳам тортилган. Қўйироқда қурилган пастак бостирмалар остида семиз қорамоллар ётишибди. Бир қулун билан бия ем кавшаяпти. Қаердандир пайдо бўлган ит югуриб келиб ёпиқ эшикка, сўнг панжарага ташланди. Қаттиқ вовуллаб бошлади.

— Улжан, Бикажан, қаранғиз, қўнақ келген кўринеди...

Бўй етиб қолган сулув бир қиз, «Олапар, кет», дея итни ҳайдаганича, эшикни очди. Бозорбойга кўзи тушгач, ийманибгина сўрашиб, ичкарига таклиф қилди.

— Карим тоға уйдадилар?

— Кушхонага тушиб кетувди, сиз ичкари кириб туринг, дадамни дарров чақириб чиқаман...

«Онаси қирғизчалаган эди, қиз нақ ёнариқликлар тилида гапиряпти! Тоғам бояқиш ўз қишлоғи тилини сақлаб қолиб, фарзандларига топширибди-да!» Бозорбойнинг кўнгли бир хил бўлиб, қизнинг изидан термилиб қолди.

Карим тоғанинг хотини қиррабурун, юзи, кўзлари атрофи бужмайиб қолган, ёши ўтинқираган аёл эди. У пешонасини дурра билан сириб боғлаган, оҳиста одим ташлаб вазмин юрарди. Уй бекаси нотаниш меҳмон билан ҳолсизгина сўрашди-да, ошхонага бурилди. Сал вақт ўтар-ўтмас, қўлида катта гўшт бўлагини кўтариб олган бесўнақай одам ҳарс-ҳурс юрганича пастликдан чиқиб келди. У бир зум тўхтаб Бозорбойга тикилди. Кейин, қўлидаги гўштни айвондаги товоққа ташлади-да, нотаниш йигитга юзланди:

— Сиеқингни юртдошларимга менгзодим-ку, кимлигингни билолмадим, бола, ўзингни танит... Майли, қўя тур, аввал ичкари кирайлик!

Улар ҳовли тўридаги ясатиғлиқ хонага киришди. Бозорбой ўзини танитди. Карим тоға аввал анграйиб турди-турди-да, гавдасига мос келмаган енгил ҳаракат билан оёққа қалқди. Кураш тушмоққа чоғлангандек, оёқларини кериб, қучоғини кенг очди:

— Ке, жигарим, бошқатдан кўришайлик!..

У Бозорбойни жон-жаҳди билан бағрига босар экан, йирик кўзларидан шовуллаб ёш оқар, «мен мусофирни йўқлаб жигарим келибди-ку! Густоҳлик ўтган бир нотавонни излаб қоратоғим келибди-ку!» — дерди қайта-қайта. Тоға шу заҳоти тўрт қизи ва бир ўғлини топдириб келди, қошига йиғиб олиб, тўлиб-тошиб Бозорбойни танитди: «Жон болларим, яхшилаб қаранглар, бу қарчиғай мени ўз жигарим, сизларга туғишгандан яқин. Қани, энг яхши қази-қарталарни қозонга босинглар, тандиркабоб ўчоғини тозалаб, арча ўтиндан қалаб қиздириглар, хамирни юпқа ёйинглар! Вей, мани йўқлаб жондек жигарим келибди-ку!...»

Тоға гапирарди, қувонарди, йиғларди... Унинг асаблари бўшашган, баҳайбат гавдаси мувозанатини унчалик сақлай олмай қолган эди. Бунинг сабабини эса Бозорбой тоғаси билан ярим тунгача суҳбатлашиб ўтирганида билиб олди.

— Менам, хотинимам бедаво қон касалига йўлиққанмиз, жиян, — деди хўрсини тоға. — Бу ер балатлик қилвоттими ё бўмасам, қассоблигим орқасидан ошиқча гўшт-ёғ еб қўйяппизми, ишқилиб, бошимиздан шу бало аримай қолди. Уй-жойни сотиб, шартта пастга жўнаворай дейману яна ўйлаб қоламан: укаларинг шу жойда туғилишган, тоққа ўрганиб қолишган, иннайкейин...

Тоғанинг гапи узилди, унинг кўнглида қандайдир андишалар, она қишлоғига боғлиқ армонлар туғён урарди, чамаси. «Ҳамма жойнинг ўз тошу тарозиси бўлганидек, барча одамларнинг ҳам ўзига етарли дард-ҳасратлари бор экан-да! Карим тоғанинг армони, юрак дарди ҳеч кимникидан кам эмас!» Бозорбой ҳам тоғасидан ўз аҳволини яшириб ўтирмади.

— Во дариг, эссизгина, эссизгина-я! — тоға яна бир дапқир йиғлаб олди. Жияни қора тортиб, иш қидириб келганидан таъсирланиб:

— Сани алватта ишга жойлайман, эртагаёқ!... — деди ҳовлиқиб.

Бозорбой: «тоғам жа ошириб юборди», деб ўйлаганди. Бироқ қассобнинг гапида кўпик кам экан, эртасигаёқ болалар санаторийсининг юқори синф ўқувчиларига тарбиячи қилиб тайинланди...

* * *

Санаторийдан биринчи маош олган Бозорбой ҳаммасини бувиси, Карим тоға ва унинг бола-чақаларига совға-саломга сарфлади. Буни кўриб тоға тутатди, анча уришган бўлди, кейин тайинлади: «Сенга ҳали кўп пул керак, тежамли бўл...»

Ишларнинг кетиши ёмон эмас, ҳечёқдан камчилик йўқ. Бозорбой кўпинча панжарали очиқ айвонда болалар қуршовида ўтиради. Улар бўш вақтларини боғда ишлаш, нафосат, адабиёт, турмуш чигалликлари, дунё воқеалари хусусида суҳбат, баҳслашиш билан ўтказишади. Янги тарбиячи ўз қарамоғидагилар билан тез кунда апоқ-чапоқ бўлиб олди.

Суҳбат айна қизиган пайт эди. Карим тоғанинг кенжа қизи Меҳмонгул нарироқда туриб Бозорбойни имлаб чақирди. Борган эди, қизалоқ ийманиб шивирлади:

— Сизни қидириб уйимизга меҳмон келди.

— Сен бора тур, ҳозир етиб оламан.

Бозорбойнинг тарбиясидаги болалар эсли-хушли юқори синф ўқувчилари.

Уни уялтириб қўйишмайди. Шунга қарамай, Бозорбой улардан «кўз-қулоқ» бўлиб туришни кўшни группа тарбиячисидан илтимос қилди. У Карим тоғаникига шошилиб борар экан, тоғасининг кенжаси бошлаб келаётган буйчангина қизга кўзи тушди. Меҳмонгул Бозорбойни имлаб кўрсатди-да, чопқиллаганча уй томон қайтиб кетди. Қизга қараган заҳоти йигитнинг ҳуши бошидан учди, бутун аъзои-бадани бўшашиб, кўз олди қоронғилашди: Қорасоч-ку бу! У аввалига бу номни шунчаки шивирлади, сўнг баралла айтиб юборди:

— Қорасоч!!

Йўл чеккасидаги каттакон ясси тош устига беҳол ўтириб қолган Бозорбой-

нинг иродаси ўзига бўйсунмас, тиззалари қалт-қалт титрар эди. «Йўқ-йўқ, сен ўлмагансан, Қорасочим! Мана, сени яна кўриш nasib этди!..»

Аста-аста одимлаб, йигитнинг ёнига келган қизнинг ҳам кўзлари ёшга тўлган эди.

— Мен... мен, Қалдирғочман, Бозор ака!

Бозорбой эс-хушини аранг йиға бошлади: «Ҳа, ҳа, ростданам бу Қалдирғоч-ку! Тавба, опа-сингил бир-бирига шунчалик ўхшаш бўладими?!» Қалби пора-пора бўлган Бозорбой ўрнидан туриб, индамай ортга бурилди-да, Қалдирғочни санаторий сари бошлади. Унинг кўз ўнгида Қорасоч қайта тирилди-ю, яна... яраларини беаёв тирнаб, қон-қақшатиб кетди. Қалдирғоч йигит аҳволини ҳис этганидан индамай борарди.

— Иш жойингиз жудаям сўлим экан, — деди ниҳоят астагина.

— Ҳа, — Бозорбойнинг товуши ҳорғин чиқди. У тўсатдан сўради, — Қалдирғоч, бу ерга келганингизни ота-онангиз билишадими?

— Дадам билан ойимнинг ўзлари юбордилар, — деди қиз. Сўнг изоҳ берган бўлди. — Бозор акангнинг ҳол-аҳволидан хабар ол, вақт топса бир келиб ўғлини кўриб кетсин, дейишди...

«Ростмикин шу гап? Алдамаяптими бу қиз? Аммо мени кўрарга кўзи йўқ одамлар... Қизиқ! Ёлғиз қизини ишониб юборибди-я!»

Бозорбой қўл соатига секин кўз қирини ташлади.

— Қалдирғоч! — деди у қатъий. — Салдан кейин охириги автобус жўнайди. Юринг, сизни кузатиб қўяман.

Қиз бу гапни кутмаган эканми, тўхтаб, бирпас анграйди. Орага гап қўшиб бўлмайдиган вазият юзага келган эди. Улар автобус бекати томон кетишди. Йўлда чурқ этишмади. Фақат автобусга чиқаётиб, қиз «хайр» деди, ерга боқиб. Унинг киприкларида яна ёш йилтиради...

Автобус жилди, тезлашиб бориб Наволисой кўпригидан ўтди-да, қалин дарахтзор қўйнига кириб кўздан йўқолди.

— Эй, хатни сўрамабман-ку! Менда гапи борлигини бувим айтган эди, буни ҳам аниқламабман! — ўйлади Бозорбой. — Энди... қайта учраган тақдирда ҳам ҳеч нарса айтмайди!..

У Карим қассобниқига қайтиб келганида, тоғаси гўшт тўғрар, янга хамир сузмоқда эди.

— Меҳмон қиз қани? — сўради тоға.

— Қайтариб юбордим, — деди секин Бозорбой.

— Чакки қилибсан-ку, жиян, уч-тўрт кун томошалаб кетарди. Ким ўзи?

Тоға гўшт майдалашдан бир зум тўхтаб, Бозорбойга қаради.

— Қишлоғимиздан, қайнсинглим.

— Буни қара, қизгина озиб-ёзиб бир келганакан, бекор қайтарибсан-да!

Қалдирғоч келиб-кетгач, Бозорбой Шайдонга сиғмай қолди. Унинг кунлари зерикарли ўтар, кўзига дастлаб жозибали кўринган — тўрт томонни қуршаб турган улуғвор чўққилар ҳам энди кўнглини илитмас эди.

Лекин шундан кейин ишдан қайтиш пайтларида ўзи севган халват йўлак бўйлаб бир аёлни уч-тўрт марта уйигача кузатиб қўйди. Уша аёл санаторий илмий бўлим мудирини — Покизахон, йигитнинг ҳувиллаб қолган бўм-бўш юрагига нур олиб киргандек бўлди...

* * *

Кунлари хомуш Бозорбойнинг тунлари ҳам нотинч эди. Баъзан тонггача ўтириб чиқар, баъзан айқаш-уйқаш тушлар кўрарди. Бир гал тушида қайнотаси билан ярашиб олганмиш. «Кечир, ўғлим, ана Қорасочнинг тирилиб келди-ку!» — дея ҳадеб унинг елкасига қоқиб юпатармиш қайнотаси. Бозорбой минг аланглаб қидирмасин, Қорасочни тополмасмиш. «Нега алдаяпсиз, йўқ-ку?!» йиғламоқдан бери бўлармиш Бозорбой. «Ҳозиргина уйингга кетди, бор, бора қол» — дермиш қайнота. Югурармиш, югурармиш-у, сира йўли унмас эмиш...

Шу куннинг эртасига уни излаб, санаторийга ўртоғи Жасур келди. Оддий гапни ҳам фикрини, овозини баралла қўйиб гапирадиган бу йигит «Ёнариқ» колхозида бригада бошлиғи эди.

— Ўзимиз ўқимай-уқмай, кетмончилигимизча қолиб, умидимиз сендан

каттайиди. Сен, ҳажиқиз, буёқларда сандирақлаб юрибсан! — салом-алик ўрнига дўқ-пўписа билан гап бошлади у. — Қайнотанг қилиб қўйган ишидан тоза пушаймон. Бир кунни катталар келиб, ҳаммасини тузлаб кетибди. Райкомдаги ҳамқишлоғимиз бор-у, ҳалиги ҳажиқиз... оти Нозиммиди-ей, ўзиям ер ёрилмапти, ерга кирмапти. Қаёқдан бўлсаям, шу болани топасанлар, колхозни ёлғиз ўзи одам қилада, деб суруг берибди. Хуллас, оғайни, эшак топади, от ейди, деб жуда тўғри айтишганакан. Шу аҳволда кетаверсак, минг йилдаям косамиз оқармайди, ибтидоийлигимизча ўтамиз бу дунёдан.

— Обдан йиғиб юрган экансан-да, — кула-кула ўртоғини дастурхонга ундади Бозорбой.

— Чойингни қўятур! — деди Жасур. — Яқинда колхоз «каламуш»ларининг яна бир қинғир иши очилиб қолди. Боқувчиси урушда ўлган, кўпболали, етим-есир кишиларга давлат ҳар доим ёрдам бериб тураркан-ку, сен шуни билармидинг?

— Бор-йўғи бир йил ҳам ишламасам, қайдан...

— Бўлмаса эшит, — гапини давом этдирди Жасур. — Қишлоғимизда шунақа одамлар кўпакан-да, бир галги моддий ёрдамнинг ўзи ўн мингдан ошиб кетаркан! Лекин шуниям колхоздаги бир-бирига боғлиқ ҳажиқизлар қуртдек қилиб бўлашволишаркан... Дала, боғ, чорвадаги ўғирликлари-ку, маълум эди, етимнинг ҳақидан қўрқишмаганини қара-я!

— Шунча гапни қаёқдан эшита қолдинг? — ҳайрон бўлди Бозорбой.

— Биласан-ку, бош буғалтир бизга қўшни. Тунов кун хотиним бир ишминан кириб, аялларминан чункиллашиб ўтириб қопти. Бир маҳал ғирт маст бош буғалтир кириб келиптию, оёқ кийимини ечмасдан уйнинг ўртасида турволиб: «Мана пул, мана пул!» деб тахи бузилмаган пачкаларни ерга ураверибди. «Ҳой, киши, колхоззи пулини нега уйга опкеласиз?» — деб хотини гапни айлантирмоқчи бўлса, тиржайиб туриб дермиш: «Ҳа онангни эмгур, бу пулларда колхозининг отасиниям ҳақи йўқ. Бу пуллар биз — моддий ёрдамга муҳтож оиллага ажратилган...»

«Алжираманг, Сантал опам бор!» деб хотини эслатганакан, шайтон дарров ўзини мастликка солиб, кароватга таппа ташлапти.

— Вой ифлослар-эй!..

Бозорбойнинг бу хабардан феъли айнаганини кўрган Жасурнинг кўнгли жойига тушди:

— Хайрият, ҳамиятингни еб қўймаганакансан. Майли, бу сирни сен қайтгунча ичимда олиб юратураман. Иккаламиз биргалашиб фош қиламиз. Ишқилиб, сенга ўхшаган тўғри одамлар идорада аралашиб юриши керак...

Шу гаплардан кейин қишлоғига бориб-келмасликнинг ҳеч иложи йўқлигига Бозорбой иқрор бўлди. У шундоқ ҳам бувиси, ўғлини қаттиқ соғинган эди.

* * *

Покизахоннинг вазмин-мулойимлиги, солланиб юришларию овозигача Қорасочни ёдга соларди. Фақат кўзлари... Қорасочники чарос эди, буники мовий. Бозорбой у билан суҳбатлашгиси келар, узоқроқ кўрмай қолса қўмсай бошларди. Бу орада уйига бориб, кўнгли таскин топди: ҳовли-жой озода, бувиси тетик. Уғилчаси кўзга кўриниб қолибди, қиқир-қиқир кулади. Қош- кўзлари қуйиб қўйгандек онасини эслатади. Кампир Қалдирғочдан хурсанд: ҳар якшанба Ёркинбекни кўтариб келаркан, уй-жойларни тозалаб, қарашаркан. Бозорбой уни кўролмайд қайтди. Қишлоғида ҳам Покизахон тез-тез кўз олдига келарди. У ўз ўзига Қорасочга хиёнат қилаётгандек туюлиб, бундан азобланарди.

Уйига бориб яхши қилган экан, Шайдонга қайтиши билан қор ёға бошлади. Ёғин бирваракайига ҳафта-ўн кунгача тинмади. Қор қалинлашиб пастак томларнинг бўғотларига қадар етди. Кейинчалик ҳам, ярим кун-бир кун тиниб турди-да, яна бўралай бошлади. Шундай аҳвол бир ойга яқин давом этди. Тоғлардаги баҳайбат керага тошлар кўмилиб кетди. Шайдонликлар одам бўйидан баланд қор орасидан қўни-қўшнилариликка йўлаклар очишди, машиналар қатнови тўхтади. Таъминот оғир аҳволда қолди. Санаторийда медицина ва маориф ходимларининг қўшма мажлиси чақирилиб, бу мураккаб масала муҳокама қилинди.

Икки юзидан қон томиб турган юм-юмалоқ Маҳкамбойнинг гапига қараганда, омбордаги маҳсулот узоғи билан бир ҳафта-ўн кунга етар экан. Йиғилганлар бамайлихотир ўтиришар, ҳеч кимдан садо чиқмасди. Бозорбой ҳайрон: «Эрта-индин ҳамма нарса тугаса, катталар майли-ку, соғлиги заиф болаларнинг аҳволи нима кечади? Шуни кўра-била туриб бу одамлар нега индашмаяпти?!»

— Менимча, аҳволни зудлик билан юқори ташкилотларга маълум қилиш, нимадир чора қилиш керак, — деди у сўз олиб.

— Тўғри таклиф, бугундан эртанинг ғамини емасак, қийналиб қолишимиз аниқ, — Бозорбойни қўллади Покизахон.

— Бунча ваҳима қиласизлар?! Оламга ўт кетгани йўқ-ку! Юқоридагиларнинг биздан бўлак ҳам ташвишлари кўп, — эътироз билдирди бош врач. — Маҳкамбой ишончни оқлайдиган пишиқ бола. Унинг «бир ҳафта»си кам деганда бир ойни боқади. Омбордаги маҳсулотларни тежаб-тергаб сарфлаб турамиз. Осмоннинг таги тешилиб кетмагандир, тиниб қолар бу қор ҳали!..

Бошқаларнинг индамай ўтиришлари-ю, бош врачнинг бундай осмондан келиши сабаби Бозорбойга аён эди. Санаторий деганлари медицина муассасаси! Бу ерда ҳал қилувчи гапни медицина ходимлари айтади. Маорифчилар эса ўлганининг кунидан, сабаби тирикчилик учун юрган одамлар. Уларга биров кулоқ осиб ҳам ўтирмайди...

Бозорбой шу ҳақда ўйлаб, пешонаси тиришиб, кунни бўйи ғалати аҳволда юрди. Кечга томон болаларни навбатчи ҳамширага топшириб, корпусдан узоқлашган эди, орқадан кимдир қақираётгандек бўлди. Ўгирилиб қараса, Покизахон.

— Бозор Эминович, ростданам эшитмадингизми, ёки эшитмаган киши бўлиб кетяпсизми? — етиб келиб, унинг қўлтиғидан тутди аёл. — Қачон кўрсам, нималарнидир ўйлаганингиз-ўйлаган.

— Мен учун гап эшитмадингизми? — сўради йигит.

— Нимасини айтасиз, бош врачдан балога қолдим! Мажлисдан кейин қақирволиб, қилган дағдағалари... «Зиммангиздаги иккинчи вазифа — бош тарбиячиликни мутлақо ташлаб қўйгансиз», дейди. Ахир мен бунга маош олмасам, одам йўқлиги учун ишлаб турган бўлсам.. Бу ҳам етмагандек, яна бир талай топшириқларни бўйнимга юклаб ташлади... — Покизахон кетаётган йўлида тўхтаб, Бозорбойнинг кўзларига тик боққанича, — фақат ростини айтинг, Бозор Эминович, — деди. — Бош врач зуғум қилганида менинг ўрнимда бўлсангиз сиз ҳам қўллармидингиз?

Ноқулай аҳволда қолган йигит анча жойгача индамай борди. Аёл эса жавоб кутарди.

— Агар қўйган талабингиз тўғри, ўзингиз ҳақ бўлсангиз, албатта...

— Сиз қўйган талаб унчалик тўғри бўлмаса ҳам мен орангизга тушдим-ку! — уни қийин-қистоққа олди илмий бўлим мудир.

— Қанақасига ноҳақ эканман?

— Бу ерда янгисиз, Бозор Эминович, кўп нарсаларни билмайсиз ҳали. Айтайлик, бу ҳозирги шароитдан фойдаланиб ўмариб қолиш учун омбор мудир билан бош врач ўйлаб топган мушук-сичқон ўйини бўлса-чи?

— Унда мени қўллашингизнинг нима ҳожати бор эди? — бўғилди Бозорбой.

— Қўйинг, ҳозир гаплашмайлик, шундоқ чиройли кетаётганимизда орамиздан қора мушук ўтиб юрмасин, — майин овозда деди Покизахон.

У алоҳида қурилган, анча хилват жойдаги икки хонали коттеж — уйда яшарди. Бозорбой ҳар галгидек эшикдан қайтмоқчи эди, аёл қўймади. «Бир пиёла чойимни ичиб кетмасангиз, қаттиқ хафа бўламан», — деб туриб олди. Бир пиёла чойгина эмас, Покизахоннинг шинам ички хонасидаги стол ясатиғлик, ҳовури босилмаган таомнинг хушбўй ҳиди димоққа урилар эди. Чамаси, у тарбиячиларнинг тунги ишларини назорат қилишга чиқишдан олдин уйида жиддий тайёргарлик кўрган, Бозорбойни қўярда-қўймай олиб киришида жон бор экан.

— Ҳайрон бўлманг, Бозор Эминович, бугун марҳум эримнинг туғилган кун. Кўнгил яқин бир инсон билан суҳбатлашиб ўтиргим келди-да, мениям! Аёл столдаги шишалардан бирини очди.

— Марҳум эрингиз? — беихтиёр сўради Бозорбой.

— Алам қиладиган воқеа. Эрим ҳарбий киши эди, — ҳикоя қила бошлади Покизахон. — Тўйдан кейин умримиз сафарда, асосан чет элларда ўтди. Фарзанд кўрмадик. Ватанга қайтгандан кейин, деб, ўзи йўл бермади. Охири шунақа бўлишини билса-ку!.. Унинг овози титраб кетди. — Қирғин келсин ҳозирги қуролларигаям! Бир ёдгорлик қолиши керак эди-да, шўрликдан! Лоақал жасадини тополмадик!.. Бир кафт тупроқни дафн этганмиз. Одамлар буни тўғри тушунса кошкийди. Ёлғиз қайтиб келганимни кўриб нималар дейишмади. Ҳатто энг яқинларим ҳам... Қайнонам бир гал бетимга: «Яхшининг шарофати, ёмоннинг касофати», деса бўладими!.. Шу заҳоти уйдан чиқиб кетдим. Маҳалламиз тугул шаҳарга ҳам сизмай қолдим. Яхшиям педагоглик касбим бор экан, мана шу овлоқдан нажот топдим. — Покизахон чуқур тин олиб, анча жим қолди. Бозорбой нима дейишини билмай ўтирарди. Аёл кўнглини бўшатиб олгач, осойишта ҳолда давом этди, — биз — хотинларнинг бошимизда, яхшими-ёмонми, бир посбон турмаса қийин экан: ит ҳам, бит ҳам эргашиб, гап ташлайверади...

— Шуларнинг биттаси биз?! — кулиб деди Бозорбой.

— Бозор Эминович, сиз бўлсангиз кошки эди, — дангалига кўчди Покизахон ҳам. — Кўнглингизга оғир олганингиз учун бу гапни очик айтяпман. Жиддий ҳаётни ўйлаб, инсонийликни ўртага қўйиб гаплашадиган эркаклар, хафа бўлмайсиз-у, йўқ ҳисоби! — Покизахон яна ҳаяжонланиб кетди. — Бировга ҳасратларингни очик айтолмасанг. Сал ишора қилсанг бузуққа чиқаришса. Бош врач сингарилар эрмак учун орқангдан юришса, амалидан фойдаланиб, сени қийнаса...

— Вой ифлос-эй, бунақа одатлариям борми, ҳали?! — ғижинди Бозорбой.

— Кечиринг, Бозор Эминович. Қўярда-қўймай таклиф қилиб, сизни ҳам ҳасратларим билан тўйдириб юбордим! Келинг, энди хафагарчиликлардан ҳам, ишдан ҳам гаплашмайлик...

Аммо мавзу бора-бора яна ишга келиб тақалди.

— Ҳалиги зорланиб ётган пакана омборчи бор-ку, — деди аёл гап орасида. — Олдинлари ҳам бир нави эди, мана энди тап тортмай ташийди. Қийин-қийин, болалар бечорага қийин. Кўрдингизми, бугунданоқ берилаётган овқатларнинг мазаси қочди...

— Мен-ку, ўзингиз айтганингиздай, янги бўлсам. Шунча йиллардан бери кўра-била туриб қандоқ чидаб юрибсизлар?! Яхшиси, кўрмаям-куймаям деб, бу ердан шарт кетиш, ё бўлмасам...

— Курашиш керак, — йигитнинг дамини кесди Покизахон. — Кўриб турибсиз, жимгина ўтирганим йўқ, аёл бошим билан...

— Сизни қўлладим, демоқчисиз?! — ўзини тутолмади Бозорбой. — Яхшиси, биз ҳам мушук-сичқон ўйнаб ўтирмай, очикчасига гаплашайлик. Халқ назоратчилари группаси раиси, деган партия топшириғим бор. Эртагаёқ группа тузиб, болалар таомлари сифатини, унинг кетидан санаторий омборларини би-ир назоратдан ўтказайлик-чи! Партия ташкилоти секретарисиз, сиз ҳам бу ишдан бош тортмасиз?! Яхши ётиб-туринг, хайр...

Бу ердан чиқиб шахт билан тоғасининг уйига кириб борган Бозорбой яна бир кўнглисизлик устидан чиқди. Қазию қарта босилган бешбармоқни ўртага қўйиб, тоғаси билан Маҳкам-юмалоқ яримтани майдалаб ўтиришарди. Уй бурчиди — кўринарли жойда бир бутун қўй, пачкаси бузилмаган сарёғ, яна қоғозга ўроғлик аллақанча нарсалар уюб ташланганди.

— Э, келсинлар, «шерюрак» йигит, қани юқорига ўтсинлар, — ўтирган жойида кесатиқ қилди омборчи. — Ё завуч хотинникида зиёфат қуюқ бўлдимми?..

Бозорбой тушунди: орқасидан пойлаб юрган экан бу мараз. Ҳамма қилғиликларингни биламан, ғинг десанг шарманда бўласан, демоқчи. Уни коп-тоқдек тепиб юборишдан ўзини аранг тийган Бозорбой пойгакка чўкди.

— Маккамбойни яхши танирсан-а, жиян? Бу бола мени энг ишончлик қайниларимдан-да. Шуларминан алоқани маҳкам боғлаб юрорусанг кам бўлмайсан, — бешбармоқ устидаги қазу-қарталарни тўғраб-тўғраб, лаганни Бозорбойга яқин сурди тоға. — Мени десанг, Маккамбойни сираям хапа қима. Қани, ол, жиян...

Маҳкамбой ҳам орага гап қистириб қўйди.

— Бозорбой маладес, мени ёқлади. Лекин баъзида ўйламай гапириб юбориш одати бор экан. Етти ўлчаб бир кес, дейишади. Ота-буваларимизнинг бу гапини унутмаслигимиз керак. Мен ўз ишимга пишиқман, мана, ука, кўриб қўйинг, омборда нима бору қанчага етади...

Бозорбойга биринчи бор, худди мана шу жойда тоғасининг қилиғи ёқмади. «Биз — тоғликлар ундаймиз-бундаймиз» деб кўкрак кериб юрадиган полвон тоғаси ҳам охир-оқибатда нафсидан илинипти. У жаҳли чиққанини сездирмай, ғирт маст омборчининг «хомчўт»ини чўнтагига солди-да, қаттиқ чарчаганини айтиб, ётоғига кириб кетди...

Бозорбой учун гап оғизнинг ели эмас. Ё кучи етгунча текшириб, ҳақиқий аҳволни аниқлаши ёки ишдан бўшаш учун ариза ёзиш керак. Туни билан тузиб чиққан режасини амалга оширишга киришишдан аввал бош врачга учрашиш лозимлиги ёдига тушди. Акс ҳолда шу «ўзбошимчалик»нинг ўзи санаторийдан кетгунича татигулик кўнгилсизлик чиқариши, бош врачга яхши дастак бўлиши турган гап.

Комиссия тузиш ҳам осон кўчмади: ғалвага бош қўшишга ҳеч кимнинг тоби йўқ эди. Барибир Покизахон жонига оро кирди. Медицина ходимларидан ҳам бир мард топилди. Шундай қилиб, Бозорбой тузиб, ўзи бош бўлган уч кишилик тафтишчилар иш бошлади. Уларга тўсиқ бўладиган куч дастлаб йўлиқмади — бош врачнинг тоби қочиб қолган экан. Нонушта ва тушлик пайтларидаги текширишларнинг ўзиёқ аҳволни маълум қилди-қўйди. «Об-ҳавонинг инжиқлиги», «табиатнинг ноқулай келиши» болалар ризқини қоқ ярмига камайтириб юборган эди. Акт тузилди. Навбат омборларга келди. Тафтиш исини сезиб қолган Маҳкамбой омборларга қўшалоқлаб қулф уриб, қаёққадир ғойиб бўлибди.

Бундай пайтда Бозорбой қандай йўл тутишни яхши биларди. У ўз итоатидаги юқори синф ўқувчиларидан энг моҳир «изқувар»ларни ишга солди. Маҳкамбой кушхонада — Карим тоға паноҳида ширакайф ўтирарди. Манман деган ревизорларнинг қўлидан бутун чиқиб кетган омборчи анойигина кўринган назоратчиларни мемсимадими, кўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутдими, дастлаб ҳамма омборларнинг эшикларини ланг очиб ташлади.

— Марҳамат, менга барибир, Қирғизбой акамга юзиқора бўлганларинг қолади. Аввал у одамнинг олдидан ўтиш керак эди, — деди писанда қилиб.

Аммо биринчи омбордаёқ текширувчиларнинг анойи эмаслиги маълум бўлди. Бир кунлик озиқ-овқат учун ажратилган маҳсулот, омборда қолганию, ҳужжатдагиси орасида чиққан тафовутлар болаларнинг ярим ризқини «ноқулай об-ҳаво» эмас, Маҳкамбой ўмариб қолаётганини исботлаб берди.

Бош врач чақиртирган экан, Бозорбой қабулхонага кирди-да, Қирғизбой акага рўпара бўлди.

— Ҳар кимнинг ишига бурнингни суқавергунча, орқангдаги шалтоғингни тозалаб олсанг-чи! — деди бош врач Бозорбойга кўзларини чақчайтириб.

— Қанақа шалтоғим бор экан?..

— Э, қўйсанг-чи... Энг яқин одамларингга нима каромат кўрсатдингу, бизга дўст бўлармидинг! — Бозорбойни гапиришга қўймади у. — Хуллас, ука, Қорабой раис сени бекорга шумқадам демаган экан. Карим қассобниям юзини ерга қаратдинг-а! Аллакимлардан қолган бир эрсиз аёл билан қўлтиқлашволиб!.. Одам деганда сал андиша, каттага, раҳбарга ҳурмат бўлиши керак-да, — гапини насихатомуз давом эттирди у. — Ахир тобим қочиб ётган бўлсам. Сулаймон ўлди, девлар қутулди, экан-да!

Ғишт қолипдан кўчган, Бозорбой ўзини зўрға босиб турарди.

— Сиз тегишли чора кўрмасангиз, юқорига хабарлашга мажбурмиз!

— Ўпкангизни босиб гапиринг, — энди сизсирашга ўтди бош врач. — Хўп юқоригаям хабарладингиз, дейлик. Шу билан бирор нарса ўзгариб қолади-ми?..

Қирғизбой ака гапдан тўхтаб, тўғри айтяпманми, дегандек, суҳбатдошига тикилди. Бозорбой хомуш тортиб, гўё қилмишидан пушаймондек ерга боқиб ўтирарди.

— Шикоятингиз район оқсоқолининг қўлига тегар, нари борса министрликкача етар. Нима, уларнинг томоғи, нафси йўқми?! Ёки райкомга янги келган биринчи секретардан умид қиляпсизми? Уям ҳозирча, ўзини кўрса-

тиш учун елиб-югуриб юрибди, ёнига керакли одамларини тўплайпти. Ебичишимга тўғаноқ бўладиган мухолиф қолмасин, деб шундай қилипти. Библиб кўйинг, сизга ўхшаганлар умидвор бўлиб юрган Мухтор Ҳакимовичингиз Омонтой аканинг йўриғига юрмас экан, ёзга етса ҳам кузга етмайди. Мана, мени бир айтди дерсиз...

— Лўндасини айтинг, нима қилишим керак? — деди Бозорбой тоқати тугаб.

— Анови аёлминан айшингни суриб, ўз ишингни жимгина битириб юрар, — хулосага кўчди бош врач. — Санаторийнинг бошқа ташвишларини ўзимиз бир амаллармиз.

— Маслаҳатларингиз учун раҳмат, — Бозорбойнинг овози истехзоли эди. — Сизга очигини айтиб қўя қолай, бошлаган ишни чала қолдириш ёки ярим йўлдан қайтиш одатим йўқ...

— Тушунарли, — гапни калта қилди бош врач ҳам. — Қани, бўшат хонани, оёғинг етган жойгача шикоят қилиб боравер!..

Бозорбой кўчага чиқса, Покизахон нари-бери юриб кутиб турган экан.

— Нимага чақиртирибди? — сўради у ташвишланиб.

— Бетимга тупуриш учун!..

— Йўғ-э, нималар деяпсиз?!

— Актларимизни майдалаб, ахлатхонага ташлагани — бетимизга тупургани эмасми?!

— Вой юзсиз-эй! Унинг қўлидан ҳар қанақа аблаҳлик келади. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди бу тоифадагилар. Аммо, Бозор Эминович, кўнглингни чўктирманг, кўтарган масаламиз ҳақ бўлгач...

— Ҳаммаси бир гўр шекилли, — қўл силтади Бозорбой болалар корпуси томон жўнай туриб. — Санаторийсиниям, бошқалариниям шу ярамасларга ташлаб кетаман, шекилли...

Бозорбой Шайдондан ҳам умид узди. Иш вақти тугагач, шогирд болалар билан хайрлаша бошлади. «Мабодо қайта кўришмасак, саломат бўлинглар», деб қўйди овози титраб. Кўнгил яқин, ака-укадай бўлиб қолган йигитлар хайрон эди. Умар, Рустам, Нўмон, Бўрибой, Мансур бемаврид айрилиқ сабабини тушунолмай кўчагача чиқишди, устозни уйига кузатиб қўймоқчи бўлишди. Қаттиққўл бўлмаса осонликча қутула олмаслигига кўзи етган Бозорбой қоғоғини уюб, терс ўгирилди. Шундан кейингини йигитчалар чор-ночор хайрлашишди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун кўчалар кимсасиз эди. Қор майдалаб ёғарди. Бозорбой пальтоси ёқасини кўтариб олиб, ўзи доим қатнайдиغان сўқмоққа тушиб борарди. Атроф қалин дарахтзор эди. Қорнинг ғира-шира ёруғини айтмаса, тунлари бу сўқмоқ одатда зимистон бўларди.

Бозорбой энг хилват ерга етганида йўғонлиги уч-тўрт қулоч келадиган ёнғоқ кундаси панасидан қора бир шарпа чиқиб, у томон юрди. Чарм куртка кийган, оғзи-бурнини шарф билан танғиб олган йигитнинг ғўлабирдан келган бўй-басти Бозорбойдан пастроқ эди. Унинг чақнаб турган қисик кўзлари танишдек. Йўл ёлғизоёқ, атрофда одам бўйидан ҳам қалин қор. Нотаниш кимса йўлни тўсиб индамай тураверди. Унинг оғзидан арақ ҳиди анқирди.

— Утиб кетсак бўладими? — деди Бозорбой.

— Эртагаёқ Шайдондан қорангни ўчиришга сўз берсанг...

Бозорбойнинг жаҳли чиқди.

— Бордию, қорамни ўчирмасам-чи?

— Мана, бўлмасал!..

Бозорбойнинг юзига мушт урмоқчи бўлди нотаниш кимса. У чап берган эди, иккинчи мушти келиб тегди. Бозорбой учун бунақа «чакана» зарбаларни қайтариш чўт эмасди. У йўлтўсарнинг муштини осонгина қоқиб ташлади. Нотаниш кимса энди оёғини ишга солиб, бир-икки тепди. Ҳеч сабабсиз қилинаётган бу зўравонликлардан Бозорбойнинг бардоши тугади. У рақибининг пастки жағига зарб билан мушт туширди. Йўлтўсар ағдарилиб кетаётиб, қалин қорга суяниб қолди. Шу заҳоти ўзини ўнглаб, яна Бозорбойга ташланди. Икки йигит олишиб кетдилар. Нотаниш киши чалиш, ёнбошга олишининг эвини қиллолмагач, ётиб отар усулини қўллади-ю, ўзи Бозорбойнинг остига тушиб қолди. Шундай бўлса-да, у рақибини маҳкам қучоқлаб олган, сира

қўйиб юбормас эди. Бозорбой ногоҳ йўлиққан бу ёпишқоқ балодан қутулишга уринар экан, қандайдир қўл палтосининг орқа ёқасидан кўтарганини сезди. «Одамлар келиб қолгани тузук бўлди, — ўйлади у. — Энди ажрим қилиб қўйишар...»

Аммо бош кўтаргани ҳамано икки қошининг ўртасига тушган кучли зарб кўзларидан ўт чақнатиб юборди. Уларнинг яна бир шериги оёғига қаттиқ тепиб, уни ағдариб йиқитди. Уч йўлтўсар унинг дуч келган жойига беаёв ура бошлашди.

— Кўтарам бўлсин, бўғизлаб Наволисойга оқизиб юборамиз! — деди бири.

— Унда боши билан хотига яхшилаб теп! — деди иккинчиси.

Шу дам яқингинадан аёл чинқириғи эшитилди:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам...

Уч йўлтўсар бир зум чалғиб орқага ўгирилган эди, пайтдан фойдаланиб Бозорбой ўрнидан туриб олди. Йўлтўсарларнинг қочиб қолишдан бошқа чораси йўқ эди. Улар ўнгдаги тик қиялик — Наволисой ёққа сакраб-сакраб тушиб кетдилар.

— Бозор Эминович, ярамаслар қаттиқ шикаст етказишмадимми?! Қандай қилиб буларнинг ўровига тушиб қолдингиз-а?! Нега болалар илтимосини рад этдингиз — кузатиб қўйишларига кўнмадингиз?! — Покизахон гапира-гапира йигитнинг қўлтиғидан суяб уйига бошлади. Ҳозир телефон орқали врач чақирамиз, милицияга хабар қиламиз! Мен биламан, бу ишда анови пакана ғаламисдан тортиб, бош врачиям қўли бор...

— Қўйинг, Покизахон, айб ўзимдан ўтди, қўрслик қилдим. Тоғамникига бора қолай, хавотир олиб ўтиришгандир, — деди Бозорбой.

— Қўрқманг, бўйнингизга осилиб олмайман! — аёлнинг овози жаҳл билан янгради. — Жилла қўрмаса, юз-қўлингизни ювиб, сал одамбашара бўлволинг. Тоғангиз ҳам авлиё эмас. Хафа бўлмангу, очигини айтсам, шуларнинг шериги. Майли, ҳозир гинахонликнинг мавриди эмас, кийим-бошингизни ечиб ваннахонага кирақолинг.— Итоат қилишдан бўлак иложи қолмаган йигитга астойдил парвона бўлаётган аёлнинг овозида энди меҳрибонлик оҳанги ҳукмрон эди. — Группангиз болалари билан суҳбатлашиб, анча ушланиб қолмаганимда олдинроқ етиб келармидим, сизни бунчалик аҳволга солишларига йўл қўймасмидим, — ҳамон тинмай гапирарди аёл. Бозорбой индамасди-ю, бу аёлга нисбатан қалбида фақат... фақат, чексиз миннатдорлик туйғуларини сезар, у нимани таклиф қилса гап-сўзсиз бажарарди. Бозорбой ювиниб, «одамбашара» бўлиб олгунча аёл унинг кийимларини тозалаб, йиртилган жойларини ямаб қўйди.

— Нариги хонада жой тайёр, яхши ётиб туринг...

Бозорбой яна индамай кўнди. Бир томондан бу аҳволда тоғасига кўрингиси йўқ эди, қолаверса, Маҳкам-юмалоқ танда қўйиб қолган хонадонга оёғи тортмас эди...

— Яхши ухладингизми, Бозор Эминович? — деди йигитнинг юз-кўзига разм солганича аёл хушнуд қиёфада. — Врачлардан камлик жойимиз йўқ экан, чивин чаққанчалик ҳам ўрни қолмабди...

Аслида ҳам Бозорбой «эти яхши»лар тоифасидан эди. Баданига бирон шикаст етса, жароҳати тез кунда битарди. Бу галги зарбалар оғир бўлганлиги учун, ҳали аслига келмаса-да, юзи ва бошидаги шишлар қайтган, пешонаси, чаккаларида ёрилган жойлардаги қон қотган эди.

— Хўш, шогирдларингизга ваъда берганингиздек, энди биз билан хайр-хўшлашасизми? — сўради аёл нонуштадан сўнг. Жавоб кутиб ўтирмай, шу заҳоти қўшимча қилди, — сиз жўнаворсангиз ҳам, биз бошланган ишни охирига етказмай қўймаймиз...

Аёлнинг «жўнаворсангиз» дегани йигитнинг қулоғига «қочворсангиз» бўлиб эшитилди.

— Кечқурунги йўлтўсарларга бошқача ваъда берганман, ҳозирча жўнавормайман...

Бозорбой сўзини тугата олмади, эшик тақиллаб очилди-да, Карим тоға билан Маҳкам-юмалоқ олдинма-кетин кириб келишди.

— Жиян, аҳволинг тузукми? Сенга жавр қилган энағарларнинг бурнилари-ни обдан ерга ишқаладим. Узлариям кўчада туришибди, шумшайишиб. Кеча ичиб шер бўлволишганакан-да! Кечирмас эдим-ку, Маккамбойни жигарлария-кан: бири укаси, бири жияни, яна бири қайниси... — Карим тоға энди кўриб тургандек, Покизахонга юзланди. — Кечирасан, қизим, мени укаларим сал ҳазил қипти...

— Бунақа ҳазилнинг охири зил бўлади! — деди Покизахон жаҳл билан...

— Кечирасан, қизим, — семиз кафтини кўксига қўйган қассоб яна Бозорбойга қаради. — Юр, жигарим. Кеча бормаганингга янганг, укаларинг хаво-тирланиб ўтиришибди...

Эшикдан аввал Маҳкам-юмалоқ чиқди, унга Карим қассоб инқиллай-син-қиллай эргашди. Уларнинг ортидан Бозорбой ҳам оғир кўзгалди.

— Бирпас шошманг, Бозор Эминович, — уни тўхтатди Покизахон. — Ўзингизга келиб олгунингизча сизга рухсат. Бу ердан батамом кетишни эса хаё-лингизга келтирманг. Болалар ҳақини топиб бериш учун текширувчилар кел-ганда бизга ёрдамнингиз керак бўлиб қолади. Биласиз-ку, ҳақ ишни ҳимоя қилиш учун ҳамма ҳам оёқда маҳкам туролмайди.

Бозорбой бошини силкиб унинг сўзини маъқуллади...

* * *

Мухтор Ҳақимович тоғнинг чап қанотидаги чорва саройлари, қўй ферма-ларини айланиб чиқди. У куни бўйи отдан тушмаганлиги учун қаттиқ толиқ-қан бўлса-да, қабулхонага бирров кириб ўтиш учун йўл-йўлакай райком биносига бурилди. Зиналардан ҳорғин кўтарилар экан, ўқтин-ўқтин ганди-рақларди. Кабинетга қадам босди-ю, ўзини ўриндиққа гурсса ташлаб, боши-ни столга қўйди. У беихтиёр мизғий бошлаган экан, Мухтор Ҳақимович, деган заиф товуш қулоғига чалинаётгандек бўлди. Бошини кўтариб, қарши-сида беозоргина турган Нозим Козимовичга кўзи тушди.

— Бюро номига ташвишлироқ маълумот келган экан, шу ваядан сизни пойлаб ўтирувдим...

Мухтор Ҳақимович қоғозга ҳорғин кўз югуртирди. Шу заҳоти қошлари чимирилди. Борлиғини қамраб олган чарчоқ зумда йўқолгандек бўлди. У бўлим мудирига юзланиб, ҳаяжонли овозда деди:

— Ҳозироқ кабинетингизга киринг-да, бюро аъзоларининг уй-уйларига кўнғироқ қилинг! Эртага соат ўнда навбатдан ташқари бюро мажлиси ўтка-зилади. Кетмай, мени кутиб ўтирганингиз учун раҳмат!

Нозим Козимович эшикни ташқарига очиш ўрнига ҳадеб ичкарига тор-тарди. Аппарат ходимларига, шахсан ўзига биринчи секретарь «раҳмат» дегани-ни у илк бор эшитиб туриши эди! Бўлим мудури довдирай-довдирай чиқиб кетгач, Мухтор Ҳақимович телефон трубкасини кўтарди:

— Йўл бошқармасими, бошлиқ қаерда? Уйда... — секретарь бошқа труб-кани қўлига олди. — Менга Абдуқаюмовнинг уйини уланг! Салом, Ҳақимов-ман. Шайдон болалар санаторийсига элтувчи йўл тозаланганми?!

Биринчи секретарнинг муомаласида қатъият сезиларди.

— Тозалайпмиз, лекин улгуролмаяпмиз! У жой баланд тоғлар қуршовида, ўртоқ секретарь. Уша зонада қорнинг қалинлиги икки-уч метрга етди, усти-га-ушак тинмай ёғяпти...

— Гапни чўзманг, демак санаторий билан алоқа узилганлиги рост?!

— Узилмагандир, вертолётлар ҳар куни шу томонга...

— Ўртоқ Абдуқаюмов! Сизга даҳли бўлмаган гапни қўйинг, ўз ишингиз-дан гапиринг! — унинг сўзини кесди Мухтор Ҳақимович. — Эртага тонг отмас-дан энг кучли техникаларни шу участкага йўлланг! Аввал ишни изга солиб, соат ўнда бошланадиган бюро мажлисига етиб келинг!

Мухтор Ҳақимович, жавоб кутиб ўтирмай, бошқа трубкани кўтарди:

— Матлубот раисими?

Буниси ҳушёр экан, биринчи секретарни овозиданоқ таниб, жонсараклик билан жавоб берди:

— Ассалому алайкум, Мухтор ака! Хизмат, ака?!

— Эртага биринчи қиладиган ишингиз — кундалик тирикчиликка керакли

озиқ-овқат маҳсулотларини машиналарга юклатиш бўлсин! Миқдорими? Шайдон болалар санаторийсида қанча жон бор? Ҳа, баракалла, шунга лойиқ, ҳаммаси аниқ ҳисоб-китоб ва ҳужжати билан...

— Хўп, хўп, албатта! — ваъдани қуюқ қилиб юборди матлубот раиси. Вақт алламаҳал бўлганига қарамай, Боғистон район партия комитетининг биринчи секретари иш кабинетида яна анча қолиб кетди. У навбатдан ташқари чақирилаётган бюро йиғилишига ҳозирлик кўрарди...

Бюро аъзолари жамулжам бўлгач, биринчи секретарь ташкилий бўлим мудирига юзланди:

— Йўл бошқармаси бошлиғи келдими?

— Қабулхонада кутиб ўтирибди.

— Кирсин.

Абдуқаюмов хонада пайдо бўлди.

— Абдуқаҳҳор ака, Шайдон санаторийси йўлини тозалаш иши қандай боряпти?

— Энг кучли техникаларни шу томонга йўлладик, — деди бамайлихотирлик билан бошқарма бошлиғи.

— Узингиз-чи, нега хабар олмадингиз ёки ширин уйқуни кўзингиз қиймадимми?!

— Биз ҳам ишни ҳамма қатори соат тўққиздан бошлаймиз, ўртоқ секретарь, — бўш келмади Абдуқаюмов.

— Шунақа — фариштаман денг? — унга қаттиқ тикилди Ҳакимов. — Бизга тушган маълумотда ҳар йили фақат ҳужжатларда қор ёғади, деган гап бор-ку. Шу рост бўлса, ҳисоб-китоб қилишга тўғри келади. Тушунмадингизми? Бундан буёғига нормадагидан кўпроқ ишлаб, камроқ ухлайсиз... Абдуқаюмовга саволлар борми?

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Ҳозироқ ўша участкага жўнайсиз, — амалий гапга кўчди райком секретари. — Ишнинг бошида бўлинг! Санаторий билан бугуноқ алоқа боғланиши шарт! Бу — райком бюроси қарори, розимисизлар, ўртоқлар?

«Тўғри-тўғри» дейишди ўтирганлардан уч-тўрт киши.

Абдуқаюмов чиқиб кетгач, Ҳакимов ўрнидан турди-да, район партия комитети бюроси номига келган телефонограммани қўлига олди. Ҳаммага бир-бир назар ташлаб чиққач деди:

— Сизлар билан бирга ишлаётганимиздан бери қанчадан-қанча бюро йиғилишлари ўтказдик. Лекин бугунгиси алоҳида масала: Шайдон санаторийсидан ташвишли хабар, очиқроғи — бош врач устидан шикоят бор...

Омонтой Олтинбоевич шу заҳоти баралла оҳ тортиб юборди-да:

— Ифвогарлар ўлмади, биз қутулмадик! — деди ғазабланиб.

— Уша ифво хатни бизга топширинглар, — орага гап қистирди ички ишлар бўлими бошлиғи. — Иссиққина ўринга бурканволиб, ҳаммани нотинч қилаётган юртбузарни тавбасига би-ир таянтириб қўяйлик.

— Подадан олдин чанг чиқарманглар! — кутилмаганда уларнинг гапини бўлди Мухтор Ҳакимович. — Аввал ўзимиз қовун туширамиз-да, қарши чиққанларни, юқори ташкилотларга хабар берганларни сўкамиз. Шикоятни ўша ташкилотдаги бошланғич партия ташкилоти секретари йўллаган. Эгрилар учун бу йилги оғир қиш жуда қўл келган кўринади... — Мухтор Ҳакимович гапдан бир зум тўхтаб, район ички ишлар бўлими бошлиғига назар ташлади. — Шикоятнома район партия комитети бюроси номига йўлланган, унинг тақдирини ҳам шу ташкилот ҳал этади... Хўш, бугунги асосий масала юзасидан кимда қандай таклиф бор?

Кўпчилик гапирди. Баъзилар: «Тоғ оралиқларидаги аҳоли пунктлари, муассасалар қиш учун маҳсулотларни куздаёқ ғамлаб олишади. Маълумот ёлғон бўлса керак», дейишди. Айримлар эътироз билдиришди: «Эътибор бериш, зудлик билан текшириш лозим. Ахир бу ерда гап инсон тақдири устида боряпти...»

Биринчи секретарь барчанинг гапини эшитиб бўлгач, ўрнидан турди:

— Бўхтонми, ҳақиқатми — жойида ойдинлашади. Бир киши ҳозироқ санаторийга жўнайди. Аҳволни батафсил ўрганиб, тегишли чоралар кўриб масалани ҳал этгач, бюро аъзоларига ҳисоб беради. Хўш, нима дейсизлар?

— Бундай долзарб пайтда индамай туравериш, биз — район раҳбарларига ярашмайди, — салмоқланиб гап бошлади райижроком раиси. — Менимча, Шайдонга биринчи секретаримизнинг ўзи боргани маъқул. Савдо ташкилотларини ҳаракатга солиш, йўл бошқармасидан техника юборилишини таъминлаш, умуман бу масалага оид қолган барча вазифалар устидан назоратни мен ўз зиммамга оламан. Олдимизда турган ташвиш — битта санаторий эмас. Ҳозир айна қаҳратон қиш, фермаларда аҳвол оғир, яна ўнлаб долзарб ишлар эгаларини кутиб ётибди. Бошқа ўртоқлар шу вазифаларни бажариш пайдан бўлмоғи даркор.

— Тўғри, жуда тўғри таклиф, — деди уч-тўрт овоз бараварига. Мухтор Ҳакимович эътироз билдирмади-ю, бошқалар шоҳида юрса, Омонтой Олтинбоевичнинг баргида рақс тушишини ҳис этди.

— Жуда яхши таклиф, мен ҳам розиман, — деди хотиржамлик билан. — Аммо Шайдонга етиб олиш учун бугун Омонтой Олтинбоевичнинг қўшёқлама рортадиган машинасидан фойдаланишга тўғри келади, шекилли?

Райижроком раиси бир зум иккиланди-ю, дарҳол ўзини ўнглаб олиб: — Бир оғиз гапингиз, Мухтор Ҳакимович? — деб юборди.

Шайдонга жўнаш олдидан Ҳакимов уйига кириб, йўл тараддудини кўрди. У эгнига сув юқмас шим-камзул, куртка, оёғига ҳарбийча этик, бошига эскирган қалпоғини кийиб оддийгина йўловчи бўлди-қолди. Хотини уни одатдагидек жилмайиб кузатмоқчи эди, Ҳакимов ишни деб сўнги кунларда деярли уйдан оёғи узилиб қолганидан, буни эплай олмади: кўзларидан тирқираб чиққан ёш юзидаги табассумни босиб кетди...

Район марказини ортда қолдириб физиллаганча бораётган «УАЗ—169» тоғ тепасигача жиддийроқ қийинчиликка дуч келмади. Йўл яхши тозаланган, қарама-қарши юраётган машиналар бемалол ўтишарди. Эрмак учун учқунлаб турган қор тинди. Булутлар чок-чокидан сўкилиб, тип-тиниқ осмон кўринди. Салдан кейин кўк юзи буткул очилиб кетди. Қўёш тепаликлар, чўққилар орқасига беркиниб-беркиниб мўралайди. Янги ёққан қор зарраларининг живир-живири кўзни қамаштиради. Теварак-атрофда сукунат. Тўхтовсиз баландлаша бориб гердайган чўққиларга уланувчи бепоён далалар, сою қирлар карахт, гўё қиш уйқусида мудраётгандек. Анча баландда ёввойи каптарлар мажолсиз қанот қоқиб, қаёқларгадир сассиз-садосиз учиб кетишмоқда. Уларни тусига қараб, кўккаптар дейишади. Бу йилги қаҳратон қиш ҳукмикин, кўккаптарлар ҳам оқкаптарларга айланиб кетаёзганди: мажолсизланса ёввойи каптарларнинг ҳам ранги оқариб кетаркан, шекилли. Узоқ-узоқларда, қад керган тоғлар этагидаги сайхонларда қумурсқа каби ғимирлаб юрган тирикжонлар кўзга чалинади. Одатда, ёввойи ҳайвонлар тунда овга чиқишарди. Мухтор Ҳакимович машина ойнасидан тикилиб, таниди: думларини судраб юрган йирикроқлари бўри, уларга изма-из, қарама-қора келаётганлари тулки. Думсиз, думалоқ шаклдагилари тўнғиз ёки кийиклар. Жами даррандаю паррандалар оч қолганлиги туфайли куппа-кундузи изғишар, бирон егулик излаб, қор кўмиб юборган буталар, арчалар атрофларида кезишар, бир-бирларининг пайдан бўлишарди. «Қўлимиздаги чорва молларини-ку, амаллаб боқармиз. Анови бечораларга ким кўмак беради? Қиш шу зайлда давом этаверса, битта қолмай ҳаммаси қирилиб кетиши мумкин!..»

— Бошланди!

Хаёл оғушида бораётган Мухтор Ҳакимович аввал шофёрнинг гапига тушунмади.

— Нима, а?

— Бошланди, деяпман. Бундан буёғида йўлсозларнинг кирдикорларини кўраверасиз!

Мухтор Ҳакимович сергакланиб, олдинга қаради. Йўл чала-чулпа тозаланган, машина баъзи жойлардаги «қор исканжаси»дан зўрға ўтиб борар эди.

— Аҳвол шу бўлса, «Катта довон»га ҳам етолмасак керак...

Катта довон! Бу Мухтор Ҳакимович орзу қилган манзилга элтувчи масофанинг энг қийин марраси. Бурнинг ерга тегай деб эмаклайверсанг-у, манзил кўринавермаса қийин экан. Машаққатлар обдан эзиб юборганда, аниқроғи — жон кўзга кўриниб қолганда инсон беихтиёр бир нарсани орзу қиларкан:

«Қачон бу балолардан қутулиб, равон йўлга тушаркинман!» Шу дам Мухтор Ҳақимовичнинг ҳам ҳолати шундай эди.

— Сафаримиз қариди! — деди шофёр ҳафсаласи пир бўлиб. Каттагина майдонда тракторлар, бульдозерлар, грейдерлар жой-жойида ҳаракатсиз турар, бир-иккитаси наридан-бери йўл тозаларди. Олдинда эса яхлит қор уюлиб ётар, ингичка ёлғизоёқ йўл илонизи бўлиб илгарилаб кетганди, холос.

Мухтор Ҳақимович машинадан тушди. Ғазабланганидан унинг ранги ўчганди. Бир четдаги вагон-уйдан қаҳқаҳа, сўкиниш баралла эшитилиб турарди. Райком секретари жаҳл билан бориб эшикни очди. У ерда беш-олти киши давра қуриб, қартабозлик, маишат қилишарди.

— Ҳормасинлар, «қўл касал» бўлса биз ҳам қўшилалик! — Мухтор Ҳақимовичнинг кўзларида ғазаб алангаси чақнаб, қаршисидагиларни беаёв куйдираётгандек эди. — Фирт аҳмоқ экансанлар!..

— Навбат билан ишлаётгандик, — минғирлаб ўзини оқламоқчи бўлди бульдозерчилар бригадири. — Баравар қор суришга барибир имкон йўқ, йўл торлик қилади...

— Қандай қилиб бирийўла ишлаш кераклигини мен ўргатайми сенларга? — Мухтор Ҳақимович жаҳлдан тушай демасди. — Шайдон санаторийсигача бўлган масофани тенг тақсимлаб оласанлар-да, баравар ишлайсанлар. Ҳозироқ энг зўр грайдерчи бир техника сиғадиган йўлни суриб то санаторийгача кетаверади, қолганлар унинг ортидан ўз улушларини яхшилаб тозалашга киришади. Сиз эса, — Мухтор Ҳақимович қўлини бигиз қилди, — ишни тақсимлаб бўлгач, ўзингиз ёрдам бериб, назорат қилиб турасиз, тушунарлими?! Йўлнинг кўндалангига қараб қор сурасизлар, токи қарама-қаршидан келади-ган машиналар қийналмай ўтиб кетаверадиган бўлишсин...

— Тушунарли-ю, — бригадир фикрини очиқ айтолмай чайналди.

— Хўш?

— Тозаланган йўлларни торроқ бўлса ҳам, аввал ўзаро улаб санаторийга транспорт қатновини таъминлаб қўйса-да, кейин қорни кўндалангига суришга киришса-чи?

— Бўпти. Шундай қилинлар! — деди Ҳақимов сал юмшаб. У нарироқда турган шофёрни чақирди. Йигит югуриб етиб келди.

— Сиз айтган «Катта довон» ҳали олисмиди, санаторийгача яна қанча масофа қолди? — сўради райком секретари.

— Довонгача беш-олти чақирим, нарёғи, чамаси, яна шунча чиқса керак. Бу тахминни бульдозерчилар ҳам тасдиқлашди.

— Энди сизга жавоб, аммо яна бир топшириқ бор, — шофёрга тайинлади Мухтор Ҳақимович. — Тўппа-тўғри йўл бошқармасига борасиз-да, Абдуқаюмовга кўрганларингизни батафсил тушунтирасиз. Менинг номимдан тайинлаб айтинг, дарҳол етиб келиб, ишнинг бошида турсин. Агар оғринмасангиз, йўл очилгач, санаторийга боринг.

— Албатта етиб бораман, Мухтор Ҳақимович!

Шофёр машинасини чаққон буриб, ғизиллатиб ҳайдаб кетди. Мухтор Ҳақимович эса «Катта довон» сари пиёда жўнади. У илгарилаб борар экан, йўл тозаловчилар билан мулоқотдан хижиллик туяётгандек бўлди. Лекин юқорига чиқиб ўгирилиб қараганида, техникалар жадал ҳаракатга тушганини кўргач, кўнгли сал ёришди. Чамаси, биз бир-биримизни тўғри тушуниб олдик, хафа бўлишмайди, деб ўйлади.

Мухтор Ҳақимович аслида босиқ, камгап эди-ю, бир қизишиб кетса баъзан ўзини тутолмай қоларди. Райкомнинг биринчи секретарлиги вазифасига келганида шу сабабдан дастлаб айрим масалаларда «қош қўяман» деб «кўз чиқариб» юрди. Шахсий чорва, томорқа масалаларида қаттиққўллик қилди. Назоратни кучайтириб, ошиқчаларини давлатга ўтказдириб юборди, алдамоқчи бўлганларни қаттиқ жазога торттирди. Ҳатто бир «ўзбошимча»нинг дарахтларини суғуртириб, ерини ҳайдатиб ташлади. Натижада районда чорва моллари сезиларли камайди, отлар эса хонадонларда қолмади, ҳисоб. Бозорларда мева-чева ҳам тақчиллашиб, нархи кўтарилди.

Тоғ ва тоғликлар ҳаётида табиатнинг ўзи расмийлаштирган удум, қонун-қоидалар бор. Дарахти кам — яйдоқ қир-адирлар чорваники, у ерларни ўрмонга айлантириш учун чиранишдан наф йўқ. Қилинган меҳнат ҳам, сарф-

ланган маблағ ҳам бекор кетади. Ҷурмонга мол ҳайдаш бундан баттар зарар келтиради. Тоғ зўрликни кўтармайди, унга авайлаб муомала қилиш, силаб-сийпаб ийдириш керак...

Шундай кунлардан бирида тоғ орасидаги қишлоққа бориб, чойхонада чоллар билан суҳбатлашди, уларнинг кўнглини билгиси келди.

— Ота, ҳалиям кўпқари чопиб турибсизларми? — сўради у ёнбошлаб олган, бошига тумоқ кийган қариядан.

— Қизиқмисан, кўпқар қайда? — унга ҳайрон боқди мўйсафид. — Райкомга Ҳақимовми, Ҳоқимовми деган бошлиқ келганакан. Тутаётган йўли чаккимас-у, елўпқароқ кўринади. Халққа қайишиши яхши, лекин жами зотли отларимиззи бошига етгани ёмон бўлди-да. Шунақа зотдор тулпорларимиз бори-ди... Ҳаммаси эссиз кетди, увол бўлди, аттанг! Авваллари кўпқар чопиб юрган йигитлар энди бурчак-бурчакда қартабозлик қилишвотти... «Отининг боши»ни сал тортса бўларди ҳовлиқмасдан...

Бу гап Мухтор Ҳақимовичга нашъа қилди. Шу куннинг эртасигаёқ у райком қабулхонасида қишлоқ оқсоқоллари, колхоз раислари, халқ вакиллари билан учрашиб суҳбатлашди. Маълум бўлдики, турмуш яхшиланиши учун кўп ишлар қилиниши керак экан...

Мухтор Ҳақимович ўша воқеаларни хаёлидан кечирганича «Катта довон» тепасига етиб қолди. Унг томонни, тўғрини яхлит харсанглар тўсиб ётар, ёлғизоёқ из эса нишабликка тушиб кетган эди. Ҳақимов орқасига ўгирилиб, яёв босиб ўтган йўлга назар ташлади. Кичик-кичик нуқталардек бўлиб қолган техниканинг ҳаммаси ғимирлар, уч-тўрттаси аста-секин олға сурилди. Буни кўриб кўнгли яна-да кўтарилган секретарь қозоқи телпак ичидек ўринда жойлашган санаторий сари тез-тез одимлаб кетди.

* * *

Бозорбой бундан буёғи Карим тоғасиникида яшашининг иложи йўқлигига кўзи етди. Тоға-ку, уни бошига кўтаради, янга ҳам ўз фарзандларидан кам кўрмайди. Аммо оила — оила экан-да, ота ва болалар, эр-хотин орасида аччиқ-санчиқ гаплар ўтиб туради. Карим қассобнинг бир одати қишлоқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача маълум: оғзининг қулф-калити йўқ.

— Мендан хапа бўмагин, жияним! — дейди у баъзан Бозорбойни ёнига чақириб. — Туғилган жойларим, туғишганларим хумори тутади! Ҳар замонда юрагимни бўшатвомасам, ўлиб қоламан!..

Устига-устак, тоғанинг қизлари... ҳаммаси ёқимтой, қадду қоматлари сарвдек тик, кўзга яқин. Бозорбой уларни ўзига туғишган сингил деб билади. Лекин қизлар-чи? Уларнинг кўнглини билиб бўлмайди. Бозорбой буларнинг ҳеч бирига аҳамият бермай юрганди, кутилмаганда омборчи билан ўша тунда — тоғасиникидаги учрашув... «Шундоқ зардали, шундоқ чўрткесар тоғам Маҳкам каламушнинг «садақа»ларига учиб, унинг ортидан ҳарсиллаб, сазойи бўлиб юргани нимаси?! Кошки эди омборчи ўз ёнидан бир мири сарфласа! Болалар ризқи ҳисобига кимсан — Карим полвонни ўз измига бўйин эгдириб олибди! Тфу!!»

Янги йил кирар кечаси юз берган воқеа Бозорбойнинг бўлган-бор бардошини ҳам тугатди. У муаллимлар даврасида бўлиб, уйга бир оз кеч қайтган эди, қассоб хўнг-хўнг йиғлаб кутиб олди. Тоғаси ҳар галгидан ҳам қаттиқроқ маст эди. Бозорбой уни амаллаб овунтириб, ухлатиб қўймоқчи эди, қани энди, кўнақолса. «Юрагимда бедаво дард бор, жиян. Шуни аввал сенга айтай, кейин ухлайман... Йўқ-йўқ, кейин оёғимни узатиб ўлай!» Шундан сўнг, «юрак дарди»ни очди: Жондек эгачим яшатмаган, қишлоғимда! Бу уй Бозоржонники, сен бошқа жойдан бошпана топ, деб, бувинг юзимга очик айтган. Уй-жой солай десам қайнатаран ер бермаган, жиян! Шундан кейин бу жойларни елкамни чуқури кўрсин, деб чиқиб кетганман. Агар менга салгина жон тортсанг, қизларимдан бирини танла. Оёқларингни ўпай, шу гапимни ерда қолдирма!.. Кейин мениам обкет, қишлоғимга. Туғилган жойимда ўлай, жигарим!..»

Тоғаси айтган бу гаплар Бозорбойни тамом довдиратиб қўйди. «Ё санаторий ётоқхонасидан жой оламан, ё бутунлай кетаман», — деган қарор-

га келди у. Шу куннинг эртасигаёқ бош врач ҳузурига кириб ётоқ сўради.
— Ҳалигача жойсиз юрибсизми, ҳозироқ хўжалик ишлари мудирига учрашинг, бўш коттеджлардан бирининг калитини берсин! — буюрди бош врач. Қирғизбой ака ярашиб олмоқчи шекилли, Бозорбой кабинетдан чиқаётганида ортидан: «Биз Карим акани ҳурмат қиламиз», деб, писанда қилиб ҳам қўйди.

Бозорбой коттедж олганини, бу ҳам ўзи орқали унганини эшитган тоға унчалик хафа бўлмади. Кеча кечқурунги «аҳмоқлик» учун, эзилган алфозда жиянидан кечирим сўради.

Алоҳида яшаб, кўнгли жойига тушган Бозорбой анча ўзига келиб қолди. Шундай кунлардан бирида у икки томони қалин дарахтлар билан тўсилган ўз «сўқмоғи»дан кетаётди:

— Ҳой биродар, бир минутга буёққа келинг, — деган товушни эшитди. Ўгирилиб қаради: йигирма қадамча нарида қоматдор, афтидан овчиларга ўхшаш бир киши турарди.

— Менга гапингиз борми? — деди Бозорбой қуруққина қилиб.

— Сиз, Бозорбой Омоновсиз, шундайми?

Бозорбой бир оз ҳайратланиб жавоб берди:

— Ҳа, мен!?

— Майли, кейин суҳбатлашармиз. Менга бош врач қабулхонасини кўрсатиб юборсангиз.

Бозорбой, меҳмонни анча жойга бошлаб бориб олисроқдан кўрсатди:

— Ҳув анави — дарахтлар орасидаги оқ уй...

— Раҳмат...

Бозорбой болаларга дарс тайёрлатиб ўтирарди. Кўнгли безовта, сабабини ўзи ҳам билмас эди. Шу пайт илмий бўлим мудирини ҳовлиққанча яқин келди-да, уни имлаб чақирди. Покизахон Бозорбойнинг икки қўлидан тутиб шивирлади:

— Қани, тез юринг, шўримиз қурийдиган бўлди!..

Бозорбой ҳеч нарсага тушуна олмай, Покизахонга эргашди. Улар узундан-узоқ пиллапоярлардан тушиб боришар экан, ҳаяжони баттар кучайган аёл энди йигитнинг қўлигадан олди-да, изтиробга тушиб деди:

— Райкомга шикоят қилгандим, ҳамма воқеаларни ёзгандим. Текшириш учун биринчи секретарнинг ўзи келибди!..

Бозорбойнинг бирданига юраги шувиллаб кетди: боягина учратгани — овчи кийимидаги киши кўз олдига келди. Йиғилиш ўтказилаётган жойга боргунларича ўзини қўлга олишга тиришди.

— Нима бўлса бўлар, ёзганларингиз ҳақ-ку, — деди у илмий бўлим мудирига таскин бериб.

Қабулхона одамга лик тўла эди. Бош врачнинг шундоққина қарама-қаршидаги икки ўриндиқ илмий бўлим мудирини билан Бозорбойга «мунтазир» турарди. «Энди бош врач билан кўзқочирар ўйнар эканмиз-да!» хаёлидан шу нохуш фикр ўтган Бозорбой шошилмай бориб, бўш ўриндиқлардан бирига чўкди. Уни олазарак кузатаётган бош врач сўзини келган жойидан давом эттирди:

— Камчиликларимиз йўғамас, бор. Бироқ нолимаймиз, маҳсулотлар ҳам, ёнилғиларимиз ҳам анча вақтга етади...

Бозорбой секин атрофга разм солди: райком секретари алланималарни ёндафтарга «туртиб» ўтирибди. У ҳушёр экан, ўзига қадалган нигоҳни сезиб бош кўтарди. Аммо Бозорбой кутганидек, адоватли, ижирғаниб қарамади. Аксинча, самимий, мулозим боқди.

Йиғинда қатнашаётганлардан анчаси гапирди. Билдирилган фикрлар эса бир-бирига уйқаш эди: «Ҳамма жойда, ҳамма соҳада ҳам қийинчилик, ташвиш бўлади, юқоридаги раҳбар ўртоқларни безовта қилаверишнинг нима кераги бор....» Бу «чиқиш»лар қўлоғига мойдек ёққан бош врач жим ўтиролмай қолди.

— Бизнинг соҳа соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли бўлса-да, район партия комитетига ҳам боқинамиз, кўрсатмаларига сўзсиз амал қиламиз, — деди у. — Аммо-лекин, ҳаммамизни, қолаверса, юқори партия ташкилотларини бекордан-бекор оворай сарсон қилиб, асоссиз шикоятлар йўллаб юрган ғаламисларга қарши чора кўрмай қўймаймиз...

— Гапингиз бўлса навбат билан айтарсиз, — уни огоҳлантирди Мухтор Ҳакимович. — Гапирмаганлар кўп ҳали...

Шу далданинг ўзиёқ Бозорбойни руҳлантириб юборди.

— Мумкинми?

— Марҳамат, — унга, гапираверинг, дегандек боқди Мухтор Ҳакимович.

— Шикоятни аслида мен йўллашим керак эди. Орага тоғам кириб... Йўқ, йўқ! Ўзим ожизлик қилдим, тинчимни ўйладим, ҳатто қочиб қолмоқчи эдим. Покизахон журъат этмаганида ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверарди. Эгриликлар-ку, кўпдан давом этиб келар экан. Лекин бу йил таъминот чиндан ҳам оғир аҳволга тушиб қолган. Ана омбор мудирини, мард бўлса очигини айтсин...

— Ёлғон! — кўзини ола-кула қилди Маҳкамбой.

— Тонишингизни билардим. Ўша куни тоғамникида араққа обдан тўйиб, ботир бўлиб олганингиз важдан чўнтагингиздаги хуфиёна хомчўтларингиз қораламасини менга ташлаб кетган эдингиз. Шуни ҳозир қайтариб берсам...

Маҳкамбой жонҳолатда ўрнидан турган эди, Мухтор Ҳакимович, «жойингизга ўтиринг!» дегач, қайта чўкди. У ер тагидан Бозорбойга шундай ўқрайдики, қани қўлида милтиқ бўлсаю, шартта отиб ташласа!

— Бизга ўша қораламани беринг-да, — деди Бозорбойга райком секретари, — ишингизга бораверинг. Ҳаммасини синчиклаб ўрганиб чиқамиз. Ҳозирча бирор аниқ хулосага келиш қийин. Лекин, айтиб қўяй, айбдорларга шафқат қилинмайди. Ахир, бу ерда инсон тақдирига боғлиқ масалалар ҳал қилинмасини, тўғрими? — энди бош врачга юзланди Мухтор Ҳакимович. Кўзлари ола-кула бўлиб ўтирган Қирғизбой ака қозондек калласини силкитиб, «тўғри-ку...» деди секин.

...У ҳар қачонгидан бардам уйғонди. Елкасидан эзиб келаётган тоғ ағдарилгандай эди. Бадантарбия қилганидан сўнг ошхонага боришга сабри чидамай, газга чой қўйиб, сарёғ, пишлоқ билан наридан-бери нонушта қилди. Уни бувиси, ўғилчаси, дунёнинг азиз бир гўшаси — Ёнариқдаги қишлоғи кутмоқда эди...

Санаторий чеккасидаги тик сўқмоқдан жадал юриб, катта йўлга чиққанида бир зум анграйиб қолди. Кечагина ҳаммаёқни қор босиб ётган эди, бугун тахтиравондек йўл. Қор анча нарига — сой ва чуқурликларга суриб ташланибди. «Ишласа бўларкан-ку! Наҳотки ҳар ким ўз билгича вазифасини уддаламаса? Қачонгача биров-бировни шатакка олиши керак?!»

Бозорбой кенг ва равон йўлдан шахдам кетиб борарди. Ҳаммаёқ оппоқ: далалар, тоғлар... Бозорбойнинг тузаётган режалари ҳам оқ: «Уйга бораман, ўғлимни бағримга босаман! Бувижонимнинг оёғига бош ураман, унинг ахир энди беш кунлиги борми-йўқми... Аммо-лекин Покизахон болади! Мен ара-сотда қолдирган ишни аёл боши билан қаттиқ туриб охирига етказди-я!»

Қўққисдан берилган машина сигнали Бозорбойни чўчитиб юборди, ўзини четга олди. Аммо дам ўтмай «УАЗ-169» кетаётган йўлидан тўхтаб, негадир орқага тисарила бошлади. Бақамти бўлишгач, машина эшиги очилиб, таниш юз кўринди: райком секретари!

— Қани, чиқинг, — деди Мухтор Ҳакимович талмовсираб турган Бозорбойга. — Эрталаб сизни йўқлатсам, жўнаб қолибсиз. Бир ишни бошлагандан кейин, натижасини кутиш керак-да...

Бозорбой ич-ичидан зил кетиб, машинага чиқиб олди, «Мудир жавоб берувди, — демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди, — Покизахонни орага қўшмаганим маъқул».

— Аммо зап адвокатингиз бор экан! — У индамай ўтирган Бозорбойга қўлини чўзди.— Кўришиб қўяйлик...

Мухтор Ҳакимович гапни бошлашга бошлаб, буёғига индамай борарди. Бозорбойнинг юрагига ғулғула тушди: «Адвокати нимаси?!» Анча юришгач, Мухтор Ҳакимович ярим ўгирилди-да, унинг кўзларига тикилиб деди:

— Муҳокама пайтида сизга қарши айтилган ҳамма даъволарни Покизахон қайтариб ташлади...

Бозорбой Покизахоннинг сўзига кўниб, муҳокамадан «қочиб қолгани»га энди афсус чека бошлади. Буни сезибми, райком секретари гапни бошқа ёққа бурди:

— Уз касбингизни ташлаб, маорифчиларнинг «нон»ига шерик бўлиб юргангизга тушунмаяпман...

Бозорбой буни кутмаганди.

— Нонимни оқлаб ейишга ҳаракат қиляпман, ўртоқ секретарь! — деди хафа бўлиб.

— Тўғри, — тасдиқлади райком секретари. — Уқитувчилик, тарбиячиликниям ўрнига қўйяпсиз. Эшитдим. Лекин масаланинг бошқа томонлари бор. Сиз — қишлоқ хўжалиги мутахассисисиз. Бу соҳада лаёқатли кадрлар тўлиб-тошиб ётибди, деб ўйлайсизми? Яхши мутахассислар қишлоқ хўжалигига ҳам керак. Дарвоқе, — райком секретари яна Бозорбойга тикилди, — партия аъзолиги бадалини кимга тўлаяпсиз? Қани, партия билетингизни кўрсатингчи...

Бозорбойнинг бу борада иши пухта: ойнинг биринчи ўн кунлигидаёқ аъзолик бадалини тўлаб кўярди. Лекин билетни кўздан кечирган Мухтор Ҳакимович:

— Кўрдингизми, ҳали сиёсий хомлигингиз бор, — деди салмоқлаб. — Бошқа ташкилотга ишга ўтгач, партия учётини ҳам кўчириш керак-да! Покизахон эса партия учёти келмаган коммунистдан аъзолик бадали олиб юраверган. Энди у ҳам сиз билан баравар бунга жавоб беради...

Бозорбой ноқулай аҳволда қолди.

— У кишида айб йўқ, — деди шоша-пиша. — Шу бугуноқ бориб учётимни кўчираман. Илтимос мен учун Покизахон гап эшитмаса...

— Йўқ, — Бозорбойнинг сўзини кесди Мухтор Ҳакимович, — аввало, партия учётингизни колхоздан кўчирмайсиз. Қолаверса, партия ишида «илтимос», «илтижо» деган нарсалар кетмайди. Йўл қўйилган хато коммунистлар муҳокамасига қўйилади. Уларнинг хулосасига қараб бир қарорга келинади. Энди менга тўғриси айтинг-чи, колхоздан нега кетдингиз?

— Кеткизишди, — деди Бозорбой дами ичига тушиб.

— Ана, кўрдингизми, суҳбат сал жиддий тус олиши билан тоб ташлаб юбордингиз, — деди Мухтор Ҳакимович кескин оҳангда. — Аслини олганда, сизни кеткизишмаган, ўзингиз кетгансиз. Энди маслаҳат бундай. Ишни яна Ёнариққа кўчирасиз, партия учётингизни эса кўзғатмайсиз. Шайдондагилар сизсиз ҳам ўз ишларини эплашади.

Бозорбой, мен ҳозирча бу ердан кетолмайман, чала ишларим бор, охирига етказиш керак, демоқчи эди, аммо секретарь гапга нуқта қўйганини ҳис этиб, нафасини ичига ютди. Машина катта довондан ошиб, пастликка эниб туша бошлади. Кеча бульдозерчи йигитлар маишат қилиб ўтирган майдончада бугун бошқа манзара. Вагонча ёнига янги каттагина вагон-уй келтирилибди. Бир чеккада қозон осилиб, йўл тозаловчилар учун иссиқ овқат пиширилмоқда.

«Техпомощь» ёнида турган Абдуқаюмов суянган тоғи — «шеф»нинг машинасини таниб, беўхшов қоматини ғоз тутди-ю, ундан тушиб келаётган Мухтор Ҳакимовични кўргач, ранги ўчди. Кейин ўзини тутиб олиб, лапангланча райком секретари истиқболига юрди.

— Бормисиз? — унга қўл узатди Мухтор Ҳакимович.

— Борман, кечаю кундуз шу ердан, ўртоқ секретарь! Утган куни эрта-лаб машинам бузилиб қолиб, сал...

— Хаёлга келган ёлғонга зўр беравермай, тўғрисига кўчсангиз, машинангизда Омонтой Олтинбоевични сайр қилдириб юргангизни айтсангиз бўлмайди?! — заҳарханда билан деди Мухтор Ҳакимович.

Дарров чақдингми, дегандек, Абдуқаюмов шофёрга бир ўқрайди-да, қовоғини уюб, юзини четга бурди. У ўзини ўринсиз ҳақоратлангану бундан қаттиқ инжиётгандек тутарди.

— Бу ерда мазахўрак бўлиб ўтиравермай, ҳозироқ бошқа участкаларга жўнанг! — деди Мухтор Ҳакимович Абдуқаюмовнинг авзойига эътибор қилмай. — Кейинги чоршанба бўладиган бюро йиғилишида ҳисоботингизни эшитамиз...

«Хунари»ни ўтказолмаган Абдуқаюмовнинг юзига яна ялтоқиликка ўхшаш аломатлар қалқиб чиқди-да:

— Ҳамма айтганларингизни юз фоиз бажарамиз! Овқат тайёр, бир оз ҳордиқ чиқаринг, ўртоқ секретарь! — деди...

Бозорбой машина ойнаси орқали уларни кузатар экан, хушомадгўй, фириб-гарлар учун ҳам ҳаёт кечириш унчалик осон эмас, деб ўйлаб, кулумсираб қўйди.

Машина шитоб билан елиб, тоғлар оралиғидаги «Олмали булоқ»қа етди. Шу пайт катта йўлда думини зўрға судраб кетаётган ночоргина бир тулки кўринди. У чўчи, тепалик сари ўрлади. Зўр-базўр қор кечиб бир оз борди-да, ортиқ илгарилашга мажולי етмай, одамларга жавдираб қараб қолди.

— Яқин ўртада каклик бўлиши керак. Тулки ўшалар илинжида юрган кўри-нади, — деди Бозорбой атрофга ҳушёр боқиб. У гапини тугатар-тугатмас, булоқ оқимидаги шивардан бир гала каклик аранг кўтарилиб, тулки турган тепалик ёнбағрига ёпирилди. Теварак-атрофида қорга ботиб ўтирган какликларга сап-чиш учун тулкида мадор йўқ эди. Қорга кўмилиб қолган какликлар эса яна қайта учиш машаққатидан кўра ўлимни афзал кўргандек, жой-жойларидан қимирлашмасди.

— Қиш ҳамма учун оғир келди, — сўзини давом эттирди Бозорбой. — Айниқса бу йил ёввойи паррандалару ҳайвонлар қирилиб кетадиган бўлди!

— Кўмаклашиш, уларни асраб қолишнинг чораси йўқмикин? — қизиқсинди Мухтор Ҳакимович.

— Нега бўлмасин, — деди Бозорбой жўшиб. — Кошки эди, ўша шўрликларга ҳаммамиз бирдек ёрдам қўлини чўзсак. Шундай бағритошлар борки, бу йилги оғир қишдан фойдаланиб, парранда овининг янги усулини ўйлаб топишибди?! Нима қилишар экан денг — қирларга чиқишиб, кунгай жойларнинг қорини кураб қўйишаркан. Қуёш йилт этса ундай жой дарров қораяди. Шу ерга араққа бўктирилган дон сочишаркан. Бундай кезларда каклик бечора тайёр «дон»ни еркану, думалаб қолавераркан. Паналаб ўтирган какликхўр эса уларни битталаб териб, нимжонроқларини сўйиб қопга тикаркан, бақуватларини баҳорги «мастак», «хўроз» учун асраб қўяркан.

— «Мастак», «хўроз» дегани нимаси?! — сўради Мухтор Ҳакимович.

— Какликларга қирон солувчиларнинг ов усуллари-да. Ноинсофлар қафасдаги мастак ва хўрозларни маълум пайтларда тоққа олиб чиқиб сайратишиб, тўда-тўда какликларни тузоққа илинтиришади. Шундай одамларнинг уйларида ҳозир ҳам беш-ўнтадан каклик бор...

Улар йўл бўйи гурунглашиб, ниҳоят аниқ фикрга келишди, авиациядан фойдаланиб тоғларга, далаларга дон, озуқа сочилади. Урмон хўжаликлари, колхоз-совхозлардаги одамлар ҳам бу ишга жалб этилади. От-улов, чаначанғилар ёрдамида ёввойи қуш ва ҳайвонларга емиш етказиб берилади. Табиат кушандалари билан эса шундан сўнг «ҳисоб-китоб» қилинади.

* * *

Доим ошиғи олчи бўлиб келган йўл бошқармаси бошлиғи бу гал сувдан қуруқ чиқолмади. Район партия комитети юборган тафтишчилар бошқарманинг бутун ички сир-асрорини фош қилишди. Бошқарма бошлиғини партиядан ўчириш, вазифасидан олиб ташлаб ишини терговга оширишдан бўлак чора қолмади.

Абдуқаюмовнинг-ку, шу жойдаёқ бўлари-бўлди. Аммо бу ҳолга Омонтой Олтинбоевич чидаб туролмади. У бюро мажлисидан кейин кабинетига кириб келганида тутуни осмонга ўрларди. «Бу ҳовлиқма намунча ҳаддидан ошмаси?! Ё юқорида бирон орқатоғи бормикин? Шундай бўлиши керак! Бўлмаса бунақа кеккаймасди. Хўш, нима қилсам экан, бош эгиб кун кўришга ўтсаммикин? Йўқ, келишишга кўнадиган балога ўхшамайди у...»

Омонтой Олтинбоевич силтаниб ўрнидан қўзғалди, ҳар дойимгига хилоф равишда тез юриб, Мухтор Ҳакимовичнинг кабинетига отилиб кирди. Биринчи секретарь телефонда гаплашаётган экан, ёнбошидаги курсига имо қилди. Район оқсоқоли тик тураверди. Мухтор Ҳакимович трубкани қўйгач:

— Марҳамат, ўтиринг. Мажлис анча оғир ўтди, чарчадик, — деди очиқ юз билан.

Бу гап райижроком раисига кесатиқдай туюлди.

— Чарчаш ҳам гапми, тинч ўтиролмайд қолдик, дастингиздан... — деди совуқ тикилиб. — Қилар ишни қилиб қўйиб, яна бу мўлтонилик...

Мухтор Ҳакимович ҳамон босиқлик билан:

— Нега бизни бирдан мўлтониға чиқариб қўйдингиз? — деб сўради.

— Бирдан эмас, келганингиздан бери тегимизга сув қўйиб юрганингиздай кейин... Районга ўтказиб қўйган, танилган хизматчиларни қувғин қиялпсиз, райижрокомнинг ички ишларига аралашпсиз! Биринчи ўринбосарим, масъул котибим кетди. Менинг ўрним ҳам кимгадир керак бўлса, очик айтaverинг!..

— Буни бир мен эмас, район партия комитети бюроси ҳал қияпти. Мен, Омонтой ака, ижроком ҳуқуқини — у Советлар органи эканлигини, фақат юқори Советларга бўйсунини яхши биламан. Аммо ижроком ходимлари коммунист эканлигини ҳам унутмасинлар. Ярамас қилмишга қўл урдими, ўзларидан кўришин; давлатнинг квартираларини навбатда йўқларга пуллашмасин, машинафурушлик қилишмасин, — бамайлихотир жавоб қайтарди Мухтор Ҳакимович. — Ундайларга ён босгандан кўра ишни тўғри йўлга солинг, Омонтой ака. Ҳар ким ўз қилмишига яраша жазо тортаверади, эчкини ҳам, қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар!..

— Менга чўпчак айтманг! — тутақиб кетди Омонтой Олтинбоевич. — Сизга ўхшаган секретарлардан кўпини кўрдик. Районга бизниям хизматимиз синган!..

— Мақсадга кўчинг, нега кирдингиз бу ерга?! — Мухтор Ҳакимовичнинг ҳам зардаси қайнади энди. — Ёки, мен билан кўчқор бўлиб сузишмоқчимисиз?

— Баракалла. Мақсад шуки, бир иш қилишдан аввал мен билан ҳам маслаҳатлашинг. Сиз партия раҳбари бўлсангиз, биз ҳукумат бошлиғимиз, район партия комитети бюросининг аъзосимиз...

— Гап буёқда денг, — деди Мухтор Ҳакимович. — Абдуқаҳҳор Абдуқаюмовнинг тақдири жонингизни қийнаб қўйибди-да! Қинғир ишларни аллақачон сиз фош қилишингиз керак эди. Афсуски, оғайниларингизни эгриликлардан тийиш ўрнига, кенгроқ йўл очиб бердингиз. Бундай пайтда, ташаббусни партия ўз кўлига олади! Энди, мени холи қолдиринг, қиладиган ишларим кўп...

— Бўпти, кўрармиз, биз ҳам қараб турмасмиз, — деди ғўлдираб ижроия комитети раиси.

* * *

Март ўтиб бораётганига қарамай, ҳануз қор кетмаганди. Тоғ оралиқларида-ку, қалинлиги бир-икки метрга етарди. Лекин нари-бериси билан ҳафта-ун кун ичида қор жимжитгина йўқ бўлди-қўйди. Гўё кўзни шамғалат қилиб, тоғлар тепасига чиқиб кетди! Қишни «қувиб юборган» баҳор чинакамига тантана қиларди: кўм-кўк майсалар кунгай жойларда барабар униб чиқди-да, барқ уриб ўса бошлади. Улар орасида майда сариқ чечаклар бодраб очилди. Кетма-кет бойхалча, қирққулоқ, наврўзгул, тарғил лолалар қирларни безади. Бодом, ўрик сингари «ғафлатда қолган» дарахтлар барг ёзмай туриб гул очиб юбордилар. Дов-дарахтлар, ўт-ўланларгина эмас, одамлар ҳам шошиларди. Далачилик, боғдорчилик, экин-тикин — ҳамма-ҳаммасини етказиб олиш керак эди. Ташвишнинг каттаси бўлмиш — чорвачиликда-ку, минг хил юмуш кўндаланг турарди. Узоқ ва оғир қишдан силласи қуриб чиққан қорамоллар, қўйлар оғзи кўкка теккач, кўтарам бўлиб, таппа-таппа ташлай бошладилар...

Қиш бўйи тиним билмаган Мухтор Ҳакимович бу пайтга келиб баттар тинчини йўқотди. У ўзининг таъқиб этилаётганию ҳолдан тойиб йиқилишини кутаётганлар борлигини, ярим қадам ҳам чекиниш мумкин эмаслигини яхши биларди.

Район партия-хўжалик активи йиғилиши яқинлашиб қолди. Райком секретари ўзи раҳбар бўлган давр орасида қилинган ишлар кўриладиган бу анжуманга астойдил тайёрланди. Район ҳаётини мукамал билиб олиш учун яна елиб-югурди.

Актив олдидан, бюро мажлиси чақирилди. Биринчи масала — партияга қабул. Уч киши кириб-чиққач, тасдиққа ўтилди. Бозорбойни таклиф қилишди. У «Ёнариқ» колхозни партия ташкилоти секретарлигига тасдиқланиши лозим. Райкомнинг ташкилий ишлар бўлими мудирини Нозим Козимович, томоғини қира-қира, қисқача ахборот берди. Бозорбой узун столнинг қуйсида, тўрда — Мух-

тор Ҳакимович. Бюро аъзолари столнинг икки томонида жойлашишган. Девор этагидаги курсиларда таклиф қилинганлар ўтиришибди.

— Таржимаи ҳолингизни гапиринг-чи, — деди кимдир.

Бозорбой, чўзиб ўтирмай, кечирган ҳаёти ҳақида лўндагина айтиб берди.

— Уйланганмисиз? — сўради тўсатдан ижроия комитети раиси.

— Ҳа... — Бозорбой бир оз сукут сақлагач, паст овозда изоҳ берди, — хотиним вафот этган, ўғлим бор.

— Хотинингиз ўз ажали билан ўлганми ёки бошқа сабабданми?

Юрагини пармалашга тушган бу одамга Бозорбой ижирғаниб қаради. Оқсоқол кўзларини олиб қочди-ю, лекин кўнглида қолган-қутган заҳарни ҳам сочиб улгурди:

— Тасдиқдан ўтаётганнинг оилавий масалада, шахсий ҳаёти ва ахлоқида чигалликлар борлигини эшитганман. Буни ҳамма билиб қўйиши керак. Менимча, номзодни тасдиқлашга шошилмаслик маъқул!

— Оилавий бахтсизлик — ахлоқсизлик эмас, — Омонтой Олтинбоевичнинг дамини қайтарди Мухтор Ҳакимович. Шу заҳоти хулосага ўтиб деди, — овозга қўяман. Бозорбой Омонов Ёнариқ колхозни партия ташкилоти секретарлигига тасдиқлансин, деган ўртоқларнинг қўл кўтаришларини сўрайман.

Мухтор Ҳакимовичга қўшилиб кўпчилик бирин-кетин қўл кўтарди. Биргина Омонтой Олтинбоевич, кўрмаям-куймаям дегандек, юзини терс буриб олди...

* * *

Шахсий ишлар билан келганларни қабул қиладиган кун... Пешинга қадар одам узилмади. Кўпчилиги кексайиб қолган кишилар! Айрим мансабдорлар қарияларни унчалик хуш кўришмайди. Чунки отахон-онахонлар гапни узоқдан олишади, баъзан асосий масала четда қолиб, турли томонларга «ўтлаб» кетишади: насиҳат қилишади, маслаҳат беришади... Мухтор Ҳакимович аксинча уларнинг ҳар бир сўзини қадрлайди. Улар билан сўзлашиб, аллақандай роҳатланади.

Қабулга келганлар орасида Ёнариқ қишлоғидан ҳам бир қария бор эди. Қаттиқ қиш пайти ҳадеб олов ёқаверганиданми, печдан ўт чиқиб унинг уйи ёниб кетган экан.

— Бири-бирига жўнатишади, ора йўлда овора бўлиб, ёз ҳам ўтадиганга ўхшайди, — деди чол ҳасратидан чанг чиқиб. — Райисполком матлубот деганига буюради, униси базасига жўнатади, базаси материал йўқ дейди. Бозорбой деган йигит бор, колхозда ўшани маслаҳатиминан сизга учрашяпман.

— Бозорбой Омоновнинг ўзи ёрдам бермадимми? — тўсатдан сўради Мухтор Ҳакимович.

— Э, нимасини айтасиз, бола бечора милит вақт топса келиб, лойга қорилиб ишлаб ётибди. Иннакейин, — чол секретарга энгашиб шивирлади, — орқасидан пойлаб юрганлар кўп. Ман уни қўриқлаш ўрнига бошига бало орттириб берайми?! Сизга ёлғон — худога чин, болам, бир хилларнинг ўзлари туяни ютса думиниям кўрсатишмайди-ю, биздақалар битта миҳни бесўроқ олсак, эл кўзичун қаматишади! Қаматгандаям, олдин обдан сазойи қилишади.

Мухтор Ҳакимович отанинг гапларини берилиб тинглар экан, ўрни келганда юпатиб қўйди.

— Пулни кўпайтириб, уйингизда ўтираверинг, ота, — деди у. — Келгуси ҳафта ичида қурувчиларнинг ўзлари боришади, ишни битиришади, ҳисоб-ки-тобни ҳам жойида қилиб келишади. Хўп, бу масала ҳал. Исмингиз нимаиди?

— Иса чўтир, — деди шошиб қолган қария. Шу заҳоти дарров тузатди — қаричилик, райком болам, лақабниям қўшиб айтворибман...

— Энди, менга тўғриси айтинг-чи, отахон, — деди Мухтор Ҳакимович мийиғида кулумсираб. — Колхознинг энг асосий тирикчилиги — сабзавот билан узумчилик нега пасайиб кетди? Пиллачилик, чорвачилик-ку, бутунлай ўтириб қолган экан. Хабарингиз бордир, яқинда колхозда қурт уруғи тарқатдик, районнинг азоби бир томон, Ёнариқ колхозники бир томон бўлди. Ери, суви, шароити бир хил қўшни колхозни қаранг, қанчалик ўсиб, гуркураб кетяпти...

Чол ерга қараганча анча вақт ўйланиб қолди. Қариялар, айниқса Иса бува каби имонли кексалар ёлғон гапиришмайди. Аммо, ўрни келса, унча-мунча одамларни у-бу гаплар билан овунтириб кетишади. Жавоб кутаётган одам анойи эмас, райкомнинг энг каттақони.

Тўмтоқ соқолини тутамлаб, қуйи боқиб ўтирган Иса бува бир қарорга келди чоғи, бошини дадил кўтариб Мухтор Ҳақимовичга юзланди.

— Сизга очигини айтсам, болам, — гап бошлади чол шанғиллаб (улар далада қаттиқ гапиришга ўрганиб қолишган), — ҳозиргилар ердан олавуради-ю, беришга келганда фирромлик қилишади. Эшитганмисиз-йўқми, бизларда мол гўнғидан таппи ёпиб, чалма қуйишади-да, уй иситишга яқворишади. Қўшни колхоззи раиси нима қилвотти денг, хонадонларга ўтин, кўмир топиб бериб, уларнинг гўнғтепалариниям ерга сочдирвотти. Мен буни Бозорбойга айтдим, шуни ҳаракатида юрибди. Яна мақтавотти деманг-у, тўғриси айтсам, жонини жабборга бериб ишлавотти болапақир. Пилла масаласига келсак, биззи қишлоқда нима кўп, ташландиқ ер кўп, ҳаммасини тутзор қилиш керак. Хонадонларни томорқалариям жа катта, кўп жойлари бекор ётади. Шуларгаям тут эктирсами, — Иса бува райком секретари томон энгашиб, овозини пасайтирди, — ҳамма ўзичун қурт боқади. Ҳовлисидаги ўтини пайпаслатиб, баргини бировга берадиган аҳмоқ йўқ!

— Яшанг, отахон! — хурсанд бўлганидан ўрнидан туриб келиб, қариянинг елкасига қоқди Мухтор Ҳақимович. У Иса бувани катта кўчагача кузатиб чиқди-да, шофёрни чақириб, Ёнариққача элтиб қўйишни тайинлади.

* * *

Район партия-хўжалик активи йиғилишида Бозорбойнинг биринчи қатнашиши. Катта залга одам сиғмай кетганди.

Доклад учун сўз район партия комитетининг биринчи секретарига берилди. Нотиқ шунчалар жўшиб сўзлардики, ўтирганларга ҳам унинг ҳаяжони юқиб, беихтиёр қарсак чалиб юборишарди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ Бозорбой таъсирланди. «Шундай одамнинг ҳам илдизига болта урмоқчи бўлишади, қулатиш учун пайт пойлашади-я!...» Бозорбой хаёллар оғушида ўтирар экан, йиғилиш дастўрларидан бири қўлига буклоғлиқ қоғоз тутқазиб кетди. «Намунча формушланиб ўтирибсан, — ёзганди Мухтор Ҳақимович. — Актив тугагач киргин, гап бор...» Бозорбой бу одам олдида учинчи марта хижолат чекиб дув қизарди.

Бозорбой гилам тўшалган даҳлиздан борди-да, қабулхона эшигини очди. Мухтор Ҳақимович катта дераза олдида тик турар, унинг нигоҳлари узоқ-узоқларга қадалганди. Ҳатто Бозорбойнинг кирганини сезмади.

— Мумкинми, Мухтор Ҳақимович?

— Э, марҳамат, буни қара, хаёлга толиб кетибман-у! Майли, ҳисоб биру бир. Хўш, аҳволлар қалай, Бозор Эминович, янги ишларда ҳориб-чарчаб қолмаяпсанми? — Мухтор Ҳақимович жавоб кутиб турмай, Бозорбойни қаршисидаги ўриндиққа таклиф этди. — Қани, ўтир-чи, бир-икки оғиз гаплашайлик, — деди-да, суҳбатни кутилмаган, жуда жиддий тарзда давом эттирди. — Сенинг келажакингдан райком бюросининг умиди катта, ука.

Бозорбой кўзларини катта-катта очиб, райком секретарига тикилар, аммо асл мақсадига тушунолмаб ўтирарди. Мухтор Ҳақимович давом этди:

— Мендаям дўст бор, душман бор. Менам яқинларим билан суҳбатлашгим, юрагимдаги дардларимни кимгадир айтгим келади. Тирик одамман, ўзим билмай туриб хато қилиб қўйишим мумкин. Шу кезларда сенга ўхшаган дўстларим, сира юз-хотир қилмай, бетимга айтиши керак. Афсус, шундай бўлмаяпти, оқибати эса... юқори ташкилотларга устимдан боплаб хатлар ёзишипти...

— «Боплаб» деганингиз нимаси?! — беихтиёр сўради Бозорбой.

— Ўша хатларда келтирилган далиллар қисман тасдиқланяпти. Мана эшит: чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, мажбуриятларни ошириб бажариш учун орқа-олдинга қарамай курашавериш оқибатида катта ўпирилишга йўл қўйдик. Райондаги чорва моллари кескин камайиб кетди. Хўш, шошма-шошарликда менинг ҳиссам йўқми? Жамият учун ҳали катта наф беришга қодир кадрлардан анчасининг ўз вазифаларидан четлаштирилишида-чи? Энди буёғиниям эшит: порохўрлик, маиший бузуқликда айбланишимга сал қолди...

— Наҳотки?! — Бозорбой ўрнидан туриб кетди. — Ким экан ўша ифвогар?! Мухтор Ҳақимович беихтиёр жилмайди. Бозорбойни жойига ўтиришга ундади.

— Раҳмат, иним. Бу гапларни нима учун атайлаб сенга айтаётганлигимни

тушуниб олсанг бас. Биласанми, бугун менинг қошимда турган синоатлар эртага сенинг бошинга ҳам тушиши мумкин. Иккимиз бораётган йўл битта-да. Агар шундоқ кетаверсанг, охир-оқибатда худди менга ўхшаб тадбирингдан адашиб қоласан. Ёнингда қўллайдиган, қайишадиган тузукроқ шерик кўринмаяпти-ку! Колхозда, қишлоғингда ўтюракли, ҳалол одамлар бордир? Уларни ёнингга торт. Вақти келиб шулар сенга қанот-қуйруқ бўлишади...

* * *

Катта йўлдан ғизиллаб кетаётган «УАЗ—169» тез бурилиб, боши берк кўчага кирди-да, йўлак адоғидаги икки табақали дарвозага тақалиб тўхтади. Шу заҳоти шофёр сакраб тушиб, дарвозани кенг очиб юборганича, машинани нақ ҳашамдор бино бурнигача ҳайдаб борди. Тўхтатди. Югуриб изига қайтиб, дарвозани тақа-тақ беркитди. Ҳатто илгакларни тушириб, тамбалаб ҳам қўйди. У эркин ва аниқ ҳаракат қиларди.

Ҳовли сўлим, файзли эди. Дарахтларнинг қалинлиги, девор ва дарвозанинг баландлиги бу ерни бегона кўзлардан асраб туради. Саралаб экилган дарахтлар, уй олдидаги чиройли ишланган сўриларга бир текис таралган ток навдалари ҳовлига тангадек офтоб туширмайди. Унинг ёнбошида, хилватроқдаги семон ҳовузда чипор балиқлар сакраб-сакраб ўйноқлашади. Кўм-кўк майса билан қопланган каттагина томорқада аъло нав шафтолилар, ноклар яна неча тур мевали дарахтлар...

Машинадан Қорабой ака тушиб ҳашамдор уй сари юрди. У кириш учун эшик дастасига қўл узатган кўйи шофёрга, олиб келавер, ишорасини қилди. Шу дам елкасига тўн ташлаб олган, барваста қоматли Омонтой Олтинбоевич ичкаридан бир-бир босиб чиқиб келди.

— Э — э, бормилар, қани-қани... — Улар қучоқлашиб кўришишди, ўпишишди.

Янги сўйилган ҳисори қўйни елкалаган шофёр эшикдан бош суқиб, нима қилай, дегандек икки қадрдон дўстга мўлтиллаб турарди.

— Ошхонадаги «ЗИЛ»га тиқиб қўяқол, — деди бепарво овозда Омонтой ака. Ошхонадан шофёрнинг овози келди:

— Ичи тўла экан, сиғмаяпти.

— Оббо судратма-ей, нимталаб-нимталаб жойлай қолмайсанми! — жеркиб берди Қоратой ака.

— Ичкари хонадаги «Минск»ка бутунича киргизиб қўй, тақир-туқир қилиб ўтирасанми, — шофёрнинг жонига ора кирди мезбон. Шундан сўнг Омонтой Олтинбоевич дўстини қўлтиғидан олиб меҳмонхонага бошлар экан, қулоғига секин шивирлади:

— Шукрига нолиган банда экансан-ку? Шундоқ ширин болани уришиш ўрнига бизидан сув ўгириб ичсанг бўлмайдими?!

— Сизниқиям анойи эмасдир?

Бу гапни эшитган райижроком раисининг қовоқ-тумшуғи осилиб, от юзли башараси қаҳрли тус олди.

— Қазисан-қартасан, асли зотинга тортасан! — деди у алам билан. — Иблиснинг боласи таги пастлигига борди; ўзига ўхшаш ялангоёқдан чиққан анови елўпкага оғиб кетди.

— Елўпкангиз ким?

— Райкомнинг биринчиси-да, тоққа бир олиб борди-ю, бола айниди. Узига иситволдими, қайдам. Энди қорнинг тўйиб қолдими десам, башарамга тик боқиб: «Мухтор Ҳакимовичдек покиза, мард одам тақлиф қиладию, менинг нозим бормиди?» дейди-я, итвачча! Начора, сир бермадим, шу заҳоти қўшқўллаб янги хўжайинига топширдим.

— Анча сирингизни биларди, унга қўшиб қўйгандан кўра, бир баҳона билан права-сравасини олдириб, шофёрликдан бўшаттириш керакмиди? — деди Қоратоев.

— Э, Қорабой иним-а, у даврлар энди қайда, оғир сўлиш олди Олтинбоев, меҳмонхонага киришар экан.

Бу хона европача жиҳозланган: диванлар, креслоларга ялтироқ мато қопланган. Деворларга қоқилган, полга тўшалган гиламлар хонани сал қоронғилаш-

тиргани учун тепадаги баҳайбат биллур қандил кечаю кундуз ёниқ туради. Стол яхшилаб безатилган, янги пиширилган таомлар, турли ноз-неъмат... Аммо эрам боғидек ҳовли, ҳайҳотдек бу уйда Омонтой Олтинбоевичдан бўлак зот кўринмас эди.

— Ёлғиз ўзингиз? Янгамиз, хизматкорлардан биронтасиям йўқ? — қизиқсинди Қорабой раис.

— Вой, лодон-эй, — унинг елкасига қоқди Омонтой ака. — Бораман, деб звонок қилганингдан кейин мен бу ерда ортиқча одамни ушлаб ўтирармидим! Иккаламиз яйраб отамлашайлик, деб атайдан шундоқ қилдим. Қани, дастурхонга қара.

Омонтой Олтинбоевичникига келадиган дўстларнинг кейинги пайтларда кўри ўча бошлаганди. Шу сабабданми, авваллари унчалик иқ бермайдиган район оқсоқоли бу гал колхоз раисини жуда илиқ кутиб олиб, астойдил меҳмон қилмоқда эди. «Ўзига, авзойига қарайман. Сал совуқ қаршиласа, қўйни қолдираман-у, ёнимдагини олиб қайтаман», деган режа билан келганди Қоратоев. Зиёфат бундоқ бўлгач... унинг ҳам шунга муносиб иш тутгиси келди.

— Ҳисобли дўст айрилмас, деганлар, — «шеф» томон энгашди арман коньяги таъсиридан боши қизиб қолган Қорабой ака, — мана бу савил анчадан бери йиғилиб ётган «взнос»имиз эди. Бултургисиям шунинг ичида, вақтида йўқлай олмаганимиз учун узр...

У газетага ўроғлиқ нарсани стол тортмасига «тап» этказиб ташлади-да, ёйилиброқ, яйраброқ ўтирди.

— Яқинларданам ўзи бир сен қолдинг, ростини айтсам, — «Эзилиб кетди» Омонтой Олтинбоевич, — кўзимнинг ёғини еганлар чангиниям кўрсатмай кетишди. Улар чучварани хом санаб юришибди, Омонтойнинг бели синди, ўлди, деб ўйлашяпти, шовмай туришсин, ҳали ҳаммаси билан бирма-бир ҳисоб-китоб қилмасамми! Ойнинг қоронғиси ўтиб, ёруғиям келар. Майли, қани ол, Қорабой иним! — мезбон бир зарб билан қадаҳни бўшатди, меҳмон унга эргашди, газига қази чайнашди. Худди шу палла колхоз раиси юрагини кемираётган «дард»нинг бир учини чиқарди.

— Раислигимниям таги кўриниб қолганга ўхшайди, хўжайин, — деди у мойли қўлларини сочиққа артиб. — Тўғриси айтсам, бу бошоғриқ ўзимниям жонимга тегди. Шу ҳақда сиз билан бамаслаҳат...

Райижроком раиси бош кўтариб, қадрдонининг қирмизи ранг ола бошлаган юзига, қақичдек кўзларига тикилди:

— Хўш-хўш?

— Хабарингиз бор, ўзим ҳайдаган шумқадамни партком секретари қилиб қўйишди. У, ахир, ички сирларимизнинг ҳаммасини билади. Ё уни бирёқли қилиш керак, ё мен ўз ихтиёрим билан...

— Хаҳ, Қорабой-а, ҳалиям ғўр экансан-ку, — бир кекириб олгач, ошкора истехзо билан деди район оқсоқоли... — У ялангоёқ анчайин пишмаган новдаку! Унақаларни синдириб, бошинга бало орттириб нима қиласан? Яхшиси, астойдил уриниб, шуларга қувват бериб, паноҳида асраб турган «ўқилдиз»ни суғуриб ташлаш керак. Шундан кейин ҳар хил қаланғи-қасанғилар ўз-ўзидан тутдек тўкилади-кетади. Мен бор эканман, сира ғам ема, хаёлингни бузма...

— «Ўқ илдиз»и ким экан? — сергакланди Қорабой раис. — Ахир ўзингиз: «энг аввало Бозорбойни қурит, сен учун курашнинг боши шу бўлади», деган эдингиз-ку?..

— Қани уни қуритганинг? Биринчи курашдаёқ остига ётволдинг-ку! — деди чағир кўзлари ялтираб, юзи кесакранг тус ола бошлаган Олтинбоев, — яна: «ўқ илдиз»и ким, эмиш! Келасолиб бутун районни бесаранжом қилган, ширин ошимизга оғу солиб, ҳаловатимизни ўғирлаган ким эканини билмайсанми?!

— Мухтор Ҳакимовичми?.. — дами ичига тушиб сўради Қоратоев.

— Шу дардисардан бўлак ким ҳам бизнинг паноҳимизга йўлай оларди! — алам-ғазабдан бўзарди мезбон ўзини тутолмай.

Қоратоев район оқсоқолининг оғир-босиқлиги, тадбиркорлигига қойил қолиб келар, бундай аҳволга тушганини илк даъфа кўриб туриши эди. «Шефнинг иши чинданам чатоқ шекилли», ўйлади у. Суҳбатдошининг ҳадигини сезгандек, Омонтой ака дарҳол вазминлашиб, хотиржам тусда давом этди:

— Менга-ку, барибир, бошқа яқинларимизга, айниқса сендақаларга қийин. Пенсия ёшига етай деб турганинда, тагингга сув қўйишади-да, ўрнингга беоқибат куёвингни ўтқазиб қўйишади...

Хўжайиннинг бу совуқ «қаромати» Қорабой аканинг оғзидаги мазали луқ-мани томоғида тўхтатиб қўйди.

— Кимсан, райкомнинг биринчи секретари бўлса. Бирор айбини билмасак, мендақаларнинг курашишга чоғи келармиди? Сиз энди бошқа гап, — дея аранг пўнғиллади у.

— Мен қайтмайман, майдонга чиқдимми, охирги нафасимгача курашаман! Сенга ўхшаган жипириқлар бўлса, менга ёрдамлашиш ўрнига, уни «оппоқ»га чиқариб қўйишяпти. Ахир маслагимиз бир, ниятимиз бир, юрган йўлимиз бир бўлгач, буёғига чидаб туринглар-да! Думига супурги боғлаб жўна-тайлик, дўстниям, душманниям билволдик, кейин бафуржа ҳисоб-китоб қила-верамиз. Очиғини айтсам, Ҳакимовнинг айби шундоқ ҳам тўлиб-тошиб кетди, илиниб турибди, бир силтаб тортсак, таг-туғи билан ўпирилиб чиқади. Қараб-санки, аввало, сен билан мен, қолаверса, бутун район қутулади. Бу томонларда ҳам виждонли одамлар борлигини душманларимизга би-ир кўрсатиб қўяй-лик-да!..

Қорабой раиснинг юраги бирдан орқага тортиб кетди. «Шеф» қандайдир оғир ишни юкламоқчи бўлаётганини сезиб қолган эди.

— Жуда даминг ичингга тушиб кетди?..

— Нима қилишим керак? — минғирлади «шеф»нинг зардасига жавобан Қорабой ака.

— Ановини ичвор, кейин айтаман.

Ичишди. Бу галгиси колхоз раисининг томоғини заҳардек куйдириб ўтди.

— Фермангга кўзга яқин, уч-тўрт жувон ишлайди, биламан, — осойишта-лик билан гап уқтира бошлади райижроком раиси. — Улар сени ҳурмат қили-шади, чизган чизигингдан чиқишмайди. — Олтинбоев суҳбатдошига зимдан қараб қўйди. Қорабой ака ўзини йўқотиб, нест бўлиб ўтирарди. Омонтой ака ёғиниб, дўқ аралаш деди, — ўша аёллардан бирини тайёрлайсан, Кейин, Ҳаки-мов «зўрлаб ёпишаётган» пайтда «устига келиб» қоласан..

Райижроком раисининг оғзига ағрайиб ўтирган колхоз раиси ўйларди: «Ё тавба, тушимми-ўнгимми?! Шунангга расво гапларни эти сесканмай, бир пиёла чой қуй дегандек, бемалол гапиради-я! Демак, районда бўлаётган хуфиёна ишлар, очилмаган жиноятларда бу кишининг қўли бор! Дўппи тор келганда, менга ўхшаган оми «дўстлар»ни «тегирмон дўли»га ташлаб, ўзи оппоқ бўлиб қолаверар экан! Хўш, шунча хизматини қилиб, мен нима оқибат кўрдим бу одамдан?! Имонимдан жудо қилди, жарнинг бўйига судраб келди, тепиб юбориши қолди, холос. Энди бузуқчиликни, қўшмачиликниям бўйнимга илмоқ-чи! Вой, аблаҳ-эй!..»

— Ҳа, мум тишлаб қолдинг, юрагинг ёрилиб кетдими дейман-а?! Остингни ҳўллаб қўймадингми, ишқилиб?!

— Бунақа ишлар... қўлимдан келмайди! — жаҳли чиққанидан тутилиб-тутилиб деди Қорабой ака.

— Сенлар шунақасанлар-да! — тутақиб кетди Омонтой Олтинбоевич. — Ўзларинг гап бошлайсанлар, кейин сал нарсадан ичларинг шир-р-ра ўтади-кета-ди... Агар ёмонлигига олсамми, анови «майда-чуйданг» учун биласанми, ҳозир нима қиламан?!

Қорабой раис ҳам энди ўзини идора қилолмай қолди. Қалласида ғазабли ўйлар ғужғон ўйнарди: «Кимман ўзи,, кулманми, итманми?! Қайси айбим учун қўрқаман?!»

— Нима қиласан, кестирасанми?! — Бақиринг баробарида сакраб ўрнидан турди у. — Ўзинг бузуқ бўлсанг, бошқаларниям имонсиз деб ўйлайсанми?! Сенга пора ташишдан бўлак инфослигим йўқ, билдингми?! Бола-чақам, оиламга азалдан ҳалолман, бундан кейин ҳам шундоқ бўлиб қоламан!

Яхшигина ичиб, «етилиб» олган «шеф» ҳам бўш келмади:

— Ҳей, ҳезимкаш! Кестириш ҳам гапми, шу жойнинг ўзида бошингга ғуна-жин азобини солмайманми?! Қани, кўтар, эгар-жабдуғингни! Охирги марта айт-япман, бўлмаса умрингни турмада чиритвораман!

Шундай дея, қўрқитиш учунми, у телефон трубкасига қўл чўзди. Қорабой

ака бир юлқиб телефон ипини узиб ташлади, аппарат-саппарати билан кўтариб ерга урди, «шеф»га аввал муштини дўлайтирди, кейин қўш бармоғи орасига бош бармоғини суқиб кўрсатди. Шундан сўнг, қачон кўчага чиқиб олди, ўзи ҳам билмайди. У йўлда титроқ босиб бораркан, Омонтой Олтинбоевичнинг чангалидан омон-эсон қутулганига ҳамон ишонмасди. Ҳозир тутиб қамашса керак, деган фикр кўнглидан аримаётган колхоз раиси, атрофига олазарак боқиб, автобус бекати сари ҳаллослаб югурарди. Иши, ширин суҳбати бунақа — чапга кетишини қаёқдан билсин, бўлмаса шофёрга: «Кечга яқин келиб олиб кетарсан», деб жавоб бериб юборармиди!

Йўловчилар лиқ тўла автобус жўнай деб турган экан. Ранг-қути ўчган, терлаб-бўрсиб кетган раисни биринчи марта ғарибона аҳволда кўриб турган ҳамқишлоқлари дарров жой бўшатиб беришди. Худди шу ерда... раиснинг боши ерга эгилди. Азалдан дўқ-пўписасини кўтариб келган бу содда халқ уни ўз бағрига олган эди. Қоратоевнинг бир пайтлар: «Қишлоққа автобус қатнатмай-миз, ҳамма бозорчи бўлиб кетади», деганини ҳам одамлар унутиб юборишган эди.

Автобус катта йўлдан бурилиб, қишлоқ сари ўрлаб борар экан, Қоратоев ўз ёғида ўзи қоврилди: «Бу сирни бировга айтолмасам, бирон жойга шикоят қилолмасам. Боплади-ку! Пулни олволгандан кейин, итдек қувиб солди! Бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми, Қорабой?! Бозорбой бечораниям ёмон деб юрганакансан-а! Душманнинг каттақони буёқда экан-ку! Бир пайтлар кўпчиликнинг ҳақидан кўрқардим: ўзим ҳам олмасдим, бошқаларга ҳам талатмасдим. Эвазига халқ отасидай сийларди. Бора-бора, амал ширин кўриндими, ўргатишди-ку, пора чўзишга! Йўқ, ўргатишмади, ўзим ўргандим. Тепса-тебранмас бўлиб қолдим, тўғрининг чўнтагидан олиб, ўғрининг чўнтагига солиб қўядиган одат чиқардим. Аввалги йўлга қайтишнинг иложи бормикин? Кимга суяниш, кимдан маслаҳат сўраш мумкин? Бозорбой...»

— Раис бува, тушасизми ё яна орқага қайтмоқчимисиз? — енгил ҳазил қилган бўлди автобус шофёри.

Қорабой ака бош кўтарса, атрофи бўм-бўш, бир ўзи ўтирибди. У автобусдан тушиб, идорага эмас, эзилган қиёфада уйи томон жўнади...

* * *

Ёнариққа сув бойлаш ҳашарида қишлоқнинг катта-кичиги қаторида идора хизматчилари, қариялар иштирок этдилар. Иса бува — ишбоши. Ваъдага кўра ариқ бошида қўй сўйилди. Ҳашарчилар сув уриб кетаверадиган ҳамма нобоп жойларга дамба босиб, ариқларни кенгайтдилар. То «Калла» (сувнинг боши)-га қадар булоқларнинг кўзларини очиб чиқдилар. Тўй ошидек мазали палов зўр иштаҳа билан ейилди. Қайтар чоғда Иса бува ҳамманинг номидан Бозорбойдан сўраб қолди:

— Ҳов, партком бола, мана шу сув бу йил ёзда қишлоққа борадими, ё анови семон ариқминан яна тескарига оқадими? Юртни алдама, сен ёлғонга ётсан, очигини айтовур...

Бозорбой ўйланиб қолди, ечилиши анча қийин савол тушганди. У келажакда бу муаммони ҳал этиш йўлларини калласида пиширган-у, режаси правление муҳокамасига қўйилмаган эди.

— Менимча, қир этагигача етиб келган узумбоғни юқорига давом эттирамиз-да, бутун адирга нав-нави билан хўраки ток кўчатлари экамиз, — деди ўзига тикилиб турган ҳамқишлоқларига жавобан. Ҳаммангиз яхши биласиз, ток кўп сувни ёқтирмайди. Кўчатлар ўзини тутиб олгач, ёзги чиллада бир, қишки чиллада бир мартагина суғорилса бас. Адирга оқизиладиган сув деярли сезилмайди. Довон, кесиш, сефон ариқ ётқизиш, яна бошқа-бошқа харажатлар учун колхозимиз уч юз мингга яқин сарфлаб қўйган. Адирда узумбоғ яратсак, кетган харажатни чиқариб, қўшимча даромад ҳам ола бошлаймиз.

— Жуда тўғри маслаҳат, — уни қўллади кўпчилик.

Бу таклиф қулоқларига бало бўлиб кирганлар ҳам йўқ эмасди. Бир чеккада ёнма-ён турган бош бухгалтер билан Жасур индашмади-ю, иккаласининг ҳам авзойи бузук эди.

Долзарб экин-тикин палласи оёқлаган, жазирама ёз яқинлашиб келмоқда эди. Чорва ҳам оғир палладан ўтди, тоққа кўчадиганлари кўчиб бўлди. Аммо Бозорбой тиним билмас, бошқа зарур юмушлардан кўли бўшади дегунча, узумбоққа югурар, хомтокни кузатарди. «Ахир, узумни узум қиладиган — хомток-да!» деб қўярди баъзан, Иса бувадан эшитганини такрорлаб.

Шундай кунлардан бирида уни Мухтор Ҳакимович йўқлатиб қолди. Улар анча суҳбатлашиб ўтиришди. Тўғрироғи, кўпроқ Бозорбой гапирар, Мухтор Ҳакимович эшитарди.

— Колхознинг истиқболи қандай бўлади? — қизиқсинди ниҳоят райком секретари. Бундан руҳланган Бозорбой кўнглини ғаш қилиб келган бир муаммони ўртага қўйди.

— Деҳқончиликда ҳам, боғдорчилигу тоқчиликда ҳам колхозники билан шахсий хўжалиқларники орасида катта фарқ бор, — деди у куюнчаклик билан. — Одамлар ўзлариникида ўлиб-тирилиб ишлайдилар, колхоз юмушларини эса қўл учида бажаришади. Яна бу қилмишини оқлаб: «Ҳа, энди, колхозникида», деб қўйишади...

— Бир қишлоқ хўжалигида эмас, ҳамма соҳада бу касал бор, — уни қувватлади Мухтор Ҳакимович. — Шу дардга даво топиш лозим. «Колхозники» «давлатники» деган гапларни одамлар унутсин. Кейинги йилларда кўрилган тадбирлар, масалан, оила пудрати анча асқотди. Барибир булар ҳам кам. Уйлаш, топиш, юзага чиқариш керак. Бир амаллаб кун кечиришни ҳамма ҳам эплайди. Бошқача — орзу қилганингдай ишлашинг керак!..

Бозорбой, ўрни келганда, келажакдаги аниқ режаларини ҳам ҳикоя қилиб берди. Кўмилмайдиган тоқзорлардан фақат хўракиларини қолдириш, уларни ҳам нав-навига қараб саралаб чиқиш, ер-сув муаммоларини ҳал қилиш, қишлоқ ободончилигига жиддий киришиш, қабристонларни тартибга солиш каби ниётларигача қолдирмай айтди. Мухтор Ҳакимович диққат билан эшитиб бўлгач:

— Маърузанг тугадими? — деди кулумсираб. — Ҳаммаси яхши, олижаноб режалар... Мен сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Тасодиф юз бериб, ўрнимга ишга таклиф этишса, нима қилган бўлардинг?

Бозорбой эсанкираб қолди, туриб-туриб бироз хафа ҳам бўлди.

— Бунақа мазахлашнинг нима кераги бор, Мухтор Ҳакимович?! — деди хомуш тортиб.

— Мазахлаётганим йўқ, — деди Мухтор Ҳакимович. — Сен халққа яқинсан, одамларга меҳрибонсан. Шу ернинг фарзандисан. Энг муҳими — партком секретарисан, коммунистларни бошқаришни биласан. Хўш, нега менинг ўрнимда ишлай олмас экансан? Давр жиловни сен кабиларнинг қўлида бўлиши лозим. — Мухтор Ҳакимович ўрнимдан турди-да, Бозорбойнинг яқинига келиб энгашди. — Хайрлашиш учун сени бу ерга чақиртиргандим. Мен райондан кетяпман!

Бозорбой бақрайганича ўтириб қолди. Ишнинг бундай кўчишини у хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Сенга бир-иккита маслаҳатимни айтиб қўймоқчийдим, — сўзида давом этди Мухтор Ҳакимович. — Албатта уйланиб ол. Бу — оиланг, кекса бувинг, ишингнинг келажак муваффақияти учун керак. Унгача турар жойингни тайин қил. Яхшиси, колхоз қурган уйлардан бирига кўчгин: шахсий иш билан ўрналашиб қолмайсан. Агар бувинг кўнмаса, бир келганимда ўзим гаплашиб бераман. Энди, охирги гапим, Омонтой Олтинбоевич сингари шароитга қараб турланадиган душманлардан эҳтиёт бўл!

Мухтор Ҳакимовичнинг кабинетидан чиққан Бозорбой шофёрига жавоб бериб юборди-да, чуқур хаёлга чўмганича, хилватроқ кўча орқали пиёда жўнади. У оёғи тортган томонга қараб кетаверди. Бир маҳал дарё ёқасидан чиқиб қолди. Ёнариқнинг этагидан бошланиб, нариги қирғоқчада давом этиб тушган Қиндивойнинг тўқайи Бозорбойнинг хаёлини олиб қочди. Қачон бўлмасин, шу беткайни кўрди дегунча, юраги қалқиб кетади. Йўл бошқа ёққа ўзгаргандан бери кўнглида армон бўлиб келаятган ниятини шу бугун рўёбга чиқармоқчи эди: «Қиндивойнинг тўқайидаги сўқмоқдан — онажоним излари қолган йўлдан пиёда кетай...»

Болалик йилларида Бозорбой деярли ҳар куни шу йўлдан қатнарди. Аммаси уни ўзи билан бирга бозорга олиб тушарди. Абжир болакай мева-чева ортилган эшагини нақ бозор расталаригача ҳайдаб кирарди. Аммаси юкни тушириб олгач, «Махорка»ни чоптириб, яна Қиндивой тўқайидаги йўлдан уйга қайтарди.

Эшагига «Махорка» деган номни маҳалла болалари қўйишган. «Махорка!» деган овозни эшитган заҳоти эшак тинмай ҳанграйверади. Бозорбой эса: «Эшагимни нега масхара қиласанлар?!» деб, болалар билан уришгани-уришган эди...

Бозорбой кўм-кўк ажриқларни, ер бағирлаб ўсиб ётган янтоқларни босиб бораркан, кўнглида маъюс ҳиссиётлар бош кўтарди. У бутунлай унутаёзган оламига қайта қадам қўйганидан дам қувонар, дам кўнгли бузиларди. Учаёзган сўқмоқ текис майдонни қоқ бўлиб ўтгач, Қиндивойнинг тўқайига тушиб кетди.

Ёнарик қишлоғи этагидаги даладан кичик ариқча бошланади-да, кенгая-кенгая катта сойликка айланади. Тўқайнинг бошланиш жойидан пастроқда бир туп баланд ва сершоҳ тут дарахти бор. Уни Яккатут деб атайдилар. Бу дарахт қишлоқ билан бозорнинг қоқ ўртасида, бийдай далада қад ростлаб ўсган. Остидан қайнаб чиққан булоқнинг зилол суви Қиндивойнинг тўқайига оқиб тушади. Асфальт қурилгунча одамлар бозорга мана шу йўлдан қатнаб, Яккатут остида салқинлаб ўтишарди.

Яккатутдан паррандалар аримайди. Айниқса, чумчуқлар бола очган маҳалларда, қалин шохлар орасида тумшуғи сариқ полапонлар питир-питир учиб-қўни юришади, новдаларда тизилишиб ўтиришарди. Бозорбой «Махорка»ни чоптириб бозордан қайтаётганида кўпинча палахмон билан чумчуқ овларди. Бир воқеадан кейин...

Шу куни ҳеч «қўли келмади»: отган тошларининг биронтасиям чумчуқларга тегмасди. Овга обдан берилиб кетганидан, болакай бутун борлиқни унутганди: колхоз буғдойини оралаб, бошоқларни мазза қилиб тушираётган «Махорка»га ҳам қарамасди. «Ўқ» узишга шай турган қўлларида резинкадан ясалган палахмон, кўзлари шохдан-шоҳга сакраб ўтаётган полапонга қадалган. Болакай орта тисарила-тисарила чумчуқчанинг кўкрагини нишонга олди. Хавфни сезган митти жон сакраб панароқ шоҳга ўтиб кетаверди. Бозорбой жуда мерган эди, бунинг устига иши юришмаётганидан қаттиқ жаҳли чиққанди. У барг панасида бекиниб ўтирган полапонга куч билан тош отди. Чумчуқча, беркиниб олдим деб ўйлаб, янглишган эди. Тош «чирт» этиб баргнинг бир четини юлиб ўтди-да, полапоннинг бошини ҳам учуриб кетди. Бирпасдан кейин чумчуқчанинг танаси бошқа, калласи бошқа бўлиб ерга тушди. Полапон оёқларини аста-секин чўзиб, панжаларини кериб жон берарди. Сал наридаги бошчаси эса, сариқ тумшукли оғзини очиб-очиб қўярди. Бозорбой ўлжасини олмоқ учун энгашган эди, елкасидан катта бир қўл тутди. Бола чўчиб бош кўтарди. Тўмтоқ соқолли, пешонасига тўлқинмисол ажинлар «гусл» солган мўйсафид унга қаҳр билан тикилиб турарди.

— Кимми боласан?!

— Бувимнинг...

— Бувинг ким?

— Ойсара буви.

— Э, Ойсара кампирри наварасиман, дегин. Отинг Бозорбойдир, ҳойнаҳой?

— Ҳа, — деди чолга ҳайрон бўлиб тикилиб турган болакай.

Мўйсафид ерга боққанча анча вақт тек қолди. Кейин оҳиста бориб, каравотга ўтирди-да:

— Бери кел, — дея Бозорбойни ёнига чақирди. — Уришай десам, ўзимми боламакансан. Шундаям айтиб қўяй, анови полапонни ўлдириб, яхши иш қилмадинг, сен!..

— Ёвчумчуқ-ку! — деди Бозорбой кўзларини пирпиратиб. — Ҳамма буғдойларимиззи, экинларимиззи ташиб кетади...

— Чумчуқни қўёвур-у, аввал эшагингни эвлаб ол! — деди чол буғдой бошоқларини қуртиллатиб тушираётган «Махорка»га ишора қилиб. Бозорбой довираб қолди. Югуриб бориб эшагини етаклаб чиқди-да, тут кундасига танғиб, яна қариянинг оғзига тикилди.

— Сен-чи, болам, бу жойда биттаям тирик жонга озор бермагин, Яккатут жудаям азиз жой. Бу жойда таваллуд топгансан. Бу жойда... жаннати онанг дунёдан кўз юмган, шуни билиб қўйгин...

Эсини таниб қолган бола мўйсафиддан кўз узолмасди. Иса ота эса ёниб-куйиб сўзларди. Эри урушга кетгач, рўзгор ташвишида юрган ҳомиладор аёл бозор-ўчар қилиб қайнонасини боқар, бир амаллаб оилани тебратарди. Шундай кунларнинг бирида, Яккатутга етар-етмас, тўсатдан уни тўлғоқ тутибди. Не азобда кўз ёрган аёл чақалоғини латта-путтага ўраб каравотга ётқизибди. Ўзи мадорсизланиб, чўзилиб қолибди. Йўловчилар келганда чақалоқ «биғ-биғ» ийғ-лар, аёл оламдан ўтганди. Бозор йўлида туғилгани учун чақалоққа Бозорбой деб ном қўйишган экан улар...

Бозорбой бу йўлдан юришга чоғланиб-чоғланиб, журъат этолмаслигининг бир сабаби ҳам шу эди. Йўл ёқасидаги тут тагида онасининг руҳи доимо полапон мисол чирқиллаётгандек туюлаверарди.

У қалби минг пора бўлиб, Яккатут остига етиб келди. Тўхтади. Япалоқ бир тошга ўтирди. Тепада, шохлар орасида, бундан йигирма-ўттиз йиллар олдингидек, чумчуқлар учиб-қўниб юришибди. Тут новдаларида қаторлашиб сариқ тумшукли полапонлар ўтиришибди. Улар жуда анқов, бепарво, «шилқ», «шилқ» деб қўйишади. Оналари яқинига келганда қанотларини қоқиб, тез-тез сайрайдилар. Чумчуқлар эса хавотирда, дарахт остида ўтирган одамга қараб, «дағдаға» қилишади: «Чи-р-р! Диғ-диғ, диғ-диғ, диғ-диғ...» Гўё: «Кимсан! Болаларимга кўз олайтирмай, тезроқ жўнаб қол!» дейишаётгандек. Сал ўтгач, Бозорбойни унутдилар. Шумшайиб ўтирган одамнинг беозорлигини сезган паррандалар ўз ишлари билан овора бўлдилар.

Бозорбой-чи?! Қалбининг туб-тубидаги тузалмас жароҳат очилиб кетган йигит вужуди ловуллаб ёнарди. «Мен онамнинг қотилиман! Агар мен шумқадам худди шу ерда — кимсасиз далада туғилмаганимда, онажоним ўлмас эди!..»

Каримшер ҳарбийдан қайтганда, ҳафсала қилиб, яқинларининг суратини олдирган экан. Шу важ туфайли Бозорбойнинг онасидан хирагина ёдгорлик сақланган. Бахтиқаро ўғил уни катталаштирди, қайта чиздири. Кўпайтириб, қариндош-уруғларига ҳам тарқатиб берди. Ўзи кўрмаган онасининг боқишлари, юзу кўзлари қалбида муҳрланиб қолган...

* * *

Баҳорнинг ўрнини ёзнинг димиқтирадиган кунлари эгаллай бошлади. Болалигидан ёнариқбоши салқинига ўрганиб ўсган Бозорбой уй ичида ухлаёлмай қолди. Бувисини уринтиришга кўнгли бўлмади, супага ўзи жой солди-ю, ётар олдидан бир оғиз айтиб қўйди.

— Совуқ жон-жонингдан ўтиб кетади-ку, болам, — кампир инқиллаб синқиллаб қалин кўрпа кўтариб чиқаётган эди, югуриб бориб қўлидан олди. Сазаси ўлмасин, деб шундай қилди. Аслида битта кўрпа ҳам ортиқлик қиларди.

Бозорбой кейинги пайтда уйқусизлик дардига йўлиқди. Ётдим дегунча, хаёл бостириб келаверади-келаверади. Талабалик йилларидаги қанотли орзулар билан ҳаёт ўртасида қанчалар фарқ борлигини у энди тушуниб ўтирибди. «Мен келажакда хўжаликка бошлиқ бўлсам, ундай қилодирман, бундай бўлодирман...» — дейишарди кўпчилик. Бу каби чиранишларнинг турган-битгани кўпик эканлиги ҳам энди унга аён. «Орзу бошқа, ҳаёт бошқа экан-да. План деган бало борми, жами эзгуликлар шу аждаҳонинг қанжигасида йўқ бўлиб кетади. Унгаям бир илож топса бўлар. Аммо ичингдан чиққан ёвларга даво истаб қаерга борасан, додингни кимга айтасан? Қишлоғингга, халқингга яхшилик қилиш учун баъзан издан чиқишга, кўзни чирт юмиб иш кўришга тўғри келади. Қанийди, шу йўлга кирса, деб шайланиб юрганлар камми?! Дарров қаламни ишга солишади, керак бўлса уч-тўртта тухматни ҳам ёпиштириб, кўзларини лўқ қилиб тураверишади. Атрофдагилар-чи, адолатни ҳимоя қилиш уёқда турсин, совуқ сувга бармоқ теккизгилари келмайди-я! Вой, менинг «серандиша» ҳамқишлоқларим-эй!.. Қани эди, ҳамма бир жон бир тан бўлиб ёнингда турса, янглишганингни яшириб, яхшилигингни оширса. Сен ҳам халқ иши учун жонинг борича фидойилик кўрсатсанг! Йўқ ердан йўндириб курсанг, яратсанг, барпо этсанг, кўкартирсанг, яйратиб-яшнатсанг! Қишлоққа яхши бир мактаб керак, маданият саройи, кутубхона, чойхона, ҳаммом дегандек... Раҳбар зоти борки, одамгарчиликдан, субутдан, хулласи калом, инсонликдан чиқиб қолар экан-да!

Ё шу тавқи лаънатни қабул қилиш керак, ёки раҳбарликдан воз кечиш... Тўғри юраман деган одам раҳбарликдан воз кечмай кўрсин-чи! Шундай аломат «уюштириш»лар қилишадик, ўзини қўярга жой тополмай қолсин! Қайнотам район оқсоқоли кирдикорларининг бир учини чиқарди-ю, батафсил айтмади. Мухтор Ҳакимовични тирик-бутун қовуриб ташламоқчи экан, ярамас! Ҳайтовур, юқорида ҳалол одамлар бор экан. Мухтор ака катта лавозимга ўтиб кетгани учун менга теголмаяпти, у қари қашқир. Лекин пайт пойлаб юргани аниқ. Қулай келди дегунча қопади. Райкомга ўтиб ўз ихтиёрим билан...»

Дарвозанинг ғичирлаб очилиши уни хаёллар исканжасидан қутқарди. У ётган жойида бошини буриб қаради. Икки шарпа олдинма-кетин ичкари кирдилар. Бири остонада туриб қолди, иккинчиси оёқ учида юриб, унинг тепасига келди. Энгашди. Бозорбойнинг бурнига арақ ҳиди урилиб, ўрнидан қўзғалди.

— Ўзингмисан, оғайни, буви ичкаридами? — шивирлади Жасур. Авваллари, қай маҳал келса-да, шовқинлаб кўни-қўшниларгача уйғотиб юборадиган ўртоғининг бунчалик ҳадиксирашидан Бозорбой ҳайрон эди.

— Тинчликми, эшик олдидаги ким? — сўради у туриб кийинар экан.

— Э, анчайин, санминан бирпас суҳбатлашайлик деб... — Жасур шарпага қараб овоз берди, — Сайдилла ака, келовиринг, ўртоғим ёлғиз ўзиякан.

Бош бухгалтернинг номини эшитган Бозорбой энсаси қотиб ғижинди-ю, сездирмади. Уринни йиғиштириб, кўрпача тўшади. Бу орада Сайдилла ака келиб ўтирди, қадам етди бало етмасин, деб юзини сийпалаб қўйди.

— Тўрва қани, ака? — шивирлади Жасур.

— Қаттиқ-қаттиқ гапиравер, ўғрига ўхшамай! — деди жаҳл билан чақирилмаган меҳмонларнинг шилта мулозамати жонига теккан Бозорбой.

— Оббо, дарров одамни жеркиганинг чатоқ-да, — ўрнидан туриб бориб, эшик олдида қолдирилган тўрвани кўтариб келган Жасур ундан арақ, колбаса, яна қандайдир консерва чиқариб ўртага қўйди. — Бувам бугун уйга бориб обдан таъзимимни берди. Сендан узоқлашиб кетганмишман. Агар келиб, айбимни бўйнимга олмасам, мендақа неварадан қўл силтаб юборармиш. Гувоҳликка, мана, қўшнимниям опкелдим...

— Боплабсан! — унинг гапини кесди тоқати тугаб бораётган Бозорбой.

— Мундоқ қовоғингни очиброқ ўтир, — аста-аста «ҳужум»га ўта бошлади Жасур. — Нон-пон қўймасангам, дастурхон ёз, стаканми, пиялами, ҳеч бўлмаса бўшаган консерва банкаси...

У арақни учта пиёлага бўлиб қўйди. Яна ичгач, баттарроқ алжиб кетишидан чўчидими, пиёлаларни ерга қўйиб, асосий масалага кўчди.

— Аввало, бувамни сазаси ўлмасин, деб сени олдинга бошимни эгиб келдим...

— Гуноҳинг бордирки, буванг таъзимингни бергандир...

— Бунақа, одамни кесиб ташамагин-да, — чинакамига оғрина бошлаган Жасур сал қизишиб гапида давом этди. — Тўғри, биргатликни эплаёлмадим. Шу тўғриларда бир оғиз маслаҳат солмадим, сенга. Майли, булар иш бўлди. Энди мундан буёғига бувам тайинлаганидай, ёнингда туриб, сенга қарашувимиз керак. Биз, Сайдилла акам иккимиз маслаҳатлашиб, семон ариқ ётқизилган адирга бу йил кечки картошка экмоқчимиз. Кейинги йиллардаям узум етилгунча пиёз-сиёз қилиб турсак. Раисга маслаҳат солувдик, йўқ демади-ю, сенга учраш кераклигини айтди. Шундан, ҳаддим сиғиб, Сайдилла акамминан келганимиз. Ернинг бир бўлагиди дори солмай, ўзимизга алоҳида ўстирамиз. Ҳар йилги пиёз, картошка ташвишидан сенам қутулсан...

Ўзи шундоқ ҳам қоп-қоронғи тун эди. Энг яқин, энг ишончли ўртоқларимдан бири, деб юрган Жасурнинг қуюшқонга сиғмайдиган гаплари Бозорбойнинг дарду дунёсини баттар зимистонга айлантирди. «Мени ким деб ўйлаяпти, ярамас! Шунчалик лақма, ожиз кўринар эканман-да, буларнинг кўзига...»

Бозорбой ғазабини ҳарчанд босишга уринса-да, овози нафрат билан янграб кетди:

— Истаганингча тирикчилк қиловургин-у, бунақа ҳаром ишларингга Иса бувага ўхшаган покиза одамларни аралаштирма! Бу — бир. Иккинчидан, адир тугул колхоз ерининг бирор қаричига эгри одим босганлар, ким бўлишидан қатъи назар, иши терговга оширилади...

Жасур пиёладаги арақни бир кўтаришда бўшатди.

— Олинг, ака! — деди қимир этмай ўтирган бош бухгалтерга. Сайдилла ака арақни ичмади-ю, Бозорбой эшитмаган янгиликни айтиб, пичинг қилди:

— Кеча шаҳарга тушувдим, Мухтор Ҳақимовичниям аллақайси областга, паст бир ишга сурворишибди. Оғир-енгил кунларда қишлоқдошлар яраймиз бир-биримиззи кунимизга. Буни унутмаслик керак, укам...

Бозорбой гаранг бир аҳволда ўтирарди. Иккаласини итдек ҳайдаб юборай деса, бу одат тоғликларни таомилига тўғри келмайди. Индамаса, тобора ҳаддиларидан ошишяпти. Қандай йўл тутсаки, хира пашшалар тезроқ даф бўлса...

— Уртоғим, ҳаддим сиғади, деб ишонибман-а! Катта бошини кичкина қилиб, Сайдилла акадай ҳурматли одам манминан бирга келса-ю, бу ҳажқиқиз...

— Ҳажқиқиз менми, сенми?! — Бозорбой сапчиб кетди. — Ёнингда авлиё қилиб бошлаб юрган Сайдилла акангни ғирт ўғри деб, сўкиб юрган ўзинг эмасмидинг?! Шайдонга ортимдан излаб бориб айтган гапларинг, Сайдилла ака еб кетган етим-есирлар ҳақини, мен қайтгач, биргалашиб бурнидан булоқ қилиш тўғрисида урган лофларинг дарров ёдингдан чикдимми?! Қойил қолдик, оғайни!..

— Бозоржон, чой-пой қайнатиб берайми? — қизишиб бораётган можарога аралашди, ичкаридан овоз бериб Ойсара буви.

— Бўлди, ўзидан кўрсин... Туринг, Сайдилла ака! — шеригига ҳам қарамай, чайқалиб кўчага қараб юрди Жасур.

— Кайфи ошиб қолди, ҳали ёш-да, — Бозорбойни юпатган бўлди бош бухгалтер. — Ҳушёрликни қўлдан бермай юравер, укам. Ўзимиздан чиққан кадрсан, керак бўлса ҳамма қиламиз, қўллаймиз. Райкомга келаётган янги биринчи билан яхшигина танишлигимиз бор...

Чақирилмаган меҳмонлар чиқиб кетишгандан кейин ҳам Бозорбой анчага-ча фикрини жамлай олмади. Ниҳоят, қатъий қарорга келиб, ўринга чўзилди.

* * *

У икки кўлини белига тираганча, ярим хароба ҳовлининг ўртасида қаққайиб турар, ишни нимадан бошлашни билмас эди. Бир томон гир айлана тор энли бостирма. Орқа томони пахса девор, олд тарафини сарров ва устунлар аранг кўтариб турибди. Пахсанинг ярим белидан пасти қорайиб, моғор босиб кетган. Увишиб, уваланиб, ўпирилиб тушган жойларидан қўшнининг ҳовлисига туйнуқлар очилиб қолибди. Қачонлардир қўй-эчкилар озиқланган охурлар ярим-ёрти. Охур ёнбошига ўрнатилган қийшиқ-қинғир устунларни қурт-қумурсқалар еб, оқ кукунга айлантиряпти. Кўчани тўсиб-тўсмай турадиган, моллар учун мўлжалланган пастак эшик кўпинча ярим очик қолади. Унинг «ошиқ-мошиғи» ишдан чиққан, куч билан кўтариб очиш, кўтариб ёпиш керак. Эшикдан кирилгач, ўнгдаги қадимий сомонхонанинг бирёқ қаноти ва орқа томони босиб тушган. Устунни «ўйнаб кетган» йўғон харининг бир учи ерда ётибди. Сомонхонанинг қачон қурилганини Бозорбой ҳатто эслолмайди. «Бурунчилар ҳам қизиқ-да. Тагига бир-икки қават тош териб, пахса девор билан қурилган сомонхонага жимжимадор эшик ўрнатиб қўйишибди. Буларни тузатиб, қайта тиклаб бўлармиди?..» Шу пайт, эски сомон ичида бирнима шитирлади. Бозорбой синчиклаб қараса, ўқилон ўрмалаб юрибди. Чакка ўтавериб, қорайиб кетган қолдиқ сомон, зах ва моғор ҳиди анқиб турган зимистон оғил ичида илон-чаён калтакесак, сассиқ-қўнғиз, эшакқурт сингари алланимабалолар бижғиб ётгандек эди. Бозорбойга қолса, уларни бир-икки кунда бузиб, текислаб ташларди-ку... Шу ҳақда гап очса, бувиси қунишиб қолади. «Бобонг раҳматли не-не машаққатларминан тиклаган-ку, қандоқ кўзинг қияди? — дейди кўзлари мўлтиллаб. — Утиб кетганимдан кейин бузарсанлар, унчага уёр-буёрларини суваб-сийқаб турармиз. Лой қориб берсанг, ўзим бирпасда тузатиб қўяман...»

Бувисининг айтганидан чиқмай юраверай деса, ўғли... Ёрқинжон чопқиллаб юрадиган бола бўлди. Шўх, бирпас тинмайди, Ойсара кампирни қидиртиргани-қидиртирган. Сал қаттиқ гап билан уришса, ёки ёлғондакам пўписа қилса ҳам пилдираганча Тожинор опаникига жўнаб қолади. Салдан кейин Ойсара бувисиникида қайтиб пайдо бўлади. Икки уйнинг эркатойи! Ҳаммадан ҳам мана шу, довдир ўғлидан кўрқади. Босай деб турган оғил-отхоналар ичига кириб ўйнаса...

Кўча томондан келган Ёрқинбекнинг чинқириғидан Бозорбойнинг хаёли бўлинди. У сакраб-ҳатлаб пастаккина зил эшикка ўзини отди. Шу тезликда олдинга «учаётиб» мўлжалли ноаниқ олган экан... бошидан зарб еб кўзларидан ўт чиқиб кетди! Эс-ҳушидан ҳам айрилди. Кўзларини очганида, иккала оёғи олдинга чўзилган, кафтлари ерга тиралган ҳолда кўча ўртасида ўтирарди. Ёрқинбек эса ёнида куймаланар, бўйнидан қучиб:

— Ада, алақим... алақим оқиватти, — дея чирилларди.

Бозорбой бир кўлини секин кўтариб, зирқ-зирқ оғриётган бошини уқалади. Пешонасидан юқориқоқда каттагина ғурра пайдо бўлибди. Шу заҳоти ўз дардини унутиб, чириллаётган ўғлининг оёқчасига кафтини босди. Ёрқинбекнинг дўмбоққина товонидан қон силқиб турибди. Ялангоёқ югуриб юрганида шиша синигини босиб олганга ўхшайди. Бозорбой ўрнидан туриб, ўғилчасини кўтарганча уйга ошиқди. Ҳовлига кирар-кирмас бақириб юборди.

— Буви! Буви дейман!

Ичкаридан бели обкашдек букилиб, Ойсара кампир чиқиб келди.

— Ҳа-ҳа, болам, тинчликми ўзи?! Ёрқинжонимга бир нима бўлдими, нега йиғлавоитти?!

— Мундоқ кўз-қулоқ бўлиб турмайсизми, ахир?!

Бозорбой Ёрқинни кўрпачага ётқизди. Буви ҳам чеварасининг ёнига чўкди, ботинмайгина пешонасини силади.

— Ҳалиги қиз обкетдими де-еб, ғафлатда қопман-да, мен ўлгур...

— Қайси қиз? — пешонаси тиришди Бозорбойнинг.

— Ҳаҳ, оти нимайдиям, Қоратойни шаҳарда ўқийдиган қизи-чи? Қалдирғочмиди-ей... Болагинам шунга жа ўрганиб қолди-ёв...

— Қўйинг-э, Қалдирғоч-палдирғочиданам ўргилдим! Ундай кўра бинтми, доками топинг, дарров...

Дами ичига тушган кампир тимирскиланиб юрган эди, Бозорбойнинг ўзи кириб кетди-да, йод, бинт топиб чиқди. Қараса, бувиси боланинг ярасига қоракуя босиб ўтирибди. Бозорбой баттар тутатди. Жаҳл билан қоракуяни артиб ташлади, ярани совунлаб ювди, йод сурқаб боғлаб қўйди. Кампир сурмаранг, мунис кўзларини бир неварасига, бир чеварасига қаратиб жим ўтирарди. Ўғлининг оёғини яна бошқа бинт билан ўраётган Бозорбой, чидай олмай ичидаги дард-аламларини тўкиб солди.

— Бу ҳалво! — деди у зарда билан. — Бугун бўлмаса эртага анови «кошона»лар биттамузми босиб қолади. Бузайин десам, қўлимни қайтариб, «музей» қилиб ўтирибсиз. Билмадим, кимга, нимага керак, шу куркинак уялари...

Кампир жаҳли чиқши ўрнига бошини силкитиб кулди. Бозорбой анча йиллардан бери бувисининг яйраб кулганини кўрмаган эди, ҳайрон бўлиб қаради.

— Мен болам десам, болам ўз боласини деракан. Сениям шундоқ қилиб боққанман. Ёлғиз ўзингсан, — Ойсара буви бирпас жим қолди. Нималардир хаёлидан ўтиб жиддийлашди. — Қанчадан-қанча кўргиликларга йўлиқмадинг, болам. Мусофир бўлдинг, манови ишингда югур-югур қилиб юрдинг. Бостирма қурғурларни бузиб-тузатишга вақтингам йўғиди-да! Энди сал тинчигандексан. Локин, жон болам, буёғи уйланмасанг, бўлмайди. Тиниб-тинчишингни пойлаб юрибман, чироққинам. Бошқа қиладиган ишим қолмади дунёда...

— Хўп уйланай, — сал паст келди-ю, ўртага яна ўша жумбоқни қўйди. Бозорбой. — Келинни мана шу «оқ уй-ола баргак»ларга туширасизми?

Бу саволга бувисидан жавоб бўлмади. Ойсара кампир нима дейишини билмай ўтирарди. Неча йиллар ўтиб, чеҳрасида бирров кўринган табассум қайтиб сўнган эди. «Кимсан — Қорасоч келинимниям мана шу уйга туширганман-ку», деган гап тили учиде турибди-ю, айтолмайди. Ўша бахтиқаронинг дардида куякуя адо бўлмаяптими неварам шўрлик, деб ўйлади.

Бозорбой бувисига дағал муомала қилаётганини сезиб қолди. Овозига дарров қувноқлик, ҳатто бир оз эркалик қўшиб ялинишга тушди:

— Бувижон, кўна қолинг, колхоз қурган уйга кўчиб ўтайлик. Мен, чеварангиз — Ёрқинжон соғ-саломат юриши учун хўп денг, жон буви! Сизнинг ҳурмагингиз, ўтган ота-боболарим, келинингиз ҳурмати — бу ҳовли-жойларниям тузатаман, соғинганда келиб-кетиб юраверасиз...

Бозорбойнинг кейинги сўзлари кампирни мумдай эритди.

— Энди ихтиёр сенда, болам... — Ойсара буви бирпас жим қолди-да,

нималарнидир чамалаб олгач, сўради, — кўйнимда яна бир гап бориди, айтсам хапа бўлмайсанми, Бозоржон?..

— Ох, бувижоним-эй! Бутун умрингизни йўлига тикиб келган болангизга буюринг, ундан талаб қилинг, бувижон!

— Майли, чироққинам, буюрмасамам гўрга, бахтимга жонинг омон бўлсин, ўзингдан кўпайгин, — неварасининг юз-кўзидан силаб-сийпаб ўтириб, кўнглидаги дардини ёрди кампир. — Бошқа уйга кўчганимиздан кейин, ота-бувангни чироғини тоғанг ёқи-иб ўтирсамикин, девдим. Биласан-ку, умри мусофирчиликда ўтиб кетвотти. Иннайкейин, давлинаси боракан, тоғда бўмасакан..

Бозорбойнинг кўксидан бирнима отилиб чиқиб, томоғига тикилди: «Бечора бувим! Укаси ташвиши мудом кўнглида кўндаланг тураркан-у, менга айтишдан ийманаркан-да. Ёлғизгина жигарпораси-ку у!»

— Албатта, бувижон! — Ойсара кампирнинг қоқсуяк кафтларини юзига босди Бозорбой. — Ўзим бу уйларниям тузатиб бераман, ўзим кўчириб обке-ламан, сиз сираям ташвиш тортманг!

— Барака топ, тойчоғим! Тоғангниям, бола-чақасиниям бахтига сен омон бўлгин, кўзимни оқу қораси, ялғиз болагинам...

— Бувижон, бугун ишимдан рухсат олганман, анови қийшиқ бостирмаларни.. бошлайверайинми?..

— Майли, Бозоржон, майли. Ҳеч тап тортма, ўзингни уй-жойинг. Ота-буваларингни арвоҳлари қўлласин, — очиқ юз билан деди кампир.

Бозорбой эски-туски кийимлар кийиб, керакли асбоб-ускуналарни шайлаб ҳовлига тушди. Энг аввал ишни ярми босиб ётган отхонадан бошлади. Томга чиқиб, эндигина беш-олти бел тупроқ ташлаган эди, раиснинг шофёри эшикка келиб тўхтади.

— Бозор ака, сизни тез олиб борармишман, — деди у.

Бозорбой сал ижирғанди-ю, шунга қарамай, дарров кийиниб чиқди. Муҳим иш бўлмаса, қайнотаси уни чақиртирмас эди. Раис кейинги пайтда жуда ўзгарган: ҳеч кимга ошириб гапирмайди, районга ҳам қатнамай қўйган. Бозорбой билан-ку, иши йўқ, учрашиб қолганларида ғамгин бир алфозда сўрашиб ўтиб кетаверади...

У кириб борганида Қоратоев кўчага тикилганча дераза олдида турарди. Худди иккаласи қаттиқ айтишиб қолган кездагидек: қовоғи солиқ, кўзлари чакна-япти. Бозорбой хавотирланди: «Бирон чатоқ иш юз бердимикин?» Йўқ, ҳайтовур, Қорабой раис қўл бериб кўришди, «ўтир ўғлим» дея тўғрисидаги курсига ишора қилди. Бозорбой жойлашиб олгач, бориб эшикни ёпиб келди.

— Кечирасан, бемаврид чақиртирдим, — секин гап бошлади у. — Учта муҳим масала чиқиб қолди. Бугун иккимиз очиқчасига гаплашиб олишимиз керак, кечиктириб бўлмайди... — раис яна борди-да, эшикни ичкарасидан қулфлаб қўйди. — Биринчиси, — деди у шаҳодат бармоғини тикка қилиб, — тайёр уйга кўчасанми ёки яшаб турган жойингга телефон ўтказишсинми? Қачонгача машинада қидиртириб юрамиз?

— Тайёр уйга кўчамиз, бувим кўнди, — жавобни қисқа қилди Бозорбой.

— Яхши. Катта йўл чеккасидаги уйлардан бирини танлаб, кўчиб ўт. Қанча тез бўлса, шунча яхши. Иккинчи масала, — энди овози титраброқ давом этди Қорабой ака. — Сенларнинг лаш-лушларингни обкетиб... адашганаканман. Шундан бери хотиним, айниқса қизим — Қалдирғоч мендан хафа. Ўзим ҳам эзилиб кетдим. Тез кунда буюмларингни олиб кетмасанг бўлмайди. Бирон корҳол юз берса, юрагимда армон билан... — Қорабой ака ёшлана бошлаган кўзларини рўмолча билан артди-да, охирги масалага кўчди. — Тунда жуда хунук воқеа юз берибди, — деди у ўзини анча босиб олгач, хотиржам овозда. — Бош буғалтир, яна бир-иккита югурдаклари ем ўмариб кетишаётиб аварияга йўлиқишибди...

— Ёнидагилар кимлар экан? — беихтиёр сўради Бозорбой.

— Ким бўларди, бири — шофёр, яна бири... ҳали ўртоғинг-чи, Жасур. Аҳволи анча оғир эмиш. Касалхонага ўтиб, кўриб келарсан... Сайдилла кабинада экан, балоям урмабди... Гап бунда эмас, асосий масала шундаки, бу воқеа ички касалимиздан ситилиб чиққан фасод бўлди. Шунинг сенга айтиб қўймоқчи эдим. Бозорбой, ўғлим, мен виждон азобидан, сен энг хавфли душманларингдан қутуладиган фурсат келди. Анови, районни кемириб ётган Омонтой Олтинбоевичу,

шунга ўхшаш юқоридаги еб-тўймасларга қўл-оёғимни кишанлаб берган ҳам, жонимни маҳкам қисимлаб ўтирган ҳам мана шу бош буғалтир эди. У истаган пайтида мени ағдариб ташлай олади. Мен йиқилган заҳоти Олтинбоев сени мерт қилади. Райкомга янги келган биринчи секретарнинг кўнглини овлаб, измига тортаяпкан эмиш. Кўрдингми, шунақалар, бирлашишиб Мухтор Ҳакимовични ситиб чиқаришди. Энди қўл қовуштириб қараб ўтирмаслик керак: мен район оқсоқолининг ниқобини очаман. Сен эса, ҳеч кечиктириб ўтирмай, мажлис чақиргин-да, бош буғалтирнинг масаласини ҳал қил. У маккорни албатта партиядан ўчириб, ишини терговга бериш керак. Агар бу гал ҳам сирғалиб чиқиб кетса борми, билиб қўй, Ёнариқнинг косасини ҳеч қачон оқартирмайди. Бир кун келиб, сениям бошингга етиши турган гап. Ҳозирдан тўрға тушириш ҳаракатида юрганиниям биламан. У шунақа туллак. Мана, бир машина тўла ўғирлик емни гаражга қаматиб қўйдим, аммо ўғрибоши Сайдиллага қарши мен қаттиқ чора кўролмайман. Чунки у билан баравар булганганман. Сенга ҳали наҳра тегмаган, покизасан, жон ўғлим, ўзингни сақлаб қол!..

— Тушундим, дада. Аммо сизни қандай қилиб... Ёлғиз ўзингиз анови район оқсоқолига...

— Тақдиримга куюнганинг учун раҳмат, Бозорбой. Мен район партия комитети бюроси номига хат ёзиб бердим. Омонтой Олтинбоев билан ҳисобкитобни шу жойда қиламан. Агар очиқ икромимни эътиборга олишиб, ёнингда яна уч-тўрт йил ишлашга имкон беришса яхши бўларди. Ўзингни сал тиклаб олардинг. Биргалашиб колхозни ҳам оёққа маккам турғизиб қўярдик. Бўпти, жа эзмаланиб юбордим. Ана, энди боравер, ишингга барака...

Бозорбой елкасига оқ халат ташлаб, палатага кирди. Боши, қўллари бинт билан ўраб ташланган Жасурнинг оғзи, бир кўзи очиқ эди. Иса бува ёнида ўтириб, кичик қошиқда оз-оздан шўрва ичирарди. Юзи мўматалоқ бўлиб кетган Жасур Бозорбойни пайқади, лаблари пичирлади:

— Йўқлаганинг учун раҳмат...

— Нега «ҳажикиз»ни ичингда сақлаб қолдинг? Керакли гапни ютиб юбормай, очиқ айтавер, хафа бўлмайман, — юпатди жилмайиб Бозорбой. — Хайрият бувангни толеига жонинг омон қолибди. Агар билсанг, бу одамнинг ишонган боғи ҳам, суянган тоғи ҳам сенсан!..

— Сиззи яхшиликларингизни унутмайди неварам, — деди мақтовдан ўнғайсизланган Иса бува. — Болапақир бир янглишди-да, мундан буёғига, худо хоҳласа, адашмайди, қаторингизда бўлади...

* * *

Колхоз коммунистларининг ғазоби тўлиб-тошиб турган экан, бош бухгалтерни партиядан ўчиришни бир овоздан маъқуллашди. Юзма-юз жанг қилган Қоратоев ҳам Омонтой Олтинбоевични ағдариб ташлади. Олтинбоев анойи эмас экан, Қорабой акани паққос босиб тушди. Иккаласи бараварига партиядан ўчирилди...

Ҳар куни бир ғалва. Бозорбой учун битта тўғри йўл қолган эди. У ўзини фақат иш билан овуларди. Қўли сал бўшади дегунча, колхозда энг сердаромад тармоққа айлантирилиши мўлжалланаётган боғ ва тоқзорларга югуради. Саҳардан то қош қорайгунча Иса бува иккаласи узумзор хомтоғи, кетма-кет олтингургурт чангитишнинг боришини назорат қилишади. Ипак қурти тарқатиш, пилла топшириш югур-югурлари пайтида-ку, бош қашишга ҳам қўл тегмади.

Тоқзорлардаги ҳосилолди юмушлари бугун якунланади. Бозорбой албатта ишнинг бошида туриши, ҳашарчиларга чой-овқат уюштириши керак. Шу ният билан кўчага чиққанида, почтачи қиз иккита хат тутқазиб кетди. Бозорбой конвертдан кўрдикки, хатларнинг бири Шайдондан — тоғасиникидан келган. Очди. Сатрларга кўз югуртирди-ю, бадани музлаб кетди.

«Бозор ака, дадамиз тўсатдан қазо қилдилар, кўмиб келдик. Ойимиз, аввалги фикрларидан қайтдилар. «Даданглар кўмилган жойга қўйилишим керак, Бозорбой акангларга хат ёзинглар, бизларни кўчириш учун овора бўлиб юрмасин», дедилар... Карим тоғангизнинг болалари...»

Жони товонига тушиб кетган Бозорбой ғуссага чўмиб борарди: «Энди бувимга нима дейман?! Виждонимга-чи?! Тентираб юрганимда қаноти остига

олган тоғамнинг оғир кунига ярай олмадим-а!» Шу хаёллар билан, узумбоққа ўтиладиган сой бўйига бориб қолди. Хомушланиб, бир лапакага¹ ўтирди, бошини икки қўли орасига олиб, уф тортди. Ногаҳон чўнтакларига қўлини суқди. Қўлига иккинчи хат илашди: «дарвоқе, шаҳардан — Қалдирғочдан мактуб бор эди-я!» Конверт сиртига Ёнариқ қишлоғи адреси, остига Бозорбойнинг исми-фамилияси ёзилганди. У эътибор билан конвертни йиртди, ичидаги тўрт буклоғлиқ варақни очиб кўз югуртирди-ю, ҳайратланганидан донг қотиб қолди. Бу — Қорасочнинг ёзуви эди!

«Азизим! Бу сатрларни ўқиётганингизда мен балки ёруғ дунёда бўлмасман. Журъат қилиб, Сизни бир сирдан огоҳ этмоқчиман. Токи, мен туфайли бошингизга маломатлар ёғилмасин. Балоғат ёшига етганимда тўсатдан оғир дардга мубтало бўлдим. Шифо истаб, шифокорлардан ушбу сўзларни эшитдим: «Энди бир умр ёлғиз яшайсан. Турмуш қуриб фарзанд кўрсанг — ўз жонингга қасд қиласан..» Азизим, мени кечиринг, уларнинг сўзларига ишонмадим, таваккалига иш тутдим. Ахир Сизни жонимдан ортиқ кўрардим, дардимни яширдим. Ўзингиз ўйланг, Сиздан жудо бўлиш, оламдан ном-нишонсиз ўтиш... бунга чидаб бўладими? Сизга ўзимни бахшида этаман, фарзанд кўриб, дунёда боқий қоламан! Шу умид билан яшадим, Шояд болам, боламнинг болалари менинг ҳаётимни давом эттирсалар!..

Буни сир тутишимнинг боиси бор. Агар очиқ айтсам, ҳамма менга қарши чиқарди. Ҳатто сиз ҳам... Оқибатда мен бахтсиз бўлардим. Энди эса чексиз бахтиёрман! Сиз — кўз очиб кўрганимдан умримда бир мартагина битта сирни яширдим. Мени бунинг учун кечирарсиз, деб умид қиламан...

Охирги ўтинчим: боламиз соғ қолса, эҳтиёт қилинг, яхшилаб тарбияланг. Ўғил бўлса... отини Ёрқин қўйинг! Биладан, бу йўлда толиқасиз, сизга қийин бўлади. Агар хўп десангиз, синглим Қалдирғоч яхши кўмакдош, йўлдош бўла олса керак. Ҳар қалай, жигарим-ку, боламизни боласидай кўрар...»

— Оҳ, Қорасоч, мени тириклай кўмдинг-ку, оловларга отдинг-ку!..

Бозорбой гаранг ҳолда узумбоққа қараб юрди. Хомток тугаган эди. Дори пуркаётган механизаторлар ёнидаги Иса бува бу йилги ҳосил чўғи ҳақида мақтаниш учун ҳовлиқиб келди-ю, Бозорбойнинг ранг-рўйини кўриб шашти қайтди.


— Ие, нима бўлди сизга, ўғлим?! — деди у астойдил ташвишланиб. — Эҳтиётсизлик қилиб кўзингизга дори туширдингизми?! Дарров сувга ювинг, дўхтиргга югуринг...

Бозорбой «йўқ» деган маънода бош чайқади. Шу пайт Иса буванинг назари Бозорбойнинг қўлидаги хатга тушди. «Аттанг, эшитибди... Тоғасининг нобуд бўлганини кимдир ёзиб юборибди-да...» ўйлади чол.

— Болам, бандалик, — деди Иса бува ғамгин товушда. — Каримшернинг қазоси ҳаммамизни ғамга солди. Буни сенга билдирмай тургандик. Мен ўтган ҳафта икки тенгқуримминан шу томонларга борганимдаёқ эшитиб, Каримшерни болларидан кўнгил сўраб келгандим. Шу куниеқ Ойсара опамга айтганман...

Бозорбой донг қотди. Сўнг, ортиқча лом-мим демай оёғи тортган томонга кета бошлади. Ювош адирлар, вазмин доvonлар, салобатли тоғлар, қайсар чўққилар уни синовчан кузатиб туришгандек. Довонлар олис, чўққилар ундан ҳам нарида... Аммо инсон олдинга босаверишга маҳкум эмасми?..

¹ Лапака — чекка



Баҳром Ғойиб

МЕҲНАТ БИЛАН ЎТДИ КУНЛАРИМ

Тушкунликда

Тушкунликда хаёл этаман:
Мен бошимни олиб кетаман,
Ёмонлардан нолиб кетаман,
Иснодларга қолиб кетаман,
Барин ҳаққа солиб кетаман!

Кетиб, ахир, қайга кетаман?..
Юртни ташлаб, ёмондан қочиб,
Дўст-душманга сиримни очиб,
Юрагимни парчалаб сочиб,
Кетиб, ахир, қайга кетаман?!

Кетиб, ахир, қайга кетаман?
Гўё дунё буткул бехатар...
Айро тушсам юртимдан, агар,
Ҳеч ким билмас, дўстлар беҳабар,
Ғам — аламдан ўлиб кетаман...

Куз

Куз —
сени дўстлар олтин дейишди,
Куз —
сени дўстлар муқим дейишди,
Мен кўрмадим, топмадим сени.

Баҳорларни, ёзларни кўрдим,
Меҳнат билан ўтди кунларим.
Қўшқулоқ ғўзанинг қулоғин тортиб,
Бўйини ўз бўйим билан тенгладим.

Бош кўтармай оқ олтин тердим,
Туз тотмайин, ухламай тердим,
Куз, наҳотки сени бой бердим?

Сариққа чалинган бола жигари —
Заҳарли доридан сарғайган япроқ.
Пахтанинг қовжироқ барги сингари —
Юзлари сарғайган сингилжонлар, боқ!

Бошимни кўтариб қарай олмайман,
Пахта этагида эгилган бўйим...
Далада юраги зардобли она.

Куз —
елкамда каттариб борган қанорлар,
Мен кўринмай қолдим, хирмонлар бийик.
Куз —
мен кўролмай қолган бийик хирмонлар,
Жаҳон термулади ҳар ёндан, куйиб.

Куз —
қанорларда қайларга кетдинг?
Туркистонда КУЗ йўқ, фақат ИШ...
Туркистонда ЕЗдан кейин ҚИШ...

Изҳор

Катта шаҳар шов-шувидан,
Лойқаланган сой-сувидан,
Улфатларнинг «ҳой-ҳуви»дан,
Тўйдим, безор бўлиб келдим,
Бир сенга зор бўлиб келдим!

Кўзин сузган шўх жононлар,
Кутар мендан гул-райҳонлар,
Битмай ўқиш-имтиҳонлар,
Мен интизор бўлиб келдим,
Бир сенга зор бўлиб келдим!

Қоши-кўзи тим қоралар,
Шоҳи рўмолга ўралар,
Бир боқиши дил поралар,
Мен беозор бўлиб келдим,
Бир сенга зор бўлиб келдим!

Хафа қолди дўст-жўралар,
Менсиз совуқ ўт давралар,
Уканг бунча кўп мўралар,
Борим бозор... бўлиб келдим,
Бир сенга зор бўлиб келдим!

Майсалар зори

Кўнглим тўлиб кетганда, баъзан
Сой бўйига тушаман, ғариб.
Йиғлаб, бироз енгил тортаман,
Майсаларга бағримни бериб.

Енгил-енгил нафас оламан,
Кўзёшимни майсага артиб.

Кўкка боқиб ҳайрон қоламан —
Юлдузлар чақнайди бетартиб...

Ҳамма нарса гўзал кўринар,
Гўзал кўринади юзи доғли ой.
Ойдинда кўзимга уринар, —
Мажнунтолдир анов, ҳайнаҳой.

Майса йиғлар кўксимни туртиб,
Шивирлайди кўзда ёш билан:
— Ёшли кўзларингни бағримга артиб,
Менинг кўз ёшимни артмадинг, инсон...

II

Майсалар йиғлабди яна кечаси,
Кимларнинг ҳолига йиғлаган улар?
Бағрини иситган қуёш яшасин,
Тундаги ғамидан ўзлари кулар.

Яна тун чўкади... майсалар йиғлар,
Кўкрагидан босар нопок қадамлар.
Покликни қўмсайди...
Пойини ўпар,
Афсуски, жуда кам покдил одамлар...

Майсалар йиғлайди яна кечаси...

III

Кўкка бўйин чўзган мағрур неки бор,
Пойига тўшайди қора кўлкасин.
Бағрингни кенгроқ оч, эй бобо чинор,
Қуёшга зор бўлиб майса сўлмасин.

Атиргулим...

Атиргулим, атиргулим-а,
Ҳиди элга татир гулим-а,
Хур гулим-э, ботир гулим-э,
Қара, қанча гуллар узилди...

Тиконсиз гул борки, — хор бўлди.
Бозор бўлди, ёвга ёр бўлди,
Яна рақиб харидор бўлди,
Номахрам кўл сенга чўзилди...

Тиконингни шайла, атиргул!..



Хаётхон

ГУЛЛАРГА СИРИНГНИ СҮЙЛАТГАН САҲАР

Ўзбекистон

Бу олам меҳрдан иборат фақат,
Дунёда хиёнат борлиги ёлғон.
Дилларда яшаркан вафо, диёнат,
Эзгу туйғуларни сақлайди омон.

Дўстлар бор шодлигинг кўргани баҳам,
Нигоҳи ўйларинг мунаввар этар.
Кўнглингга ўрмалаб киролмайди ғам,
Кимнингдир хаёли бағринг илитар.

Йўлга чиқаркансан эргашар қуёш,
Юрагингда мунис қўшиқ жаранглар.
Умринг оқ умидли тонгларга сирдош,
Қўшиққа солмоққа озми бу ранглар?

Қалбингда қуёшдай Ватаннинг оти
Музаффар қўшиқлар, туганмас дoston.
У билан мунаввар бутун ҳаётинг,
Тоza этиқоддир ҳур Ўзбекистон.

Кўзларингда маъсуд бир хаёл

Маюс кўзларингда маъсуд бир хаёл,
Мунис юрагингга шодлик бегона.
Не у, қувончингни сўндирган малол,
Синглим, ўйларингда не у, пинҳона?

Безавол тонгларнинг қаршисида жим,
Турибсан, ишқ йўлга чорламоқдами?
Ё ҳаё йўлингни турибди тўсиб
Шубҳа, гумонлардан дил қийноқдами?

Қўлларингдан тутган соғинчга, дилбар,
Саркашлик қилиб сен эгмадингми бўй?

Улуғ Максим Горький ўғлининг расми орқасига «Менинг энг яхши асарим» деб ёзиб қўйган эканлар. Мен Хаётхон (Ойниса Ортиқбоева)нинг шеърларини ўқиганимда буюк адибнинг ўша қутлуғ калимаси ёдимга тушади. Сабаби: Хаётхон ҳам ана ўшандай бир неча «яхши асарлар» муаллифи.

Инсофни, диёнатни ўрагага қўйиб гапирганда борган еридан бахт топиб, кўркам уйнинг кўркам бекаси бўла билиш бахти — ижодкор сингилларимиз, қўлларига хино қўйишидан кўра қалам тутишни афзал кўрган қизларимиз учун шоҳ асар битгандий бир гап.

Хаётхонга ҳавас қиларлик жиҳатларим: оилада — онабоши, маҳкамада — ишбоши, ижодда — булоқбоши. Дарёлар эса булоқлардан бошланади. Хаётхон ҳам дарёнинг бир томчиси янглиғ қай бир чанқоқ дилни қондира олса, қай бир армонли, қай бир армонсиз зотларнинг кўнглидаги гапларни топиб айта билса, ҳали қадам етиб улгурмаган саҳролардаги майса-гиёҳларга жон бағишлай олса, ўшанда ўзидан, ўзлигидан миннатдор бўлар эди, деган ниятдаман.

Тўра СУЛАЙМОН

Гулларга сиригни сўйлатган сахар —
Ким у термилтирган, айтгил, моҳирўй?

Юрак сирларингга ҳамдард бўлгучи
Тонгги насим эртақ сўйлаб толдим?
Сени сеҳри билан сармаст қилгучи,
Бир туйғу бағрига тортиб олдим?

Бокира кўнглингни очгил, оч, дилбар,
Борлигинг титратган ўша туйғуга.
Сенинг муҳаббатинг бир кун муқаррар
Тўлдиранг кимнингдир бағрин ёғдуга.

* * *

Бир умр кутганим меҳрни, дўстим,
Сенинг нигоҳингдан топдим, эҳтимол.
Бағримда насимдек бир туйғу кезди,
Уни тушунтирмақ, сўзламоқ маҳол.

Мунаввар тонгларни элтар сен томон,
Бахт ахир меҳрни туйиб яшамоқ.
Билсанг гар шу ёруғ туйғуни омон —
Асрамоқ керакдир, минг бор асрамоқ.

У нурли риштадир юраклар аро,
Куйланмаган қўшиқ, айтилмаган сўз.
Кўнгил мулкидаги бир сирли дунё,
Юраклар ҳувиллаб қолгай унингсиз.

Қачон ўйларимга кирдинг, билмадим,
Сенинг ташрифингдан титроқдадир жон.
Ғурур панжарасин синдирилмадим,
Тақдир иродамни қилар имтиҳон.

Дардимиз сўзлашга йўқ экан имкон,
Дилларни эзмасин шубҳа, сўроқлар.
Содда юракларга бўлсин таржимон,
Ҳар кун учрашганда мунис нигоҳлар.

Сиз билмайсиз

Сиз билмайсиз саркаш, мунгли хаёлимнинг
Исмингизга такрор-такрор бойланганин.
Тинч, осуда кечаётган ҳаётимнинг
Сизсиз бу кун қаро кунга айланганин.

Соғинч менинг қўлларимдан тутиб минг бор,
Ҳузурингиз сари ундар, етолмайман.
Юракдаги бу ҳис менга фақат озор,
Соғинчимни мен ҳеч кимга айтолмайман.

Гар суҳбатга чорласангиз ойнангиздан,
Сокин, тунда юлдуз бўлиб тикиларман.
Сиз кутмаган субҳидамда хонангизга
Тонгги илиқ ёғду бўлиб тўкиларман...

Саҳарларда тушингизга бўлиб меҳмон,
Ҳузурингиз тарк этарман, сезмагайсиз.
Бизга насиб этмаган бахт — мангу армон,
Сиз бир умр уни гирён излагайсиз...

Сиз билмайсиз саркаш, мунгли хаёлимни
Исмингизга такрор-такрор бойлаганим...

* * *

Бутунлай кетяпман...
Кетмагин деб айт,
Ҳали ҳам кеч эмас, қайтар изимга.
«Ўртада совуқлик бошланмасин, қайт», —
Деб тўхтат, бўйсунай шу бир сўзингга.

Кетсам гар, энг оғир хато бўлади,
Сўнг уни тузатмоқ... тузатмоқ мушкул.
Умр соғинчларда адо бўлади,
Умид дарахтлари ёниб бўлар кул.


Бўлгач насим каби туйғулар абас,
Ортга қайрилмоқлик ор бўлар бизга.
Бизга ортиқ ҳеч ким қилмагай ҳавас,
Ҳаммага кенг дунё тор бўлар бизга.

Кетсам, илтижоли қароқларингда
Суратим қолади суюкли, маъюс.
Эзгу ўт сўнади нигоҳларингда,
Қиларсан ёлғизлик даҳшатини ҳис.

Кетсам, мен тароват бўлиб тўлдирган
Хонангни эгаллар ҳижроннинг ранги.
Армон юрагингга санчилган тикан,
Қайта-қайта тирнайверар ярангни...

Кетяпман, ҳабибим, кетмагин деб айт,
Ҳали ҳам кеч эмас, қайтар изимга...

Сирдарё



Сотволди Ражабов

ЙИГИРМАНЧИГА ЎТАР КЕЧАСИ

Ҳикоя

Абдуваҳоб ака кенжасининг йилида ҳўнграб йўғламади. Хотини Сожида овозини баралла қўйиб, тўлиб-тошиб йўғлади. Овози бирам ўткирки, эшитган одам чидаб туролмайди. Йўғлаган ҳам йўғлади, йўғламаган ҳам.

Маросим охирлагач, қариндошлар йўл олислигини баҳона қилиб, кетиш тараддуди-га тушишди. Дарҳақиқат, тор бу ҳовлида тикилиб ўтиришга кимда хоҳиш бор дейсиз. Бундан ташқари, катта уйнинг иккала хонаси банд: ипак қурти айни пилла ўраётган пайт...

Қариндошлар кетишгач, Абдуваҳоб ака фарёд солаётган хотинига ачиниб қаради. Журъатсизлик билан:

— Бўлди қил, хотин, — деди овози қалтираб. — Йўғлаганинг билан кошки тирилиб келса...

Ичдан тутаб ёнаётган Сожидага бу гап акс таъсир қилди. У эрига чақчайиб қаради: — Бетавфиқ одам экансиз, меҳрингиз тош бўлиб кетган экан, сизни. Сизга ўша зорманда қолгур пахта бўлса. Уша керак сизга!

Шундай деб аввалгидан баттарроқ йўғлади.

Шу бола ўрнига мен ўлсам бўлмасмиди, — деди Абдуваҳоб ака. Кейин елкаларини силкитиб йўғон овозда: «Вой болемм!» — деб юборди. Энди Сожида эрига ачинди.

Абдуваҳоб ака анча вақт ичдан тутаб ёнди-да, кўчага юрди.

— Шошманг, яна қаяққа? — деди Сожида. Абдуваҳоб ака тўхтаб, ярим ўгирилди. — Бу пилла ўлгурди қачон терамиз, қуруқшаб қоғажоқ бўлиб кетди-ку!

— Айтади, — деди Абдуваҳоб ака кескин. — Керак бўлса айтишади, кейин терамиз.

У велосипедини ҳам минмай, товони майишган кирза этигини судраганча шийпонга келди. Аъзоларининг айримлари сўрида ўтириб чой ичишаётганди, бригадирни кўришлари билан сергак тортишди. Ҳаммадан илгари сувчи Кўчқор унга пешвоз чиқди. Бригадирнинг кўзларига чўчибгина қаради.

— Яхши ўтказиб олдингизми, ака. Далачилик қурсин...

— Раҳмат, ука, — деди Абдуваҳоб ака шикаста овозда. Бошқа аъзолар ҳам бир-бир келишиб, Абдуваҳоб ака билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди.

— Ё, қудратингдан, бир йил ҳам ўтибдими-а?

Кўчқорнинг кутилмаган бу луқмаси Абдуваҳоб аканинг дардига туз сепгандек бўлди. Лоп этиб ёдига кенжаси, унинг кулумсираган мурғак сиймоси келди. Юраги ўртанди. «Шу экан-да, болам. Улдинг-ўчдинг, деганлари шу...»

Аъзолар ишларига қўзғалишди.

— Угра ош қилгандим, опкелайми, ўргилай? — деди ошпаз Каромат опа, — гўшти йўқ бўлсаям жа хушўр. Анови Кўчқор ўлгур нақ уч коса ичса бўладими? Турган-битгани қорин экан. Гаров ўйнаб... Опкелайми?

Абдуваҳоб аканинг сўзсиз ўтириши, эътиборсизлигини кўриб Каромат опанинг таажуби ортди.

«...Эсиз, ғафлатда қолдим, ғафлатда. Шунча бола ўйнаб юганда келиб-келиб сенинг устинга тушадими электр сими?! Ажал экан-да... Ахир, симёғочдан нарироқ юрсанг бўлмасмиди, ўргилай болам!.. — Абдуваҳоб ака мижжасида тизилган ёшни дастрўмоли билан артди, бурнини ҳам чимдиди. — Катта бўлсанг акаларинг, опаларинг қаватига кирардинг, белимга мадор бўлармидинг, болам!»

Каромат опа бригадирнинг ҳолатини тушундими, индамай шийпон ичига кириб кетди.

Вақт ҳамма нарсага даво. У юпанди, мунғайиб жим қолди. Шу тобда мияси бўм-бўш, юрагида чидаб бўлмас ҳасрат уйғотган дард-аламлари қайгадир ғойиб бўлгандек эди...

Имом тоғлари баланд, қиррадор. Шу ёшга кириб бирор марта унинг чўққиларига

чиқмаган. Тоғда нима бор, нима йўқ — билмайди. Хув кўриниб турган бир тутам кўкиш нарсани арча десаям, тоғ пистаси десаям ишонаверади.

Анови қоянинг нақ ўртасидан тик пастга илон изи бўлиб тушган сўқмоқни бир пайтлар Қўчқор ўлгур, «Қўй йўли», деса ишонган. Кейин билса, сел йўли экан. Тавба, ахир қўйнинг қаноти йўқки, тикка зовга тушса. Бу бош қанақанги жабру жафолар кўрмади. Сел, жала, зилзила... Лекин одамдан чидамлиси бўлмас экан. Фақат шу... Эсонали... Етар, бўлди энди! Уйламайин деса ҳам хаёл айланиб кенжатоийга олиб кетаверади-я!..

Пайкаллардаги ғўза ниҳоллари ҳаракатсиз, ғўё бўри келишини олдиндан сезган қўй мисол, қулоқлари чимирилиб турибди. Нариди, тоққа яқин карта сиртида сароб жимирайди. Қилт этган шабада йўқ.

Каромат опа томоқ қирди. Абдуваҳоб ака унга қаради.

— Гўшти йўқ бўлсаям жа хушхўр, — деди Каромат опа пишиллаб. — Анови Қўчқор ўлгур, гаров ўйнаб, нақ уч коса ичса бўладими... — У косани бригадир олдиға қўйди. — Хафа бўлманг, ўргилай, болангиз умрини сизга, Сожидахонга берсин, илойим. Олинг, ичинг!

Абдуваҳоб ака овқатга қошиқ солди.

— Бировни бола ўти куйдирса, менга ўхшаганларни фарзандсизлик доғу ҳасрати адо қилади, Ваҳобжон ука. Имм. Орзу-ҳавас даврим ўтди. Энди, ўлиб-нетиб қолсам, бригадиди одамлари кўмиб қўйишар, ҳаммасиям боламдек бир гап.

— Улмайсиз, Каромат опа, узоқ яшайсиз.

— Боласиз узоқ яшашнинг кимга қизиғи бор дейсиз, Ваҳобжон ука.

Каромат опа яна нималардир деб нола-фиғон қилди, Абдуваҳоб ака эшитмади. Шийпон пештоқидаги радиокарнайдан таралаётган қўшиқ ҳам тинди. Диктор бир сония жим тургач, об-ҳаво маълумотини ўқиди: «Фарғона водийсининг тоғли районларида кучли ёгингарчилик бўлади. Сел келиши кутилади...»

Абдуваҳоб ака сергак тортди, «Сел дейдими? Дарвоқе, бугун нечанчи число?! — У бармоқларини навбатма-навбат букиб санади. Ун тўққизинчи!.. Утган йили ҳам айни шу куни келганди сел... Шу куни Эсонали... Лекин радиодан берилган маълумотларнинг ҳаммасиям тўғри чиқавермайди, ишқилиб, бу сафаргиси ёлғон бўлсин-эй, — Абдуваҳоб ака ўз-ўзига тасалли берарди, — ахир, пилла теришга шай турибди. Одамлар унинг даромадиға кўз тикиб ўтиришибди. Пахтаники эса ҳали-вери насия...»

Қуёш чарақлайди, қилт этган шабада йўқ. Азамат тоғ қирралари кўкимтир товланади, худди артиб тозалагандай.

Абдуваҳоб ака угра ошдан икки қошиқ хўплаган эди, аллақаяёқдан қуюн пайдо бўлди-да, шийпон атрофларидаги хас-хашакни чирпирак қилиб айлантирди. Шунинг баробарида косадаги овқатга кум аралаш тупроқ сочиб ўтди.

Бригадирнинг юрагини ваҳима босди. «Радио бир нимани билмаса айтмайди». У ўрнидан турди.

— Ичдингизми, қалай? — деди Каромат опа у томон лапанглаб келаркан. — Айтганимдай бўптими? Ия... ичмабсиз-ку, ёқмадими, ўргилай?..

Шамол кучайди. Дарахт шохлари силкинди. Ғўза ниҳоллари мажолсиз чайқалди, симёғочлар фарёд солди. Осмонни бирпасда булут қоплади. Яккам-дуккам, катта-катта томчилар тарсиллаб асфальтни савалай кетди.

Пайкалдаги аёлу эркаклар шийпонга югура бошлади. Ҳаммадан сўнг Қўчқор келди. Бу пайтда ёмғир авжга чиққан, асфальт юзаси кўпикланиб, ҳалқоб пайдо бўлганди.

— Яна худо урадиган бўлди-ку, Абдуваҳоб ака, — деди Қўчқор бу ерда ич-этини еб ўтирган кишилар аҳвол-руҳиясидан бехабар. — Аммо-лекин Каромат эгачимга мазза. Тўғримми? Данғиллама шийпон шу кишиники, замбаракдан отсаям бир ғишти учмайдиган данғиллама шийпон... Хех-хе...

— Сал босиб ўтира оласанми? — деди Абдуваҳоб ака ғижиниб. — Шунақа пайтда кўнглингга ҳазил сиққанини қара-ю!

Қўчқорнинг дили оғриди, бригадирнинг гапига яраша жавоб қилай деди-ю, ўзини босди. Чирт этиб тупурди. Шу даражада мулзам бўлдики, ўрнидан туриб шийпондан чиқиб кетмоқчи эди, бригадир яна дағдаға қилди:

— Утир ўрнингда, қаёққа бормоқчисан шундай пайтда?

Қўчқор кўзларини пирпиратди, яна чирт этиб тупурди-да, жим қолди.

— Болам боқчада эди, Абдуваҳоб ака, энди нима қиламан? — деди аёллардан бири йиғлагудай бўлиб.

— Боғча опаси бор, қарар ахир!

— Пилла нима бўлади энди, пилла? — деди сувчи Эрмамат шалаббо тиззасига шоп-шоп уриб. — Бор умидимиз пилладан эди.

— Ваҳима қилма, ҳозир ўтиб кетади.

— Ишқилиб, айтганингиз келсин.

Чақмоқ чақди. Қалдироқ тоғ унгуллариға урилиб, даҳшатли акс-садо қайтди. Юраклар зирқиради. Ёмғир пасайиш ўрниға тобора тезлашарди. Энди асфальт юзасида ҳалқоб эмас, оқим пайдо бўлди.

Кўчқор айтган «Кўй йўли»дан кучли оқим пастга отилиб туша бошлади. Буни кўриб турган Абдуваҳоб ака ўзини боса олмай бақирди:

— Тамом! Сел келяпти. Эҳтиёт бўлинглар! Ҳеч биринг ташқарига чиқманглар. Эшитяпсизларми? Ҳеч ким!

— Анови одамми? — деди Кўчқор шийпон устунига суянганча қалт-қалт титраб. — Оқиб келәётган нарсани айтяпман...

— Одам бўлмаса керак-эй, — деди Эрмамат унинг гапларига чиппа-чин ишониб. Унинг назарида оқариб кўринган нарса пилла бўлиб туюлди. Нафаси бўғзига қадалиб типирчилади. — Пилла нима бўларкин, Абдуваҳоб ака? Ахир, бир ой ухламай парваришлагандик. Умидим шундан. Пули тузукроқ бўлса, Зухрани чиқармоқчи эдим...

— Нима қилай, тўхтатайми? Сенам гапираверар экансан-ку!

— Меҳнатимга ачинганимдан... Шу, эртаметтан оёғим тортмаган эди. Уйда қола-вурсам бўларкан-у...

— Уйда қолганинг билан шу тобда қўлингдан нима келарди, Эрмамат, пиллани кўтариб дарахт устига чиқиб олармидинг?..

Ёғин тун ярмида тинди. Чироғини ёқиб олган қатор-қатор машиналар қишлоққа кириб келишди. Бу пайтда Абдуваҳоб ака бригадаси аъзолари уй-уйларига етиб олган эдилар. Қишлоқда дод-фарёд. Кимнингдир сигири йўқ, кўйи йўқ, оқиб кетганми, қочиб кетганми — номаълум. Кимнингдир уйи тешилиб, ичини сув босган...

Абдуваҳоб аканинг кўзи дастлаб дарвоза олдида Сожидани ўртага олган фарзандларини кўрди.

— Ота, отажон, — дейишди фарзандлари бараварига.

— Вой мени тириклайин кўмадиган бўлдингиз-ку! — уввос солди Сожида эрининг елкасига осилиб.

— Уй омонми, пилла-чи?

— Э, ўт кетмайдими ҳаммасига! Жонингизни ўйласангиз-чи, қанақанги ношукур одамсиз?!

Тўпалон, дод-фарёд тонгга қадар тинмади. Қишлоқда ҳеч ким мижжа қоқмади. Эрталаб қуёш чиқди. Унинг рангин ўткир нурлари йиқилган девор, синган дарахт шохларига, ерда сочилиб ётган нарсаларда жилва қиларди.

Тушга яқин суғурта идорасининг вакили келди. Кўпчилик орасида Эрмаматнинг овози ажралиб турарди:

— Унақамас-да, ука. Утган йилиям анча нарсаларни ёзиб кетгандингиз, лекин арзи-маган пул чиқди. Инсоф қилинг, жўжабирдай жонман. Ҳамма умидим пилладан эди, кўриб турибсиз, тенг ярми балчиққа беланди. Шунинг орақасидан Зухрани чиқариб олармидим, деган умидим бор эди...

Абдуваҳоб ака далага жўнади. Қорамтир ерда чорасиз букланиб турган ғўзаларни кўрди. Кенжаси — Эсонали сингари бевақт нобуд бўлган ниҳолларга тикилиб туриб, кўзига ёш келди. Яна икки одим ташлаган эди, этиги лойга ботди...



ЮРАКЛАР ЧАЙИЛИБ ОЛСИН ЗИЁГА

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОН!

Мазкур шеърларнинг муаллифлари турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар. Уларнинг покиза юрак мавжлари, безовта ҳаяжонлари, беғубор туйғулари ҳумкингизга ҳавола.

Шеърят бўлими



Гулум Мирзо

* * *

Қуёш — куч манбаи сусайган чирок,
Кунлар музқаймоқдай эриб битар тез.
Шохларда дам сайин камаяр япроқ,
Борлиқни эгаллай бошлар хазонрез.

Уйлари дарахтдан кўп бу шаҳарни,
Тунда ҳам тарк этмас заъфарранг чирой.
Қўл етмас шохида улкан шажарнинг,
Ғарқ пишган мевадек балқиб турар ой.

Кундуз қатор-қатор кўнишиб симга,
Қушлар учиб кетар мунис ва мунглиғ.
Қушлар Ватан қуриб кетар кўксимга
Абдулла Орифнинг шеърлари янглиғ.

Кетаркан турналар арғамчисида —
Осиғлиқ дунёнинг яшин онлари,
Қоғозга тўкилар соғинч тусида
Заъфарон фаслнинг ҳаяжонлари.

* * *

Кузги дарахтларни кесмангиз, ота,
Кесманг занглаб қолган тайёраларни.
Ахир, биз қачондир бу учоқларда
Сайрига чиқувдик сайёраларнинг.

Сўнг ерда тугади саёҳатимиз:
Бунга анча бўлган, жуда ҳам узок,
Бунга учоқларнинг томирлаб кетган,
Заминга санчиғлиқ учлари гувоҳ.

Кузги дарахтларни кесмангиз, ота,
Қайтиш умидининг ўчирманг шамин.
Бу йитиб бораётган дунёда токи,
Бизларни енгмасин тушкунлик ғами.

Ушбу сайёрада мангумас қуёш,
Ушбу сайёранинг ҳавоси тақчил.
Ушбу сайёрада томчи сув талош,
Ушбу сайёранинг тупроқлари сил.

Кузги дарахтларни кесмангиз, ота,
Изғирин суякдан кетса-да ўтиб.
Гарчи газ йўқ жойда, кўмир йўқ жойда,
Жуда асқотса-да, зардоли ўтин,
Кузги дарахтларни кесмангиз, ота,
Кесманг занглаб қолган тайёраларни!..

Орол қуриса гар...

Орол қуриса гар ундан туз қолар.
Океанлар пойини ювар қай юртнинг,
Қайси бир шаҳарнинг юзлаб кўли бор,
Шу битта денгизни кўзингга суртиб,
Асрай билмадингми бамисли тумор?
Етти пуштингга ҳам етар туз, балким,
Пешонангга суртиб яшашга, халқим!

Орол қуриса гар ундан сўз қолар,
Чеккадан дарёлар тиланган сўзлар,—
Юртнинг олимлари озроқ кутингиз.
Бу миллион балиқлар қадаган кўзлар —

Тубида садосиз қотгай нафрат — сўз!
Қарғишлар топасиз сўнг ҳовузлардан,
Қимматбаҳо Ўрхун ёзувларидай.

Орол қуриса гар ундан кўз қолар.
(Умид қила-қила сўнган бир қароқ.)
Шудгор қилинг уни, бостилинг мола,
Кейин пахта экинги бу кўзга тезроқ.
Ахир, биз ўрганиб қолганмиз жуда,
Чигит кўндирамитиз жой топсак кафтдай.
Эртани кўришга қўймайди бу дам
Бизнинг қароқларда кўқарган пахта...



Саодат Ҳақимова

* * *
Мен сендан олисда яшаган кунлар
Хотирамнинг либоси эскирар.
Дардманд аёл каби бўзлаган тунлар
Бизга отаётир саноқсиз тошлар.

Кузнинг менга аталмаган йўлакларини
Ўпади пойига йиқилиб сабр.
Мактубни сел қилган тилакларингни
Эзгилаб ташлаган шубҳа... шубҳадир.

Мен сени... мен сени... мен сени...
Лаблари пирпираб кетар титроқнинг.
Сен мени... сен мени... сен мени...
Осдинг-ку дорига сабоқнинг.

Мен сендан олисда яшаган кунлар
Хотирамнинг либоси эскирар...


* * *

Аудитория жим...
Домла бир маромда лекция ўқир.

Ўттиз беш қафасда ўттиз беш исён,
Аудитория, нега кўзларинг сўқир?

Менинг сўзларимда йиғлар ҳаяжон.
 Аудитория жим...
 Ана, бир қиз
 бармоқлари титраб
 ниманидир ёзади, чизади,
 ён-верига секингина кўз ташлаб,
 беозоргина уф тортиб кўяр.
 Аудитория жим...
 ...Охирги кучини тўплади:
 «...кетаман... алдоқларингдан...»
 Илинжга тўла сўзлар

ётар дафтарда ҳўнграб.
 Қолгин деган бир нигоҳга зор.
 Домла бир маромда лекция ўқир,
 Ана, менга кўзи тушди-ю,
 ёниб кетди қорачиқлари.
 Музлашимга оз қолганди-я,
 исиниб олдим.
 Аудитория бўлса ҳамон жим,
 Аудитория бўлса ҳамон совуқ.
 Домла бир маромда лекция ўқир,
 Уттиз беш қафасда ўттиз беш исён...



Тўрамурад Раҳмонов

* * *

Умримнинг бепоён ўрмонларида,
 Мен кездим кимнидир ахтариб узоқ.
 Устига шох-шабба ёпиниб олган
 Йўлимда учради баҳайбат тузоқ.

Кимдир чинқирарди тузоқ тубидан:
 — Ёрдам беринг, ёрдам! Тирик жон борми?
 Фурсатнинг аёвсиз лашкарларидан,
 Қочиб жон сақладик, биз гуноҳқорми?

...Кўрқинч, ваҳиманинг уйларин бузиб,
 Тузоққа яқинроқ бордим шошганча.
 Муаллақ қолдим мен, ғазабим кўзиб,
 Шох-шабба белидан маҳкам тутганча...

Мажақланган қалблар, топталган ишонч,
 Беланиб ётарди қип-қизил қонга.
 Чалажон ётганча ингранар севинч,
 Нажот-ла боқарди мовий осмонга.

Бетўхтов таҳқирлаш, калтак зарбидан
 Гавдасин кўтармай ётар — ҳақиқат.
 Кўзидан ёш эмас, лахта-лахталаб
 Оқарди ўкинчу изтироб фақат...


Ҳайҳот, тонглар отди! Бу оппоқ тонгни
 Интизор кутгандик, боқиб толега.
 Фақат!
 Мажақланган қалблару топталган дилни
 Қайтара олмаймиз асл ҳолига!..

* * *

— Балиқларда,
 забон йўқ,—
 деганлари бу — ёлғон!
 Чунки, улар
 ўз тилларида
 бир-бири билан

гаплашиб,
бир-бирларига
дардларини айтадилар!
— Шамолнинг,
қўли йўк,—
деганлари бу — ёлғон!
Чунки, у кечагина
майин қўллари билан
юзимни силаб,
бурнимни чимчилаб
кетди!
— Деворнинг,

қулоғи бор,—
деганлари бу — ёлғон!
Чунки, бугун мен
бақириб-бақириб
шеърлар ўқидим.
У эса жим:
— Шеърларинг менга ёқди
ёки, ёқмади демасдан
бакрайиб тураверди!..
— Деворнинг
қулоғи бор,—
деганлари — ёлғон!..



Шавкат Ҳасанов

Муҳаббат

Мен узоқ яшадим, жуда ҳам узоқ,
Покиза ҳислардан айри ва бедил.
Мен сенинг номингни билмасдан, ҳаёт,
Яшаб қўйгандайман гўёки юз йил.

Дунё дунё бўлиб нени кўрибди,
Ҳаётми ё эркнинг ёлғон эртаги.
Чинакам бахтга мен имон келтирдим,
Номингни илк бора эшитгач, СЕВГИ!

Юз йил танҳоликда кечириб ҳаёт,
Муқаддас ҳаётдан бир четда қолдим.
Қушчалар дунёга солганда ғулу
Баҳорги гиёҳдай қайта уйғондим.

Мен танҳо яшайман номсиз саҳрода,
Қолибман даллидай бенаво, мунглиғ.
Юз йиллар орадан ўтиб, мен шўрлик,
Яна бош кўтардим Самандар янглиғ.

Мен узоқ яшадим, жуда ҳам узоқ,
Ачинаман фақат, мени тушунгил.
Мен сенинг исмингни билмасдан, СЕВГИ,
Яшаб қўйгандайман гўёки минг йил.

Номингни-ку билиш осон кечмади,
Не захру заққумга бермадим дилни.
Сени англамоғим учун, буюк ИШҚ,
Наҳотки, совурсам яна минг йилни?!

* * *

Мана эртагимиз соб бўлди, ўтди,
Сен фаришта бўлолмадинг, мен — оқил.
Ҳайратли кунларим таралиб кетди,
Тамаки дудидек талх ҳамда заҳил.

Уйлардик: ишқимиз мангу, беадад.
Бир зумлик бахт берди, сўнг эса бот-бот
Ҳақиқий эртақлар ўқиди қисмат,
Самимий ёлғонлар тўқиди ҳаёт.

Йиғладинг, йиғладинг, билмайман нега?
Йиғладинг, йиғладинг кетаётиб жим.
Кейин ҒАЛАБАлар тиладинг менга,
Менинг бир умрлик МАҒЛУБИЯТим...



Холбек Тошев

Ҳомийлик

Чироқ ёниб қолди шу кеча,
Тинч-осуда ухлар ёлғизлик.
Пилик йиғлар тиллари куйган,
Тунни ютиб борар ёруғлик.

Шу кўй чироқ тинмади узок,
Бўзлаб чиқди лим-лим эртагин.
Тонгда эса ҳайратдан тинди —
Ёришарди осмон этаги.

Кўҳна макон тасвири

Бунда кўп оқсоқлар, нотавон, мажруҳ —
Имконлари синиқ даврдан нари,
Ҳассалари — севги ва ғурбат аро
Саробдек кўринар манзиллар қаъри.

Пишиқмаган алам, ёнмаган суслик —
Аянчлар — суюмсиз ҳаётдан ҳайдар.

Иштиёқлар сўник, мақсадлар сўник —
Муҳайёлик йўқда, юмушлар қайда?

Мана моғор бағри, судралар каслар —
Аланглар шор ночор, бош силтар нохуш.
Баданлари роҳат истаган маҳал
Моғорзорни қамрар алаҳлаган туш...

* * *

Дўнар толнинг яшил барглари —
Қовжираган, қовжираган у.
Буни ёдга солар совуқ ис,
Чуқур қайғуларнинг еллари.

Шундай олис кетар у ислар —
Илдизларнинг маржон йиллари.
Бирок, оғир ўлимлар истар,
Ериқ бадан толнинг қўллари...



Дилшод Қаюмов

Сўзлар қидираман

Сўзлар қидираман тунлар зулматдан,
Кундузи осмондан, оқшом шамолдан.
Сўзлар қидираман тонгда умиддан,
Арғумоқ устида юрган хаёлдан.

Топмоғим аёндир, хушнуд кунларда,
Тили қаламлардан ўткир сўзларни.
Учратмоғим аён бахтли тунларда,
Дами қиличлардан кескир сўзларни.

Умидлардан топгум бағри ол байроқ,
Боши харсанглардан бўлган сўзларни.
Шамоллардан топгум булбулдек сайроқ,
Бағри қуёшдан ҳам иссиқ сўзларни.

Сўзлар қидираман умрим ортидан...

* * *

Узатилган қўллар муаллақ қолди,
Қалбларда бошланди ҳислар туғени.
Бу совуқ нигоҳлар номусдан ўлди,
Кўзларда туғилди нафрат исени.

Юзлар жийрилди, лаблар бурилди,
Дудоқлар қимтилди бир четга қараб.
Киприклар қайрилди, қошлар тугилди,
Бармоқлар мушт бўлди вужудлар титраб.

Узатилган қўллар жавобсиз қолди,
Туйғулар ҳайқирди вужудни ёриб.
Оловранг ҳаяжон кўзларга сингди,
Билаклар қолдилар ҳавода ҳориб.

Куннинг таҳкирловчи кулгуси бирдан,
Қаҳқаҳа урдию ғазабга тўлди.

Орзуларнинг юки тўкилди тандан,
Хазонлар сингари бужмайиб қолди.

Шартта орқасига бурилди бирдан,
Илҳақ дудоқлар ҳам ҳазин титради.
Бу вужуд йиғлади, осмон йиғлади,
Туйғулар сиқтади, ғурур сиқтади.

Сукунат қўрғони бузилиб кетди,
Кўз ёшининг пичир-пичирларидан.
Осмондан булутлар узилиб кетди,
Ўттиз икки тишнинг ғижирларидан.

Узатилган қўллар муаллақ қолди,
Меҳрга зор кўзлар ёшларга тўлди.
Узатилган қўллар жавобсиз қолди,
Ҳали туғилмаган муҳаббат ўлди.



Қўчқор Норқобилов

Меҳрибонга

Субҳидам... Баҳорнинг содиқ элчиси —
Шамоллар супурди йўлақларингни.
Кийиб чиқ, гулим, мен кўрмоқ истайман,
Қуёш ҳавас қилган кўйлақларингни.

Етар, қизғалдоқлар қирларга қайтсин,
Уйғот, майсаларни замин кўрар туш.
Тегрангда чирқираб қўшиқлар айтсин,
Қаҳратон қаҳридан аламзада куш.

Момолар ортингдан энтиксин, малак,
Чучук сўз ўйнасин забонларида,

Эгачимда бўлган сирли жамалак,
Қитиқлаб тўлгансин товонларингда.

Олам ухлаш нима, илк бора сезсин
Юраклар чайилиб олсин зиёга.
Шоирлар ҳовлиқиб сўзлар изласин:
«...Эрта келмиш баҳор Сурхондарёга...»

Унсиз изларингда ифорлар сармаст,
Сойларда чайқалсин кўшиғинг сеҳри.
Мен шунда розийдим баҳорда эмас,
Меҳрибон фаслида ўлсам-да, Меҳри!


* * *

Минг хил баҳонани елкалар журъат,
Бўйнимга осилур мисли оғир тош.
Англайман, мен сени кўрмоқлигим шарт,
Мени остонангда суяйди бардош.

Қалтироқ қўлларим эшик қоқади,
Очиқ остонангдан боқасан ҳайрон.
Фулдироқ дилимни сўзлар ёқади:
«Сизда топилмасми мободо Байрон?»

Сен эса ҳеч нарса сезмайсан чоғи,
Титкилай бошлайсан тахт жавонингни.
Ўтли изтиробнинг қутлуғ байроғи
Ҳилпирар, тарк этгум келмас хонангни.

Мўҳаббат шоҳ этур, этади ғариб,
Минг хил мақомларда эшувчи наво,
Бунча қийналмасанг китоб ахтариб,
Байрон бўлолмади дардимга даво.




Бир маҳал қўлларинг қолур шалвираб,
Кўзларинг чарақлар, кулгунг дафъатан:
«Кечиринг, мен жинни бўлдимми ё раб,
Тунов кун бир йигит олганди аттанг!»

Минг хил баҳонани елкалар журъат,
Бўйнимга осилур мисли оғир тош.
Англайман, мен энди қайтмоқлигим шарт,
Мени остонангда суяйди бардош.

Абдурасул Жумақулов

Хаёлим

Сўзлашмоқни ўрган қуш билан,
Унинг қўшиғига қулоқ сол.
«Чуғур-чуғур» қилмас бекорга,
Тинглаб, юраккинам, билиб ол.
Учмоқни ўрган қушлардан,
Қанот қоқ кенг само бағрига.
Қанотинг бўлмаса улардай,
Шамолни қанот қил, майлига.
Учавер, озод бўл қушлардай,
Ҳудудсиз осмонни тарк этма.
Биргина ўтинчим —
Хаёлим,
Ердаги Вужудинг унутма!



Набижон Жалолов

Ўчоқ бошида

Оқшом — маҳбубидан айрилган гўзал,
Ўйчан мўлтирайди томнинг қошида.
Онам хаёлларин сўзлаб оловга
Ўлтирибди ўчоқ бошида,
Келин ёшида...

Оқшом — эгатлардан қуйилган ҳасрат,
Чоққина ҳовлига шошилар.

Онам, ҳасратларнинг ҳидидан сармаст,
Ўлтирибди ўчоқ бошида,
Жувон ёшида...

Оқшом — тобут узра ёпилган мато,
Пахтадан яралган,
Қорайган кўзлар ёшида.
Боши шу матога чулғаниб, онам
Ўлтирибди ўчоқ бошида,
Кампир ёшида...

Оқшом — ракеталар талпинган осмон,
Нурлари қолмаган ҳеч қуёшида.
Ўчоғига тирмашган шудгорга боқиб,
Эгатлардан ўтган умрини топиб,
Онам ўлтирибди ўчоқ бошида,
Ёшсиз ёшида...

Уч чизги

КЕЧА

Маъюс ўй суради далам,
Ҳовлимнинг бўғзига тиқилиб.
Сунъий пардозлардан тиришган юзи
Буюк гўзаллигин қиларди унут...

Маъюс ўй суради онам,
Қоп-қора шудгорга тиқилиб.
Кўтариб турарди ҳассаси
Даланинг умрлик юкини...

БУГУН


Ҳарсиллаб бормоқда қари от,
Нотекис йўлларда қоқилиб.
Эгаси қамчига тиламай сабот,
Савалар шикаста танасин тилиб.

Йиқилиб бормоқда қари от,
Базўр судралади кўзларин юмиб.
Эгаси тилига тиламай сабот
Ҳайқирар:
— Чиқмаган жонингдан умид!..

ЭРТАГА

Ястаниб ётибди ҳур Ўзбекистон,
Қирларга чўзилган бепоён далам,
Ҳордиққа эш бу кун пахтакор ўзбек.
Лекин,
Қаерда армону
Қаёқда алам?! —

Буни ер айтолмас,
Шеър айта олмас,
Саратонда кечиккан еллар айтади,
Асога тиранган беллар айтади,
Шудгорларга инган терлар айтади...
Янами,
— Оҳ, фўзам!.. — дегувчи эрлар айтади.



Исажон Султонов

ИККИ ҲИКОЯ

Мураса

У кейинги пайтларда Турғунжонни — бундан қирқ йил бурунги шўхгина болакайни жуда кўп қумсайдиган бўлиб қолди. Нурли, ёруғ хотиралар уни аксарият тунлари безовта қиларди. Ногоҳ эсган шабада, дарахт шохларидан узилган япроқ, аллақайда патирлаб учган қуш — хуллас, бари-бариси кечмишларини қўзғатиб юборарди-ю, хаёллари чувалашиб, узоқ йиллар аввал содир бўлган азиз бир воқеани эслаб кетарди. Кундалик ташвишлар бўлса, ҳатто шу чоғда ҳам шуурининг бир бурчини банд қилиб турар, болалик хотираларини унутишга ва эртанги куннинг юмушлари тўғрисида ўйлашга мажбур қиларди. Гоҳи Турғунжон ака ҳозирги ҳолатини ўша гарду ғуборсиз, шўх-шан даврлар билан беихтиёр қоғиштириб, ўзини ҳаёт кечиришга ноқобилдек ҳис қиларди.

Шундай алпозда ўтирганида юз-кўзидан шаррос тер қуйилиб, кенг-ковул кўйлагини ҳалпиллатганча опаси кириб келди. Санобар эндиликда озғин, чўтир бир хотинга айланган, кўрпачага ўтирар-ўтирмас укасига гина билан термулиб, овози титраганча таъна қила кетди:

— Отамнинг ёнига бордим, укажон. Хилхонамизни янтоқлар босиб кетибди. Кўриб кўнглим бузилди... Бундай қараб қўйсанг бўлмайдимми? Иккимиз қолибмиз-а, шўппайиб. Оқибатли бўлайлик деб шунча айтаман, бир марта ҳам йўқлаб бормайсан.

У узун энгини кўзига босиб, оҳиста-оҳиста йиғлади.

«Шу қаримсиқ хотин Саномми? Сочига гилос донасини тақиб олиб ариқма-ариқ чопган, оқизоқ ўйнаб, юз-кўзлари тупроққа беланиб юрадиган?..» Кўрпачада арзонбаҳо йўл-йўл костюм-шим кийган, жигарранг юзи тириш, тинимсиз меҳнат натижасида тирноқлари қинғир-қийшиқ бўлиб ўсган бу одам мусичадай қўнишиб ўтирарди. Четга қараганча пиқиллаб йиғлаётган опасига назар ташлашга журъат қилолмайди, дастурхон попугини ўйнайди. Юзида хижолатомуз бир ифода қотиб қолган. Охири ювилаверганидан йўл-йўл чизиклари ўчиб кетган кўйлагининг ёқасини бўшатиб олиб, энтикканча тилга кирди.

— Ке, қўй, опа... Шу якшанба эру хотин бориб супуриб келамиз...

— Кап-катта киши бўлиб қолдинг-а, Турғун? Айланай укамдан...— Опа энди тепса тебранмас эридан нолишга ўтди.— Одам ҳам шунақа бўладими, а? Отам раҳматлик суриштирмай узоқларга узатиб юбораверибди... Моллар очидан ўлай деб турса ҳам поччанг пинагини бузмайди, айвонда ёнбошлаб олиб газета ўқийверади. Болаларгаям қарамайди, ота бўлиб тергаб-койиб турса, шунда рўзгорда қут-барака бўлади-да, Турғунжон? Қайда! Мен иш буюрсам, шумтакалар эшитмаганга олади. Улиб бўлдим. Кўнглим тўлиб, жоним хиннайимга¹ келганда шу ёққа чопаман, шояд жигарим билан бир-икки оғиз дардлашсам, ёзилсам дейман...

Опа-ука шу зайда алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Суҳбат бошидаги юракни эзадиган гаплар бора-бора ғийбатга уланиб кетди.

¹ Хиннай — ҳиқилдоқ (шева).

— Соли Қодирнинг иши судга тушган деб эшитувдим, ўлсин, ноппа-нозандек юрипти-ю?

Опасининг юзидаги бояги ғамгузoronликдан асар ҳам қолмади. Турғунжон ака унинг кайфияти тез ўзгарувчанлигини билади, аммо шундай бўлиши лозимдай, бош ирғаб, сўзсиз қулоқ тутади. Ажаб, юзида мамнунлик ифодаси: «Тавба,— ўйлади Турғунжон ака,— ғийбат ҳам одамга роҳат бағишларкан-а?!» Аммо билмайдики, бу гапларнинг содда, бўш-баёв опаси азбаройи алам қилганидан, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлашига қарамай рўзғорида бири икки бўлмаётганидан, анави Соли Қодирнинг турмушига ҳасад қилганидан гапираётибди. Билса эди, эҳтимол, мана бундай деган бўларди: «Э, Соли Қодир ҳақида хоҳ гапир, хоҳ гапирма, барибир, у сену менга ўхшаб кўл қовуштириб ўтирмайди. Кеча гузарда бир гап бўлди, хуфия гап-да: эмишки, у то етти пуштига етгулик тилло жамғарибди... Сен нимани билардинг, опа?!» Опаси бунга жавобан, иссиқдан ҳарс-ҳурс қилганча бундай дермиди: «Ҳар ҳолда, ҳукумат сену менга ўхшаб содда-гўлмидики, индамай қўйиб бераверса? Ҳали шошмай тур, еганларини кусади!..»

Аслида бундай суҳбат бўлиб ўтмади: Турғунжон ака Санобарнинг дилидагилардан беҳабар, юзида ҳануз ўша синиқ-кемтик табассум, кўлида чойи совиб қолган пиёла, опасининг олди-қочди гапларини маъқуллаб ўтирибди. Фақат, опасининг йиллар давомида дағаллашган овози ёдига болаликда кечган ажойиб воқеаларни туширади, отаси, онасини эслайди. Санобарнинг товуши қаердандир, олис-олислардан келаётгандай...

Эҳ-ҳ, болалик-а!.. Энг қадрдон, энг азиз ва шунинг баробарида бегоналашган давр... Наҳотки, ўшанда ҳам ранго-ранг олам шунчалар тор ва жилосиз кўринган бўлса?!.

— Соли Қодирнинг катта ўғли Тошқанда, институтда муаллим эмиш. Кичиги ёлчитиб бир жойда ишламайди. Ўлсин, эрли-эрсиз қизу жувонларга кўзини шифрайтириб кўча кезгани-кезган.

— Узи унчалик ёмон одамга ўхшамайди, опагон. Бир сафар, қийналиб қолганимизда, совхоздан анчагина силос опкелтириб берди. Укангиз билан ошначилиги ҳурмати, ишқилиб, қарашиб туради...

— Кўпайсинхон, келин, сиз билмайсиз, одамнинг олмаси ичида... Шу кичик ўғлини кўрсам, жиним кўзиб кетаверади, қирчинингдан қийилгурни уйлантирса бўлмасмикин, а, Турғунжон?

У маънисиз бош ирғади.

— Ҳай, хаёлинг қаёқда, гапимни эшитмадинг-ку?

— Отам...— деди Турғунжон ака, маъюс.— Отам эсимга тушди...

Санобар зумда ўзгарди: қорача юзида чексиз бир дард кўринди.

— Раҳматликнинг бағри кенг эди,— деди оҳиста Санобар.— Сену мен қолиб-миз-а!.. Илоё ўғилларим ўхшасин деб ният қилувдим, пешонам шўр-да, бари отасига тортди. Сени болаларинг ҳам ўзингдай тортинчоқ...

— Тўғри, опа,— Турғунжон култ этиб ютинди.— Отам... ростдан ҳам феъли кенг одам эди. Қурт-қумурсқага ҳам озор берманглар, деб айтарди. Мана, биз ҳам ёмон бўлганимиз йўқ. Бундан ортиқ нима керак...

Шу куни Санобар уйига кетмади, жигарим билан бир сўрида ётай, ўтган-кетганлардан гаплашай деб, ҳовлидаги валиш остига ўрин солдирди. Бироқ, чарчаган чоғи, боши ёстиққа тегар-тегмас пишиллаб ухлаб қолди.

— Опангизнинг ташвиши кўп экан,— деди Кўпайсин таассуф билан эрига яхна чой олиб келгач.— Бировга сўзини бермайдиган, шаддодгина эди, чўкибди... Сиз билиб-билмай қаттиқ гап қилиб қўйманг, отаси, биттаю-битта жигарингиз.

— Гапинг тўғри,— деди Турғунжон ака.— Опам қарибди...

У ёстиққа юзини босганча худди ёш боладай пишиллаб ухлаётган опасига қараб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Кейин, ўринга ёнбошлаб, юлдузлар бодроқдай сочилган самога тикилганча ўйланиб қолди. Аммо, Кўпайсиннинг пиёла гирдида қолган чой қуйқасини тозалаш баҳона кетмай турганини пайқаб:

— Ҳа, тагин нима гапинг бор?— деб сўради.

— Узим,— деди хотини, айбдорона кулимсираб.— Анави гапни нима қиламиз?

— Солини айтяпсанми?.. Берамиз, бермай нима қилардик...

— Шунга айтмоқчидим,— Кўпайсин сўри четига омонатгина ўтирди.

— Ҳар ҳолда юртни бошқараётган одам, гапини қайтарсак ноқулай... Маслаҳатга топган вақтингни қара. Энди бор, дамнингни ол.

Хотини кетгач ҳам Турғунжон ака анча вақтгача ухлаёлмай ётди. «Кўпайсин рост айтди,— ўйлади ўзича.— Шўрлик опам, юзига қарилик нуқси уриб, бир ҳовучгина бўлиб қолибди. Бир вақтлар шу хотин кичкинагина жамалаксоч қизалоқ эди десанг, биров ишонмайди...»

Эрталаб опасининг келишдан мақсади аён бўлди. Районда, газлаштириш идорасида ишлайдиган Саидқул исмли эрининг жиъни бор эди. Армиядалигида рўзғор бузилиб, отаси бошқа аёлга уйланган, Саидқул уй-жойсиз қолган, Санобарнинг хонадонидан турсади. Опаси ўша йигитдан совчи бўлиб келибди. Турғунжон ака ичида кулди: «Эҳ, Сано-я... Саидқулинг оғзидаги овқатини ҳам эплаб ютолмайдиган бир ношуд бола бўлса,

Зумрадни унга бериб, кейин таънаю-дашномларига чидаб бўладими? Бу ёқда Соли Қодир сўрашиб турибди...» У дилидаги гапларни ташига чиқармади, чайналди:

— Қайдам... Хўш, онаси билан маслаҳатлашайлик. Иннайкейин, ўзининг ҳам кўнглига қараш керакми?..

— Эркак деган сал дангалчироқ бўлади,— унинг сўзини кесди опаси.— Маслаҳат-паслаҳат қилиб ўтирасанми, шартта ҳал қил! Улибдими, қиладиган ишингни ҳам хотинингдан сўрасанг?

Турғунжон аканинг кўз олдида ҳануз ўша Сано — юзи шатмоқ, сочига гилос донаси таққан қизалоқ... Ногоҳ бу тасвир бирдан ғойиб бўлди-ю, ўрнини ҳақиқий Санобар — кичкинагина гавдасига ярашмаган кенг, узун кўйлак кийган, юзида асабийлик зуҳур этиб турган, ҳаёт пучмоқдан пучмоққа итқитавериб, барвақт қариган сержаҳл бир хотин згаллади.

— Хўп, опа, кўрармиз...

— Бекорга куяётганим йўқ, жигаримсан,— деди Санобар, пича майинлашиб.— Зумрадхонни бегона қилмайлик дейман-да!..

— Қайдам,— Турғунжон ака ерга қаради.— Бу ёқда Соли Қодир ҳам сўраётганди.

— Ким? Соли Қодир?— ўзини орқага ташлаб, кўзларини ола-кула қилди Санобар.— Агар қизингни ўшанга берсанг, уйингга қайтиб қадам босмайман! Кўзинг борми ўзи? Ё мол-дунёсига учяпсанми? Ҳали эр-хотин икковинг гапни бир жойга қўйиб бўлгандир-сизлар ҳам?

— Уйланиброқ турибмиз-у, жавобини берганимизча йўқ...

Орага нокулай сукут чўкди. Оғилхонада қўй маъради. Бирдан опа дилгир бир аҳволда юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан кўзгалди.

— Қаёққа борасан, Кўпайсин келсин...

— Молларим бўкиришиб ётгандир.— Санобар инқиллаб калишини оёғига иларкан, хафа бўлганини билдирмаслик учун кулимсираб эрининг яктагини бошига ташлади.— Хўп, ука... Бориб тургин, бегоналашиб кетмайлик.

Опаси кетгач, Турғунжон ака далага жўнади.

Кечқурун, овқатдан сўнг хотинига маслаҳат солганди, Кўпайсин пича тараддудланиб қолди:

— Узингиз биласиз... Соли Қодир-чи, унга нима деб айтамыз?

Турғунжон ака иягига қўлини тираб, анча вақт индамай ўтирди. Сўнг томорқанинг охирига қараб кетди: бачкига сув тараши лозим эди. Хона ёнидан ўтиб бораркан, эътиборини қандайдир узук-юлуқ товуш ўзига тортди-ю, ташвишланиб дераза ёнига келди ва ичкарига қаради. Қизи Зумрад хонтахтага бошини қўйиб, озғин елкалари силкинганча йиғлар, икки ўрим йўғон сочи оёқлари узра чувалашганча қолганди. Маҳкам қисилган бармоқлари орасида қандайдир қоғоз, эҳтимолки, кимнингдир мактуби...

— Қизим,— деди Турғунжон ака юраги ачишиб, ҳам ўзини билмаганликка олиб.— Нега йиғлаяпсан?

Зумрад туйқус бошини кўтарди-да, беихтиёр қўлини хонтахта остига яширди, мижжаларида ёш ҳалқаланган, жилмайишга уриниб:

— Йиғлаганим йўқ, ота,— деди.

Зумрад уйдаги гап-сўзлардан хабар топган, суйгани бўлса керакки, ўз ёғига ўзи қовурилаётир. Турғунжон ака қизини хижолатда қўймаслик учун нари кетди ва хотинини чақирди:

— Ҳой, бу ёққа, қизингга қара!..

У ой ёғдусида йилтираётган сувнинг оқишига қараб хаёлан оқа бошлади: «Ҳойнаҳой, Кўпайсин ҳозир қизининг елкаларини силаб, ўзининг ҳам кўнгли бузилган кўйи, «йиғлама, бечора болам... Ҳали ҳеч гап йўқ-ку» деб юпатаётган бўлса керак...»

«Суйгани... ким билсин, қандай оиланинг фарзанди экан? Ёшлиқда кўнги кўр бўлади... Қиз бола шу-да, йиғлайди-сиқтайди, ўрганиб кетади»,— Турғунжон ака ўзига тасалли берган бўлди.

Ўй ёмон нарса, Турғунжон аканинг еган-ичгани ичига тушмай қолди. Солига хўп деб юборса, бу ёқда Санобар, юз кўрмас бўлиб кетиши мумкин; опасининг гапига кўнса, ҳар ҳолда, Соли Қодир юртнинг бошида турган бир одам... Энди, ишга бормоқчи бўлиб, этигини кияётган эди, кўча эшикдан Соли Қодир кириб келди.

— Турғунжон, хў-ўв Турғунжон!

Турғунжон ака ўрнидан тураётиб шошганидан узум тўла ликобчани туртиб юборди. Соли Қодирга пешвоз чиқар экан, молхона томонга қараб:

— Кўпайсин! Кўпай, тўшак опчиқ, меҳмон келди,— деди-да, унинг қўлини икки кафти орасига олиб, силкитди:

— Келинг, келинг, меҳмон. Қани, ўтинг сўрига. Айбга буюрмайсиз, эндигина чой ичиб бўлувдик.

Соли Қодирнинг шишинқираган юзида сохта табассум, мурувватпешалик аломатлари...

— Ҳечқиси йўқ... Ўзимизнинг қишлоқ...

Турғунжон ака сўрига чўқаркан, пича қимтини фотиҳага қўл очди:

— Қани, овмин...

Соли Қодир кулимсираб унга қараб турарди.

— Бизга мумкин эмас,— деди у, мезбоннинг ўнғайсизланганини сезиб.— Ишдаги одаммиз... Муслмончилик ўз йўли билан бўлар...

Кўпайсин дастурхон ёзиб, чойни янгилаб кетди.

— Уша гап бўйича, катта бошимизни кичик қилиб эшигингизга келдик,— деди Соли Қодир, салобат билан.— Маслаҳатларингиз пишгандир, Турғунжон ака?

— Энди-и,— таранг қилди Турғунжон ака, гарчанд Соли Қодирга гап қайтаролмаслигини билиб турса ҳам.— Қизимиз ҳали ёш-да, ўн тўққизга кирди. Пича сабр қилсакин?

— Менинг вақтим зик,— деди Соли Қодир, билагидаги каттакон соатига қараб олиб, костюмига қўнган ғуборни чертар экан.— Обкомдан меҳмонлар бор, кузатишим керак... Хўш, тайёргарлик кўраверишинми?

— Ҳеч бўлмаса, таомилга кўра қишлоқнинг оқсоқолларини орага қўйиб, расм-русумини жойига келтирсангиз бўлармиди?..

— Демак, келишдик!... Соли Қодир ўрнидан қўзғалди.— Оқсоқолларни тўғри айтдингиз, бугуноқ телефон қиламан, келишади. Қани, қўлни ташланг, энди биз қудалармиз!..

— Чойни ичмайсизми, Солибой?

— Чой кейин... тўйда ичамиз,— Соли Қодирнинг қўллари кичкина ва юмшоқ эди.— Хайр, қуда. Тўйни эса, оқсоқоллар билан маслаҳатлашаверасиз. Мен қайтишда яна қираман.

Соли Қодир эшикка йўналди.

Турғунжон ака нохушланиб, сўри четига ўтирди-да, Соли Қодир ичмай кетган чойга қараб ўйланиб қолди.

— Вой, кетиб қолдимиз?— ҳайрон бўлди косада қаймоқ кўтариб келган Кўпайсин.— Ранжитиб қўймадингизми ишқилиб?

— Энди Солибойнинг хотини билан қудасан,— тўнғиллади Турғунжон ака.— Қизингни қулоғига қўйиб қўй, ҳадеб зарда қилавермасин.

— Хўп,— деди Кўпайсин, мамнунлигини яширолмай.— Бугун ишга борасизми?

— Ишни қўй, уйдаги пулни опчиқ,— Турғунжон ака чойини ҳўплаб, кафтининг орқаси билан лаб-лунжини артди.— Қўқонга бориб, бозор қилиб келайлик...

— Тўй бошқача-да, отаси,— пилдираб кетаётиб жилмайди хотини.— Бет-қўлингизни ювиб олинг бўлмаса. Зумрад, ҳой Зумрад, обдастада сув обор, отангга!

Турғунжон аканинг дилидаги ғашлик андак тарқади, ҳовли бурчига борди-да, қизи қўйиб турган сувга юзини чайди. «Кўникади,— ўйлади қизига разм солиб.— Турмушга узатилаётганда қайси қиз йиғи-сиғи қилмаган. Кўникади...»

Сўнг, хаёлан, бугун қилиши лозим бўлган юмушларини режалади. Ҳозир бориб, кўёвга сарпо харид қилишлари керак. У ёқдан вақтлироқ қайтиб қассобдан гўшт-ёғ олиб қўйиши зарур. Негаки, пешиндан сўнг маҳалланинг оқсоқоллари келиб қолишса ҳам ажаб эмас. Маслаҳат бир ёқли бўлганданоқ тўйнинг югур-югурлари бошланиб кетади. Қўшниларга ҳам хабар бериб қўйиш даркор — нафлари тегади.

Бугунча қилинадиган юмушлар — шу.

Эртага-чи?

Эртага...

...Оппоқ «Нива»да яп-янги кулранг костюм-шим кийиб, галстук таққан, шу тусдаги шляпаси ўзига жуда ярашган қуда — Соли Қодир келиб, Турғунжонни ўз уйига — қасри олийга машинасида олиб кетади. Кейин улкан валиш остидаги нақшинкор сўрида чой ичиб ўтирганча тўй чиқимларини маслаҳатлашишади ва ўтган-кетганнинг ўзига ҳасад-ла қараётганини билиб ўтириб, кўнгли тоғдек ўсганча Соли Қодирнинг гапларини маъқуллайди.

...Ичкари уйда Кўпайсин гулдор парча халат кийиб олган қудағайи билан очилиб-сочилиб чақчақлашади. Дам ичкарига, дам ташқарига нозу неъматларни пайдар-пай ташиб юрган катта келинлар Турғунжон акага киши билмас ишора қилишганча бир-бирларига алланарсаларни пичирлайдилар.

...Юзу кўзидан хафалигини сезиб олса бўладиган Санобар жилмайишга уриниб, Турғунжон аканинг енгига осилганча «жоним-жигарим, майли мен хафа эмасман, қизинг ўзидан тинчиса, шундай ажойиб оилада ували-жували бўлиб кетса бас, ахир, у менинг ҳам қизим-да, укажон...» деб айтади.

Шундан сўнг Авазбойда таърифи етти иқлимга тарқаладиган тўй бўлади...

...

Тирикчилик

Фахриддин қишлоқда икки кун бўлди-ю, тўсатдан кетаманга тушиб қолди. Ичкари уйда бири учиб, бири қўнаётган пашшаларни ҳайдашга ҳоли қолмай ётган бир оёғи шол онаси қўлини базўр кўтариб деди:

— Ҳ, болам...

— Келаман, она, келаман, — бошини ирғади Фахриддин.

— Хат...

— Ёзаман, ёзаман...

У укаларининг хайр-хўшлашишлари орасида ўртоғи Ҳасаннинг машинасига ўтирди-да, портфелини орқа ўриндиққа ташлаб, қўл силкиди. Машина жилди. Фахриддин атрофни дили ғашланиб кузатиб борарди. Ахир, болалиги ўтган жойлар: ана, чоққина озик-овқат дўкони... Нарёғи тутзор. Бари қадрдон, бари азиз...

Қишлоқдан чиққунларича пешонасини тириштириб, йўлга жим тикилиб борган Ҳасан, ўртоғининг дилидаги гапларни сездим-йўқми, ҳар ҳолда, ҳамдардлик билан сўради:

— Ишлар тузукми ўзи, Қайсари Румо? Энди қачон қайтасан қишлоққа?

— Яқинда замдекан қилиб сайлашмоқчи, — Фахриддин бардачокдан сигарет олиб тутатди. — Ректорнинг ўзи чақириб, шундай деб айтди.

— Ҳар қалай, — Ҳасан четга қаради. — Юрасанми мусофир бўлиб? Буёқда холам...

— Э, сен айтасан-да!.. Бу ерда... ўқитувчиликка кимнинг тоби бор? Усиш керак, Ҳасан! Қайтиш... Кейин.

Станцияга етиб келишди.

— Барибир, келганинг тузук эди-да... Оиланинг каттасисан...

Ҳасан қулочини ёйиб, дўсти билан қучоқлашиб хайрлашди-да, машинасига ўтириб жўнаб кетди. Фахриддин станция ичкарасига кирди. Пештоқига «Буфет» деб ёзилган туйнук ёнида беш-олтита йигит уймалашар, бир-бирларига ниманидир уқтирарди. Фахриддин, пепси-колами, узум шарбатими олволсам, йўлда ичиб кетарман, деган ўйда туйнукка яқинлашди.

— Пивани яшириб қўйган, ако, — деди улардан бири. — Ҳай, қанча пул олсанг ол, кўпиртириб қуй десак, бурниларини жийирадилар. Қани, сиз сўранг-чи, савлатингизни кўриб зора инсофга келса...

Қонталаш бўлиб кетган лабларига қизил бўёқ суртиб олган буфетчи туйнукни шарақлатиб ёпиб олди. Бояги йигит сўкина-сўкина орқасига бурилди. Шерикларидан бири нимадир деганди, қўл силкиди: «Э, акам ҳам қуруқ савлат эканлар, ойимтиллага тик қарашга юраклари бетламади.» Фахриддин «чатоқ бўлди-да» деб турган эди, темир йўлга тарақа-туруқ қилиб поезд кириб келди. Оломон қатори вагонига чиқди.

Кўнглининг ғашлиги тарқала бошлади. Яна бир неча соат ўтсин, у шаҳарнинг қоқ марказидаги квартирасига — ўлан тўшагига кириб боради. У ерда — Сулув... Фахриддин асли бу ёққа кузнинг бошларида келиб-кетишни режалаб юрган эди, аммо Сулув бирдан уйига жўнаб қолди. Усиз зерикди, шартта йўлга чиқди. Барибир қишлоқ яхши-да, оқибат бор... Ҳатто бошқа маҳаллада турадиган Собир одамёқмасгача: «Олим укамизнинг йўли қишлоққа тушиб қолибди...» деб йўқлаб кетди.

Пахта пайти эди. Фахриддин ўқийдиган курснинг йигитлари теримдан сўнг ўйин-кулги қилишганида лабини чўччайтириб «мужчиналар қутурибди-ку» деган чақноқ кўзли қиз — Сулув унга ёқиб қолди. Қизнинг ҳам кўнгли Фахриддинга суст кетиб юрган эканми, ўша кунни кечқурун барак ортидаги далада сайр қилишди. Қайтишаётганда Сулув сулувланди: «Ўқишни битирайлик, акажон, — деди у эркаланиб. — Узо-оқларга кетамиз. Олти хонали ўй сотиб оламиз. Бири — меҳмонхона, бири дам олиш хонаси, бири... Кейин, сиз райком, мен эса котибангизда...» «Райком? — ҳайрон бўлди Фахриддин. — Қўйинг-э...» Сулув аразлаган бўлди: «Ҳо-о, алдабсиз-да?.. Ўзингиз техникумнинг агрономия бўлимини тугатганман, партия аъзосиман деб айтдингиз-ку! Тарих факультетини қизил диплом билан тугатсангиз, албатта райком бўласиз...»

Ўқиш битди. Фахриддинга институтда методист бўлиб қолишни таклиф қилишди. Сулув энди эрининг тезроқ фан доктори бўлишини, данғиллама ҳовли-жой сотиб олишини истарди.

— Диссертациянгизни ёзақолсангиз бўлмайдами? — деди бир кунни чимирилиб. — Бу аҳволда қачон одам бўламиз? Эллика кирганимизда ҳам сиз методисту мен секретарь-машинистка бўлиб юраверамизми?

— Сабр қилсанг ўрадин ҳалво битар, — қироат билан деди Фахриддин. — Пайти келсин, ҳаммаси яхши бўлиб кетади...

Фахриддиннинг ўзи ҳам факультет йўлагидан қўр тўкиб одимлашни, алоҳида кабинетда студентлардан имтиҳон олишни, исму шарифи газеталарда чиқишини орзу қиларди. Бироқ, ундай даражага етишиш учун ҳали кўп қовун пишиғи борга ўхшайди. Сулув бўлса... У бир кунни гул-гул яшнаб, ажойиб кулранг костюм-шим кўтариб келди.

Кийиммисан-кийим, қаттиқроқ тегинсанг майин живирлаётган йилтироқ қатлами сидирлиб кетадигандай...

— Қимматдир бу?

— Нима қипти!— бепарволик билан жавоб берди Сулув.— Ишлаймиз, маошдан пулини берамиз.

— Ҳали қарзга олдингми?

— Қарз узилар, хотин ёнга қолар, деганлар... Сизни деб ялиниб-ёлвориб топиб келдим, ахир! Устингиздаги эскириб қолибди, уч йил бўлдими, тўрт йилми... Кийинг-э, жониздан айлансин!

Фахриддин тошойнага қараб, ўзини таниёлмай қолди: салобат деганидан ҳам бор экан, факултетнинг профессорларию доцентлари аро йўлда қолиб кетишади. Қомат Алпомишникидай, бургутнигоҳ... Методист деса биров ишонмайди.

— Фақат кандидатлик дипломи кам...— Сулув ўзини қўярга жой тополмасди.

Диссертация эса, айтишга осон. Буёқда қишлоқда... сочи узун, ақли калта Сулув хотинларга: «Фахриддин акамлар кандидатлик диссертациясини аллақачон ёқлаганлар, ҳозир дарс беряптилар» деб оғзидан гуллаб қўйган экан. «Йўқ, ёлғон» дегани яна бўлмади, табриклару уэрларга музтар бўлганча бош силкий-силкий, ичида хотинини роса сўқди. Кейин, ўзига: «Ҳай, бугун бўлмаса эртага ўша дипломни бари-бир оламан-ку, гапиришса гапиришаверсин, биров билиб ўтирибдими?...» деб тасалли берган бўлди. Шу-шу у қишлоқда «олим бола». Олим боланинг эса, тузукроқ кийиниб юрмаслиги уят. Ҳамқишлоқлари олим деганда илм заҳматлари билан сочлари барвақт оқарган, камгап, салобатига монанд кийинган улғувор бир кимсани тасаввур қилишади. Салобатга монанд кийим: болгар костюм-шими, чех туфлиси, тилла гардишли кўзойнак, берет, пальто, плащ, портфель... Бунинг учун минг-сўмдан ортиқ пул керак-а!..

«Ахир, бир куни шу азоб-уқубатларнинг ҳам чеки-чегараси кўринар? Ёруғ кунга чиқармиз!...»— ўйларди Фахриддин.

«Бу кишини одамлардай кийинтириб қўйиш менинг бурчим. Ҳозирча чидаб турамиз, кам-кўстлар тўғрилангач, ҳаммаси изига тушиб кетади...»— ўйларди Сулув.

«Хотиним яхши, ақлли, мен учун елиб-югуриб, йўқдан бор қилиб юрибди. Насиб қилса, бир куни ҳаммасини қайтараман»— ният қиларди Фахриддин.

«Ҳозирча ёшмиз, иш одамни ўлдирмайди... Рўзгорни бутлаб, бу кишини фан кандидати қилиб, қишлоққа машинада кириб борсак, юзимиз ёруғ бўлади...» — ўзига тасалли берарди Сулув.

Кунлар эса сув томчилари янглиғ бир-бирига жуда ўхшаш...

Фахриддин тонг саҳарда поезддан тушди. Рулга бошини қўйганча мизғиётган таксичини уйғотди-да, ўн беш минутга қолмай уйига етиб олди. «Сулув келганмикин?»— зиналардан иккинчи қаватга кўтарилаётиб хаёлидан ўтказди. Бироқ, ҳафсаласи пир бўлди: қора чарм қопланган эшик олдига тўшалган поёндоз кетаётганида қандай букланган бўлса, ўша ҳолича турарди. Ичкарига кирди. Совуқ сувга ювинди. Кейин чой ичиб, соқолини қиртишлади-да, Сулув совға қилган ўша костюм-шимини кийиб ишига жўнади.

Кенг майдон кимсасиз, йўлаклар бўм-бўш.

Фахриддин чой ичиб ўтирган қоровул чолга салом берди.

— Балли, болам,— деди чол унга чой узатаркан.— Эрта турганда хосият кўп.

— Қишлоқдан келяпман,— деди Фахриддин алланечук тани яйраб.— У ёқлар зўр-да, тоға!...

— Уйдагилар саломатми, ишқилиб?

Унинг кўз ўнгидан «Хат ёз...» деб зорланиб қолган онаси ўтди-ю, нохушланиб:

— Юришипти...— деди.

Йўлаклар талабаларга тўлади. Сиртқи бўлимдагилар хушомадни ҳам ўринлатишади: «Домлажон, вақтингиз чоғми?... Домлажон, ишдан кейин жиндай ўтирсак...» Фахриддин кулиб қўйди. У хонасини очиб, ичкарига кирган ҳам эдики, телефон жиринглади: «Профессор ака,— Сулувнинг овози.— Биз келдик. Уйдагилар тинч эканми? Ҳа, онам салом айтдилар... Иннайкейин зўр бир нарса топганман, тезроқ келинг...»

«Зўр нарсаси нима экан? Тимсоҳ терисидан ишланган портфель ваъда қилаётганди. Ушамикин?... Қаёқдаги матоҳларни излаб топади. Аммо, бу салобатга ўшандай портфель ҳам қўшилса, чакки бўлмасди. Умуман, Сулув яхши...» Фахриддинни қишлоқдан бошлаб таъқиб этаётган нохуш ўйлари тарқаб кетди. Азбаройи ёнгил торганидан иккита сиртқи бўлим студентини пича «эзган» бўлди-ю, дафтарчаларига «зачёт» деб ёзиб, имзо чекиб берди. Сўнг ярим йиллик имтиҳон ҳисоботини кўтариб, деканатга борди. Ишини битириб, магазиндан у-бу нарса харид қилди-да, уйига қайтди.

Уйда кувонч!.. Журналда босилган кичкинагина мақоласига қалам ҳақи тўлашларини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Уттиз етти сўм-а!.. Бор-йўғи ўн беш минутда қоралаб ташлаганди. Сулувнинг зийраклигичи? Чет элда тикилган қўйлак келтирибди. Фахриддинга ёқадиган: тугмалари тўрт тешикли, костюм-шимининг рангига жуда мос...

Яна иш... Телефон қилишлар... Таниш-билишлар... Сулув эридан яшириб озроқ пул йиққан экан, маошларини бир қисмини қўшишди-ю, Фахриддиннинг қўлида «куй» чала-

диган япон соати пайдо бўлди. У ҳам берсанг ейман, урсанг ўламан дейдиган эркаклардан эмас. Арабистонга командировкага кетаётган бир дўстига фаранги пардоз қути тайинлаб юборганди, шунинг учун берди. Газета-журналларда чиққан мақолаларининг қалам ҳақиқдан худди гул баргидаги шудринг доналаридай товланадиган кийимлик-чи! Сулувнинг яйраб кетганини кўрсангиз.

Фахриддин кассага счот очтирди. Ойига эллик сўм, баъзан етмиш сўмдан қўяверди. Буюқда ҳамкасбларининг кинояли гаплари:

«Бу, сиз... Ҳали дейман, бир одам профессор Фафуров керак эдилар, деб қолди».

«Янгамизга чет эл матосидан олган экансиз... Шу, бизнинг аёлга ҳам...»

«Фахриддин Фафурович...»

«Фахий...»

Начора, уларни индамай енгмоқ даркор.

Қўлтиғида «Цебо» деб ёзилган картон қутичани кўтарганча шоша-пиша хонасига кириб кетаётган Фахриддинни деканнинг котибаси тўхтатди-да, ерга қараганча телеграмма узатди. Фахриддин унинг ҳавасланиб, бундай камёб молни қайдан топдингиз, деб сўрашини кутган эди. Ундай бўлмади. Ҳайратланиб буклоғ қоғозни очди-ю, қўлидаги қутича тапиллаб ерга тушди. Онаси!.. «У, ҳаёт!.. Бу оламдан мени кута-кута ўтган энам-а!..» Фахриддин йиғлаб юборди.

Уч ойдан мўлроқ вақт ўтди. Расм-русумларни элга манзур қилиб ўтказган Фахриддин бунга ҳам кўнгли тўлмади онасининг қабрига қора мрамартошдан ёдгорлик ўрнаттирди. Сўнг, шаҳарга қайтди. Энди... ҳамкасбларининг киноялари ҳам барҳам топган, Сулув алланечук сўлган, илгариги қувнаб-яшнашлари йўқолган эди. У, кўзлари филт-филт ёш, бир нуқтага маънисиз тикилиб ўтирган эрини ранжитиб қўйишдан чўчигандек, оҳиста овқат олиб келар ва икковлон сўзсиз-каломсиз овқатланишарди. Япон магнитофонининг устини бир энлик чанг босди.

Вақт ўтиб, жароҳатлар бита бошлади. Изғиринли куз оқшомларининг бирида Сулув уйига аввалгидек гул-гул очилиб кириб келди-да, шубасини шоша-пиша қозиққа илиб, япон магнитофонининг наушнигини қўлоғига илганча мўнгли бир куйни эшитиб ўтирган Фахриддинга юзланди.

— Қани, мен нима опкелдим, топинг-чи!

— Нима дейсан?— Фахриддин унга қаради.

— «Спортлото» билети! Ярмига сиз чизинг, ярмига мен. Агар бешта рақам тўғри келса, ўнг минг сўм ютуқ чиқармиш...

Онасининг молуяти билан уларнинг кассадаги озгина жамғармалари ҳам сарфланиб кетган эди. Фахриддин шу топда хотинига яна бир бор тан берди: «Уддабурон, муомилани дўндиради, йўқдан йўндиради... «Спортлото» олиб келибди. Қойил. Ўттиз олти рақамдан ютуқ чиқадиغان бештасини топиш қийин эканми? Борди-ю, лоп этиб...»

Кеч соат олтиларда хат ташувчи аёл «олим ака»нинг уйи эшигини узоқ тақиллатди. Ҳеч ким овоз бермагач, онасининг йилига таклиф қилинган телеграммани қўшнисига топшириб кетди. Бу вақтда Сулув ишхонаси қошидаги озиқ-овқат магазинидан лоторея билети сотиб олар, Фахриддин эса, қўлидаги тимсоҳ терисидан ишланган портфелида кўп томлик «Жаҳон адабиёти дурдоналари»нинг сўнгги икки томи, комиссия магазинда чет эл кўзойнагидан олиш учун навбатда турарди.



Александр Сергеевич Пушкин

Гул ва булбул

Баҳор чоғида ҳали боғда бир зулматли тун эрди.
Ғариб булбул фиғон айлаб, гулим раҳм айлагил дерди.
У гул ҳеч ким кулоқ солмас эди фарёди — афғона,
Фақат ором оларди нағмадан тўлғона-тўлғона.
Сени ҳеч севмаган бир гул учун эй шоирми сен ҳам,
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан, тинмайин бир дам.
Кўй энди беҳуда дод этма, оҳинг унга етмайдир,
Қарайсан яшнаган бир гул, фақат овоза бермайдир.

ПУШКИН ВА ЧЎЛПОН

Чўлпон улуг рус шоири А. С. Пушкин асарлари билан инқилобдан анча аввал рус, татар, озарбайжон матбуоти ва адабиёти, театр ва концерт программалари, шунингдек, Туркистондаги янги усул мактаблари учун чиқарилган дарсликлар орқали яқиндан танишган эди. Шоир Октябрь революциясидан кейин Шекспир, Гейне, Мольер, Тагор, Горький ҳамда А. С. Пушкин асарларининг етакчи таржимонларидан бирига айланди. Чўлпон улуг ўзбек шоири Навоийнинг 500 йиллиги юбилейини ўтказишни таклиф қилиб 1924 йилда ёзган «500 йил» номли мақоласида А. С. Пушкин ижодига катта ҳурмат билдиради: «Ватандошларимиз руслар Пушкиннинг ҳар бир йили учун ҳам жуда катта байрамлар ясайдилар. Ғарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказилади», — деб фахр билан ёзади у. Мақолада қардош халқларнинг бундай тажрибалари бизлар учун ҳам ибратомуз бир сабоқ бўлиши алоҳида таъкидланади. Шу йилларда у А. Блокнинг «Одам ва қуш», Р. Тагорнинг «Ҳой, йўловчи қиз!», Эжен Потъенинг «Байналминал» шеърларини, Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясини, М. Горькийнинг «Она» романини катта маҳорат билан таржима қилади. А. С. Пушкиннинг «Гул ва булбул», «Банди», «Олтин балиқ», «Дубровский», «Борис Годунов» сингари лирик шеър, қисса ва тарихий саҳна асарлари ҳам Чўлпон томонидан ўзбек тилига меҳр ва эҳтирос билан ағдарилган. 1936 йилда А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кетаётган пайтда улуг рус шоири ижодини ўзбек китобхонлари орасида кенг тарғиб қилишда Чўлпон катта хизматлар қилди. У А. С. Пушкиннинг энг мукаммал шоҳ асарларини ўзбекчалаштириш билан бирга Ойбек, Ҳ. Олимжон, Миртемир, У. Носир ва бошқаларнинг таржималари муҳокамасида ҳам фаол қатнашди, қимматли фикр-мулоҳазалари билан уларга амалий ёрдам берди. Чўлпон айниқса, Усмон Носирнинг таржимасига («Боқчасарой фонтани») юксак баҳо бериб, шундай деган эди: «Усмоннинг таржимаси ўқилганда кўп таржималарга хос бўлган ғадир-будирлик... унда учрамайди. Тили содда, сўз терилган, вазн текис, қофиялар силлиқ. Масалан, Гаройхон тасвирида айтгани:

Шу мағрур дил не ғамга тўлмиш,
Қандай фикр билан банд бўлмиш?
Яна Рус-ла жанг қилмоқчими?
Ё Польшани танг қилмоқчими?
Нега хафа, не ўсандирар,
Ва ё қонли ўчми ёндирар?
Наҳот, ҳарам ичра хиёнат,
Наҳот елга учса диёнат?
Асира қиз жиноят қилмиш,
Қофирга дил иноят қилмиш...

Бу мисраларнинг қайси бири таржимага ўхшайди. Усмон Носирнинг таржимасини ширин қилган нарса таржимага ўхшамаганлигидир. Бунга эришиш осонлик билан қўлга кирган эмас». («Қизил Ўзбекистон», 1936 йил, 26 ноябрь.)

Чўлпоннинг А. С. Пушкин асарларидан қилган таржималари ва Усмон Носир ҳақида билдирган юқоридаги фикрлари ҳамон ўз бадиий ва эстетик қимматини йўқотган эмас.

Банди


Мен кулликда ўстирилган ёш бургут,
Ўтираман зах зиндонда ноумид.
Мунгли дўстим теразамнинг остида
Қанот қоқиб, луқма чўқиш қасдида.
Чўқиб қўйиб, теразага қарайди,
Худди мендек ўйлаганга ўхшайди,
Менга қараб, овоз солиб сайрайди,
У демоқчи: «Учайлик, қани, юр!
Эркин қушмиз; фурсат келди, хўп фурсат!
У ергаким, тоғлар бутун зумуррат.
У ергаким, поёни йўқ кўк денгиз,
Учишамиз, фақат шамол иккимиз!»

ЧЎЛПОН таржималари.

Пайғамбар

Ташналикдан озурда руҳим,
Тентирардим даштда зим-зиё, —
Билгандайин ҳолим илоҳим,
Айро йўлда бўлдилар пайдо.
Кўзларимни оҳиста, ё раб,
Сийпар экан, ногоҳ чарақлаб,
Гўё ёвқур бургутнинг олов
Нигоҳидай порлади дарров.
Гумбурлаган қасирға, сурон,
Хушёр этар экан бегумон;
Кўрдим: само ларзага келди,
Хур-парилар этдилар парвоз.
Даррандалар қайгадир елди,
Самбиттоллар тебранди ҳамроз.
Манфур, тилим олди-ю юлиб,
Маддох, каззоб забондан жудо —
Оғзимга у топиб йўлини
Қонли дасти билан этди жо —
Наштардайин илон тилини.
Қиличини сермаб беаёв,
Титроқ қалбим суғуриб олди.
Ланғиллаган лахча чўғ, олов —
Оташни у кўксимга солди.
Ётарканман даштда чалажон,
Тангри ҳукми янгради шоён:
«Фурсат етди, кўзғал, пайғамбар,
Жо эт амрим ҳам жону танга
Ва элма-эл кезиб сарбасар —
Юракларда ёққил аланга».

Абдуҳамид ПАРДАЕВ таржимаси.



«ПАДАРКУШ» ФОЖИАСИ ҲАҚИДА

Бехбудий XX аср бошлари ва инқилобдан кейинги дастлабки йилларда Туркистондаги маърифатчилик ва театрчилик ҳаракатининг бошида турган йирик сиймолардан биридир. У «Падаркуш» драмасидан ташқари публицистик асарлар, саёҳат хотиралари, ўқув қўлланмалари ёзган, кўплаб ихлосмандлар, давомчилар орттирган эди. Бехбудийнинг ҳаёти ва ижоди ўз даврининг мураккаб ғоявий қарама-қаршиликлари, зиддиятлари таъбиридан ҳам холи эмас. Буни тарихий объектив ўрганиш бугунги кунда айниқса аҳамиятга эгадир.

* * *

Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йил Самарқанд область Бахшитепа қишлоғида туғилиб, бошланғич маълумотни ўз яқинлари (тоғаси муфти мулла Одил)дан олган. Отаси ўлгач (1894 йил), муҳтожлик туфайли ўқишни ташлаб, қози тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёнида мирзалик қилади. Тоғаси ишдан бўшагач, Бехбудий ҳам мирзаликдан кетади. Сал кейинроқ яна мирзалик ва муфтилик вазифаларида ишлаб бошлайди.

Ёшлигидан илмга чанқоқ Бехбудий тоғасидан араб, форс тилларини ўрганиб, аста-секин Боқчасаройда чиқадиган «Таржимон» газетаси ва хорижий матбуот намуналарини бемалол ўқийдиган бўлди. У 1900 йилларнинг бошида Арабистонга (ҳажга) жўнаб, Истамбул ва Миср шаҳарларида (1900, 1914) Европа типидаги янги усул мактаб, юқори билим юртлири, билан танишади. Сўнг ички Россия, Петербург, Москва, Қозон, Оренбургда (1903—1904) бўлиб, у ердаги янги усул мактаблар, таълим-тарбия системаси, адабиёт ва матбуот намуналари, Боқчасаройда ишлаб турган Исмоил Гаспринскийнинг усули савтия мактаби ҳамда матбуоти тажрибаси билан танишиб қайтади. Унинг таъсирида Самарқандда янги усул мактаблар очади, янги ўқув қўлланмалари ёзади. («Китобул ат-фол») («Болалар учун китоб»), «Мухтасари жуғрофияи русийи» («Русиянинг қисқача географияси») каби, «Самарқанд» номли газета, кейинроқ «Ойна» (1913) номида журнал чиқара бошлайди.

1911 йилда «Падаркуш» пьесасини ёзади. Лекин пьесанинг босилиши ҳамда саҳналаштирилиши, чор цензураси ва мутаасиб руҳонийлар, жоҳил бойларнинг қаршилиги туфайли кўп қийинчиликлар билан амалга ошади. Бехбудий пьесани бостириш учун руҳат сўраб, дастлаб Туркистон генерал губернаторига юборади, руҳат берилмагач, бошқа йўллар қидиради ва пьеса муқовасига рус тилида «Россиянинг француз истилосидан озод бўлиши ва машҳур Бородино жанги хотиралари юбилейига бағишлайман» деб ёзиб цензуранинг Тбилиси комитетига юборади. Орадан икки йил ўтгач, 1913 йил 23 июлда руҳат этилган нусхасининг муқовасида «разрешено цензурою Тифлисской Комитетом по делам печати к постановке на сценах Кавказского края 23/III—1913 г. — 1940» — деб ёзилган эди. Шундан сўнг пьеса 1913 йилда Самарқандда Газаров ва Сиянов матбаасида ўзбекча ва форсча «Падаркуш» (ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли. «Папенкин синок» или «Убийца отца») номида нашр этилади. Асар шу йилнинг ўзидаёқ Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Каттақўрғон, Қўқон, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарларда қайта-қайта ўйналади. Спектакль томошасига кўплаб одамлар келганлиги матбуотда ёзиб ўтилади.

Маҳмудхўжа Бехбудий «Туркистон вилоятининг газети», «Шўро», «Ойна», «Вақт» ва бошқа газета, журналларда «Бухорода усули жадид», «Ёшларга мурожаат», «Туркистонда мактаб жарида», «Туркистон идораси», «Саёҳат хотиралари» ва бошқа кўплаб публицистик мақолаларини эълон қилади. У Туркистондаги феодал урф-одатлар, эски схоластик мадраса таълими, хурофот ва жаҳолатни, маҳаллий бойларнинг саводсизлигини ислохотчи маърифатпарвар сифатида танқид қилади. Жаҳолатдан қутулиш учун дунёвий ва диний илмларни рус ва хорижий тилларни билувчи янги зиёлилар етказиш, Москва, Петербургда ўқиган саводли, маърифатли кишилар Бухоро ва Туркистон, Истамбул ва Миср мадрасаларини битирган имом, хатиб, мударрислар, қози, муфтилар керак дейди. Бехбудийнинг бу қарашлари шу даврдаги қатор мақолалари «Эҳтиёжи миллат» (1909), «Икки эмас, тўрт тил керак» (1913), айниқса, «Падаркуш» пьесасида жўшқинлик билан тарғиб қилинади.

Бу ғоявий йўналиш сал кейинроқ Абдулла Қодирийнинг «Тўй», «Жувонбоз», «Бахтсиз куёв», Ҳожи Мўйиннинг «Жувонбозлиқ қурбони», А. Бадрийнинг «Жувонмарг», Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикояларининг майдонга келишига кучли таъсир қилди. Буни, айниқса, Чўлпоннинг «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикояси мазмуни билан танишганда очиқ сезиш мумкин. Отаси билан ҳаж сафариди «Миср, Истамбул, Париж, Марокаш, Булуҷистон, Бағдод, Эрон ва Афғонистон ва ички Россияда ўн икки йил саёҳат қилиб, форсий, арабий, рус ва инглиз тилларида сўйламоққа қодир» бўлган Ҳожи Аҳмад ёлғиз ўғли Муҳаммадёрни ўқимишли қилиш орзусида «Уфа мадрасаи олия»сини битирган бир муаллимга беради, ўзи қиморбозлар безорилиги туфайли жаҳолат қурбони бўлади. Улими олдидан ўғлига, жаҳолатга қарши курашини ягона йўли ўқимоқ, деб васият қилади. Муҳаммадёр отаси васиятига кўра Боку, Петербург ва бошқа шаҳарларда ўқиб, олий таълим ила Италия, Туркия, Руминия, Булғория тупроқлари билан Одесса орқали Тошкентга келади. Туркистонга қараб юради.

«Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврўпа дорилфунунларига болаларини юборса, алардан адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогар ва муҳандислар чиқса; буларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туриб, ишларини тартиб ила тузсалар, халқимизнинг фойдасини кўрсатсалар — нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди, — деган ҳаёллар кўнглига келур эди».

Беҳбудий сайёҳ ва публицист сифатида ўша даврда яна бошқа бир қанча муҳим ижтимоий, экологик масалаларни ҳам кўтарди. Жумладан, у «Бухоро хонлигига саёҳат» (1912) мақоласида Самарқанддан Қорақўлга сафарига йўлда сувсизликдан харобазорга айланган экинзор ва арklar, одамларнинг ришта, тиф касалларига гирифторликлари, булардан қутилиш учун «Амудан Бухоро мақкумина сув келтирмоқни ҳақидаги баъзи оқил муҳандислар таклифларини «Бухоро сиёсийонлари ва уламосини тажвиз² этмагани»га афсусланиб: «Оҳ! Бечора Бухоро! Бурасини Русия ражол ҳукумати ўйласа керак. Чунки, Самарқанд, Каттақурғон ва Жиззах уездлари аҳолиси ортиюр, яна бўз ерларни очиюр. Бир тарафдан муҳожир келмоқда. Лекин сув масаласи зўраюр. Ва охири Амудан истифода этмоқдан ўзга илож қолмаюр»³ — деб ёзган эди.

Беҳбудий 1917 йил февраль революциясидан сўнг Туркистондаги кўпчилик зиёлилар: Ҳамза, А. Авлоний, С. Айний, М. Шермухамедов, Тавалло ва бошқалар каби мустақил чор ҳукумати ағдарилиб, ўрнига буржуа ҳукумати ўрнатилганлигини табриклайди. У 1917 йил 18 апрелда Умумтуркистон мусулмонлари Курултойида Туркистонни Россия составидан ажратиб, алоҳида Федератив давлат қилишни талаб қилиб чиқади. 1917 йил июнь ойига келиб эса бу мухторият (автономияни) Россия буржуа демократик давлати составида бўлишини маъқул ҳисоблайди.

Адабиётшунос Солиҳ Қосимовнинг ёзишича, Беҳбудий Октябрь революциясини зўравонлик деб тушунган ва мусулмонларнинг умумтуркистон 4-фавқулдода Курултойида (1917 йил, 1 ноябрь) Қўқон мухториятига аъзо қилиб сайланган.

1918 йил май ойида Самарқандда «Иттифоқ» жамияти ўрнига тузилган «Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси»да маориф комиссари бўлиб ишлай бошлайди. 1918 йил июлида Тошкентга келиб, Туркистон АССР партия ва Совет раҳбар арбоблари билан учрашиб, Туркистон давлат тили ҳақидаги декрет, миллий ишлар халқ комиссарлигининг низом ва бошқа лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади.

Самарқандда А. Шакурий, С. Айний, Ш. Раҳматуллаев каби маориф ходимлари, ўқитувчиларга ўз билим ва тажрибаларини ўргатади, уларнинг ўқув-ўқитув ишларида керакли қўлланмалар, ўз кутубхонасида мавжуд адабиётлардан баҳраманд бўлишларига ёрдамлашади. 1919 йил март ойларига Беҳбудий Самарқанддан сафарга чиқиб, Бухоро тупроғига қадам қўяди ва Шаҳрисабзда амир амалдорлари томонидан «тилчи», «кофир», «жадид» деб қўлга олинади. Амирнинг буйруғи билан Қарши шаҳрига келтирилиб, зиндонга ташланади ва ўша ерда ёвузларча қатл қилинади. Беҳбудийнинг Бухоро жаллодлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилиши, амир жабрини турли даврларда ўз бошларидан кечирган С. Айний, Фитрат каби зиёлилар қалбини чуқур ларзага солади.

С. Айнийнинг «Беҳбудий руҳини иттиҳоф», Фитратнинг «Беҳбудийнинг сағанасини изладим», Чўлпоннинг «Маҳмудхўжа хотираси», Ниҳонийнинг «Заволли қўёш» каби мотам марсиялари ёзилади.

Кейинчалик турли муносабатлар билан Беҳбудий хотираси эсга олиниб, Туркистон маорифи, ижтимоий, маданий ҳаёти тараққиётида адабнинг роли, тутган ўрни ва аҳамияти ҳам кўрсатила бошланади, унинг номи абадийлаштириш масалалари кўтарилади (Лазиз Азиззоданинг «Беҳбудий» мақоласи ва бошқалар).

30-йилларнинг охирига келиб, Сталин шахсига сиғинишнинг авж олиши, Ўзбекистонда ҳам вульгар-социологик танқиднинг кучайиши муносабати билан Чўлпон, Фитрат, Элбек ижоди каби Беҳбудий мероси ҳам асосан буржуа-миллатчилик, жаҳидчилик намунаси тарзида талқин қилина бошланди. Абдулла Қодирий, Тавалло ва бошқаларнинг асарлари қатори Беҳбудийнинг «Падаркуш»и ҳам ўқув қўлланмалари, хрестоматия ва театр рисоаларидан чиқариб ташланди. Беҳбудий номи билан боғлиқ бирқанча маданий муассаса, мактаб, район ва шаҳар номлари тарихдан ўчирилди.

Бугунги кунда Беҳбудийнинг ҳам инқилобдан бурунги ва кейинги публицистик ва илмий меросини, саҳна асарлари ва ўқув қўлланмалари, таржима асарлари ва у ҳақдаги замондошлари хотиралари ҳамда архив ҳужжатларини тўла излаб топиш, бир жойга тўплаш, ўрганиш ва нашр қилиш, унинг номига қўйилган аввалги бир қанча тарихий номларни қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир.

Шу эзгу ният йўлидаги дастлабки уринишлардан бири сифатида Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари кандидати

¹ Абдулхамид Сулаймон. «Дўхтур Муҳаммадёр» (хаёлий ҳикоя), «Садойи Туркистон» газетаси, 1914, № 34, 45.

² Тажвиз — жойиз кўриш, раво кўриш, ижозат.

³ Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий. «Бухоро хонлигига саёҳат». «Вақт» (Оренбург) 1912 йил, 12 июль.



Маҳмудхўжа Беҳбудий

ПАДАРҚУШ

Ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли:
Туркистон майишатидан олинган ибратнома
3 парда 4 манзарали, миллий биринчи фожиадир.

Қатнашувчилар:

Бой — 50 яшар

Тошмурод — бойнинг ўғли, ўн беш ва 17 яшар.

Домулло — янги фикрлик бир мулла, 30—40 яшар.

Зиёли — (оврупа либосида) ўрусча ўқуғон, миллатчи мусулмон.

Хайрулло — бойнинг мирзаю маҳрами, 18—20 яшар.

Тангриқул — бойнинг қотили.

Давлат ила Нор — (бўз болалар) киссаларига 4 сўм қадар майда керак.

Лиза — рус хотини, қабиҳа шаклинда.

Артун — армани майхоначи.

Пристуф — икки полицейски, 2 қоровул, 3 нафар эркак бойнинг ҳамсояси.

Бойбучча — хотини 35—40 яшар.

(керак нимарсалар)

Бир лали ширавар, нон, дастурхон. Чойнак, пиёла, чилим.

Меҳмонхонага кераклик гилам, кўрпа, ёстиқ.

Бойни ётоқ асбоби ва кроват

Бир калтак

Бир ўн шиша сув ва квас

Беш олти стакан

Бир сандуқ

Бир ҳамён ичига пулга ўхшаган нимарса

Бир катта пичоқ

Бир тўппонча

Сандуқни очатурғон темур асбоб

Мукаммал пристуф либоси

2 полицейски, мукаммал либоси

2 қоровул калтаги

1 хуштак

1 шоҳсақа

1 каноб

1 қўл кишани

Бой меҳмонхонада ўтирар, Хайрулла ила домулла кирар

— Ассалому алайкум.

Бой. Ваалайкум ассалом, марҳамат қилсинлар (туриб мулоқат қилуб домуллага жой кўрсатиб, ўлтирур).

Домулла. Бой давлатини оллоҳи таоло мундан ҳам зиёда қилғай (фотиҳа қилур).

Бой. Нафси муборак иншооллоҳ дуолари қабулдир.

Домулла. Балли, жума оқшоми дуони қабул вақтидир.

Бой. Хуш келдилар тақсир.

Домулла. Саломат, саломат (қўлини кўксига қилиб).

Бой. Хайрулло! Чой ва лали келтур.

Хайрулла. Хўш. (Чой ва лали келтирар. Хайрулло чой сузар, алар танаввул айлар. Тошмурод кирар, саломсиз, беадабона).

Тошмурод. Ота! Томошоға бораман, пул беринг.

Бой. Ўғлим ким ила борасан!?

Тошмурод. Турсун акам ила.

Бой (киссасидан пул бериб). Албатта вақтлик келинглар ва ёмон ерларга борманглар!

Тошмурод. Хайр, хайр, ҳов кўп гапурасизда (чиқиб кетар).

(Домулла бой ва Тошмуродга бадбинона боқиб бошини солар)

Бой. Сўзлашиб ўлтиринг тақсир.

Домулла. Хўб, хўб, бойбачча катта бўлубдур, худо умр берсин, усули жадида мактабигами ўқийдур, ёйинки эски мактабга?

Бой. Иккисига ҳам бормайдур.

Домулла. Ўз ҳовлингизда ўқитатурғонсиз?

Бой. Йўқ, йўқ. Мен ўғлимни ўқитмоқға ўйлаганим йўқ.

Домулла. Ажойиб, сабаб недурки ўқитмайсуз? Ваҳоланки ўқумоқ қарз ва ҳам илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдир.

Бой. Мени хаёлимга дунёнинг сабаби, иззати — бойлик. Охиратга бўлса худонинг қилган тақдири бўлур. Чунончи, биз кўрамизки одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладурлар. Хусусан мана банклар кўпайди. Катта бойлар член бўлуб, ҳар ким членларни иззат қилур, ҳатто иши тушатурғонлар член молини қиммат олур, азбаски член илтифотиға олмаган одамларга банклар пул бермайдурки, сўнгра муомиладорлар синиб майда-майда бўлур, билдингизми?

Домулла. Бу сўзларингиз ҳозирги замонага маъқул, лекин член ва бойларни иззатлари вақтинча ва халқни кўзи очилгунчадир. Ҳолбуки аларни иши тушганлар иззат қилур, муллони бўлса барча халқ иззат қилур, яъни муллони илмини иззат қилинадур.

Бой. Бизни ҳам бойлигимизни иззат қилинадур, ҳатто мусулмонлар нари турсун, урус ва арманларда иззат қилур.

Домулла. Иззатни нари қўйдук, агарда ўғлингизни ўқутсангиз дафтарингизни ёзар, намозингизни ва мусулмончилигини яхши билур ва ҳам сизга савоб бўлур.

Бой. Мирзалик осон, мана Хайруллога ойинда етти сўм бераман, кундузлари мирзалик ва оқшомлари меҳмонхона ишини қилар ва ҳатто уйқум келгунча ходими қилар, китоб ҳам ўқиб берар.

Домулла. Шариат илми ва зарурият динияни билмоқ учун бойваччани ўқитмоқ албатта сизга лозимдир.

Бой. Шариат илмини ўқитмоқни лозим билмайман, чунки, ани муфти ё имом ва муаззин қилмоқчи эмасман, азбаски давлатим анга етар.

Домулла. Заруроти динияга на дерсиз?

Бой. Мен ўзум беш вақт намозни кераклик дуолари ила билурман. Ўзим ўргатурман.

Домулла. Хат ва саводга на дерсиз? Ҳолбуки саводи йўқ одам ҳеч нимага ярамайдур.

Бой. Бу фикрингиз ғалат, чунки мени саводим йўқ, бавужуд шу шахримизнинг катта бойлариндандурман ва ҳар ишни билурман.

Домулла. Сиз илгари замонда бир нави ила бой бўлубсиз, аммо энди бой бўлмоқ нари турсун фақат рўзғор ўткармак учун илм керак. Кўрамизки, йигирма-ўттиз йилдан бери барча савдо ишлари армани, яҳудий ва бошқа ажнабийлар қўлиға ўтди, муни сабаби бизларнинг ўқимаганимиздур. Ўқимаган бойваччаларни кўрамизки ота молини барбод етар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин ўғлингизни ўқитмоқни сизга таклиф қилурман.

Бой. Ай домулло! Сиз менга таҳқиқчимизми? Ўғил меники, давлат меники, сизга нима? Ўқиганни бири сиз, емоқға нонингиз йўқ, бу ҳолингиз ила менга насиҳат қилурсиз. Хайрулло! Меҳмонхонани қулфла, уйқум келди. (Хайрулло лали ва асбобларни жамлаб мунтазир турар).

Домулла. (одамларга қараб). Уқимоқ ва мулло бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимизни ҳоли бул, бас бу кетиш ила навзамбиллоҳ дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўқимоқ барча мусулмонга, эркак ва ё хотин бўлсун фарз эди. У қайда қолди! Оҳ, вой бизни ҳолимизга. (бойга қараб.) Бой, мен сизга амри-маъруф этдим ва менга шариат бўйича лозим бўлган ишни бўйнимдан соқит қилдим. Иншооллоҳ мўйлаб чиқариб алифни таёқ демайтурган ўғлингиз ҳолини кўрармиз ва ҳам ўқитмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз! (домулла нос чекар).

Бой. Ай домулло! Менга насиҳатчи кераги йўқ, безор қилдингиз, (одамларга қараб) ишимдан, уйқумдан бу одам мени қолдирди. Хайрулло! Меҳмонхонани қулфла (домулло аразлаб чикиб кетар, бойни димоғи куйиб ўлтирар. Зиёли мусулмон кирар, пальто ва асосини михга қўяр, бой ола-ола қарар, хушламас).

Зиёли. Ассаломуалайкум.

Бой (карахтлик ила). Ваалайкум ассалом. Хайрулло курси келтур. Бу киши ерга ўлтиролмайдур (келтурар, зиёли ўлтуриб попирус чекар).

Зиёли. Жаноб бой, сизни кайфсиз кўраман, мумкинми сабабини билсам?

Бой. Бир мулло келиб эди, ўғлингизни ўқитмайсан деб жуда жонимни олди, қувлагандек қилиб зўрға қутулдим, фақат муштлашмадик.

Зиёли. Аҳҳа, қизиқ ва интересний ҳодиса эмиш (одамларга қараб) бу шаҳарда бойларга амри-маъруф қилатурғон мулла бор экан, худога шукур. Ул жаноби ҳаққоний домулло аразлаб чикиб зиёрат қилмоқ керак. Бой афанди! Сизга малол келмасун, ушбу тўғридан мен ҳам сизга қачонлардир бир неча сўз айтмоқчи эдим. Ва аммо соати ушбу дақиқага мавқуф экан, энди сиздан илтимос қиламанки бир неча дақиқа менга қулоқ берсангизки илм нафи тўғрисида сўзлайин.

Бой (ола-ола қараб). Энди билдим, сиз ҳам ўғлунгни ўқит деб мени қисар экансиз, (одамларга қараб) бугун чап қўлим ила турганман, ўйламаган ишлар олдимдан чиқар, мазмуни — қордан қутулиб ёмғирга учраймуз. Хайрулло! Чилим келтур. (Тарафайн сукут, чилим келар. Бой чекар, йўталар)

Бой. Хайрулло!

Хайрулла. Лаббай тақсир?

Бой. Жойимни ташла, уйқум келди (ҳомуза тортар), эртага иш кўп, вақтлик ётмоқ керак (яна ҳомуза).

Хайрулла. Хўш ҳозир.

Зиёли (жиддият ила). Бой афанди! Мен сизга дедимки миллатга кераклик илмлар тўғрисида сўзламоқчиман, аммо сиз мени сўзимни эшитмоқга хоҳламайтурғонга ўхшайсиз! Иккинчи дафъа айтаманки, қулоқ беринг ва бу сўзлар сизни ва миллатни нафидур.

Бой. Сўзингизни жабр ва зўр ила эшиттирарсизми? Ва ё мени азоб бермакками келдингиз?

Зиёли. Йўқ, мен асли бошқа иш учун келиб эдим ва лекин илм баҳсининг устидан чикиб қолдим. Ушбу сабабли муддаони табдил қилиб, илм тўғрисида сизга баён қилмоқни қасд этдим. Шоядки жанобингиздек бойлар миллат болаларини ўқитмоғига сайи қилсалар.

Бой (халққа қараб). Қошки домулло ҳикоялари етмаса эди. Хўб модомики қўймайсиз, эртароқ сўйлаб тамом қилинг, уйқум келган (ҳомуза тартади) одамлар боласини ўқит дейдир-а.

Зиёли. Ҳозир янги ва бошқа бир замондир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўқитмоқга сайи қилмоғимиз лозимдур, ваҳоланки, диний шарифимиз ҳар нав нафлик илм ўқимоқни бешикдан мазоргача бизларга фарз қилгандир. Бу ҳукм — ҳукми шариатдир. Биз мусулмонларга алалхусус бу замонда икки синф уламо керакдур; бири олимий диний; дигари олимий замоний; олимий диний: имом, хотиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб халойиқни диний ва ахлоқий ва руҳоний ишларини бошқарар, бу синфга киратурғон талабалар аввало Туркистонда ва Бухорода илмий диний ва арабий ва бир оз русча ўқуб сўнгра Макка, Мадина, Миср ва Истамбулда бориб, улумий динияни хатм қилсалар керак, ёки комил мулло бўлсунлар, (бой мудрайду) англадингизми бой?

Бой (бошини кўтариб) Ҳа, ҳа, айтаберинг, қулоғим сизга.

Зиёли. Олимий замони бўлмоқ учун болаларни аввало мусулмони хат ва саводини чиқаруб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини биладурғондан сўнгра ҳукуматимизни низомли мактабларинда бермоқ керакдур: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилганларидан сўнг, Петербург, Москов дорилфунунларига юбориб, докторлик, закончилик, инженерлик, судьялик, илми саноат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир. Россия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдир ва давлат мансабларига кирмоқ лозим. Токи машат эҳтиёжи замонамиз тўғрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса; ва подшоҳлик мансабларига кириб мусулмонларга наф етурулса ва ҳам давлати Рос-

сияга шерик бўлунса, ҳаттоки шул тариқа ўқуган мусулмон болаларини Фарангистон, Амрика ва Истамбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдур. Ҳазрат парвардигоримиз: илм Хитойга ҳам бўлса талаб қилингиз, демадиларми? (бой уйқуда) Бул ишлар бўлмас магар пул ила сиздек катта бойларни ҳиммати ила, чунончи, Кафказ, Орунбург ва Қозон мусулмонларини бой ва аҳли ғайрати илм йўлига кўп пуллар сарф этарлар ва камбағал болаларини ўқутдирарлар, (бойга қараб) албатта сўзларимга тушунгансиз жаноб бой! Бой! Бова бой!

Бой (мудрайдур, бош кўтариб, эснаб). Ҳа, ҳа...

Зиёли. Алан биз Туркистон халқиға бир ёмон одат борки, бир киши русча ўқуб, подшоҳлик ишига кириб, расмий формасида юрса масхара қиладурлар, агар извошчилик ва ё қора меҳнаткаш бўлиб оврўпалиларни эски либосини кийса ва ё ўйинчиларнинг либосини кийса ҳеч ким бир нима демайдирки бу камоли нодонлик ва дунёдан хабарсизликдир. Шундай эмасми, амаки бой!

Бой (ўлтирған еридан бир тарафга оғиб ётиб). Хур, хур, хурра, хурра, хурра...

Зиёли. Илоҳи худоё! Уммати исломияга, хусусан, биз Туркистонлиларга раҳминг келсун (рўмоли ила кўз ёшини артиб чиқиб кетар, парда инар).

ИККИНЧИ ПАРДА

Пивахона манзараси; бойвачча ила уч нафар ўлтурарлар.

Тангриқул. Бу оқшом билмайман, нима учун ичкилик мени тишламайдур. Намози дигардан бери бир дюжина шишани бўшатдим. Даюсни пивоси қулоғимни қизитмади. Тўлдир, ичайлик!

Нор қадаҳларни тўлдирар.

Ҳаммаси. Тошмурод бойваччани саломатлигига ура, ура, ура, (ичарлар).

Давлат. Жўралар! Манувни ичдим энди ёдимга Лизажон тушди. Оҳ Лизажон!

Ҳаммаси. Оҳ Лизажон, воҳ Лизажон, қайдасан!

Нор. Золим фалак фироқиға куйдирди мани; биллоҳки келмаса бўмийди!

Давлат. Бу доду-бедод ила ҳеч нима бўлмас. Хўжайинни чақирармиз, отам ўлди базм қилармиз.

Нор. Қўлингни бер, эй, номард топдинг, (қўлини сикар). Бўлди.

Давлат. Эй тутаберут Тангриқул! Даминг чиқмайдур. Шунча одам сўзини ўғирлаб ўлтирасан. Эрга навбат, шерга навбат. Гап бериб ўлтур. Ё бу одамларни писанд қилмайсанми? Бизларни ҳам ёнимизга беш тангалик ақчамиз бор. Жўра! Бу мастлик ростлиқдир. Қовоғингни очиб ўлтур.

Тангриқул. Жўралар! Сизлардан яширатурғон сўзимиз йўқ. Тўғрисини десам мануни ичдим, қулоғим қизиган, сан Лиза дединг, энди ўзим шунда бўлсам-да, ҳушим Лизага, то Лизани келтурмасанг мани гапиртиролмайсан. Аммо гап келтурганинга Давлат зўр!

Давлат. Ғам ема, муддаонг Лиза бўлса, шул замон ёнингга кўрарсан, келмасами? Бошини оларман.

Нор. Бойвачча! Баришнага тобингиз борми?

Тошмурод: Майли, одам юборинглар, базм қилсун.

Тангриқул. Гап, гап ила вақтни ўткарарсизлар, буюратурғон бўлсанглар, буюринглар, эртароқ келсун, кайф қилайлук. (Давлат кўнғироқ чалар. Артун армини майхонани кирар).

Артун. Нима дейсан?

Давлат. Лизага бировни буюр, келсун!..

Артун. Бурда!

Давлат. Ҳа, мунда келтурмасдан мазоргами кетурардинг?

Артун. Извинит қиласан сурушдумда.

Давлат. Бўл! Бўл! Бировни юбор.

Артун. Баҳ не вор билурсин! Лиза банга демишки ўн беш манатсиз банга киши кўндирма! Ҳа, ўн беш манатда ва файтун пулида вер, гейин Николая кўндирайум. Лиза ўлмаса бошқасини гетирсин, кайфинг нечик?

Давлат. Аввал келтуруб, сўнгра пулни олсанг бўлмасми?

Артун. Давлат зўр! Бен сана демишимки Лиза прут ақча олмайинча гелмез, бана не! Сен ўзинг билирсанки у гавур қизи, бенимки дегил. (Мастлар бир-бирига ҳайрон қарарлар, киссаларига қўл соладурлар).

Тангриқул. Артун! Бир оз тўхта пул берамиз.

Артун. Бош устина ҳозирим (чиқар. Жўраларни кайфлари учуб сукут этарлар).

Давлат. Суз ичайлик (Нор сузиб кўяр).

Тангриқул. Пулни пешаки талаб қилгани ишни белини синдирди.

Давлат. Иш аксига олса шундай бўлур. Пулларинг борми? Ҳаммаларинг чиқаринг (ҳаммаси чиқаради. Давлат санар, беш сўм етмас). Бу минан ҳеч нима бўлмас. Бир иложини топмоқ керак.

Нор (таъмагирлик ила) Эй бойвачча, бизларку камбағал. Сизга нима! Киссангиздан пул чиқмайдур. Ана бойваччанинг шакли (қўли ила кўрсатур).

Давлат. Парво қилма, Нор! Мен бир нимарса ўйладим, агар бойвачча кўнса.

Тангрикул. Нима экан? Нима!

Давлат. Тўхта, нима эканлигини биларсан. Аввал бойваччани саломатлигига ичайлик. (Тангрикул сузар, ичарлар бойваччанинг саломатлигига.)

Давлат. Бойвачча! Бу кечадек чаҳоршанба сури ойда-йилда бир бўлур ва йўқ, бир кеча минг кеча бўлмас, агар қабул қилсангиз Тангрикулни сизга қўшарман. Бирга бориб отангизни сандуғини кўрсатурсиз. Бошқа ишни Тангрикул бажарадур.

Тошмурод. Тангрикул ака, борасизми?

Тангрикул. Уфатлар буюрса у дунёга борарман. У-ку сизнинг ҳовлингиз.

Давлат. Сен нима дерсан, Нор?

Нор. Мен ҳам кўбни бири, бор десанг борарман.

Давлат. Йўқ, икков бас. Кўрганлар бадгумон бўлмасин. Букунни эртаси бор.

Нор. Бойвачча! Отангиз сандиғининг жойини биларсизми?

Тошмурод. Отамнинг ётатурғон уйинда.

Давлат. Ётатурғон уйни неча эшиги бор?

Тошмурод. Уч.

Давлат. Қайси эшикдан кирарсизлар?

Тошмурод. Эшикнинг бири онамнинг уйиндан очилур, мен кириб ҳовли тарафидаги эшикни очарман, сўнгра Тангрикул акам кирар.

Давлат. Баракаллоҳ! Илгари ҳам ўғирлик қилганга ўхшайсиз. Нор! Тўлдур ичайлик (Нор тўлдирар, ичарлар). (Тангрикул ва Тошмуродга қараб). Энди борадургансизлар?

Тангрикул. Албатта. Бормай нима бўлубдур. (Давлат тўппончасини бойваччага берар. Нор этик соқидан пичокни олиб Тангрикулга берар. Алар эҳтиёт қилиб турарлар).

Давлат (иккисига қараб). Йўл бўлсин ботирлар!

Тангрикул. Олгани (Давлат Тангрикулни бир четга олиб ишорат ва хуфия маълумот ва амр берар).

Нор. Омин оллоҳ! (ҳаммаси) Оллоҳу акбар! (Давлат фотиҳа берар.)

(Парда инар)

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

{Одат бўйича бой ётар кроват устига уйқуда, уйни бир тарафига сандуқ. Тошмурод бир эшикдан оҳисталик ила кирар, бу тараф у тарафга қараб бошқа бир эшикни очар ва бир четга турар. Тангрикул кирар, қўлига калид ва темир асбоб, белига пичоқ, сандиқ тарафига бориб калид солар, сандиқ очилмас. Тошмуродга қарайдур. Ишорат ила маслаҳат сўрайдур. Тошмурод сандуқни темир асбоб ила синдирмоққа амр берар. Тангрикул темир асбоб ила сандуқни синдирар. Сандуқни овози ила бой уйғонур. Бой чўчиб турар, калтакни олиб вой, вой деб Тангрикулга югурар. Тошмурод калтакни келиб ушлар. Тангрикул пичоқ ила бойни қўлтиғига урар}.

Бой (тарақлаб йиқилар). Воҳ жоним! (Жон узар, типирлар, хириллар).

Тангрикул сандуқдан танга халтасини кўтарар, пичоқ ва темир асбобни ўзига берки-тар, ташқаридан бир неча одам товуши эшитилур.

Одамлар. Нима гап, биров дод деди! (Бир неча эркак ила бой хотуни кирарлар, Тангрикул ила Тошмуродни кўрарлар.)

Тангрикул. Тошмурод, от! (Тошмурод ҳавога тўппонча отар, қочарлар ва ҳозир кишиларга силоҳ кўрсатиб).

Бойвучча. Вой золим дастидан, бу қандай кун эди, вой дод! (чапак чалар, бой устига ўзини ташлар, юз ва сочини юлар.) Ҳе жувонмарг Тошмурод! Қон қус. Кошки чечакда кетсайдинг. Вой падаркуш Тошмурод! Вой додей!

Домулла (кирар). Онажон, сизга сабрдан бошқа чора йўқ. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб, жаҳолат ва нодонликдир, бемаънилик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Сизни беилмлик хонавайрон қилди. Ўғлингизни беилмлик Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айри-тадур. Болангизни отаси тарбия этмади, ўқитмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар йўлдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат бўлдингиз.

Бойвучча (тўлғаниб). Ой, вой-вой болам. Вой бойим, оҳ, вой у у у.

Домулла. Бойингиз-да насиҳатга қулоқ солмади ва охири ушбу ёмон ҳодиса пайдо бўлди. Энди сизга очиги сабрдан бошқа илож йўқдир, онажон! Оллоҳ сизга сабр берсун.

Бойвучча (камоли бетоқатлик илан оҳ вовойла этар). Дод, вой болам, вой бойим, иккисидан ҳам айрилдим, эримни мозорга, боламни Сибирга юборарлар. Вой, вой, вой у у у!

(Парда инар)

(Иккинчининг айни, майхона)

Нор, Давлат ичиб, ашула айтиб ўлтирар. Тангрикул ва Тошмурод писиб бориб кирад, тўппонча ва қонлик пичоқни бир четга яширар, ҳаммёни чиқариб стол устига отар ўлтирарлар).

Тангрикул. Чилим келтур ай!

Артун чилим келтурар, чекарлар, Артун кетар. Тангрикул Давлатни бир тарафга олиб хуфия бўлган ишларни сўйлар, ишоратлар қилар. Давлат «бечора» деб хуфия сўйлаб ишорат ила хотиржам қилдиар.

Тангрикул (ҳамёни очиб кўриб суюнар. Тангрикул ва Тошмуродни елкасига қоқар). Баракалла, баракалла.

Давлат занг чалар. Артун кирад.

Артун. На буюрарсиз?

Давлат. Ма пулни ол. Тезлик илан Лизани келтур.

Артун. Бош устина. Ҳозир келур (пулни олар, ичарлар).

Лиза кирад.

Лиза. Добрый вечрим (ҳаммасила кўришар).

Давлат. Исприздим, испасибо прикл.

Лиза. Мерси (ўлтирар).

Давлат. Суз, Лизанинг саломатлигига.

Нор (сузар, чўқинтириб). Лизанинг саломатлигига ура, ура! (ичарлар).

Давлат, Нор ашула ўқур, ташқаридан ҳўштак сёдоси келар, оёқ товушлари эшитилар. Мажлисдагилар саросима, ҳайрон бўлар. Силоҳлик полицейскилар, пристуф, қоровуллар бостириб кирадлар.

Лиза қоқар.

Полиция (тўрт нафарни ушлар, баъзиси буюмларини ва ҳар тарафни ахтарур, қонлик пичоқ ва тўппончани топар. Тўппончани пристуфга топширар. Искар кўрар, ўқни бўшатар).

Тангрикул ва Тошмурод. (Қочар, қоровуллар ушлар).

Тошмурод. (Йиғлар, хўнгир-хўнгир, бетоқат бўлур).

Пристуф (ишорат қилур. Қўлкишанни келтириб Тангрикул ва Тошмуродга урарлар. Бошқа иккисининг қўли боғланур).

Пристуф. (Гуноҳкор ва қоровулларни саф қилдиур).

Зиёли (кирад. Гуноҳкорларга қараб афсус қилур. Одамларга қараб). Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун беғайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибирь ва бандга ва қиёматга жаҳаннамга қолмас эди. Агарда булар ичкилик ичмаса эди, дунё ва охирадда ила ал-абад азоб ва меҳнатда қолмас эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмлиқдир. Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдир; беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликни меваси ва натижасидир. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганларда беилмлиқдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқитмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳўкмфармо бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқдур. Оллоҳу таоло бошқаларга ҳашми ибрат ва сизларга сабр бергай.

Пристуф (амирона). Ҳайда, турма, марш (йўналадур).

(Парда инар)

Садриддин Айний

Бехбудий руҳина иттиҳоб

Сени мундан буён, Турон, кўролурму, кўролмасму?

Сенинг маслагингни Туркистон, тополурму, тополмасму?

Санинг тарихи давронинг, санинг осори урфонинг,

Санинг номинг, санинг шонинг, жаҳон қолдиқча қолмасму?

Ватан авлоди ёд этди, сени ҳўрматда шод этди,

Ва лекин интиқомингни ололурму? Ололмасму?

Жаҳонда зулмдор зоҳир, жаҳон хунхўр, жаҳон жобир,

Жаҳондин бир замон охир, ситамгарлик йўқолмасму?..

1920 йил, апрель

БЕҲБУДИЙ

(Беҳбудий ўлдирилганлигига 7 йил тўлиши муносабати билан)

Туркистоннинг узоқ мозийси қанча порлоқ кўринса ҳам унинг XVIII асрдан кейинги маданий ва иқтисодий ҳаёти турғунликка учраб, тубанлашиб кетди. Бу даврда илм ўрнини хурофот, адолатни зулм, тараққийни таназул эгаллади. Урта Осиёдаги бу ҳолни кўриб турган ва ўзининг молига янги бозор қидириб юрган Россия чорлиги бу вақтдан фойдаланишга киришди ҳамда жуда энгилик билан бутун Урта Осиё ўлкасини қўлга киритди. Шу вақтда Россияда савдо ва саноат сармоёси (капитали)нинг юксалган даври бўлганликдан Урта Осиёга тезликда темир йўллар солинди. Россия капиталистлари ва рус маъмуллари бирликда маҳаллий «вахший» халқларни ҳар ёқдан эза бошлади. Маҳаллий халқда ҳали савдо сармоёсининг вужудга келиши, ишчи-деҳқоннинг иқтисодий ва ижтимоий тарафдан сиқилиши «вахший» халқлар онгида ҳам инқилоб ясади. Шунинг натижасида Туркистоннинг ҳар тарафида Чор сийёсатига қарши исёнлар кўтарилган бошлади. Масалан, 1893 йили Тошкентдаги «тошотар» воқеаси, 1898 йили Андижондаги «Дукчи эшон воқеаси» шулар жумласидандир. Мана бу ҳаракат XX аср бошидан жиддий бир шакл олиб, муайян бир қолипга туша бошлади. Агар бу ҳаракатга синфий ёки ижтимоий тарафдан қарасак, маҳаллий буржуазиянинг жонли тус олиб, тажассум этилишининг биринчи кўриниши эди. Бу давр (уйғониш даври), дарабейлик (феодализм)нинг эски одатларини бир қатор тузатди, илмга, маданиятга бирмунча йўл ҳозирлади. Маориф масалаларини замон тақозосига кўра ислоҳ этди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шу давр кишиси. Аммо Беҳбудий на социалист ва на коммунист. Унинг дунёқараши кадетларга яқин эди. Унинг қиммати тарихнинг маълум бир босқичида ва тарихий ривожланишида қилган хизматлари учундир. Беҳбудийнинг хизмати французларнинг Жан Жак Руссолари, русларнинг Ломоносов, Чернишевский, ва Добролюбовлари, Кавказ туркларининг Фатҳали Охундов ва Нажафбек Вазировлари, татарларнинг Ш. Маржоний ва Қ. Носирийси ила бирдир. Ўзбек миллий адабиёти ҳам Беҳбудий ила бошланиб, янги бир йўлга кира бошлади. Беҳбудий энг аввал Туркистонни чор ҳукумати қўлидан қутқазиб ғоясини элга талқин қилувчилардан, ақолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила халқни истиқбол кўрашига чақирганлардандир. Туркистоннинг¹ уйғониш даврини уч қисмга — маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларининг бошида Беҳбудий турганлигини кўраемиз.

Жуғрофия илмини халқ тузуқкина эшитмаган чоқларида у ўзининг «Жуғрофия» асари, фарзандини рус мактабига бериш, театр қўйиш каби ишлари билан мутаассиб руҳонийлар ва онгсиз халқнинг ҳақоратларига учради. Лекин Беҳбудий бундай оғирликларга қарамасдан, майдонга отилиб чиқди ва биринчи бўлиб театр асарини ёзиб, сахнага қўйди, бу театрға раҳбарликни ҳам ўзи қилди.


У рус тилини ўқиб, ҳамма туркистонликларнинг, бухороликларнинг рус тилини билишлари учун улзуксиз матбуотда тарғибот олиб борди. Маҳаллий халқдан биринчи бўлиб харита тузган, ўз уйда кутубхона очган, тарихга, иншога, ислом ҳуқуқига оид асарлар, ўқув китоблари, сахна асари ёзган Беҳбудий бўлган. Янги усулда мактаб очиб ташаббускори, журнал чиқарган, «жамияти хайрия»га ўхшаш жамият тузиш, ўзбек тилини ва имлосини ислоҳ қилиш ҳақида энг аввал бошлаб кўп ёзган ҳам Беҳбудий бўлди. Унинг энг ёмон кўргани истибдод ҳукумати эди. Аммо Россия билан дўст бўлиб яшаш, рус маданиятидан баҳраманд бўлиш фикрини олға сурди. У ҳар вақт ўз мақолаларида чор ҳукуматини танқид қилар, баъзан очик, баъзан яширин ташвиқотлар қилар ва айни замонда Бухоро амирлигига ҳам ҳужум қилар эди. Беҳбудий иродасининг кучлилиги, зиёлилар ва халқ оммаси билан муомаладаги фавқулодда усталлиги, диалектиклиги, назарийчилиги ила баробар амалиётчилиги, ҳар нарсани ҳаётдан олишлиги ва иқтисодийга аҳамият бериши ила ва замондошларидан айрилиб, ўзига хос бир ўрин олади. Беҳбудий Туркистоннинг эски мадрасасидан чиққан бир шахс бўлгани ҳолда ғарб дорилфунунларини битирганларнинг қилмаган хизматларини бажариб кетди. Мана шу муҳтарам сиймонинг кўзимиздан ғойиб бўлиб, Бухоро амирининг қўлида фожиали суратда ўлдирилишига 7 йил тўлиб келаётир. Шу вақтгача Беҳбудийга бағишлаб ёзилган мақолалардан ва икки-уч марта қўйилган театрлардан бошқа ҳеч бир иш қилинмади. Бу биз учун тарихий бир доғдир.

Бизнинг унга ихтиромимиз маълум бир даврда Беҳбудий ўзининг тарихий вазифасини ўтагани учундир. Бугун Лондонда Умар Хайём номида клублар бор. Алишер Навоийнинг адабий ва сиёсий фаолиятига 500 йил тўлиши муносабати ила французлар байрам қилиб, Навоийнинг серқирра фаолиятлари ҳақида мақолалар ёзаётирлар. Кўп узоққа бормасдан татар қардошларимизга бир назар солсак, Маржоний ва Носирий каби халққа хизмат қилган адабиёт ва маданият раҳбарлари учун бир неча юз саҳифалик асарлар нашр этганликларини кўраемиз². Албатта, бу асарларнинг тарихий аҳамияти буюқдир. Бизлар 7 йил жим турдик. Бу ҳақида сира тебранмадик. Етар! Энди унинг номи ни абдийлаштириш учун ҳеч бўлмаса, унинг номига мактаблар солиш, олий ўқув юртлари ҳузурида талабалар учун фонд ташкил этиш, босилмаган асарларини, таржималар ҳолини нашр этиш, муҳим асарларини тўплаб бостиришга ҳам вақт етгандир. Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа учинчи бир илм ва маданият арбобига ҳайкал қўйиладиган бўлса, шубҳасиз, у Беҳбудийнинг ҳайкали бўлғусидир. Унинг асарини бостиришда яқин мозийдаги тарихий инкишофимизни билиш учун биргина Беҳбудий эмас, беҳбудийларнинг хизматлари ва уларнинг мавқелари ила танишишимизнинг ҳозирдаги ва келгусидаги аҳамиятини эсдан чиқармаслик керак.

«Маориф ва ўқитувчи» журналы, 2-сон, 1926 йил.

¹ Беҳбудийнинг хизмати Туркистон миқёсида бўлганликдан Ўзбекистон номи ўрнига Туркистон деб олинди. — Л. А.

² Шу кунларда Қаюм Носирийга бағишланган яна бир китоб ёзилганлиги Татаристон матбуотида ёзилди. — С. А.



Аҳмад Яссавий

Ҳикматлар

РЕДАКЦИЯДАН:

Бугунги қайта қуриш
замонида тарихий меросимизга
муносабат ўзгарди. Асрлар
давомида тилдан-тилга ўтиб
келган Аҳмад Яссавий
ҳикматларига бир ёқлама
диний-мистик асарлар деб
қараш ҳам тўғри эмаслиги,
ниҳоят аён бўлди. Шоир
ўз асарларида адолат ва
инсофни тараннум этади,
инсонни маънавий покликка
чорлайди. Улар бундан
қарийб минг йил аввал
яратилганини назарда
тутсак, маънавий мерос
сифатида қиммати
борлигини яна бир марта
тушуниш қийин эмас.

*Сўзни айтдим ҳар ким бўлса дийдор талаб,
Жонни жонга пайванд қилиб рангни улаб,
Ғариб, фақир етимларни кўнглин овлаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдан қочдим мано.*

*Оқил эрсанг ғарибларни кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб етим ковла.
Дунёпараст ножинслардин бўюн товла,
Бўюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.*

*Нафсим мени йўлдин уриб хор айлади,
Термултириб халойиққа зор айлади.
Зикр айттирмай шайтон бирла ёр айлади,
«Ҳозир сан!» деб нафс бошини янчдим мано.*

*Худовандо, мени солғил ўз йўлингго,
Нафс илгида хароб, адо бўлдум мано.
Фисқу фужур тўлиб-тошиб, ҳаддин ошти,
Ғарқоб бўлиб исён ичра қолдим мано.*

*Кўнгул кўзин ёритмайин тоат қилса,
Даргоҳиға мақбул эмас, билдим мано.
Ҳақиқатдин бу сўзларни пок ўрганиб,
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.*

*Ишқ балоси бошга тушса нодон қилур,
Ақлинг олиб, беҳуш қилиб, ҳайрон қилур,
Кўнгул кўзи очилгон сўнг гирён қилур,
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.*

*Ҳақ зикрини мағзи жондин чиқармасанг,
Уч юз олтмиш томирларинг тебратмасанг,
Тўрт юз қирқ тўрт сўнгакларинг кул қилмасанг,
Елгончидир, Ҳаққа ошиб бўлғони йўқ.*

*Ишққа тушдинг ўтга тушдинг, куйиб ўлдинг,
Парвонадек жондан кечиб аҳгар бўлдинг,
Дардга тўлдинг, ғамга тўлдинг, телба бўлдинг,
Ишқ дардини сўрсанг ҳаргиз дармони йўқ.*

*Ишқ савдоси кимга тушса расво қилур,
Партав солиб Ҳақ ўзиға шайдо қилур,
Мажнун сифат ақлин олиб Лайло қилур,
Оллоҳ ҳаққи бу сўзларни ёлғони йўқ.*

*Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлғил,
Меҳнат тортиб ишқ йўлида содиқ бўлғил.
Нафсни тепиб даргоҳиға лойиқ бўлғил,
Ишқсизларни ҳам жони йўқ, имони йўқ.*

Дардсиз одам одам эрмас, муни анланг,
Ишқсиз одам ҳайвон жинси, муни тингланг,
Кўнглингизда ишқ бўлмаса манга йиғланг,
Гирёнларга хос ишқимни ато қилдим.

Гуноҳингга тавба қилиб йиғлаб юрғил,
Кетарман деб йўл бошига бориб турғил,
Дунё ташлаб охиратни савдо қилғил,
Ибрат олсанг ётмиш еринг бўлур гулзор.

Ошиқликни даъво қилиб юролмадим,
Нафсдан кечиб мен амрини қилолмадим,
Нодонликда Ҳақ амрини билолмадим,
Ҳар не қилсанг ошиқ қилғил, парвардигор.

Қул Ҳожа Аҳмад, ишқдин қаттиқ бало бўлмас,
Марҳам сўра, ишқ дардига даво бўлмас,
Кўз ёшидан ўзга ҳеч ким гувоҳ бўлмас,
Ҳар не қилсанг ошиқ қилғил, парвардигор.

Раҳмон эгам соқий бўлиб май ичурса,
Аҳлу аёл хонумондин пок кечурса,
Вужудимдин азозилни Ҳақ қочирса,
Журму исён гириҳларин очар, дўстлар.

Мен айтмадим, оллоҳ ўзи ваъда қилди,
Йўлсиз эдим лутф айлабон йўлга солди.
Ғариб бўлиб нола қилдим, қўлум олди,
Андоқ ошиқ шавқ шаробин ичар, дўстлар.

Дунёдорлар молин кўруб ҳаво қилур,
Манманликдин ул даъвоий худо қилур,
Улар вақтда имонидин жудо қилур,
Жон берурда ҳасрат бирлан кетар, дўстлар.

«ОШИҚЛАРНИНГ КЎЗ ЁШИДУР БОҒУ БЎСТОН...»

Нақл қилинишича, ўз замонасининг бузруквори Сирожиддин Қазвиний билан Мавлоно Жалолиддин Румийнинг муносабатлари унча яхши бўлмаган эмиш. Жалолиддин Румий бир куни Қазвинийнинг қошида, «Мен етмиш уч мазҳаб била бирдурмен», деган гапни айтибди. Қазвинийда шу ақидаси учун шоирни ранжитиб, беҳурмат қилиш ғарази туғилибди. Кейин ўз яқинларидан бир кишига: «Жамоат ўртасида Мавлонодан сўрагилки, сен мундоқ дебсен? Агар иқрор қилса, сафоҳат қил ва оғзингдан келгунча сўк ва ранжида қил!» — деб буйруқ берибди. У киши топшириқни бажариб шоирни жамоат орасида саволага тутибди. Румий нима деган бўлса «Айтибмен!» дея жавоб қайтарибди. Келишувга мувофиқ ҳалиги кимса Жалолиддин Румийни ҳақорат қилиб, сўка кетибди. Шунда шоир табассум ила «Булар била ҳам бирмен», деган экан.

Мир Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат»ида ифодаланган бу ҳикоятда ҳақиқий тасаввуфчи характери учун хос саналган уч хусусият таъкидланган. Биринчиси, тор тушунчали ноҳақ кимсалар ранжитганда — ранжимаслик. Иккинчиси, бировни ранжитиш жоиз бўлганда ҳам унга озор етказмаслик. Учинчиси, ва энг муҳими, бошқа дин ёки ўзга мазҳабдаги одамларни асоссиз камситмаслик. Мутасаввуф шахс кофирга кофир деб қарашни мумкин. Лекин уни таҳқирлаш ва айблани унинг имон-эътиқодига зиддир. Шарқ тасаввуф таълимотининг умуминсоний меҳру шафқатни ёқлайдиган жиҳатларидан бири мана шудир. Шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий бир ҳикматида:

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли каттиқ дилозордан худо безор,

деб айтган эди.

Аҳмад Яссавий классик адабиётимизнинг буюк вакили. Туркий тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва кейинги тараққиёт йўллари бевосита Аҳмад Яссавийнинг диний-фалсафий, руҳий-ахлоқий қарашлари ҳамда шеърий ижодиёти билан боғлиқдир. Унинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Лекин илмий адабиётларда вафоти 1166—1167 йиллар деб белгиланган.

Тасаввуфнинг руҳи — исломий руҳ. Тасаввуф бошқа дин ва фалсафаларда илғор ғоя, Руҳ камолоти учун кенг йўл очадиган нурли ва мусаффо моҳиятларни ўзида мужассамлаштиргандир. Нодонлик, қабоҳат, ёвузлик бутун илдизи билан одамнинг онгида қуриб битиши керак. Ана ўшанда ҳеч қандай ғайри инсоний майл ва иллатлар одамлар аро муомала-муносабат-

Во дариго, армон бирла умрим кечди,
Нафсим мени тугён қилиб ҳаддин ошди,
Жоним қуши парвоз қилса руҳим қочди,
Ғофил юрган умрин елга сотар, дўстлар.



Тун саҳарлар Ҳақ уйғотиб қон йиғлатар,
Бедор қилиб ўз ишқиға дил боғлатар,
Давоси йўқ дардни бериб зор ингратар,
Мунда йиғлаб анда борса хандон қилур.

Ҳеч билдингму одам ўлмай қолғонини,
Бу дунёни вафосини билғонини,
Дунёталаб бўйи худо олғонини,
Оллоҳ десанг кўз ёшингни борон қилур.

Ошиқлари Ҳаққа боқиб наъра тортар,
Муҳаббатни дарёсиға чўмиб ботар,
Гавҳар олиб маъшуқига зорин айтар,
Қатра ёши ерга томса уммон қилур.

Ўтга солса ўтдин ёнмас ошиқ киши,
Еру кўкни бўстон қилғай оққан ёши,
Оллоҳ деса бешак ёрур ичу таши,
Куймак-ёнмак ошиқларға бози бўлғай.

Муҳаббатсиз халойиқдин ҳар ким қочса,
Орифларнинг суҳбатида жавлон қилур.
Ўртаб, куйиб ишқ йўлида ёшин сочса,
Субҳон эгам арш устида меҳмон қилур.

Зокир бўлиб зикрин айтса келгай нидо,
Шайтон лаин етмиш фарсанг бўлғай жудо,
Дарди бўлса Ҳақ дардиға бергай даво,
Андоқ қулни ўзи излаб жонон қилур.

ларда кўкариб турмайди. Бунинг улуг чораси — илоҳий ишқ. Ҳақ ишқида ҳатто дўстидан ажралган киши ҳам ҳеч нима йўқотмайди. Балки юксак эҳтиросдан маҳрум ожиз дўстдан кўра ишончли ва қудратли ДУСТга қалбан қаттироқ боғланади. Ва бундай дил ғафлат, ноқисликлардан поклана боради. Бу тушунчалар эса ҳар бир сўфий шоирнинг матлаби. «Эътиқодингни кундалик турмуш ташвишларидан баланд қўй, лаҳзалик ёки ўткинчи лаззату фароғатларга илоҳий ҳиссиётларингни қурбон этма!», — дейди сўфий шоир. Худога муҳаббат, охирги нафасгача шу муҳаббат дарди билан яшаш, тавбаю тазарру, сабру тоқат ва маънавий шижоат, ёлғизликдаги хаёл ва тасаввур камолоти, тўғрилиқ ва самимият, нафсан ғолиблик, фақру фано — булар тасаввуфдаги бош масала ҳамда талаблардир. Аҳмад Яссавий ҳикматларини мавзу мундарижаси айна шу ғоя ва масалалар талқинидан таркиб топгандир. Улардаги мистик йўналиш ўзига хос бўлиб, у ўша давр одамларининг Имон эҳтиёжи ва орифона мушоҳадалари билан тўла уйғун шаклга эга. Бунга атрофлича билиш учун тасаввуфдаги бошқа тариқатлар қатори яссавийлик мазҳабининг ҳам пайдо бўлиш тарихи, ғоявий, ахлоқий, фалсафий шартлари, комил Инсонни вояга етказишдан кўзда тутилган идеал мақсадларини тўғри ва холис англамоқ шарт. Акс ҳолда Яссавийдай буюк бир сиймони «реакцион шайх», унинг асарларидан келиб чиқадиган хулосаларни «ниҳоятда реакцион» деб баҳолаган сохта олимлар тўққан ёлғонлардан йироқлашиш мушкулдир.

Аҳмад Яссавийда шундай байт бор:

Ошиқларнинг кўз ёшидур боғу бўстон,
Булбуллари сайрар анда ҳазор достон.

Аҳмад Яссавийнинг шеърятини Ҳақ ишқида ёнган, кўнгли Азобга тўла, азобларида Ўзлигига қайтгувчи, ўзлигига қайтган сайин нуқсонсиз ва олий маъжудликка интиладиган чинакам ошиқларнинг кўз ёшларидан яралган боғу бўстондир. Мен уни муҳаббат ва маърифат бўстони деб атагим келади. Унда фақат кўнгул булбулларигина эмас, Руҳ қуши «ҳазор достон» мазмунларига тенг оҳангларда хонини қилгандир. Азиз журналхон, «Девони ҳикмат»дан эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги ҳикматларни ўқиб, ўйлаймизки, Сиз ҳам ушбу ҳақиқатга бир қадар ишонч ҳосил қиласиз.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари кандидати

Хаққа ошиқ бўлгон қуллар дойим бедор,
Ризвон эмас, мақсадлари эрур дийдор,
Ахлу аёл хонумондин бўлур безор,
Исмойилдек азиз жонин қурбон қилур.

Жонинг қийнаб, заққум чайнаб, ошиқ бўлғил,
Ёшинг тўкиб, кўзинг сувлаб, содиқ бўлғил,
Андин кейин даргоҳига лойиқ бўлғил,
Жонинг берсанг раҳм айласа жонон қилур.

Шайх мен тейу бош кўтарган хаққа рақиб,
Манлик қилиб субҳонига бўлмас ҳабиб,
Бедор бўлуб дардсизларга бўлмас табиб,
Бу дўнени мўминларга зиндон қилур.

Эй мўминлар, тоат қилиб тайанмангиз,
Амонатдур азиз жонга инонмангиз,
Ҳаром-ҳариш йиғиш молга қувонмангиз,
Молларини карши отлиғ йилон қилур.

Бу дунёга бино қўйгон Қорун қани,
Даъво қилгон Фиръавн била Хоман қани,
Вомиқ Узро, Фарҳод Ширин, Мажнун қани?
Қаҳр айласа бир лаҳзада яксон қилур.

Ошиқ бўлсанг ишқ йўлида фано бўлғил,
Дийдор излаб ҳасратида адо бўлғил,
Марҳам бўлуб чин дардликка даво бўлғил,
Хулқи ҳушни жон олурда осон қилур.

Ошиқларга берди ишқин куйдурғали,
Зулайҳодек қаддин дуто қилдурғали,
Риёзатда рангу рўйин сўлдурғали,
Чин ошиқни рағзи рўйин сөмон қилур.

Ошиқлари Ҳақ қаҳридин қўрқиб титрар,
Еру кўкда малойиклар йиғлаб турар,
Гоҳи қизил, гоҳи сариғ бўлуб юрар,
Нола айлаб еру кўкни ларзон қилур.

Қайда сен деб, қайда сен деб ошиқ айтур,
Ошиқларга ҳад не бўлғай маъшуқ айтур,
Оғзи айтмас, тили айтмас, дили айтур,
Уч юз олтмиш томирлари ларзон қилур.

Ошиқларни қиёмат кун ҳолин сўргай,
Чин ошиқни кўксин ёриб доғин кўргай,
Пок оғзидин оҳи тошиб югриб юргай,
Кимга берса пок ишқини ҳайрон қилур.

Ошиқларни талаблари жоми шароб,
Маъшуқига етмак учун бағри кабоб,
Руҳларини физосидур чангу рубоб,
Оҳи чекса етти иқлим вайрон қилур.

Қудрат бирла ҳар не келса эрклик ўзи,
Қудратидин маълум турур қиш ва ёзи,
Эй ноинсоф, оллоҳ била қилма бози,
Қаҳҳор эгам жонлиғларни бежон қилур.

Йиғламакни ҳар одамга берган қани,
Йиғламағлиг осон эмас, бағир қани,
Кўз ёшингни риё қилма Ҳақни тани,
Ҳақ таолло суйганларни гирён қилур.

Ошиқ бўлсанг ёлғон даъво қилма зинҳор,
Ёлғон даъво қилгонлардин худо безор.

Қаҳҳор эгам қаҳр айласа оти қаҳҳор,
Қиёмат кун юзи қаро қуяр эрмиш.

Муҳаббатдин хабар билган ўзни билмас,
Боши кетса то ёри йўқ жонни билмас,
Ишқ каломи завқ таоми нонни билмас,
Ху-ху тейу зикрин айтиб юрар эрмиш.


Ошиқларни кўзи гирён, бағри гирён,
Парвоси йўқ, номуси йўқ, юрар урён,
Эл кўзида туфроқдин кам сирри пинҳон,
Жони бирла ёдин айтиб юрар эрмиш.

Тўғри юрган ошиқлардин худо рози,
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози,
Ёлғончилар ошиқмен дер оллоҳ қози,
Имонини пучак пулга сотар эрмиш.

Қул Хожа Аҳмад ошиқ бўлсанг жондин кечғил,
Андин сўнгра шавқ шаробин тўя ичғил,
Гуноҳингни сабук қилиб мунда очғил,
Сабук қилғон учмоҳ ичра кирор эрмиш.

* * *

Бешак билинг, бу дунё борча элдин ўтаро,
Инонмағил молингага бир кун қўлдин кетаро.
Ота-она, қариндош, қаён кетти, фикр қил,
Тўрт аёғлиқ чўбин от бир кун санга етаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Аҳли аёл қариндош, ҳеч ким бўлмайду йўлдош,
Мардона бўл ғариб бош, умринг елдек ўтаро.
Қул Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билмом неча йил,
Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро.



Аҳмаджон Луқмонов

«ҚИСМАТДА БЎЛСА НАЙЛАЙИН...»

Тақдирин қўл билан яратур одам,
гойибдан келажак бахт, бу — афсона.
Ф. ҒУЛОМ

1. ТАЛВАСА

— Хайриддин, қайдан ҳам йўлиқдинг?! Анжон тугул, қишлоғимгача — Чилвир-сочимгача билар экансан. Ишонгим келмайди-ю, айнан ҳақиқатни айтиб турибсан. Ё ал-ҳазар, олдинроқ қайда эдинг?! Белимда қувват, кўзимда нур борлигида, ўйламай сўзлайдиган вақтларимда қайда эдинг?! Ана ўшанда сен билан хўп гаплашган бўлардим. Энди мен қуриган дарахтман. Сен эса юрт ҳақида сўйлаб, қийналган жонимни баттарроқ азобляпсан...

Ҳар гал шаҳар айлангани хотининг билан етаклашиб чиққанингда касалхонанинг ишқирт кирхонаси деразасидан сени кузатаман. Узоқроқ кўринмай кетсанг, йўлларингга мўлтиллаб кўз тикаман. Сен қаддингни тик тутиб борасан. Ёнингдаги жуфти ҳалолнинг атлас кўйлагига, Чилвирсочимнинг лой томларида эрта баҳорда ўсган лолақизғалдоқдек, Яман қуёшида ял-ял ёнади. Наҳотки мен ҳам шундай ҳаётга ҳақли эмасман?! Менинг фарзандларим ҳам сендек яшаб юрармиди?! Оҳ, шўрпешона манглайимга қанча шапатилмай, ҳаёт ўзгармайди.

Сенинг келишингни эшитиб, олдинга ошиқдим, кутдим, севиндим, ўз-ўзим билан сўзлашиб гоҳо йиғлаб ҳам олдим. Энди бўлса сендан қочаман. Узоқдан қорангни кўриб яширинаман. Чунки сенинг сўровларинг жонимни қийнаб ташлади. «Бу ерга қандай келиб қолгансиз?», «Нега энди Бухорий бўлиб олдингиз?..» Шундоқ бўлса ҳам ортингдан қолмайман, соядек эргашаман сенга. Сен мени оҳанрабодек тортасан ўзингга, Хайриддин! Ахир, ватангадолик!.. Йўқ, сен буни тушунмайсан, ўз уйингдасан...

2. МАКТУБЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

Биринчи хат мазмуни

Менинг акам Каримов Султонбой Андижон яқинидаги Чилвирсоч қишлоғидан 1935 йилда ўн-ўн бир ёшдаги Абдулбосит исмли ўғлини олиб, бир кечада ғойиб бўлди. Каримов Султонбойни Совет Иттифоқидан тополмадик.

Иккинчи хат мазмуни

...1973 йили Совет Иттифоқидан Яман Араб Республикасига иш билан борган тожикистонлик бир киши ёнига Абдулбосит исмли одам келиб, ўзини танитади. Асли Ўзбекистоннинг Андижон яқинидаги қишлоғидан эканлиги, ҳозирги кунда Сано шаҳрида чархчилик қилиб кун кечираётганини айтади.

Илтимосимиз шулким, укамиз Султонбоев Абдулбоситни топиб, бизга унинг аниқ адресини юборсангиз...

Жавоб хатининг мазмуни

Сизнинг кетма-кет юборган хатларингизни олдик. Унда ватандошимиз Абдулбосит Ал-Бухорий ҳақидаги хабарни ўқиб, кўп хурсанд бўлдик.

Биз укангизга жамиятимиз вазифаларини баён қилиб, мактуб битган эдик. Лекин ҳанузгача жавоб олмадик. Хатимиз етиб бормаганмикин ёки укангиз биз билан алоқа боғлашдан тортиндимикин?!

Султонбой уйи томон бораркан, умрида илк дафъа ўзини ҳаддан зиёд чарчаган ҳис қилди. У оёқлари чалишиб, зўр-базўр юриб борарди.

3. ЧИЛВИРСОЧДА БАҲОР

1935 йил. Эрта баҳор. Қуёш нуридан эрий бошлаган қор паға-паға буғ шаклида ҳавога кўтарилади. Лўмбиллаган ер ҳайдовга тайёр бўлди. Шу кунларда қишлоқда дув-дув гап тарқади: «Ҳамма артель бўлармиш». Сиркаси сув кўтармайдиган Султонбой ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бугун эрталаб Қоровой у билан суҳбатлашди.

— Энди, ака, биргаликда ишлаймиз, — деди у бурро тил билан. — Сизни жа ортиқ жойингиз ҳам йўқ. Беш-олти таноб зиёд чиқса, артелга берасиз-қўясиз. Локин от-аравага келсак, бир жуфтини ўз ихтиёрингиз билан топширинг. Қолгани ҳам сизга етади. Агар ҳаммасини артелга берсангиз, нур устига нур.

Султонбой ўзини зўрға тутиб турди. Агар хонада Қоровойнинг бир ўзи бўлганида эди, унга кўрсатиб қўярди. Ёнидаги котиб бола қулоқларини динг қилиб қараб тургани учун ғазабини ичига ютди. Терс бурилиб, хонадан чиқиб кетди.

...Нишоной ғазабдан тутуни чиқай деб турган эри олдига дастурхон ёзиб, иккита қайроқи буғдой нон ва шокосада гўжа ош келтирди. Сўнг унга тикилиб қолди.

— Нима жин урди сени?! Нега менга еб қўйгудай қарайсан?!

— Тоғангиз кегандилар, — бир дам сукут қилган Нишоной кўрқув аралаш гапида давом қилди, — Султонбой ҳадеб тажанг бўлавермасин. Машойхлар: «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деганлар. Эрингга шу гапни айтиб қўй», дедилар...

— Ҳе, ўша замонасига!.. — Олдидаги шокосани деворга қараб улоқтирган Султонбой ташқарига отилди. У қаёққа, нима учун кетаётганини билмас эди. Ичкаридан ташқари ҳовлига, ундан боққа чиқди. Икки-уч том бўйи келадиган субхон, қандақ ўриклар орасида уёқдан-буёққа юра бошлади. Оёғидаги «ағдарма» этиги лойдан оғирлашиб тўхтади. Тим қизғиш ўрик новдаларига, бўй етган қиздек тўлишиб қолган куртакларга қараб, чуқур ўйга чўмди: «Наҳотки шуларнинг ҳаммаси қолиб кетса! Буларга ким эгаллик қилади?! Анали қоровойларми?! Йўқ, бир жуфт от-арава билан улардан қутилолмайсан. Бугунги шабада сал бошқачароқ. Олдинги «якка хўжалик» ҳам тугайдиган кўринадилар...»

Султонбой тик туриб толиқди шекилли, ўтган йилги хору хасларни дўнг ерга тўплаб, чопони барини орқасига қайириб ўтирди. Баҳор қуёши заволга кетиб борар, унинг илиқ нурлари борлиқни бир хил иситарди. Енгил эсаётган насим ариқ тозалашга чиққан артелчилардан қай бирининг ширали овозини элас-элас олиб келарди:

**Кўнгил дардига топмай бораман ҳаргиз даво истаб,
Ани умри кироми, ҳасрато, бўлғай адо истаб.**

**Неча бош урдим охир шайхларнинг остониға,
Назар ҳолимга, шояд, айлағайлар деб дуо истаб...**

— Эҳ, сенларнинг кунларинг туғди, — беихтиёр тишларини ғижирлатди Султонбой. Урнидан сакраб турди. Шаҳдам қадамлар билан қўшни маҳалла томон кета бошлади. Қинғир-қийшиқ, тор кўчалардан ўтиб, қия очиқ, ёнғоқдан ясалган икки табақали дарвоза зулфини қоқди. Қўш айвонининг юқори қисмидан бўйинини чўзиб уй соҳибни:

— Келавер, Султонбой, сени кўнглимдан ўтказиб турувдим, — деди қўл бериб сўрашаркан. — Сенга айтмовмидим. Шунақа, биз билганни «пари билмайди».

— Нима қил дейсан? — жаҳл билан сўради Султонбой.

— Ма, олдин бир пиёла чой ич! Айтганимни бажардингми?..

— Ҳа. Бир қисмини сотдим, болаларга емиш учун, уруғликка бир оз қолдирдим.

— Э, тентак! Терингга сомон тиқилай деб турибди-ю, болаларга бало борми?! Халтага жойла, халтага! Болаларни шўролар боқволади.

— Ахир пуштикамаримдан бўлган...

Султонбой сўзини тугатмай, мезбон гапни илиб кетди:

— Эртага сенга ўша пуштикамарингдан бўлган ҳам дов қарайди. Дарёнинг ул бетиди боланг эмас, халтанг кор қилади, халтанг!

— Нима? Кетамиз, демоқчимисан?

— Ҳалиям пишмайсан-да, пишмайсан. Эсинг борида этагингни ёп. Бугун бўлмаса, эртага кеч. Кўрмай ҳам, куймай ҳам ўша ялангоёқларингни!..

— Нега ундай дейсан? Ахир артелда ҳисобчи бўлсанг...

— Ҳе, ишни чуви чиқди. Қоровойларинг бир нарсани ҳидини олган кўринадилар. Эртага мени тафтиш қилармиш, — мезбон мийиғида кулиб, гапида давом қилди. — Ҳаммасини халтага жойлаганман. Омборда оч қолган сичқонлардан бошқа ҳеч вақо йўқ...

— Наҳотки артелнинг уруғлигини...

— Овозингни ўчир! Мендан кейин дунёни сув босмайди. Демак, олдин айтганимдай, кетамиз. Халтанг ёнингдами?!

Султонбой боши билан «йўқ» ишорасини қилди. Шунда мезбон унга тикилганча жиддий, қатъий ҳолда гапира бошлади:

— Бўлмаса, тезда уйингга бориб кел. Шу ердан кетамиз. Эгар-жабдуқ шай. Отнинг пулини кейин берарсан. Айтмоқчи, хотинингга айтиб, ишни пачава қилмагин!..

Султонбой уйи томон бораркан, умрида илк дафъа ўзини ҳаддан зиёд чарчаган ҳис қилди. У оёқлари чалишиб, зўр-базўр юриб борарди.

Уйига ҳам биринчи марта ўғридай кирди. Яшириб қўйган жойидан тилла танга тўла халтасини олиб қўйнига солди. Сўнг хобхонага ўтди. Кундалик юмушдан толиқиб, донг қотиб ухлаётган хотини тепасида тўхтади. Оғироёқ Нишоной оғзи ярим очиқ нафас олар, сутга тўлишган кўкси гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаярди. Онаси пинжига кириб, пишиллаб ухлаётган қизларига кўзи тушган Султонбой бир лаҳза ўйланиб қолди: «Буниси ким экан? Хоҳ қиздур, хоҳ ўғил — бари фарзанд. Сенлардан узоқ бўлиш қисматда борақан. На-чора. Балки омад чопиб, бир кун қайтарман».

Султонбой елкаси оша хона тўридаги ўрнига қаради. Ҳар қанча ўзини босишга ҳаракат қилмасин, бўлмади. Ичини алам ўртаб, шу томон юрди. Доимо овуначоғи бўлган ўғли Абдулбоситнинг ёнига чўккалади. Юз-кўзи, пешоналарини силади. Абдулбосит қўлларини икки томон ёзиб, отасини ачомламоқчи бўлди. Султонбой беихтиёр энгашиди ва ўғлини даст кўтариб, хонадан чиқиб кетди.

4. АБДУЛБОСИТ ҲИКОЯЛАРИ

«АЛВИДО!»

— Эсламай бўладими, айрилиқ дамларини! Ҳаммаси ёдимда қолган. Одатдагидай, дадамнинг ўринларига кириб ётган эдим. Ҳадеганда уйқум келавермади. Орадан қанча вақт ўтди, билмайман, бир пайт эшикда дадам пайдо бўлдилар. Пилиги пасайтирилган хира чироқ нурида девдай бўлиб кўринган дадамнинг ҳаракатларини кузатдим. Бир маҳал дадам мен томон юра бошладилар. Кўзимни чирт юмиб, ўзимни ухлаганга солиб ётдим. Дадам бу гал дарҳол ўринга кириш ўрнига мени ўзгача бир меҳр билан юз-кўзим, бошимни силай бошладилар. Охири чидолмай, дадамнинг бўйнига осилиб, эркаланмоқчи бўлдим. Дадам шу заҳоти мени кўтариб, ҳовли томон юра бошладилар. Орадаги гап қисқа бўлди:

— Дада, қаяққа?

— Кетдик, ўғлим. Мен сенга араб қизини олиб бераман...

Ўша оқшом кўройдинда қинғир-қийшиқ кўчалардан ўтиб, бой-тоғанинг эшигига яқинлашганимизда икки от шай турарди. Менга кўзи тушган бой-тоға дадамга қараб:

— Ҳеч думсиз юрмайсан-да! Ҳа, майли, бир томондан тўғри қилибсан. Хотир-жамроқ бўламыз. Ёш болалилардан шубҳаланишмайди, — деди.

Отларга миниб жўнаганимизда кўнглим алланечук хижил эди. Кун бўйи ўйнаб чарчаганимдан отнинг лўк-лўкига ҳам қарамай, дадамнинг бағрида ухлаб қолибман.

Йўл юрса ҳам мўл юриб деганларидай, кундуз ухлаб, тун олға босиб, бир неча кундан сўнг катта дарё ёқасидан чиқдик. Юзлари сўлишиб бораётган дадамдан қаерга келиб қолганимизни ҳам ботиниб сўролмаيمان, денг. «Араб қизи» узоқда экан-да, деган ўйга бораман.

Қайиқчилар билан ниманидир гаплашгани кетган бой-тоға хурсанд қайтди. Шошиб дадамга тушунтирди:

— Худога шуқр, ишимиз ўнгидан келди. Халтадагидан тезроқ чиқар. Отларни қолдириб кетиш шарти билан арзон-гаровга гаплашдим.

Дадам бир нима демай, қўйнидан чиқарган халтадан бой-тоға қўлига танга тўқди. Сўнг оғзини боғларкан, чўкка тушган ҳолда, намоз ўқиган кишидай, ерга уч марта сажда қилди. Унинг маънос пичирлаётган лабларидан тўкилаётган сўзлардан қулоғимда қолгани шу бўлди:

— Кечир мени она-ер! Алвидо!..

«БУРГА»ГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

— Дарёнинг у тарафига ўтишимиз билан бир неча аскар бизни олдига солиб, унча узоқ бўлмаган уйчага олиб борди. Мен ташқарида қолдим. Сал фурсатдан сўнг, йўл-йўлакай халта оғзини боғлаётган дадам, унинг орқасидан бой-тоға кулишиб чиқишди. Уларнинг кетидан келаётган киши бизнинг тилда:

— Энди Мозорга борасизлар... — деди.

— А, лаббай?! — ҳайрон бўлиб сўради дадам.

— Мозори Шарифга демоқчиман, — аниқлик киритди у киши.

Яна қанча йўл юриб, бир неча қишлоқ ва шаҳарлардан ўтиб, охири Кобил деган жойга келдик. У ерда бизга ўхшаганлар кўп экан. Дадамнинг гапига қараганда, улар эртадан-кечгача ёйма ёйиб, эски-тускиларни сотиш, бир-бирларини алдаш билан овора эканлар.

Бой-тоға кичкина дўконча сотиб олиб, Кобилда қоладиган бўлди. Дадамнинг эса бу ерда қолишга раъйи йўқ. Чунки кейинги пайтларда ҳар гал бой-тоға дадамга халтани эслатганида, ранги ўзгарадиган бўлиб қолди.

Кунлардан бирида бой-тоғанинг дўконидан қайтаётган эдик, ёймачилар орасидан бир киши дадамнинг отини айтиб чақириб қолди.

— Э, Султонбой, сизни бу томонларга қандай шамол учирди?

— Тақсир, қандай шамол бўларди. Тақдир-да, тақдир...

Улар қучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳалиги киши олдидаги бир неча эски китоблардан бирини олиб, ўқий бошлади:

**«Дар тариқи нафъ худ каст нест муҳтожи далил,
Беасо роҳи даҳан маълум бошад кўро!»**

— Яъни, — қироат билан ўқиганларини таржима қилди у киши:

**«Кўр киши асонинг ёрдамисиз ҳам оғзига йўл топгани каби,
Ўз манфаати йўлида ҳеч ким далилга муҳтож эмас.»**

— Сиз билан биз бўлсак, — гапида давом этди янги танишимиз, — чамаси, бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирган кўринамиз. Яъни, камина Бухорои Шарифда ўқиганим учун ғайридинлардан қочган бўлсам, сизнинг бу ерга келишингизнинг боисини тушунолмадим.

Биз билан бу ерга келган бой-тоғанинг номини эшитгач эса тиззасига шапатилаб, ачинган ҳолда аста изоҳ бера бошлади:

— Э, гап буёқда денг. Бойваччага эмас, шайтонваччага учрабсиз-да, шайтонваччага!.. Ҳай, ҳарна бўлса, оллонинг иродасидур. Энди, қандай юмуш билан машғул бўлмоқчисиз?

— Аввало, — оҳиста жавоб қилди дадам, — фурсатдан фойдаланиб, ҳаж қилиш ниятим бор. Эртадан Ҳирот, ундан Машҳад, сўнг Маккаи-мукаррама билан Мадинаи-мунавварага боришга аҳд қилганман. Қани, олло ёр бўлиб, пирлар мадаккор бўлишса, уёғи бир гап бўлар.

* * *

Абдулбосит қўлидаги рўмолча билан юзидаги тарам-тарам ажинлар узра оқиб тушаётган кўзёшларини артаркан, пастки лабини бироз тишлаб туриб, таскин олгандай бўлди. Сўнг ўзига тикилиб ўтирган даврадагиларга қараб, ҳикоясини маҳзун давом эттирди:

— Мана, насиба экан. Яна сизлар билан диллашиб, ҳасратлашиб ўтирибман. Ўз қишлоғим, ўз туғилган уйимда. Тўғриси, аввало, Хайриддиндан қисман ҳадиксирадим. Сўнг қариндош-уруғлар билан икки ўртада хат борди-келдиси бошлангандан кейин, яна менга қайтадан жон ато этилгандай бўлди. Кейин яна Хайриддиннинг олдига бориб маслаҳат сўрайдиган бўлдим. Қаранг, халқимиз: «От ўрнини той босади», деб бежиз айтмас экан. Хайриддин сабаблими, ҳарқалай, ўғлим Анвар Тошкентга бориб ўқийдиган бўлиб қолди. Орадан кўп вақт ўтмай, қариндош-уруғлар билан топишдик.

«ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ...»

— Табиийки, кейинги тақдиримиз сизларни қизиқтирса керак. «Араб қизи»ни қидириб, Машҳаддан жўнаган ҳожилар қофиласи билан Саудийга қараб йўл олдик. У пайтларда «бели бақувват»ларга от-туя, биздақаларга шағу хачир эди. Боболаримиз: «Йўл азоби — гўр азоби», деб бекорга айтишмаган экан. Дўмбоққина бола эдим. Дадам киртайган кўзим, қоп-қарайиб кетган юзимга қараб, бир хил бўлади. Узини-ўзи койий бошлайди. «Бой-тоғанг алдади бизни. Каллаварам бўлмасам, сени қийнаб нима қилардим. Бу дунёю у дунё қарғишга қоладиган бўлдим, ўғлим!»

Дадам бир нимани баҳона қилиб, мендан узоқроққа кетади-да, кўзлари қизарган ҳолда қайтади.

Бу кунлар ҳам ҳолва экан. Ҳаж мавсуми тугаб, ҳамма ҳожилар ўз юртларига қайта бошлаганида биз ғариб аҳволга тушиб қолдик. Ҳарқалай, ҳажга келганлар орасида биз билан, чала-чулпа бўлса-да, гаплашадиган одамлар бор эди. Маҳаллий халқ билан бир-биримизни тушунмаймиз. Бизга ўхшаган келгинди ҳамюртлар турли шаҳарларга тарқаб кетишган. Яхшиямки, туркларнинг тақияси бор экан. Ётди-қўпдимиз ўша ерда бўлди. Оқшомлари дадам тақиядаги бир-икки турк чоллари билан гаплашиб, дардини ёзмақчи бўлар, тилларимиз ўхшашдай кўрингани билан бири боғдан гапирса, иккинчиси тоғдан келарди. Хуллас, дадам минг афсус билан тинмай нола қиларди: «Бу ерларда менга пишириб қўйганмиди?! Ҳар қалай, Шўро тузганлар ўз одамларим эди. Қоровой бошлиқ бўлса, менга нима эди?! Худди ўзга ерда бир нарсани ёўдайтириб қўйгандай, лақиллаб юрибман-а!..»

«Элидан айрилган етти йил йиғлар, еридан айрилган ўлгунча йиғлар», деб бежиз айтмас экан халқимиз. Дадам йиғлай-йиғлай, мен ҳали ўн учга тўлмай, турклар тақиясида бандаликни бажо қилди. Раҳматли касал ҳам бўлмади. Бир кун олдин, сабаби тирикчилик, чархимизни кўтариб кўчама-кўча юрган эдик, араб қизалоқларига дуч келиб қолдик. Дадам шоша-пиша шу кўчадаги боққолдан озгина ҳолва олиб қизларга улашиб берди-да, йиғлаб юборди. Бу гал очикчасига, кўзларидан жаладек ёш тўкиб йиғлади.

Мен ҳам дадамга кўшилиб йиғладим. Араб қизалоқлари ҳайрон. Уша куни такияга эр-тароқ қайтдик. Дадам жойига ёнбошладию, қайта бош кўтармади. Кечаси билан «Нишоной, Марғуба, Марзия», деб алахсираб, аям, опам, синглимнинг номларини айтиб, эрта тонгда жон таслим қилди. Мен турк такиясининг ўғли бўлиб қолдим. Бу юртда ғариблик етмагандай, энди етимлик ҳам бошимга тушди. Ҳар куни эрталаб чархни орқалаб кўчага чиқаман. Дадамдан ўрганган сўзларни такрорлаб, маҳаллама-маҳалла дайдиб, емакка етгулик бир оз чақа топаман. Шундай кезларда менга болаликдан ёд бўлиб кетган алла эсимга келаверарди:

**Бугун бозорга ўхшайди,
Етимнинг жони қақшайди.
Ота-она бағрида-ё, аллаё,
Ором олиб ухла болам, алла.
Отасизлар, онасизлар**

**Деворнинг тагида ўйнар.
Оталиклар, оналиклар
Баланд дор устида ўйнар.
Ота-она бағрида-ё, аллаё,
Ором олиб ухла болам, алла.**

Ич-ичимдан отилиб келган дард, алам томоғимга тошдай қадаларди. Эҳ, буларнинг ҳаммасини сўз билан айтиб адо қилиб бўладими?!

Етимнинг бир тўйгани — чала бойигани, деб юрган кезларим эди. Такиядаги турк чоллардан бирининг Сано шахридаги ўғли келиб қолди. Хушрўйгина, баланд бўйли, бироз салмоқлиб гапирадиган бу киши отаси билан бир нарсалар ҳақида маслаҳатлашди. Сўнг чол мени ёнига чақирди. Ўғлини «Ўзел» деб таништиргач, аввал набираларининг бариси қизлар эканлигидан шикоят қилди. Агар истасам, Санога кетишим мумкинлигини, Ўзел оғага ўғлон бўлажгимни айтди. Рози бўлдим. «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ» дейишади. Балки...

Ўзел оғанинг беш қизи бор экан. У мол келтиради, мен сотаман. Бўйим чўзилиб, мўйлабим сабза уриб қолган кезларда Ўзел оға катта қизини менга никоҳлаб қўйди. Отам раҳматли ваъда қилган араб қизи бўлмаса турк қизи-да, деб қўйдим ўзимча. Энди елкамга рўзгор хуржунни ҳам тушди. Бунинг устига Ўзел оғанинг уйи тор эди. Шаҳарнинг четроғидан ижарага бир хона олишга мажбур бўлдим. Турмуш оғирлиги яна сезила бошлади. Дўкондан келган фойда иккита рўзгорни тебратишга камлик қилиб қолди. Бу орада қайнотам билан пул масаласида бир неча бор «сан-ман»га бориб ҳам қолдик...

«КАМБАҒАЛНИ ТУЯНИНГ УСТИДА ҲАМ...»

Уша пайтларда инглизларнинг ошиғи олчи эканми, Ҳиндистонда ишлатиш учун Арабистондан ишчи ёлларди. Мен ҳам қайнотам ва хотиним билан келишиб, бир гуруҳ араб ёшлари билан Бомбайга жўнадим. Кемада ит азобини бошдан кечириб, Ҳиндистонга етиб келдик. Кўчага чиқсам, одам дегани тумонат! Эс-хушим учди. Иссиқ ўрнимни совутиб бу ерга нега келдим? Ахир бир тирикчилик ўтиб турувди-ку! Ҳартугул, инглизлар иш топиб беришди. Бизга тўланадиган иш ҳақи ҳиндларникининг ярмига ҳам тўғри келмас экан. Начора, кунни кун, тунни тун демай, бир инглиз фермерникида ишлай бошладим. Роса йигит бўлган пайтим, унча-мунча иш чўт эмас. Тўйиб овқат емай, ёлчиб кийим киймай, бир оз пул тўпладим.

Уша йилларда Ҳиндистон ҳам нотинч бўлиб қолди. Ҳиндлар мустақил давлат бўламиз, деб бош кўтарди. Ҳар ер-ҳар ерда одамлар тўпланиб, «Инглизлар! Юртимиздан йўқол!» деган шиорлар билан кўчаларда юра бошлади. Мен хўжалигида ишлаётган инглиз фермер иш ҳақимни тўлиқ бермай, бўшатиб юборди. Қисмат шу экан, деб яна не азобда қийналиб келсам, уйимиз култепага айланган эди. Ҳайратдан жинни бўлаёздим. Томи куйиб, деворлари қорайиб кетган уй олдида қанча ўтирганимни билмайман, бир кампир келиб ўзича қарғанган ҳолда менга тасалли бера бошлади:

— Тўнғиз қўпгур, яхудийлар қилди бу ишни! Йиғлама, ўғлим, олло ғамхўр...

Хотиним, фарзандим илинжида қайнотамникига бордим. Мени кўрган қайнонам уввос солиб йиғлаб юборди, Нима гаплигини билмайман. Ниҳоят, қайнонам бўлган воқеани қисқача айтиб берган эди, ҳушимдан кетаёздим.

Иккинчи жаҳон муҳорабасидан сўнг, яхудийлар кечаси араблар яшайдиган маҳаллага ўт қўйибди. Енғинда кўпгина хотин-халаж, ёш болалар куйиб кетибди. Менинг хотиним ва ўғлим ўша маҳаллада эди. Йиғладим, сиқтадим. Ўз ерини хор қилганнинг куни шу бўлса керак, деб тақдирга тан бердим. Қайнотам Ўзел оға мени юпатган бўлди. Лекин энди у дўконига ишга чақирмади. Отамдан қолган чархни елкамга осиб, яна чарчилик қила бошладим. Шу ҳолда ташландиқ маҳалланинг куйган уйини тикладим. Маҳалла қариялари бош қўшиб, мени бир етим қизга уйлантириб қўйишди. Мана, яратганга шукр, етти ўғил, беш қизим бор.

Кейинроқ бизда жумҳурият¹ бўлди. Чарх кўтариш жонга тегиб, давлат касалхоналаридан бирининг кирхонасига ҳаммол бўлиб ишга кирдим...

¹ Республика. (Яман Араб Республикаси тузилганига ишора).

ЧОЛЛАР ГУРУНГИ

— Бу йилги куз яхши келди-да, — гап бошлади даврадаги чоллардан бири ўртадаги сукунатни бузиб. Ҳали ҳам Абдулбосит ҳикоялари таъсирида лол ўтирган қариялар сал ўзига келиб, қимирлаб қўйишди. Улардан бири оғзини тўлдириб, салмоқлаб суҳбатни давом эттирди:

— Бу дейман, Абдулбоситвой, гапларингизга қараганда мендан ёшроққа ўхшайсиз. Биззи отамиз ҳам бир оз мулкдор эди. Локин қўрқмасдан колхоз бўлдик. Камлик еримиз йўқ. Олдин кўш айвонли бир уй, бир даҳлизимиз бўларди. Ҳозир бизда қўша-қўша ғиштин уйлар. Неваралар истаган жойимга мошинларида обориб қўйишади. Шу, отамиз раҳматли заминдор бўлишларига қарамай, бундай турмушни тушларидаям кўрмаганлар... Мани сизга бир саволим бор. Шунча қийналибсиз. Олдинроқ эл-юртга қайтай дематингизми?

Абдулбосит не деярини билмай, дастурхон попугини ўйнаб, ўйланиб қолди. Сўнг пешонасидан чиқаётган реза-реза терни арта туриб жавоб қилди:

— Энди оллонинг иродаси шу экан. Қисматда бўлса найлаин. Марҳум падаримиз, ҳали айтганим, бой-тоғага алданиб шу йўлга кириб қўйдилар. Менга меҳрлари баланд бўлгани учун бу ерда қолдирилмадилар. Биродар, саволингизга жавоб берадиган бўлсам, гап шундай. Жуда қийналган кунларим юртга қайтсам, қандай бўларкин, деб ўйлаганман. Лекин «маслаҳатли тўй тарқамас» деганларидай, шу фикр билан Саудийга бордим. У ерда анчагина ўзбеклар яшайди. «Кимсан — Султонбойнинг ўғлисан. Бунинг устига-устак, отанг билан юртдан қочгансан. Бу кунларинг ҳолва бўлмасин, Абдулбосит», дейишди. Хом сут эмган банда эканмиз. Мен бир саводсиз одам, уларнинг гапига лаққа тушдим-қўйдим. Ҳатто ўғлим Анвар Тошкентда ўқиб юриб, ёз ойлари таътилга борганида, ичим эзилиб турса ҳам, бу ердаги ўзгаришларни сўрашдан чўчирдим. Шунга қарамай, у Ўзбекистондаги, Советлар Бирлигидаги янгиликлар ҳақида гапирганида юрагимни ҳовучлайман. Чунки ўзимизникилар чатоқ. У ердаги ўзбеклар билдирмай, пай томирингни кесиб қўйишади.

— Бундан чиқди, — гапга аралашди чой қуйиб ўтирган оқсоқол, — ҳали у ерларда «чувварани хом санаб юрганлар» бор экан-да.

— Бор, — дадил жавоб қилди Абдулбосит. — Советлар Бирлигида сал бир ноаниқроқ ўзгариш бўлиб қолса, «ана қулайди, мана қулайди», дейдиганлар топилади.

— Оббо, мозоринг сарсон бўлгурлар-эй, — ғазаб билан носвойни четга туфлаб, гапга қўшилди жиккаккина, чўққи соқол қария. — Узлари кимга орқа қилиб юришибдийкин?!

— Боя айтганимдай, мен бир оми одамман. Улар кимга орқа қилади, кимнинг ноғорасига ўйнайди, мен яхши билмайман, — жавоб берди меҳмон. — Ҳар қалай, эл-юртини соғиниб турадиганларни чўчитиб қўйишган. Начора, «тўқай тўнғизсиз бўлмайди», экан. Шунақа «касал бузоқ»лар бутун подани булғаб юришибди-да.

— Ҳа, баракалла! — гапга қўшилди биринчи савол берган оқсоқол. — Энди, қалай, ўзингиз бу ерга келиб чўчимаяпсизми?


— Эсимни танибманки, — жавоб берди Абдулбосит, — биринчи маротаба очилиб-сочилиб, кулишиб ўтирибман. Яна қанча яшайман, буёғи ёлғиз яратганга аён, бугунги суҳбатимиз қолган умримга татийди. Мен бу ерда нимадан, кимдан чўчийман энди?! Сафарим давомида кўп жойларни кўрдим. Ҳамма тўқ, тинч-осуда яшар экан. Бир кишининг иккинчисидан ками йўқ. Жиянларимникига бордим. Ҳар бирининг алоҳида-алоҳида уйи, ҳовли-жойи бор. Хоҳлаган ишини касб қилиб, фаровон яшар экан.

Буларни кўриб, ўзимнинг лақма эканлигимдан ҳам куламан, ҳам ачинаман. Ачинишим боиси — бошқа юртларда менга ўхшаганлар анчагина борлигидан. Улар ҳам мен каби хижолат бўлмасликларини ўйлайман. Шунинг учун ҳаммага бу борада тавфиқ тилайман...

Чоллар гурунги алламаҳалгача давом этди. Гоҳ униси, гоҳ буниси турфа хил гаплар топиб, чақчақлашиб ўтиришди.

* * *

Андижон темир йўл вокзали. Чилвирсоч қишлоғининг оқсоқоллари, Абдулбосит отанинг қариндош-уруғлари меҳмонни кузатмоқдалар. Абдулбосит ота яна маҳзун. У ўз илтимосига кўра, қариндошлари халтада келтирган бир сиқим тупроқни маҳкам қисимлаб, беун йиғларди.



Саодатхон Мирхўжаева

ЎЗБЕК ОПЕРАСИГА БИР НАЗАР

«Нима учун кишилар операга тушмай кўйдилар?» — Т. С. Визгонинг «Советская музыка» журналида (1982 йил, № 8) эълон қилинган долзарб мавзудаги ўткир мақоласи ана шундай номланган. Ушбу савол кейинги вақтда операнинг кўпгина мухлисларини ўйлантирмоқда, республикамызда ўзига яраша аънаналари бўлган ана шу мураккаб, кўп қиррали ва гўзал жанрнинг муаммолари устида фикр юритишга мажбур қилмоқда. Томошабинларнинг опера театрига қизиқишининг пасайиши, афсуски, республикамыз учунгина хос ҳодиса эмас, у бутуниттифоқ кўлами касб этиб бормоқда. Композиторлар, музикашунослар нима учун ҳозирги тингловчининг операга қизиқиши пасайиб бормоқда, «ижодкор — ижрочи — тингловчи» муаммосини ҳал этишнинг қандай мақбул йўллари бор, деган саволларни тез-тез ташвиш билан олдинга қўймоқдалар. Масалан, композитор Шантирь шундай деб ёзади: «Халқ операга келадики?» саволи «Ушбу опера яхшими?» ёки «Ана шу театр яхшими?» деган саволлар билан боғлиқ эмасми? Фақат шу саволлар билан боғлиқмикан?.. Кўпгина коллективларга хос бўлган қандайдир қотиб қолганлик, афишаларда йил сайин бир хил номлар сақланиши, солистлар ҳам, оркестр ҳам, кам сонли хор ҳам, ҳатто режиссура ҳам олий сифат билан фахрлана олмайдиган бир шароитда тингловчиларнинг опера жанрига қизиқиши совиб кетиши ғайритабиий бўлмас керак. Ва, ниҳоят, опера спектаклларига келиш масаласи музикавий-эстетик тарбия билан боғлиқ эмасмикан?..»

Ушбу саволлар республикамыздаги опера санъати мухлисларини ҳам ташвишга солмоқда. Ўзбек операси ҳозир «ижодкор — ижрочи — тингловчи» «учбурча»гининг ҳамма жиҳатлари бўйича муайян қийинчиликларни бошдан кечириётгани ҳам ана шу масалани муфассал таҳлил қилиши тақозо этмоқда. Ҳозирги муаммолар ҳақида сўзлашдан олдин ўзбек операси тарихига қисқача назар ташлаш фойдалидир. Маълумки, республикамызда опера жанри Улуғ Октябрдан сўнггина пайдо бўлди. Ўзбек операси турли бадий аънаналарнинг ўзига хос синтези бўлишига қарамай, унинг ривожланишини миллий услуб хусусиятларини сақлаб қолмасдан, миллий излашларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Биринчи ўзбек операларининг ижодкорлари олдида анчагина мураккаб вазифалар турарди. Аввало музиканинг янги шакллари қабул қилишга тингловчилар тайёр эмасди. Қолаверса, ана шу янги шаклларда Шарқ ва Европа музика тафаккурининг аънаналари яхлит ҳолда узвий кўшилиши керак бўлган бундай асарларни ижод этиш ва ўзлаштириш композиторлар учун янгилик эди. Албатта, миллий операнинг юзага келишида биринчи навбатда рус композиторларининг ўзбек халқ музикачилари билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Бунда улар тингловчиларнинг бадий қизиқиши ва маданий даражасини ҳисобга олиш зарурлигини энг муҳим вазифа деб биладилар.

Маълумки, миллий аудитория музика меросининг жуда бой аънаналари руҳида тарбияланган эди. Омманинг аънанавий музикага чексиз муҳаббати ва халқ ижрочилигининг юксак даражадалигини ҳам ҳисобга олсак, биринчи операларнинг ижодкорлари қандай мураккаб вазифаларга дуч келганини, халқнинг тарихан барқарорлашган тинглаш андозасини энгиб ўтиш қанчалик қийин бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бунда фақат энгиб ўтиш эмас, балки бутунлай янги, европача музика тафаккури заминида юзага келган жанрга кишиларни қизиқтира олиши керак эди. Ушбу йўналишда кўп ишлар қилинди, оммавий тингловчилар операга туша бошладилар. Халқ операни севиб қолди. Бу эса ўзбек совет музикаси тарихидаги улкан ғалаба эди. Албатта, бу операларнинг бадий ва эстетик фазилатларини фақат муаллифларнинг ижодий индивидуаллик жиҳатлари эмас, балки уларда фойдаланилган халқ куй-оҳанглариининг ўзига хослиги ва туганмас таъсир кучи ҳам белгиланган эди. Дастлабки опералар музикавий-драматургик тузилишида камчиликлар мавжудлигига, оркестр партияларининг соддалиги ва такомиллашмаганлигига қарамай, уларда кенг тингловчилар оммасини жалб қиладиган томонлар мавжуд эди. Бошқача айтганда, бу операларда миллий музика меросидан олинган ёхуд ўзбек кўшиқчилик санъати аънаналари асосида ишлаб чиқилган мелодик материал мавжуд эди. 30—40-йилларда яратилган М. Ашрафий ва С. Василенконинг «Бўрон», Р. Глиэр ва Т. Содиковнинг «Лайли ва Мажнун», Т. Жалилов ва Б. Бровчининг «Тоҳир ва Зухра», Р. Глиэр ва Т. Содиковнинг «Гулсара», Г. Мушель ва В. Успенскийнинг «Фарҳод ва Ширин» опералари ана шундай хислатларга эгаллиги ва шунингдек, ижронинг юксак даражадалиги тўфайли машҳур бўлиб кетди.

Шу билан бирга дастлабки операларнинг пайдо бўлиши кўпгина масалаларни илгари сурдики, улар ҳозиргача амалда бутунлай ҳал этилган эмас. Булар — либретто, речитатив, музикавий-драматургик ривожланишнинг бир бутунлиги ва бирлиги, образларнинг индивидуаллаштирилиши ва кўпгина бошқа масалалардир. Профессинал ижоднинг янги, замонавий шакллариини ўзлаштиришда дастлабки опералардаёқ эришилган муайян ютуқлар 50—60-йилларда бир қатор

қизиқарли опера спектакллари пайдо бўлишига имкон яратди. Кўп музикашунослар ҳаққоний таъкидлаганларидек, бу операларнинг энг яхшилари ўзбек композиторлари классик опера драматургияси асосларини эгаллаб олганликларининг, Европага хос композиция шакллари миллий ўзбек куйлари билан узвий бўлишига интилишларининг далилидир. Кўп овозли музика тафаккурининг аъёнларига таяниб чуқурроқ ўзлаштириш, янги мавзуларни тинмай излаш, опера драматургияси моҳиятини янада чуқурроқ тушуна бориш 50—60-йилларда С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши», М. Ашрафийнинг «Дилором», «Шоир қалби», С. Бобоевнинг «Ҳамза», М. Юсуповнинг «Хоразм қўшиғи», Р. Ҳамроевнинг «Зулматдан зиё» каби қизиқарли асарлар яратилишига имкон берди. Мазкур операларнинг маълум нуқсонлари ҳам бор. Бу ҳақда музика танқидчилари ўз вақтида кўп ёзганлар. Аммо ушбу операларнинг аҳамияти шундаки, уларнинг ижодкорлари миллий аъёнани бойита олганлар, республикада опера жанри янада ривожланиши истиқболларини белгилашга, миллий тафаккур қонуниятларини ҳисобга олувчи тематизм тараққиёти принципларини ишлаб чиқишга, оркестр техникаси ва профессионализм пойдеворини ташкил этувчи барча жиҳатларни эгаллаб олишга муваффақ бўлганлар.

Опера жанри ривожланишининг ҳозирги тенденциялари нималардан иборат? Кейинги йиллар мобайнида санъатнинг бу жанрида ўзбек операсининг бугунги қиёфасини белгиловчи бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Аввало ҳозирги композиторларнинг қизиқиш доираси кенгайди. Образлардаги психологик ва интеллектуал негизларни кучайтиришга, қаҳрамоннинг ички дунёсига кириб боришга, унинг жуда нозик эмоционал ҳолатини кўрсатишга интилиш ортди. Бу тенденция тарихий мавзуларга бағишланган асарларда (Р. Ҳамроевнинг «Номангум киши», У. Музаевнинг «Мангулик», Р. Абдуллаевнинг «Хива ордени» опералари) ҳам, замондошимизнинг маънавий ҳаёти муаммоларига бағишланган операларда (Н. Зокировнинг «Рақиблар», Р. Абдуллаевнинг «Садоқат», С. Жалилнинг «Зебуннисо», Ҳ. Раҳимовнинг «Она қалби» опералари) ҳам яққол кўзга ташланади. Гарчи бунда ижодкорлар кўп нарсаларга бир хилда эриша олмаган бўлсалар-да, шундай интилиш мавжудлигининг ўзи қувонарли ҳолдир. Бу келгусида ўзбек операсида яхлит, жонли тўлақонли образлар яратиш борасида ажойиб натижалар бериши мумкин.

Табийки, ҳозирги воқелигимизга мувофиқ келувчи янги мавзу ва образлар ўзгача оҳангни, ифодаланишнинг мақбул шакл ва воситаларини тақозо этади. Аъёнаний музика меросига ёндошиш ўзгарди: асл халқ куйларидан тўғридан-тўғри, ўзгартирмай фойдаланиш ўрнини халқ фольклорига мурожаат қилишнинг янгича усуллари эгаллади. Эндиликда ижодкорлар миллий мероснинг туб хусусиятларини акс эттирувчи ва бир вақтнинг ўзида уларни ривожлантирувчи асарлар яратишга интилоқдалар. Лекин бу ҳолда шундай савол туғилади: замонавий опера ижодиётида ўзбек монодониясининг (бир овозлик) шубҳасиз, тингловчилар билан «алоқа кўприги» бўла оладиган мелодик-композицион ва ритмик хусусиятларидан етарлича узвий фойдаланилантими? Эҳтимол, жавоб манфий бўлар. Опера жанри тадқиқотчилари (фақат бизнинг республикамиздагина эмас) ҳозирги опера музикасида вокал ифодавийлик, ёрқин миллийлик, ўзига хослик етишмаслиги ҳақида тез-тез мубоҳаса юритаётганликлари бежиз эмас. Айнан шу ҳол тингловчиларда операга қизиқиш сусайишининг сабабларидан куй деб кўрсатилаётганлиги ҳам тасодифий эмас. Бу ҳаққоний ва қонуний эътироф, чунки куй — музиканинг энг оммабоп, энг идрок қилинувчи ва эсда қолувчи унсурдир, шу билан бирга у ифодавийликнинг асосий воситасидир. Гоҳида бутун бир операни тингларканмиз, унинг энг ёрқин эпизодлари халқ музикасидан олинган бўлиб, муаллиф ўз материалдан бирон нарсани эслаб қолиш қийинлигига амин бўламиз. Кўпинча композиторлар ёрқин, эсда қоларли, эмоционал-ифодавий оҳангдорлигининг музика шакли ташкилотчиси сифатидаги ролини эътиборга олмайдилар. Шу муносабат билан Р. Абдуллаевнинг «Садоқат», С. Жалилнинг «Зебуннисо» спектакллари муайян муваффақият сифатида тилга олиш мумкин. Уларда халқ қўшиқлари намуналарига яқин ёрқин, эсда қоладиган куйлар оз эмас. Бу композиторлар халқ қўшиқ ижодиётининг негизидан ётган принципларга ёндашиб, халқ қўшиқлари руҳи билан суғорилган оригинал куйлар яратдилар ва уларни асарнинг бутун музикавий тўқимасига сингдириб юбордилар. Бундай ёндашиш тингловчиларни жалб қилиш нуктаи назаридан олганда энг истиқболли (ягона эмас, албатта) йўللardan биридир. Операнинг томошабинларга етиб бориши осонлашади, унинг музикага, у орқали саҳнадаги ҳаракатга жонли муносабати юзага келади. Ўзида муаллифнинг индивидуал услубини, оҳангдаги ёрқин миллийликни ва замонавийликни мужассамлаштирган куйлар яратиш опера асари шуҳрат қозонишининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Замонавий ўзбек опералари музика тилида янги услубий хусусиятлар шаклланиши бутун музика ривожланишининг муштарак тенденцияларига узвий боғлиқдир. Масалан, кейинги йилларда опера яратишда умумий услубий йўналишлар ўзгаришига боғлиқ равишда моноглаштиришга интилиш яққол кўзга ташланмоқда. «Соф қўшиқчилик» доирасидан ташқарига чиқиш, музикада оғзаки нутқнинг оҳанг қурилишини янада аниқроқ ифодалаш устидаги изланишнинг кучайиши, тафаккурнинг чолғу типини вокал партиясига таъсир кўрсатиши, ифоданинг камерлигига ва шаклларнинг лўнда бўлишига интилиш — буларнинг ҳаммаси декламацион негиз ролининг ошишига имконият яратади ва ҳозирги ўзбек операсида речитатив-диалогик принципни кучайтиришга олиб келди. У сценарий-драматургия ва музика асосларининг энг асосий ифодачиларидан бири бўлиб қолди. Аммо речитатив муаммоси ўз долзарблигини ҳамон сақлаб келмоқда.

Тарих айна шу соҳадаги изланишлари композиторларни опера драматургиясида янги йўллар кашф этишларига олиб келганлигидан гувоҳлик беради. Афсуски, В. А. Успенскийнинг 50-йиллардаёқ янграган куйидаги қаҳирини ўзбек композиторлари ҳанузгача тўла англаб етмаптилар: «Миллий опера яратишдан аввал речитатив масаласини ҳал қилиб олиш лозим... Халқ сўзлашуви билан алоқани йўқотиш натижасида операнинг энг оммабоп жойлари — речитативлар халқ талафюзининг ўзига хос томонларини акс эттирмаса, халққа ёт бўлиб қолишни доимо эсда тутмоқ керак». Бу эса тасодифий эмас, чунки речитатив деганда аввало инсон табиий нутқига яқинлаштирилган сўз ва куй боғланишидан иборат бўлган маълум бир принципни тушунамиз.

Тингловчилар идроки муаммоси нуктаи назаридан олганда речитатив операнинг жуда муҳим қисмидир, чунки миллий тил, унинг фонетикаси, ўзига хос оҳангдорлиги, ритмли-синтаксис тузилиши билан бевосита алоқа шакллари унинг орқали намоён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш

жоизки, операнинг бошқа шаклидан фарқли ўлароқ речитатив Европа нормативларидан кенг кўламда холидир, бунда ижодкор ўз миллий заминини аниқлаш учун катта имкониятга эга. Речитатив операда қуйидаги вазифаларни бажаради: сюжет воқеаларини ривожлантирувчи ва изоҳловчи, қаҳрамонлар характери ва ички дунёсини ифодаловчи воситадир. Кўпгина ўзбек операларида, шу жумладан тасонавийларида ҳам речитатив ўзининг бу вазифаларини охиригача бажармаяпти.

Ҳозирги операларда речитативнинг бадиий имкониятларига эстетик жиҳатдан етарли баҳо бермаслик ўз таъсирини кўрсатаяпти. Сўзининг, текстнинг интонацион, ритмик яхлитлигидаги пала-партишлик ва ноаниқлик, баъзан синтагматик (гапдаги бир нафас билан айтилади)га сўзлар бирикмаси) бўлиниш нотўғрилиги мазмунни беришда бузилишларга олиб келади ҳамда айtilган жумла-тишлар маъносини идрок этишни қийинлаштиради. Бу эса ўз навбатида опера ижрочиларини тузатишлар киритишга мажбур этади, миллий томошабинларни эса мазкур жанрдан ихлосини қайтаради. Бунинг устига кўпинча либретто тилига, айниқса унинг речитативли эпизодларига лўндалик, аниқлик, таъсирчанлик етишмайди. Операларда речитативлик орқали қаҳрамоннинг сўзлашув тарзини бера олиш масаласи ҳам ростмана қўйилмаган. Речитативнинг бошқа опера шакллари билан ўзаро узвий алоқадорлигига, уйғунлигига ва бирлигига доим ҳам эришилавермайдик, бусиз образнинг яхлит таърифини тасаввур этиш мумкин эмас.

Деярли ҳар бир опера шу соҳага нимадир қўшади, лекин муаммони тўлиқ ҳал қилмайди. Мисол учун, Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операсида ўзбек халқ қўшиқлари билан интонацион боғлиқ оҳангдор речитативни яратиш йўлидаги изланишлар эътиборни тортади. Шу билан бирга унда речитативлар билан арияларнинг узвий бирлиги мавжуд эмас. Кейинги операларда ҳам бу муаммо қисман ҳал этилган. Лекин айтиш мумкинки, С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси олдинга қараб қўйилган қадам бўлди ва нафақат ушбу муаммони ҳал қилиш нуқтаи назаридангина эмас, балки умуман бадиий фазилатларига кўра ҳам ҳозиргача яратилган энг яхши асарлардандир. Унда куйлаш ва декламацион негизларнинг мувозанатига эришилган, турли хил речитативлар ҳаракатни изоҳловчи ва давом эттирувчи восита сифатидагина эмас, балки қаҳрамон образини ёрқин таърифловчи вазифасини ҳам бажаради.

Нисбатан яқинда ёзилган асарлар ҳақида сўзлайдиган бўлсак, И. Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» операсида речитативларни индивидуаллаштириб, уларни интонация жиҳатидан ҳал этишда қизиқарли топилмалар мавжуд. Шу билан бирга операнинг баъзи сахналарида текст устида ишлаш усуллари бир тарздалигини сезмаслик мумкин эмас. Н. Зокировнинг «Рақиблар» ва «Уйғониш» операларида музикавий образларнинг яхлит интонацион характеристикасини яратишда, сахна ҳаракатини жўшқинлаштиришда речитативларга катта роль ажратилган. Шу билан бир вақтда бунда воқеликка, узлуксиз куйчанликка хилоф равишда текст речитациясининг ҳаддан ташқари устун туриши ҳис этилади. Текст устида ишлаш жараёнида алоҳида сўз бўғинларини таллаффуз қилиш системасида ҳам, нутқнинг синтагмаларга ажратилишида ҳам кўпгина ноаниқликларга йўл қўйилади. «Садоқат» операсида муаллиф речитативларнинг опера бошқа шакллари билан интонацион чамбарчас бўлишига, нутқ хусусиятларини музикавий оҳангларда акс эттиришга муваффақ бўлди. Лекин речитативларда қаҳрамонларнинг нутқ услубларини ёрқин ифодалай олмаган.

Умуман олганда ўзбек операларида муваффақиятли чиққан речитативлар билан бир қаторда интонацион жиҳатидан суст, декламация жиҳатидан ноаниқ, драматургия вазифаларини охиригача бажара олмайдиган речитативлар оз эмаслигини таъкидлаш мумкин. Бу борада жаҳон ва рус классик операларидаги ютуқларга таяниб иш қилиш керак. Миллий мероснинг турли жанрларида шаклланган речитатив-декламацион принципларда ҳам катта, деярли фойдаланилмаган имкониятлар яширинган. Шу билан бирга операнинг речитативларида ҳам, ария, ариоза, дуэтларда ҳам ифодали вокал декламацияларни яратишда жуда ҳам ранг-баранг кўринишлардаги замонавий нутқ оҳангларини (маиший мавзудаги диалоглар, актёр нутқи, шеър декламацияси ва ҳ.к.) ўрганиш ва куйда янграйтиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Музикавий (интонацион-тематик, тонал) алоқалар кучаяётганлигини ҳозирги ўзбек операси ривожланиш жараёнининг истиқболли йўналиши сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Композиторлар ҳаракат ривожланишидаги узоқ муддатли тўхталишларни четлаб, сахнадаги турғунликни енгиб ўтишга, музиканинг узлуксиз янграшини таъминлашга интиладилар. Оркестр партияси роллининг ескини, баъзан ҳатто опера жанри учун ҳаддан ташқари ошириб юборилиши, ривожланишнинг симфоник методлари жорий этилиши ҳам, эҳтимол шу билан боғлиқдир. Ҳозир оркестр партияси кўпинча турли сахналарни бирлаштирувчи восита ҳам, ҳаракатнинг фаол иштирокчиси ҳам бўлмоқда. Шундай қилиб, опера жанри Ўзбекистонда муайян тараққиёт йўлини босиб ўтганини кўрамыз. Инсон ҳаёти билан қиёсланса, узоқ йўл. Европа операси шаклланиши ва ривожланиши билан қиёсланганда эса, ўзбек операси ҳали жуда навқирон ва ҳозиргача ўсиш қийинчиликларини бартараф этмоқда, деб таъкидлаш мумкин. Ҳар бир янги асарнинг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бўлишига қарамай, секин-аста тажриба тўпланиб борди. Шунинг учун ҳам ўзбек операсининг тараққиёти изчил бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Т. С. Визго ўз мақоласида айтганидек, муштарак тенденция ва жараёнлар ҳам бир композитор ижодида ўзича акс эта бориб, умуман олганда, бир томондан, миллий композиторлик мактаби профессионал даражаси ошганлиги билан, иккинчи томондан эса, бу жанр хоҳиятан оммабоплигини унутиш ва тингловчилардан узоқлашиш билан характерланади. Ҳозирги музикашуносларнинг вазифаларидан бири ҳам ана шу зиддиятни аниқлашдан иборатдир. Бунда операнинг тақдири учун асосий масъулиятни ижодкорлар ва театр зиммасида бўлишини назарда тутган ҳолда, бошқа муҳим омилларни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Операга оммавий қизиқиш пасайганини қайд этган ҳолда, бу тенденция, афсуски, музиканинг бошқа жанрларини ҳам қамраб олганлигини айтмаслик мумкин эмас. Ҳозирги кунда ҳатто миллий анъанавий музика жанрларига ҳам, айниқса ёшлар ичида қизиқиш пасаяётганлиги кўзга ташланаяпти. Ўзбек операси ривожланишининг баъзи асосий тенденцияларини қисқача характерларканмиз, композиторлар олдида кўпгина ҳал қилинмаган масалалар, ижодий муаммолар

турганлигига ишонч ҳосил қилдик. Лекин тингловчилардаги лоқайдликни, операнинг доимий тингловчиси йўқлигини фақат ижодкорларнинг хатолари билан тушунтириш тўғримикиан? «Ижодкор — тингловчи» муаммосига давр, аниқ тарихий ва социал шарт-шароитлар, жанр тараққиёти даражаси ва ҳоказолар таъсир кўрсатади. Кенг тингловчилар оммасида дастлабки операларнинг шуҳрат қозонганлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, ўша пайтда операга қизиқиш юқорилиги социал қайта қўриш билан бирга, музика ҳаётига кириб келган шакл ва воситаларнинг янгилиги билан ҳам боғлиқ бўлганлигини, ижрочилик савияси баланд бўлганлигини ҳисобга олмай бўлмайди. Бундан ташқари ўша пайтда театрининг кино, телевидение сингари кучли рақобатчилари йўқ эди. Ҳозир аҳвол қандай? Тингловчи ҳам, унинг эҳтиёжлари ҳам кескин ўзгарди ва ўзгариб бормоқда. Лекин доим ижобий томонга қарабми? Музика тинглаш тажрибаси оммавий ахборот воситалари ва бошқа оммилар тугайли жуда жадал ортиб бормоқда. Аммо бу жараён маълум даражада тартибсиз, стихияли юз берапти. Оммавий тингловчига тақдим этилаётган музиканинг бадий савияси ҳар хил. Аксарият, тингловчиларнинг музикавий эҳтиёжларини шунчаки кўздан кечиришнинг ўзидаёқ, унинг диди юқори эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Кундалик ҳаётдаги музика тингловчига таъсир кўрсатади, дидини ўзгартириб туради. Оммавий эстетик тарбия шакллари, санъатни тарғиб қилиш методлари эса ҳамон эскича, ўзгарган вазиятни ҳисобга олмайпти, бу демак, самарасиз бўлиб қоляпти. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, профессионал санъатнинг (фақат операгина эмас) ривожланиши замонавий аудиторияни тайёрлаш ва жиддий музикани идрок этиш даражасидан анча илгарилаб кетди.

Совет Шарқи республикаларида профессионал санъат шаклланишининг дастлабки даврида композиторлик ижоди ривожланиши жараёни ҳақида ёзаркан, таниқли совет музикашуноси Н. Г. Шахназарова шундай деб таъкидлайди: «Ўн-йигирма йил мобайнида профессионал музикачиларни ўқитиш мумкин, лекин тингловчиларни тарбиялаш амалда мумкин эмас». Афсуски, бизнинг республикамиз учун ҳам ўтган вақт етарли эмаслиги кўриниб қолди. Кенг тингловчилар оммасини, биринчи навбатда, болаларни музикавий-эстетик тарбиялаш соҳасидаги ишлар аҳволига қарайдиган бўлсак, яқин келажакда жиддий ўзгаришлар бўлишига умид боғлаб бўлмайди. Ахир, музика таълими мутахассислари исбот қилганидек, мактабгача тарбия ва мактабдаги таълим йиллари бола ҳаётида музика тинглашни ўрганишнинг энг муҳим даври ҳам-ку. Айни шу даврда музика етук инсон ҳаётида қандай ўрин тутиши мумкинлиги ҳал бўлади.

Ушбу муаммони қандай ҳал қилиш керак? Болаларни музика санъатини идрок этишга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш билан бир қаторда, умумий таълим ва музика мактабларининг республика музика ҳаёти билан алоқасини мустақкамлаш, асосийси эса, умумий таълим мактаблари учун музика ўқитувчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳеч кимга сир эмаски, мактабдаги «ашула» дарслари ҳозирги куннинг энг оддий талабларига ҳам жавоб бермайди, ҳеч ким томонидан назорат қилинмайди. Умумий таълим мактаблари бутун системасида музика дарсига «ортиқча» ташвиш сифатида муносабатда бўлишининг сирини ҳам шунда эмасми? Ана шу масалаларни ҳал этишда яқинда ташкил этилган Бутуниттифоқ музика жамиятига муайян умидлар билдирилмоқда. Жамият бўлинмаларини Совет Иттифоқининг барча регионларидаги шаҳар ва қишлоқларда ташкил этиляпти. Ана шу янги жамоат ташкилотининг бош мақсади музика мухлисларини кўпайтириш, уни халқ оммаси ўртасида кенг ёйишдан иборатдир.


Опера жанри тақдирда бевосита роль ўйнайдиган яна бир омил ҳақида тўхтамай бўлмайди. Бу ўзбек операси ижроси сифатидир. Ҳаммага маълумки, опера жанрининг ривожланиши кўп жиҳатдан ижрочилик савияси ва имкониятларига боғлиқдир, ижрочини композиторга ғайрат бағишлаши, уни ижодга рағбатлантириши керак. Кейинги йиллар мобайнида ўзбек опера ижрочилиги ўзининг бу вазифасини амалда бажармай келди. Бизда опералар кам яратилаётганлигининг сабабларидан бири ҳам шунда эмасмикан? Опера театримиз ўзига яраша бой ва қизиқарли тарихга, анъаналарга эга. Шунга қарамай, ўзбек опералари доим ҳам етарли бадий савияда саҳналаштирилмайди ва ижро этилмайди, спектакллarga томошабинлар кам тушади. Табиийки, ижрочилар учун ярми бўм-бўш залда қуйлашнинг унча қизиғи бўлмайди. Театрда истеъдодли ашулчилар, яхши овозли санъаткорлар борлиги учун ҳам бу ҳол жуда ачинарлидир. Бу аҳволни қандай ўзгартириш мумкин? Балки театр ижрочилари билан ишлашда ҳам, тингловчилар билан алоқани йўлга қўйишда ҳам янги шакллари изланса яхши бўларди? Турли корхона ва ташкилотлар орқали билетларни мажбурий тарзда тарқатиш театрининг обрў-эътиборини тушириб юборади. Томошабинлар операга ўз ихтиёрлари билан келишсин. Бунинг учун эса биринчи навбатда ёрқин асарлар, аъло ижро, талантли постановкалар даркор. Қўшиқчилар, оркестр ва хорнинг ижрочилик савиясини ошириш, шубҳасиз, янги миллий асарлар яратилишига ёрдам беради, янги опералар яратиш жараёнини ҳозиргидек тўхтатиб турмай, балки рағбатлантиради. Ниҳоят, ўзбек опера театри вокал ўқусининг баъзи муаммоларини ҳам охиригача ҳал қилиш вақти етди. Нима учун опера хонандаларимизда кўпинча ўзбек тилининг ўзига хос фонетик хусусиятларини ҳисобга олмай, сўзларни нотўғри айтиб, айбни ўзбек тилига хос бир қатор унли товушларнинг фонетик сифатини бузиб, тингловчиларнинг ғашига тегадилар? Нима учун операни она тилида ижро этиш пайтида қўшиқчиларнинг ўзлари қийинчиликларни бошдан кечирадилар? 30-йиллардан бери ўртага қўйилаётган бу саволларга ҳозиргача аниқ жавоб берилгани йўқ. Опера-концерт ижрочиларини тайёрлашнинг илмий асосланган ягона методикаси ишлаб чиқилиши ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга.

Бир қанча бошқачароқ, лекин тингловчилар идроки билан боғлиқ яна бир муаммо ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда театримизда ўзбекча операларни ўзбек тилини етарлича эгалламаган қўшиқчилар ижро этиши одат тусига кириб қолган. Ахир, қўшиқчи тилини фонетикасини, сўзлар маъносини чуқур ҳис этмай туриб, қандай қилиб жозибадор қуйлаши мумкин? Ашулчилар асл нусха тилида операнинг битта ёки иккита партиясини ишонарли ижро этиш учун итальян тилини ўрганадилар-ку. Тошкент консерваториясининг композиторлик ва вокал факультетларида «Ўзбек вокал декламацияси асослари», «Опера драматургияси таҳлили» курсларини ўрганишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Консерватория қошидаги опера студияси фаолиятини ҳам қайта қуриш лозим, студияда ўзбек операсининг замонавий асарлари деярли қўйилмайди, оқибатда бўлажак қўшиқчилар театр амалий ишига тайёрланмай чиқяптилар.

Юқорида айтилганлар ижодкорларнинг тингловчилар олдидаги масъулиятини камайтирмайди, аксинча уни тингловчилар аудиторияси билан мулоқотда янги шаклларни излашга, биринчи навбатда унинг дидини ўрганиш ва онгли равишда йўналтириб туришга мажбур этади. Бунда композиторлар қандай йўлдан боришларини олдиндан айтиш қийин. Эҳтимол, бу фольклорга муурожаат этишнинг янги принципларини излашдан иборат бўлар. Кимнидир камер опера соҳамурожаат этишнинг янги принципларини излашдан муурожаат қилиши мумкинлиги ва маънавияти. Зеро, камер опера кўпгина долзарб масалаларга муурожаат қилиши мумкинлиги ва уларни чуқур ва жиддий ҳал эта олиши амалда аллақачон исботланган. Композиторлар олдида ижодий ташаббус кўрсатиш борасида кенг майдон очилган, лекин бу хил изланишлар аввало ҳозирги тингловчиларни жалб этиш ва тарбиялашга, унинг дидларини, идрок этиш хусусиятларини ўрганишга қаратилиши керак.

Олға сурилган муаммоларнинг долзарблиги ва жиддийлиги билан бир қаторда, тингловчилар оммасига тушунарли бўлган, уларни ҳаяжонлантира оладиган опералар яратиш ўзбек композиторларининг бош вазифасидир. Болаларни опера санъатига ошно этиш, уларнинг идроки ҳисобга олинган ҳолда асарлар яратиш муаммоси алоҳида эътиборни талаб қилади. Республикада болалар учун бор-йўғи бир-иккита ўзбек операси — С. Бобоевнинг «Ёрил тош» ва М. Юсуповнинг «Чевар қиз»и яратилганлиги кечирилмас ҳолдир. Композиторлар замонавий мавзуга жуда кам муурожаат қилишлари билан ҳам келишиб бўлмайди.

Ўзбек операсини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда музика асарларининг бадиий фазилати ҳам, сахналаштириш савияси ҳам, опера жанрини тарғиб қилишда театрнинг, оммавий ахборот воситаларининг фаоллик даражаси, тингловчиларни тарбиялашдаги муваффақиятлар ҳам, шунингдек музика танқидининг ҳозиржавоблиги ва объективлиги ҳам муҳимдир. Фақат шундагина ўзбек операсининг обрў-эътиборини кўтариш, уни кишилар севадиган санъатга айлантириш мумкин.



Шоди Каримов

ТИЛ БИЛМАГАН ДИЛ БИЛМАС

Жамиятимизнинг барча соҳаларини сифат жиҳатидан қайта қуриш ўзининг ҳал қилувчи палласига қадам қўйди. Партиямиз қайта қуриш йўлидан изчил бориб, турмушимизнинг барча соҳаларидаги салбий ҳодисаларни тугатишни, социализмнинг имкониятларини чеклаб қўйган ғовларни олиб ташлашни мақсад қилиб олди. Бу ғоятда оғир ва айни замонда масъулиятли вазифадир.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм бизнинг буюк бойлигимиздир. У Ватанимиз тарихининг 70 йиллик тараққиёти давомидаги барча синовлардан муваффақиятли ўтди ва мустаҳкамланди.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмнинг назарий асосларини улуғ доҳиймиз В. И. Ленин ишлаб чиқди. У бу масалага ҳамиша алоҳида эътибор ва сезгирлик билан қарар эди, миллий масалага шовинистик баҳо берувчи, миллий ҳис-туйғуларни назар-писанд қилмовчи, уларга иккинчи даражали бир нарса сифатида қаровчи кимсаларга қарши доимо актив кураш олиб борарди.

В. И. Ленин пролетар интернационализмнинг типик вакили сифатида буюк давлатчилик сиёсати, великорус миллатчилигига қарши кураш олиб борди. Чунки у рус пролетариати буюк давлатчилик, великорус миллатчилиги сиёсатига қарши кураш олиб бормасдан туриб, рус бўлмаган миллатлар меҳнаткашлар оммасини ўз орқасидан эргаштира олмаслигини яхши англади.

Еш Совет давлати Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонган куннинг эртасигаёқ Россия халқлари ҳуқуқлари Декларациясини эълон қилди. Бу ҳужжатда инсоният тарихида биринчи марта миллий ва ирқий адоватнинг барча кўринишларига абадий барҳам берилиши, ҳар бир миллат ва элат амалда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги, миллий тиллар, маданиятлар, урф-одатлар, эътиқодлар ҳурмат қилиниши айтилди.

В. И. Ленин ўтмишда чор самодержавиясининг мустамлака ўлкаси бўлган, сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолақ Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари тақдирига айниқса катта эътибор берди, бу ерга энг тажрибали сафдошларини юборди. Бу ўртоқлар миллий масалани ҳал қилишда маҳаллий шароитларни, ерли халқларнинг тили, ўтмиш тарихи, маданияти ва урф-одатларини ҳисобга олиб, ўлканинг социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши йўлида жон куйдириб меҳнат қилдилар. Натижада маҳаллий меҳнаткашлар оммасининг сиёсий онги, активлиги ўсди, пролетар интернационализмга садоқати тобора кучайиб борди.

Ўзбек халқининг интернационализм ва халқлар дўстлигига садоқати айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида зўр ифодаланди. Бу даврда республикамизга мамлакатимизнинг Европа қисмидан ўнлаб sanoat корхоналари кўчириб келтирилди. Душман вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқлардан келган минглаб оилалар Ўзбекистондан бошпана топдилар. Уруш туфайли ота-онасидан жудо бўлган 250 минг гўдак ўзбек оилаларининг меҳриғисидан баҳраманд бўлиб ўсди. Бу ишлар социалистик интернационализмнинг амалдаги инъикосига, халқлар дўстлиги ғоясига садоқатнинг ёрқин намоишига айналди.

Аммо И. В. Сталин шахсига сифиниш йилларида, унинг бевосита давоми бўлган турғунлик даврида партиянинг ленинчи миллий сиёсати, ватанпарварлик ва интернационал тарбияга бирёқлама, юзаки қараб, анча жиддий зиён етказилди. Мана, бугунги кунда биз бу юзакичиликларнинг «меvasи»ни кўриб турибмиз. Кейинги йилларда Олмаота ва Ёкутистонда, Болтиқ бўйи республикаларида, Арманистон ва Озарбайжонда бўлган воқеалар, Қрим татар миллати вакилларининг чиқишлари мамлакатимизда миллий масалада чуқур илдиз отган муаммолар тўпланиб қолганлигини очик-ойдин кўрсатди.

Ҳа, бизда миллий муносабатларда, афсуски ҳал қилинмаган нуқсонлар, қинғайишлар талайгина. Бу биринчи навбатда сўз билан амалий ишдаги, илмий назария билан унинг ҳаётга жорий этилишидаги номувофиқликда яққол ифодаланмоқда. КПССнинг бугунги миллий сиёсатининг тўғрилигига, унинг илмий моҳияти ва жаҳоншумул аҳамиятига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Аммо жойларда миллий масала бўйича олдинга қўйилган вазифалар беками-кўст бажарилаётир, деб айтиш ҳам масалага бир томонлама, ёндашиш бўлур эди. Буни биз, жумладан республикамиздаги тил сиёсати мисолида кузатишимиз мумкин.

Миллатнинг миллат бўлиб шаклланишидаги энг муҳим шартлардан бири — тил бирлигидир. Ҳар қандай миллат ўз тилини йўқотса, миллий ўзига хослигини ҳам йўқотади. Шундай бўлгач, каттадир-кичикдир, бирон бир миллий тилнинг йўқолишини инсоният маданиятидаги катта йўқотиш сифатида баҳолаш керак. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини асосий программ талаб қилиб қўйиш билан бирга, миллий тилларнинг тенглиги масаласини илгари сурган, бирон-бир тилга имтиёз бериш масаласига кескин қарши чиққан. Бу ғоя партияимизнинг В. И. Ленин ҳаётлик чоғида ўтказилган съездлари ва конференциялари қарорларида янада ривожлантирилди.

Бугунги кунда республикамиздаги партия ва совет ташкилотларида шундай «сиёсий тарғиботчи»ларни учратиш мумкинки, улар ўзбек миллатига мансуб бўла туриб, уч оғиз нутқни ўзбек тилида эплаб гапиролмай қийналадилар. Эндиликда бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди.

Буюк рус ёзувчиси Тургеневдан, нега француз тилида асар ёзмайсиз, деб сўрашганда, у аввал рус тилида ёзишни яхшилаб ўрганиб олай, деган экан. Бу жавоби билан ёзувчи киши ўзга тилни билиши учун аввал ўз она тилини пухта эгаллаши лозимлигига ишора қилган. Республикамизда кейинги 30—40 йил давомида ўзбек тилининг ўқитилиши ва ўрганилиши масаласи жамоатчиликнинг диққат эътиборидан четда қолди. Т. Н. Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий-тектириш институти катта илмий ходими, педагогика фанлари кандидати Р. Йўлдошевнинг гувоҳлик беришича, кейинги 50 йил мобайнида ўзбек тилини ўқитишни яхшилаш бўйича бор-йўғи 18 босма табоқдан иборат Эта ўқув-методик қўлланма чоп этилди, холос. Бу китобларни «Ўқитувчи» наشريёти чоп этди. Бошқа нашриётларда эса бу соҳада ҳеч нарса нашр этилмади. Ўзбек тилига, уни ўрганишга эътиборсизлик ёшларимиз онгига мактабдан бошлаб сингдирилиб, олий ўқув юртлирида давом эттирилади. Бизда шу пайтгача тиллар тенглиги оғиздагина мавжуд бўлди, амалда эса жудаям унчалик бўлгани йўқ. Республикамизда икки тиллилик фақат маҳаллий миллат вакилларига нисбатан ишлатилади, холос ва у берақлама ривожланмоқда. Совет Ўзбекистонидан узоқ йиллардан бери яшаб, меҳнат қилиб келаётган, ҳатто шу ўлкада туғилиб ўсган ўзга миллат вакилларининг бир қисми ўзбек тилига нисбатан менсимасдан муносабатда бўлиб келганликлари ҳам сир эмас. Чунки улар республикада ўзбек тили иккинчи даражали тил бўлиб қолганлиги учун уни ўрганишга эътиёж сезмадилар.

Маҳаллий миллат тилини билиш кимнингдир инжиқлиги ёки унинг истак-хоҳиши бўлмай, балки ўзини маданиятга ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг яшаб, меҳнат қилиб турган жойидаги аҳолига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни рамзидир. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади-ку. Шу боисдан икки тиллилик ҳам икки томонлама бўлиши лозим. «Тил билмаган дил билмас, дил билмаган эл бўлмас» деган мақолни халқ беҳудага тўқимаган.

Шу йил бошида «Правда» газетаси саҳифасида босилган давра сўхбатида КПСС Марказий Комитети партиявий-ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари, миллатлараро муносабатлар кичик бўлимининг мудир В. А. Михайлов шундай деди: «Кекса авлод вакиллари, биз ҳаммамиз тилни билардик, ҳамда маданият билан таниш эдик ва ҳеч қандай низолар бўлмаган эди, деб ажабланишарди. Кейинги 10—15 йил давомида мана шундай миллатлараро мулоқат маданияти ва тил соҳасида тўри сиёсат бўлмаганлиги нохуш можароларга олиб келди».

Биз ҳар бир киши бир неча тилни, шу жумладан биринчи навбатда рус тилини билиши, зуллисонанлик тарафдоримиз. Аммо бу она тилини иккинчи планга суриб қўйиш, уни камситиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Чунки дунёда она тилининг, маданиятнинг бетига оёқ қўйишдан даҳшатлироқ нарса йўқ.

Хуллас, рус тилини ўрганиш масаласида тўла ихтиёрийлик, онгли муносабат бўлиши керак. Бу борада зўрлаш, тикиштириш кутилган натижани бермайди. «Биз, — деган эди В. И. Ленин, — фақат бир нарсани: мажбурийлик элементи бўлишини хоҳламаймиз. Биз жаннатга калтаклаб киритилишини хоҳламаймиз... Ўзининг ҳаёт ва иш шароитлари жиҳатидан рус тилини ўрганишга эътиёж бўлган кишилар бу тилни калтаксиз ҳам ўрганиб оладилар. Мажбур қилиш (калтак) эса фақат биргина нарсага сабаб бўлади: у бошқа миллий группаларнинг улуғ ва кудратли рус тилини ўрганишини қийинлаштиради, ҳаммадан ҳам кўра душманликни кучайтиради, сон-саноксиз низолар туғдиради, ғазабланиш, бир-бирини тушунмаслик ва ҳоказоларни кучайтиради...

Шунинг учун ҳам рус марксистлари айтадиларки: — мажбурий давлат тили бўлмаслиги керак, аҳолини ўқитиш ишлари барча маҳаллий тилларда олиб бориладиган мактаблар билан таъмин этилиши лозим ва конституцияга бирон миллатнинг ҳар қандай имтиёзларини ва майда миллатлар ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини бекор қиладиган асосий қонун киритилиши зарур...» (В. И. Ленин, ТАТ, т. 24, 331—332 б.)

Бир нарса эътиборни тортади. Бизда рус тилини ўрганиш учун яратилган шарт-шароитлар бошқа қардош иттифоқдош республикалардагига нисбатан ёмон, дейишимизга асосимиз йўқ. Аксинча, бундай имконият бизда ижобий нуқтаи-назардан кескин фарқ қилади. Қуруқ ваъзхонлик бўлмаслиги учун, бу борада биздаги аҳвол билан Гуржистондаги аҳволни солиштирамиз. Гуржистондаги биронта ҳам олий ўқув юртида рус тили ва адабиёти ўқитувчиси тайёрланмайди. Республика пойтахти Тбилисидаги жаъми 1020 мактабнинг 18 тасида рус тили ўқитилади, холос. Қолган мактабларда рус тили умуман ўқитилмайди. Бизда эса 14 та педагогика олий ўқув юртида, учта университетда рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрланиши, барча мактабларимизда рус тили ўқитилиши, бундан ташқари республикамизда рус тилини ўқитишни тубдан яхшилашга бағишланган илмий-назарий, амалий-методик конференциялар тез-тез ўтказиб турилишига қарамай, ўзбек ёшлари рус тилини билиш жиҳатидан фақат грузин ёшларидангина эмас, балки бошқа миллат ёшларидан ҳам орқада турадилар. Бу факт расман тан олинган. Бу камчиликнинг бош сабаби, менимча, ёшларимизга аввало ўз она тили ва адабиётлари ёмон ўқитилишдадир. Иккинчидан эса, республика аҳолиси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кўпгина соҳаларида, шу жумладан, умумий маданий савия жиҳатидан бошқа республикалардан анча орқадалигидадир. Пахта яккақоқимлиги оқибатида турғунлик йилларида болаларимиз колхозчиларнинг «резервдаги армияси»га айланиб, чаласавод бўлиб қолганликлари сир эмас.

Мактаб ва олий ўқув юртлирида ўзбек ва рус тилларини ўқитишга нисбатан бўлган икки хил муносабатни қуйидаги фактлар яққол кўрсатади. Ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш биринчи синфдан бошланади. Рус мактабларида ўзбек тилини ўқитиш эса учинчи, ўн бир йиллик ўқув программаси бўйича эса тўртинчи синфдан бошланади. Ўзбек мактабларида рус тили ва адабиётини ўқитиш учун бутун ўн йиллик давомида 1645 соат вақт ажратилади ва ўқиш жараёнида ҳар бир синф икки кичик группага бўлиб ўқитилади. Ҳар икки кичик группа ажратилган соатлар қўшиб ҳисобланса, рус тили ва адабиётини ўрганишга ажратилган вақт 3290 соатга тенг бўлади. Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш учун жаъми 560 соат ажратилган. Бундан ташқари ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётганда синфлар кичик группаларга бўлинмайди.

саёз бола илм олиши керакми ёки тил ўрганиши керакми? Кишида сиёсий ва илмий дунёқарашни шакллантирадиган фанларни қишлоқдан келган, рус тилида оддий сўзлашув малакасига ҳам эга бўлмаган биринчи курс студентларига рус тилида ўқитиб, қанақа маҳсулот олишни мўлжаллаяпмиз?

Қишлоқ мактабларининг аҳволи ҳақида кўп ёзилди, кўп гапирилди. Шундай бўлгач, қишлоқ ёшлари шаҳарга жилла қўрса шаҳарга келгач дурустроқ билим олишсин. Уларга малакали олимлар ўзбек тилида юқори савияда маърузалар қилсин, амалий машғулотлар ташкил этишсин. Ахир халқ хўжалиги институти рус тилидан мутахассислар тайёрлайдиган ўқув даргоҳи эмаску. Юқоридаги эксперимент ҳаёт синовидан ўтолмади ва 1988 йилнинг ўзида бекор қилинди.

1981—1987 йиллар давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари ёзган илмий асарларнинг фақат 8 процентигина ўзбек тилида чоп этилди. 1983—1987 йиллар давомида Тошкентдаги «Медицина» нашриёти медицина олий ўқув юртлари учун фақат биттагина қўлланма нашр этди. Агар «Медицина» нашриёти бўлажак медиклар учун ўзбек тилида дарслиklar, қўлланмалар нашр этмаса, нимани нашр этиши керак Ундан бу вазифа соқит қилинса, мазкур нашриётга республикада эҳтиёж қоладими? Рус тилидаги медицинага оид қўлланма ва дарслиklarни иттифоқ миқёсидаги нашриётлар ҳам етказиб бера олади-ку.

Умуман республикамизда ўзбек тилида нашр этилаётган китоблар бошқа республикалардагига нисбатан кам. Мана, баъзи рақамлар. 1940 йилда республикамизда ўзбек тилида 660 китоб нашр этилганда ўзбеклар 4 миллион эди. Ҳозир ўзбеклар 14 миллиондан ошиб кетди. 1986 йилда республикамизда ўзбек тилида бор-йўғи 947 та китоб нашр этилди. Бундан ташқари кейинги даврда республикамизда ўзбек тилида нашр этилаётган китоблар кўпайиш ўрнига камайиб бормоқда. Масалан, 1979 йилда ўзбек тилида 1058 та, 1985 йилда 982 та китоб нашр этилганди, 1986 йилда бу рақам 947 тага тушиб қолди.

Энди таққослаш учун баъзи иттифоқдош республикалардаги кўрсаткичларни келтираимиз. 1986 йилда 3.571 минг гуржи, 2.851 минг литвалик, 1.020 минг эстон бор эди. Мазкур республикаларда миллий тилда китоб чиқариш 1960 йил билан таққослаганда 1986 йилда қуйидагича ўсди:


	1960 йилда	1986 йилда
Гуржистон	1382	1762
Литва	1270	2.037
Эстония	1304	1.420

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мазкур республикаларда миллий тилларда нашр этилаётган китоблар муттасил ошиб бормоқда. Бизда эса аксинча, ўзбек китобхони йил сайин кўпайиб бормоқдаю, ўзбекча китоблар нашри камаймоқда. Хўш, нега бундай бўлмоқда? Инсоф билан айтганда бу адолатдан эмас-ку, ахир.

Хуллас, кейинги 40—50 йил мобайнида республикамизда ўзбек тилига эътибор камайиб кетди. Бу эса эртадир-кечдир, хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, кейинги етмиш йил мобайнида алфавитнинг кетма-кет уч марта алмаштирилиши натижада тилимиз, кўхна маданиятимиз ўзининг тарихий илдишларидан маҳрум бўлиб, ёш авлоднинг ўтмишдан қолган бой маданий меросни ўқиб-ўрганиш имкониятлари чеклаб қўйилди. Бундан ташқари бу даврда ўтмиш маданияти бизга яқин бўлган араб, форс тилларини ёшларга ўргатишга эътибор ҳам усайди. Шу ўринда филология фанлари кандидати Н. Жумаевнинг 1988 йил 2 декабрда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган «Элга эътибор — тилга эътибор» мақоласидаги қуйидаги фикрлар жуда қимматлидир: «Кўп тиллилик асрлар мобайнида халқимизнинг маданий раванқини таъминлаб келган. Шу фазилат эътибори ўзбек, форс, тожик, араб тилларида «бой илмий-маданий меросимиз яратилган. Лекин ўтмишдаги салбий ҳодисалар туфайли зулмасонайликнинг бундай кўринишларидан ажралаёздик. Оқибатда бир пайтлар халқимиз эркин гаплашган ва ижод қилган форс, араб тилларини чет тили сифатида ўргана бошладик. Ҳозир мазкур тилларда ижод қилиш нари турсин, мавжуд маданий мерос намуналарини ўқиб-ўрганишга қийналаётимиз... Кўпгина районларда яшаётган араблар ўз она тилларини унутиб юбордилар ёки унутиш арафасида турибдилар».

Дарвоқе, республикамизда чет тилларни ўрганиш борасида ҳам ҳамма иш кўнгилдагидек деб бўлмайти. Негадир биз чет тиллар деганда фақат Европа мамлакатлари халқлари тилларини: инглиз, француз, немис, испан тилларини ўрганишни тушунамиз, холос. Бизга қадимдан маданияти, дини, урф-одатлари яқин бўлган Шарқ халқлари тилларини? Нега энди биз араб, форс, ҳинд, хитой тилларини кенг миқёсда ўрганмаслигимиз керак? Масалан, республикамиз мактабларида араб тилини кенг миқёсда ўрганишни йўлга қўйиш бир пайтнинг ўзида икки масалани ижобий ҳал қилишга имконият яратган бўлур эди. Биринчидан, қўшни араб мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш мумкин бўлади. Иккинчидан, халқимизнинг бой тарихини атрофлича ўрганадиган кўплаб мутахассисларга эга бўлишимиз осонлашарди. Минг афсуски, қадимий қўлёмаларнинг аксарият қисми араб ва форс тилларида ёзилганлигидан, уларни оддий кишилар у ёқда турсин, ҳатто олимларимизнинг кўпчилиги ҳам ўқигишга қийналашади.

Тил сиёсатидаги хато ва камчиликлар миллий ҳис-туйғуларга таъсир қилмасдан қолмайди ва у кундалик ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда турли йўсинда ифодаланади. Шундай экан биз кўп миллатли мамлакатда яшаётганлигимизни яхши англаган ҳолда, миллий сиёсат, хусусан, тил сиёсати бобидаги хато ва камчиликларимизга очиқ кўз билан қарашимиз ва уларни тузатиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилашимиз керак. Қардош халқларимиз бирлигини мустаҳкамлаш манфаатлари, жамиятни социалистик асосда қайта қуриш манфаатлари, ер юзида социализмнинг тақдирини, манфаатлари шуни тақозо этади.



ҚРИМДАН ХАТ

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ПАРТИЗАНЛАР

Улуғ Ватан урушида иштирок этган, шаҳид кетган ҳар бир одамнинг қисмати бизга маълумми? Айрим тақдирлар борки, уларнинг жанговар фаолияти ҳақида собиқ қуролдошларидан бошқа ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Кўплаб аскарларимиз илк жангдаёқ ҳалок бўлди, немислар қўлига асир тушди. Лекин бепоён мамлакатимизни немис фашистлари чангалидан сақлашда фидойилик кўрсатган ҳар бир жангчининг номи беиз кетмаслиги керак. Биз, Қримни озод этишда кўплаб юртдошларингиз хизмат қилганини биламиз. Балки, уларнинг тақдири сизга маълумдир, балки... Шундай бўлса-да, собиқ партизанлар ҳақида кўп бор изландик, изланишларимиз натижаси билан сизни ҳам таништирмоққа жазм этдик. Зеро, Ватан озодлиги йўлида жон берган қуролдош дўстлари фаолиятини билганича элдошларига сўзлаб бериш тирикларнинг бурчидир. Бу партизанлар кимлар эди, улар қайси жасоратлари билан диққатни тортади? Биз айнан шу саволларга жавоб топишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Аввало қрим партизанлари ҳаракат қилган шарт-шароитлар ҳусусида икки оғиз сўз: урушга қадар қримликлар бир оиланинг фарзандлари каби тинч-тотув яшашарди — ялпи аҳолининг 50 фойизини руслар, 19 фойизини қрим татарлари, 14 фойизини украинлар, қолганини эса арманлар, греклар, булгорлар ва қозон татарлари ташкил этарди. Мамлакатимиз бошига тушган қора йилнинг ноябрь ойидаёқ фашистлар ярим оролни босиб олиб, ўз «тегирмон тошларини юргизаётган» эди: жаллодлар тез орада кўплаб аҳоли пунктларини таъбларига мослаб номладилар, лекин Қримни Ҳотенланд деб аташга улгуролмадилар ва бу гўшадан татарларни зўрлаб ҳайдаб чиқариб, соф немис музофоти қилиш мўлжалига эриша олмадилар. Шу ниятда улар 127 татар, рус, греклар истиқомат қилаётган қишлоқларни яқсон этиб, 220 минг туб аҳолини каторгаларга сургун қилдилар. Аммо қримликларнинг ва бошқа қардош халқларнинг Қрим АССРни фашист қонхўрларидан батамом озод этиш курашига булар қаршилик кўрсатолмади.

Босқинчиларга қарши курашда Қрим АССР партия ташкилоти ташкил этган ва раҳбарлик қилган партизанлик ҳаракатининг ҳиссаси салмоқли бўлди. ВКП(б) Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига таянган маҳаллий партия ташкилотларининг биринчи котибларидан В. Булатов, Б. Борисов, А. Зекерья, Я. Сеитов, В. Муртазов, Т. Каплун ва бошқаларнинг саяёҳ-ҳаракатлари туфайли йигирмадан зиёд партизанлик отрядлари тузилади. Отрядлар маъмурий-сўсий кадрлар, озиқ-овқат ва қурол-яроғ билан таъминланади. Халқ қасоскорларининг сафи Украинадаги қирувчи жангчилар, шунингдек, қамал қилинган Севастополга киролмай қолган ҳарбий хизматчилар билан кенгайиб борди. 1941 йилнинг ноябрь ойида Қрим ўрмонларида 300 дан ортиқ партизан, 1300 дан ортиқ ҳарбий хизматчи ҳаракат қилардики, улар орасида ўзбек биродарларимизнинг тутган ўрни алоҳида қимматга эга. Қрим қамали 900 кун (1941 йил ноябрь — 1944 йил апрель) давом этди ва ҳарбий шарт-шароитлар тақозосига кўра партизанлар отрядлари структураси, топшиқлари ва мақсадлари ўзгариб турган, шу боисдан ярим оролдаги партизанлик ҳаракатини уч даврга бўлиб ўрганиш зарур; биринчиси (1941 й., ноябрь — 1942 й., июнь), иккинчиси (1942 й., июль — 1943 й., октябрь), учинчиси (1943 й., ноябрь — 1944 й., апрель).

1942 йилнинг эзида ҳарбий хизматчилар сони илгаригисига нисбатан 60 фойизга ошадики, бу ўсиш партизанлар ҳаракати сафига парашютчилар десантидан қолганлари (улар орасида Ураим Йўлдошев ҳам бор эди) ва Судак десанти қўшилгани билан изоҳланади. Биринчи давр мобайнида партизанларнинг асосий вазифаси Севастополь ва Керчь ярим ороли ҳимоячиларига ҳар тарафлама ёрдам беришга қаратилган эди, оқибатда душманининг иккита дивизиясини алаҳситиб туришга муваффақ бўлдилар. Бу давр мобайнида партизанлар фашистларнинг алоқа йўллари ва ҳарбий объектларига 652 та жанговар операциялар ўтказишди, тоғларда эса кунига уч маротабадан зарба беришга улгуриб, 12400 гитлерчини яқсон қилишди, 1540 автомобиль, 5 темир йўл эшелони, 5 танк ва 25 от-аравасини ишдан чиқаришди.

Босқинчиларга қарши курашда юзлаб партизанлар жон узганини айтмасдан илож йўқ. Улар орасида рус Н. Медведев, қрим татар Р. Маметов, украин Я. Бондаренко, грек К. Спаң, ўзбек П. Едгоров каби ўнлаб кишилар очликдан нобуд бўлишган. Б. Хўжаев эса ташналик туфайли ҳаёт билан видолашди. Булар ҳақида Қрим область партия комитети архивида сақланаётган партизанлар рўйхатида ва бир қатор партизанлар ҳаракатининг раҳбарлари кундалигида ёзиб қолдирилган.

Партизанлар ҳаракатига раҳбарлар саралашга партия комитети ўз вақтида эътибор берганида йўқотишлар кам бўлур эди. Худди шундай фикр Қрим область партия комитетининг 1942 йил 18 ноябрдаги бюроси протоколида ҳам қайд этилган: «Партизан отрядларини тузиш жараёнида жиддий хатоларга йўл қўйилди, бу хато область миқёсидаги раҳбар ўртоқлар, айниқса маҳаллий татар ходимлардан ҳеч ким ўрмонда қолдирилмаганида сезилди, марказнинг собиқ комиссари, ВКП(б) область комитетининг бюроси аъзоллигига кандидат ўртоқ Мартинов эса ўзига ВКП(б) область комитети томонидан юкланган топшиқини уддалай олмади, партизанлар отряди раҳбарларидан ажралиб қолиб, ҳақиқий аҳволни билмай туриб, ВКП(б) область комитетига Қрим татарлари масаласида нотўғри хабарлар берган... Қрим партизанлик ҳаракатига эпақасиз,

шашқалоқ ва партизанлар ҳаракатига раҳбарлик қилишга нолойиқ Мокроусовни командир этиб тайинлаган ВКП(б) область комитетининг кечирилмас хатосини кўрсатиб ўтиш керак... Фашистлар томонидан озиқ-овқат базалари талон-тароҷ қилиниши маҳаллий аҳолининг кафандузлиги, деб баҳоланди ва ўрмонда пайдо бўлган ҳар бир киши этиб ташланаверилди».

Бироқ йўл қўйилган хатоларга қарамасдан Қрим партизанлари босқинчиларга қарши курашда мислсиз қаҳрамонлик, қатъият ва мардлик хислатларини намоён этдилар. Бу жабҳада ўзбек партизанларининг қўшган улуши ниҳоятда қимматлидир.

Алуштага олиб борадиган йўлнинг Ангор довоидаги 27-чақиримида «Партизанлар телпаги» деган ўзига хос ёдгорлик қад ростлаган. Ёдгорлик тошдан йўнилган, тархи эса папахага ўхшаб кетадики, ёнидаги тошга 26 партизаннинг, жумладан, Ураим Йўлдошевнинг ҳам фамилияси йўйи ёзилган. Ураим Йўлдошев жасорати Е. ва В. Шамкониинг «Халқ жасорати излари бўйлаб» китобида ҳам кенг ёритилган.

Ураим Йўлдошев уруш бошлангунга қадар Фарғонада яшаган, партия аъзолигига ўтган. У 1942 йилнинг январь ойи охирида Совет қўмондонлигининг муҳим топшириғи билан бошқа десантчилар қатори Қрим ўрмонларига жўнатилган, лекин гуруҳнинг кўп аъзолари фашистлар томонидан қириб ташланган. Шу боисдан ўзи командирлик қилган отряди билан партизанларга қўшилмоғи зарур эди. Шу отряднинг партизани Е. Шамко «Фарғоналик шоввоз» очеркида қуйидагиларни ёзади: «Биринчи бор Йўлдошев бошчилигидаги уч кишилик кичкинагина гуруҳимиз мустақил топшириқ олди: Симферополь — Алушта шоссесини қамалга олишимиз керак эди. Қоронғилик тушиши билан йўлга чиқдик. Ураим ҳаммамизга ниқобланишни буюрди, ўзи эса тоғдан тушиб, шоссе ўртасига фугас (портловчи модданиннг заряди) ўрнатди. Детонатор (портловчи модда) капсулларини ушлаб турадиган чеккасига парашют ипларини улаб, харсангга қадар чўзиб келди, ўзи ҳам унинг ортига яшириниб олди. Кўп кутиб ўтирмадик. Аввалига мотоцикл, бир неча дақиқа ўтгач, ортидан автобус кўринди. Ураим арқонни тортиб юборди, атрофни қулоқни батанг қиладиган портлаш овози тутиб кетди. Автобус аста-секин энгаша бошлади. Шу заҳоти вадавонг ўққа тутди. 12 фашист ер тишлади. Хужжатларини, қурол-ярғларини тортиб олгач базага ҳеч қандай шикастсиз этиб келдик.

Бир неча кун ўтгач Ураим Йўлдошев қурол-ярғ сақланаётган омборхона портлатилганини хабар берди.

Март ойидан бошлаб отряд Боқсан қишлоғидаги (ҳозирги Межгорье) душман гарнизонини мажақлаб ташлаш тўғрисида жанговар операцияни ишлаб чиқди. 8 март куни кечаси отряд тўла составда ўт очиш чегарасини эгаллади. Қўққисдан ҳужум қилиш, жанговарлик, қатъиятни мезон қилиб олди. Иш ўйлаганимиздай кечди... Бу жангда душман катта талофат кўрди: 40 дан зиёд фашист жон таслим қилди... Ураим Йўлдошев ана шу жангдан кейин гуруҳ командири этиб тайинланди».

Ураим Йўлдошев 1942 йилнинг июль ойида ўз ўртоқларини ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган. Бу воқеа қуйидагича кечган: «Унинг олти кишидан иборат группаси ўн соат мобайнида тенгсиз жанг олиб боради. Патронлар тугаши билан Йўлдошев ўртоқларига бу ердан кетишни буюради, ўзи эса душманин тутиб туришга қарор қилади. У руминларга ташланиб улар билан пичоқбозлик қилади. Уларнинг бири Ураимнинг қўлидан пичоғини тепиб туширади. Шунда Ураим солдатлардан бирини ушлаб олиб бўға бошлайди. Айти пайтда автоматдан кетма-кет узилган ўқлар уни ҳалок этади». Бу сатрлар И. Генонинг 1963 йил нашр этилган «Партизан кундалиги» китобидан олинди.

УССР Олий Совети Президиумининг Фармонида биноан Ураим Йўлдошев 1968 йилнинг 29 мартида ўлимидан сўнг «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланади.

Киров отрядида ҳам кўплаб ўзбек фарзандлари жанг қилган. 1942 йилнинг кўкламада бу отрядга Керчь-Феодосия десантининг лейтенанти Н. Котельников бошчилигидаги ҳарбий хизматчилари келиб қўшилади. Мен бу киши билан кўп бор суҳбатлашганман. У жанглардаги жасорати учун Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган юртдошингиз, кичик лейтенант Хушбеков (афсуски исмини эслай олмайдими) фаолиятини тузуқкина ҳикоя қилиб берди. У айтган маълумотга таянадиган бўлсак, Хушбеков қирқ иккинчи йилнинг 27 декабрида хизмат вазифасини ўтаётганида вафот этади. Умид қиламизки, Хушбековнинг қариндошлари ёки танишлари бу сатрлардан хабар топса, бизга маълум қиладилар.

Бошқа отрядлар каби Қорасувбозор отряди партизанлари ҳам турли миллат вакилларидан ташкил топганди. Отряд командири рус В. Тимохин, комиссари яхудий Т. Каплун, разведка бошлиғи қрим татар Х. Кадиев, партия ташкилоти секретари татар Г. Хайрединов эди. Асосан ҳарбий хизматчилардан иборат бўлган бу отрядда ўзбек Бозор Хўжаев ҳам бор эди. У жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Б. Хўжаевнинг фашист босқинчилари билан олиб борган жангини отряд командиридан бири А. Костилев қуйидагича хотирлайди: «Иккинчи куни ҳам улар базани қўлга киритишга уриндилар. Бу гал қўл остимда 11 киши бор эди. Пулемётчи Хўжаевнинг жасурлиги, аиниқса таҳсинга сазовор». Шунинг таъкидлаш керакки, Қорасувбозор отряди фашист газандаларига қарши 60 га яқин жанг олиб борди, бу фидойиликда ўзбек халқининг шавкатли ўғлони, коммунист Бозор Хўжаев алоҳида ажралиб туради. Бу аскарнинг қаҳрамонона хизмати Қрим области шаҳар ва қишлоқлари тарихи китобида қайд этилган.

Таассуф билан айтиш жоизки, ҳозирга қадар кўплаб партизан отрядларининг жанговар ва сиёсий фаолияти ўрганилган эмас. Шу сабабдан ҳам, ўзбек партизанлари иштирок этган отрядлар фаолияти ҳақида қисқача тўхтаб ўтишга, эшитганларимизни айтиб беришга мажбур бўлялмиз. Бу жиҳатдан ҳозир Симферополда истиқомат қилаётган Евгений Данилович Кисилёв командирлигидаги Жонкой отряди тарихи истиснодир. Собиқ командир отряднинг шаклланишдан тортиб, олиб борган жангларига батафсил сўзлаб берди... Отрядда 118 киши бўлиб, улар орасида Ёдгоров деган ўзбек фарзанди ҳам иштирок этган. Кисилёвнинг таъкидлашича, Ёдгоров партия аъзолигига номзод бўлган, отрядга келгунга қадар Совет Армияси сафида хизмат қилган, кейин Д. Исаев командирлигидаги Қизил армия партизанлари сафига келиб қўшилган. У 1942 йилнинг 19 февралда румин оккупантларига қарши курашда ҳалок бўлади. Шунга қадар Жонкой отряди

немис-румин диверсантларига қарши икки юздан зиёд жанг олиб борган, ўнлаб автомашиналарни ишдан чиқарган, ўлжа олган, кўплаб солдат ва офицерларни асирга туширган.

Партизан ҳарбий хизматчилари орасида кўплаб Урта Осиё халқлари вакиллари бор эди: афсуски, уларнинг миллатини, туғилган жойини аниқлаш имкони бўлмапти. Мана уларнинг фамилияси: Зокиров, Мадиев, (иккалови ҳам 1942 йилнинг ёзида Катта ерга эвакуация қилинган) Ҳусайн Расулов, А. Иброҳимов, Болтабоев, лейтенант Узенбоев.

Қримдаги партизанлик ҳаракатининг биринчи даврида яна бир юртдошларингиз, 1910 йилда туғилган, партия аъзоси, мағлубиятга учраган Судак десантининг отряд командирларидан бири Никсан Низоновнинг фаолияти алоҳида таъкидлаш керак. У 1942 йилнинг ёзида Катта ерга эвакуация қилинган бўлса-да, уни қидириб топишнинг иложи бўлмади. Ўзбекистон КП Марказий Комитетига йўллаган сўров хатимизга республика ҳарбий комиссарининг ўринбосари П. Ражабов номидан жавоб олдик: «Сизнинг хатингизда қайд этилган масала буйича хабар берамизки, Низонов Никсан Низанович ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз. СССР Мудофаа министрлиги ГУКидан сўров қилиниш учун Сизга бу масалада маҳаллий район ҳарбий комиссариатига мурожаат этишни маслаҳат берамиз, шундагина Сизнинг қидирувларингиз энгиллашади. 3.2.87. № 3/148». Ўзбекистонлик қардошларимиз бу кишини танисалар, билсалар, бизга хабар қиладилар, деб умид қиламиз.

Низоновнинг фаолияти ҳақида нималарни биламиз? Катта ерга эвакуация қилинганида, у билан Қримдаги партизанлик ҳаракати штабининг бошлиғи, обкомнинг биринчи котиби В. Булатов шахсан суҳбатлашган экан. Суҳбат стенограммаси эса Қрим область партия комитети архивида сақланиб қолган: — ф. 151. Оп. 151. ед. хр. 134., аммо орадан қирқ беш йилдан зиёд вақт ўтган эса-да, бу материалларни кўришга руҳсат берилган эмас... Биз эса муҳтарам журналхонларимизни собиқ Жонкой отрядининг комиссари Е. Кисилёвнинг 2-партизанлик отряди район бошлиғига йўллаган доклад ёзуви нусхаси билан таништиришимиз мумкин: «...Сизнинг буйруғингизга биноан Низонов ва Смирнов отрядига бизнинг отряддан 4 аёл юборилмоқда. Юборилаётганлар: 1. Чабанова Вера — Смирнов отрядига. 2. Шох Зинаида — Низонов отрядига... 23.4.1942 й.»

1942 йилнинг ёзида Совет қўмондонлиги ва Қрим область партия комитети А. Мокроусов ва унинг ўринбосари С. Мартиновни жиддий хатоларга йўл қўйгани учун вазифасидан олиб ташлади. Ана шу пайтдан бошлаб, Қримда партизанлик ҳаракатининг иккинчи босқичи бошланди, кўплаб бемор ва ярадор партизанлар эвакуация қилинди, ўрмонларда эса 400 дан зиёд киши қолдики, улар олти отрядга бирлашиб жанг олиб борди. 1943 йил ёзига қадар партизанлар ҳаракатида область партия комитети секретарлари П. Ямпольский ва Р. Мустафоев раҳбарлик қилди, отрядлар бошида эса немис газандаларига қарши кураш ҳадисини олган жўмард жангчилар Л. Вихман, Н. Билялов, В. Кузнецов, Ф. Соловей ва бошқа коммунистлар турдилар. Бу отрядларда мамлакатимизнинг турли миллати вакиллари иш олиб бордилар.

Юқорида таъкидланганидек, Киров отрядида кичик лейтенант Хушбеков бўлиб, у хизматнинг иккинчи муҳлатига ҳам қолган эди. У кўплаб жангларда иштирок этиб, ўнлаб гестапочиларни ер тишлатди. Хушбеков ҳалокатга учраган жангни Е. Шамко куйидагича хотирлайди: «Душман 1942 йилнинг 27 декабрида ўрмоннинг иккинчи секторини тозалаб чиқишга киришди. Гитлерчилар бир ҳовуч партизанларга қарши уч мингга яқин солдатини ташлади. Жангчилар ва командирлар жон-жаҳди билан қарши кураш олиб бордилар. Икки соат ўтгач, ўқларимиз тугаб қолди. Душман ҳамласини бартараф этиш учун партизанлар ҳужумга ўтдилар. Фашистлар бир неча қути патрон ва гранаталарини, бир қанча қуролини ташлаб ортага чекиндилар. Ўқларни эгаллаб олган партизанлар жангни давом эттиравердилар. Олишув ўн соатча давом этди. Партизанлар кўплаб фашист солдатларини яқсон қилса-да, ўзлари ҳам анчагина талофат кўрдилар — 14 киши ҳалок бўлди, 27 киши ярадор бўлди. Қоронғи тушиши билан партизанлар қуршовдан чиқиб, ўрмоннинг биринчи секторига қараб йўл олдилар».

Ўзбекистонлик партизанлар разведка ишларида ҳам фаоллик кўрсатганлар. Обкомнинг яширин секретари Р. Мустафоевнинг кундалигида ўзбек Салимовнинг партизанлик группасида фаол иштирок этгани қайд этилади: «1942 йил 6 декабрь. Аматы, Салимов иккови разведкадан қайтиб келишди. Улар Совет ҳукуматида халқнинг меҳри юксак эканидан гапириб берди». Афсуски, бу йигитнинг ҳам исмини аниқлай олмадик, у 1943 йилнинг бошларида гестапочилар қамоқхонасида қатл этилган.

1943 йилнинг кузида Қрим область партия комитетининг секретари Мустафо Селимов билан биргаликда Қримга навбатдаги партизанлар гуруҳи юборилади, улар орасида эса Абдурахмонов деган юртдошларингиз ҳам бор эди. Абдурахмоновнинг жанговар ишлари ҳақида уша йиллардаги ҳужжатларда ёзиб қолдирилган:

«23.7.43. 7-қўпоровчи отряднинг ўрт. Урсал командирлигидаги гуруҳи (Миленко, Абдурахмонов, Аверьянов) топшириқ олиб кетди...»

28.7.43. 7-отряднинг қўпоровчи гуруҳи топшириқдан эрталаб қайтиб келди. Бу гуруҳ Олма — Симферополь районида 26.7.43 да поездни ағдарди. Ағдарилиш натижаларини разведка орқали ўрганамиз». Бу далиллар Қрим партизанлик ҳаракати қўмондони вазифасини бажарувчи Д. Ермаковнинг кундалигидан олинди. Ўрмондан Катта ерга жўнатилган радиogramмада эса куйидаги ёзувларга кўзимиз тушди:

«3. 8.43 й. № 479. Булатовга:

Разведкамиз орқали билдикки, қўпоровчилик гуруҳимизда Урсал — командир, жангчилар — Абдурахмонов, Миленко, Аверьянов 26 июль куни Олма — Симферополь йўлида кечаси ҳарбий эшелонни издан чиқарган, натижада — паровоз, 21 вагон, 12 та ҳар хил турдаги милтиқ, 5 миномёт, 9 пулемёт мажақланган. Власовчилардан таркиб топган 315 офицер ва аскар қириб ташланган. Македонский, Селимов, Витенко».

Партизанлик ҳаракатининг иккинчи даврида 60 ҳарбий эшелон, 6500 фашист газандалари яқсон этилганини, бунда ўзбек партизанларининг катта ҳисса кўшганини четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Бу давр партизанлик ҳаракатининг энг оғир кунларидир. Айнан шу даврда кўплаб партизанлар очлиқдан вафот этдилар. 1942 йилнинг ноябрдан — 1943 йилнинг июлига қадар 80 партизан шу тахлит кўз юмди. 50 дан ошиқ жангчи дом-дараксиз йўқолди. Д. Ермаковнинг

кундалигида партизанлар госпиталида ишлаётган Абдуллаев деган ўзбек ҳам борлигини қайд этиб ўтиш зарурдир.

Крим партизанлик ҳаракатининг учинчи даврида қанча ўзбек партизани иштирок этгани ҳақида аниқ маълумотларга эгамиз. СССР Фанлар Академиясининг тарих институти илмий архивида сақланаётган 2 фонд. 10 ёзув, 51-б., иш 4—5-бетларида Қримда 3453 партизан бўлиб, уларнинг мингга яқини туб аҳолидан бошқа миллат вакиллари эди. Шулардан 8 киши ўзбеклар бўлган.

Таъкидлаш керакки, бу маълумотлар 1944 йилнинг 15 январига қадар олинган бўлиб, бунгача ҳалок бўлган ва бедарак кетган партизанлар ҳисобга кирмаган. Юқорида тилга олинган далилда ҳар бир ўзбек фарзандлари ҳақида аниқланган маълумотлар мавжуд. Масалан, биринчи бригадада 2, учинчида 1, тўртинчида 3 та аскар бўлган. Аммо улар кимлар эди? Уларнинг жанговар хизмати қай йўсинда борди? Тақдирини-чи?

4-бригададаги беш партизаннинг бири Абдурахмоновдир. Қолган тўрттаси ҳақида Ялтада босиладиган «Курортная газета»нинг 1965 йил 21 март сониди чоп этилган А. Неживенковнинг «Жанговар бешлик» очеркида маълумотлар учрайди: «Соқчини ушлаш учун (ҳарбий асирларни озод қилиш операцияси вақтида — Р. М.) ўзбек Пурмамбетов киришди, у ўрмонга келгунига қадар кавалерия дивизиясида хизмат қилган...

— Кетдик! — дея шивирлади Пурмамбетов ва ўзи олдинга қараб эмаклай кетди.

Абжирлик билан сакраб, фашистни қўлга олишди. Пурмамбетов тезда гитлерчи босқинчининг формасини ечишга киришди, гитлерчи кийимини кийволиб, автоматини ўқталиб, иккинчи соқчи олдида дадиллик билан яқинлашарди. Партизан бу соқчини ҳам қўлга олди.

Қоровулни қуролсизлантириб, жасур бешлик лагерь территориясига киришга улгурди... Эрталаб халқ қасоскорлари сафига юзлаб янги дўстлар келиб қўшилди».

4-бригададаги учинчи партизан исм-шарифини 10-отряд жангчилари рўйхатида учратиб қолдик. Бу киши 1944 йил, 23 февралда ҳарбий қасамёд қабул қилган С. Фанихўжаев эди. Биз Фанихўжаев ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун бундан анча йил олдин Краснодар ўлкасидаги Кримск шаҳрида истиқомат қилаётган отряд комиссари бўлган Серажитдин Менажиевга мурожаат қилдик, аммо у киши аниқ бир нарса дея олмади. У киши С. Фанихўжаев Урта Осие халқларидан таркиб топган ва «Красний» совхозида сақланаётган ҳарбий асирлар орасидан келиб қўшилган эди, деган тахмин гапни айтди. Босқинчилар бу собиқ аскарларни ёрдамчи қўшин сифатида тутиб турган эди. Дарвоқе, уларнинг ақсари яши сал имконият туғилиши билан масалан, крим-татар шоираси Эшреф Шеъмизада-Зелихийга қувё бўлган ўзбек жангчиси каби партизанлар ва подпольечилар сафига келиб қўшилдилар. (Бу халқ қасоскори муҳим топшириқни бажаришда фашистлар қўлига тушиб қолади ва уларнинг қамоқхонасида ҳалок бўлади.)

Тўртинчи бригададаги ўзбекнинг исми шарифини 8-отряд партизанлари рўйхатидан топдик. (Бу киши Рузи Жўраев эди. Бу партизан 1919 йилда туғилган бўлиб, урушга қадар Тошкент шаҳридаги Черчиқ-сарой (Урта-сарой бўлса керак.— ред.) райониди яшаган, отрядга эса Севастополдан келиб қўшилган. Афсуски, унинг кейинги тақдирини номаълум. Биз унинг Қрим озод этилгунга қадар партизанлик қилиб, отряд аъзолари ўтказган ҳар бир операцияда иштирок этганидан хабаримиз бор. Отряд командирини ҳозир Озарбайжон ССРнинг Кировобад шаҳрида яшаётган М. Алиевнинг қўлида сақланаётган 8-партизанлик отрядининг қисқача тарихида қуйидаги сатрларни учратдик: «1943 йилнинг 19—20 декабрида отряд Алиев Мамед ва Гажиев Соҳиб (штаб бошлиғи — Р. М.) Озенбаш райониди асосий маррани эгаллаб, душманнинг артиллерия аслаҳалари ва бронемашиналар билан қуролланган икки полкига қарши жангга киришди. Жанг уч кун давом этди. Бу орада душман қишлоққа ёриб киролмади. Аммо душманнинг Коуш, Стил ва Кременчук, чап қанотдаги Багатур, Махулдур томонидан уюштирилган ҳужуми қўшинларимизни (9,10-отрядлар) ҳолдан тойдирди. Отряд қуршовда қолганини кўргач, тезда қарор қабул қилдик, командир қуршовдан олиб чиқилди... Бу жангда 222 немис-румун солдатлари ер тишлади.

Отряд партизанлари уруш давомида душман гарнизонларига етти бор ҳужум уюштирдилар, 25 бор душман гуруҳларига ва транспортларига қўққис ҳужум қилиниб, душманнинг 1226 солдат ва офицери қириб ташланди, 23 автомашинаси яроқсиз қолга келтирилди...»


Биз 1-бригададаги партизан-ўзбеклар исми-шарифини ҳам аниқлашга муяссар бўлдик. Улардан бири 1918 йилда туғилган Содиқ Раҳимов саналиб, 1943 йилнинг августида асирликдаги бригадани 2-отрядга келган эди. У 1944 йилга қадар бир қатор жангларда иштирок қилган. Аммо у 1944 йил январь ойида социалистик Ватанимизни ҳимоя қилиш чоғида дом-дараксиз кетган.

Яна бир ўзбек партизанини эса шу бригаданин 18-отряди аъзолари рўйхатидан топдик. Бу Тошбоев деган киши бўлиб, 1943 йил охири 1944 йилнинг бошларида душманнинг катта кучига қаршилик кўрсатаётганда бедарак йўқолган. Бу партизан ҳақида биз бошқа маълумотлар тополмадик.

Умуман, Қримдаги партизанлик ҳаракатида элликдан ошиқ миллат вакили қатнашиб, улар фашистларга қарши 252 марта жанг олиб борди, душманнинг алоқа йўллари бўйлаб 1632 та операция ўтказди, 33 мингдан зиёд солдат ва офицерларни асирга олди, ер тишлатди, кўплаб ҳарбий техникаси, қурол-яроғларини мажақлаб ташладик, бунда ўзбек халқининг шавкатли фарзандлари қўшган улуш салмоқлидир. Шу боисдан ҳам «Қрим тарихи бўйича очерклар», Е. ва В. Шамконинг Қримдаги партизанлик ҳаракатига бағишланган китобида ўзбек партизанларининг жанговар фаолияти ҳақида илиқ сатрлар мавжуддир.

Рефик МУЗАФФАРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

Сиз журналхонлардан, юқорида зикр этилган партизанлар ҳақидаги билган маълумотларингизни қуйидаги адресга ёзиб юборишларингизни илтимос қиламиз. **334804. Феодосия шаҳри. Приморский посёлкаси. Советская кўчаси, 11-уй, 4-кв. Музаффаров Р.**



Абдушукур Хоназаров

ДАРАХТ—ЕРНИНГ ЛИБОСИ

Ўрмонлар, умуман ўсимлик дунёсининг инсон ҳаётидаги ўрни бебаҳодир. Улар ҳавони тозалайди, дарё ва кўлларнинг сув режимига таъсир кўрсатади. Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, сел офатларидан сақлайди, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Ўрмонларнинг санитария-гигиена, эстетика ва инсон саломатлигини яхшилашдаги аҳамияти эса ҳар қанча таъриф-тавсифга лойиқдир. Фақат шугина эмас. Ўрмонлар халқ хўжалиги учун ҳам ашё манбаидир. Шундай экан, бу табиат бойлигини асраб-авайлаш, уни янада кўпайтириш чора-тадбирларини кўриш керак. Хўш, республикамизда бу соҳадаги ишларнинг аҳволи қандай?

Ҳозир Ўрта Осиё ўрмон хўжаликлари ихтиёрида 19.161 минг гектар умумий ер майдони бор, улар жами территориянинг 15 процентини ташкил этади. Бутуниттифоқ ўрмон фонди эса 56,4 процент майдонни эгаллайди. Бу майдоннинг 36,4 проценти ўрмонлар билан қопланган. Аммо Ўрта Осиёнинг ўрмон билан қопланган майдони СССР ўрмонларининг атиги 1,06 процентини ташкил этади. Бу демак, Ўзбекистонда ҳам ўрмон кўп эмас, бир киши ҳисобига атиги 0,1 гектардан тўғри келади. Аммо Ўзбекистон ўрмонлари жуда нодир ва бебаҳодир. Унда бошқа жойларда умуман учрамайдиган дарахтлар ўсади. Масалан, ёнғоқ, хандон писта, нок, дўлана, бодом, олча, ўрик, олма, наъматак, жийда ва бошқа мевали дарахтлар шулар жумласидандир. Бу дарахтлар мева беришдан ташқари, ерларни эрозиядан, селдан сақлашда, иқлим шароитларини яхшилашда, дориворлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Аммо бизда бу ноёб дарахтларни кўпайтиришга эътибор суст, бу борадаги ишлар замон талабига жавоб бермайди. Масалан, 1960 йилдан 1985 йилгача республикамизда 33 минг гектарга мевали дарахт экилган бўлса, шундан атиги 27 минг гектари сақланиб қолди. Тутган кўчатларнинг аҳволи ҳам яхши эмас, ҳар хил касалликларга чалиниб, нимжон бўлиб ўсаёпти.

Тоғлардаги табиий ўрмонзорларимизнинг пастки қисми пистазор ва бодомзорлардан иборат, ўрта қисмида катта баргли, энг юқори қисмида игна баргли дарахтлар ўсади. Тоғ ва адирларимизда атиги 1,6 процент майдон дарахтзорлар билан қопланган. Нега тоғларимизда табиий ўрмонзорлар кам? Сабаби, илгари ўрмонлар ваҳшийларча қирқилиб, ўрни экинзорларга айлантирилган. Бундан ташқари тоғ бағирларидан яйлов сифатида фойдаланиш ва ёнғинлар чиқиши ҳам ўрмонларнинг камайиб кетишига сабаб бўлган. Табиатга бундай ноинсоф муносабат маълум даражада ҳозир ҳам давом этаёпти.

Республикамизнинг тоғ ва адирларида беш миллион гектардан ортиқ яйлов бор. Булар колхоз ва совхозлар, ўрмон хўжаликлари ихтиёрига бериб қўйилган. Адирлардаги яйловларни серҳосил деб бўлмайдиган, гектаридан кўпи билан 4—5 центнер пичан беради. Шунинг учун ҳам чўпонлар чорвани ўрмон зонасидаги серўт яйловларда боқишни истайдилар. Аслида бу борада маълум қонун-қоидалар, чеклашлар бор, лекин уларга кўпчилик риоя қилмайди. Яйловларда белгиланган нормадагидан анча ортиқ чорва боқилиши натижасида ўтлар камайиб, тупроқ эрозияси юз бераёпти. Бу аҳволнинг яна бир салбий томони шундаки, ўрмонларнинг ўзича қайта тикланишига умуман шароит йўқ. Янги ўсаётган ниҳолларни чорва моллар еб қўяди.

Республикамиз ўрмон фондининг 2,5 миллион гектари кўп йил фойдаланиш учун колхоз ва совхозларга бериб қўйилган. Бу ўрмонлар ғоят ачинарли аҳволда. Эндиликда бу аҳволни тузатишнинг бирдан-бир йўли мазкур майдонларни колхоз ва совхозлар ихтиёридан олиб, ўрмон хўжаликларига қайтариб беришдир.

Тоғлардаги дарахтлар аҳоли томонидан ўтин учун кесиб кетилаётганлиги ҳам ўрмонларимизнинг сийракланиб қолишига сабаб бўлаяпти. Аҳолининг қўлига болта олишга ундаётган нарсга эса қишлоқлар газлаштирилмаганлиги ва ёқилғи билан яхши таъминланмаётганлигидир. Бир туп арча 500—1000 йил яшаши мумкин. Аммо унинг ўсиши қандай? Бир йилда 7—12 сантиметр, кўпи билан 25 сантиметргача ўсади. Биз эса шу қадар қийинчилик билан ўсган, қанчадан қанча тарихий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган, мангу ям-яшил ўрмон гўзаллини 15—20 минут ичида ағдарамиз. Бу ишга инсоннинг қўли қандай боради, ахир!

Арча — сув манбаи бўлган, иқлимни муътадиллаштирадиган, тупроқ ювилиши, селнинг олдини оладиган ажойиб дарахт. Бошқа дарахтларнинг ҳам фойдаси кўп, шунинг учун ҳам уларни ернинг либоси дейишади.

Инсоннинг табиатга нотўғри муносабати оқибатида ўлкамизнинг яшил бойлиги камайиб, ерларимиз тап-тақир бўлиб қолаяпти. Бу эса ўз навбатида сувлар озайишига, иқлим шароитлари ўзгаришига, ҳаво таркиби бузилишига ва инсон сиҳат-саломатлигининг ёмонлашувига сабаб бўлаяпти.

Тарихий маълумотларда ёзилишича, илгари Бойсун дарёларидан кесилган дарахтлар оқизилган. Ҳозирги кунда эса бу дарёларнинг суви жуда камайиб кетган, ёғочни оқизиш ҳолатида эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири дарё ёнбағирларида ўсган арчаларни қирқиб, йўқ қилинганлигидир.

Урта Осиёнинг ўзига хос иқлими ҳам ўрмонларнинг умумий аҳволига таъсир кўрсатади. Тоғлардаги наботод олами юз кунгача ёғингарчиликни кўрмайди. Бу шароитга дарахтлар чидайди, аммо ўт-ўланлар қуриб кетади. СССРнинг Европа қисмида эса аҳвол бошқача. Бу ерларда ёз пайтида умумий йиллик норманинг 20—25 проценти миқдорида ёғингарчилик бўлади. Ўрмонлар намликдан танқислик сезмайдилар. Дарахтларнинг табиий кўпайишида ҳам қийинчиликлар юз бермайди.

Ҳозирги пайтда арчаларни уруғидан кўпайтириш агротехникаси, кўчатларни ўстириш ва тоғ шароитида сунъий арчазорлар барпо этиш каби масалалар олимлар томонидан батафсил ўрганилиб, ҳал этилган. Ҳозир шу асосда маълум ишлар амалга ошириляпти. Аммо экилган кўчатларни парваришlash ва тавсияномаларда кўрсатилган бошқа тадбирларни амалга ошириш масалаларини қониқарли деб бўлмайди. Кўчатларнинг ости қондадаги уч марта ўрнига атиги бир марта юмшатилади. Бунинг натижасида тупроқ намни яхши сақламай, ниҳоллар қуриб қолади. Айниқса арча кўчатларининг тутиш даражаси паст — атиги 30—35 процентни ташкил этади.

Ёнғоқзорларни кўпайтириш муаммоси ҳам алоҳида аҳамият касб этапти. Чунки ўрмон хўжаликлари ихтиёрида ёнғоқнинг биологик хусусиятларига мос келадиган майдонлар кам. Аммо хўжаликлар нима қилиб бўлса ҳам давлат планини бажаришни ўйлаб, ёнғоқ ўсиб, ҳосил бермайдиган жойларга ҳам кўчатлар экишади. Натижада маблағ ва куч беҳуда исроф бўлади. Ҳозир шундайки, статистик ҳисоботлардаги ёнғоқзорлар майдони катта, лекин улар ҳосил бермайди. Аслида ёнғоқларни суғориладиган, тупроғи унумдор ерларга экиш керак.

Республикаимизда хандон pista экилган майдонларни янада кенгайтиришнинг иложи бор. Чунки бу дарахт учун тупроқ унумдорлиги, намлиги юқори бўлиши шарт эмас. Бунинг устига иссиқ иқлимда яхши ривожланади. Бодом ҳам хандон pista сингари мевали дарахт саналади. Мазкур дарахтларнинг хусусиятлари, уларни баланд бўлмаган тоғларда (баландлиги 1300 метргача бўлганларида) кўплаб экиш имконини беради.

Ҳозир табиий пистазорларимизнинг аҳволини яхши деб бўлмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири пистазорларнинг 70 проценти колхоз ва совхозларга яйлов учун ижарага бериб юборилганлигиди. Кўпгина pista дарахтлари чўпон болтасининг қурбони бўляпти. Бундан ўн-ўн беш йил аввал Боботоғ пистазорларида йилига 130 тоннагача pista тайёрланарди. Ҳозир эса бу ҳосилнинг учдан бир қисми ҳам тайёрланаётгани йўқ.

Урта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Тожикистон тажриба станцияси ходимлари пистанинг бешта янги навили яратишди. Улар ҳосилдор, мевасининг дони табиий пистаникидан икки баравар катта ва сермой. Бу навларни Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах областларининг адир ва тоғ зоналарида экиб ўстириш мумкин.

Кейинги даврда тоғ ўрмонлари одамларнинг ташкилий дам олишдан кўп зиён кўрмоқда. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун Бўстонлиқдаги дам олиш зоналаридан бири — «Оқтош»га шанба ва якшанба кунлари бир бориб қуришнинг ўзи кифоя. Шу кунларда бу ерга Тошкент, Чирчиқ ва бошқа шаҳарлардан келган уч мингдан ортиқ одам тўпланади. Улар бўлган жойларида бир гектар майдонда ўртача ўнтадан элликтагача дарахт ва бутани синдиришади, майсаларни тепкилашади. Уларни билан олиб келган таом қолдиқлари, бўшаган консерва банкалари, шишаларни ўтирган жойларида қолдириб, гўзал масканни ивирситиб кетишади. Ўрмонларни ахлатдан тозалаш билан эса ҳеч бир ташкилот шугулланмайди. Бу ҳақда Дадаҳон Нурий «Бўстонлиқни қутқаринг» очеркида жуда яхши ёзди.

Бўстонлиқдаги аҳволи республикаимизнинг бошқа районларидаги гўзал табиат масканларида ҳам кузатиш мумкин. Бу фикримизга ишонч ҳосил қилиш учун ўша жойларда дам олиб қайтаётган одамларга бир разм ташланг. Уларнинг қўлида сўлиган лола, гуллаган олча, бодом, дўлана, арча ёки олманинг шоҳидан ҳосил қилинган «гулдаста»ни кўрасиз. Ахир табиатни бундай севмайдилар-ку! Киши тоғда чамандек очилган лолалар, гуллаган дарахтлар, буталарни томоша қилиб, муссаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб ҳордиқ чиқариши керак.

Бўстонлиқни Тошкентнинг «ўпкаси», азим шаҳарни тоза ҳаво билан таъминлайдиган манба дейишади. Ўрмонларнинг микроиқлими ўзгартиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Масалан, бир гектар майдондаги қарағайзор ҳар йили 9 тоннагача карбонат ангиридни ютади ва 7,5 тонна кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар ердаги эманзор бир йилда 18 тонна карбонат ангиридни ютади ва 4 тонна кислород чиқаради. Шундай экан бу табиий фабрикаи асраб-авайлаш керак. Акс ҳолда шаҳаримиз ҳавоси ёмонлашиб, ҳарорати тобора кўтарилаверади, қор ва ёмғир кам ёғадиган бўлади, сув камайиб кетади.

Ўрмонлар сийраклашган сари уларда яшайдиган ҳайвонот оламининг аҳволи ҳам ёмонлашиб бораёпти. Яқин вақтларда ҳам ўрмонларимизда кўп учрайдиган ёввойи тўнғиз, тоғ эчкиси, какликлар, бўрсиқлар, жайралар, қуёнлар ҳозир анқонинг уруғи бўлиб қолди.

Тоғ ўрмонлари ўзининг тузилиши эвазига анчагина горизонталь ёмғирларни ушлаб қолади, ортиқча буғланишнинг олдини олади. Шунинг учун ҳам ўрмонлар зичлиги ортиши билан дарёдаги сувлар ҳажми ҳам кўпайиб бораверади. Кузатишлардан шу нарса маълумки, ўтқазилган дарахт кўчатлари 3—4 йил ўтмасданок ерда қўрнинг узоқ вақт сақланишига ёрдам беради ва ўзига хос «ўрмон иқлими»ни вужудга келтиради. Шунинг ўзи табиий ўтлоқлар ҳолатини яхшилайди, пичан ҳосилининг одатдагидан 2—4 баравар юқори бўлишини таъминлайди. Яланг ёнбағирларда эса ўтлар кузга бормай қовжираб кетади. Бу демак, тоғларда ва тоғ этакларида дарахтзорларни кўпайтириш чорва учун қўшимча ем-хашакка эга бўлишнинг резервидир.

Турғунлик йилларида қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантириш йўлига зўр берилиб, адирлик жойлар ҳам суғорма деҳқончилик майдонларига айлантирилди. Натижада тоғ олди зоналарида жарликлар пайдо бўлиши кучайди. Бу эса ўз навбатида ҳайдаладиган майдонларнинг камайишига сабаб бўлмоқда, тоғли жойларда қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали

фойдаланишга ҳалақит бермоқда. Жарликлар ўсиши натижасида халқ хўжалиги ҳар йили ўртача 12—15 миллион сўм зарар кўрмоқда.

Ҳозир республикамизнинг тоғли районларида ўн бир мингга яқин жарликлар бор, уларнинг майдони 35 минг гектарни ташкил этади. Улар йил сайин интенсив ўсиб бораёпти ва ҳар гектардан ўртача 700—750 кубометр тупроқ ювилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу жараёни олдини олишнинг сигналган йўли жарликларга дарахт ва буталар экиб ўстиришдир. Аммо бизда бу масалага эндигина эътибор берилаяпти. Жарликлардан тўғри фойдаланилса, улар ҳар ҳил қимматли доривор ўсимликлар ва ўт-ўлан манбаи бўлиб қолади. Жарликларнинг қиялама жойларига, тубига ҳамда ёнбағирларига оқ акация, жийда, тол, шумтол, қайрағоч экиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу дарахт ва буталар ўзидан-ўзи кўпайиб кетиб, уч-тўрт йил ичида жарликнинг ўсишини тўхтатиш имконини беради. Жарликларга наъматак, тоғолча, зирк, қора смородина каби мевали ва доривор буталарни ҳам экиш мумкин.

Жарлик тубига экилган тол ва тераклар жуда тез ўсади. Масалан, тераклар ўн йилда 8—10 метргача чўзилиб, бемалаол қурилиш материали сифатида ишлатса бўладиган ҳолатга келади. Шу йўл билан бир гектар жарлик тубидан 200 кубометргача қурилиш материали тайёрлаш мумкин.

Пахтачиликка мослашган хўжаликларда ихота дарахтзорларининг аҳамияти катта. Айниқса Қўқон зонаси, Тошкент областининг Бекобод райони, Сирдарё областининг Боёвут, Янгиер ва Илйич районларидаги хўжаликлар кучли эсадиган шамоллар йўлида жойлашган. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро областлари далаларига эса Афғонистон ва Қизилқумдан эсадиган гармсел катта хавф солади. Бу ерлардаги хўжаликларда ихота дарахтзорлари барпо этмай қишлоқ хўжалик экинлари ўстириш дуруст самара бермайди.

Кўклам пайтидаги шамоллар ер қатламининг юқори қисмидаги намни бутунлай буғлатиб юборишдан ташқари, ўсиб чиққан ниҳолларни суғуриб кетади ёки кўчма тупроқ билан ёпиб ташлайди. Саратонда эсадиган гармсел эса ғўзани сўлтиб, гул ва шоналарини тўкиб юборади. Масалан, 1986 йилда Қашқадарё ва Бухоро областларида худди шундай ҳодиса рўй берди. Натижада бу областлардаги кўпгина хўжаликлар пахта тайёрлаш бўйича давлат планини бажаролмай қолдилар.

Ихота дарахтзорлари барпо этилган хўжаликларда шамолнинг тезлиги камайтириб, тупроқдаги нам узоқ сақланади, ҳосилдорлик ўсади. Масалан, Фарғона областидаги «Қўқон» совхозини олайлик. Бу совхознинг тўрт қаторли ихота дарахтзорлари мавжуд бўлган далаларидан 1983—1985 йилларда ҳар гектардан ўртача 28,7 центнер пахта ҳосили олинган. Ихота дарахтзорлари барпо этилмаган далаларидан эса 28,3 центнердан ҳосил олинган. Ёки Қашқадарё областидаги «Шарқ юлдузи» колхозини олайлик. Бу ерда кейинги беш йил мобайнида ихота дарахтзорлари системаси бор бўлган далаларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан, яланг далалардан эса 28,3 центнердан ингичка толали пахта ҳосили олинган. Бундан кўриниб турибдики, ихота дарахтзорлари бошқа агротехник тадбирлар билан биргаликда экинлардан мунтазам юқори ҳосил олишга хизмат қилади. Бундан ташқари дарахтзорлар дала ҳуснига ҳусн қўшади, деҳқонлар саратон жазирамасида мириқиб ҳордиқ чиқарадиган жойга айланади.

Афсуски кейинги даврда айрим хўжаликларда далаларда дарахтларни кўпайтириш ўрнига, борларини ҳам кундаков қилиб йўқотиш йўлини тутдилар. Пахта теримини механизациялаштириш учун қулай шароит яратиш шоири остида карталар ўринли-ўринсиз йириклаштирилиб, кўпгина дарахтлар йўқ қилиб юборилди. Далаларни кучли шамол ва гармселдан муҳофаза қиладиган ҳеч бир тўсиқ қолмади.

Республикамиз ер майдонининг 64 проценти чўл ва саҳролардан иборат, улардаги ўсимликлар дунёси жуда сийрак. Аммо улар эрта кўкламдан кеч кузгача чорва учун яйлов вазифасини ўтайди. Урушдан кейинги йилларда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга зўр берилди. Қадимий чўллар ўрнида Янгиер, Навоий, Зарафшон шаҳарлари, ўнлаб пахтачилик хўжаликлари бунёд этилди. Ҳозир бу ерларда ўн минглаб аҳоли яшаб, кўплаб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирялтилар.


Аммо бу ўзгаришларнинг салбий томони ҳам бўлди. Асрлар мобайнида одамлар чўл ва саҳролардан чорва учун яйлов сифатида фойдаланиб келганлар. Жумладан, мамлакатимиздаги ҳозирги гўшт ва сут маҳсулотлари танқислиги маълум даражада Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг бепоён чўллари ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантирилганлиги оқибатидир. Яйловлар камайгач, ҳеч сўзсиз, чорва маҳсулотлари етиштиришнинг имкониятлари ҳам чекланди.

Ўрта Осиёда чўл яйловлари ҳозир ҳам, жуда кенг, лекин ҳосилдорлиги паст. Уларда 16 миллионгача қўй-қўзиларни боқиш мумкин. Бизнингча, чўлдаги хўжалик ишларини илмий ташкил этиш, унинг бойликларидан омилкорлик билан фойдаланиш ҳар ҳил салбий ҳодисаларнинг олдини олишда бирдан бир йўлди.

Совет ҳокимияти йилларида саҳролардаги қумларни мустаҳкамлаш, чўл яйловларида ихота дарахтзорлари бунёд этиш мақсадида 3,5 миллион гектарга дарахтлар экилди. Ҳозир жами бир миллион гектар яйлов ихота дарахтзорлари билан ҳимояланган.

Фақат саҳрода ўсадиган ҳар ҳил ўтлар, буталар ва қора саксовул уруғларига бўлган эҳтиёж дуруст қондирилмаяпти. Сабаби, уруғчилик базаси яхши ривожланмаган. Ўрта Осиё республикаларининг ўрмон хўжаликлари учун янги уруғчилик участкалари ва камида 50 тонна уруғ сақланадиган омборлар керак. Чўл яйловларидаги ишларни механизациялаштириш учун замонавий техника воситалари етказиб беришга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан, саксовул ва черкез уруғларини тозалайдиган машиналар зарур бўлиб турибди.

СССРни 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган муддатда социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида ўрмон хўжаликлари ихтиёридаги территорияларда ва чўл ҳамда ярим чўл зоналардаги яйловларда дарахтзорлар барпо этиш бўйича ишларни кучайтириш алоҳида таъкидланган. Бу ишларни қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг куч-ғайратини бириктирмай туриб ҳал этиб бўлмайди. Ер юзининг кўрки, беҳисоб бойлик ва саломатлик манбаи бўлган дарахтларни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланиши керак.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 93 ЙИЛЛИГИГА

РОМАННИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

«Меҳробдан чаён» яратилганига олтмиш йил тўлди. Романнинг ёзилишига туртки берган воқеа; ёзувчининг асарни ёзишдаги заҳмати, изланишлари, руҳияти; образлар ва уларнинг ҳаётдаги эгалари; эндигина «туғилган» роман атрофидаги қувончлар, илк таассуротлар, Анвар ва Раъно севгисини китоб қилган ёзувчига эҳтиромлар; ўзбек китобхонига тансиқ бўлган асарнинг рус ўқувчисига баҳам кўриш — романнинг илк таржимаси, мутаржим; роман атрофида изғирин эса бошлаши — илк тақриз... Булар ҳақида «Отам ҳақида» китобидан маълумот олиш мумкин. Энди айтиш жоизки, Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида» китоби дардли юракнинг, фарзанди қомилнинг улкан истеъдодга эга бўлгани, одамларни жон-жонидан севгани учунгина гумроҳлар ғазабига дучор бўлган ОТАга сўз билан тиклаган ҳайкали, сўз санъати боғига ўтказиб кетган ҳамиша ям-яшил дарахти. (Ота-она борки, умид билан фарзанд ўстиради: ҳаммининг фарзанди меҳр-оқибат, садоқатда Ҳабибулло Қодирийдай бўлсин...)

Абдулла Қодирий сталинизм қурбони бўлгач, «Меҳробдан чаён» китобхонлар қўлидан юлиб олинди. Ўзбек оилаларида Анвар исмли болалар, Раъно исмли қизлар кўпайиб бораверди. Дилдошлар даврасида Жулқунбой романлари эртаклардай сўзланадиган бўлди. Одам илк бўса тотини умр бўйи ҳис этганидай, биринчи ўқиган романи, қиссасини сира унутмайди. Аммо 30-йилларда туғилган ўзбек ўғил-қизлари «Менинг биринчи романим «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» дея олмасликларини алам билан ҳис этадилар. Немис-фашистларига қарши урушда қатнашган, шаҳид бўлган ўзбек жангчиларидан қанчадан-қанчаси Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно севгисини, Чўлпон ва Усмон Носир шеърларини қалбига жойлаб олган бўлса-да, Жулқунбой, Чўлпон, Усмон Носир китобларини бебаҳо бойлик сифатида асраб-авайлагани, ён чўнтаги, юк халтасида олиб юргани ҳақида хабар топмадик.

Иигирма йилдан мўлроқ айрилиқдан сўнг 1958 йилда «Ўтган кунлар», 1959 йилда «Меҳробдан чаён» яна китобхон қўлига теғди. Дид-фаросатли, оддий китобхоннинг иши маза: зўр асарни мириқиб, тўлиб-тошиб, завқланиб ўқийверади. Қийин-қийин, танқидчига қийин: у ҳам оддий китобхон сингари, асарни маза қилиб ўқийши, туйғуларига эрк бериши, кўзидан беихтиёр томган кўз ёшларини шоша-пиша артиб олиши табиий. Лекин асар ҳақида ёзар экан, айниқса, 30-50-йилларда у кўзига вульгар социологизм «кўзойнагини» тақиб олар, асарнинг сиёсий аҳамиятини обдан ўрганар, атрофдаги «миш-миш»ларга қулоқ тутар, иш столига сиёсий ҳушёрлик яловини қадаб қўйгач, ёзишга киришарди. Ойбек нақадар нозиктаб, гўзалликини теран англайдиган санъаткор бўлганини унинг жуда кўп шеърларидан, насрий асарларидан, қолаверса, «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласидаги заргарона нигоҳдан аниқ сезиш мумкин. Афсуски, Ойбекдай санъаткор «Меҳробдан чаён»даги «Анвар жонли, реал, ҳаётий обстаноққа пассив ва Маркс таъбирича айтганда, «жонли, мазмунли ҳаёт билан яшамайди» (155-бет), «Анвар жонли, индивидуал, ёрқин фигура экани қаба-риб туюлмайдди: Анварни тасаввур этиш анча қийин» (115-бет), «Ҳазар қилган» ишни қабул этиб, Анвар зулм аҳллари ва тўхматчилар билан бўладиган кураш йўлини бекитади» (156-бет) деб ёзади, «ёзувчи... Абдурахмон домла образини қора бўёқлар билан чизса-да... диннинг эксплуататорлик моҳияти у билан чуқур очилмаган»лигини (161-бет), романда «муҳим тарихий воқеалар жонли образлар орқали кўрсатилмаган»лигини (163-бет), «романда камбағал табақасининг хонлик тузумига қарши курашини акс эттиришга кам ўрин берилган»лигини (150-бет) таъкидлайди (Ойбек. 20 томлик мукамал асарлар тўплами. XIV том. «Фан» нашриёти, Тошкент—1979). Ойбек вульгар социологизм «кўзойнаги», 30-йиллардаги сиёсий ҳушёрлик «сиёсати» туфайли «Меҳробдан чаён»нинг юқорида келтирилган «камчиликларини» айтади.

Абдулла Қодирийнинг ижодий методи масаласидаги тортишувлар ҳатто 70-йиллардаги ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг даражасини, илмий-назарий қувватини кўрсатади. 70-йилларнинг биринчи ярмида ўзбек совет адабиётининг 20-йиллардаги методи, хусусан, А. Қодирий ижодининг методи масаласи қизгин тортишувларга мавзу бўлди. Буюк адбни танқидий реализм намоёндаси деганлар ҳам, унинг романлари социалистик реализмда яратилган деганлар ҳам ёзувчининг улкан санъатига тан бердилар. Ҳамма гап ёзувчи дунёқараши, воқеликка муносабати атрофида қизиди. Ҳомил Ёқубов «Ўтган кунлар» романининг 1973 йилдаги нашрига ёзган сўнгсўз — мақоласида бу асар «ўзбек романчилигида социалистик реализм адабиётининг яхши намуналарини яратишга реалистик замин ҳозирлагани ва катта йўл очиб бергани» (395-бет), «Меҳробдан чаён» романи эса «меҳнаткашлар ичиде етишган маърифатли йигит — Анвар образини яратишда... реакция руҳоний табақаларни жуда индивидуаллашган образлар орқали фош қилишда...» (395-бет), аввалги романнинг «ғоявий-бадий маҳдудлигига барҳам беришда» (396-бет) муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ўзбек прозасида реалистик принципларнинг ғалабасидан далолат беришлигини» (396-бет) уқтиради. Бердиали Имомов, Ҳафиз Абдусаматов, Анқабой Қулжонов мақола, тадқиқотларида Абдулла Қодирий романларининг методи социалистик реализм эмаслиги айтилади. Иззат Султонов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов сингари олимлар Абдулла Қодирий романларининг методи социалистик реализм эканлигини

таъкидлайдилар. Ҳ. Ғекубов, Ҳ. Абдусаматов, Б. Имомов, С. Мирвалиев, А. Қулжоновлар Абдулла Қодирий дунёқарашини нуқтаи назаридан унинг асарлари социалистик реализмдаги асарлар учун замин тайёрлади, улар социалистик реализм даражасига кўтарилмади, деган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлар Абдулла Қодирий санъаткорлигини, унинг романларида умуминсоний тушунчалар акс этганини асос қилиб олдилар. Аниқроғи, бу олимлар социалистик реализмни эстетик категория сифатида англаб олиш кўрдилар: масаланинг туб моҳиятини ҳис этдилар. Аммо булар ҳам социалистик реализм методи атрофидаги қарашлар, тушунчалар доирасидан унчалик йироқлашиб кетмадилар (масаланинг назарий моҳиятини ёритиш нуқтаи назаридан).

Олимлар, ёзувчилар Абдулла Қодирийнинг ижодий методи ҳусусида қизғин жанг қилаётган пайтларда оддий ўқувчи «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»ни маза қилиб ўқийверди, романлар таъсирида унинг қалбида олам-олам туйғулар жўшурди, кўзларида ҳаётга муҳаббат нурлари орта борди. Қайта қуриш самараси бўлган янгича тафаккур кўзимизни мошдай очяпти: социалистик реализм боши берк кўчага кириб, ҳаётнинг чин ҳақиқатидан ажралиб қолган экан-у, биз Абдулла Қодирийни зўр бериб социалистик реализм доирасига киритишга интилимиз. Биз бир пайтлар санъат санъат учун деган принципга қарши тиш-тирноғимиз билан қарши курашардик. Санъат халқники, унинг моҳиятини ҳаётийлик белгилашини турмушнинг ўзи исботлади. 70-йилларда назария назария учун деган қоида адабиётшуносликка кириб қолган, мутахассисларни тамоман чулғаб олган экан. Умумсовет адабиётшунослигига инқилобдан кейинги, 20-йиллардаги совет адабиётининг методи ҳақида қизғин баҳслар бошланиб кетди. Шу пайтда социалистик реализмда ижод қилганлар, танқидий реализмдан кўтарила олмаганлар, методи тайин бўлмаганлар ҳақида фикр юритила бошланди. Методлар ҳақидаги баҳслар шунчалик «қизиқ» кетдики, конкрет асарларни таҳлил қилиш, методни асарнинг ички тўқимасидан келтириб чиқарайлик деган фикрни баъзи олимлар унутиб қўйдилар. Анқабой Қулжоновнинг «Реализм ва романтизм» китобидаги «Ижодий метод ва услуб», «Камолот», «Адабиётимизнинг оқсоқоли» мақолалари фикримизнинг далили бўла олади. Аксинча, баъзи олимлар социалистик реализм имкониятларини юзага чиқаришга интидилар, очиқ система назариясини кенг тарғиб қилдилар. Профессор Умарали Норматов «Насримиз уфқлари» китобига кирган «Изчил реалистик оқим» мақоласида «Ўтган кунлар»ни социалистик реализмнинг изчил реалистик услубий оқимида, «Меҳробдан чаён»ни романтик услубий оқимда яратилганлигини исботлайди (140—141-бетлар). Матёқуб Қўшонов қатор тадқиқотларида Абдулла Қодирий романларини, ҳусусан, «Меҳробдан чаён»ни ғоявий-эстетик таҳлил қилади. А. Каттабеков, Ҳ. Умунов, Ҳ. Носиров яратган тадқиқотларда ҳам «Меҳробдан чаён» таҳлиliga алоҳида эътибор берилган.

«Меҳробдан чаён» романини вульгар социологизм, социалистик реализм талаблари, шартлари асосида таҳлил талқин қилиш қайта қуриш давригача давом этди, бундан буёғига қолиплар, андазалар ҳақиқий таҳлилнинг тўсиғи бўла олмайди дейиш ўрнилимикан? Қайта қуришнинг янгича тафаккури ҳар хил сохта қарашлар, «изм»лар йўлига чек қўйиши мушкул кечади, шекилли. Мана, 1987 йилда «Ўзбек совет адабиёт тарихи» номили 5 томли асарнинг биринчи жилди, 1988 йилда иккинчи ва учинчи жилди чоп этилди. Китоб рус тилида чоп этилаётгани сабабли уни барча совет кишилари ўқишлари, телба-тескари фактларга дуч келавериб ҳайратдан ёқа ушлайверишлари мумкин. Мавзуимиз «Меҳробдан чаён» романи бўлганлиги боис биз шу асар ҳақида «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг 1- томида берилган баъзи маълумотларни келтирамиз. «Анвар — қашшоқлашган бўёқчи Солиҳ маҳдумнинг ўғли» (154-бет). Раъно хон ҳарамига олиб борилмаганлиги, канизлар қаторига қўшилмаганлиги оддий китобхонга ҳам аён. Лекин «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратувчилар: «Хон ҳарамидан қочиб Анвардан эмас, Раънодан чиқди» (157-бет), — деб ёзадилар. «Ўтган кунлар» яратилибдики, Абдулла Қодирий камбағаллар намояндаларини ижобий қаҳрамон қилиб танламаганлиги учун танқид қилинади, ёзувчига хайрихоҳлик қилмоқчи бўлганлар эса «Меҳробдан чаён»нинг асосий қаҳрамони оддий халқ орасидан танланганлигини албатта эслатадилар. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да мана бу «янгиликни ўқиймиз: «Ҳар икки романида («Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»да — А. Р.) ёзувчи ижобий қаҳрамонларни халқ орасидан топади, унинг барча салбий персонажлари — ёзувчи синф намояндалари» (157-бет). Ҳозиргина ижобий қаҳрамонларни оддий халқ вакили деб турган муаллифлар Раъно, Султонанини шу қаторга қўшиб қўядилар; Шариф, Раҳим сингари ўта юзаки персонажларни энг баландпарвоз сўзлар билан мақтайдилар: «Ижобий қаҳрамонлар — Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, Қобилбой, Шариф, Раҳим ва уларнинг дўстлари индивидуаллаштирилган. Абдулла Қодирий уларни инсонпарвар, ҳақиқатгўй, ҳалол, дилдан сева оладиган, вафодор қилиб тасвирлайди» (157-бет). Ижобий қаҳрамонлар, персонажлар ҳозиргина кўкларга кўтарилган эди. Энди бўлса: «Худоёрхон ва унинг яқинларини ҳаққоний ва ишонarli тасвирлай олган ёзувчи Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, халқ вакиллари намояндалари тақдири ва характерини чуқур ёрита олмаган» (157-бет), — деган хулосани ўқиймиз. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да ёзилишича, «Меҳробдан чаён»да психологик реализм қўлланганлиги (157-бет), «реалистик портрет яратиш тажрибаси қўлланганлиги» (158-бет) ҳақидаги баҳсли мулоҳазаларни қўя турайлик-да, «Меҳробдан чаён»нинг «асосий конфликтини икки антагонистик синф — ёзувчи ва эзилувчиларнинг муросасиз кураши белгилайди» (154-бет) деган узил-кесил фикрга қаратайлик. Наҳотки шундай бўлса?! Қани романдаги антагонистик синф вакиллари, улар ўртасидаги муросасиз кураш! Самад бўқоқ, Қани романдаги антагонистик синф вакиллари, улар ўртасидаги муросасиз кураш! Самад бўқоқ, Гулшан — оддий халқ вакиллари. Лекин роман воқеаларида улар салбий куч сифатида кўринадилар. Абдураҳмон домла — ўта қашшоқ, қўл учидан кун кўриб келган кампирнинг ўғли. Лекин у Анвар, Раъно фожиаларининг бош сабабчиларидан ҳисобланади. Султонали, Раъно қандай қилиб эзилувчи синф вакили бўлиб қолдилар? Нигорхоним, Моҳлар ойим Солиҳ маҳдумнинг энг яқин кишилари, лекин романда ижобий куч сифатида кўринадилар. Хуллас, «Ўзбек совет адабиёти тарихи»даги Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини китобхонга ҳавола қилган ўртоқлар «Меҳробдан чаён» романининг моҳиятини ҳис қилмасдан, уни ясама қолиплар, андазалар сиқувида китобхонга етказмоқчи бўлганлар. Ачинарлиси шундаки, «Меҳробдан чаён» ҳақидаги «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да берилган маълумотлар билан танишган китобхон бошидан тегирмон тошини юргизсалар ҳам бу романини қўлига олмайди, ўқимайди. Романдаги ғояни, эстетик моҳиятни англамоқ учун асарни бошқача «ўқимоқ», талқин қилмоқ керак.

«Меҳробдан чаён» романида омонат тахтга амал-тақал қилиб учинчи бор чиқиб олган Худоевхонни ич-ичидан чириб кетган хонлиқни бошқаришдаги ҳийла-найранглари, яроқсиз сиёсати маҳорат билан фовш этилган. Худоевхон хонлиқдаги ички аҳволни, унга ташқаридан таҳлика солиб турган кучли ҳавфни (Россия империясининг хонлиқни тугатиш йўлидаги хатти-ҳаракатларини — А. Р.) аниқ сезади. Хон иккиюзламачилик сиёсатини изчил давом эттиради. Хонлик сунгги муддатини яшаётганлигини, омонат тахт бугунми-эртами қулашини ич-ичидан ҳис қилса-да, ўзини шод-хуррам кўрсатишга интилади, тўю-томошалар, базму жамшидлар билан ҳам халқни, ҳам ўзини чалғитмоқчи бўлади. Ариқ қаздиради, мадрасалар қурдиради. Карнай-сурнайлар овози, кўзни қамаштираётган сохта ялт-юлтлар бошқарув соҳасидаги асаббозликни, амалдорлар ўртасидаги ҳаёт-мамот жанги даҳшатларини кўмиб юбормайди. Абдулла Қодирий романида бошқарув системасидаги асаббозлик, ижтимоий ҳаётдаги сохталик, қаллоблик нозик тасвирланади. Ҳеч ким ўзининг асл моҳиятини кўрсатмайди, ҳамма иложи борича роль ўйнашга, ўзга қиёфада кўринишга интилади. Абдулла Қодирийнинг санъаткорлиги шундаки, у ўз қаҳрамонларининг асл қиёфасини, туб моҳиятини китобхонга ўта нозик тасвирлар билан англади. Бошқача айтганда, китобхон, масалан, Солиҳ маҳдумнинг ҳасисликлари, антиқа қилиқлари устидан кулиб юраверадию бирдан ҳақиқий, ёвуз Солиҳ маҳдумни «кўриб қолади», бу даҳшатли одам унинг қалбига қўрқув солади. Ёвуз Солиҳ маҳдум бирров кўринган бўлса, ёзувчи Абдурахмон домланинг жирканч башарасини, кир қалбини эринмасдан тасвирлайди: китобхон бу ифлос одамдан ирганиш даражасига етади. Шаҳидбек закотчи, Ғози эшон, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзолар ҳам чаёндай қақиб қолишлари мумкин. Лекин улар думларини гажак қилиб сиёсат куйига турли мақомда йўрғалайдилар. Анвар думи гажак чаёнлар орасида юрганини ҳис қилади, қачонлардир гажак думдаги заҳар бутун борлигини хароб қилишини ички туйғу билан англайди. Чаёнлар салтанатида яшаш, ҳаракат қилиш ўта мушкул: нозик туйғу, ўткир ақлига бу салтанат жинкўчаларидан омон-эсон олиб ўтиши мумкин. Худоевхон салтанатидаги нозик ўйинлар, сиёсатнинг беаёв зарбаси қанчадан-қанча одамларни четга суриб ташлади, тузумнинг кераксиз чиқитига айлантирди. Ёдингизда бўлса, Анвар девонаваш Тойир ака билан суҳбатлашади, унинг кулбаи вайронасига бот-бот ташриф буюради. Тойир ака беғубор, қалби тоза одам. Лекин у чаёнлар муҳитида, қуршовида яшай олмайди. Кимсасиз ғор, ғариб кулба Тойир ака учун Худоевхон айғоқчилари қуршовидаги қошонадан афзал. Хон ҳарамидидаги канизлар шоҳи-атласларга беланиб, оқсочу энагалар хизматидан бахраманд бўлиб яшайдилар. Уйлаб кўрилса, саройдаги маҳқумалар билан Тойир ака ўртасида фарқ йўқ ҳисоби. Ғорда яшаётган кимсасиз одам ҳам, саройда сақланаётган канизлар ҳам ҳўрланган кишилар, жамиятнинг аянчили кўрбонлари. Инсоннинг инсонлиги зулмга қарши курашишида, ақл-ҳуши билан иш кўришида сезилади. Инсонлар бўладик, эрксизлик ҳукмрон тузумда ҳам эзгулик йўлида ҳаракат қиладилар, эзилганлар қисматини яхшилаш йўлида интиладилар. Кишилар борки, адолатсиз тузумни лойқалатилган сув деб билидилар: балиқ овлашга — бойлик орттиришга ружу қиладилар. «Меҳробдан чаён» романида Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, Моҳлар ойим, Нигор хоним, Оғача ойим сингари эзгулик йўлида ҳаракат қилувчи, инсоф, савоб тушунчаларини унутмаган кишилар образи китобхон сурмагини қозонади. Худоевхон, Солиҳ маҳдум, Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Гулшан сингари образларда бахиллик, ичи қоралик, амалу бойликка ўчлик — инсофсизлик, диёнатсизлик, беқанотлик қусурлари ҳоқимлик қилади. Бу белгилар ҳар бир салбий персонажнинг ўз мавқеи, имконияти даражасида рўй беради. Худоевхон, масалан, тахтни беҳавотир сақлаш учун минглаб фуқароларини қатл этишга, шаҳвоний нафсини қондириш йўлида юзлаб қизлар ҳаётини хазон қилишга, қанчадан-қанча аҳил оилаларни мотамга солишга тайёр. Худоевхон салтанатида айғоқчилар, жосуслар, порахўрлар тўкин-сочинликда яшайдилар. Хонлиқнинг қайси чеккасида «тиқ» этган товшу борки, хоннинг қулোগа эшитилади, қаердаки фитнес уюштирилаётган бўлса фотиқ қилинади, фитнесчилар жазоланади. Худоевхон даврида имо-ишора билан гаплашиш, мактубларни «илгакли» коса тагида ним коса бор тақдидида ёзиш авж олади. Бу ўринда Раънонинг Анварга йўллаган мактубини, ундаги «боқий сўзни Шайхи Саъдийдан ўқурсиз» деган рамзини мисол тариқасида киритишимиз мумкин. Умуман, менинг назаримда, «Меҳробдан чаён» романининг текстида сермаънолилик, рамз, ишора ниҳоятда кучлидай туюлади. Ёзувчи ўзга даврни ёзиб, бошқа бир шароитдаги муносабат, кишилараро эҳтиёткорликни акс эттираётгандай кўринади. Гулшан — романдаги эпизодик образлардан бири. У саройдаги энг майда юмушчилардан эканлигини англайди, сира ҳаддидан ошмайди. Лекин у диёнатсизлик, порахўрликни табиатига сингдириб юборган. Ҳар қандай жуъли гапдан у битта олтин тангани аъло билади.

«Меҳробдан чаён» романининг муҳим фазилатларидан бири шундаки, ёзувчи жонли одамлар образини яратган. Танқидчиликда «жонли одамлар, тирик инсонлар образи» деган ибора бот-бот қўлланилади. Ҳаётнинг бош ҳақиқати бузилмаса, характерлар тадрижидаги табиийлик бузилмаса, жонли одамлар, ҳаётдагидай тирик инсонлар образи диққатимизни жалб этаверади. Жонли одамлар характери яратилган асарларда инсоний қувончлар, дардлар, қайғулар, хуллас, одамларни ҳамиша ўйлантирадиган ғоялар акс этади. Жонли, тирик одамлар образини яратиш учун ёзувчининг санъаткорлиги граждн сифатидаги шижоати, дадиллиги билан кўшилиб кетиши жоиз. Санъаткорда ҳадиқсираш, юз ёқни ўйлаб иш кўриш одати бўлса, ясама қилиқли образлар, ҳаётийликка ўхшаб кетадиган сунъий, ялтироқ нусха пайдо бўлади. Шуниси ҳам борки, биз кўпинча жонли одамнинг қандай бўлишлигини билмай, қоламиз. Онгимизга миҳлибни қолган сиёқа тушунчаларни жонли инсон белгиси деб ҳаёл қиламиз. Одам қашшоқ, камбағалми — тамом, негадир уни жамики эзгу белгилар йиғиндиси деб англаймиз. Қашшоқлик танбаллик, ишёқмасликнинг натижаси эканлигини кўпам ўйлаб ўтирмаймиз. Абдулла Қодирий инсон руҳияти, табиати, ижтимоий моҳиятини чуқур англайдиган санъаткор эди. Шарқ, хусусан, мусулмон фалсафаси инсонни тадқиқ этишни, уни ҳар томонлама ўрганишни асосий мақсад қилиб қўймаган. «Мусулмон одам ўзининг яшаш тарзи, тафаккури, хатти-ҳаракатини тамомла «исломлаштириши» жоиз эди»¹. Мана шу ақида мусулмон халқлари адабиётида инсонни психологик тадқиқ этувчи реалистик проза асарларининг яратилмаганига туртки бўлган бўлса ажабмас. Абдулла Қодирий инсонни шундай нозик тасвирлайдики, руҳиятини

¹ Г. Э. фон Грюнебаум. Основные черты арабо-мусульманской культуры. Изд-во «Наука», М., 1981, стр. 43.

турли нуқталардан кузатадики, «бу образ ижобий», «бу образда эзувчилар синфи намояндаси акс этган» қабилидаги ўй хаёлингизга келмайди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ўқиб бўлгач, ҳис-туйғуларни жиловлаб олгач, ёзувчининг мақсадини, синфий позициясини, партиявий муносабатини, бадий характеру образларга юклатилган гоёвий «топшириқ»ни англаб етасиз. Худоёрхон, масалан, ғирт салбий тип — унинг ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатида чин эзулик, инсонийлик билан йўғрилган мақсад кўринмайди. Лекин, барибир, Абдулла Қодирий шу одамдаги тирик инсонларга, фикрлайдиган кишиларга хос томонларни ҳолис тасвирлайди. Хон зоти улуғлардан ёхуд саройда узок муддат хизмат қилиб келаётганлардан биронтасини бош муншй этиб тайинлаши табиий эди. Лекин хоннинг диққатини фикри равлон, саводи баланд, туркийда битилган фармон, номаларга «жон» киритиб юборадиган Мирзо Анвар жалб этди. Абдулла Қодирийнинг реалистлиги шундаки, Худоёрхон Анварнинг билимдон, саводхонлигидан ташқари махсус уюштирилган улуғларнинг Анвар учун куйиб-пишаётганликларини ҳам ҳисобга олади. Улуғларнинг Анвар тарафини олишларида Султонали томонидан енг учиди узатилган олтин тангаларнинг ҳиссаси катта. Худбинлик — инсон табиатининг асосий белгиларидан бири. Ўзини сира ўйламайдиган, фақат ўзгалар учунгина яшайдиган одам йўқ. Шундай одамлар борки, ўзгалар манфаатини кўзлашдан, эзгуликка хизмат қилишдан ҳузур қиладилар. Мана шу белги асосида ҳам яхши маънодаги ўзини ўйлаш ётади. Оғача ойм ҳарамни канизаклар билан тўлдиравериш ақллилик, оңҳазратга садоқат белгиси эмаслигини кўшмачи Гулшанга ётиги билан тушунтиради. Гулшан Оғача ойм фикрига қўшилганлигини билдиргач, мукофот тарида икки танга олади. Оғача оймнинг куйиб-пишишида эзгулик, оңҳазрат салтанатини мустоҳкамлаш, айни вақтда, саройдаги ўз рақиблари сонининг кун сайин кўпайиб боришидан хавфсираш сингари маънолар бор. Гулшан Оғача ойм билан суҳбатда ўзини «оңҳазратнинг отган ўқлари» эканлигини кўстириб ўтади. «Оңҳазратнинг отган ўқлари» тўғрайли қанчадан-қанча лобар қизлар очилмасдан сўлдилар, хон ҳарами деган мазористонга тириклайин кўмилдилар. Чиндан ҳам, ҳарам канизлари жамиятдан, ижтимоий ҳаётдан суриб ташланган одамлар; ўлик бўлиб гўрда йўқ, тирик бўлиб сонда йўқ тақлидидаги кишилар. Қаноти қайрилган, орзулари поймол этилган, оналик, аёллик бахту кувончидан маҳрум қилинган канизларнинг Гулшан билан ўтказган кечалари тасвири романнинг энг ёрқин, юксак санъат билан ёзилган бобларидандир. Абдулла Қодирий икки-уч жумла, битта руҳий ҳолат тасвири билан канизнинг қалбини ёритади, характерини белгилайди. Ёзувчининг улкан маҳорати шундаки, куйган кўнгиллар фарёдини шўх қийириқлар, ўйин-кулгилар шаклида тасвирлайди. Канизлар Гулшанни энг бахтли аёл деб биладилар, чунки унинг оиласи, эри, болалари бор. Канизлар Гулшандан нафратланадилар, чунки Гулшан уларни оилали, эрли, болали бўлиш бахтидан маҳрум қилган. Гулшан ва канизлар аро зиддият шундай нозик, сўз ўйини шаклида ўтадики, баъзи китобхонлар уни сезмай қолиши мумкин. Канизлар уюштирган «базм»да Гулшан ўзини босиқ, вазмин тутайди: шўх қизларнинг шаддодликларига, пахтага ўраб отаётган тошлари — қочирлиқлар зарбига чидайди. Гулшан жонли одам, тирик инсон. У, гарчи «оңҳазратнинг отган ўқлари» бўлса-да, ўз қилмишларини ўйлайди, гуноҳга богаётганлигини ҳис қиладди, бурчини бажара олмай, хон олдида шарманда бўлиб қолишдан чўчийди. Анварнинг фожиаси — Раънонинг хонга лойик кўрилишида Гулшаннинг ҳиссаси бор. Аслида, Анвар ва Раъно фожиасининг сабабчисини топиш мушкул. Худоёрхон Раъно деган қиз борлигини, унга уйланиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган эди. Солиҳ маҳдум Раънони Анварга узатишга рози эди. Қолаверса, Анвар бош муншй бўлгач, тўйни тезлаштириш ҳаракатига тушиб қолади. Гулшан кучама-куча, эшикма-эшик юриб Раънони топмади. Раъно ҳақидаги гап қўққисдан пайдо бўлди. Хўш, фожа айбдори ким?! Жаҳон адабиётининг шох асарларида — «Шоҳнома», «Фарҳод ва Ширин», «Отелло», «Гамлет», «Жиноят ва жазо», «Уруш ва тинчлик» сингариларда хиёнат, фитна ҳаётнинг бир маромдаги оқимини остин-устун қилиб юборайди, кескин драматик, фожиавий ҳолатларни келтириб чиқаради. «Меҳробдан чаён» романидаги фитна, хиёнат Абдурахмон домлага келиб тақалади. Эсланг, аввалига домла Раънога «оғиз» солди, бўлмагач, Солиҳ маҳдум номидан хонга мактуб битди — ёлғиз қизини хонга ҳада қилмоқчи бўлган отанинг орзуларини баён этди. Абдурахмон домла мактубни Гулшанга топширар экан, Солиҳ маҳдум номидан кўшмачига бир неча олтин тангалар берди. Гулшан анюй эмас: мактубни эгасига топширишдан олдин Солиҳ маҳдумнинг уйини қидириб топди, маҳоратини ишга солиб, Раънони кўрди, гаплашди. Қиз саройга лойиқ эканлигига, хонга ёқишига ишонгач, Солиҳ маҳдумнинг «орзуси» ҳақида хонга ахборот берди. Гулшаннинг Раъно ҳақидаги гаплари хонга маъқул бўлди. Фожа энди бошланади. Султонали Гулшанга олтин тангалар бериб фожианинг олдини олишга кўндирмоқчи бўлади. Гулшан бўлар иш бўлганлигини, энди орқага қайтиш сира мумкин эмаслигини айтади-да, Мирзо Анварга бошқа яхши қиз топиб беришни ваъда қиладди. Саройдан совчиларнинг келиши Солиҳ маҳдумни шошириб қўяди. У хон хошига зид боролмайди. Мудҳиш воқеа Анвар ва Раъно бошига қора кунларни яқинлаштиради. Абдулла Қодирий романининг қиммати шундаки, инсон эрки топталган жамият фош қилинади. Худоёрхон бошлиқ тузумда демократия, ошкоралик тамоман йўқ. Бир одам яхши кўрган қизни шох тортиб олармиш ҳеч ким ҳеч нарса демасмиш. Қиз бир йигитни жон-дилидан севармиш, унинг қўл-оёғини боғлаб хонга элтиб беришармиш. Романда тобелик, мутелик психологияси фош қилинади. Анвар, Раъно фалаж бўлиб қолган жамият танасидаги соғлом асаб торларидай ҳаракат қиладилар. Севишганлар таъсирида Султонали, Сафар бўзчи, унинг опаси ва почаси, Қобилбой ва унинг дўстлари эзгулик йўлида курашга киришадилар. Бизнинг жамиятимизда демократия чуқур илдиз отиб, инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари учун ошқора кураш авжлана борар экан, «Меҳробдан чаён» романининг ўтмиши — демократия, инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган жамиятни фош қилувчилик функцияси шунчалик орта боради.

Солиҳ маҳдум — романдаги мукамал характерлардан бири. Етук бадий типнинг яратилиши ёзувчи — санъаткорлар ўртасидаги мусобақани кучайтиради. Солиҳ маҳдум характери яратилгач, ўзбек совет прозасида хасис, худбин қариялар образи кўпайиб қолди. Қори Ишқамба (С. Айний), Тантибойвачанинг отаси (Ойбек), Инюят оқсоқол (Саид Аҳмад) кўп жиҳатдан Солиҳ маҳдумни ёдга солади. Солиҳ маҳдумни фақат хасис, кўзи тор образ сифатида талқин қилиш етарлимас. Руҳият мутахассиси бу образ устида қизиқарли кузатишлар олиб бориши мумкин бўлганидай, жамиятшунос, педагог ҳам у ҳақда қимматли маълумотларни айтиши мумкин. Мактабдор муаллим

сифатида махдум қатор фазилатларга эга: у болаларга яхши билим беради (Анвар асосан Солиҳ махдум берган билим туфайли бош мунший бўлди). Махдумда ўз шогирдларини мактаб юриш, уларнинг кейинги тақдири билан қизиқиш одати бор. Махдум мактабдор муаллимлар билан рақобат — мусобақа қилади: дурустроқ ўқитишга, бўлар-бўлмасга болани калтаклайвермасликка интилади. Махдумнинг педагогик фазилатлари остида худбинлик — бошқа мактаб болаларини ўз мактабига оғдириб олиш мақсади ётади. Мактабдорлараро рақобат шуни кўрсатадики, ўтган асрда мактаблар кўп бўлган, болалар саводсиз қолишмаган, «Ўзбекистон тарихи»да ёзилганидек саводчилар икки процентга яқин бўлган деган маълумот фирт ёлғон эканлигини кўрсатади. (Тоҳир Қаҳҳорнинг «Йнсонни маърифат тарбиялайди» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989, 10 февраль) Урта Осие ҳалқларининг инқилобдан аввалги саводхонлиги, мактаб мадрасалардаги ўқув системаси ҳақида кенг маълумот берилган). Абдулла Қодирни романларида зиёлилар образи ниҳоятда тиниқ яратилади. «Ўтган кунлар»да Юсуфбек Ҳожи, Мирзакарим қутидор оиласи қанчалик ишонарли ёритилган бўлса, «Меҳробдан чаён»да Солиҳ махдум хонадони ундан ҳам аниқ, ишонарли кўрсатилган. Махдум оиласида ўқув, ёзув, китоб улуғланади. Оила бошлиғи қанчалик хасис, очкўз бўлмасин, унинг билимли одамлиги сезилиб, билимли туради. Оила аъзолари кийишдан, ейишдан сиқилдилар, лекин китоб кўриш, ўқиш, ёзишдан бемалол фойдаланадилар. «Ишинг бўлмаса китоб ўқи, ҳуснихат ол; сен кулолнинг қизи эмассанки...» (5-бет) тақлидидаги танбехлар Раънонинг маърифатли бўлиб етишишга туртки бўлди. Махдум асранди ўғли Анварни мактабга йўлатмай, унинг юмуш ишлари билан банд қилиб қўйиши мумкин эди. Лекин у бундай қилмайди. Қолаверса, Анвар ўқишга чанқоқлиги, зеҳнининг ўткирлиги билан Солиҳ махдумнинг ўқитиш ишларидаги таянчига айланади. Махдум ўқимишли, билимли одам, лекин унда диёнат, инсоф етишмайди. Урдадаги совчилар келгач, махдум диёнатли одам бўлса, бор гапни рўй-рост айтишдан чўчимаган бўларди. Рост гапни айтса, Солиҳ махдум азият чекиши, сиқувга олиниши мумкин эди. Лекин китобхон кўзи ўнгида у тамоман бошқача одам бўлиб кўринарди. Хонга қариндош бўлиш ҳақидаги ширин ўйлар, Анварга ёвқарашлик билан муносабатда бўлиш Солиҳ махдумни Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ — меҳроб чаёнлари қаторига қўшди қўйди. Солиҳ махдум ўта мураккаб шахс сифатида намоён бўлади. У ҳар қанча ўқимишли, зиёкор бўлмасин, ёзувчи уни салбий типлар қаторига қўшади: унга ўзининг аниқ муносабатини билдиради.

Асарнинг асосий қаҳрамони Анвар, қашшоқ оилада туғилган, махдумнинг уйида тарбияланган, хон саройидаги катта амаллардан бирини эгаллаган йигит. «Меҳробдан чаён» ҳақида ёзилган тақриз, мақола, тадқиқотларда романининг жиддий ютуғи бош қаҳрамоннинг камбағал оиладан, эзилган синф орасидан танланганлигида деб ўқтирилади. Бизнинг онгимизда камбағал одам курашчи, энг инсоний ҳислатларни сақлаб қолган деган тушунча чуқур ўрнашган. Марксизм-ленинизм классиклари эзилган синф деганда капиталистик муносабатлар ўта ривожланган мамлакатлар қашшоқларини — курашишдан ўзга йўли қолмаган пролетариатни назарда тутганлар. На Россияда ва на Урта Осиеда капитализм юксак чўққига кўтарилмаган эди. Аниқроғи, Туркистонда капиталистик муносабатлар энди-энди пайдо бўлиб тараққий эта бошлаган эди. Демак, капитализм эзиб ташлаган, онгли курашга тайёр пролетариат ҳали пайдо бўлмаган эди. Анварни эзилган, курашга тайёр синф намоёндаси сифатида кўриш ўзини оқламайди. Қолаверса, Анвар қашшоқ оилада туғилган бўлса-да, Солиҳ махдум оиласида тарбияланди, Ражаббекдай эътиборли, амалдор одам назорати остида сарой хизматига тайёргарлик кўрди. Анварда улуғ кишиларга хос бир фазилат бор: у эзгуликни қабоҳатдан, чин инсонийликни сохта мулозаматлардан бехато фарқлайди. Анварда тиниқ ақл, садоқат, адолатпарварлик сингари белгилар тарбия топиб, тақомиллашиб борди. Анвар махдумникига келиши билан богчани гулзорга айлантирди, Насим каби одобли болалар билан дўстлашди, ўзидан кичикларга меҳр кўрсатди. Муҳими, Анвар илм олишга жиддий берилди: ҳақиқий инсонийлик сабоғини Шарқ фалсафаси, адабиёти, маданиятидан олди. Романининг бош қаҳрамони ўзи яшаётган ижтимоий муҳитнинг моҳиятини, хон саройидаги ифлосликларни, бошқариш усулидаги қаллобликларни чуқур англаб етди. Анвар ва унинг дўстлари хонлик системасининг, хусусан Худоёрхон ўтирган тахтнинг ниҳоятда омонат эканлигини теран англаб етдилар. Сўнги йилларда Урта Осие хонликларидаги сохталиклар, бошқаришдаги омонатликлар ҳақидаги ишонарли маълумотлар берилмоқда, генерал Жўрабек, Сатторхон, Фурқат ҳақидаги янги-янги материаллар эълон қилинмоқда. Қўқон педагогика институтининг ўқитувчиси Рустам Тожибоев «Мирзо Анвар ким?» номли ихчам мақоласида («Ёшлик» журнали, 1989, 1-сон, 73-бет) халқ кўзгюлига бошчилик қилган Мирзо Мунаввар ҳақида ёзиб, шу одам Мирзо Анвар образига прототип бўлмаганмикан деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Муҳими шундаки, Қўқон, Хива, Бухоро тахтга таҳдидни оддий, камбағал кишилар эмас, оқу қорани таниган, жаҳондаги жиддий ўзгаришлардан хабардор бўлган кишилар солганлар.

Анварни камбағал оиладан бўлганлигини таъкидлаганлар сира ҳам Абдурахмон домланинг қашшоқлигини, ўта камбағал Самад бўқоқ домланинг шериги эканлигини, Гулшан сатанг ҳам қашшоққина оиладан эканлигини айтмайдилар. Абдулла Қодирий бой — амалдорлар орасида Ражаббек сингари инсофчилар ҳам борлигини кўрсатиш баробарида Абдурахмон домла, Самад, Гулшан сингарилар хоннинг отган ўқи, пичоғининг қайроғи эканлигини айтмайдилар. Хўш, масалага шундай ёндашса, синфийлик масаласи нима бўлади? Синфийлик масаласини В. И. Лениннинг икки маданият, икки халқ ҳақидаги таълимотидан келтириб чиқармоқ жоиз. Халқ маданиятидаги прогрессив йўналиш илгор қарашдаги кишиларни ҳам етиштирди. Отабек, Анвар сингари ўқинган, билган, халққа қайишадиган одамларга ўта Урта Осиедаги зулматни йўқотишда ҳисса қўшдилар. Прогрессив кишилар Россия қиёфасида илгор маданият, фан ўчоғини кўрдилар. Анварнинг Раъно билан Тошкентга — Россия қарамига ўтган шаҳарга қочиб кетиши шундан далолат беради. Анвар романдаги мураккаб, жонли образлардандир.

Раъно — романдаги асосий қаҳрамонлардан бири. Бу образнинг ҳаётийлиги, Кумушга нисбатан жонли, «тиниклиги» ҳақида кўп ёзилган, Кумушнинг ўзи тенги қизларга қўшилиб шўх-шодон ўйнаб-кулишини, укаларининг ўртасига ўтириб олиб лой ўйнашини тасаввур эта олмайман. Раъно, ўқувчи қизларга қўшилиб ҳар хил ўйинларни ўйнайди, шўхлик қилади, кимлар биландир аразлиқлар қолади: у ниҳоятда табиий, жонли, ҳаётий тасвирланган. Раънода тиниқ ақл, аёлларга хос синчковлик, эзгуликка интилиш, гўзалликка ташналик сезилиб туради. Анвар билан ёнма-ён яшаш, жуда ёшли-

гиданоқ инсоний меҳрни ҳис этиш Раъно характериға таъсир этди. Қиз табиатидаги энг яхши фази-латларнинг униб-ўсишида Анварнинг таъсири кучли бўлди. Аввалиға Раъно Анварни шунчалик ҳурмат қилди, акасидай эъозлади, кейинчалик унда севги пайдо бўлди. Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонлари севгисини Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин севгиси билан қиёслайди. «Меҳробдан чаён» халқ ўртасида Анвар ва Раъно севгиси дostonи деб бекорға айтилмаган. Айрим тадқиқотчилар Раънонинг ўз севгиси, бахти учун курашишини Анварникиға нисбатан кучлироқ, таъсирлироқ дейдилар. Анвар фаолиятининг кўлами кенг бўлгани ҳолда Раъно асосан ўз севгиси ҳақида ўйлайди, уни сақлаб қолиш йўлларини ахтаради. Тўғри, жасоратлилиги, қатъиятлилиги билан Раъно Анварни ҳам ҳайрон қолдиради. Бу жиҳатдан Раъно Кумушға нисбатан анча фаол.

Инсонлараро муносабатда самимийлик, дўстлик муҳим аҳамиятға эға. Анвар табиатида дўсти содиқлик фазилати кучли. У ёшлиғида Насимни қанчалик севган бўлса, улғайғанида Султонали, Тойир ака, Сафар бўзчи сингариларни шунчалик ардоқлайди. Худоёрхон хонлиги пайтида хиёнат, сотқинлик, фитна шунчалик авж олдики, бундай шароитда чин дўсти бор одам бахтиёр ҳисобланарди. Анварнинг бошиға иш тушганида Султонали дўсти учун ўлимға тик борган бўлса, Сафар бўзчи фақат ўз оиласинигина эмас, қариндош-уруғлари ҳаётини хавфға қўйиб, Раънони уларникиға яширади. Қобилбойнинг дўстлари Шариф ва Раҳимлар ҳам Анвар тақдири учун куйиб-пишадилар. «Меҳробдан чаён» романида дўстлик ва хиёнат, севги ва разолат, инсоф ва диёнатсизлик сингари тушунчалар аро зиддиат конкрет шароит, жонли қаҳрамонлар тимсолида кўрсатиб берилади.

Тарихий роман қайси замонни, қайси мавзунни акс эттиришидан қатъи назар яратилган даврининг белгиларини сингдиради. Абдулла Қодирий ҳар икки романида «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»ни қаламға олди. «Энг кир, қора кун» деган тушунча янги даврнинг моҳиятини теран англаган инсонда пайдо бўлиши мумкин эди. Абдулла Қодирий янги даврнинг муносиб кишиси бўлишға интилди. Бошқача айтганда, ёзувчи дунёқарашида, тушунчаларида революцион ўзгаришлар рўй берди. Янги тузумға бутун борлиги билан хизмат қилишға чоғланган одам ютуқлардан беҳад қувонмаслиги мумкин бўлмаганидай, камчиликлардан куйинмаслиги, уларға ўз муносабатини билдирмаслиги мантиққа тўғри келмайди. Абдулла Қодирий 20-йиллардаги буюк революцион ўзгаришлар соясида рўй бераётган камчиликларни англади. Хусусан, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб маъмурий-буйруқбозлик муносабатлари, инсонға шубҳа билан қараш, ишончсизлик сезила бошлади. Ҳаётда Абдурахмон домла сингари эътиқодсиз, ичи қора кишиларнинг ови юришиб қолди, бюрократизм илдиз ота бошлади. «Меҳробдан чаён» романида инсон эрки поймол этилган тузум тасвирланган, ёзувчи янги давр нуқтаи назаридан, ўтмишнинг кир кунларини бадий акс эттирган бўлса-да, инсон табиатидаги белгилар унчалик ўзгармаган эди. Абдурахмон домла, Шаҳодат муфтилар саллаларини чувалаштириб, Шаҳидбек, Ғози эшонлар мешдек қоринларини силкилатиб, Гулшанлар эшилиб, буралиб революцион ҳаётға оёқ қўймадиларми? Ҳаёт янги йўналишға бурилди, революцион ўзгаришлар рўй берди, лекин ўтмиш мураккабликлари таъсирида бузилган, эътиқоди омонат кишиларни тарбиялаш лозим эди. Инсонни тарбиялаш, унга коммунистик ғояларни сингдириш игна билан қудуқ қазишдай мураккаб юмуш эди. Революциядан кейинги 9—10 йиллар ичида ижтимоий ҳаётда, айтиб ўтганимиздай, муҳим ўзгаришлар қатори салбий ҳолатлар ҳам рўй бера бошладики, улар инсонни янги эътиқод йўсинида тарбиялашға зид таъсир этди. Рой Медведевнинг «Сталин ва сталинизм ҳақида» номли тарихий очерклариде («Знамя» журнали, 1989 йил, 1-сон, 159—209-бетлар), «Жиддий муаммолар даври» (20—30-йиллар тарихи ва ҳозирги ижтимоий фикр) мақолаларида («Правда» газетаси, 30 сентябрь ва 3 октябрь, 1988 йил) инқилобдан кейинги мураккаб даврлар ҳақида фикр юритилади. Ижтимоий ҳаётдаги мураккабликлар ёзувчилар ижодиде, бадий адабиётда акс этмаслиги мумкин эмас эди. Ҳақиқий санъаткор реал воқеликни оғишмай, сиёсат шамоли эсган томонға бурилмай акс эттиради. А. Платонов, М. Булгаков, А. Ахматова сингари санъаткорлар ҳаёт ҳақиқатиғагина рия қилганликлари сабабли сиёсатдонлар қаҳриға учрадилар. Абдулла Қодирийдаги реалистик тасвир, ҳаётни ҳаққоний акс эттириш кимларгадир ёқмади. «Меҳробдан чаён» романидаги салбий типларда маъмурий — буйруқбозлик сиёсатининг намояндалари ўз моҳиятларини, асл қиёфаларини кўриб қолдилар. Худоёрхон идора усулидаги баъзи томонлар — фитна, инсонға ишончсизлик, ҳақиқий инсонларни таъқиб этиш 30-йилларда, сталинизм даврида авж олди. «Меҳробдан чаён» тарихий роман бўлса-да, ўз яратилган даврининг кўпгина томонларини ишонарли акс эттирди. Абдулла Қодирий, гарчи ўтмиш ҳақида романлар ёзган бўлса-да, инсон табиатини, унинг моҳиятини чуқур англаб, асрлардан асрларға ўтиб келаётган ҳақиқий инсонийликни, гўзалликни тасдиқлашни санъаткорлик бурчи деб биларди.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари номзоди



ЗАМОН СИНОВИ

1988 йилнинг адабий танқиди ҳақида

Қайта қуриш ва демократия тафаккур парвозига кенг йўл очиб берди. Эндиликда маънавий қадриятларга, адабий меросимизга ҳақиқий марксча-ленинча муносабат принципларини қарор топдириш, ўринсиз камситилиб келинган асарлар ва ижодкорлар ижодини қайта баҳолаш, баҳоси орттириб юборилган асарларнинг ҳақиқий қимматини аниқлаш учун етарли шароит туғилди. Шу билан бирга, қайта қуриш баҳона, айрим ҳолларда адабий тараққиёт ҳамда ижтимоий кураш тажрибаси туғдирган ва замон синовидан ўтган тушунчаларимизга менсимай муносабатда бўлишга уриниш ҳолларига ҳам дуч келиш мумкин. Шундай экан, бугунги кунги адабий танқидчилик жамият фикрини ўзида ифода қиляптими, шу кунги муаммоларни ўзида тўла акс эттиряптими?

Ана шу саволларга жавоб излаб кўрайлик.

Бу вазифалардан келиб чиқадиган бўлсак, сўнгги йилларда нашр этилган адабий-танқидий асарларда қайта қуриш руҳи қай даражада акс этган?

1988 йилда Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишланган иккита йирик китоб яратилди. Бу тадқиқотларни адиб ижодини илмий ўрганишнинг муайян якуни, синтези дейиш мумкин. Уларда фақат А. Қаҳҳор ижодини ўрганиш иши яқунланибгина қолмасдан, шу билан бирга, адиб ижоди биринчи мартаба ҳолис баҳоланди ҳам. Чунки бу китобларда А. Қаҳҳор ижодигагина эмас, турғунлик даври келтириб чиқарган адибнинг шахси ва мероси атрофидаги мунозараларга ҳам муносабат билдирилади, яқун ясалади. Бу ўринда гап Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжоновнинг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» ҳамда Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Озод Шарафиддиновнинг «Машҳур кишилар ҳаёти» сериясида чиққан «Абдулла Қаҳҳор» китоби ҳақида бораётир.

М. Қўшжоновнинг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» китоби адиб ижоди устида узоқ йиллар олиб борилган илмий кузатишлар натижасидир. А. Қаҳҳор маҳорати сирларини очиш, унинг услуби хусусиятларини аниқлаш ушбу китобнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Танқидчи адибнинг ҳикоячилик маҳоратини тадқиқ қилар экан, масалага рус ва жаҳон адабиёти нуқтаи назаридан ёндашади. Бу нарса мунаққидга А. Қаҳҳор новеллаларининг жаҳоншумул аҳамиятини очиш имконини беради. Шу муносабат билан китобда ижод психологияси, ижодий жараён, услуб назарияси билан боғлиқ қатор масалалар ҳам ёритилади.

О. Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» китобида эса бўлажак адибнинг шаклланиши кўрсатилади. Адиб ҳаёт йўлини кенг ёритиш орқали унинг кейинчалик яратилган асарлари манбалари, бўлажак қаҳрамонларининг прототиплари, асарларнинг ижодий тарихи билан таништирилган. Китобдаги «Сароб» ҳамда «Қўшчинор чироқлари» романлари таҳлили мукамал.

О. Шарафиддинов айниқса А. Қаҳҳор асарларидаги энг кичик персонажларни таҳлил қилишда катта маҳорат кўрсатади. Эпизодик образларни шу қадар чуқур ва мукамал ўрганиш зарур эдими, дейиш мумкин. Гап шундаки, «Сароб» романидаги эпизодик қаҳрамонларни чуқур таҳлил қилиб, О. Шарафиддинов романда ижобий кучлар заиф чиққан, деган даъвонинг асосизлигини исботлайди. Умуман олганда, бадиий асарлардаги кичик образларни бундай чуқур таҳлил қилиш билан мунаққид танқид ва адабиётшуносликнинг нақадар кенг имкониятларга эгаллигини, адабий асар эса бадиий-эстетик тадқиқот учун битмас-туганмас манба эканлигини намойиш қилади.

Улкан ёзувчининг ҳаёти — бошқалар учун ибрат. А. Қаҳҳор тўғрисида китоб ёзишга киришаркан, О. Шарафиддинов мана шу ғоядан келиб чиқади.

Қайта қуриш ва ошкоралик даври босиб ўтган йўлимизга бир назар ташлаб, совет халқининг фидоқорона меҳнати билан амалга оширилган барча ютуқларни алоҳида таъкидлаган ҳолда, йўл қўйилган барча негатив ҳолатлар, қонунчиликнинг бузилиши, ленинча нормалардан чекинишлар, волонтаризм, бюрократизм, лоқайдлик сингари хатоликларга принципиал муносабатда бўлишга даъват этмоқда. Шундай экан, олдинги босқичлардаги адабий жараёни ўрганишда масалага танқидий қараш айниқса муҳимдир. Эндиликда, қайта қуриш ўзининг иккинчи босқичига қадам қўйган бир шароитда, биз ўтмиш адабий жараёни тўғрисида фикр юритганда, масалага шу куннинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қарашимиз, бирёқламаликка йўл қўймаслигимиз, шаблон бўлиб қолган формулировкларни такрорлашга ҳам, олдинги давр адабий жараёнидаги ижобий тенденцияларни инкор этишга ҳам йўл қўймаслигимиз керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, таҳлил қилинаётган китобларда эътироз туғдирмасдан қолдирмайдиган баъзи бир ўринлар ҳам борлигини айтиш лозим. Масалан, О. Шарафиддиновнинг китобида 20—30-йиллар адабий жараёни мафкуравий кураш кучайган, миллатчилик кескин танқид қилинган давр сифатида характерланади, М. Қўшжонов ҳам 20—30-йилларни социалистик тузум иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта қадамлар билан олға борган пайт деб баҳолайди, бу даврда адабиётда юксак ғоявий-

лик учун кураш олиб борилганлигини таъкидлайди. Масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, А. Қодирий «Меҳробдан чаён» романида «Ўтган кунлар»дагига қараганда реализмдан бироз орқага чекинди. Чунки юксак ғоявийлик учун кураш шиори остида қилинган ноҳақ танқидлар Қодирийни реалистик ақидаларга бироз иккиланиб, шубҳа билан қарашга мажбур қилди. О. Шарафиддинов китобида эса шундай жумлаларни ўқиймиз: «Адиб, агар у чиндан ҳам реалист бўлса, агар ҳаққонийлик принципи унинг учун ҳамма нарсадан юқори ғурайдиган ягона принцип бўлса, агар у ўз асари билан халқига, дунёни қайта қураётган революцион ишчилар синфига, меҳнаткаш деҳқонлар оммасига хизмат қилишни ўзининг муқаддас мақсади деб билса, албатта, мамлакат ҳаётидаги ана шу муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни акс эттирмаслиги мумкин эмас». Бу жуда тўғри гаплар. Лекин шуниси ҳам тўғрики, А. Қаҳҳор ҳақиқий реалист бўла туриб, негадир 20—30- йиллар халқ ҳаётидаги жуда катта фожиаларни, ҳеч бўлмаганда, очарчиликни акс эттиришга ўзида журъат тополмади.

Озарбайжон ёзувчилар союзининг раиси Анорга мурожаат қилиб, «Комсомольская правда» газетасининг муҳбири: «Нега сизларда шахсга сиғишиш ва турғунлик даврларида босилмаган асарлар йўқ?» деб сўраганида, «Бунинг сабаби: бизлар ё ҳеч қандай асарнинг нашр этилишига қаршилик қилмайдиган ҳақиқий демократлармиз, ёки жамиятнинг тишига тегадиган асарлар ёзишга журъат этолмайдиган кўрқоқлармиз», — деб жавоб берди.

Ҳўш, бизлар-чи?

Бизда ҳам нашр этилмасдан ётган бирорта асар яратилган эмаски, бу ҳол кишини адабиёт ва ёзувчининг халқ олдидаги бурчи ва масъулияти ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Шунингдек, М. Қўшжоновнинг: «Ўтмишда ҳаёт шароитлари билан санъаткор орасида қандайдир зиддик — дисгармония бўлса, янги жамият заминидан бу зиддик асорати ҳам қолмади, ҳаёт шароитлари билан санъаткор орасида бир-бирига мослик — узвий боғлиқлик пайдо бўлди», — деган гаплари аслида назарий жиҳатдан тўғри бўлса-да, бугунги кунда унга тўла қўшилиб бўлмайди.

ВКП(б) МКнинг 1946—1948 йилларда қабул қилган адабиёт ва санъат тўғрисидаги қарорлари асосис ва нотўғри эканлиги ҳозирда аниқ бўлиб қолди. Бироқ О. Шарафиддиновнинг китобидаги: «Бу қарорларнинг баъзиларида айрим санъаткорларга нисбатан ножоиз иборалар қўлланган бўлса-да, баъзи асарлар керагидан ортиқ кескин оҳангларда қораланган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси совет адабиёти ва санъатининг ривожига катта роль ўйнайди», — деган гапларга ҳам танқидий қараш керак.

М. Қўшжоновнинг «Айний бадиияти эволюцияси», Б. Назаровнинг «Ҳамза абадиияти» китоблари ҳам диққатга сазовор. М. Қўшжоновнинг рисоласида улкан адибнинг ижод лабораторияси таҳлилдан ўтказилади. Айниқса, «Эсдаликлар» поэтикасига бағишланган саҳифалар адиб ижодини, жанр табиятини бадиий-эстетик таҳлил қилишда мусавфо оқим нафасини элтади. Бироқ С. Айнийнинг илк романларида психологизмнинг етарли эмаслиги, инсон руҳий оламини очишга унчалик эътибор берилмаганлиги ва бунинг объектив ҳамда субъектив сабаблари тадқиқотчи назаридан четда қолган кўринади.

Ҳозирги адабий-танқидий китобларда адабий таъсир масалалари катта ўрин тутаяди. М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновларнинг юқоридagi китоблари, Н. Каримовнинг «Пушкин ва ўзбек шайрияти», Р. Иноғомовнинг «Кўнгиллар аро кўприк», Бойназар Йўлдошевнинг «Қардошлик тўғуларини», Н. Комиловнинг «Бу қадимий санъат», Масъуд Расулийнинг «Шарқни англаш» («Постижение Востока») рисолаларида ҳозирги адабий тараққиётда миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари тўғрисида фикр юритилади. Бу қонуний ҳолдир. Чунки турли халқлар миллий адабиётларининг бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиши узлуксиз давом этадиган, борган сари ижодийроқ характер касб этадиган жараёндир, адабий тараққиётни муттасил озиқлантириб турадиган туганмас чашмадир. Шундай экан, миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига таъсири масалаларини доимий кузатиб бориш, тажрибаларини умумлаштириш зарур.

Таъсирланишни Н. Комилов чашмадан сув ичишга ўхшатиб жуда яхши қилибди. Гарчи бу ўхшатиш Белинскийдан кейин янгилик бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, жуда топиб айтилган гапдир. Адабий таъсир фақат адабиёт тараққиётини бойитибгина қолмасдан, умуман, халқ маданий савиясининг юксалишига кучли таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир. У орқали халқ жаҳон маданияти, ижтимоий тафаккури ҳамда мафкуравий соҳадаги ютуқларини синтез қилади, ўзлаштира боради. Биз эса бу самарали ижодий жараённи тадқиқ ва талқин қилишда ҳали ўша сийқаси чиққан ўхшаш мавзулар, ўхшаш образлар, ўхшаш деталлар ва жумлалар қидиришдан нари кетолмагачми, адабий таъсир самараларини қадрлаб муносиб баҳолаганимиз ҳолда, унинг механизмини очишнинг усул ва методларини топа олмасдан, бир жойда депсиниб қолмоқдамиз. Н. Комилов бу китоби билан адабиётимиз тарихининг ҳозиргача қоронғи бўлиб келаётган бутун бир соҳасини ёритди, қатор ўзбек ёзувчилари ижодининг анча мукамал ва тўла манзарасини чиқишга эришди. Ўтмишда яратилган таржима асарларнинг жамият тарихи ҳамда тафаккурида ўйнаган роли ва уларнинг бугунги кун учун аҳамиятини белгилаб беришга ҳаракат қилди. Айниқса, Хоразм таржима мактабининг тадқиқотга асос қилиб олинганлиги назарий ва амалий хулосалар чиқариш учун муаллифга қулай имконият беради. Бироқ айрим ўринларда масалага муносабатда тадқиқотчи позициясининг аниқ эмаслиги сезилади. Масалан, Шарқ адабиёти учун маълум даражада хос бўлган дабдабали услуб тўғрисида бирор нарса дейилмайди. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, китобда Табибийнинг ўз таржималарида оригиналнинг ижтимоий-ахлоқий томонларини кучайтирганлиги, унинг тарбиявий аҳамиятини оширганлиги ҳақида гапирилади. Бироқ бадиий таржимада оригиналнинг ахлоқий томонини кучайтириш дегани аслида нима? У қандай қилиб амалга оширилади? Бу ҳақда ҳеч нарса айтилмайди. Китобда кўплаб муаммолар тилга олингани ҳолда, оз масала ҳал қилингандай таассурот туғилади.

Н. Худойберганов «Ишонч» китобида шу кунги адабиёт ва танқидчиликнинг долзарб масалалари тўғрисида фикр юритади. Унда адабиётимиз тараққиётга тўсқинлик қилаётган иллатлар куюнчаклик билан рўй-роғат танқид қилинади. Бадиий асарларни, умуман, адабий жараённи таҳлил қиларкан, Н. Худойберганов санъатнинг юксак мезонларидан келиб чиқади, ҳар бир асар ҳаётини,

салмоқдор бўлишини талаб қилади. Манақид танқидда юзакичилик, далилсиз мақташ ёки қоралашни маъқулламайди. Умуман олганда, Н. Худойбергановнинг бу китобидан қайта қуриш руҳи барқ уриб туради, китобга кирган кўпчилик мақолалар учун хос бўлган танқидий руҳ, принципиаллик ҳамда талабчанлик бошқа танқидчилар учун ҳам ибрат бўла оладиган фазилатлардир. Шунга қарамай, Н. Худойбергановнинг «ғоявийлик» терминини тушуниши, унга берган талқини билан мунозара қилмасдан бўлмайди.

Дарҳақиқат, ғоя ва ғоявийлик тушунчалари гарчи жуда яқин бўлсалар ҳам, барибир, улар бир-биридан фарқ қилувчи мустақил тушунчалардир. Ғоявийлик, Н. Худойберганов танқидлаганидек, ёзувчининг «асарда айтмоқчи бўлган фикри» эмас. Ғоявийлик ёзувчининг қаламга олинган, тасвирланаётган материалга ижтимоий, фалсафий ҳамда ахлоқий муносабатидир, асарда ифодаланган мазмуннинг ижтимоий йўналишидир. Ғоявийлик санъаткор ижтимоий-сиёсий қарашларининг аниқлиги, даврнинг илғор ғояларига дахлдорлиги, асарнинг ижтимоий йўналишидирки, у талант билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Н. Худойберганов эса ғоявийликни санъаткор шахси, талантига боғлаб қўядики, бунга қўшилиб бўлмайди. Санъаткор, агар у чиндан ҳам ҳақиқий талант эгаси бўлса, дунёқараш қандай бўлишидан қатъи назар, ўз асарларида ҳақиқатни ёза олади. Чунки санъаткорнинг эстетик идроки, гениал истеъдоди даврнинг зарарли ғояларидан устун келади ёхуд дунёқарашидеги чекланганликларини ёриб чиқиб, борлиқни ҳаққоний кўрсатишга имкон яратади. Айниқса, шу кунларда ўтмишда ғоявий-сиёсий хатоликлар тамғаси зўрма-зўраки ёпиштирилган кўплаб ижодкорларнинг мероси қайтадан тикланаётган, маданий меросимизга муносабат қайта кўриб чиқилаётган бир шароитда адабиёт ва санъатда ғоя ва ғоявийлик, талант ва дунёқараш масалаларини тўғри ҳал қилиш жуда ҳам муҳимдир.

Н. Худойберганов — талабчан танқидчи. У адабиётимиз равнақи йўлида, санъатнинг манфаатлари йўлида ўзини ҳам, бошқани ҳам аямайди. Бироқ айрим ўринларда Норбойнинг ўзи ҳам адабий танқид назарий билим, мантикий исботга асосланган соҳа эканлигини унутиб қўяди, тафсилотларга берилиб кетади, асар мазмунини сўзлаб бериш иштиёқдан ўзини тийиб қола олмайди. Буни айниқса Т. Қаипбергеновнинг «Нўз қорачиги» романига бағишланган мақоласида кўриш мумкин. Роман савия жиҳатидан юқори асарми ёки бўшми? Гапнинг рости, Н. Худойберганов мақоласига асосланиб бу ҳақда бирор хулоса чиқариш амри маҳол. Тўғри, бундай нуқсонлар Норбойнинг барча ишлари учун эмас, балки айрим мақолалари учунгина хос. Лекин юқоридаги мақолада кўзга ташланган яна бир қусур ҳам борки, уни Норбойнинг қарийб бутун ижоди, услуби учун характерли бўлган иллат деб айта оламиз. Гап шундаки, танқидчи асарларга юксак бадиий-эстетик талаблар қўяди-да, сўнгра «асар автори бунга қисман эришади» деб ақунлайди ўз фикрини. Ажабо, «қисман эришади», «бир қанча ўринларда муваффақиятга эришади» дегани бу асар бадиий жиҳатдан мукамал деганими ёки заиф деганими? Мукамал бўлса — мукамал, заиф бўлса — заиф деб қўя қолса бўлмайдимиз? Бундай мужмал иборалар Н. Худойбергановнинг принципларига сира тўғри келмайди.

Баъзи мақолаларда Н. Худойберганов меъёрни унутиб қўяди, кўпсўзликка берилади, керагидан ортиқ даражада эзмалик қилади. Натижада мақола ҳаддан ташқари чўзилиб кетади. Ундан оладиган бадиий-эстетик таассурот, илмий-танқидий сабоқнинг салмоғи етарли бўлмасдан қолади. Тўпламга кирган «Ҳаммаси таҳлилда кўринади» мақоласида тўғрисида шуни айтиш мумкин. Баъзи масалалар, айрим фактлар ҳамда мисоллар бир неча мартадан такрорланади. Тўғри, бир хил факт ёки масалага мақолада қайта-қайта мурожаат қилиш мумкин. Лекин ана шундай мақолаларни бир тўпламга жамлашда уларни бир сидра кўриб чиқиш ва тахрирдан ўтказиш зарур эмасми? Ҳеч бўлмаганда, китобхоннинг вақтини аяш керак-да ахир!

Ботирхон Акрамовнинг «Оламнинг бутунлиги» рисоласида шеъриятда ҳаққонийлик, образлилик каби масалалар Миртемир, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Рауф Парфи лирикаси таҳлили асосида ёритилади. Бу шоирлар ижодининг мавзулари, мотивлари, санъаткор сифатидаги такрорланмас хусусиятлари очилари. Ҳозирги замон шеъриятининг баъзи муҳим масалаларига тўхталар экан, мунаққид шеъриятга чуқур билим ҳамда профессионал малака билан муносабатда бўлишга даъват этади. Шеъриятга ва шоир шахсига доимо ҳадиқсираб қараш, ҳар қандай асардан социалистик реализм, коммунистик партиявийлик позицияларидан чекинишни кўришга, ғоявий хатолар ахтаришга одатланиб қолган баъзи танқидчиларнинг қарашларини принципиал танқид остига олиб тўғри иш қилади. Б. Акрамов таъкидлаганидек, «Шоир зоти билан бугунги закий китобхон ўртасида туришга лойиқ бўлиш учун танқидчининг шеърий диди, профессионал иқтидори, одил ҳақамлиги билан бирга саховати ҳам керак» бўлади.

Бироқ барча масалаларда ҳам мунаққиднинг фикрларини тўғри дейиш қийин, унинг лирик поэзияни таҳлил қилиш усулларини ҳар доим ҳам маъқуллаб бўлмайди.

Б. Акрамов поэтик образ яратишнинг фақат «нимагадир нисбатлаш, муқояса қилиш, сўзга кўчма маъно бериш, баъзан фавқуллода муболага, рамзлардан фойдаланиш» усулларинигина тан олади ва уни бирдан-бир ва ягона усул деб билади. Натижада, таҳлил қилишда ҳам, материал танлашда ҳам, ўз фикрларини тасдиқлаш учун шеърий парчалар келтиришда ҳам танқидчи шу мезондан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан қараб, А. Ориповнинг кейинги давр ижодида тимсоллар, ташбиҳлар, образлар борган сари камайиб, бунинг ўрнига, ташбиҳларсиз, тимсолларсиз, сўзлар ўз маъносидега қўлланиладиган автологик образлар кўпайиб кетяпти деб ноурин ташвиш чекадики, буни назарий ҳамда методологик жиҳатдан тўғри деб бўлмайди. Бунинг устига, Б. Акрамов ўз китобида кўп ўринларда мисраларни жўнлаштириб таҳлил қилади, шеърий парча келтириб, уни шарҳлаш, мазмунини қайтадан сўзлаб бериш билан овора бўлиб қолади. Масалан, У. Азимовнинг «Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл» деган мисрасини таҳлил қилар экан, Б. Акрамов уни «тўғри сўзнинг мўъжизакор кучи, ёлғон сўзнинг касри» таърифи дейиш билан ўз вазифасини бажарган бўлади, мисралардаги фожиали оҳанг тадқиқотчини ҳаяжонга солмайди.

Шеър туйғудир. Б. Акрамовни эса шеърдаги туйғу эмас, афтидан, воқеалар, манзаралар кўпроқ қизиқтирадиганга ўхшайди. Бу, эҳтимол, тўғридир. Лекин мунаққиднинг нима учун «руҳий теранлик даъво қилмайдиган оддийгина воқеабанд шеърларни танлаб олишини тушуниб бўлмайди. Танқидчи шуларга асосланиб фикр юритадики, бундай фикрлар поэзиянинг аҳволи ҳақида тўғри хулоса чиқаришга имкон беради деб айтиш қийин.

Кишини ажаблантирадиган жойи шундаки, баъзи адабиётшунос ва танқидчилар фандаги, умуман, мафкура оламидаги янгиликлардан ҳамда ўзгаришлардан яхши хабардор эмасликларини ошкор қилиб қўядилар, эскича қарашлар, эскича андазаларга ёпишиб оладилар. Ҳанифа Солиҳованинг «Инқилобий шеърят» («Поэзия, рожденная революцией») китобида жадидлар чор маъмурияти, маҳаллий амалдорлар, бой ва савдогарларнинг манфаатларини ёқлаб, одамлар эътиборини синфий курашдан четга тортувчи кишилар сифатида таърифланади. Эътибор беринг, бу фикрлар 1988 йилда айтиляпти! Тўғри, жадидизмга ўз даврининг прогрессив ҳаракати деб қараш эндигина қарор топмоқда. Бироқ жадидизмга бир оз бўлса-да тараққийпарвар ҳаракат деб қараш қатъиян ман қилинган турғунлик йилларида ҳам адабиётшунос ва танқидчилардан ҳеч қайсиси масалага бу даражада бирёқлама муносабатда бўлган эмас эди, деб ўйлайман. Ҳўш, жадидизмга тараққийпарвар оқим сифатида қараш-ку эндигина расм бўлиб келяпти дейлик. Дукчи эшон ҳаракатига қараш-чи? Маълумки, ўтган аср охиридаги Мингтепа воқеаларига янгича қараш олдинроқ қарор топган бўлишига қарамасдан, шу давр шеърятга ҳақида баҳс юритувчи китоб автори бу масалага муносабатда ҳам эскириб қолган қарашлардан қутула олмаганлиги кишини ажаблантиради. Дарвоқе, тадқиқотчининг Дукчи эшон ҳаракатига бу каби эскича қарашнинг жадидизмга берган ўта бир томонлама характеристикаси тасодифий эмаслигини кўрсатади. Даврнинг иқтисодий ва сиёсий воқеаларига тўғри характеристика беролмаган адабиётшунос ўша давр адабиёти ҳамда адабий ҳаракатчилигини ҳолис ёрита олади деб бўладими? Китобда Муқимий ва Завқийларнинг Мингтепа воқеаларига бағишланган асарларини ҳозирги замон ва фан ютуқлари нукта назаридан танқидий таҳлил қилиш ўрнига, ўша илгаридан маълум гапларни айтиш билан чегараланиб қолганлигига сабаб ҳам худди шундадир.

«Адабиёт ва санъат» тўпламининг 1988 йилги китоби барвақт нашрдан чиққанлиги ҳаммани мамнун қилди. Ҳўш, унда босилган мақолалар-чи?

Тўпلامда ўзбек санъатининг қарийб барча турларига оид мақолалар берилган. Улар орасида бир қатор бақувватлари ҳам бор. Бундайлар сирасига Н. Каримовнинг «Қайта қуриш ва адабий танқид», С. Мамажоновнинг «Ҳозирги ўзбек романларидаги ғоявий ва эстетик изланишлар», А. Каттабековнинг «Тарихий факт ва бадий талқин» мақолаларини киритиш мумкин.

Романчилик тараққиётида доим тарихий роман етакчилик қилиб келган. Бу хусусият ҳозирги ўзбек романчилигида ҳам кўринади. Шу билан бирга, бугунги ўзбек тарихий романи тараққиётида икки хусусият мавжуд. Биринчиси, тарихий романларда воқеалар ва характерларни бадий мантиқига мувофиқ асослаш ўрнига, тарихий ҳужжатларга ишора қилиш, асардаги бадий заифликларни ана шу тарихий ҳужжатлар билан асослашга интилиш бўлса, иккинчиси, тарихий асарларни баҳолашда бадий адабиётнинг санъат сифатида ўзига хос қонуниятлар билан иш кўришини ҳисобга олмаслик, сийқаси чиққан вульгар-социологизм усулидан четга чиқолмаслиқдир. С. Мамажонов ва А. Каттабековларнинг мақолаларида ана шу иллатлар ҳаққоний танқид қилинади. Лекин бу мақолаларда олға сурилган баъзи бир қоидалар, адабий жараёни таҳлил қилишдаги усуллар билан келишиб бўлмайди. «Қайта қуриш ва адабий танқид» мақоласида «адабиёт қайси савияда бўлса, танқид ҳам ўша даражада бўлади», — деган тезис қоидага айлантирилганки, бизнингча, бу тўғри эмас. Чунки адабиёт тараққиёти тажрибаси бундай тезисни тасдиқловчи материал бермайди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг! Асримизнинг 20-йилларида ўзбек адабий танқидчилиги ҳамма ҳақимзода, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Фитрат асарлари савиясида эди деб бўладими? Асло! Урушдан кейинги давр танқидчилиги бадий адабиёт билан баравар тараққий этган дейиш мумкинми? Йўқ. Ўзбек совет адабиётининг тараққиёт йўлига бир назар соландан бўлсак, яқин-яқинларгача ҳам адабий танқид бадий адабиётдан орқада қолиб келганлигини, аксинча, баъзи ҳолларда тўғанок бўлганлигини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

«Ҳозирги ўзбек романчилигидаги ғоявий ва эстетик изланишлар» мақоласида С. Мамажонов «Оққушлар, оппоқ қушлар» романидаги Нигора экспедицияси тасвирланган ўринларни асар сюжети ва конфликтга таъсири йўқ, деб ҳисоблайди. Бизнингча, кенг кўламли романда иккинчи даражали сюжет чиқиқлари ҳам бўлиши мумкин. Чунки бундай ўринлар китобхонга ҳам, асар персонажларига ҳам биров нафасни ростлаб олиш учун имкон беради, кескин воқеалардан кейин қайта-қайта юзага чиқиб, ривояда ритм яратади. Романбоп ривояда ритмнинг намоён бўлиши, хусусиятлари ва вазифаси масалалари ҳали тадқиқ этишга муҳтож. Бундан ташқари, С. Мамажонов романлардаги камчиликларни кўрсатар экан, негадир ёзувчиларга маслаҳат беришга шошилади. «Танқидчи, — деб ёзган эди Н. Думбадзе, — ёзувчига нималарни айтмоқни зарур деб ҳисобласа, ҳаммасини айтишга ҳақлидир. У фақат ундай ёзиш керак, бундай ёзиш керак, деб ўргатишга ҳақли эмас».

Олим Отахоновнинг «Разолатга олиб боради» мақоласида бадий асарлар мавжуд ахлоқий нормалардан келиб чиқиб таҳлил қилинади. Бироқ муаллиф ахлоқ ва адабиёт сингари ижтимоий онгинг икки мустақил тури ўртасидаги муносабатларни нотўғри талқин қилади, адабиёт билан ахлоқ ўртасидаги мураккаб муносабатларни жуда содда ва жўн тушунтиради. Маълумки, бадий адабиёт ахлоқни эмас, ҳаётни, борлиқни акс эттиради. Санъаткор ёзувчи ҳам ҳаёт ҳодисаларини, персонажларнинг қилмиш-қидирмишларини тасвирлар экан, уларга муайян ахлоқий ҳамда синфий позициядан ёндашади. Лекин асарнинг асосий ғояси эса ҳар доим ҳам авторнинг ахлоқий позицияси билангига эмас, балки характерларнинг ирода йўналиши билан боғлиқ бўлади. Қанийди, ҳаётда ҳамма нарса бизнинг ахлоқ нормаларимизга ва қарашларимизга мувофиқ келаверса? Унда турмушимизда ҳозирги муаммолар бўлмасди, уларни тасвирлаш зарурати ҳам туғилмасди. Унда Нурилло Отахоновнинг «Бу йўллар» ҳикояси ҳам ёзилмасди ва Олим Отахонов ҳам бу ҳикоядан ранжиб, уни танқид қилиб ўтирмасди. Лекин бу ҳаёт. Не иложки, унда ҳамма нарса рисоладагидек бўлавермайди. Адабиётнинг вазифаси эса ахлоқ кодексларини эмас, ҳаётни тасвирлашдир. Бадий асарларни таҳлил қилганда, мана шу аччиқ ҳақиқатни эсдан чиқармаслик керак. Лекин бу — ёзувчи нимани қандай ёзса, ҳаммасини маъқуллайвериш керак дегани эмас. Ёзувчи ўзи тасвирлаган нарсаларга китобхонни ишонтира олдимки, персонажларнинг хатти-ҳаракатларини етарли даражада бадий ва мантиқий асослай олдимки? Ҳамма гап шунда.

Мунаққид ҳикоя авторини халқнинг ахлоқий ақидаларига тажовуз қилишда, бузуқликни тарғиб қилишда, адабиётнинг покиза идеалларига хиёнатда айблайди, авторнинг ўзини ҳам,

ахлоқсизга чиқариб қўяди. Бу ҳикояни ўқиган ёшлар йўлдан озиб кетмайдими? Танқидчини ташвишга солган нарса мана шу. Уйлаб қаранг! Ана шундай одамларни кўрсатмаган билан ҳаётда улар йўқ бўлиб қоладими? Мураккаб ва чигал тақдирлар турмушда бор бўла туриб, уларни бадиий адабиётда кўрсатмаслик, ҳаёт ҳақиқатидан чекиниш, борни йўқ деб ҳаётни бўяб кўрсатишнинг ўзи ахлоқсизлик эмасми?

Муслиҳиддин Муҳитдиновнинг «Барҳаёт ғоялар», Маъжид Ҳасановнинг Сирожиддин Аҳмедов билан бирга ёзган «Эрк куйчиларидан бири», Муҳаммаджон Бақоевнинг «Фитрат ижодида атеистик мавзу» мақолаларини тўпламдаги заиф мақолалардан деб айтиш керак. «Барҳаёт ғоялар»да муайян концепция йўқ, бирор бир проблема қўйилмайди. Шу боисдан ҳам у фикрий-маънани бойитмайди. Бундай мақолалар ҳам, эҳтимол, керакдир. Лекин бундай илмий-назарий, адабий-бадиий тўпламларда эмас, дарслик ва қўлланмаларда керак! Маъжид Ҳасанов, Сирожиддин Аҳмедов, Муҳаммаджон Бақоевларнинг мақолалари ҳам қуруқ баёнчиликдан иборат. Уларда авторлар Чўлпон ва Фитратни зўр бериб мақташга уринадилар. Бироқ илгари сурилган фикрлар асарлар таҳлили билан ҳам, фактлар билан ҳам мустаҳкамланмайди. Мақола аввалида Чўлпонни ғоявий хатоларга йўл қўйган ижодкор, деб айтилган фикрлар танқид қилинган ҳолда, кейинроқ бориб авторларнинг ўзлари ҳам бирор бир далил-исботсиз Чўлпон «ўз ижодида йўл қўйган ғоявий хато ва камчиликларни тан олиш билан бирга, нотўғри қарашларда, воз кечганлиги» тўғрисида гапирадилар. Қайси ғоявий хатолар тўғрисида гап борапти? Афсуски, буни билиб бўлмайди. Фитрат ҳақидаги мақолада ҳам шундай ҳолни кўрамиз. Муаллиф шошма-шошарлик билан чиқарилган юзаки хулосалар, пала-партиш тезислар билан чегараланиб қолмасдан диалектика, коммунистик илмий дунёқараш сингари тушунчаларни ўрни келса-келмаса ишлатаверади. Айрим ўринларда тадқиқотчи шундай мулоҳазаларга ҳам бориб етадики, ўқиб ҳайратда қоламиз. «Асардаги бу сатрлар, — деб ёзади Муҳаммаджон Бақоев, — ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди. Шайтон бу ерда диалектик қонуни материалистик асосда тушунишга шама қилиб, бор нарса ўз жойида, лекин одам кўрмаган илоҳий куч йўқ нарса эканлигини таъкидлаб ўтади». Бу жумладан нимани тушунамиз? Бундай юзаки ва бўш мақолалар адабиётимизнинг мураккаб тақдирли намояндалари бўлган Чўлпон ва Фитрат ижодини илмий ўрганишга ҳисса қўшмайди. Чўлпон билан Фитрат ижоди таҳқир ва таъқибларни, ҳар куйга солиб қоралашларни ҳаддан ташқари кўп кўрди. Уларнинг шахси, ижоди қуруқ мақтовларга эса сира муҳтож эмас. Бизнингча, бу икки санъаткорнинг адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидаги ҳақиқий ўрнини тиклаш учун улар ижодини чуқур ўрганиш, илмий-назарий, бадиий-эстетик ва ижтимоий-тарихий таҳлил қилиш, фақат таҳлил қилиш керак.

Рус тилида икки томлик «Ўзбек адабиёти тарихининг» нашр этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. Ушбу китоб рус китобхонлари, мамлакатимиздаги ўзбек бўлмаган кўплаб адабиёт ихлосмандлари ҳамда мутахассислари учун муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ушбу тадқиқотнинг ички мазмуни кишини қониқтирмайди. Унда ўзбек классик адабиётининг кўп асрлик тарихий тараққиёти хронологик-тавсифий йўл билан баён қилинади, ҳар бир босқич адабиётнинг ҳаётни бадиий ифода этиш ва образ яратиш имкониятлари ҳамда хусусиятлари кўрсатилмайди, адабиёт тараққиётининг қонуниятлари очилмасдан қолади, назарий масалалар четлаб ўтилади, ўзбек классик адабиёти тараққиётидаги бутун жаҳон адабиёти билан синхрон умумий хусусиятлар тўғрисида гапирилмайди. Натижада жаҳон адабиёти тараққиётининг умумий жараёнлар ҳамда қонуниятлар ўзбек адабиёти учун хос эмас экан, деган хулоса келиб чиқади, ижодий методлар, адабий оқимлар ёритилмайди, улар тилга олинган ҳолда ҳам жуда жўн гапларни айтишдан нари борилмайди. Масалан, «Тарих»да XVI аср адабиёти тўғрисида гапирилганда (бобни М. Мирзааҳмедова ёзган), бу даврда реакция сарой адабиётига қарама-қарши прогрессив халқ адабиёти ҳам мавжуд эди, бу адабиёт феодал-сарой адабиёти билан ғоявий курашда тобланди, дейилади ва ана шундай феодал-сарой адабиётига зид бўлган, унга қарши ғоявий курашда тобланган адабиёт вакиллари сифатида Бобур билан Муҳаммад Солиҳнинг номлари келтирилади. Масалани бу тарзда қўйиш ва талқин қилиш фақат илмга зидгина бўлмасдан, балки кулгили ҳамдир.

Ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг шаклланиши тарихини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқичда биз маданий-адабий манбаларни тўпладик, ўргандик, иккинчи босқичда уларни системалаштириб, таъриф-тавсиф қилдик, учинчисда эса, бадиий адабиётнинг санъат сифатидаги хусусиятларини ва моҳиятини тадқиқ қила бошладик, эстетик издрок, бадиий маҳорат сингари санъатни санъат қилиб турган томонлари ғоявий-бадиий ҳамада назарий жиҳатдан ўрганишга киришдик. Бу маданиятимизнинг, фанимизнинг, савиямизнинг жиддий даражада ўсганлиги нишонасидир. Бироқ, минг афсуски, адабиётимиз тарихий тараққиётини ёритувчи ишларга, шу жумладан, «Ўзбек совет адабиёти тарихи», «Ўзбек адабиёти тарихи» сингари капитал ишларга нисбатан бундай дея олмаймиз. Уларда ҳали адабиётнинг тарихий тараққиёти қонуниятлари ҳар бир босқич адабиётининг давр эстетик тафаккури билан боғлиқ хусусиятлари, образ яратиш соҳасида юз берган жиддий эволюцияси чуқур очиб берилган, дейиш қийин. Айрим даврлар адабий ҳодисаларини таҳлил ва талқин қилишда, баъзи бир назарий проблемаларни ёритишда ҳам етарли даражада журъат ва шижоат кўрсатмоқдамиз, деб айта олмаймиз. Жанрларнинг шаклланиши ва спецификасини, ижодий методларнинг пайдо бўлиши ва унга таъсири ҳали ёритилганича йўқ. Адабиётимиз тарихини ёритувчи ишларда ҳанузгача реализм, романтизм, маърифатпарварлик, ренессанс сингари терминлар бемалол ўз ўрни ва мавқеини эгаллагани йўқ. Чунки бу масалаларнинг ўзи айтарли даражада ишлаб чиқилмаган ва истъмолга киритилмаган. Ҳали шу чоққача адабиётимиз тарихини даврлаштириш масалалари ҳал қилинган эмас. Бунинг устига, ўзбек адабиётининг кўп асрлик тарихини бутун жаҳон ва рус адабиёти билан типологик, синхрон ёритиш масалалари ҳам йўлга қўйилмаган.

Хуллас, адабиётшунослар ва танқидчиларимиз олдида улкан, масъулиятли вазифалар таҳлаиб турибди. Кўп асрлик бой маданий меросимизни бутун тўлалигича халққа етказиш, совет даврида ижод этган улкан адибларимиз асарларини бугунги давр талаблари асосида чуқур ўрганиш ва нашр этиш, замон синовларига бардош бера оладиган етук тадқиқотлар яратиш йўлида кўп изланишга, машаққат чекишга тўғри келади. Ҳали хотиржам бўлишга вақт эрта...



Хайрулла Исматуллаев

САХОВАТЛИ ХАЛҚ МАДҲИ

XX асрнинг 50- йилларидан бошлаб Латин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар зиёлиларининг Совет Иттифоқига, хусусан СССРнинг Урта Осиё республикаларига қизиқиши анча кучайди. Айниқса, Ўзбекистонда саводсизликнинг тугатилиши, миллий тил масаласининг ечилиши, адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқларимиз Латин Америкасидаги дўстларимизни ўзига жалб этяпти. Бразилиялик адиба Перейра да Сильва «Ўзбекистон тажрибаси Бразилия учун диққатга сазовордир»,— деб ёзса, аргентиналик ёзувчи Рауль Ларра шундай хулосага келади: «Ўзбек опера ва балет театрининг кўркем биноси пештоқида «Санъат халқникидир» деган ёзувни ўқидик. Тошкент билан танишгандан сўнг бу олижаноб шиор оддий сўз эмас, балки жонли ҳақиқат эканлигини тушундик». (Тўплам: «Саховатли халқ мадҳи». Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент — 1967)

Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўрган, унинг ютуқлари билан танишган парагвайлик шоир Элвио Ромеро қатъий ишонч билан ёзади: «Фақат социалистик тузумгина ўзининг юксак техник ва иқтисодий даражаси, инсонга гуманистик муносабатда бўлганлиги билангина қашшоқликка бутунлай чек қўйиши мумкин. Ўзбекистонда худди ана шу нарса бош масала сифатида ҳал этилганлигини кўрдик... Агар биз қолоқлик ва жаҳолатдан қутулмоқчи эканмиз, худди шу йўлдан боришимиз керак».

Халқ ҳаёти, турмушини акс эттирувчи муҳим воситалардан бири адабиётдир. Халқ ҳаёти билан танишиш кўп ҳолларда унинг адабиёти билан танишишдан бошланади. Латин Америкаси мамлакатларида ўзбек адабиётини ўрганиш, таржима қилишдаги дастлабки ишлар асримиз ўрталарида анча жонланди. Бу даврда Латин Америкасидан кўплаб ёзувчи, олимлар, маданият ходимлари юртимизга келиб, ҳаётимиз билан шахсан танишдилар, адабиётимиз вакиллари билан алоқа ўрнатдилар. Шу тариқа ўзбек адабиёти вакиллари ижодига оид илк тадқиқотлар, ўзбек ёзувчилари асарларининг биринчи таржималари, республикамизга бағишланган очерклар юзага кела бошлади.

Айрим Латин Америкаси мамлакатларида, хусусан, Кубада совет адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти сўнгги вақтларда мунтазам равишда ўрганиляпти. Куба ёзувчилар ва санъаткорлар уюшмаси томонидан чоп этилган «Совет адабиёти» («Литература Советика») номли катта тўпламнинг XII сонида (418 бет) М. Горький, В. Маяковский, А. Блок, С. Есенин, А. Ахматова, М. Шолохов, Ч. Айтматов, Р. Ҳамзатовлар билан бир қаторда Ғафур Ғулом ва Зулфияларнинг ҳам асарлари испан тилига ўғиралган, улар ҳақида маълумотлар берилган. Бу ишлар адабиётимизни ўрганиш соҳасидаги илк қадамдир.

«АЛИШЕР НАВОИЙ. ШОИР ВА ЎРНАК БЎЛАДИГАН ИНСОН»

Латин Америкаси мамлакатларида бизнинг адабиётимизга оид чоп этилган илк китоб Алишер Навоий ижодига бағишлангандир. Аргентиналик адабиётшунос Луис Орсеттининг «Алишер Навоий. Шоир ва ўрнак бўладиган инсон» номли тадқиқоти Буэнос Айрес шаҳрининг Улиес нашриётида 1952 йили испан тилида босилиб чиққан. Мазкур асар Латин Америкаси мамлакатларида Навоий ижодига оид ишларнинг дастлабки ва энг муҳимидир. Бу китоб шу кунгача навоийшуносларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келди.

Луис Орсеттининг мазкур асари кириш, беш боб ва хотимадан иборат.

Китобнинг кириши уч қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисмда туркий қабилалар, Урта Осиё халқларининг бошқа халқлар билан алоқаси, исломнинг таъсири, сўфизмнинг келиб чиқиши каби масалалар устида тўхталган Л. Орсеттининг фикрича, «Эрон ва Урта Осиёда сўфизм ижобий хусусиятга эга бўлган» (II— бет). Л. Орсетти араб фалсафасига, айниқса араб мутафаккирларининг дунёқарашига қадимги юнон, хусусан, Аристотелнинг таъсири ҳақида тўғри маълумотлар беради.

Киришнинг иккинчи қисмида Чингизхоннинг юришлари, Урта Осиёни босиб олиши, учинчи қисмида эса Амир Темуր даври ёритилган.

Л. Орсетти Навоийнинг таржимаи ҳоли, айниқса, шоир бўлиб шаклланиши даврига оид тўғри маълумотларни келтиради. Еш Алишернинг бутун борлиги билан «Мантиқ-ут тайр»ни ўрганиши ва ота-онаси томонидан бу китоб манъ этилишигача ҳамда Алишер билан мўътабар ёшли Лутфий ўртасидаги машҳур суҳбатгача ва Алишер-Бойқаро муносабатлари, Навоий халқпарварлиги (18—22- бетлар) каби масалалар Луис Орсеттининг эътиборидан четда қолмаган.

Навоий араб ва форс тилларини аъло даражада эгаллаганлиги, бу тилларда эркин ёза олиши,

биноқ ўз она тилида шеърлар ёзиб, уларга «Навоий» деб тахаллус қўйиши каби масалаларга Л. Орсетти алоҳида диққатни жалб этади. У ёзади: «Форс ва араб тиллари Алишер қўлида итоаткор қуролга айланди. У форс тилида аввалроқ ёзган икки ғазалига «Фоний» («Ўткинчи») деб тахаллус қўйган бўлса, ўз она тилида яратган ғазалларига «Навоий» деб тахаллус қўйди» (19-бет).

Она тилини улуғлаган, она тилида ижод этган адибларни Л. Орсетти ҳурмат билан тилга олади. «Шеърят ўлкасининг уч буюк шоири Лутфий, Саккокий ва Қутб ўша давр киборлар жамиятининг ақидасига қарама-қарши ўлароқ,— дейди у,— нозик ҳис-туйғулар ва чуқур маъноларни ифодалаш учун ўз халқларининг тилидан фойдаландилар» (19-бет).

Хорижий мамлакат олимларининг Навоий ижодига бағишланган кўплаб асарларида манбани билмаслик оқибатида хатоларга йўл қўйилади ёки ҳақиқий ҳолат атай бузиб кўрсатилади. Аммо Л. Орсетти китобида Навоийнинг ҳаёти ҳамда ўша давр Хуросондаги тарихий воқеалар тўлароқ ва деярли тўғри акс этган. Фақат айрим ўринлардагина муаллиф ноаниқликларга йўл қўйган. Масалан, Л. Орсеттининг ёзишича, Навоий «ўз дўсти Жомий билан бирга пойтахтни тарк этиб» (22-бет) Астроבודга кетган эмиш.

Аргентиналик тадқиқотчининг ғазал жанри, унинг ўзига хос хусусиятлари борасидаги фикрлари ўқувчини лоқайд қолдирмайди. Л. Орсетти машҳур Саъдий Шерозий ва XII аср озарбайжон шоири Ҳоқоний ҳамда уларнинг давомчилари Амир Хусрав, Ҳофиз ва Жомийларнинг ғазал жанрига қўшган ҳиссалари хусусида гапиради (24-бет).

Китобда Л. Орсетти Ҳоқонийни Саъдийдан (1184—1292) сўнг тилга олган. Аслида Ҳоқоний Ширвоний Саъдий Шерозийдан аввал мелодий 1126—1198 йилларда Ширвонда яшаб, ижод этган озарбайжон шоири бўлиб, у уч минг байтдан иборат «Тухфатул Ироқий» маснавийсининг муаллифидир.

Аргентиналик навоийшунос олим ўз китобида «Ўлмас шеърларида у (Навоий — Х. И.) ҳақиқатни поймол этувчиларни, таъмагир ва риёкорларни қоралади; олижаноблик, самимийлик ва камтаринликни, ҳалоллик ва адолатни улуғлади. У илм ёғдусини жаҳолат зулматига қарама-қарши қўйди. Ҳақиқатга ва халққа хизмат қилувчи қалам аҳлини куйлади» (26—27-бетлар),— деган фикрни баён қилади.

Китобнинг «Достонлар» бобида хамсачилик аъналарини бошлаб берган Низомий Ганжавий ҳамда Амир Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Хотифий «Хамса»лари таърифланган. «Ҳайратул-аброр» ҳақида мухтасар маълумот берганидан сўнг, Луис Орсетти «Хамса»га кирган бошқа достонларни алоҳида-алоҳида бобларда ўрганади. Нима учундир Л. Орсетти «Лайли ва Мажнун»ни (29—35-бетлар) «Фарҳод ва Ширин»дан аввал (35—48-бетлар) келтириб, уни таҳлил этади. Навоий «Хамса»сига кирган достонларнинг ғояси, жанр хусусиятлари, тузилиши ва аҳамиятини муаллиф батафсилроқ ёритишга ҳаракат қилган.

«Навоийнинг барча достонларидан шоирнинг инсоний, гуманистик ғоялари яққол кўриниб туради. Унинг қаҳрамонлари афсонавий қиёфаларда эмас. Мажнун ҳам, Фарҳод ҳам олижаноб, ҳаётий инсонлардир. Фарҳоднинг энг катта қаҳрамонлиги — бу унинг ариқ қазиб, халқ учун сув чиқаришидир», деган тўғри хулосаларга келади тадқиқотчи (56-бет). «Мухими шуки,— деб таъкидлайди Л. Орсетти,— шоирни энг кўп қизиқтирган нарса — бу халқ тақдиридир» (57-бет).

Л. Орсетти китобининг яна бир жиҳати ўқувчи эътиборини тортмай қўймайди: Навоийнинг икки расми ҳамда ҳар бир достонга бағишлаб чизилган расмлар китобга илова қилинган. Мазкур расмлар миниатюра санъатига тақлидан бажарилган. Афсуски, рассом ҳақида маълумот берилмайди.

Л. Орсетти асосан рус тилида чоп этилган адабиётлардан фойдаланган. Ойбекнинг «Навоий» романи русча нашрини, Навоий ижодига бағишланган Е. Э. Бертельс асарларини, Липкин, Пеньковский, Державин таржималарини тадқиқотчи фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритган.

Луис Орсеттининг «Алишер Навоий. Шоир ва ўрнак бўладиган инсон» тадқиқотини XIX ва XX аср Европа шарқшуносларининг (хусусан, Белин, Буват, Катремер, Вамбери) Навоийга бағишланган ишлари билан қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, Л. Орсетти ўз олдига қўйган мақсадини — инсонпарвар шоирнинг дунё аҳамиятига молик бўлган асарлари билан ўз халқини таништиришни — яхши ният ва соф виждон билан ҳалол амалга оширган.

Шу ўринда Мексикада чиқадиган «Ла Вос де Мехико» газетаси муҳбири Э. Сепеда ҳикоясидан бир парчани келтириш ўринли бўлар:

«Регистон майдонидаги чойхонада мени хушбўй кўк чой билан меҳмон қилган кекса ўзбекни эсламан,— деб ёзади Э. Сепеда.— У менга ўзининг ҳаёти, орзулари, Қрим санаториясида ўтказган меҳнат отпускида, маошининг ошганлиги ҳақида гапириб берди. Мен бўлсам: «Эй улуғ Навоий! Сен буларнинг барчасини кўрганингда қандай бахтиёр бўлардинг», деб ўйлардим».

Беш асрдан сўнг ҳам кўпни кўрган бу кўҳна дунёнинг турли чеккаларида яшовчи, турфа тилларда сўзлашувчи халқлар буюк инсонпарварнинг асарларини ўқишлари, унинг номини ҳурмат билан тилга олишлари шоирнинг бахтидир.

«ЎЗБЕКИСТОН — БУ КЎЗГУ»

Аргентина Компартиясининг раҳбар ходимларидан Родольфо Гиольди Совет Иттифоқида бир неча марта бўлиб, юртимиз ҳаёти, тарихимиз ва бугунги кунимиз, адабиётимизнинг ўтмиши ва ҳозирги аҳволи билан атрофликча танишиб чиққан, чуқур ўрганган, ўз мамлакатига қиёслаган ва бунинг натижасида «Ўзбекистон — бу кўзгу» деб номланган китоб ёзиб, уни Буэнос-Айресдаги «Эдиториал фундаментос» нашриётида бостириб чиқарган.

Р. Гиольди Совет Иттифоқида кўп марта бўлган. Унинг 1956 йили Ўзбекистонга келиши шу сафарларининг биридир. Аргентинада ҳамда бошқа турли мамлакатларда босилиб чиққан уч юздан ортиқ китоб, брашюра, мақолалар Р. Гиольди қаламига мансубдир. Р. Гиольдининг 60 мақола, нутқларини ўз ичига олган «Танланган нутқ ва мақолалари» Москвада 1974 йили нашр этилди (Родольфо Гиольди. Избранные статьи и речи. Издательство политической литературы. Москва. 1974). Бу Р. Гиольдининг мамлакатимизда чоп этилган энг катта китобидир. Бу китобга сўз боши ёзган Аргентина Компартияси МК Ижрокомининг аъзоси Фернандо Надра Ўзбекистон тўғрисида

тўхталиб, ушбу фикрларни баён қилади: «Биз, аргентиналиклар учун Ўзбекистон намуна бўлиб хизмат этади; у (Р. Гиольди — Х. И.) бу ўлкани «бизнинг кўзгумиз» деб атайди. Чор Россиясининг собиқ қолақ бир ўлкаси Октябрдан сўнг тараққиётга юз тутди ва тез орада илғор республикага айланди, иқтисоди ва маданиятининг тараққиёти тезлиги, халқ ҳаёти даражасининг барча кўрсаткичлари бўйича Аргентинадан ўзиб кетди. Бунинг ҳаммаси социализм ва ленинча миллий сиёсат туфайлидир» (14-бет).

Сафар учун нега Ўзбекистон республикасини танладингиз, деган сўроққа Р. Гиольди қуйидаги жавобни берган: «Олдин қолақ бўлган, ҳатто капиталистик тараққиёт босқичини босиб ўтмаган мамлакатни капитализмни четлаб ўтиб, илғор социалистик давлатга айланиши натижаларини кўришни ёки бошқача қилиб айтганда Лениннинг машҳур тезислари ҳаётга татбиқ этилганлигини кўришни хоҳладим» (14-бет).

«Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатдики,— деб ёзади Р. Гиольди,— мамлакат фақат помешчиклар ва империалистлар зулмидан халос бўлганидан сўнггина барча районларни бир текис ривожланишига ва «камбағал ўлкалар»да яшовчи аргентиналикларни ҳозир ҳам, бир неча йиллар аввал ҳам қийнаб келган масалаларни ечишга шароит яратилади. Мана шунинг учун ҳам мен: келинг, ўзбек кўзгусига бир қарайлик, дейман» (15-бет).

Р. Гиольдининг ўйлашича, Ўзбекистон Аргентина учун бир намуна, бир андоза, ўрнатки олса арзийдиган бир ўлка.

Р. Гиольдининг «Ўзбекистон — бу кўзгу» китоби кириш ва ўн бир бобдан иборат бўлиб, бунда ўзбекларнинг келиб чиқиши, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбекларнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссалари каби масалалар ҳамда Ўзбекистон иқтисоди, қишлоқ хўжалиги, сўғориш системаси, шунингдек, маориф, медицина, фан заҳматкашлари ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур китобнинг ўнинчи боби хотин-қизлар озодлигига бағишланган. Унда муаллиф машҳур ўзбек олимлари, давлат арбоблари Ҳадича Сулаймонова, З. Умидова, В. Содиқова, Гулбаҳор Сулаймонова, шоира Зулфияларнинг ҳаёт йўли ҳақида мароқ билан сўзлайди. Р. Гиольди ўз китобининг ўн биринчи бобида (112—199-бетлар) ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида ҳаққоний фикрлар баён қилган. Муаллиф ўзбек классик адабиёти устида тўхталиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза ижодини тўғри баҳолайди (121—122-бетлар).

«ХI аср филологи Маҳмуд Қошғарий тўплаган кўп қўшиқлар,— деб ёзади Р. Гиольди,— ҳозирги кунларда ҳам ўзбеклар томонидан куйланади; улар халқ бахшиси куйлайдиган дoston деб аталмиш халқ қўшиқлари шаклида сақланиб келяпти» (120-бет).

Р. Гиольди Навоий ҳақида «Қадимги ўзбек адабиёти XV асрда яшаб, ижод этган Алишер Навоий («Наво», хушоҳанг, ёқимли) дегани) ижодига ўз чўққисига етган. У ёзувчи, шоир, тилшунос ҳамда инсонпарвар ва ўзбек адабиётининг асосчиси саналади» (121-бет).

Муаллиф Муқимий, Фурқат, Ҳамза ижодий йўли ҳақида ҳам ҳаққоний фикрларни баён қилади (121—122-бетлар).

«ҒАФУР ҒУЛОМ АЛОҲИДА УРИН ЭГАЛЛАЙДИ»

Инқилобдан кейинги ўн йилликларда Ўзбекистонда ўзбек адибларининг янги талантли бўғини етишиб чиққанлиги, бу ёш адиблар — Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғунлар ҳақида ёзар экан, Р. Гиольди: «Ғафур Ғулом булар ичида алоҳида ўрин эгаллайди» (118-бет),— деб таъкидлайди ҳамда Ғ. Ғуломнинг ушбу сўзини келтиради: «Менинг авлодимга мансуб шоирлар ўзимизни Октябр революциясининг фарзандлари деб ҳисоблаймиз, менинг ўзим Горький ва Маяковскийнинг шогирди, издошиман,— дейди Ғ. Ғулом Маданият министрлигидаги суҳбатимизда» (118-бет).

Маълумки, Ғафур Ғулом аргентиналик шоир Р. Г. Туньонга шеърый хат орқали мурожаат этиб, Аргентина ишчи-деҳқонларига салом йўллаган эди. Ғафур Ғулом қаламига мансуб мана шу шеърый хат қандай яратилганлиги тўғрисида Р. Гиольди ўз китобида ушбу маълумотни келтиради: «...Министрнинг ўзи мени маданий масалалар билан кенг, атрофлича таништирди, бошқа ўртоқлар — бўлим бошлиқлари, тажрибали ходимлар, шоир ва ёзувчилар унинг гапини тўлдирдилар. Бу йиғилишда Ғафур Ғулом ҳам бор эди.

Маданият министрлигидаги суҳбат давом этаётган вақтда Ғафур Ғулом ниманидир ёза бошлади. Тугатганидан сўнг у менига бир варақ қоғоз ўзатди — бу Аргентина халқига шеърый салом эди. Мен ташаккур билдирдим ва аргентиналик шоир Рауль Гонзалес Туньон уни ҳам шарафлаган бўлур эди, дедим» («Ўзбекистон — бу кўзгу», 121-бет).

Рауль Гонзалес Туньон (1905—1974) аргентиналик машҳур коммунист шоирдир. Унинг биринчи шеърлар тўплами 1926 йили босилиб чиққан.

Немис фашистлари мамлакатимизга бостириб кирганлигини эшитган Р. Г. Туньон 1941 йилиёқ ўзининг «Кимдир деворга ёзибди: «Яшасин Шўролар жумҳурияти!» номли ажойиб шеърини яратди.

Шеърда жумладан шундай сатрлар бор:

...Ким бўлсанг-да қошимга кел, биродар,
Сенга бағишлайман сардафтаримни...
Кўп нарсани кўрди энди кўзларим
Гап ўзи нимада! Ким ёзди ўзи!
«Яшасин Шўролар Жумҳурияти!»
Мен фақат бир нарса билмак истайман,
Кимдир у деворга ёзган, кимдир у —
«Яшасин Шўролар Жумҳурияти!»
Қичқирмоқ истайман қўшилиб — «ЯША»...

Бу шеър дастлаб бизнинг мамлакатимизда «Дўстларимиз нигоҳида» тўпламида рус тилида чоп этилди, ўзбек тилига у биринчи марта шоир Рауф Парфи томонидан таржима қилинди.

1963 йили Аргентина пойтахти Буэнос-Айресдаги «Аргентина Революцияси 1500 йиллиги номли кутубхона» нашриётида Рауль Гонзалес Туньоннинг катта шеърлар тўплами босмадан чиқди. Шу муносабат билан «Кларин» газетасида Р. Г. Туньон ижодига жуда катта баҳо берилиб, «Бу шеърый тўпланинг майдонга келиши кишини ҳаяжонлантирадиган, илҳомлантирадиган ҳодисадир... Шуниси қувончлики, Аргентинада улкан, ўзига хос, чуқур ва инсонпарвар лирик шоир яшапти. («Иностранная литература», 1963, № 3, с. 270.)

Р. Гиольди Ф. Фулом ижодини Р. Г. Туньонга яқинлигини сезган, шунинг учун бўлса керак аргентиналик шоир асарлари билан Ф. Фуломни таништирган.

Ғафур Фулом Родольфо Гиольдига тақдим этиб, аргентина шоирига етказишини илтимос қилган бу шеърда ушбу самимий мисраларни ўқиймиз:

**Мен деҳқонман,
Сиздаги деҳқонларга.
Мен ишчиман,
Сиздаги ишчиларга,
Яхши сўзлар кўнглимда тошиб ётар.
Сизга халқим ҳурмати ошиб ётар.
Қўшиқ учун ер юзида тўсиқ йўқ,
Қўшиқ бориб титратмаган уфқ йўқ.**

Шоиримизнинг бу шеъри албатта аввал сўзма-сўз рус тилига, сўнгра испан тилига ўгирилган, шундан кейин шоир Р. Г. Туньонга етказилган. Бу шеърни ким ўзбек тилидан рус тилига ва рус тилидан испан тилига таржима қилганлиги ҳеч қаерда кўрсатилмайди. Ф. Фулом шеърининг асл нусхаси испанча варианты билан қиёсланганда, шеър испанчага эркин таржима қилинганлиги кўзга яққол ташланади.

Аргентиналик шоир Р. Г. Туньон қисқа муддат ичида (шеърый хатни олган кунининг ўзида) Ф. Фулом шеърига 34 мисрадан иборат катта шеър билан жавоб қайтарган. Р. Г. Туньон шеъри ҳам ўзбекчага эркин таржима қилинган.

Родольфо Гиольди Ўзбекистонга 1956 йили келган, ўша йили Ватанига қайтиб, ўзининг ажойиб асари — «Ўзбекистон — бу кўзгу»ни чоп эттиришга улгурган. Шу китобнинг 127-бетида Ғафур Фулом шеърининг испанча таржимаси «Дўстимга салом» сарлавҳаси билан, 128—129-бетларда эса Р. Г. Туньоннинг Ф. Фуломга жавоб шеъри «Ўзбек шоирига шеърый жавоб» сарлавҳаси остида берилган. Мазкур шеърларнинг ўзбекча нашрида эса иккала асарга бир сарлавҳа «Юракдан юракка» деб қўйилган.

Родольфо Гиольдининг республикамизга келиши, юқоридаги шеърларнинг ёзилиш вақти ҳам ҳар икки манбада: «Ўзбекистон — бу кўзгу» китобида ва Ф. Фуломнинг мукамал асарлар тўпламида (Ун томлик, учинчи том, Т., 1972, 264-бет) икки хил.

Р. Гиольди ўз китобининг кириш қисмини шу сўзлар билан бошлайди: «Менинг Совет Иттифоқига сафарим 1956 йили бошланди. Улуғ социализм мамлакатининг саноқсиз ютуқларини ўз кўзим билан кўриб, ўз қўлларим билан ушлаб кўришга имкон беришди» (Ўша китоб, 5-бет).

Р. Гиольди китобининг муқовасига «Эдиториал фундаментос» (нашриёт — Х. И.), Буэнос-Айрес, 1956» деб, охириги муқовасига эса «1956 йил ноябрь ойининг 12-куни босилиб чиқди» деб ёзиб қўйилган.


Бу икки шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1962 йил 4 февраль сонининг — 4-бетида чиққан. Газетада Родольфо Гиольди юртимизга 1961 йили келган, шунда Ф. Фулом шеър билан салом хати ёзган, деган изоҳ берилади.

Ф. Фулом шеъри испан тилига таржима қилиниб, Р. Г. Туньоннинг жавоб шеъри билан биргаликда Р. Гиольдининг «Ўзбекистон — бу кўзгу» китобида хотиралар, изоҳлар билан 1956 йили чоп этилган бўлса, мўътабар нашрларда шеър 1961 йили ёзилган дейишга қандай жазм этамиз? Катта ишлар қилаётганимизда чуқурроқ фикр юритиб, кўпроқ китоб кўрсак, ҳар бир далилни қиёсий аниқлаб чиқсак фойдадан холи бўлмасмиди?!

Рауль Гонзалес Туньоннинг Ф. Фуломга жавоб шеъри ўта самимийлик билан, ватанимизга чексиз ҳурмат, муҳаббат билан ёзилган. Бу шеър шу сатрлар билан бошланади:

**Азиз дўстим Родольфо Гиольди
Бугун менга келтириб тақдим этди
Сенинг саҳий ватанингни чаманзор қирларидан
Гуркираган атир ҳидин...
Ишчиман,— дебсан экан,
Биздаги ишчилардан,
Деҳқонман,— дебсан экан,
Биздаги деҳқонлардан,
Менинг бутун ватаним,
Ватаним халқларидан
Улуғ халқингга салом!
Шунча овоз ичида менинг ҳам овозим бор,
Дўстим Ғафур орқали Ўзбекистонга салом!**

Буюк шоирлар асос солган дўстлигимиз алоқалари, адабиётимиз алоқалари янада ривож топишига ишонамиз. Тараққиёт йўлига кирган ўнлаб мамлакат адилларининг нигоҳи бизга қаратилган. «Ўзбекистон кўзгуси» улар учун бир намуна мактабидир.



МУҚАДДАС ТИЛ

**Мирзо Кенжабек. «Шарқ тили», «Еш гвардия»
нашриёти, Тошкент — 1988.**

Мирзо Кенжабекнинг «Муножот» китобига жамланган шеърларнинг таъсир саховати бизлардан ҳали бегона бўлмаган эди. Биз унинг чуқур ҳиссий кайфиятлар билан суғорилган, дардчил, теран ўйларига, фарзандлик эҳтиромига бой шеърлари, бир оз мутойибали, шу билан бирга ҳаётнинг жонли лавҳаларини ойнада акт эттиргандай ёрқин тасвирлаган муқаддас юрт туйғусини улғувчи «Ватан минтақаси» дostonи бахш этган ҳаяжонлардан йироқлашмаганмиз. Ҳамон ўша таассуротлар билан биргамиз. Ҳамон «Муножот»ни варақлаётимиз.

Халқимиз «яхши шеър — яхши дўст» деб бежиз айтмаган. Танҳо қолган пайтларнинг уни қайта-қайта ўқийсан. Узингга тегишли гапларни ундан топасан.

Шоир у шеърхоннинг бахтини қарангки, Мирзонинг янги китоби яна муҳлислари қўлида.

Китоб «муқаддас тил — шеърият» орқали ўқувчини гоҳ ўтмиш, гоҳ бугунимиз ҳақида фикрлашга, шу қиёс заминада инсон учун азиз бўлган ҳақиқатни тушунишга — ўзлигини таниб, ўзгаларни англашга даъват этади, чунки шоир айтганидай:

**Хилма хил бўлса ҳам элинг, Ота Шарқ,
Фақат шеъриятдир тилинг, Ота Шарқ.**

Дарҳақиқат, шеърият — айтилмаган оғриқлар, ушалмаган орзулар, дил тубига чўккан оғир-оғир армонлар. У ўтмишу келажакни бир-бирига боғлаб туради. Ундан «бефарқ» ўтмаганлар, «ёриқ ерларига тикилиб», «юррак — бағри тўкилиб ўтганларгина:

**Ўтмишнинг туманли кўзларин кўрдим,
Кўрдим келажакнинг тиниқ кўзларин, —**

дея олиши мумкин. Бу — шоир баралла ва баланд овозда айтиш ҳуқуқига эга бўлган гап. Шунинг учун озгина ўзбеккона лутф орқали қочирлиқлар сингдирилган бор йўғи тўрт сатргина бўлган «Чет эллика мақтаниш» шеърда у ёзади:

**— Узи, Ўзбекистон қандай юрт эрур!
— О, бунинг бағридан меҳмон аримас.
Келган ўзи қарир, боласи қарир,
Ва лекин сафари ҳеч ҳам қаримас!**

Алишер Навоий ҳар шеърни бир сабоққа, шоирни халққа сабоқ берувчи муаллимга ўхшатганлар. Бу билан сабоқ катта мақсадга қаратилмоғи, муаллим ўз «шоғирдларини» сабоқ пайтида

чалғитмаслигини, имкониятдан фойдаланиб, «пуч» эмас, «мағзи тўқ» теран мушоҳадаларга бой билим бериши зарурлигини уқтирган.

Мирзо шеърларининг сабоқ моҳияти устоз таъкидлаганидекдир. Оҳори тўқилмаган бадий ифодалар моҳиятни шарҳлашга хизмат қилади. У ер ости шаҳридаги Навоий бекати ёки Тошкентнинг эски шаҳари хусусида ёзадими — мақсад битта — уни сабоқ даражасига кўтариш. Ана шунинг учун ҳам ўхшатишларнинг қат-қатидан фикрлар бўртиб туради:

**Омон қолган гўмбазлар — бошлар,
Бу — Тарихнинг дубулғалари.
Очиқ турган сичналар, оғочлар —
Эски шаҳар қобиргалари.**

Кўз олдингиздан нуруний тарих ўтиб боради. Унинг қувончидан қайғуси кўп. Албатта, бесабаб эмас. Ҳаммасининг сабабчиси «Нивелир» — Оқибат эса:

**Йўқ, пинҳон қолур деб ўйлама, замон,
Темир сандиқларда ул қабих сирлар:
Бу кўзнинг қурбони жаҳонга аён:
Файзулла, Абдулла, Ҳамон Носирлар.**

Ҳамма вақт ҳам мавзу шоирга бир баҳона бўлиб хизмат қилган. У топган мавзуси орқали, унинг баҳонасида дилидаги айтмоқчи бўлган гапларини баён этган. Бу бизнингча, унинг учун биринчи мақсад, шеъриятнинг катта санъат эканлигини шеърхонга кашф этиб бериш. Уни инсон фикрининг гўзалликларидан бахраманд қилиш.

Шу маънода Мирзонинг ҳар янги шеърда фикрий гўзалликларни кашф этишга интилиши теранлик билан уйғунлашиб кетган:

**Боши ерда бўлса ўтмишнинг агар,
Оёғи осмонда бўлур келажак.**

Бу шунчаки огоҳлантиришмас. Аччиқ, «масхараомуз», лекин идрок аталмиш мўътабар даргоҳни ларзага солувчи, унинг етти осмонида зилзила пайдо қилувчи ҳукм. Бу ҳукмга ҳамманинг бепарво қарамаслиги муқаррар.

Ташбеҳлилиги жиҳатидан юқоридаги сатрларни устоз Навоийнинг:

**Жаҳондин нотаом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмак.**

мисраларига муқояса қилиш жоиз. Негаки, санъат даражасига кўтарилган шеърни баён этишмас, балки ҳамма вақт ўқиш, тўғрироғи ҳар бир киши ўз ички олами билан уни ҳис этиши керак, холос. Ҳақиқий шеър шу тилаклар борлиги туфайлигина яралади:

**Йиғлама. Тиз чўкма. Пухта қил ишни,
Ҳеч қачон сўз билан келмагин баланд.
Душманни «Оғажон» дея енгилсин
Кенжа ботирлардан ўргангин, болам.**

Шоирлар даврасида кечадиган гурунглarda «ҳақиқий шеър», «зўр шеър» таснифлари тез-тез қулоққа чалиниб қолади. Бу ибора баъзан классик шеърятимизга, айниқса, унинг шавқангиз ғазалиётидаги айрим ҳайратомуз байтлардан таъсирланиш натижасида айtilса, баъзан шеъримизнинг бугунги муваффақиятларини орттириб, кўз-кўзлаш маъносида ҳам такорланади. Шундай бўлиши қонуний. Чунки ўтмиш ва келажак маънавиятни бир-бирига азал мустаҳкам боғлаб турган ҳолат давомийлик деб тан олинган сизу бизга боғлиқ бўлмаган тарихий тараққиётнинг мутлоқ ҳодисаси.

Мирзони ажратиб, кўрсатиб турган шеърларидаги ҳодисалардан бири ўша давомийликни тўғри илғаб олганлиги, унга қатъий риоя этиши — ҳар бир шеърда ва ҳар бир сатрда маъно зичлигига амал қилиши, устозлар синовларидан муваффақият билан ўтган усуллардан фойдаланишидир. Далилларга мурожаат эта қолайлик:

**Мени мен истаган ўз сўхбатига
аржуманд этмас...
(Навоий)**

**Лабинг бағримни қон қилди,
кўзимдин қон равон
қилди... (Бобур)**

тарзида ёзган эди устозларимиз. Худди шунга ўхшаш Мирзо ҳам сўзларни ўз қудратини намоён этишга «мажбурлайди», Натижада, табиий, айтилиши керак бўлган самимий дардлар шеър бағрига сингиб боради. Шеър қайта-қайта ўқилад экан, у ўқувчи дардига — шеърхон дардига айланади. Мана муаллиф қандай ёзади:

Бир сўзим, қошида бир сўз нораво,

ёки бўлмаса:

**Бу шундай бинодир — мукамал, юксак,
Бинодир тафаккур, макр кучидан.**

Шоир ортиқча тафсилотларга ўрин қолдирмайди. Фикр тугунчаларини ечишда ҳамиша унга мантик изчиллиги хизматда. Ана шу маънода китобдан ўрин олган «Шарқ тили», «Тошкент. Эски шаҳар» шеърларидан тортиб, «Пушкинни тушуниш», «Кумушбинининг сурати»гача бўлган талай назмларни шоир ижодининг сара ютуқлари дейишга ҳақлимиз. Муаллифнинг ўзи уқтирганидек:

**Эй, дўст, менга таънавор боқма,
Ёнгил, Ёнгил. Яратгил шарар:
Дунёда энг тошжорак зот ҳам
Енаётган одамга қарар...**

Мухими, шоир ёнмоқда — «шарар» яратмоқда. Шунинг учун ҳам тўпلامдаги, ҳали айтмоқчи бўлган фикрлари тўла етилмаган, «ўз гапи» мавҳумлигича қолиб кетган айрим тўртликлар, баъзи муҳаббат мавзусидаги шеърларни камчиликлар деб қарамаслигимиз зарур. Зотан, янги барпо этилган бино ичра қадам қўйилганда уни бунёд этиш йўлида меҳнат қилган соҳибнинг хизмати ҳар вақт холис баҳоланган ва қадрланган.

Фарид УСМОН

САНЪАТГА МЕҲР НИШОНАСИ

Тилаб Маҳмудов, Яхшибой Олимов.
«Ўзбекистон санъатида инсон омили».
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, Тошкент — 1988

Инсон омили, инсоният тақдири КПСС сиёсатининг бош масаласи даражасига кўтарилган бу-

гунги кунда бадияят соҳасида амалга оширилган барча назарий, бадий ва амалий изланишлар юксак гуманистик аҳамиятга эга. Санъатшунос Тилаб Маҳмудов ва Яхшибой Олимовларнинг янги тадқиқоти айни ана шу маънода қимматлидир.

Монография КПСС XXVII съезди ва унинг кейинги Пленумлари қарорларида ўз аксини топган инсон маънавияти ва қадриятига оид ижтимоий-фалсафий теран концепцияларнинг шарҳи ва талқини, XX аср социал-иктисодий ва маданий тараққиётига оид серқирра ва мураккаб жараёнда Совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати мавқеини «инсон моҳияти ҳақидаги марксча-ленинча дунёқарашга асосланган ҳолда социалистик реализм эстетикасидаги янги инсон концепцияси... фалсафий-эстетик муаммоларни кун тартибига қўйиш билан бошланади.

Тадқиқотнинг «Марксча-ленинча инсон таълимоти» деб номланган дастлабки қисмида ўзбек олимлари, қадимги юнон мутафаккирларининг инсоншунослик таълимотидан бошлаб, Урта аср диний-идеалистик фалсафаси, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби Урта Осиё алломалари, уйғониниш даври назарийчилари ва немис классик фалсафасининг Кант, Гегель Фейербах каби буюк сиймолари қарашлари таҳлил этилади. Натижада, ўқувчи кўз ўнгида жаҳон инсоншунослик таълимотидаги энг муҳим босқичлар, принцип ва йўналишлар, кескин ғоявий курашларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти яққол намоён бўлади. Ана шу курашларнинг энг адолатли, гуманистик босқичи сифатида марксча-ленинча инсоншунослик таълимотининг пайдо бўлиши ва ниҳоят, қайта куриш даврида бу назариянинг янги, янада юксак, гуманистик, умуминсоний қирралари кашф этилаётганлиги илмий, мантикий ва фактологик жиҳатлардан тўла асослаб берилган.

Инсоният тарихий тараққиётининг деярли барча босқичларини қамраб олган бу қисмдаги илмий мулоҳаза, мунозара ва муносабатлар ҳосиласи ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва санъатининг энг яхши ютуқлари таҳлили билан боғланади. Бироқ Марксгача инсоншунослик тарихи тараққиёти назариясини изчил таҳлил эта бошлаган олимлар нима учундир қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой файласуфларининг инсоншунослик моҳияти, хусусан, конфуций ёки локаята («чарвақлар») ва мусулмон Шарқдаги сўфизм таълимотларини четлаб ўтадилар. Модимки, марксгача бўлган таълимотлар системаси таҳлил объекти қилиб олган экан, жаҳон инсоншунослиги хазинасига катта назарий ҳисса қўшган бу қарашларни тафаккур тарихи занжиридан узиб ташламаслик мақсадга мувофиқ эди. Айни ана шу таълимотлар Урта Осиё, хусусан, ўзбек адабиёти, маданияти ва санъатига руҳан яқинлиги ҳисобга олинса, бу узилиш янада ёрқинроқ намоён бўлади. Ўзбек файласуф олимларининг Марксгача бўлган жаҳон инсоншунослиги таълимотига Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирза Абдулқодир Бедил, ҳатто Ғаззолий, Яссавий, Боқирғоний, Жалолиддин Румий каби мутафаккирлар қарашлари ва курашларини киритмаганликлари, Шарқ ва Ғарб инсоншунослиги мушоҳадаларини қиёсий боғлаб кўришга уринмаганликлари, у ҳақиқатларни обзор тарзида бўлса ҳам эслаб ўтмаганликлари очиқ сезилади. Чунки фалсафий таълимотлар тарихидан хабардор кишилар учун бу жабҳада тадқиқотчилар позицияси муҳим бўлса, беҳабар ўқувчилар учун илмий ахборот бериш мақсадга мувофиқ эди.

Монографиянинг иккинчи боби социалистик реализм ва янги инсон концепцияси масалаларига бағишланган. Муаллифлар ўз мушоҳадаларини

буюк Фирдавсийнинг «занжирнинг охириги ҳалқаси» бўлган инсон ва унинг тафаккур кудрати ҳақидаги дохиёна фикри билан бошлайдилар. Ана шу эътирофнинг ўзиёқ, олимларнинг аввалги бобдаги мусулмон Шарқи фалсафий назариясига бўлган эътиборсизликларини яна бир қарра эсга солади ва мазкур йирик назарий тадқиқот Шарқ тафаккури насимидан бебаҳра қолганлиги афсуслантиради.

Мазкур бобда, олимлар изчиллик билан социалистик реализм гносеологияси, унинг шаклланиши жараёнидаги маънавий курашлар, эстетик идеал ва унинг социалистик реализм методига мансуб асарларда инъикос этиши босқичларини ёритиб берадилар. Бу аснода Н. Г. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?», М. Горькийнинг «Она» каби асарлари, бу асарларга ленинча муносабат масалаларига оид мулоҳаза ва мушоҳадалар қимматлидир. Социалистик реализм методининг Ҳамза, Айний, Комил Яшин, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор каби йирик бадийят алломалари ижодида намоён бўлиши, неча минг йиллик классик адабиёт тарихида сира учрамаган янги ижобий қаҳрамонларнинг пайдо бўлиши асосларига оид эстетик фалсафий таҳлил ва талқинлар қимматлидир.

Ўзбек адабий ҳаётида 60—70-йилларда пайдо бўлган «Тугилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Машъал», «Қора кўзлар», «Умид», «Ҳазрати инсон», «Дённат», «Нур борки, соя бор», «Гирдоб» каби романлар ўзбек адабиёти тараққийнинг янги босқичи сифатида баҳоланади. Бу таърифда жон бор. Чунки ўзбек адабиётидаги ҳозирги изланишлар янги қаҳрамонни кашф этиш учун кураш ва эришилган айрим ютуқларнинг ўзи ҳам истикболга умид туғдиради. Бироқ монография муаллифларининг Заргаров, Луқмонча, Аҳмаджон, Ориф, Онахон, Эъзозхон, Муқаддас, Ҳилола каби бир қатор эътиборга арзигулик персонажларни «монументал руҳ ва ҳайкалдай аниқ қиёфасига эга бўлган инсон образи» (69-бет) деб баҳолашларига қўшилиб бўлмайди. Назаримизда, муаллифлар ана шундай ўринларда меъёрни йўқотиб, эҳтиросга, муайян муболағаларга берилиб кетганга ўхшайдилар. Шунга қарамай тадқиқотчиларнинг ўзбек адаблари ижодига чексиз муҳаббати, улар яратган бадийят намуналаридан фалсафий мазмундорлик, эстетик идеал куртакларини кашф этишга уринганликлари яхши таассурот қолдиради.

Монография муаллифларининг ўзбек адабиёти асарларида хотин-қизлар сиймоси ва уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳит таъсирида ўсиб, ривожланиб бориш жараёнига оид қиёсий таҳлиллари таҳсинга лойиқ. Бу маънода Жамила, Гулнор ҳамда коммунист-ташкilotчи Саида ва Ҳуррият образларининг қиёсий таҳлили, чиқарилган илмий хулосалар алоҳида қимматга эга. Адабий таҳлил объектига Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Гулчеҳра Нуруллаев, Ойдин Ҳожиёва, Рауф Парфи сингари шоирлар ижоди жалб этилганлиги, аниқроғи, бу ижодкорларнинг фалсафий таҳлил оламига бевосита олиб кирилганлиги тадқиқот қиммати оширган. Шу бобдан бошлаб муаллифлар, монография тадқиқи объектлари мажмуасига тасвирий санъат намоёндаларини ҳам жалб этадилар. Тўғри, бир қатор истеъдодли рассомларнинг исми-шарифлари фақат санаб ўтилди. Марҳум Шухрат Абдурашидов, ёш рассомлардан Р. Шодиев, М. Нуриддинов, А. Икромжонов, Г. Чернухин, М. Тўхтаевларнинг асарлари монографияда кенг таҳлил этилганлиги катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Тилаб Маҳмудов ҳамда Яхшибой Олимовнинг тасвирий санъат асарлари таҳлили, аниқса фалсафий-эстетик йўналишдаги илмий асарлари жамоатчиликка аён. Улардаги профессионал аниқлик ва теранликка ҳавас қилса арзийди. Жумладан, Ш. Абдурашидовнинг «Қувасоёй» картинасидаги миллийлик, замонавийлик, психологизмни; М. Нуриддинов ижодий дастхатига мансуб бўлган Брейгель тасвирий услубига мойиллик тенденцияларини кашф этиш учун ўткир нигоҳга эга бўлиш зарур.

Бу бобда қаламга олинган тасвирий санъат асарлари таҳлиliga оид фазилатларни зарра камситмаган ҳолда, айрим асарлар таҳлиliga объектив раціонал мушоҳададан кўра эҳтирос устунлик қилишини ҳам эътироф этишга тўғри келади. Жумладан, А. Икромжоновнинг «Ғалаба» деб номланган полотносига доир таҳлил ва талқинга қўшилиб бўлмайди. Расмда кенг чўл, чопиб бораётган икки от тасвирланган. Олдингиси яланғоч, эгар-жабдуқсиз, кейинги от эса ҳозирги кун спортчилари ишлатадиган эгар-жабдуқли, устида суворий билан тасвирланган. Шу манзарани муаллифлар қуйидагича шарҳлайдилар: «Бепоеён осмон ва кенг дала бағрида от минган бола кўйлагини байроқ қилиб «Ғалаба» хабарини қишлоқма-қишлоқ тарқатиб юрибди. У минган отнинг тувёқлари ерга тегар-тегмас учиб борди. Ҳаммаёқ кўм-кўк. 9 Май «Ғалаба»си бутун оламга тинчлик ва осойишталик бергандай туюлади» (84-бет). Аслида эса, рассомнинг муайян маънодаги профессионал, соф академик маҳоратини инкор этмаган ҳолда юқоридаги таҳлилга қўшилиб бўлмайди. Шунини айтиш кифояки, қишлоқ боласи отни бунақа минмайди, қишлоқда бунақа эгар-жабдуқ ишлатилмайди ва х. к. Агар бу ҳол 1945 йилларда рўй бераётганлиги ҳисобга олинса, картинада «Ғалаба» тушунчасига мос келадиган бирорта ҳам деталь кўринмайди. «Анджиган военкомта полковник Д. Р. Раҳматуллаев портрети» номли бадий полотно таҳлиliga оид саҳифаларда ҳам ана шундай ҳолга дуч келамиз. Бироқ шунга ўхшаган жузъий камчиликларга қарамай, фалсафий тадқиқот объекти доирасига тасвирий санъат олами дадил ва кенг кўламда киритилганлиги муаллифларнинг ибратли ютуғидир.

Монографиянинг Чингиз Аҳмаров, Баҳодир Жалолов, Абдулҳақ Абдуллаев каби улкан сиймолар ижодига бағишланган саҳифалари ҳам маҳорат билан ёзилган. Шунингдек, Б. Хамдамий, А. Сидиқий, Л. Насриддинов каби 30-йиллар рассомлари асарлари таҳлил этилгани ҳам тадқиқот фазилатини оширган.

Шу бобда тадқиқотчилар ўзбек совет адабиёти, театр санъати ва тасвирий санъати лениномаси мавзуга тўхталиб, ҳайрли иш қилганлар. Л. Абдуллаев, Н. Қўзибоев, Х. Ҳусниддинхўжаев каби бир қатор рассомлар, С. Табибуллаев, Ш. Бурҳонов каби йирик актёрлар томонидан бунёд этилган В. И. Ленин образи ҳақидаги фикрлар ҳам ўқувчида яхши таассурот қолдиради. Таҳлилга Н. Погодин, К. Яшин каби драматургларнинг етуқ асарлари жалб этилганлиги ўзбек саҳна ва тасвирий санъат лениномасини мукамал ёритишга имкон яратган.

Монографиянинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта бўлган ана шу бобда ҳам айрим нуқсонлар мавжудки, уларни ҳаспўшлаб ўтиш адолатдан бўлмасди. Жумладан, рассом Г. Зильберманнинг ўзбек миллий воқелигини инъикос эттиришга мойил ва моҳирлиги ҳақида асоссиз муболағалар қилинади (117-бет). «Ёрқин мисол» тариқасида келтирилган шу рассомнинг «Қирқ кокилли қиз»

номли асари ҳам ортиқча таъриф ва тавсиф қилинади.

Мазкур тадқиқот юксак интернационализм руҳида ёзилган. Тадқиқ объекти ва предмети доирасига турли миллат вакиллари — ўзбеклар, қозоқлар, корейслар, арманлар, руслар, озарбайжонлар, татарлар ва бошқа миллат адиб ва санъаткорлари асарлари жалб этилган. Муаллифлар бу ишда кўп миллатли Совет Ўзбекистони санъатининг реал воқелигидан келиб чиққанлар.

Монографиянинг илмий теранлиги, композицион ихчам, изчил ва яхлитлиги, тилининг равлонлиги каби яна бир қатор фазилатларини эътироф этиш лозим. Шунга қарамай, нашрга оид қатор нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Даставвал китоб номи билан мазмуни мутаносиб чиқмаганини таъкидлаш лозим. «Ўзбекистон санъатида инсон омили» деб номланиши ва фақат тасвирий санъатга мансуб зарварақлар, рангли суратлар билан безатилиши кишини чалғитади. Ҳолбуки, китоб номига «адабиёт» сўзи ҳам қўшилса, иллюстратив материаллар кино лавҳалари, спектакль кўринишлари ва адабий суратлар билан бойитилса, мантиқан изчил ва тўғри тус олган бўларди. Ҳозирги ҳолатида эса моногра-

фиянинг мазмуни ва шакли ўртасидаги зиддият яққол кўзга ташланиб турибди.

Монографияда «У. Тансиқбоев хотираси», «Со-ра Эшонўраева портрети», «Эвара», «Эслаш», «Бахтиёр бобо», «Норозилик», «Эски тегирмон», «Ўзбек театрининг туғилиши» каби бир қатор ёрқин ифодали картиналарнинг репродукциялари мавжуд эканлигига қарамай, улар тадқиқ ва таҳлил объектига жалб этилмаган.

Муаллифлар социалистик реализм эстетикаси хусусида фикр юритиб, «Ҳамза «Бой ила хизматчи»да Гофир ва Жамила образларини яратишда» М. Горькийнинг «Маҳорат мактабидан баҳраманд» бўлганлигини (64-бет) таъкидлайдики, бу махсус исбот-далилларни талаб этади.

Ҳанузгача ўзбек адабиёти ва санъати, айниқса унинг ёш ижодкорлари асарлари намунасида инсоншунослик проблемаси бу қадар чуқур ва кенг кўламли таҳлил этилмаган эди. Шунинг учун ҳам бу монографияни ўзбек санъатшунослиги, адабиётшунослиги ва эстетик-фалсафий тафаккури тараққиёти жараёнида катта воқеа деб аташга ҳамма асослар мавжуд.

• Сотимхон ИНОМХУЖАЕВ



Акс садо

РАСМИЙ ЖАВОБ
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИГА

«ЯНГИ ПРЕДМЕТГА МУНОСАБАТ ШУМИ?» МАҚОЛАСИ ТЎҒРИСИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил 1-сонида эълон қилинган «Янги предметга муносабат шуми?» мақоласи Министрнинг биринчи ўринбосари ўртоқ С. Г. Махненко ҳузурида Республика ўқув-методика маркази, умумий ўрта таълим Бош бошқармаси ходимлари, мақола ва «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» дарслиги муаллифлари иштирокида муҳокама қилинди.

Мақолада билдирилган фикрлар тўғри деб эътироф этилди.

Умумий ўрта таълим мактабларида «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» фанини ўқишни яхшилаш мақсадида шу йил давомида янги қўлланма тайёрлашга қарор қилинди. Бунинг учун икки муаллифлар гуруппалари тасдиқланди. Бу гуруппаларнинг бири ўқувчилар учун дарслик, иккинчиси хрестоматияни яратадилар.

Ўзбек халқининг миллий урф-одати, психологиясининг ўзига хос томонлари ўз ифодасини топиши каби вазифалар қўйилди.

Шунингдек, дарслик яратишда педагогика, психология, ва этика соҳасида ижодий иш олиб бораётган мутахассисларни жалб этиш тавсия этилди.

Бу масала министрлик назоратида турибди.

Министрнинг биринчи
ўринбосари (Имзо)

ҚОРАБОЕВ М. К.



БИР САТРИ ҲАМ УНУТИЛМАЙДИ

Ўзбек адабиёти тарихида ачинарли даражада қисқа ва фожиёна ҳаёт кечирган шоирлар оз эмас. Бундай шоирлар инқилобдан аввалги даврларда ҳам бўлган, кейин ҳам яшаган. Аммо биз, адабиёт тарихчилари, уларнинг пок номларини зулматли йиллар ғуборидан халос этишдек зарур ва муқаддас юмушга ҳамон журъат этолмай турибмиз. Ҳолбуки, уларнинг бугун ахтариб топиш мумкин бўлган асарларини эртага тилла сарф қилиб ҳам йиғиб ололмастлигимиз мумкин. Қайсидир архивлар, қайсидир газета бойламлари, худди кечагидек, бугун бўлма-са эртага кулга айланиши мумкинлигини унутиб қўямиз чоғи.

Усмон Носир фавқуллода қисқа ижодий умр кечирди. Тақдир унга ҳаёт ва адабиёт гул-шанида атиги чорак асргина яшаш ва ижод этиш имконини берди. Бироқ ана шу йиллар ҳам азоб ва уқубатдан холи бўлмади. Унинг бундан кейинги ҳаёти эса мудҳиш дарбадарлик гир-добида кечди.

Биз унинг ўша йилларда ва ўша шароитда ҳам ижод этганини биламиз. Аммо унинг на дарбадарликнинг совуқ сўқмоқларида, на дориломон ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида ёзган асарларини излаб топиш учун жон куйдирганимиз йўқ. Бизнинг бундай лоқайдлигимизни келажак авлодлар қандай баҳолар экан — буни билмадим. Ҳар ҳолда қарғиш сўзларини эшит-маслик учун бугунги ғанимат кунлардан фойдаланмоқ зарур.

Камина эски газета ва журнал тахламларидан Усмон Носир қаламига мансуб бир неча шеър ва таржималарни топиб, унинг бошқа асарларини ҳам қўлга киритиш умиди билан яшаётганлардан бири бўлсам ажаб эмас. Қидирган қир ошади, дейдилар. Шояд умид ва изланишлар зое кетмаса.

Йигирма беш ёш шеърятга кириб келаётган ҳатто энг истеъдодли шоир учун ҳам балоғат ёши эмас. 20- ва 30-йилларда яшаган Усмон Носирга тенгдош шоирларни эса умуман бугунги шеърятимизнинг гази билан ўлчаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Усмон Носирнинг 1935—1936 йилларга оид барча асарларига адабиётимизнинг бугунги юксак талабларидан келиб чиқиб ёндашиш тарихийлик принципига хилоф бўлади.

Усмон Носир шеърлари 1935—1937 йилларда эндигина шира торта бошлаган эди. Аммо ана шу жараён шу қадар тез суръатлар билан кечаётган ва ўзининг гўзал меваларини бераётган эдики, шеърят шинавандалари унинг тобора баланд кўтарилаётган юлдузидан энг улкан шоирларнинг аксини кўраёзган эдилар. Усмон Носирни ўзбекнинг Пушкини ё Лермонтови деган таъбирлар кенг тус ола бошлаган эди.

Аммо у ҳали на Пушкин, на Лермонтов даражасига кўтарилмаган, балки уларнинг ўлмас асарларини таржима этиш — уларни ўзбек тили торларида русчадагидек раvon ва латиф жаранглашиш асосида улкан маҳорат мактабини ўтган ва айниқса машҳур бўлган эди.

Усмон Носирнинг биз тилга олган таржималари 1935—1936 йилларга оид. Бу йилларда кўп миллатли совет халқи ўртасида кинофильмлар учун ёзилган қўшиқлар катта шуҳрат қозонган; Д. Шостакович, И. Дунаевский, А. Александров, А. Авдиенко, Дм. Покрасс сингарни композиторларнинг оммавий асарлари барча совет халқларининг севимли қўшиқлари сифатида кенг ижро этилмоқда эди. Худди шу даврда бу қўшиқлар ўзбек тилига ҳам таржима этилиб, шавқ-завқ билан айтила бошлади. Уларни ўзбек тилига таржима қилиш ишига биринчилардан бўлиб Усмон Носир киришди. У 1935 йилда Д. Шостаковичнинг «Уйғон, оппогим» қўшиғи сўзларини она тилига ўғирди. Ўзбек йигит ва қизлари Улуғ Октябрь инқилобининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан бу қўшиқ сўзларини ёд олиб, уни байрам намойиши ва кечаларида жон-диллари билан куйладилар (Кейинчалик бу қўшиқ «Ўзатиш» сарлавҳаси остида машҳур бўлди).

1936 йилда, ВЛКСМнинг X съезди ва ЎзЛКСМнинг VII съезди арафасида ўзбек тилида оммавий қўшиқлар яратиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги радиолаштириш ва радиоэшиттириш комитети республикамизда жанговар ашулалар яратиш ҳақида қарор қабул қилдилар ва катта конкурс ўтказдилар. Бу конкурсдан мақсад «социалистик қурилишнинг барча участкаларида ленинча миллий сиёсатнинг ғалабаси ва комсомолнинг биринчи ҳам содиқ ёрдамчиси сифатидаги роли»ни акс эттирадиган, «кўплашув ва яқка равишда айтилтурган» энг яхши хор, қўшиқ ва куй яратиш эди. Конкурс ташкилотлари «барча ёзувчилар, ижодчи ходимларни, композиторлар ва музикантларни Совет Ўзбекистони комсомоли ва ёшлар учун янги қўшиқларни вужудга келтириш ҳам уларга куй яратиш»да фаол иштирок этишга чақирдилар. Қўшиқ сўзи учун ҳар бири минг сўмдан иккита биринчи, ҳар бири 750 сўмдан иккита учинчи ва ҳар бири 100 сўмдан тўртта учинчи даражали мукофотлар таъсис этилди.

Конкурс иштирокчиларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида республика матбуотида ўша йилларда машҳур бўлган қатор совет қўшиқлари ўзбек тилига таржима этилди ва нотага солиб берилди. Ана шундай қўшиқларнинг аксар таржимаси Усмон Носир томонидан бажарилган эди.

Усмон Носир ўз таржималарида текст мазмунини мумкин қадар аниқ ва тўла беришга уринган. Аммо бу таржималар биринчи навбатда тайёр куйга тушиши лозим бўлгани сабабли у ўзининг таржимонлик маҳоратини кўрсатиш имкониятига эга бўлган эмас. Бунинг устига, таржима сўзларини нотага туширган композитор Штемберг Усмон Носирдан маъно жиҳатидан айниқса ўринли бўлган сўзларни оҳанг талабига мос келувчи ифодалар билан алмаштиришни талаб қилган. Натижада таржима сўзлари биз кутган бадиий даражада эришмай қолган. Шунга қарамай, улар ўша йилларда кўп нусхаларда чоп этилиб, самолётларда республика шаҳарлари устидан сочилган, Штембергнинг гувоҳлик беришига кўра, ёшлар томонидан севилиб куйланган ва халқ ўртасида катта шуҳрат топган.

Буюк Навоий жуда барвақт оламдан кўз юмган Мирзобек исмли «инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона» бўлган шоирнинг зулқофиятайн байтини катта меҳр билан адабиёт тарихида олиб қолган эди. Усмон Носирнинг ушбу таржималари гарчанд бадиий етукликдан хийла берида бўлса-да, маданиятимиз тарихида қолиши лозим. Аксинча, биз бу оташнафас шоирнинг турли архивларда ва замондошлари хотирасида қолган асарларини зудлик билан тўплашга киришувимиз зарур.

Наим КАРИМОВ

Кузатиш

Д. Шостакович музикаси Б. Корнилов сўзи

Тонг саҳар, сабо салқинида
Кутар шамол билан дарё.
Эркал, нега хурсанд эмассан,
Гудок урса завод ҳар ён.

Уйғон, қўзим, тургил, гўзал,
Цехларда янграр бонг.
Ватан турар шуҳрат билан,
Отар гўзал оқ тонг.

II


Бригада бизга интизордир,
Табассум билан боқасан.
Улар билан бирга меҳнатинг
Шодлигида сен оқасан.

Меҳнат сенга ҳам, оппоғим,
Берадир сенга ҳам онг.
Ватан турар шуҳрат билан,
Отар гўзал оқ тонг.

III

Ушал билан сен зўр, музаффар,
Юр, бизнинг ёшлик, илгари,
Сенинг ўрнингга янги насл
Чиқмагунча сен сингари.

Ҳам ҳаётга шовқин билан
Урар у шонли донг.
Ватан турар шуҳрат билан
Отар гўзал тонг.



Янгибой Худойберганов

Кўрдим

Утмасдай туюлиб фасли қаҳратон,
Изгирин аёзи ўртаб беомон.
Тўйиб, ҳалқумимга келганида жон,
Баҳор келиб, музнинг кўчганин кўрдим.

Савобу гуноҳдан сўз айтиб, алҳол,
Ичилса, имонга етгай деб завол,—
Бу не сабоқ бўлди, бу қандай аъмол,—
Муллонинг май, шароб ичганин кўрдим.

Ноҳақ бўлса ҳамки, ул қилган даъво,
Иғвогар иғвоси ҳақ бўлди гоҳо,
Таажжуб, элдаги энг ақли расо —
Дононинг иғвога учганин кўрдим.

Яхши бир сўз бўлиб баҳона-сабаб,
Нур ёғиб дилларга, тинчланиб асаб,

Қўлни-қўлга бериб, ёзилиб-яйраб,
Ғанимнинг даъводан кечганин кўрдим!

Ҳамиша эзгулик ғолиб бешумор,
Сохта шон-шавкатлар ўткинчи, бекор.
Оқибат саботу қаноат пойдор,
Шухратнинг камтарни кўчганин кўрдим.

Айтинг-чи, учмоқни ким қилмас орзу? —
Тулки тинчин олиб шу олий туйғу,
На қисмат, кўзидан ёш оқиб дув-дув,
Бургутнинг комида учганин кўрдим!

Оламни сув босса, беҳисга не ғам,
Давронга масъуллик — самовий инъом.
Дунёвий туйғулар қалбин қилиб ром,
Шоирнинг изтироб чекганин кўрдим...

Усмон Темур

Бир танишимнинг уйида...

Бир четда, хавотир ичида
Беруний тикилар бизларга.
Бир ёнда ҳазрати Навоий
Кўзини тикади кўзларга.

Бир ёнда Сино-ю, ар-Розий,
Бу ёқда Бобур ўй суради...
Бор эди кўп ҳофиз, раққоса,
Ҳаттоки Машрабнинг сурати!

Ўнгдаги деворда кўраман
Бу таниш аканинг ўзини!
Ёнида турибди хотини
Эркалаб ўғилу қизини...

Суратлар...
Суратлар...
Суратлар...
Не зотлар бу ерда жам эди.

Нимадир йўқ эди деворда,
Кимлардир кам эди...
Кам эди!

Ниҳоят сўрадим ботиниб
Не қилай, юрагим буюрди:
— Акахон, отангиз, онангиз
Сурати кўринмас бу ерда?

— Э, шоир! — сўзлади акахон,—
Шарт эмас уларнинг сурати.
Отамиз, онамиз — деҳқонлар,
Бу уйда буюклар туради!

НАСР

Асқад Мухтор. Тақдир кимнинг қўлида? Ҳикоя	2
Асад Дилмурод. Мулк. Қисса	23
Асад Асиров. Тоғликлар. Қисса	81 7/
Сотволди Ражабов. Йигирманчига ўтар кечаси. Ҳикоя	128
Исажон Султонов. Икки ҳикоя	139
Аҳмаджон Луқмонов. «Қисматда бўлса найлайин...»	162

ШЕЪРИЯТ

Усмон Қўчқор. Шуълалар тўкилиб ётади ойдан	14
Эшқобил Шукuroв. Сургун. Туркум	18
Азиз Саид. Садоқат рамзидир шу икки кўзим	63
Самандар Воҳидов. Юлдузлар шивирлаб чалади чапак	68
Баҳром Ғойиб. Меҳнат билан ўтди кунларим	122

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Ҳаётхон. Гулларга сирингни сўйлаган сахар. Шеърлар	125
--	-----

МУШОИРА

Юраклар чайилсин зиёга. Ғулom Мирза, Саодат Ҳакимова, Тўрамурод Раҳмонов, Шавкат Ҳасанов, Холбек Тошев, Дилшод Қаюмов, Қўчқор Норқобилов, Абдурасул Жумақулов, Набижон Жалолов шеърлари	131
---	-----

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Шерали Турдиев. «Падаркуш» фожиаси ҳақида	148
Садриддин Айний. Беҳбудий руҳина иттиҳоб	155
Лазиз Азиззода. Беҳбудий	156

ДРАМАТУРГИЯ

Маҳмудхўжа Беҳбудий. Падаркуш. Фожиа	150
--	-----

ПУШКИНХОНЛИК

Пушкин. Шеърлар	146
---------------------------	-----

НОДИР САҲИФАЛАР

Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар	157
------------------------------------	-----

САНЪАТ

Саодатхон Мирхўжаева. Ўзбек операсига бир назар	168
---	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

Шоди Каримов. Тил билмаган дил билмас	173
Рефик Музаффаров. Мангуликка даҳлдор партизанлар	178

ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР

Абдушукр Хоназаров. Дарахт — ернинг либоси	182
--	-----

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Абдуғафур Расулов. Романнинг машаққатли йўли	185
--	-----

ТАНҚИДНИ ТАНҚИД

Азим Раҳимов. Замон синови	191
--------------------------------------	-----

АДАБИЕТЛАР ДЎСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

Хайрулла Исматуллаев. Саховатли қалб мадҳи	196
--	-----

ТАҚРИЗЛАР

Фарид Усмон. Муқаддас тил	200
Сотимхон Иномхўжаев. Санъатга меҳр нишонаси	201

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Наим Каримов. Бир сатри ҳам унутилмайди	204
---	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Янгибой Худойберганов. Кўрдим	206
Усмон Темур. Бир танишимнинг уйида	206

ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

1990 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Шу йил охиригача ва келгуси йилда республикамиз ҳамда мамлакатимизнинг энг яхши адиблари томонидан яратилган романлар, дostonлар, қиссалар, шеърӣ туркумларни ёритиб бориш ниятидамыз. Йил давомида эълон қилинган қайси асарлар сизларга ёқди, қайсилари маъқул бўлмади? Бу ҳақдаги фикрларингизни ёзиб юборсангиз, «Акс садо» рубрикаси остида ёритамыз. Сиз қайси адибларнинг асарларини ўқишни исташингизни ҳам билгимиз келади. Шунингдек, журналда кўпчиликни ҳаяжонга солаётган жиддий муаммолар мунтазам ёрилади. Ҳозирга қадар ўрганилмаган, адабий-бадиий, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳам сизларга етказиш ниятимиз бор. Эслатиб ўтамыз: бу йилги обуна 1 октябргача давом этади. Обунани алоқа бўлимларида ёки иш, ўқиш жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

«Шарқ юлдузи»га обуна ЧЕКЛАНМАГАН миқдорда қабул қилинади.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 7

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник муҳаррир **А. Ҳайдаров.**

Рассом **Ғ. Алимов.**

Корректор **М. Имомов**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 10.05.89 й. Босишга рухсат этилди 26.06.89 й. Қоғоз формати 70×108^{1/16}. Р-07643. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Шартли босма тобоғи 18,2+0,25 (зарварақ). Шартли-рангли босма. 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 150282. Буюртма 820. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.